

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

“ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”
МАРКАЗИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI” MARKAZI
HETUP «STRATEGIYA RAQIBIYI»
DEVELOPMENT STRATEGI CENTER

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича
харакатлар стратегияси тўғрисида»ги
ПФ-4947-сонли фармонида белгиланган вазифаларнинг
ижросини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий
ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича

**ЙИҒМА ТАҲЛИЛИЙ
МАТЕРИАЛ**

ТОШКЕНТ - 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича
харакатлар стратегияси тўғрисида»ги
ПФ-4947-сонли фармонида белгиланган вазифаларнинг
ижросини таъминлаш мақсадида**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий
ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича**

**ЙИҒМА ТАҲЛИЛИЙ
МАТЕРИАЛ**

**«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2017**

УЎК 323.338.1(575.1)
КБК 67.400.1(5Ў)
Й44

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий
ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича йиғма
таҳлилий материал . – Т.: «Sano-standart» – 2017. 328 б.

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:

**Б.Ю. Ходиев, Ғ.Э. Захидов,
М.М. Комилов, Ш.И. Мустафақулов**

Такризчилар:

У.Ш. Бегумқулов – физика-математика фанлари доктори, профессор,
Н.Ғ. Каримов – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ушбу йиғма таҳлилий материалда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган. Унда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ҳудудларда тарғиб этиш, шунингдек, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини ўрганиш мақсадида 40 кунга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси: ёзги таътил – 2017” амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар, тўпланган материаллар ҳамда уларнинг қисқача баёни ақс этган.

Мазкур материалдан олий ўқув юрғлари профессор-ўқитувчилари, таянч докторантлар, докторантлар, илмий изланувчилар ва талабалар ўқув, ўқув-услубий ва илмий тадқиқот йўналишларида кенг фойдаланишлари мумкин.

УЎК 323.338.1(575.1)
КБК 67.400.1(5Ў)

*Йиғма таҳлилий материал Тошкент давлат иқтисодий университетининг
2017 йил 30 сентябрдаги 2-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши ва инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида саклаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Юқорида таъкидланган фикрларнинг самараси ўларок, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига стқазииш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу муҳим ҳужжат билан аҳолининг кенг қатламини тўлақонли таништириш мақсадида Тараққиёт стратегияси маркази билан ҳамкорликда университетда барча профессор-ўқитувчи ва талабалар, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Қўшма лойиҳаларнинг самарадорлигини янада ошириш, стратегияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар қўламини кенгайтириш мақсадида жорий йил июнь ойида Тараққиёт стратегияси маркази ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланиб, университет зиёлилари ва иқтидорли ёшларининг сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегияси хонаси” ташкил этилди.

Амалга оширилаётган ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг самараси ўларок, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ҳудудларда тарғиб этиш, шунингдек, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини ўрганиш мақсадида 40 кунга мўлжалланган **“Ҳаракатлар стратегияси: ёзги таътил – 2017”** амалий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир ҳудуд бўйича профессор-ўқитувчи ва кўнгилли иқтидорли талабалардан иборат ижодий ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Мазкур лойиҳа таълим ва амалий жараёни бевосита уйғунликда олиб бориш, республикамиз ҳудудларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таркибий қисмларининг таҳлилий давоми ҳисобланади. Бунда профессор-ўқитувчилар ўқув-услугий ва илмий тадқиқот фаолиятлари учун зарур бўладиган таҳлилий материалларни тўплашга муваффақ бўлдилар, талабалар эса назарий билимларини амалиётда юз бераётган воқеа-ҳодиса ва жараёнлар билан мустаҳкамлашга эришдилар.

Республика ҳудудлари кесимида Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”

бандида белгиланган чора-тадбирларнинг худудларда бажарилишини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида университет томонидан тузилган ижодий-ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг барча маъмурий худудларига ташриф буюриб, маҳаллий ҳокимият вакиллари, шунингдек, иқтисодиётнинг банк, молия, солиқ, реал сектор корхоналари раҳбар ходимлари, мутахассислари ҳамда маҳалла оксоколлари билан учрашувлар ташкил этиб, мазкур йиғма таҳлилий материалларни тайёрладилар.

Унда Ўзбекистон Республикасининг 14 та худудий кесими бўйича тўпланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлиллар амалга оширилган маълум бир жузъий хулосалар акс этган. Статистик маълумотлар асосида худудларнинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари синтез қилинган.

Умид билдирамизки, ушбу йиғма таҳлилий материал истикболда мамлакат худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда маълум маънода ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Б.Ю. Ходиев, Ш.И. Мустафақулов*

1. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

1.1. Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул килинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат килаётган қорақалпоқ халқининг истиқболдаги самарали фаолиятида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, саховатли ва бетакрор қорақалпоқ диёри мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожда алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда сўз юритганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қорақалпоқ халқи ҳақида “Юрагимга, қалбимга яқин инсонлар” деган сўзларини эсга олиш ўринлидир.

Бу халқ ўтмишида ҳам, ҳозирги кунда ҳам барча машаққатларга чидаш бериб, ҳеч қачон эртанги кунга ишончини йўқотмасдан келаётгани буюк бир ибрат намунасидир. Худойи таолонинг қудратини қарангки, у қорақалпоқ элининг ана шундай сабр-бардошига яраша улардан ўз марҳаматини аягани йўқ.

Ш.Мирзиёев

Қорақалпоғистоннинг тарихи мамлакатимизнинг барча қадимий минтақаларининг тарихи каби жуда бой, хилма-хил ва қизикарлидир. Бу заминни ўзига хос археологик топилмалар қўриқхонаси дейиш мумкин. Чунки, бу ерда кишининг диққатини тортадиган, ҳайратлантирадиган кўплаб археологик ёдгорликлар мавжудки, улар ўта ноёблиги ва мафтункорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Қорақалпоқ халқининг миллий маданияти, фольклори, ўзига хос санъати, мумтоз адабиёти, урф-одат ва анъаналари кенг дунё жамоатчилиги эътиборини мунтазам равишда оҳанрабодек ўзига тортиб келмоқда.

Қорақалпоқ халқи Султон Увайс, Ҳаким ота каби азиз-авлиёларнинг ўғитларидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган. Бу муқаддас замин муҳаббати Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердакни булбулзабон шоир қилган, Эрназарбий, Оллоёр Дўстназаров каби баҳодирларни озодлик учун курашга ундаган. “Қирққиз”дай ўлмас дostonлар қорақалпоқ халқининг теран маданияти, ақл-заковати, мардлик ва матонатидан далолатдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳақиқатан ҳам, тақдирнинг, ҳаётнинг ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларига қарамасдан, ўз юрти, ўз заминига, ота-боболарининг мазорига ҳамиша садоқат кўрсатиб яшаётган мард ва матонатли қорақалпоқ элининг мустаҳкам иродасига тан бериб, бундай халқ билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди”.

Қорақалпоқ диёрида “Алпамыс”, “Едиге”, “Қирққиз”, “Еркосай”, “Коблан”, “Шаҳриёр”, “Маспатша” ва истеъдодли халқ бахшилари томонидан ижро этиладиган бошқа кўплаб қаҳрамонлик мавзусидаги дostonлар жуда шуҳрат қозонган ва уларда тарих воқеалари бадиий образлар орқали жонли ва ёрқин лавҳаларда акс эттирилади.

1.1.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида умумий маълумот

Аҳолиси сони	1 817,5 (шаҳар аҳолиси – 888,3, қишлоқ аҳолиси – 914,1) минг киши
Ер майдони	166,6 минг км.кв.
Маъмурий-ҳудудий бўлиниши	14 туман, 12 шаҳар, 14 шаҳарча ва 124 фуқаролар йиғини
Маркази	Нукус шаҳри
Чегаралари	Қозоғистон Республикаси, Туркменистон Республикаси, Хоразм вилояти, Навоий вилояти

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида, Амударёнинг қуйи қисми, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Шимол ва ғарбдан Қозоғистон Республикаси, жанубдан Туркменистон Республикаси, шарқдан Ўзбекистоннинг Навоий вилояти ва жануби-шарқдан Хоразм вилояти билан чегарадош.

Қорақалпоғистон умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат. Республиканинг аҳолиси 2017 й. 1 январь ҳолатига 1 миллион 817 минг кишидан зиёддир.

Республикада 14 (Амударё, Беруний, Қораўзак, Кегайли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйнок, Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Шўманой, Эллиқалъа) туман ва Нукус шаҳри, 386 та МФЙ ва ОФЙ лари мавжуд. Республиканинг олий ижроия ҳокимияти Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси томонидан тасдиқланган Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Республика Вазирлар Кенгаши таркибига Кенгаш Раиси, Раиснинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, йирик концерн ва бирлашмалар раҳбарлари киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, ўз вазифасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республиканинг доимий ваколатхонаси фаолият юритади.

Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукус шаҳрида йирик саноат корхоналари, банклар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Бадиий академия, Ёзувчилар, Композиторлар, Архитекторлар уюшмаларининг бўлим ва филиаллари, театр ва музейлар, киностудия, оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.

2003 йилда Нукус шаҳри мамлакатимиз ривожига кўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида кўлга киритаётган салмоқли ютуқлари ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармонида биноан “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.


Минтақада саноат, кишлок хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳалар изчил ривожланмоқда.

1.2. Қорақалпоғистон Республиканинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Маълумки, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар натижасида Қорақалпоғистон Республиканинг иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, охириги беш йилда минтақанинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 1,5 баробарга ўсди, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 31 фоиздан ошди. Ҳудуд иқтисодиётига жалб қилинган капитал қўйилмалар ҳажми 13300 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда унинг таркибида хорижий инвестицияларнинг ўзи 2400 млн. АҚШ долларидан ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ ҳажми йиллар давомида ўзгарувчан тенденцияга эга бўлди. Хусусан, 2011 йилда республиканинг ЯҲМ ҳажми 2760,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 3632,1 млрд. сўм, 2016 йилда 6518 млрд. сўмни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич мамлакат ЯИМга нисбатан олганда 30 баробардан паст ҳисобланади, яъни республикада етарли даражада ўз имкониятларидан фойдаланилмапти. Бунга сабаб эса инвестицияларнинг ишлаб чиқариш соҳасида камлиги, ҳудудлардаги ривожланиш даражасидаги нотенгликлар, атроф-муҳитдаги геологик муаммолар мавжудлиги кабилардир. Масалан, Орол денгизи атрофидаги ҳудудларнинг ифлосланиши натижасида ерларнинг шўрланиш даражаси юқорилаган бўлиб, кишлок хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда бу ерлардан фойдаланиш имконияти кам ёки умуман фойдаланилмапти. Натижада илгари яшнаб ётган замин ҳозирги кунда ерлари шўрланган, ичимлик суви кам чўлга айланиб бормоқда.




1.2.1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти қиймати ўзгаришнинг динамикаси, млрд. сўм

Мисол қилиб айтганда, бу ҳолат қишлоқ хўжалиги соҳасига, айниқса, республикада катта салоҳиятга эга Қорақалпоғистон Республикаси балиқчилик соҳасига катта салбий таъсир этмоқда. Бу эса ўз салбий ҳолатини ЯХМда намоён этмоқда. Яъни балиқчилик соҳаси Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга эди. Унинг пасайиши бора-бора қишлоқ хўжалигига, кейин ЯХМга салбий таъсир этмоқда.

Лекин бу кўрсаткич фақат ўсиш суръатини кўрсатиб, салоҳият даражасини кўрсата олмайди. Хусусан, қиёсланганда биргина Тошкент вилоятида ЯХМ ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда 10183,2 млрд. сўмни (ҚРда 2993,6 млрд. сўм) ташкил этган бўлиб, 2013 йилда 12731,9 млрд. сўмни (ҚРда 3426,3 млрд. сўм), 2014 йилда 15422,8 млрд. сўмни (ҚРда 3632,1 млрд. сўм), 2015 йилда эса 16558,6 млрд. сўмни (ҚРда 4485,9 млрд. сўм), 2016 йилда 20528,7 млрд. сўмни (ҚРда 6518 млрд. сўм) ташкил этган. Кўриниб турганидек, 2016 йилнинг ўзиде Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ ҳажми биргина Тошкент вилоятининг ЯХМ ҳажмидан 3,15 мартага кам ёки 14010,7 млрд. сўмга кам. Бу эса ер майдони, минерал хомашёси захираси каби бир неча жиҳатлардан устун Қорақалпоғистон Республикасида етарлича муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ ҳам йилдан-йилга юқори ўсиш суръатларига эга.

Хусусан, 2010 йилда 110,8 % ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 110,9 фоизни, 2016 йилда эса 118,7 фоизга тенг бўлди. Бунда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Нукус туманларининг ўрни катта.



1.2.2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМнинг ўзгариш динамикаси

1.3. Хизматлар соҳасидаги туб ислоҳотлар ва унинг натижалари

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, ҳудуд аҳолиси меҳнат ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва истеъмол бозорини замонавий хизмат турларининг кенг арсенали билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдирмоқда;

иккинчидан, хизматлар соҳаси юқори қўшимча қийматли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг алоҳида сегментини ўзида ифодалаб, иқтисодиётнинг интенсив ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда;

учинчидан, хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти юқори капитал сиғимини талаб қилмайди. Қолаверса, маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари каттадир;

тўртинчидан, минтақаларда долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликнинг олдини олишга қаратилган ислоҳотларда хизматлар соҳасининг ўрни ғоят юксак бўлмоқда. Чунки хизматлар соҳасини кенгайтириш орқали ҳудудда янги иш ўринларини яратиш бошқа соҳаларга нисбатан юқори самара бермоқда.

бешинчидан, хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг кенг қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш имконияти натижасида уларнинг даромадларини ошириш ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлиги оширилишига олиб келади;

олтинчидан, маҳаллий бюджетга тушумларни тушириш манбаи сифатида юқори имкониятларга эга.

Хизматларнинг ривожланиши узоқ тарихга эга эканлиги натижасида XX аср сўнгига келиб унинг жаҳон ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги улуши 68,0 % га етди. Ўтган 100 йил давомида хизматлар соҳаси таркибий жиҳатдан кескин ўзгарди. XX аср бошларида кўрсатилаётган хизматлар доираси чегараланган бўлиб, уларнинг катта қисмини уй хизматлари, шунингдек савдо, транспорт, маиший хизматлар ташкил этган. Бугунги кунда

эса илмий тадқиқотлардан тортиб токи таъмирлаш хизматларигача, таълимдан бошлаб токи қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари мавжуд бўлиб, (ХСТ классификацияси бўйича) мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар юқори ўринни эгаллайди.

Охирги йилларда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришда хизматлар соҳасини диверсификация қилиш ва унинг анъанавий турларини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам хизматлар кўрсатиш жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири ҳисобланади. Минтақа иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 50,2 фоизни ташкил этмоқда, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасидагига нисбатан 4,3 фоизга камдир. Хизматлар соҳасида минтақадаги иқтисодий фаол аҳолининг 52,4 фоизи меҳнат қилмоқда (Ўзбекистон бўйича 51,6 фоиз).

1.3.1-жадвал

2014–2016 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида пуллик хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳолати, млрд. сўмда

	Шаҳар ва туманлар	Пуллик хизматлар			
		2014 й.	2015 й.	2016 й.	2016 й. 2014 й.га нисбатан, фоизда
	Қорақалпоғистон Республикаси бўйича	877,4	1 065,0	1 297,2	117,5
	Туманлар:				
1.	Амударё тумани	32,4	40,6	49,5	120,0
2.	Беруний тумани	25,6	32,2	39,2	120,5
3.	Конликўл тумани	7,1	9,0	11,0	121,2
4.	Қораузак тумани	14,8	18,5	22,5	119,7
5.	Кегайли тумани	13,1	16,4	19,9	119,0
6.	Қўнғирот тумани	32,7	42,2	51,4	123,3
7.	Мўйноқ тумани	5,4	6,8	8,3	121,3
8.	Нукус тумани	11,1	13,9	16,9	119,7
9.	Тахтакўпир тумани	9,8	12,3	15,0	119,4
10.	Тўрткул иумани	34,3	41,8	50,9	116,5
11.	Хўжайли тумани	42,7	53,5	65,2	119,9
12.	Чимбой тумани	24,4	30,4	37,0	119,3
13.	Шўманой тумани	15,7	19,6	23,9	120,0
14.	Элликқалъа тумани	21,6	27,1	33,0	120,4
15.	Нукус шаҳри	586,7	700,7	853,5	114,4

Шу билан бирга, охирги йиллардаги статистикасига назар ташласак, Қорақалпоғистон Республикасида 2014 йилда 877,4 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилган бўлиб, 2016 йилда бу кўрсаткич 1297,2 млрд. сўмга етган. Яъни 2016 йилда 2014

йига нисбатан 147,8 фоизга ўсиш кузатилган. Бу эса деярли 50 % лик ўсиш деганидир.

Лекин шундай бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикасида пулли хизмат кўрсатиш соҳаси туманлар кесимида таҳлил қилинганда, Нукус шаҳри энг катта улушга эга ҳудуд бўлиши билан бирга деярли пулли хизматларнинг 66–67 фоизлик қисмини шу шаҳар ҳудудида ҳосил қилинмоқда. Бу қолган ҳудудлар бўйича ўртача олиб қаралганда ҳар бир туманга 2,3–2,4 фоизга тўғри келадиган хизмат кўрсатиш амалга оширилаётганини аниқлатади. Бу эса агар ҳудудларда тенг миқдорда пулли хизматлар кўрсатилади деб олиб қаралса, Қорақалпоғистон Республикасида 40 дан ортиқ ҳудуд мавжуд бўлиши керак бўлади. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу республикада туманлар миқёсида пулли хизматлар кўрсатиш бўйича тенгсизлик мавжуд ва қолоқ туманлар сони 50 % лик довондан ошган. Яъни, агар қолган туманларда Нукус шаҳри каби хизмат кўрсатиш ривожлантирилмаса, қолоқ туманлар сони бундан ҳам кўпайиши турган гап.

Мамлакатимизда кўрсатилаётган жами хизматларнинг 3,2 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ўртача Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичининг 50,6 фоизини ташкил этади ва мамлакатимизда 10-ўринни эгаллайди, бу жиҳатдан кам ривожланган минтақалар каторига киради. Хизматлар соҳаси ўртача ривожланган ҳудудларга Хўжайли, Тахтакўпир, Қонликўл, Тўрткўл, Амударё, Мўйнок, Элликқалъа, Чимбой туманларини киритиш мумкин.

Бу туманларда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, хизматлар соҳаси ўртача Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичининг 60 фоизга яқинини ташкил этади ва хизматларнинг асосан савдо ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўналишлари яхши ривожланган.

Истиқболда хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш орқали ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Бунинг учун ушбу замин кенг табиий ресурс, капитал ва юқори интеллектуал ишчи кучи ресурсларига эга.

1.4. Ҳудуднинг инвестицион фаоллиги

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва саноат тармоқларини техник модернизация ишларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни барпо этиш имконини яратиб бермоқда. Ҳудудлар инвестицион фаоллиги бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Бу ўз навбатида, мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, бизнес юритиш учун яратиб берилган шарт-шароитлар туфайли таъминланмоқда. Шу билан бирга ҳудуддаги қулай инвестиция муҳити шаклланишида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг ҳам фаоллиги юқори бўлмоқда.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, кейинги йилларда инвестициялар ўсиш динамикасида ва хусусан, марказлашмаган инвестицияларнинг йиллик юқори ўсиш суръати кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича Тахтакўпир тумани ўтган йиллар давомида энг паст

кўрсаткичга эга бўлиб, унинг миқдори 2016 йилда 6,6 млрд. сўмга (умумий инвестиция ҳажмидаги улуши – 0,17 % га тенг), 2015 йилда 7,0 млрд. сўм, 2010 йилда эса 2,6 млрд. сўмга тенг бўлган. Бунга асосий сабаб эса истикболли, модернизация даражаси юқори бўлган корхоналарнинг жуда камлиги ҳисобланади.

Асосан, корхоналар қарз маблағлари (дебиторлик, кредиторлик) ҳисобига фаолият юритмоқда, шунингдек, мавжуд корхоналар қолоқ ёки ишламайдиган ахволга келиб қолган ва мавжуд инфратузилма етарли талаблар даражасида эмас. Инвестициялар жалб этиш бўйича ундан кейинги ўринларда эса 2016 йилда Кегайли (14,5 млрд. сўм – умумий инвестиция ҳажмидаги улуши – 0,38 %га тенг), Шуманай (9,8 млрд. сўм – умумий инвестиция ҳажмидаги улуши – 0,26 %га тенг) туманлари туради. Таҳлил ўрнида қиёсланганда, Қўнғирот туманига ўтган йил давомида 1925,8 млрд. сўм, Мўйнок туманига 553,1 млрд. сўм ҳамда Нукус шаҳрига 562,8 млрд. сўм инвестиция киритилган. Минтақада хорижий инвестицияларнинг улуши ҳам паст даражада бўлиб, 2016 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг миқдори 1683,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2015 йилга нисбатан 1216,4 млрд. сўмга ёки 42 %дан кўпроққа қамайган. 2010 йилда бу кўрсаткич 62,8 млрд. сўмга, 2013 йилда 736,6 млрд. сўмга тенг бўлган.

1.4.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот

	2010 й.		2015 й.		2016 й.	
	млрд. сўм	ўтган йилга нисбатан %	млрд. сўм	ўтган йилга нисбатан %	млрд. сўм	ўтган йилга нисбатан %
Қорақалпоғистон Республикаси	458,5	63,2	5 925,7	134	3 718,9	56
Нукус ш.	89,3	173	650,7	104,4	562,8	77,3
туманлар:						
Амударё	21,2	189	70,5	136,1	86,9	110,3
Беруний	16,8	184,6	75,5	191,7	106,8	126,5
Қораўзак	6,8	134,2	80,4	30,8	70,2	78
Кегайли	8,1	107,3	12,5	65,4	14,5	104,5
Қўнғирот	74,5	82	4 638,40	151,3	1925,8	37
Қанликўл	3,3	147,8	9,3	68,8	17,4	168,9
Мўйнок	28,3	46	124,6	108,7	553,1	40,8
Нукус	6,3	154,5	43,9	107,9	63,1	128,6
Тахтакўпир	2,6	312,7	7	107,4	6,6	85,4
Тўрткўл	17,8	170,6	59,3	148,6	65	98,1
Хўжайли	26,6	178,2	65,3	103,9	111,3	152,6
Чимбой	11,9	121,7	21,2	99,9	23,8	100,4
Шуманай	3,6	217,9	10,4	76,2	9,8	84,7
Элликқалъа	12,9	115,3	56,5	132,9	100,9	159,8

Кейинги йилларда хорижий инвестицияларни Республикада кўпайишига асосий сабаб нефть ва газ конларини излаш борасидаги йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳисобланади. Лекин республикада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий жалб қилинган хорижий инвестициялардаги улуши паст даражада.

Масалан, 2016 йилда бۇ кўрсаткич 1,1 % миқдорида бўлган ёки 0,011 қисмини ташкил этган, холос. Бў ўтган йиллар даражасидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Хусусан, 2015 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 47,5 % ёки деярли жами инвестицияларнинг ярмига тенг демакдир. Бу ерда асосий камчиликлар ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий инвесторлар билан алоқаларининг паст даражада эканлигини кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялардаги ҳиссасининг юкорилигини таъкидлаш мумкин. Зотан, назарий жиҳатдан марказлаштирилмаган инвестицияларнинг юкори салмоғи ва унинг таркибий ўзгариши ҳудуд иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.

1.4.2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш динамикаси

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й. Январь-июнь
Хорижий инвестиция ва кредитлар, <i>млрд. сўм</i>	131,3	355,9	736,6	1892,4	2899,8	1683,4	61,5
Хорижий инвестицияларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши, <i>фоизда</i>	14,7	30,5	31,2	48,3	48,9	45,3	6,4
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, <i>млрд. сўм</i>	114,8	296,7	677,3	1836,0	2812,4	40,3	56,4
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши, <i>фоизда</i>	12,9	25,4	28,7	46,9	47,5	1,1	5,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг хорижий инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши, <i>фоизда</i>	87,4	83,4	91,9	97,0	97,0	2,4	91,7

Маълумотлар тасдиқлайдики, марказлашмаган инвестициялар таркибида 2010 йилда корхона маблағлари асосий салмоқни ташкил қилаётган бўлса, 2017 йилга келиб, аҳоли маблағлари сезиларли салмоқни ташкил қилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг реал даромадлари изчил ортиб бораётганлигидан далолат беради. Аҳоли ихтиёридаги даромадларнинг истеъмолдан ортган қисми жамғариш фондларига йўналтирилиб, улар аҳолининг инвестицион фаоллигини оширишнинг молиявий манбаи ҳисобланади.

Юкоридаги молиялаштириш манбалари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар, асосан, фаолият юритётган корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудий инфратузилмани модернизациялашга йўналтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги “2015–2019 йилларда муҳандислик-коммуникациялари ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313 сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

1.5. Минтақа инфратузилмаси ва ундаги мавжуд муаммолар

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикасидаги асосий муаммолардан бири аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг электр энергияга эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш ҳисобланади. 2015–2019 йилларда паст кучланишли тармоқлар ва электр энергияси билан таъминловчи объектларни биринчи навбатда кишлоқ жойларда хорижий инвестиция маблағларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, дастур бўйича электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Саноат корхоналарини мунтазам равишда электр энергияси билан таъминлаш, янги ташкил этилган корхоналарни белгиланган тартибда тармоқка улаш юзасидан тезкор чоралар кўриб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада транспорт тизимини ривожлантириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Нукусда энг йирик халқаро авиалайнерларни қабул қила оладиган замонавий аэропорт фаолият юритмоқда.

Юк ва пассажир ташиш бўйича асосий кўрсаткичлар темир йўл транспорти ҳиссасига тўғри келмоқда. Кейинги йилларда республикада янги ички темир йўл тармоқларини барпо этишга эътибор қаратилди. Навоий – Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус (341 километр) темир йўл тармоғи шулар жумласидандир.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Бейнов шаҳригача етиб борадиган халқаро (А-380 автомагистраль) йўлида қурилиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама ривожлантириш учун 2017–2021 йилларда барча соҳаларда кўплаб лойиҳалар амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017–2021 йиллар давомида жами 6 трлн. сўмлик 674 та лойиҳа амалга оширилиш кўзда тутилган. Жумладан, Тахياتош иссиқлик электр станциясида 230–280 мегаваттлик 2 та буг-газ қурилмасини барпо этиш назарда тутилган бўлиб, бунинг учун жами 678 млн.долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштириш назарда тутилган.

Паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурига мувофиқ, электр тармоқларини, трансформатор пунктини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоқ ХЭТК АЖ томонидан паст кучланишли 0,4–6–10 кВ ли электр тармоқларини янгидан қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш дастурига мувофиқ ҳозирги кунда 37 км узунликдаги 0,4–6–10 кВли электр узатиш тармоғи тортилди ва 22 дона трансформатор пункти ўрнатилди.

Кишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида ва шаҳарларда аҳоли ҳаёти шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай кўп қаватли уйлар қуриш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда 962 та уй-жойларда ер ва пойдевор ишлари, 938 та уйларда ғишт териш ишлари, 861 та уйларда плита ёпиш ишлари, 448 та уйларда том ёпиш ишлари, 841 та уйларда электр ва сантехника ишлари, 790 та уйларда ички ва ташқи сувок ишлари, 659 та уйларда ички пардозлаш ишлари, 825 та уйларда ташқи девор ва ховли қурилмалари қуриш ишлари олиб борилмоқда. Объектларга 9162 нафар ишчи ходимлар жалб этилган.

Бугунги кунда 42 та уйлар фойдаланишга топширилди ва 175 та уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилди. Уй-жойларда аҳоли учун барча қулайликлар яратилган.

Аэропорт ва вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Нукус халқаро аэропорти”да аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида 2017 йилнинг 1 май санасидан 2018 йил 1 июнига қадар халқаро андозаларга мос қайта таъмирлаш ишларини олиб бориш белгиланган. Ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари бошланиб, бу ишлар жадал тусда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда “Нукус халқаро аэропорти”дан Тошкент-Нукус-Тошкент авиакатнови амалга оширилмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрувчи

сайёҳлар сонини кўпайтириш ҳамда ҳудудда туризмни ривожлантириш мақсадида бошқа йўналишларга ҳам авиакатновларни ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Автомобиль йўллари ҳолагини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. 2017 йил Инвестиция дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги умумфойдаланувдаги ва ички хўжаликлараро автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланган дастурлар асосида курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Натижада автомобиль йўллари ҳолати яхшиланади ва йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланади. Аҳоли ва транспорт катнови учун қулайликлар яратилади.

Йўл хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базаси яхшиланади ва ишлаб чиқариш қувватлари оширилади. Бугунги кунда:

– умумфойдаланишдаги халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича – 28951,6 млн. сўмлик;

– умумфойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш бўйича – 3400,4 млн. сўмлик ишлар бажарилди.

Хўжаликлараро автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича туман йўл хўжалиги корхоналари томонидан – 115,0 км узунликдаги ички йўллар тупрок қопламадан шағал қопламага ўтказилди ва 8,0 км ички йўллар асфальтланди.

Шунингдек, йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш бўйича бугунги кунда 1 дона автокран, 2 дона кранманупулятор, 3 дона автогрейдер, 2 дона фреза ва 3 дона каток учун халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида шартномалар тузилди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича қабул қилинган қарорлар билан тасдиқланган дастурда 2017 йил давомида 27 та автобус сотиб олиш белгиланган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси мутасадди идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида жорий йил 1 август ҳолатига дастур доирасида жами 6 та корхона томонидан 2897700 минг сўм маблағ ҳисобига 26 та янги автобус сотиб олинди. Аҳолига қулайликлар яратилиб, йўналишларда автобуслар фаолият юритмоқда.

2017 йилда 4 та янги автобус йўналиши очиш белгиланган бўлиб, тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан ушбу йўналишларни 2017 йил II ярим йилликда очиш режалаштирилган эди, аҳолининг талаб истакларини инобатга олиб 2017 йил 1 август ҳолатига 3 та йўналиш очилди, жумладан, Тўрткўл туманида “Тўрткўл-Уллибоғ”, Қораўзақ туманида “Қораўзақ-Қораўзақ ДФХ” ва Нукус шаҳрида “Савдо мажмуаси-Таслак поселкаси”. Автобус йўналишлари схемалари ИИБ ЙҲХБ билан келишилиб, йўналиш паспортлари тайёрланди ва йўналишлар ишга туширилди.

2017 йил дастурига мувофиқ “Мўйнок тумани автостанциясини реконструкция қилиш” белгиланиб, 116,0 млн. сўмлик лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланган. Маҳаллий бюджетдан 70,0 млн. сўм “Мўйнок автостанция”си ҳисобидан 46 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланиб, бугунги кунга пудрат ташкилоти “Анна курилиш монтаж” МЧЖ томонидан 85,5 млн. сўмлик иш ҳажми бажарилди. Реконструкция ишлари 2017 йил сентябрь ойида тўлиқ якунланиши режалаштирилди.

1.6. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Қорақалпоғистон Республикасида бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган

кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг худуд иктисодиётидаги тугган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси иктисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизда бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, тадбиркорларнинг ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2011–2016 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 6500 тани ташкил этиб, соҳанинг худудий экспортдаги ҳамда бандликдаги улуши хиссаси 75 % га етган.

2017–2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ажратиладиган кредитлар миқдорини 3 баробарга ошириш, шунингдек, 6000 дан ортик янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш назарда тутилган.

Демак, маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали худуддаги нафакат иктисодий ўсиш, балки мавжуд ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳам ҳал қилиш имкониятларига эришилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўларок, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иктисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўз ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иктисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нафакат ижтимоий ва иктисодий муаммоларнинг олдини олиш имкониятлари балки мамлакат ва хусусан, худуд иктисодиётини диверсификациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш омили бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Юқоридагилар, худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иктисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

Минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

1.7. Иктисодиётни ривожлантиришда банкларнинг роли ва улар томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати

Мамлакат худудларининг мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан уларда шаклланган молия-банк тизими муассасаларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ. Айниқса тижорат банклари тизими етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларини реализация қилишда муҳим ўрин тутди. Банклар том маънода иктисодиётнинг “Локомотиви” хисобланади. Шунинг учун ҳам банк хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат ва унинг худудлари тараққийнинг молиявий асосини ташкил этади.

Бундан ташкари аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун сифатли банк хизматларини тақдим этиш бўйича ҳам бир катор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат ҳукумати томонидан давлат ва жамият учун манфаатли нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиниши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида тўлов тизимининг инновацион шакллари кенг арсенали йўлга қўйилди.

Нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш. “ЎзКАРТ” Банклараро чакана тўлов тизимида ишлатилаётган алоқа тармоқлари паст даражада бўлганлиги сабабли, учрашаётган кўп ҳолатларда инфокиоскларда пластик карточкаларни узок вақт мобайнида ўқиш жараёни амалга оширилиб, тез-тез пластик карточкани қайтариб чиқариб ташлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, мижозларнинг инфокиоск олдида кўп вақт туриб қолишларига олиб келмоқда.

Ягона умумреспублика процессинг маркази орқали ўтадиган, асосан ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари тўлов терминаллари орқали амалга оширилган савдо ва пуллик хизматлар тўлов трансакциялари душанбада банк иш куни баланси очилиши билан ўз вақтида келиб тушиши тўлиқ таъминланмаяпти. Сабаби ушбу трансакция пуллари банкнинг баланс иш кунининг ярми ўтганидан сўнг тегишли транзит ҳисоб рақамларига келиб тушмоқда. Шу туфайли мижозлар томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг тўлов топширикномаси орқали хоҳлаган вақтида пул ўтказиш амалиётларини амалга ошира олмаслиги тўғрисида эътирозлар келиб чиқмоқда.

“CLICK” компанияси хизматида картадан картага пул ўтказиш операциялари бўйича хизмат ҳақи тўловларини 0,5 фоизга тушириш бўйича аҳолидан таклифлар келиб тушмоқда. Чунки ҳозирги пайтдаги 1,0 фоиз ҳақи тўловлари аҳолининг асосий кам таъминланган қисми учун юқори тариф тўлови ҳисобланганлиги боис картадан картага ўтказиш операцияларини мижозлар томонидан банк филиалларига келиб ўтказиш ҳолатлари юқори бўлиб қолмоқда.

Ягона умумреспублика процессинг маркази орқали ўтадиган, пластик карточка орқали амалга ошириладиган “Мобил-тўлов” тизимида харидор томонидан товар ва хизматлар учун тўланган трансакция амалиётида сотувчи корхона ҳисобидан олинadиган 1,5 фоиз миқдордаги ҳақи тўловини имкони борича камайтириб, жозибадорлигини ошириш, бу орқали савдо-сотик корхоналари томонидан бундай операцияларни амалга оширишда кизиқишини ошириш мақсадга мувофиқ.

2017 йилнинг сўнгги 4–5 ойларидан буён маҳаллий ишлаб чиқарувчи “Бениф ЛТД” МЧЖ ва бошқа корхоналардан янгидан олиб келинаётган пластик карточкалар банк томонидан эмиссия қилинганидан сўнг, 20 кундан 1 ой оралиғида пластик карточкаларидан тўлов терминалларда амалга ошириладиган операциялар пайтида карточкаларнинг чиплари куйиб (“EMV Fall black”) кетиш ҳолатлари учрамоқда.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ойлик график тўловларини пластик карточкалардаги пул маблағларини Smartfone телефонларида ўрнатилган дастурий таъминотлар ёрдамида банк филиалига ташриф буюрмасдан тўловларни амалга ошириш тажрибасини барча тижорат банкларида тўлиқ жорий этиш (Масалан, “Hamkor Mobile”, “All Pay”, “Click”, “PayMe.Uz” ва ҳоказо каби дастурлар орқали амалга оширилади).

Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш. Тижорат банклари томонидан аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 9 та етакчи тижорат банкининг 52 та филиалининг масъул ходимлари туман ва шаҳарлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари (ҚФЙ) ва маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича аҳоли тадбиркорлиги учун жами 184 млрд. 831 сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Хусусан, паррандачилик соҳасини

ривожлантириш учун 11058 млн. сўмдан зиёд, чорвачилик йўналиши учун 131444 млн. сўм, балиқчилик йўналиши учун 36,0 млн. сўм, асаричилик йўналиши учун 273,0 млн. сўм ва бошқа йўналишлар учун 42019 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Банклар кредит операциялари кўламининг кенгайиши улар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги пировардида иктисодиётнинг реал секторини молиявий кўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштириш, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажми кўпайишига ижобий таъсир этаётганлигидан далолат беради. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтириш, кредит рискинни маълум даражада минималлаштириш ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган кредитларнинг ўсишига таъсир кўрсатаётган яна бир омиллардан бири гаров таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги ҳагарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтирилганлиги, яқка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-хунар коллежларни битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкани гаровга олиш амалиёти кенг жорий этилганлиги ҳам ижобий таъсир этмоқда.

1.8. Қорақалпоғистон Республикасининг меҳнат ресурслари ва демографик ҳолати таҳлили

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси турмуш даражаси 2011–2016 йиллар давомида кўпгина кўрсаткичлар бўйича ўсишга эришди. Масалан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошган. Шунингдек, ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони 1,8 баробар, пилесослар сони 1,9 марта, кир ювиш машиналари, телевизор ва музлатгичлар сони 1,2 марта ошган.

Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган қарор билан Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ, Оролбўйи минтақасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитлари ва сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни молиявий жиҳатдан ишончли ва барқарор таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Чимбой туманларида жойлашган саноат соҳасида (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар – 2027 йил 1 январига қадар, қолган туманлар – 2022 йил 1 январига қадар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги таъминоти учун, «Баркамол авлод» марказларидаги, мусика ва санъат мактабларидаги машғулотлар учун ота-оналарнинг ҳар ойлик тўлови миқдорлари, шунингдек, аҳолининг маданият ва дам олиш марказларидаги тўлов миқдорлари 2017

йилнинг 1 февралдан бошлаб республика бўйича белгиланганидан 2 баравар кам даражада белгиланди.

2017 йил 1 февралдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга, биринчи навбатда, ёлғиз фуқаролар, пенсионерларга, боқувчиси ногирон оилаларга ҳамда бошқа кам таъминланган тоифадаги аҳоли ва оилаларга кишлоқ (махалла) фуқаролар йиғинларининг комиссиялари қарорига биноан тайинланадиган энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда бир марта бериладиган моддий ёрдам шаклидаги ижтимоий нафақанинг янги тури жорий этилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 1 февралдан бошлаб, тегишли тартибга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталарини сотиш махсус имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилмоқда.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастурининг умумий бюджети 810,4 трлн. сўмни ташкил этади.

Шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ВМК-15-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, дастурни амалга ошириш учун 2017–2021 йилларда 124 млн.долл. ҳамда 321,7 млрд. сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Умуман, мазкур дастурлар ижроси 2017–2021 йилларда ҳудуднинг иқтисодий ўсиш суръатларини 1,5–1,8 баробарга ошишини таъминлайди.

Юқоридаги ислохотлар ҳамиша замон билан ҳамнафас, гўзал ва навқирон Қорақалпоқ заминда яшовчи фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юрт истикболи, миллат фаровонлигини оширишнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

1.9. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

❖ **Нукус шаҳри.** Шаҳар нисбатан аҳоли зич жойлашган ҳудуд. Ҳудудда улкан ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд бўлишига қарамай, қувватлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

❖ **Амударё тумани.** Ҳудудда аҳоли зич жойлашган, бироқ кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлишига қарамай саноатда бандлар улуши жуда пастлигича қолмоқда.

❖ **Беруний тумани.** Саноати ривожланган туман бўлишига қарай, бу корхоналарнинг аксарияти агросаноат мажмуалари (АСМлар) таркибига қарайди. Натижада ҳудудда саноатда бандлар улуши паст ва аграр секторда бандлар улуши юқориликча сақланиб қолмоқда (28% атрофида).

❖ **Қанлиқўл тумани.** Саноатда бандлар улуши паст, йирик бизнес мавжуд эмас, ишлаб чиқариш корхоналари кам. Табиий хомашё салоҳияти паст бўлиб, қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида саноат даражаси пастлигича қолмоқда (0,6 %). Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Экспорт даражаси паст.

❖ **Қораўзақ тумани.** Улкан минерал хомашё (қурилиш материаллари), табиий ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлишига қарамадан, ишлаб чиқариш даражаси пастлигича қолмоқда. Қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида, саноат даражаси пастлигича қолмоқда. Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Экспорт даражаси паст.

❖ **Кегайли тумани.** Туманда саноатда бандлар улуши паст, ишсизлик даражаси юқори (6,5–7 %), миграция салбий салъдога эга. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ўта ёмонлашган.

❖ **Қўнғирот тумани.** Туманда саноатда бандлар улуши паст, ишсизлик даражаси юкори (6,4–6,6 %), миграция салбий сальдога эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида оксокликларга йўл қўйилмоқда. Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўк.

❖ **Мўйноқ тумани.** Туманда саноатда бандлар улуши паст, ишсизлик даражаси юкори (7,5–7,6 %), миграция салбий сальдога эга. Туманда “Устюртгаз” УШК фаолият юритишига қармасдан, туманга ҚРга етказиб берилаётган газнинг атига 1,3 фоизи сотилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида оксокликларга йўл қўйилмоқда. Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўк.

❖ **Нукус тумани.** Саноатда бандлар улуши паст, йирик бизнес мавжуд эмас, ишлаб чиқариш корхоналари кам. Ишсизлик даражаси юкори (8 фоиз атрофида) ва миграция салбий сальдога эга. Табиий хомашё салоҳияти паст бўлиб, қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида саноат даражаси пастлигича қолмоқда. Экспорт даражаси паст.

❖ **Тахтақўпир тумани.** Саноатда бандлар улуши паст, йирик бизнес мавжуд эмас, ишлаб чиқариш корхоналари кам. Ишсизлик даражаси юкори (7 %) ва миграция салбий сальдога эга. Табиий хомашё салоҳияти паст бўлиб, қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида саноат даражаси пастлигича қолмоқда (0,3 %). Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўк.

❖ **Тўрткўл тумани.** Саноатда бандлар улуши паст, ишсизлик даражаси ҚР бўйича кўрсаткичидан юкори, йирик бизнес мавжуд эмас, ишлаб чиқариш корхоналари кам, миграция салбий сальдога эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида оксокликларга йўл қўйилмоқда.

❖ **Хўжайли тумани.** Аҳоли зич жойлашган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида оксокликларга йўл қўйилмоқда.

❖ **Чимбой тумани.** Саноатда бандлар улуши паст, миграция салбий сальдога эга. Табиий хомашё салоҳияти паст бўлиб, қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида, саноат даражаси пастлигича қолмоқда. Енгил саноатдаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари йўк.

❖ **Шуманай тумани.** Туманда улкан минерал хомашё (черипитца, ғишт), табиий ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш даражаси паст, ишсизлик даражаси юкори. Табиий хомашё (фақатгина черипитца, ғишт) салоҳияти паст бўлиб, қулай инфратузилма объектлари билан таъминланмаганлиги натижасида саноат даражаси пастлигича қолмоқда (0,3 %). Экспорт даражаси паст.

❖ **Элликқалъа тумани.** Саноатда бандлар улуши паст. Қишлоқ хўжалигида рентабеллик пасайиб кетган, ҚРдаги мелиоратив ҳолати ёмонлиги сабабли ҳосилдорлиги пасайиб кетган (3,3 минг га) ерларнинг ярмидан ортиғи жойлашган. Тор ихтисосликлар бўйича кадрлар етишмовчилиги мавжуд. Аҳолининг дўконлар билан таъминланганлик даражаси паст (84 %).

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг "Ҳаракатлар стратегияси" дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Минтака аҳолисининг ҳаёт сифати ва давомийлик кўрсаткичларини яхшилаш йўналишида:

- аҳоли даромадларини ошириш учун шароит яратиш;
- минтақа аҳолисининг демографик аҳолини, барқарорлиги ва нуфузи ўсишини яхшилаш, оила институтини ривожлантириш, перинатал даврда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, болалар тиббиёти даражасини ошириш, ўлим, аввало, болалар ва оналар ўлими ҳолатларини камайтириш;
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- мактабгача, ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарга таълими юқори сифатига эришиш;
- маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шароит яратиш;
- уй-жойдан самарали фойдаланишни таъминлайдиган шароитларни яратиш;
- уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантириш ва уй-жой-коммунал хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш;
- инфратузилма билан таъминланишнинг меъёрий даражасига эришиш (табiiй газ, электр энергияси, ичимлик суви, йўллар ва ҳ.к.).

2. Минтақанинг хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳлик-рекреацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишида:

- хизмат кўрсатиш турлари, шу жумладан минтақанинг сайёҳлик-рекреацион салоҳияти, қиёсий устуворликлари ва имкониятларини аниқлаш;
- ички ва ташқи (сайёҳлик) бозорда рақобатбардош хизмат турларини ишлаб чиқиш ва тақлиф этиш;
- бозор, савдо, маиший, сайёҳлик ва рекреацион хизматлар турларини комплекс равишда ҳамда ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Минтақанинг аграр тармогини ривожлантириш йўналишида:

- қишлоқ хўжалиги экинларини стиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш асосида деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, юқори ҳосил берадиган навлар ва дурагайлاردан фойдаланиш, наслчилик базасини ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва транспортировка қилиш учун агрологистика марказларини ташкил этиш;
- минтақанинг табиий ва иқлим хусусиятларига асосланган кичик аграр тармоқларни (боғдорчилик, узумчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқалар) жадал ривожлантириш;
- чорвачилик ва паррандачиликни жадал ривожлантириш учун шароит яратиш. ушбу кичик тармоқлар учун озуқа базасини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобидан фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бизнес юритишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган молиявий инфратузилмани ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сервис хизмат кўрсатишни яхшилаш.

4. Минтақанинг саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида:

- саноатнинг устувор тармоқларини (машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ёғочга ишлов бериш) жадал ривожлантириш;
- саноатнинг илмталаб тармоқларини, радиоэлектроника, энергетика ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш.

5. Туризм соҳасини янада ривожлантириш йўналишида:

- туризм соҳасини ривожлантиришда биринчи навбатда А380 магистрал йўлини янада яхшилаш ва туризм инфратузилмаларни кўпайтириш ҳамда уларга эътиборни кучайтириш керак;

– магистрал йўлларда сайёҳлар эркин ҳаракатланишини таъминловчи йўл кўрсаткич белгилари ва ахборот тахталарини ўрнатиш, маълумот марказларини ташкил этиш, сайёҳлик намоиш ва инфратузилма объектларини ўзида акс эттирган хариталарни аэропорт ва меҳмонхоналарда гаркатилишини йўлга қўйиш чораларини кўриш;

– Нукус шаҳрини туризм марказ сифатида танитиш мақсадида Нукус шаҳрини музейлар шаҳрига айлантириш. И.В.Савицкий музейи, Ўлкашунослик музейи, Адабиёт ва қўлёзмалар музейи ва археологик музейларда пулли хизмат кўрсатиш хизматларини 5 йилгача солиқдан озод этиш;

– туризм соҳасида фаолият олиб бораётган барча корхона ва ташкилотларни 5 йилгача солиқлардан озод этиш ва энг кам 6 % лик кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ;

– маданий мерос объектлари тарихи ҳақида ягона матн тайёрлаш ва хамроҳ таржимонлар орасида таркатиш;

– Мўйнок тумани марказида Урал (Россия) бўйи худудидан келган рус миллатига мансуб аҳолининг (староверы) уйларини бузилиб кетишдан саклаб қолиш чораларини кўриш;

– Беруний туманида жойлашган археологик ёдгорлик “Жампиқ қалъа” қалъаси атрофини ободонлаштириш ва консервация қилиш;

– Беруний туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик Урмон хўжалиги бош бошқармаси Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармасига қарашли “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати”нинг сайёҳлар ташрифи марказида жойлашган музейнинг моддий-техник базасини яхшилаш;

– сайёҳлар намоиш этадиган объектлар (маданий мерос объектлари, қўриқхоналар, томоша майдонлари ва бошқалар) ва сайр қиладиган кўча, хиёбон ҳамда магистрал йўллар бўйида санитар гигиеник узеллар қурилишини таъминлаш;

– сайёҳлик салоҳиятини намоён этувчи босма ва электрон тарғибот материалларини ишлаб чиқиш ва салоҳиятли сайёҳлар эътиборига ҳавола этиш чораларини кўриш;

– туризм соҳасига ихтисослаштирилган транспорт ташкилотларига имтиёзли кредитлар ва солиқ имтиёзларини бериш;

– миллий санъатимиз, урф-одатларимиз, дастурларимиз ва қадриятларимизни кенг турда тарғибот этиш мақсадида ташкиллаштириладиган халқаро ва республика фестивалларини ўтказиш;

– туризм соҳасининг гид ва бошқа йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, юртимизнинг етакчи олий таълим муассасалари ва сайёҳлик компаниялари мутахассисларини жалб қилган ҳолда Қорақалпоқ давлат университети қошида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;

– Қорақалпоқ давлат университети ижтимоий-иқтисодиёт факультетида Туризм бакалавр таълим йўналишини ташкил этиш;

– Нукус шаҳридаги “Ашши кўл”дан рекреацион туризм мақсадида фойдаланишда атрофида инфратузилмани яхшилаш;

– спорт туризмни ривожлантириш мақсадида ҳар йилнинг баҳор, ёз ва куз фаслларида хорижий меҳмонларни жалб қилиб, маҳаллий аҳоли билан биргаликда Нукус шаҳридаги “Дўстлик” каналида “Эшкак эшиш” тадбирларини ташкил этиш.

2. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

2.1. Андижон вилоятининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат қилаётган Андижон халқининг истиқболдаги самарали фаолиятида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизнинг шарқий ҳудудида жойлашган Андижон вилояти нафақат гўзал табиати, қулай географик жойлашуви, балки табиатан меҳнатсевар ва жонқуяр халқи билан ватанимиз таракқиётига улкан ҳиссасини қўшаётган ҳудудлардан биридир.

2017 йил 1 январь ҳолатига вилоят аҳолиси сони 2962,5 минг кишини ташкил этиши ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 4053,6 минг сўмни ташкил этади.

Андижон вилоятида 2 та вилоят ва 8 та туманларга бўйсунувчи шаҳарлар, 14 та туманлар, 5 та шаҳарча, 95 та кишлоқ фуқаролар йиғинлари, 536 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд.

Андижон вилояти ўз табиати, минерал ресурслари, маданияти ва бошқа ресурсларга бойлиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Ушбу ресурслардан фойдаланиш натижасида вилоят иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришилмоқда.

Шу боисдан, Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг автомобилсозлик ва енгил саноатида етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 5,7 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда саноат, кишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳалар изчил ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда жами 4877 та саноат корхоналари фаолият юритмоқда, шундан 43 та йирик корхоналар (40 таси вазирлик тизимида, 3 таси ҳудудий) ҳиссасига тўғри келади. Маҳсулотларнинг 95 фоизидан ортиғи автомобилсозлик, енгил саноат, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат тармоқларида ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, Асака шаҳридаги “Женерал моторс Ўзбекистон” қўшма корхонаси бу борада алоҳида ўринга эга. Бу завод мамлакатимизда янги тармоқ – автомобилсозлик саноатига асос бўлди, у билан боғлиқ инфратузилмалар, хизматлар соҳалари шаклланди. Бугунги кунда заводда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, ҳозирда вилоятда меҳнат билан банд аҳолининг қариб 85 фоизи ушбу соҳада фаолият юритиб келмоқда.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти яхлит иқтисодий тизимни ўзида ифодалаб, изчил иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик унинг элементлари ҳисобланган ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишига мустаҳкам боғлиқдир. Шундай ҳудудларда бири Андижон вилояти ҳисобланади. Андижон вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий географик жойлашуви, улкан табиий ресурс салоҳияти ва унумдор серҳосил ер ресурслари билан республиканинг етакчи ҳудудлари орасида алоҳида ўринга эгадир.

Кейинги йилларда вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Вилоят кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2010 йилда 3506,6 млрд.

...Андижон вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида жуда муҳим, айтиш мумкинки, стратегик ўрин тутди. Бу замин кўпгина соҳалар бўйича илгор ва салмоқли улушга эга ҳудудларимиздан бири экани ҳақида кўп мисоллар келтириш мумкин.

Ш.Мирзиёев

сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 11266,0 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йилда 12223,6 млрд. сўмга етказиш прогноз килинган. 2010 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот киши бошига 1350,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 3836,5 минг сўмни ташкил этган. 2017 йилги прогноз кўрсаткичлар бўйича 4053,6 минг сўмга етказиш кўзда тутилган (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Вилоятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари¹

№	Кўрсаткичлар номи	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
1.	ЯИМ жами, млрд. сўм	3506,6	4771,9	6218,1	7813,6	8728,5	10197,9	11266,0	12223,6
2.	Киши бошига, минг сўм	1350,5	1758,1	2255,8	2785,4	3054,7	3503,8	3836,5	4053,6
3.	Аҳолининг сони йил охирига, минг киши	2596,6	2714,2	2756,5	2805,2	2857,4	2910,5	2962,5	3015,5
4.	Аҳолининг ўсиши, минг киши	66,3	117,6	42,3	48,7	52,2	53,1	52	53
5.	Банд аҳоли, минг киши	1112,1	1144,8	1176,4	1210,8	1245,1	1271,7	1297,7	1324,2
6.	Ишсиз аҳоли, минг киши	68,2	66,6	66,3	68,5	73,7	75,6	77,5	76,4
7.	Хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм	1357,8	2286,5	2724,4	3344,5	3899,4	4034,6	4817,5	4717,5

Замонавий шароитларда ривожланган мамлакатларда кузатилаётган глобал молиявий инкироз шароитида ишсизлик муаммоси нафақат ижтимоий муаммолар, балки ялпи талабнинг пасайиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг ҳам кескинлашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳаллий ҳомият органлари фаолиятининг асосий вектори, аввало, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Жадвал маълумотларига мурожаат қилсак, банд аҳолининг 2010 йилдаги сони 1112,1 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1297,7 минг кишини ташкил этган.

Вилоят иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий тенденция, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг ривожланиб бораётганлиги ҳисобланади. Хусусан, вилоятда 2010 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 1357,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилгача ушбу тенденцияда барқарор ўсиш кузатилиб, ушбу кўрсаткич 4817,5 млрд. сўмга етган. 2017 йилда эса 4717,5 млрд. сўмга прогноз килинган.

2010–2017 йиллар мобайнида ишсиз аҳоли сонининг номинал мазмундаги ўсиши кузатилмоқда. Лекин аҳоли сонининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнидаги ўсиш суръатига нисбатан ишсиз аҳоли сонининг паст даражада бўлаётганлиги натижасида умумий ишсизликнинг пасайиши кузатилмоқда.

Бандликни таъминлаш билан боғлиқ стратегик вазифа ижросида вилоят иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланиб бораётганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

¹ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.2. Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қилсак, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан юқори ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 110,5%ни, 2011 йилда 111,3%ни ташкил этиб, ушбу йилларда юқори ўсиш суръатлари кузатилган. 2016 йилда заиф ўқиш суръати кузатилган бўлса, 2017 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 108,5%га прогноз қилинган.

Вилоят ЯИМда саноатнинг улуши 2010 йилда 26,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 22,4%ни ташкил этган. 2017 йилда таҳлил қилинаётган кўрсаткич 23,9%ни ташкил этмоқда.

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узок муддатли истиқболни кўзлаб, саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кейинги йилларда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Хизматлар соҳасининг улуши 2010 йилда 38,7%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 44,6%га ўсмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, 2010 йилда 54,7%дан 2017 йилда 66,2%гача ўсиб бормоқда. Хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши вилоят иқтисодиётининг нафақат макродаражада, балки мега даражадаги рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки, XXI асрнинг навбатдаги декадасида янги иқсодиётнинг энг асосий қонуниятлари – индустриал иқтисодиётнинг постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига шиддат билан ўзгариб бораётганлигидадир. Хизматлар иқсодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг бош омилидир. Лекин ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

2.2.1-жадвал

Андижон вилоят иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯИМ тузилмаси²

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Ялпи ҳудудий маҳсулот	110,5	111,3	108,4	110,4	107,5	103,6	101,0	108,5
шу жумладан:								
ЯИМда саноатнинг улуши (қурилиш соҳаси билан бирга)	26,7	23,3	26,6	28,1	32,5	27,3	22,4	23,9
ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши	38,7	40,1	43,8	42,8	41,8	42,7	44,1	45,1
ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	54,7	56,3	57	57,5	59,4	61,4	66	66,2

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

² Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

биринчидан, вилоят аҳолиси меҳнат ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва истеъмол бозорини замонавий хизмат турларининг кенг арсенали билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдирмоқда;

иккинчидан, хизматлар соҳаси юқори қўшимча қийматли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг алоҳида сегментини ўзида ифодалаб, иктисодиётнинг интенсив ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда;

учинчидан, хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти юқори капитал сифимини талаб қилмайди. Қолаверса, маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари каттадир;

тўртинчидан, Андижон вилоятида долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликнинг олдини олишга қаратилган ислохотларда хизматлар соҳасининг роли ғоят юксак бўлмоқда. Чунки хизматлар соҳасини кенгайтириш орқали вилоятда янги иш ўринларини яратиш бошқа соҳаларга нисбатан юқори самара бермоқда.

Бешинчидан, хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг кенг қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш имконияти натижасида уларнинг даромадларини ошириш ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлиги оширилишига олиб келади.

Олтинчидан, маҳаллий бюджетга тушумларни тушириш манбаи сифатида юқори имкониятларга эгаллиги ҳисобига Андижон вилояти ҳозирги шароитда тўлиқ дотациядан чиқарилди.

2.3. Хизматлар соҳасидаги туб ислохотлар ва унинг натижалари

Хизматларнинг ривожланиши узоқ тарихга эга эканлиги натижасида XX аср охирига келиб унинг жаҳон ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги улуши 68,0 % га етди. Ўтган 100 йил давомида хизматлар соҳаси таркибий жиҳатдан кескин ўзгарди. XX аср бошларида кўрсатилаётган хизматлар доираси чегараланган бўлиб, уларнинг катта қисмини уй хизматлари, шунингдек, савдо, транспорт, маиший хизматлар ташкил этган. Бугунги кунда эса илмий тадқиқотлардан тортиб токи таъмирлаш хизматларигача, таълимдан бошлаб токи қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари мавжуд бўлиб. (ХСТ классификацияси бўйича) мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар юқори ўринни эгаллайди.

2.3.1-жадвал

Андижон вилоятида хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий параметрлари³

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Хизматлар умумий ҳажмининг ЯИМдаги салмоғи, %	38,7	40,1	43,8	42,8	41,8	42,7	44,1	45,1
Хизматлар ўсиш суръати (таққослама баҳоларда, ўтган йилга нисбатан %да)	113,6	117,2	114,6	122,2	120,2	119,1	115,5	119,1
Шу жумладан қишлоқ жойларда	113,5	115,1	114,6	117,3	119,9	123,1	114,5	117,2
Қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар ҳажми, хизматларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %да	39	39,8	48,2	45,2	38,2	34,8	35,7	36,2
Хизматлар соҳасида банд бўлганлар сони (барча хизмат турларини қўшган ҳолда), минг киши	39	39,8	48,2	45,2	38,2	34,8	35,7	36,2

³ Андижон вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Андижон вилоятида хизматлар соҳасини таккослама баҳолардаги йиллик ўсиш суръати 2017 йилга келиб, 119,1%ни ташкил қилмоқда. Демак, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатига нисбатан хизматлар соҳасининг ўсиш суръати уларни ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улушининг ортиб боришини таъминламоқда.

Лекин Андижон аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшашини инобатга оладиган бўлсак, қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш бўйича истикболда қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Чунки қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг хизматлар умумий ҳажмидаги салмоғи 2010 йилда 39%ни, 2016 йилда 35,7%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич мос равишда 2017 йилда эса 36,2%ни ташкил этиши кўзда тутилган (2.3.1-жадвал).

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш натижасида ЯИМ таркибида хизматлар улуши изчил ошиб бормоқда.

Вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми таҳлил қилинаётган давр мобайнида 728,6 млрд. сўмдан 2017 йилга келиб, 4205,5 млрд. сўмга ошди.

Вилоятда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг хўжалик бирликлари мулкчилиги шакллари бўйича таксимланишида нодавлат секторида кўрсатилган пуллик хизматларнинг улуши ортиб бориб, жами кўрсатилган пулли хизматлар 2017 йилда 3737,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 3517,4 млрд. сўмлик пулли хизматлар нодавлат сектори томонидан кўрсатилган (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

Вилоятда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг кўрсаткичлари⁴ (млрд. сўм)

Йиллар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар	728,6	965,6	1247,4	1664,6	2069,6	2575,7	3105,5	4205,5
Шу жумладан:								
Шаҳар жойларида	329,5	419,8	541,1	762,6	1003,6	1070,5	1353,3	1353,3
Қишлоқ жойларида	399,1	545,8	706,3	902,0	1065,9	1505,2	1752,2	1952,3
Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар (минг сўм)	279,1	358,5	465,9	598,6	730,9	893,2	1057,5	1354,5
Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг хўжалик бирликлари мулкчилиги шакллари бўйича таксимланиши								
Давлат	45,2	64,7	83,6	109,9	149	177,7	201,9	219,7
Нодавлат	683,4	683,4	1163,9	1554,8	1920,6	2398	2903,6	3517,4

Демак, хизматлар соҳаси нафакат Андижон вилояти иқтисодиётининг ривожланиши балки, вилоят иқтисодиётидаги нодавлат сектори раванкида ҳам улкан аҳамият касб этиб келмоқда.

⁴ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Истикболда хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш орқали ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Бунинг учун ушбу замин кенг табиий ресурс, капитал ва юқори интеллектуал ишчи кучи ресурсларига эга.

2.4. Вилоятнинг инвестицион фаоллиги

Вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва саннат тармоқларини техник модернизациялаш ишларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни барпо этиш имконини яратиб бермоқда. Ҳудудлар инвестицион фаоллиги бўйича стакчи ўринлардан бирини эгалловчи Андижон вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Андижон вилоятига жами киритилган инвестициялар 2010 йилда 525,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, кейинги 8 йил мобайнида ушбу кўрсаткич барқарор ўсиш суръатига эга бўлган ва 2016 йилга келиб 1188,2 млрд. сўмга етган. 2017 йилда эса прогноз кўрсаткичлари бўйича асосий капиталга киритиладиган жами инвестицияларни 1991,5 млрд. сўмга стказиш кўзда тутилмоқда. Жами инвестициялар таркибида марказлашмаган инвестицияларнинг улуши юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Хусусан, ушбу инвестицияларнинг 2010 йилдаги ҳажми 493,4 млрд. сўмни, жами инвестициялардаги улуши эса 93,8%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб, 1692,9 млрд. сўмни, жами инвестициялардаги улуши эса 85,0%ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

2.4.1-жадвал

Вилоятда иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот⁵ (млрд. сўм).


	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Жами инвестициялар	525,9	745,7	1139,9	1215,2	1407,5	1637,8	1882,2	1991,5
Марказлашган инвестициялар	32,5	101,8	145,8	171,2	275,2	234,1	263,2	298,5
Марказлашмаган инвестициялар	493,4	643,9	994,1	1043,9	1132,3	1403,6	1618,9	1692,9
Жами инвестицияларда марказлашмаган инвестицияларнинг салмоғи, %да	93,8	86,3	87,2	85,9	80,4	85,7	86,0	85,0

⁵ Андижон вилояти ҳокимлиғи иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳудудларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, бизнес юритиш учун яратиб берилган шарт-шароитлар туфайли таъминланмоқда. Шу билан бирга ҳудуддаги қулай инвестиция муҳити шаклланишида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг ҳам фаоллиги юқори бўлмоқда.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, кейинги йилларда инвестициялар ўсиш динамикасида ва хусусан, марказлашмаган инвестицияларнинг йиллик юқори ўсиш суръати кузатишмоқда.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш динамикасида кейинги 8 йил мобайнида хаотик тебранишни кўришимиз мумкин. Хусусан, 2010 йилда йиллик ўсиш суръати 108,9%ни, 2013 йилда эса 96,7%ни, яъни йиллик ўсиш суръатида, аксинча пасайиш кузатишган бўлса, кейинги 4 йил мобайнида барқарор ўсишни кузатишимиз мумкин.



2.4.1-расм. Вилоятда иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот⁶ (%да).

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатида молиялаштиришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган манбаларининг ўсиш динамикаси таъсир кўрсатган.

Хусусан, 2011 йилда марказлаштирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 345,3%ни, 2014 йилда 160,7%ни ташкил қилмоқда.


Бу, ўз навбатида, қабул қилинган давлат инвестиция дастури манзилли рўйхатида йирик ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларнинг Андижон вилояти кесимида кенг реализация қилинаётганлигини ифодалайди.

Андижон вилоятида иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар таркибида бюджет маблағлари 2010 йилда 17,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йилгача ўсиб борган ва 80,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Давлат мақсадли фондлари маблағлари ҳисобига молиялаштирилган лойиҳалар етакчи салмоқни ташкил этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси, Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳалар етакчи салмоқни ташкил қилмоқда. Шу билан бирга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қафолатидаги хорижий инвестиция ва кредитларнинг миқдори ҳам ортиб бормоқда.

Андижон вилоятида ҳудудий инвестицион сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий капиталга киритилган

⁶ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

инвестициялардаги хиссасининг юкорилигини таъкидлаш мумкин. Зотан, назарий жиҳатдан марказлаштирилмаган инвестицияларнинг юкори салмоғи ва унинг таркибий ўзгариши ҳудуд иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.



2.4.2-расм. Андижон вилоятида иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар таркиби ҳақида маълумот⁷

Маълумотлар тасдиқлайдики, марказлашмаган инвестициялар таркибида 2010 йилда корхона маблағлари асосий салмоқни ташкил қилаётган бўлса, 2017 йилга келиб, аҳоли маблағлари сезиларли салмоқни ташкил қилмоқда. Бу, ўз навбатида аҳолининг реал даромадларини изчил ортиб бораётганлигидан далолат беради. Аҳоли ихтиёридаги даромадларнинг истемолдан ортган қисми жамғариш фондларига йўналтирилиб, улар аҳолининг инвестицион фаоллигини оширишнинг молиявий манбаи ҳисобланади.

Андижон вилоятида амалга оширилаётган марказлашмаган инвестициялар таркибида тижорат банклари кредитлари ва заём маблағларининг улуши ҳам ортиб бориб, 2017 йилда 23,6 %ни ташкил этмоқда. Бундан кўриш мумкинки, ҳудуддаги инвестиция фаолиятини молиявий таъминлашда тижорат банклари инвестицион кредитлар воситасида фаол иштирок этиб келмоқда.


Маълумки, мамлакат ҳудудларида таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш сиёсатини самарали реализация қилишда илғор замонавий технологияларга асосланган хорижий инвестициялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда нисбатан пасайиш кузатилган. Бу, албатта, жаҳон ҳўжалигида инкирознинг навбатдаги тўлқини натижасида халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ муаммолар таъсир этган. Лекин таъкидлаш жоизки, ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги циклик тавсифдаги инкирозли ҳолатлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор тараккий этиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётига мавжуд халқаро инвестицияларни жалб қилиш бўйича муқобил имкониятларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам, маҳаллий ҳокимият органлари ва хорижий инвестицияларни ҳудудларга жалб қилиш бўйича фаоллигини ошириш зарур.

Юқоридаги молиялаштириш манбалари ҳисобига Андижон вилоятида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар, асосан, фаолият юритаётган корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудий инфратузилмани модернизациялашга йўналтирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги

⁷ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

“2015–2019 йилларда коммуникациялари ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313 сонли қарорига мувофиқ Андижон вилоятида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.



2.4.3-расм. Вилоятда иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган марказлашмаган инвестициялар ҳақида маълумот⁸

2.5. Вилоят инфратузилмаси ва ундаги мавжуд муаммолар

Маълумки, Андижон вилоятидаги асосий муаммолардан бири аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг электр энергияга эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ҳисобланади. 2015–2019 йилларда паст кучланишли тармоқларни ва электр энергияси билан таъминловчи объектларни биринчи навбатда қишлоқ жойларда хорижий инвестиция маблағларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, дастур бўйича вилоятда 2905,6 км электр тармоқлари ва 488 дона трансформатор пунктларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Саноат корхоналарини мунтазам равишда электр энергияси билан таъминлаш, янги ташкил этилган корхоналарни белгиланган тартибда тармоққа улаш юзасидан тезкор чоралар кўриб борилмоқда. Жумладан, электр тармоқларига уланиш бўйича саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларидан келиб тушган 195 та мурожаатларга асосан барча субъектлар қисқа муддатларда электр таъминотига уланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги ПҚ-2697-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори доирасида 2017 йил давомида вазирлик ва идоралар томонидан 11 та йирик объект ва қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш белгиланган.

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 38,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 2017 йилда 24,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида 183 та янги ишчи ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Ўтган январь-июнь ойларида мазкур йирик объектларда жами 11,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларнинг ўзлаштирилиши белгиланган бўлса, амалда барча манбалар ҳисобидан 12,1 млн. АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилиниши ҳисобига кўзда тутилган прогноз режа 106,4 фоизга удаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга асосан Андижон вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йиллик қуввати 11,7 минг тонна бўлган 9 та лойиҳа, маҳсулот сақлаш ҳажми 7,9 минг тонна бўлган 10 та музлаткичли омборхона лойиҳалари ва тара-кадоклаш материаллар ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати 1430 минг дона бўлган 3 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

⁸ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Олиб борилган мониторинг натижаларига кўра дастурга киритилган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва тара қадоклаш лойиҳаларининг амалга ошириш учун январь-июнь ойларида 2 млн. 606 минг АҚШ доллари миқдорида маблағлар ўзлаштирилди. Шундан 1 млн. 893 минг АҚШ доллари банк кредитлари ҳисобига амалга оширилди.

Президентимизнинг 2016 йил 15 сентябрдаги “2016–2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ -2592 сонли қарорининг 2-иловасига асосан 2017 йилда 2 та лойиҳа, Андижон туманидаги “Рубер траст” МЧЖ да пойабзал ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва Шаҳрихон туманидаги “Анд чин инвест” МЧЖ да пойабзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳалари киритилган. Мазкур лойиҳалар бўйича 2017 йилда 1,2 млн. АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган.

Шундан 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 500 минг АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилиниши белгиланган бўлса, амалда 770 минг АҚШ долларилик инвестиция жалб қилинди ва кўзда тутилган инвестиция ҳажми 1,5 бандга ортиғи билан бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595 сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 2016 йил 21 сентябрдаги 387-Қ сонли қарорининг 2-иловасига асосан вилоятда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурга асосан 2017 йилда жами 23,5 млн. АҚШ долл. миқдорида маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига 23 та лойиҳалар ишга туширилиши ва 1003 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида барча лойиҳалар ҳисобига 6,7 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, жами 7 та лойиҳалар ишга туширилди ва 84 та иш ўринлари яратилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сонли қарорига асосан тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш бўйича 2017 йилда умумий қиймати 5,5 млн. АҚШ долларилик 2 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 70 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Хўжаобод туманида "Нил-Гранит" МЧЖда 4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига трикотаж мато тўқиш ва бўяш цехини ташкил қилиш ва 50 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ҳозирда лойиҳани амалга оширилиши кўзда тутилган бинода қурилиш ишлари якунланмоқда. Дастгоҳ сотиб олиш бўйича хорижий ҳамкорлари билан шартнома тузилган. Дастгоҳлар сотиб олиш учун Кишлоққурилишбанк томонидан 6 млрд. сўм банк кредити ажратилган ва конвертация қилиш учун депонентланган ҳисоб рақамига қўйилган.

Хўжаобод туманидаги "Хўжаобод фэйз-М" ХК томонидан 1,5 млн. АҚШ доллари маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва 20 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200 сонли “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорининг 4-иловасига асосан Андижон вилоятида 4 та, шундан Андижон шаҳрида 3 та ва Асака туманида 1 та кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш белгиланган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 9,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар жалб этилиб, озик-овқат, энгил саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 870 та янги иш ўринлари яратилади.

2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 18 та лойиҳалар 2,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида фойдаланишга топширилди ва 203 та янги иш ўринлари яратилди.

Андижон шаҳридаги саноат зоналарида 2017 йилнинг 2-ярим йиллигида умумий қиймати 3780 млн. сўмлик 24 та лойиҳалар амалга оширилиб, 327 та янги иш ўринлари яратилади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 4,7 млрд. сўм миқдорда инвестициялар жалб этилиб, озик-овқат, енгил саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 203 та янги иш ўринлари яратилади.

2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 1 та лойиҳа (*"Ширин газ сервис" МЧЖ газ тўлдириш станцияси*) 1 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида фойдаланишга топширилди ва 25 та янги иш ўринлари яратилди. Асака туманидаги саноат зонасида 2017 йилнинг 2-ярим йиллигида умумий қиймати 3672 млн. сўмлик 19 та лойиҳалар амалга оширилиб, 178 та янги иш ўринлари яратилади⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 январдаги ("2016 йилда тураржой массивлари қурилиши дастури ва келгусида индустриал базани ривожлантириш чора-тадбирлари ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қурилишини маҳаллийлаштириш тўғрисида"ги) ПҚ-2483-сонли қарорига мувофиқ жорий йилда вилоятнинг 27 та қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 1139 та уй-жой қурилиши белгиланган. Намунавий уй-жойларни қурилиш ишларини ўз вақтида яқунлаш бўйича ҳафтанинг ҳар якшанба куни "қурилиш куни" деб эълон қилинган бўлиб, ҳафталик амалга оширилган ишлар муҳокама қилиб борилмоқда. Ҳар бир массивга "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК вилоят филиали, қурилиш-пудрат корхоналари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари буюртмачи-қурувчилари, лойиҳачилар ҳамда назорат қилувчи органларнинг қиладиган ишлари аниқ белгиланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир массив бўйича туман ҳокимликларининг масъул вакиллари, пудрат корхоналарига маҳаллий қурилиш материалларини (пишган ғишт ва темир-бетон буюмлари) етказиб берувчилари бириктирилган.

Андижон вилоятининг юқори қўшилган қийматли саноат салоҳиятини янада ошириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантириш юзасидан вилоятда тизимли иш ташкил этилган. Бу борада ўтган йилларда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистралининг вилоят ҳудудидан ўтган қисмидаги 3 та объектларда (А373 "Тошкент-Андижон-Ўш") реконструкция ишларини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш объектларини ишга тушириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жами 150,2 км. сув тармоқларини қуриш ва таъмирлаш амалга оширилмоқда. Шундан: Инвестиция хисобидан 62,0 км. 29,1 км. мукамал таъмирлаш, 59,1 км. жорий таъмирлаш ҳамда 72 та сув кудукларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. 3878,8 км электр тармоқлари ва 1420 та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш ҳамда 1234 км. электр тармоқларини ва 526 та трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш ишлари тизимли амалга оширилмоқда.

Андижон вилоятида асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш сиёсатининг туман ва шаҳарлар кесимидаги таҳлилини кўрадиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин бўлади. Барча туман ва шаҳарларнинг инвестицион фаоллиги ва хусусан, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги фаоллиги бир хил бўлмапти.

Бу борада 2017 йилда Андижон шаҳри (491,4 млрд. сўм), Асака тумани (278 млрд. сўм), Олтинқўл тумани (217 млрд. сўм), Андижон тумани (127 млрд. сўм), Шаҳрихон тумани (108 млрд. сўм) етакчилик қилмоқда.

Туман ва шаҳарларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши таъкидланади: корхонани ташкил этиш сабабларини иноватга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Назарий жиҳатдан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатилади. Булар: ички, ташки ва стратегик сабаблардир.

⁹ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ички сабаблар сифатида: инвестиция мухити ва ундан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги; бошқарувнинг янги усуллари ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат мухити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар сифатида мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Демак, юқоридагилардан маълумки, ҳар бир туман ва шаҳар кесимида инвестицион фаоллик ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ҳудудий-иқтисодий сиёсатнинг стратегик мақсадларини реализация қилиш билан уйғулигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турадиган асосий вазифалардан бири ҳудуд иқтисодиётини мувозанатли ривожланишини таъминлаш контекстида инвестицион фаолликни янада жонлантириш ҳисобланади.

2.5.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес корхоналарининг ривожланиш кўрсаткичлари¹⁰

Кўрсаткичлар номи	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони, минг бирлик	17855	19814	20143	21413	22802	23848	23580	24473
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони, минг киши		932,1	975,7	1007,8	1042	1067,9	1091,1	1124,9
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, %	81,2	82,4	82,9	83,3	83,7	83,8	84,1	84,3
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ЯҲМдаги солиштирма салмоғи, %да жами	51,2	56,3	57,4	57,5	59,4	61,4	66	66,2
Кичик тадбиркорликда янгидан яратилган иш ўринлари сони, минг бирлик	41287	60191	64750	67489	71385	76938	64281	53163
Ҳар минг кишига тўғри келувчи фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик	6,9	7,5	7,6	10,3	10,4	8,2	8	8,4

Андижон вилоятида бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, содаллаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг ҳудуд иқтисодиётидаги тугган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 27719 тани ташкил қилиб, шундан 26277 таси ёки 94,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

¹⁰ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7746 та (27,9 %и), саноат 5236 та (18,8 %и), қурилиш 2391 та (8,6 %и), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 2169 та (7,8 %и), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1329 та (4,9 %и) соҳаларига тўғри келади.

2.6. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Андижон вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари алоҳида роль ўйнайди. Юртимизда бўлганидек, Андижон вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, тадбиркорларнинг ўрта синфни шакллантиришда мустақкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоят ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 2010 йилда 51,2%и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йил якунлари бўйича 66,0 фоизни, 2017 йилги прогноз кўрсаткичлари бўйича 66,2 %га етказиш мўлжалланган. Натижада 2017 йилга келиб, рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони 24473 мингга етди (6-жадвал).

Барчамизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ва хусусан ҳудуд иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган имкониятларидан бири бандлик ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Ушбу жиҳатдан Андижон вилоятида бошқа ҳудудларга нисбатан долзарб масалалардан бири бўлган бандликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг имкониятлар яратиш беришмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 2017 йилга келиб, 1124,9 минг кишини ташкил этмоқда. Умумий банд аҳолининг 2017 йилга келиб, 84,3 %и айнан ушбу соҳага тўғри келмоқда. Кичик тадбиркорликда янгидан яратилган иш ўринлари сони 2010 йилда 41287 мингтани ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб 53163 мингга етказилди. Натижада ҳар минг кишига тўғри келувчи фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилга келиб 8,4 тани ташкил этмоқда.

Демак, маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳудуддаги нафакат иқтисодий ўсиш, балки мавжуд ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳам ҳал қилиш имкониятларига эришилмоқда. Вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келмоқда. Хусусан, савдо ва умумий овқатланиш тармоғида фаолият юритувчи кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 2010 йилда 6066 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг сони йиллар мобайнида ортиб бориб, 2017 йилда 8002 тага етди. Кейинги ўринда саноатда фаолият юритувчи кичик корхона ва микрофирмалар эгаллаган (2.6.1-жадвал).

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб боровчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) ҳажми 263,5 млрд. сўмни, йиллик ўсиш суръати эса 107,8 %ни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,0 %и) ташкил қилди. Айнан ушбу соҳада 239,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 71,2 %и) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 146,1 фоизни ташкил қилди. 345,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,4 %и) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 116,8 фоизга кўпайди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг 113,0 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 115,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,5 фоизи) кўпайиши таъминланди. 38,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 58,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 35,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 17,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Андижон вилоятида рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иктисодиёт тармоқлари бўйича сони¹¹**

Тармоқ номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Жами	17855	19814	20143	21413	22802	23848	23580	24473
Шу жумладан тармоқлар								
Саноат	3186	3777	4449	4940	5344	5630	5181	5233
Қурилиш	1741	1860	2074	2265	2448	2572	2370	2465
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3498	3839	2078	2156	2261	2329	2143	2289
Транспорт ва алоқа	665	792	860	964	1045	1117	1463	1521
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	1003	1237	1411	1430	1526	1767	1821	1912
Савдо ва умумий оқатланиш	6066	6548	7381	7801	8222	8467	7695	8002
Маиший хизматларнинг ноишлаб чиқариш турлари	233	265	286	300	287	391	1323	1403
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот	646	687	729	737	782	807	620	645
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	517	492	535	513	579	560	600	624
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	300	317	340	307	308	208	364	379

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги қўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нафақат иқтисодий ва социал муаммоларни олдини олиш имкониятларини, балки мамлакат ва хусусан, ҳудуд иқтисодиётини диверсификациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш омили бўлиб ҳам хизмат қилди.

Юқоридагилар, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

¹¹ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Мамлакат ҳудудларининг мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан уларда шаклланган молия-банк тизими муассасаларнинг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Айниқса тижорат банклари тизими етакчи гармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни реализация қилишда муҳим ўрин тутди. Банклар том маънода иқтисодийнинг “Локомотиви” ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат ва унинг ҳудудлари таракқиётининг молиявий асосини ташкил этади.

Андижон вилоятида фаолият юритаётган банкларнинг сони 2011–2013 йилларда 12 тани ташкил қилган бўлса, 2014 йилдан бошлаб ҳозиргача жами 14 та банклар фаолият олиб бормоқдалар. Улар мулкчилик шакли бўйича акциядорлик жамияти шаклидаги банклар ҳисобланади. Ҳозирги шароитда 2 та хорижий капитал иштирокдаги банклар фаолият олиб бормоқда. 1 та хусусий банк фаолият олиб бормоқда. Жами банк бўлинмаларининг сони 2017 йилга келиб 70 тани ташкил этиб, аҳолига турли пул, ҳисоб-китоб хизматлари тақдим этилмоқда.

Иқтисодийга ажратилган кредитлар ҳажмининг динамикасида ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, 2011 йилда жами банклар кредит операциялари 699,9 млрд. сўмни, 2016 йилда 1785,0 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йил 1-ярим йилда 1305,3 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредитларнинг 2011 йилда 287 млрд. сўм, 2016 йилда эса 1120 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йилнинг 9 ойлик ҳисоботи бўйича 726 млрд. сўмни ташкил этган. Тижорат банкларининг кредит операцияларини хусусиятли жиҳати, биринчидан, ажратилган кредитларнинг асосий қисмини инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Иккинчидан, кредитларнинг қарийб 50%идан юқори салмоғи асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилмоқда.

2.7. Иқтисодийни ривожлантиришда банкларнинг роли ва улар томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати

Бундан ташқари аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун сифатли банк хизматларини тақдим этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат ҳукумати томонидан давлат ва жамият учун манфаатли нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиниши натижасида вилоятда тўлов тизимининг инновацион шакллари кенг арсенали йўлга қўйилди.

Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкаларни оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисоб-китобларнинг барча афзалликларини англаб етдилар.

Натижада банклар томонидан муомалага чиқарилган банк карталарининг сони 2011 йилда 563939 минг донани ташкил этган бўлса, 2017 йил 1-ярим йиллиги мобайнида ушбу карточкаларнинг миқдори 1412469 минг донага етди. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов терминаллари сони таҳлил қилинаётган даврда изчил ўсиб бориб, 2017 йилда 16205 тага етди.

**Андижон вилояти банк тизими ривожланишининг
асосий кўрсаткичлари¹²**

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017 йил 1-ярим йиллиги
1.	Банклар сони	бирлик	12	12	12	14	14	14	14
	Шу жумладан								
	- хорижий капитал иштирокидаги банклар	бирлик	1	1	1	2	2	2	2
	- хусусий банклар	бирлик	1	1	1	1	1	1	1
2.	Банк бўлинмалари сони	бирлик	69	69	69	71	71	70	70
3.	Кредит операциялари динамикаси	млрд. сўм	699,9	743,9	1034,2	1352,7	1566,3	1785,0	1305,3
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар	млрд. сўм	287	344	451	612	856	1120	726

Вилоятда фаолият юритаётган барча тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди. Ушбу чора-тадбирларнинг самараси сифатида тижорат банклари томонидан аҳолига ва иктисодиётнинг реал сектори тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг ҳажми ортиб бормоқда.

Вилоятда жами фаолият юритаётган банкларнинг кредит операцияларида уларнинг тармоқ хусусиятлари роль ўйнаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, худуд иктисодиётининг sanoat тармоғига ажратилган жами кредитлар ҳажмида “Асака” АТБ, Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ етакчилик қилган бўлса, қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар ҳажмида “Агробанк” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, чет эл капитали иштирокидаги “НАМКОРБАНК” АТБ, Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки етакчилик қилмоқда (2.7.2-жадвал).

Савдо ва хизматлар кўрсатиш тармоғи учун ажратилган кредитларда чет эл капитали иштирокидаги “НАМКОРБАНК” АТБ, Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, “Трастбанк” ХАБ каби тижорат банклари етакчилик қилмоқда. Ушбу кредит портфелларида инвестиция кредитлари асосий салмокни ташкил этмоқда.

Банклар кредит операциялари кўламининг кенгайиши улар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги пировардида иктисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир этаётганлигидан далолат беради. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискинни маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадларини ошишига олиб келди.

¹² Андижон вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

**Андижон вилояти банк тизими кредит операцияларининг
тармоқ тузилиши¹³ (2016 йил)**

т/р	Банклар номи	Кредит йўналиши (тармоқлар)				
		Саноат	Қишлоқ ҳўжалиги	Савдо ва хизматлар	Қурилиш	Бошқа тармоқлар
	Жами:	520168	257609	306414	105974	376144
1.	Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки	85521	401	48421	4002	34600
2.	Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки	1035	23843	8562	4132	30610
3.	“Асака” АТБ	92197	4459	10789	7791	14191
4.	“Ипотека-банк” АТИБ	7235	450	5950	60931	9713
5.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	40870	6239	20570	3687	4351
6.	“Агробанк” АТБ	20354	102131	5848	3301	51890
7.	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”	7289	5657	7100	3180	55085
8.	“Микрокредитбанк” АТБ	5021	80460	3935	3211	27397
9.	АТБ “Алоқабанк”	5251	2516	4930	1181	3801
10.	“Ипак Йўли” АИТБ	10078	2250	11077	1408	9353
11.	“Invest Finance Bank” АТБ	1404	20	3757	0	1646
12.	“Трастбанк” ХАБ	23777	648	26998	1212	5099
13.	Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” АТБ	205	228	2362	15	2212
14.	Чет эл капитали иштирокидаги “НАМКОРБАНК” АТБ	21991	28306	146115	11923	126195

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган кредитларнинг ўсишига таъсир кўрсатаётган яна бир омиллардан бири гаров таъминоги сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтирилганлиги, яқка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар коллежларни битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкани гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилганлиги ҳам ижобий таъсир этмоқда.

2.8. Вилоятнинг меҳнат ресурслари ва демографик ҳолати таҳлили

Маълумки, Андижон вилояти аҳолиси зич жойлашганлиги туфайли ишсизликни олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий масалалар нисбатан кескин ҳудудлардан бири ҳисобланади. Лекин шу билан бир қаторда аҳоли таркибидаги нисбатан юқори даражада иктисодий фаол аҳоли ҳудуд иктисодиёти учун потенциал ишчи кучи бўлиб хизмат қилади. Андижон вилоятида доимий яшовчи аҳоли сони 2010–2017 йиллар мобайнида изчил ўсиб борган. Хусусан, 2017 йилга келиб доимий яшовчи аҳоли 2962,5 минг кишига етган. Ушбу аҳолининг туман ва шаҳарлар кесимидаги тақсимланишида тафовутлар мавжуд (2.8.1-жадвал).

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Андижон вилояти бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг киши¹⁴
(2017 йил 1 январь ҳолатида)

Худудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Андижон вилояти	2549,1	2672,3	2714,2	2756,4	2805,5	2857,3	2910,5	2962,5
Андижон ш.	373,8	388,4	393,5	398,2	403,9	410,4	416,3	421,8
Хонобод ш.	37,4	37,9	38,3	38,8	39,3	39,8	40,1	40,6
Туманлар:								
Олтинқўл	142,7	148,3	150,9	153,7	156,9	160,2	163,2	166,6
Андижон	210,9	217,6	221,5	226,1	230,4	235,0	240,7	246,0
Асака	259,1	274,7	279,1	283,8	289,3	295,2	301,0	307,0
Балиқчи	158,4	169,0	171,9	174,7	178,1	182,0	185,6	189,0
Бўз	57,1	60,8	61,7	62,7	64,1	65,4	66,6	67,8
Бўлокбоши	115,1	122,4	124,2	125,9	128,1	130,4	132,9	135,1
Жалакудук	153,1	160,7	163,1	165,3	167,8	170,6	173,5	176,5
Избоскан	195,1	201,1	204,4	207,7	211,4	215,2	219,2	223,1
Қўрғонтепа	173,0	184,3	186,9	189,8	193,3	196,4	200,1	203,8
Марҳамат	139,2	147,9	150,0	152,2	154,8	157,4	160,4	163,1
Пахтабод	155,1	162,2	165,0	167,6	170,8	174,1	177,6	181,3
Улуғнор	49,5	50,6	51,5	52,4	53,4	54,4	55,3	56,2
Хўжабод	90,5	94,4	95,9	97,2	98,8	100,3	102,1	103,6
Шаҳрихон	239,1	252,0	256,3	260,3	265,1	270,5	275,9	281,0

Хусусан, 2017 йилда Андижон шаҳрида 421 минг, Асака туманида 307,0 минг, Шаҳрихон туманида 281 минг, Андижон туманида 246,0 минг аҳоли истикомат қилмоқда. Бу ўз навбатида, меҳнат ресурсларининг шаҳар ва туманлар кесимида тақсимланишига ҳам таъсир этмоқда. Маълумотларга разм соладиган бўлсак, 2010–2017 йилларда доимий аҳолининг ўсиб бориши натижасида меҳнат ресурсларининг сони 2010 йилда 1536 минг киши бўлса 2017 йилга келиб 1728,6 минг кишига ортган. Вилоятда мавжуд меҳнат ресурсларининг шаҳар ва туманлар кесимидаги тақсимланишида ҳам кескин тафовутни кўришимиз мумкин.

Ушбу ҳолат юкори даражадаги меҳнат ресурслари мавжуд бўлган шаҳар ва туманларда иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини макбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиккан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади. Вилоятда меҳнат ресурсларининг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжаликларидан ишламоқда. Лекин 2010–2016 йиллар мобайнида тармоқда банд меҳнат ресурсларининг жами банд меҳнат ресурслари улушида камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, 2010 йилда қишлоқ ва ўрмон хўжаликларидан жами меҳнат ресурсларининг 37,5%и банд бўлган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 27,4%ни ташкил қилмоқда. Жами саноат, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлашда, қурилиш тармоқларида банд бўлган меҳнат ресурсларида аксинча ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ушбу ҳолат худуд иқтисодиётининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнидаги таркибий ўзгариши билан боғлиқ ислохотлар натижасида кузатилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади.

¹⁴ Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Андижон вилояти бўйича ҳисобланган меҳнат ресурслари балансининг 2010–2017 йиллардаги кўрсаткичлари тасдиқлайдики, 2017 йилга келиб жами 1403,6 минг иктисодий фаол аҳолидан 1324,2 минг нафари банд аҳоли ҳисобланади. Банд аҳолининг таҳлил қилинаётган даврдаги ўзгариш динамикаси 119,1% ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич иктисодий фаол аҳолининг ўсиш динамикасидан юқори бўлиб, бу ўз навбатида, иктисодий фаол аҳолининг бандлик даражасининг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

2.8.2-жадвал

Аҳоли иш билан бандлигининг иктисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти¹⁵ (% ҳисобида)

Иктисодиёт тармоқлари	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Жами банд бўлганлар	100	100	100	100	100	100	100	100
<i>шундан:</i>								
саноатда	11,6	11,6	11,6	11,7	11,7	11,8	11,9	14,2
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	37,5	37,5	37,5	36,6	36,8	36,8	36,8	27,4
қурилишда	5,2	5,1	5,1	5,4	5,3	5,4	5,4	7,5
транспорт ва алоқада	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	4,7
савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлашда	8	8	8,1	8,2	8,2	8,3	8,4	12,9
турар жой коммунал хўжалиги ва аҳолига номаиший хизмат кўрсатиш турларида	2,6	2,5	2,5	2,6	2,4	2,4	2,5	2,2
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда	6,2	6,1	5,9	5,8	5,8	5,7	5,7	4,5
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда	11,6	11,2	10,9	10,7	10,7	10,7	10,6	7,6
бошқа соҳаларда	14,9	15,5	15,8	16,6	16,4	16,3	16,2	19

Шунингдек, иктисодиётнинг реал секторида банд бўлган аҳолининг таҳлил қилинаётган даврлардаги ўзгариш динамикаси 109,3 % ни ташкил қилиб, норасмий секторда банд бўлган аҳолининг ўзгариш динамикасига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилади.

Демак, банд бўлган аҳолининг қатлами расмий секторда кўнаиб бормоқда. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ишсизлик даражаси мўтадил даражада қолаётган бўлса-да, ишсизлар сонининг ўсиш динамикаси 112,1% ни ташкил қилиб, банд аҳолининг ўсиш динамикасига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Андижон вилояти юқори қишлоқ хўжалиги салоҳиятига эга бўлиши билан бирга, аҳолининг деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланган. Айниқса, бу борада кейинги йилларда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш контекстида 2016 йилда 215 та лойиҳа бўйича 968 гектар, 2017 йилда 317 та лойиҳа 1258,4 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди.

Жами жалб этилган маблағларнинг ҳажми 2016 йилда 21096,2 млн. сўм, 2017 йилда 31528 млн. сўм маблағ жалб этилди. Ушбу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган пакана ҳамда яримпакана мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши нафақат ҳудуд, балки мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёردа таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Биргина 2016 йилда Андижон вилоятида 69 лойиҳа устида иш олиб борилиб, ушбу лойиҳанинг қиймати 50447 млн. сўм маблағ жалб қилинган. 2017 йилда эса 170 лойиҳа устида иш олиб борилмоқда ва ушбу лойиҳаларнинг қиймати 183196 млн. сўмни ташкил этмоқда.

¹⁵ Андижон вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бугунги кунда бутун дунёда озик-овкат инкирозини инобатга олган ҳолда 2017 йилда чорвачиликни янада ривожлантириш пировард натижасида аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ижроси устида ишлар олиб борилмоқда.

Чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида вилоятнинг барча тоифа хўжаликларида мавжуд бўлган сигирларнинг сунъий уруғлантирилиши таъминланмоқда. Вилоятда насли қорамоллар генофондини яратиш мақсадида четдан юқори маҳсулдор насли қорамоллар олиб келинмоқда. Ушбу лойиҳалар учун биргина 2016 йилда 78298 млн. сўм маблағ жалб этилди. 2017 йилда эса 138201 млн. сўмлик лойиҳалар реализация қилинмоқда.

Охириги йилларда четдан насли молларни сотиб олган чорвачилик фермер хўжаликлари ва ташкилотларни алоҳида назоратга олиб, уларда мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун талаб этиладиган ер майдонларини ажратиш бериш ҳамда насли моллардан олинган урғочи бузоқлар бўйича алоҳида ҳисобот олиб борилмоқда.

Вилоятдаги қорамолчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда сигирларни 100 фоиз сунъий уруғлантириш, ўрнатилган тартибда наслчилик ҳисоботларини юритиш, ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалаларини бир ой муддатда ҳар бир хўжалик кесимида ўрганиб чиқилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бугунги кунда фаолият кўрсатаётган зооветеринария шахобчаларининг совутгичлар, термосумкалар билан ҳамда туманлар дехқон бозорларидаги ветеринария санитария лабораторияларини совутгичлар, микон ва лактан экспресс таҳлил жиҳозлари билан таъминлаш устида ишлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги ислохотлар ҳамиша замон билан ҳамнафас, гўзал ва навқирон Андижон заминида яшовчи фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юрт истикболи, миллат фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

2.9. Ижодий ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ Қишлоқ жойларидаги ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолган.
- ❖ Қиш мавсумида электр таъминотини яхшилаш керак. Узилишларни камайтириш лозим. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак.
- ❖ Экотуризм ва тиббий туризмни ривожлантириш лозим. Туристларнинг Андижон вилоятига (ички туризм) келиши жуда ҳам кам.
- ❖ Сифатли асосий турдаги озик-овкат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархларнинг давлат назоратини кучайтириш лозим.
- ❖ Транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойларини ташкил этиш лозим.
- ❖ Микрокредитларни олиш мумкин, аммо улардан мақсадли ишлатиш бўйича фуқароларда аниқ ва пухта бизнес режалар мавжуд эмас.
- ❖ Савдо нукталарида терминал етишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ.
- ❖ Темир йўл вокзали ҳудудида замонавий меҳмонхона, ювиниш жойлари ва бино архитектура қиёфаси ва ҳудудини тўлиқ ободонлаштириш лозим.
- ❖ Чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари олдида турган энг асосий ва катта муаммо бу озуқа таъминоти бўлиб, озуқа-ем маҳсулотлари тан нархини барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан;

1. Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаларини куйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишини амалга ошириш лозим:

биринчидан, савдо, транспорт хизматлари тизимида норасмий секторнинг улуши ханузгача юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу секторда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини расмий секторга ўтказиш бўйича назоратни тизимли равишда кучайтириш лозим. Бу ўз навбатида, хизматлар соҳасида яратилаётган қўшилган қиймат ҳисобига бюджетнинг потенциал даромад манбаини шакллантириб берса, иккинчи томондан вилоятдаги нақд пул тушумини ошириш имкониятларини шакллантиради;

иккинчидан, инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашиш, бунда биринчи навбатда, инфор­мацион-ғижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Бунда аҳолининг хизматларни янги турларига бўлган эҳтиёжларини кон­дириш орқали ҳудуд иктисодиётини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг улушини янада орт­тириш имкониятлари шакллантирилади;

учинчидан, ўзини-ўзи самарали бошқариши учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар с­тказиш, суғурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шаклининг механизмини жорий этиш, технологик ус­қуналарни лизингга бериш каби тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, хорижий инвести­яларини Андижон вилояти хизматлар соҳасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим. Андижон вилояти хизматлар соҳаси юқори даражадаги инвестицион салоҳиятга эга бўлиб, хорижий инвестицияларни юқори технологик тармоқларни хизмат кўрсатишдаги жадал ўсиши ва энергия тежамкор тармоқларни янада ривожлантириш контекстида жалб қилиш сиёсатини жадаллаштириш зарурдир.

2. Ҳудуд иктисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу борада куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда экспорт операцияларини сод­далаштириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иктисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятини яратиш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва киш­лок хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базасини янгилаш, замонавий техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

бешинчидан, вилоятнинг табиий ресурсларга бойлигини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишловчи корхоналар барпо этиш.

3. Андижон вилоятида мавжуд тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақса­дида яқин ва ўрта истикболда куйидаги йўналишда ислохотларни жадаллаштириш зарурдир:

биринчидан, кредит рискларини бошқариш ва назорат тизимини янада кучайтириш. Банклар мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш тадбирларини

давом эттириш. банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизими устидан адекват назорат тизимини янада кучайтириш даркор;

иккинчидан, тижорат банклари ресурс салохиятини миқдор ва сифат жihatдан яхшилаш мақсадида депозит ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, банкларнинг кредит операцияларида асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган қийматли инновацион лойиҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион кредитлаш сиёсатига қаратиш лозим;

тўртинчидан, тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатадиган молиявий хизматлар спектри янада кенгайтириш. Нақд пул тушуми устидан назоратни кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

4. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсаткомдаки, кейинги йилларда ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда нисбатан пасайиш кузатилмоқда. Бу албатта, жаҳон хўжалигида инкирознинг навбатдаги тўлкини натижасида халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ муаммолар таъсир этган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги циклик тавсифдаги инкирозли ҳолатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жihatдан барқарор тараққий этиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётига мавжуд халқаро инвестицияларни жалб қилиш бўйича муқобил имкониятларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам, маҳаллий ҳокимият органларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳудудлар фаоллигини оширишга доир чора-тадбирлар режасини ишлаш чиқиш ва унинг бажарилишини қатъий назоратга олиш зарурдир.

5. Бугунги кунда бутун дунёда озик-овқат инкирозини инобатга олган ҳолда 2017 йилда чорвачиликни янада ривожлантириш пировард натижасида аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларнинг ижроси устида ишлар олиб борилмоқда:

– чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида вилоятнинг барча тоифа хўжаликларида мавжуд бўлган сигирларнинг сунъий уруғлантирилиши таъминланмоқда. Вилоятда насли қорамоллар генофондини яратиш мақсадида четдан юқори маҳсулдор насли қорамоллар олиб келинмоқда. Ушбу лойиҳалар учун биргина 2016 йилда 78298 млн. сўм маблағ жалб этилди. 2017 йилда эса 138201 млн. сўмлик лойиҳалар реализация қилинмоқда;

– охирги йилларда четдан насли молларни сотиб олган чорвачилик фермер хўжаликлари ва ташкилотларни алоҳида назоратга олиб, уларда мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун талаб этиладиган ер майдонларини ажратиб бериш ҳамда насли моллардан олинган урғочи бузоклар бўйича алоҳида ҳисобот олиб борилмоқда;

– вилоятдаги қорамолчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер ва бошқа хўжалик юригувчи субъектларда сигирларни 100 фоиз сунъий уруғлантириш, ўрнатилган тартибда наслчилик ҳисоботларини юритиш, ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалаларини бир ой муддатда ҳар бир хўжалик кесимида ўрганиб чиқилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда;

– маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бугунги кунда фаолият кўрсатаётган зооветеринария шахобчаларининг совутгичлар, термосумкалар билан ҳамда туманлар деҳқон бозоридаги ветеринария-санитария лабораторияларини совутгичлар, микон ва лактан экспресс таҳлил жиҳозлари билан таъминлаш устида ишлар олиб борилмоқда.

– юқоридаги ислохотлар ҳамиша замон билан ҳамнафас, гўзал ва навқирон Андижон заминиде яшовчи фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юрт истиқболи, миллат фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

6. Вилоятда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш лозим ҳамда туризм соҳалари бўйича инфратузилмани янада ривожлантириш.

7. Вилоятнинг тоғли ва тоғ олди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш ҳамда ёнғокзорлар майдонини кўпайтириш. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш. Уларга имтиёзли кредитлар ажратишни соддалаштириш.

8. Вилоятнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда такрорий ипак қуртини етиштиришни оммавийлаштириш зарур. Чунки бугунги кунда ипак толасига бўлаётган талаб даражаси юқорилигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг экспорт даражасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

9. Вилоятда 2016/2017 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи етарлича ўрганилмаган. Вилоят, туманлар кесимида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим.

10. Вилоятнинг комплекс ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хориждан келтириладиган техника ва технологиялар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз ечимини кутмоқда, бу ўз навбатида, дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошишига салбий таъсир қилади.

11. Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади.

12. Вилоятда фойдаланишда мавжуд бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида тегишли ишларни самарали ташкил этиш лозим.

3. БУХОРО ВИЛОЯТИ

3.1. Бухоро вилоятининг табиий-географик ўрни

Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг 12 вилоятларидан биридир. Ўзбекистон вилоятлари ичида, чегарасининг катталиги бўйича Навоидан кейин иккинчи ўринда туради. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Бухоро вилояти худуди асосан Қизилкум чўлида жойлашган. Жануби-шарқини Зарафшон водийси эгаллаган. Шимоли-ғарбда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, шимол ва шарқдан Навоий вилояти, жануби-шарқда Қашқадарё вилояти, жануби-ғарбда Туркманистон билан чегарадош. Майдони 39,4 минг км². Аҳолиси 2017 йил 1 апрель ҳолатига кўра 1847,9 мингдан зиёд киши. Бухоро вилояти таркибида 11 кишлоқ тумани: Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қоракўл, Ғиждувон, 11 шаҳар (Бухоро, Галаосиё, Вобкент, Газли, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғиждувон), 540 та маҳалла фуқаролари йиғини бор. Бухоро шаҳар аҳолисининг этник таркиби асосан ўзбек, рус, форс (эронийлар), туркман, тожик, украин, корейс, татар ва бошқалар ташкил этади.

Дунёда алоҳида бир элга, алоҳида бир юртга бағишлаб барпо қилинган ёдгорликлар мажмуаси камдан-кам учрайди. Бухорои шариф айни шундай ўлкалар қаторига қиради.

Ш. Мирзиёев

Бухоро вилояти худудининг рельефи аксарият геоморфологик хусусиятларига кўра бирмунча мураккаб текисликлардан иборат. Энг баланд жойи Қулжуктов тизмаси. Қулжуктов билан Зарафшон дарёси водийси оралиғида Оёкоитма ботиғи жойлашган.

Бухоро вилоятида куйидаги рельеф кўринишларини ажратиш мумкин:

1. Алоҳида ифодаланган паст тоғлар, платолар (Қулжуктов, Тузкой тоғи, Жарқоқ, Саритош);
2. Текис юзали плато ва қирлар (Қоракўл, Денгизкўл, Учбош, Қорақир);
3. Дарё ва кўл ётқизиклари билан қопланган ва шамол таъсирида вужудга келган аккумулятив текисликлар;

4. Алоҳида ифодаланган берк ботиклар (Қорахотин, Оёкоитма, Денгизкўл);
5. Ясси юзали воҳаларда баландлиги 5–15 м ли тепалар учрайди.

Тоғлар асосан силур, девон, тошкўмир, бўр, палеоген, неоген даврлари жинсларидан тузилган. Текислик ва кумликлар тўртламчи геологик давр табиий омиллари таъсирида ўзгарган. Фойдали казилмалардан Сеталантепа, Жарқоқ, Газли, Учқирда газ, Кемачи, Зикри, Ўртабулоқда нефт-газ ҳамда графит конлари, оҳактош, бентонит (гилмоя), гранит конлари топилган. Бухоро вилоятида жуда кўп минерал сув захиралари аниқланган. Қулжуктов, Қорахотин, Жинилди, Оёкоитма ботиғи атрофларидан топилган сувлардан хўжаликда қисман фойдаланилади. Вилоят сейсмик жихатдан 7 балли, фақат Газли шаҳри атрофи 9 балли зилзила зонасига қиради. Иклими кескин континентал: ёзи иссиқ, узок, курук, июлнинг ўртача ҳарорати 28–32°, кумликларда 60–70° гача кўтарилади. Январнинг ўртача ҳарорати 0° дан –2° гача йилига 90–150 мм ёғин тушади. Асосан баҳор ва кишда ёғади. Вегетатсия даври 220 кун. Бухоро вилоятининг асосий сув манбаи – АмуБухоро машина канали. Уйимозор, Тўдакўл, Шўркўл сув омборларининг аҳамияти катта. Бундан ташқари воҳалар атрофида зовур ва окава сувлар ташланадиган Денгизкўл, Қорақир, Катта Тузкон ва Девхона каби кўллар мавжуд. Бухоро вилояти бўйича обикор ерларнинг 94,4 % турли даражада шўрланган.

3.2. Бухоро вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш таҳлили


2014 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)нинг номинал қиймати - 8090,7 млрд. сўмда баҳоланган, ЯХМ реал ҳажмининг ўсиш суръати 2013 йилга нисбатан 108,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)нинг номинал қиймати 9488,1 млрд. сўмни, ЯХМ реал ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 107,5 фоизни, 2016 йил январь-декабрида эса ушбу кўрсаткич ҳажми 10924,4 млрд. сўмни ташкил этган ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 107,9 фоизга тенг бўлган. (3.2.1-жадвал)

3.2.1-жадвал

Бухоро вилояти макроиктисодий кўрсаткичлари¹⁶

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-декабрь	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	10924,4	107,9
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	5720,0	107,3
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	2789,3	116,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	4455,7	107,0
Асосий капиталга қиритилган инвестициялар	млрд. сўм	5822,7	123,9
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	2302,6	109,2
Юк айланмаси	млн. тн-км	2383,0	106,9
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	815,0	81,0
Экспорт	млн. АҚШ долл.	352,3	89,4
Импорт	млн. АҚШ долл.	462,7	75,6

Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 2172,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 106,6 фоизга тенг бўлди. 2014 йил ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келган бўлса (ўтган йилга нисбатан 66,8 фоизни), 2015 йилда 67,5 фоизни, 2016 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (111,9%) ва қурилиш (109,0%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келган. 2016 йилда ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келган, ЯХМ да хизматлар улуши 39,2 фоиз (2015 йил январь-декабрда 37,9 фоиз)ни ташкил қилган.



3.2.1 - расм. Бухоро вилояти ЯХМ ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)¹⁷

¹⁶ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

¹⁷ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги “Илму маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик билан ном қозонган халқ” мавзусидаги нутқида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш натижасида жорий 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (109,2%) ва савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (108,7%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди. ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартда 52,3 фоизни ташкил қилган. 2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 48,5 фоиз (2016 йил январь-мартда 48,5 фоиз)ни ташкил қилди. (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Бухоро вилояти ЯҲМнинг тармоқлар бўйича тузилмаси % да¹⁸

Кўрсаткичлар	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
I. Жами ЯҲМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:												
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	83,3	82,6	84,1	83,4	87,6	87,9	86,9	88,4	88,8	89,2	90,6	89,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	16,7	17,4	15,9	16,6	12,4	12,1	13,1	11,6	11,2	10,8	9,4	10,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	42,4	39,4	36,2	32,7	25,9	29,3	31,1	30,6	31,5	31,0	29,8	31,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	26,6	25,7	29,5	30,7	44,9	37,5	32,1	30,7	29,2	29,1	31,4	29,0
Хизматлар	31,0	34,9	34,3	36,6	29,2	33,2	36,8	38,7	39,3	39,9	38,8	39,2
ЯҲМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	40,7	53,5	56,2	59,3	61,4	64,1	65,7	65,5	66,8	67,0	67,5	67,9

2015–2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича дастурларни амалга оширилиши 2016 йилда Бухоро вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан 6,6 % даражадаги юқори ўсиш суръатини таъминлаш имконини берди. Сўнгги 5 йил ичида ЯҲМ ҳажми ўтган йилга нисбатан йилига

¹⁸ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

6–9 % зиёдга ўсиши кузатилди. 2005 йилда Бухоро вилоятининг жами ЯХМни 100 фоиз деб олсак, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 83,3 фоизни, маҳсулотларга соф солиқлар 16,7 фоизни ташкил этган. 2016 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 89,4 фоиз ва 10,6 фоизни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган даврда ЯХМ таркибида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 6,1 пунктга ошганлигини ва маҳсулотларга соф солиқлар 6 пунктга пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурларнинг ижросини таъминлаш натижасида 2021 йилга бориб ялпи ҳудудий маҳсулот 1,5 баробарга ошиши, унда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг улуши ҳозирги 29,0 фоиздан 35,0 фоизга, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши – 80 фоиздан 85 фоизга ошиши, қишлоқ хўжалигининг улуши 31,8 фоиздан 26,1 фоизга камайиши, хизматлар соҳаси эса 39,2 фоиздан 41,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

3.3. Бухоро вилоятидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 15193 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 12082 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 79,5 фоизини) ташкил қилган бўлса, 2015 йил ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 15326 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 13828 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 90,2 фоизини), 2016 йил ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 15855 тага етган, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 14808 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,4 фоизини) ва 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 16414 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 15431 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизини) ташкил қилди.

2014 йилда рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (27,4 фоизи), саноат (14,9 фоизи), қурилиш (11,6 фоизи), қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 9,8 фоизи) соҳаларига тўғри келган бўлса, 2015 йилда савдо ва умумий овқатланиш (26,5 фоизи), саноат (15,1 фоизи), қурилиш (11,1 фоизи), қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 10,1 фоизи) соҳаларига, 2016 йилда савдо (24,4 фоизи), саноат (13,7 фоизи), қурилиш (9,9 фоизи), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги (8,8 фоизи) соҳаларига тўғри келган бўлса, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 16414 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 15431 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизини) ташкил қилди. Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (23,9 фоизи), саноат (14,1 фоизи), қурилиш (9,8 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналарнинг мулкчилик шакллари бўйича таҳлиliga асосан 2014 йилда корхоналар умумий сонининг 84,1 фоизи нодавлат мулки, 29,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 69,2 фоизи бошқа корхоналар улушига, 2015 йилда 84,3 фоизи нодавлат мулки, шундан 26,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 73,1 фоизи бошқа корхоналар улушига, 2016 йилда 85,2 фоизи нодавлат мулки, шундан 22,7 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 76,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келган бўлса, 2017 йил 1 апрель ҳолатига эса рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 14,3 фоизи нодавлат мулки, шундан 21,8 фоизи

хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 63,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.


2017 йил январь-март ойларида жами 736 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 31,2 фоизи), Ромитан (12,1 фоизи), Гиждувон (10,9 фоизи) ва Бухоро (7,1 фоизи) туманларига тўғри келди.

Кейинги йилларда Бухоро вилоятидаги корхоналар илғор технология билан жиҳозланди. Янги қадоклаш линиялари, Бухоро, Гиждувон, Қоракўл, Вобкент шаҳарларида Германия технологиясига асосланган нон цехлари ишга туширилди. “Бухоротекс” акциядорлик жамиятининг филиаллари Гиждувон, Вобкент, Қоракўл ва Олотда ишлаб турибди. Бухоро пиллакашлик фабрикаси ва унинг филиалларида пилла қайта ишланмода. Бухоро трикотаж кийимлар фабрикасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг устки ва ички кийимлари ишлаб чиқарилади. Бухоро тикувчилик фабрикаси, Бухоро ва Гиждувон пойабзал фабрикаси, Шофирконда Туркия билан ҳамкорликда қурилган “Варданзи” тикувчилик кўшма корхонаси, “Қоракўл” акциядорлик жамияти қошида Юнонистон билан ҳамкорликда “Омега-Ситора” кўшма корхонаси ишга туширилди. Маҳаллий саноат корхоналаридан Бухоро “Зардўз” акциядорлик жамияти, Гиждувон кулолчилик цехи, Гиждувон ва Шофиркондаги гилам тўкиш фабрикалари, Когон пахта титиш фабрикаси, Ромитан тўкимачилик фабрикаси, тикувчилик, бадий каштачилик, мисгарлик, заргарлик, косибчилик ва 20 дан ортиқ ғишт заводлари ишлаб турибди. Пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш, тозалаш цехлари, пахта тозалаш заводлари бор. Пахта толаси янги ускуна ва технологиялар асосида жаҳон андозаларига мувофиқ ишлаб чиқарилмода. Бухоро уйсозлик комбинати, Когон оҳак заводи, Қуйимозор ва Когон йиғма темирбстон буюмлари заводлари, Италия билан ҳамкорликда қурилган кошинлар ишлаб чиқариладиган “Минокор” заводи, Бухоро темирбстон заводи бор. Газавтоматика ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

3.4. Бухоро вилоятининг ташқи иқтисодий алоқалари бўйича

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2014 йилда 1074,5 млн.АҚШ долларини (ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизни), шу жумладан экспорт 376,2 млн.АҚШ долларини, (ўтган йилга нисбатан 106,6 фоизни), импорт 698,3 млн.АҚШ долларини, (ўтган йилга нисбатан 100,2 фоизни), 2015 йилда 1004,7 млн. АҚШ долларини (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 93,5 фоизни), шу жумладан экспорт 392,6 млн. АҚШ долларини, (2014 йилга нисбатан 104,4 фоизни), импорт 612,1 млн. АҚШ долларини (2014 йилга нисбатан 87,6 фоизни), 2016 йилда 815,0 млн.АҚШ долларини (2015 йилнинг шу даврига нисбатан 81,0 фоизни), шу жумладан экспорт 352,3 млн.АҚШ долларини, (2015 йилга нисбатан 89,4 фоизни), импорт 462,7 млн. АҚШ долларини (2015 йилга нисбатан 75,6 фоизни) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги “Илму маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик билан ном қозонган халқ” мавзусидаги нутқида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-гадбирлар дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш натижасида 2017 йил 1 апрель ҳолатига ушбу кўрсаткич 98,8 млн. АҚШ долларини ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 59,2 фоизни, шу жумладан экспорт 52,3 млн.АҚШ долларини, 2016 йилга нисбатан 69,5 фоизни, импорт 46,5 млн. АҚШ долларини, 2016 йилга нисбатан 50,7 фоизни ташкил этди.



3.4.1-расм. Бухоро вилоятида 2017–2021 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш бўйича харажатлар таркиби¹⁹

3.5. Бухоро вилояти саноат тармоғида амалга оширилган ишлар таҳлили

2014 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 3417,6 млрд. сўмни (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,6 фоизни), 2015 йилда 4749,5 млрд. сўмни (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,0 фоизни), 2016 йилда 5720,0 млрд. сўмни (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни) ташкил этган бўлса, 2017 йил январь-март ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 1808,6 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни ташкил этди.

3.5.1-жадвал

2016 йил январь-декабрда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши²⁰

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	5720,0	107,3
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш улардан:	553,8	101,3
Кўмир ва лигнит, хом нефть ва табиий газ казиб олиш	323,6	112,3
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	14,4	84,1
Тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	215,8	88,9
Ишлаб чиқарадиган саноат ундан:	4917,7	108,3
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1415,0	114,4
Ичимликлар ишлаб чиқариш	29,2	111,1
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	837,9	107,4
Кийим ишлаб чиқариш	521,2	113,0
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	5,2	108,7
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	3,9	126,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1354,8	103,2
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	141,2	97,6
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	6,5	101,3
Бошқа нометалли минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	320,3	104,8


¹⁹ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодийёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

²⁰ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодийёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

3.5.1-жадвалнинг давоми

Металлургия саноати	8,0	110,9
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	185,3	115,2
Мебель ишлаб чиқариш	84,6	127,8
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	4,6	64,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	202,5	103,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	46,0	99,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш шу жумладан,	2789,3	116,8
озик-овқат товарлари	1296,0	125,2
ноозик-овқат товарлари	1493,3	110,4

2017 йил январь-март ойларида 898,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 109,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 440,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 458,5 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,6 фоиз ва 105,5 фоиз ишлаб чиқарилди.



- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Ишлаб чиқариладиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

3.5.1 - расм. Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида²¹

Вилоятда 2014 йилда 1422,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган, ўсиш суръати 2013 йилга нисбатан 110,9 фоизни (жумладан, 642,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 780,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,6 фоиз ва 108,7 фоиз), 2015 йилда 1894,4 млрд. сўмлик 2014 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,4 фоизни (жумладан, 850,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат

²¹ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

махсулотлари ва 1043,7 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 114,6 фоиз ва 112,4 фоиз) 2016 йилда бу кўрсаткич 2789,3 млрд. сўмни, ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан 116,8 фоизни (жумладан, 1296,0 млрд. сўмлик озик-овқат маҳсулотлари ва 1493,3 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 125,2 фоиз ва 110,4 фоиз) ташкил этган.

3.5.2-жадвал

Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)²²

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-декабрь	2015 й январь-декабрга нисбатан, % да
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Нефть ва газ конденсати	минг.тн	82,9	101,5
Табиий газ	млн.м.куб	5183,3	113,4
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Бензин	минг тн	821,5	118,7
Дизель ёқилғиси	минг тн	543,4	89,1
Мазут	минг тн	75,8	96,8
Керосин	минг тн	129,5	101,8
Суюлтирилган газ	минг тн	7,5	157,6
Арок	минг л 100% спирт	1807,2	105,8
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л 100% спирт	20,0	99,5
Узум виноси	минг л	870,0	101,0
Юмшоқ бугдой ва спельта уни	минг тн	74,0	110,5
Биринчи навли ундан тайёрланган бугдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	5230,2	115,1
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн	25451,0	115,9
Омихта ем	тн	36920,0	116,1
Пахта толаси	минг тн	113,3	93,8
Пахта чигити	минг тн	156,8	157,1
Пахта (линти)	тн	9164,0	117,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	831,3	99,2

2017 йил 1 апрель ҳолатига 898,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган (жумладан, 440,1 млрд. сўмлик озик-овқат маҳсулотлари ва 458,5 млрд. сўмлик ноозик-овқат маҳсулотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,6 фоиз ва 105,5 фоиз ишлаб чиқарилди), ўсиш суръати 2016 йил 1 апрель ҳолатига нисбатан 109,3 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

3.6. Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ишлар таҳлили

Бухоро вилояти деҳқончилигида суғориладиган ерлар (томорқа ерлар билан бирга) 273,7 минг га, партов ерлар 14,2 минг га, чўл яйловлари 2764, 6 минг га, пахта 129 минг га, маккажўхори 857 га, донли экинлар 81,2 минг га, шоли 200 га, помидор 2741 га, сабзавот-полиэ экинлари 9,3 минг га, лавлаги 116 га, картошка 2967 га, ем-хашак экинлари 15,9 минг

²² Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

га, шу жумладан беда 7,1 минг га, боғлар 18,2 минг га, тутзорлар 5,9 минг га. Бухоро вилояти да 236 ширкат уюшмаси ва жамоа хўжалиги, 4162 фермер хўжалиги, 41 хўжаликлараро корхона, 5 паррандачилик фабрикаси мавжуд. Чорвачилик Бухоро вилоятининг ривожланган тармоғи бўлиб, қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилкичилик, туячилик ва паррандачилик ривожланган. Айниқса, Бухоро Қоракўллари машхур. Вилоятда ипак курти ҳам бокилади. 10 та ўрмончилик хўжалиги бўлиб, асосий ўсимликлари саксовул, черкез, кандим. Қоракўл ўрмон хўжалигида эса доривор ўсимликлар ҳам етиштирилади.

2014 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда – 3297,4 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 106,8 фоизга), 2015 йилда 3812,3 млрд. сўмни (2014 йилга нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни), 2016 йилда 4455,7 млрд. сўмни (2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни) ташкил этган бўлса, 2017 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 346,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,7 фоизни ташкил этди.

2014 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 1862,5 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 106,8 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1434,9 млрд. сўмни (2013 йилга нисбатан 106,8 фоизга кўп), 2015 йилда деҳқончилик маҳсулотлари 2149,0 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1663,3 млрд. сўмни (2014 йилга нисбатан 6,9 фоизга кўп), 2016 йилда деҳқончилик маҳсулотлари 2582,2 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,7 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1817,5 млрд. сўмни (2015 йилга нисбатан 7,7 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 56,0 млрд. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 98,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 апрель ҳолатига деҳқончилик маҳсулотлари 57,0 млрд. сўмни (ўтган йил шу даврига нисбатан 113,4 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 281,9 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 8,0 млрд. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 106,0 фоизни ташкил этган.

2016 йил январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 4455,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 2582,2 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,7 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1817,5 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 7,7 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 56,0 млрд. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 98,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 98,7 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжаликларининг улуши 69,9 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда 2016 йилда 325864 тонна пахта хом-ашёси тайёрланиб, шартномавий режа 96,9 фоизга бажарилди. Тайёрланган пахтанинг 257439 тоннаси ёки 79,0 фоизи I навга, 9562 тоннаси ёки 2,9 фоизи II навга, 7551 тоннаси ёки 2,3 фоизи III навга, 51312 тоннаси ёки 15,8 фоизи IV ва V навларга топширилди.

2016 йилда ҳар бир гектар пахта майдонининг ҳосилдорлиги вилоят бўйича 30,7 центнерни ташкил қилди. Барча тизим хўжаликларида асосий ва гакрорий экиндан 683,4 минг тонна дон етиштирилди. Барча тоифадаги хўжаликларда ҳар бир гектар ердан ўртача ҳосилдорлик 61,0 центнерга етди. Вилоят бўйича жами 197,8 минг тонна картошка (2015 йил шу даврига нисбатан 8,4 фоизга кўп), 658,2 минг тонна сабзавот (16,0 фоизга кўп), 139,8 минг тонна полиз (11,7 фоизга кўп), 267,5 минг тонна мева (11,5 фоизга кўп), 194,4 минг тонна узум (10,5 фоизга кўп) етиштирилди. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликларининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 92,2 фоизи, сабзавотнинг 80,8 фоизи, полиз маҳсулотларининг 74,3 фоизи, меванинг 52,9 фоизи ва узумнинг 56,5 фоизи улар хиссасига тўғри келди.

2017 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони²³

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	1179,9	104,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	60,9	103,4
Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1111,1	104,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,9	119,7
улардан сигирлар	382,8	100,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	17,4	100,6
Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	362,2	100,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,2	128,0
Қўй ва эчкилар	2043,4	105,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	211,4	106,6
Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1655,7	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	176,3	113,5
Отлар	4,5	100,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,5	100,9
Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	101,7
Паррандалар	3774,6	117,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	190,6	106,6
Дехкон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2364,7	110,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1219,3	135,2

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли корамоллар 1179,9 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 382,8 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 2043,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 фоизга кўп), паррандалар 3774,6 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,3 фоизга кўп) ташкил этди.

2017 йил 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 209336 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,1 фоизга кўп), 852859 тонна сут (9,5 фоизга кўп), 347688 минг дона тухум (10,4 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳкон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 61,4 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатида фермер хўжаликларида 60,9 минг бош йирик шохли корамол, шу жумладан 17,4 минг бош сигир, 211,4 минг бош қўй ва эчкилар, 190,6 минг бош

²³ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

паррандалар мавжуд бўлиб, 2015 йил январь-декабрь ойларига нисбатан йирик шохли корамоллар сони 3,4 фоизга, қўй ва эчкилар 6,6 фоизга, паррандалар 6,6 фоизга кўпайган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясини** “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастуридан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши натижасида 2017 йил январь-март ойларида кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 346,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,7 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 57,0 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 113,4 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 281,9 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 8,0 млрд. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли корамоллар 1173,1 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 382,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1999,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга кўп), паррандалар 3807,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,8 фоизга кўп) ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 42421 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 фоизга кўп), 170150 тонна сут (6,0 фоизга кўп), 74110 минг дона тухум (4,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан, деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 94,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 44,8 фоизни ташкил қилди.

3.7. Бухоро вилоятида инвестициялар ва қурилиш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

2014 йилда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3308,2 млрд. сўм миқдорида (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 фоизни), 2015 йилда 3878,4 млрд. сўм миқдорида (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизни), 2016 йилда 5822,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилган (ўсиш суръати 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 123,9 фоизни ташкил қилган) бўлса, 2017 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2352,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 170,3 фоизни ташкил қилди.

Кейинги йилларда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Бухоро вилоятида ҳам юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги беш йилда вилоят иктисодиёти 1,5 баробар ўсгани, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 24,7 фоиздан 30 фоизга етганида кўриш мумкин. Бунинг натижасида Бухоро вилоятининг мамлакатимиз иктисодиётидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича казиб олинadиган табиий газнинг 10 фоизи, газ конденсатининг 11 фоизи, нефтнинг 7 фоизи, етиштириладиган пахтаининг 11 фоизи, ғалланинг 9 фоизи, пилланинг 12 фоизи Бухоро вилояти ҳиссасига тўғри келаётгани ва бошқа мисолларда бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Вилоятда 2017–2021 йилларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати 1 триллион 200 миллиард сўмлик 1000 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш озик-овқат саноати соҳасида яқин беш йилда умумий қиймати 187 млрд. сўмлик 306

лойихани амалга ошириш мўлжалланган. Мисол учун, 2017 йилда Бухоро туманида 5 миллион доллар сармоя эвазига 15 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Келгуси беш йилда мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳажмини вилоят миқёсида ўртача 30 фоизга, гўшт бўйича – 25 фоизга, сўт бўйича – 23 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.



3.7.1 - расм. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар иқтисодий фаолият турлари бўйича²⁴
(умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)

Бухоро шаҳри, Вобкент, Когон, Қоракўл, Ғиждувон туманларида юқори технологияга асосланган тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил қилиш ҳисобига вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси бугунги кундаги 29 фоиздан 2021 йилга бориб 55 фоизга етказилади.

Вилоятда 2017–2021 йилларда енгил, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида ҳам кенг кўламли ислохотларни амалга ошириб, умумий қиймати 707 млрд. сўмлик 265 та лойихани ишга тушириш мўлжалланмоқда.

2017–2021 йилларда текстиль ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастурига мувофиқ Бухоро вилоятида ҳам умумий қиймати 688 млрд. сўмлик 231 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, Қоракўл туманидаги “Қоракўл Асака текстиль» корхонасида 30 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 3 минг 200 тонна ип ва калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда келгуси 5 йилда умумий қиймати 323 млрд. сўмлик 442 та лойиҳа амалга оширилади. Шулар қаторида, 2017 йилда Когон шаҳридаги “Макс Билдинг” қўшма корхонасида 1,5 миллион доллар сармоя эвазига йилига 10 минг тонна гипс аралашмаси ва гипсокартон ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. 2017 йилда бу борада 20 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлса, 2021 йилга келиб, бундай лойиҳалар сони 41 тага етказилади. Шу жумладан, бу масалада четда қолаётган

²⁴ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Коракўл, Олот, Қоровулбозор ва Шофиркон туманларида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бугунги кунда вилоятнинг ҳудудий экспорти 128 миллион долларни ташкил этмоқда. Вилоятдаги мавжуд салоҳият ва имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани туфайли бу борада сезиларли ўсиш кузатилмаяпти. Холбуки, барча туманларда **экспорт ҳажмлари ва валюта тушумини кўпайтириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд**. Шунинг эътиборга олган ҳолда, келгуси 5 йилда ҳудудий экспорт ҳажмини камида 1,5 баробар кўпайтириш, экспорт фаолиятига 200 дан ортиқ янги саноат корхоналарини жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш учун келгуси беш йилда 50 та янги меҳмонхона қуриш ва мавжуд 10 та меҳмонхонани кенгайтириш ҳисобига улардаги яшаш ўринлари бугунги кундаги 4,5 мингтадан 6,5 мингтагача етказилади. Юқоридаги ишларни амалга ошириш натижасида 2021 йилга бориб, вилоятга келадиган хорижий сайёҳлар сони қарийб 2 баробарга ошиши кутилмоқда.

Яна бир асосий соҳалардан бири вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни давом эттириш, улардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш мақсадида келгуси беш йилда 300 километр узунликдаги оптик-толали алоқа линиялари ва 250 та мобиль алоқа база станцияси қурилади. Газли шаҳарчаси, Қизилрабат, Зафаробод каби олис аҳоли пунктларида 8 та ракамли телсузатгич қурилмасини ўрнатиш орқали вилоят ҳудудини ракамли телевидение билан камраб олиш даражаси 80 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Яна бир муҳим вазифа – айрим туманлар маҳаллий бюджетларининг субвенцияга қарамлик даражасини кескин камайтириш билан боғлиқ. Бугун мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятида ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида замонавий инновацион технологияларни изчил татбиқ этишга катта эътибор қаратилиб, бу борада барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Лекин шунга қарамадан, вилоятнинг Вобкент, Пешку, Шофиркон, Бухоро туманлари маҳаллий бюджет харажатларининг бир қисми субвенция ҳисобидан қоплаб келинмоқда. Бунинг асосий йўли – ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириб, бюджет даромадларининг асоси ҳисобланган солиқ тушумларини кўпайтиришдан иборат. Юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан Бухоро тумани 2016 йил якуни билан, Вобкент тумани 2017 йилда, Пешку ва Шофиркон туманлари 2020 йилга бориб субвенциядан тўлиқ чиқиши кутилмоқда.

Бухоро вилоятида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини вилоятда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур асосида Бухоро вилояти иктисодиётида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иктисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш (3.2.) бандида бир қанча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган. 2017–2018 йилларда Бухоро вилоятида умумий киймати 2,3 трлн. сўмлик 770 та ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилган. Жумладан, 2017 йилда киймати 1024,5 млрд. сўмлик 408 та лойиҳа, 2018 йилда 1274,1 млрд. сўмлик 362 та лойиҳа амалга оширилган.

2017–2021 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари: 2523,8 млрд. сўм ва 164,9 млн. АҚШ доллани ташкил этади, шундан бюджет ва мақсадли жамғармалар маблағлари 385,8 млрд. сўм, 15,3 %, ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари 1183,7 млрд. сўм, 46,9 %, тижорат банклари кредитлари 954,3 млрд. сўм, 37,8 %, Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва бегараз ёрдам 164,9 млн. АҚШ долл.



3.7.2-расм. 2017–2018 йилларда умумий қиймати 2,3 трлн. сўмлик 770 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш.²⁵

Жорий йилнинг 20 май ҳолатида 65 млрд. сўм, шундан бажарувчи маблағи 47435 млрд. сўм, Банк кредитлари 17565 млрд. сўм ҳамда 500 минг АҚШ долларга тенг 166 та лойиҳа амалга оширилиб, 1597 та иш ўринлари яратилган.

2017 йил январь-май ойлари давомида вилоят бўйича 692 та корхоналарнинг 65,0 млрд. сўмлик умидсиз солиқ қарздорлигини банкротлик оркали тугатиш мақсадида ҳудудий ДСИлар томонидан хўжалик судларига даъво аризалар киритилиб, 222 та корхоналарнинг 51,5 млрд. сўмлик солиқ қарзи банкрот деб топилган. Шундан, 51 та корхоналарнинг 5,7 млрд. сўмлик солиқ қарздорлиги ҳисобдан чиқарилди. Шунингдек, Бухоро ва Жондор туманидаги 3 та фермер хўжаликлари банкрот деб топилгандан сўнг, солиқ қарздорлиги тўлиқ қопланганлигини инобатга олган ҳолда фермер хўжаликлари раҳбарларининг талабларига асосан иш фаолияти қайта тикланди. Бундан ташқари, Пешку туманидаги банкрот деб топилган 1 та корхонинг солиқ қарзидан 4,4 млн. сўми дебитор ҳисобидан қопланган.

2017–2021 йилларда текстиль ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастурига мувофиқ Бухоро вилоятида ҳам умумий қиймати 688 миллиард сўмлик 231 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.²⁶

3.8. Бухоро вилоятида ижтимоий соҳа объектларини куриш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

2014 йилда ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 543, 3 млрд. сўм ёки 16,4 фоизи уй-жой курилишида ўзлаштирилган бўлиб, умумий майдони 714,9 минг кв.м. бўлган 5345 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 105,1 фоиз), шу жумладан кишлок жойларида 593,5 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 111,3 фоиз) уй-жой, 2015 йилда 620,0 млрд. сўм ёки 74,6 фоизи уй-жой курилишида ўзлаштирилган бўлиб, умумий майдони 759,0 минг кв.м. бўлган 5529 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан

²⁵ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

²⁶ Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

103,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 605,7 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 102,1 фоиз) уй-жой, 2016 йилда 771,3 млрд. сўм ёки 13,2 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилиб, умумий майдони 865,9 минг кв.м. бўлган 5908 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 114,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 664,4 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 109,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2017 йилнинг январь-март ойларида 159,5 млрд. сўм ёки 66,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. Умумий майдони 202,2 минг кв.м. бўлган 1361 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 122,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 154,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 121,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

3.8.1-жадвал

Бухоро вилояти туманлар кесимида намунали уй-жойларни қуриш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ²⁷

№	Худудлар номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Шу жумладап, йиллар бўйича		Қиймати (млн.сум)	Шу жумладап, йиллар бўйича	
				2017 й.	2018 й.		2017 й.	2018 й.
1	Олот	допа	56	26	30	6 775,8	3 226,6	3 549,3
2	Бухоро	дона	1 012	482	530	178 726,8	85 108,0	93 618,8
3	Вобкент	дона	96	46	50	13 782,6	6 563,1	7 219,5
4	Жондор	дона	67	32	35	7 756,1	3 693,4	4 062,7
5	Қорақўл	дона	67	32	35	7 690,4	3 662,1	4 028,3
6	Когон	дона	590	280	310	119 562,7	56 934,6	62 628,1
7	Коровулбозор	дона	56	26	30	5 299,1	2 523,4	2 775,7
8	Пепкү	дона	56	26	30	5 207,9	2 480,0	2 728,0
9	Ромитан	дона	56	26	30	5 329,7	2 537,9	2 791,7
10	Шофиркон	дона	56	26	30	5 240,3	2 495,4	2 744,9
11	Ғиждувон	дона	295	140	155	58 419,2	27 818,7	30 600,5
Жами			2 407	1 142	1 265	413 790,6	197 043,2	216 747,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017–2018 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 20 январдаги 287-сон қарори.

Кейинги беш йилда вилоятда 878 километр ичимлик сув тармоқлари қурилиб, бунинг натижасида 280 минг аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши яхшиланган ва сув билан таъминланганлик даражаси 48 фоиздан 61 фоизга етказилди.²⁸

2017 йил биринчи чорагида коммунал қурилиш соҳасида 2,1 км. узунликдаги ичимлик суви, 3,0 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 19,3 ва 53,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 2,1 км. ёки 100,0 фоизи ва газ тармоқларининг 1,7 км. ёки 56,7 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 0,03 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,03 млрд. сўм (100,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,05 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Қурилиш фаолияти. 2014 йилда 1633,9 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 109,0 фоизни, 2015 йилда 1979,7 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2014 йилга нисбатан ўсиш суръати 111,7

²⁷ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

²⁸ Ш. Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” (161-бет).

фоизни, 2016 йилда 2302,6 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил январь-мартда 542,9 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-мартда қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 34,4 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади. Нодавлат мулкчилиги шаклидаги ташкилотлар томонидан 518,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,5 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан 0,4 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

3.9. Бухоро вилоятида транспорт соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

Бухоро вилоятидан магистраль темир йўли ўтган. Энг катта темир йўл станцияси – Когон. Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 9820 км, шу жумладан қаттиқ қопламали йўллар 4655 км (2000). Асосий автомобиль йўллари: Бухоро – Тошкент, Бухоро – Урганч – Нукус, Бухоро – Туркманобод (Чоржўй) ва Бухоро – Термиз йўналишлари.

Юк ташиш. 2014 йилда барча транспорт турлари томонидан, 68,5млн. тонна юк, (2013 йилга нисбатан 11,8 фоизга), 2015 йилда 75,3 млн. тонна юк, (2014 йилга нисбатан 9,1 фоизга), 2016 йилда барча транспорт турлари томонидан 83,9 млн.тонна юк (2015 йилга нисбатан 10,7 фоизга) ташилган бўлса, 2017 йилда январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 11,2 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 108,7 фоизга кўпайди. Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 343,7 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизга кўпайди.

3.9.1-жадвал

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича²⁹

	2016 йил январь-декабрь	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн.тн.	83,9	110,7
шу жумладан:		
автомобиль транспортида	83,9	110,7
Юк айланмаси, млн.тн.км.	2383,0	106,9
шу жумладан:		
автомобиль транспортида	2383,0	106,9

2017 йил январь-мартда автомобиль транспортида 343,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 7,1 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобиль транспортининг юк айланмаси 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 7,6 фоизга кўпайди ва 197,8 млн. тн.км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,6 фоизни ташкил этди. (2016 йил январь-мартда уларнинг улуши 57,3 фоиз бўлган).

2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 82,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоизга кўпайиб, 895,9 млн. йўловчини ташкил қилди.

²⁹ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясининг** “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар (т./р.123) банларида автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

– умумфойдаланишдаги халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш;

– умумфойдаланишдаги республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш;

– умумфойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш;

– хўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирлаш;

– шаҳар кўчалари, аҳоли пунктларига кириш ва ички йўллари куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

– йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш;

– қурилиш материалларини инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда автомобиль йўллари сифатини яхшилашни белгилловчи стандартларни такомиллаштириш вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Инвестиция дастури доирасида Республика йўл жамғармаси маблағларидан даслабки ҳисоб-китоб асосида 67 400.0 миллион сўм маблағлар сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, бунинг натижасида 2017 йил Инвестиция дастури доирасида Бухоро вилояти ҳудудидаги умумфойдаланувдаги ва ички хўжаликлараро автомобиль йўллари куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланган дастурлар асосида қурилиш-таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши;

– натижада автомобиль йўллари ҳолати яхшиланади ва йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланади. Аҳоли ва транспорт қатнови учун қулайликлар яратилиши;

– йўл хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базаси яхшиланади ва ишлаб чиқариш қувватлари оширилиши назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари гўҳрисида”ги ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 15 январдаги 24-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вобкент туман ҳокимининг 2017 йил 16 январдаги 30-сонли қарори қабул қилинган, унга кўра Вобкент туманида 2017–2021 йилларда шаҳар ва қишлоқларда аҳолига транспорт хизматини янада ривожлантириш дастури тасдиқланган. Дастур асосида туманда 2017–2021 йилларда 17 та янги автобуслар ва 35 та янги микроавтобуслар сотиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, туманда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган қуйидаги корхоналар мавжуд:

1. “Вобкент Транс Сервис” МЧЖ (транспорт воситалари-3 та Исузу автобус, 8 та дамас, 7 та енгил автомобиллар).

2. “Вобкент Транс” МЧЖ (транспорт воситалари-32 та Дамас, 2 та енгил автомобиллар).

3. “Файзиддинбек Фахриддин” МЧЖ (транспорт воситалари-4 та Дамас).

4. “Мега Транс Ёқилғи” МЧЖ (транспорт воситалари-6 та дамас).

5. “Вобкент Гулшани” МЧЖ (транспорт воситалари-4та Исузу автобус) лар аҳолига қулайликлар яратмоқда.

3.10. Бухоро вилоятида товарлар ва хизматлар бозори соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

2014 йилда товар айланмаси – 3683,5 млрд. сўмни (2013 йилга нисбатан 14,5 фоизга), 2015 йилда товар айланмаси 4440,9 млрд. сўмни (2014 йилга нисбатан 14,6 фоизга), 2016 йилда товар айланмаси 5595,8 млрд сўмни (2015 йилга нисбатан 14,8 фоизга ошган) ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг январь-марти ойларида товар айланмаси 1210,4 млрд сўмни ташкил этди (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 12,6 фоизга ошди).

2017 йил январь-марти ойларида расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 344,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-март ойларида нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буям бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 865,9 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 17,7 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 71,5 фоизни ташкил қилди.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 40,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилди.

2014 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1264,6 млрд. сўмни, (унинг реал ўсиши эса 2013 йилга нисбатан 112,1 фоизни), 2015 йилда 1543,7 млрд. сўмни, (унинг реал ўсиши эса 2014 йилга нисбатан 110,1 фоизни), 2016 йилда иктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 4173,0 млрд. сўмни ташкил қилган. шу жумладан қишлоқ жойларида 1226,1 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 29,4 фоизини ташкил қилди. 2015 йилга нисбатан ҳақиқий ўсиш 115,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил январь-мартда иктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 1009,3 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 271,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,9 фоизини ташкил қилди ва 2016 йил январь-мартга нисбатан ҳақиқий ўсиш 111,7 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-марти ойларида хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (36,4 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (20,9 фоизи), молиявий (9,8 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,7 фоизи), таълим (4,6 фоизи) ва бошқа (2,8 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармогидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (9,5 фоизга кўп), Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (23,4 фоизга кўп) ва яшаш, овқатланиш хизматлари билан бирга (9,9 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

3.11. Бухоро вилоятида туризм соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли “2017–2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасида қуйидаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган:

Бухоро шаҳрининг Эски шаҳар қисмида хорижий сайёҳларнинг бўш вақтларини туну кун мазмунли ташкил этиш учун 12 гектарлик “Қадимий Бухоро” туризм зонаси, унинг ҳудудида замонавий паст каватли меҳмонхоналар, савдо-кўнгилочар марказлар, 500 ўринли амфитеатр барпо этилади;

– шаҳарнинг тарихий қисмида ёпик бозор ва хунармандлар маҳалласи ташкил қилинади, “Бухоро Палас” ва “Зарафшон” меҳмонхоналари қайта қурилади ва 11 та тўрт юлдузли янги меҳмонхоналар бунёд этилади.

– шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг навбатдаги бандларида, Ўрта муддатли истиқболда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек 2017–2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш учун таклиф киритиш белгилаб олинган эди. 2017 йил I чорагида юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, вилоятда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича 2017–2019 йилларда йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури лойиҳаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси жорий йилнинг 31 март куни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Таҳлиллар натижасида кўришимиз мумкинки, Бухоро вилояти ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши кейинги йилларда ҳам ўсиб боради, сабаби, юқоридагилар билан бир қаторда Ҳаракатлар стратегиясида иктисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур йўналиш, авваламбор, 2017 йилда ушбу соҳани тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш назарда тутилади. Мазкур қонунда қуйидагилар акс эттирилиши режалаштирилган:

корхоналарнинг бирлашиши ва қўшиб олинишида монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш;

рақобатни чекловчи қелишувлар, битимлар ва қелишилган ҳаракатларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш;

устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш;

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мақсадида шўба корхона томонидан таъсисчининг устав фондидан улуш сотиб олишини ва шўба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

Туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича учта йирик тармоқлар нефть қазиб олиш ва автомобиль саноатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи туризмга тўғри келади. Буюк Ипак йўлида жойлашган, асрлар давомида ўз ғазнасининг катта қисмини саёҳатчилар ва хорижий савдогарлар ҳисобидан тўлдириб келган қадимий ёдгорлик ва обидалар билан машҳур, тарихий ва маданий ўтмишга эга Бухоро вилояти туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларига эга.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда, хусусан Бухоро вилоятида туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иктисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек 2017- 2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши туризм соҳасининг тезкор ривожланиши, унинг иктисодиётдаги улушининг ортиши, туризм хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш натижасида Бухоро вилоятида туризм соҳани ривожлантириш бўйича ҳудудий сиёсатининг асосий йўналишлари аниқлаб берилиши лозим. Ўз навбатида бу ислохотлар мазкур соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратади.

Туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юритиш бўйича қулай шароитларни яратиш, жаҳон тан олган брендларни, хорижий инвесторларни фаол жалб этиш борасида ҳам Бухоро вилоятида Ҳаракатлар стратегиясига асосан 2017 йилнинг биринчи чорагида бир қанча ишлар амалга оширилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мамлакат иктисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иктисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида вилоят марказий банки бош бошқармаси ҳамда вилоят тижорат банклари билан ҳамкорликда вилоятда фаолият юритувчи меҳмонхоналарда хорижий валюта терминаллари ўрнатилиши ташкиллаштирилди.

“Варахша”, “Зарафшон”, “Бухоро” меҳмонхоналарини капитал реконструкция қилиш ҳамда замонавий меҳмонхонага айлантириш юзасидан маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун инвестиция таклифларини тайёрлаш бўйича 2017 йил 13 январда 2/200-сонли вилоят ишчи гуруҳи тасдиқланиб, меҳмонхоналар бўйича инвестицион таклифлар ҳамда тегишли маълумотлар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этилган.

Туризм соҳасида бизнесни юритиш бўйича қулай шароитларни яратиш, жаҳон тан олган брендларни, хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10–11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнининг ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган назорат-режасига мувофиқ, замон талабларидан келиб чиқиб, вилоятда эркин туризм зонасини барпо этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича 2017 йил 24 мартдаги 1/1569–2-сонли вилоят ишчи гуруҳи тасдиқланиб, ҳозирги кунда эркин туризм зонасини барпо этиш концепцияси лойиҳаси вилоят ҳокимлигига тақдим этилган.

3.12. Бухоро вилоятида демография ва меҳнат бозори таҳлили

2016 йилнинг январь-декабрида туғилганлар сони 38,3 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилга нисбатан – 1,1 минг кишига камайиб, туғилиш коэффициентини 1,0 промиллега камайдди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Бухоро туманида (21,0 дан 19,0 промиллега), Пешку туманида (24,9 дан 23,2 промиллега), Шофиркон туманида (22,4 дан 20,4 промиллега), Когон туманида (23,8 дан 22,0 промиллега), Когон шаҳрида (19,0 дан 16,8 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Бухоро шаҳрида 16,7 промилле бўлгани кузатилди.

2016 йил январь-декабрда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 8,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг камайиш ҳолати эса Олот туманида (4,5 дан 4,3 промиллега), Бухоро туманида (4,2 дан 3,9 промиллега), Когон туманида (5,0 дан 4,9 промиллега), Қоракўл туманида (4,5 дан 4,3 промиллега), Жондор туманида (4,2 дан 3,9 промиллега) Вобкент туманида (4,3 дан 4,2 промиллега), Гиждувон туманида (4,6 дан 4,5 промиллега) кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон шаҳрида (5,5 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (3,5 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 4,8 минг та (60,0 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан 0,5 минг та (6,2 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,4 минг та (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,8 минг та (10,0 фоизи), юқумли касалликлардан 0,1 мингта (1,3 фоизи) ва бошқа касалликлардан 1,4 мингта (17,5 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига бир ёшга тўлмайд ўлган болалар сони 365 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2015 йилнинг январь-декабрида 9,8 промилле бўлиб, 2016 йил январь-декабрида 9,3 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмайд ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 153 та (41,9 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 57 та (15,6 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь-декабрида ФХДЁ органларида 15791 та никоҳлар ва 1635 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,6 та никоҳ (2015 йилнинг тегишли даврида – 9,1та) ва 0,9 та ажралишлар (2015 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5994 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 8111 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2117 кишига (2015 йилнинг шу даврида минус 1572 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 1845), Когон шаҳрида (минус 287), Гиждувон (минус 237) туманларида кузатилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Бухоро вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида меҳнат ресурсларига алоҳида эътибор қаратилган. Бухоро вилоятида 2016 йилда меҳнат ресурсларининг сони 2015 йилга нисбатан 0,9 фоизга кўпайиб, 1065,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 825,3 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2016 йилда ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошиб 83,0 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-декабрида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 20,1 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2015 йил январь-декабрга нисбатан 1045 кишига ёки 4,9 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 14,8 фоизи), Қорақўл (10,2 фоизи), Шофиркон (10,9 фоизи), Гиждувон (9,8 фоизи) туманларида юқори бўлди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 19,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 96,0 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига 97,2 фоизни ташкил қилган.

2016 йил декабрь ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 199 кишини ташкил қилди. (2015 йил декабрь ойининг охирида 168 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг ҳисариёти Гиждувон туманига (24 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 12,1 фоизи), Когон туманига (21 киши, жами рўйхатда турганларнинг 10,6 фоизи), Когон шаҳрига (18 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,0 фоизи) ва Бухоро шаҳрига (62 киши, жами рўйхатда турганларнинг 31,2 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг декабрь ойи охирига 96 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2016 йил январь-декабрь ойида қизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 73,8 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,5 фоизи (46,1 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1847,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4,4 минг кишига ёки 0,2 фоизга кўпайди. Таҳлил қилинаётган даврда аҳолининг табиий ўсиши 5,2 минг кишини ташкил этди. 2017 йил январь-март ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, 0,8 минг кишини ташкил қилди (кўчиб келганлар 1,6 минг киши, кўчиб кетганлар 2,4 минг киши).

2017 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 7,2 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилга нисбатан 0,4 минг кишига камайиб, туғилиш коэффиценти 1,0 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Вобкент туманида (17,5 дан 16,0 промиллега), Пешку туманида (17,0 дан 16,1 промиллега), Шофиркон туманида (16,6 дан 15,8 промиллега), Ғиждувон туманида (18,6 дан 17,1 промиллега), Бухоро шаҳрида (14,9 дан 15,3 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Когон шаҳрида 13,7 промилле бўлгани кузатилди.

2017 йил январь-мартда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 2,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг кўпайиш ҳолати эса Олот туманида (3,6 дан 4,3 промиллега), Пешку туманида (3,4 дан 3,9 промиллега), Когон туманида (5,2 дан 5,4 промиллега), Қоракўл туманида (3,9 дан 4,3 промиллега), Жондор туманида (3,4 дан 4,0 промиллега), Вобкент туманида (4,4 дан 4,7 промиллега), Ғиждувон туманида (4,3 дан 4,6 промиллега), Бухоро шаҳрида (4,6 дан 4,8 промиллега), Когон шаҳрида (4,4 дан 5,4 промиллега) кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон шаҳрида (5,4 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (2,6 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 1,2 мингта (62,5 фоизи), бахтсиз ходисалардан 0,1 мингта (4,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,1 мингта (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,2 мингта (8,2 фоизи) ва бошқа касалликлардан 0,4 мингта (19,5 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 74 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2016 йилнинг январь-мартда 8,5 промилле бўлиб, 2017 йил январь-мартда 7,9 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 33 та (47,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 7 та (10,1 фоизи), юкумли ва паразитар касалликлардан 20 та (29,0 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 3380 та никоҳлар ва 498 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,4 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида –3625 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 402 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1646 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2452 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 806 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус – 431 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус -201) Шофиркон туманида (минус -186), Ғиждувон (минус -251) туманларида кузатилди.

Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1070,5 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,9 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 823,7 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2017 йилда ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга ошиб, 82,1 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-мартда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 3,2 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-мартга нисбатан - 1,1 минг кишига ёки 25,6 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 18,4 фоизи), Когон шаҳрида (8,5 фоизи), Шофиркон (10,0 фоизи), Қоракўл (9,1 фоизи), Жондор (8,2 фоизи), Ғиждувон (7,1 фоизи) туманларида юкори бўлди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 2,7 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 84,4 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига 95,3 фоизни ташкил қилган.

2017 йил март ойининг охирида иш кидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 383 кишини ташкил қилди. (2016 йил март ойининг охирида 135 киши бўлган).

3.12.1-жадвал

Бухоро вилоятида доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг киши (1 январь ҳолатида)³⁰

Ҳудудлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 йилнинг 2010 йилга нисбати %
Бухоро вилояти жами	1683,8	1707,4	1729,7	1756,4	1785,4	1815,2	1843,5	1854,0	110,1
Бухоро ш	269,0	270,6	271,8	272,5	273,5	274,7	276,0	276,4	102,6
Когон ш	56,3	57,1	57,8	58,5	58,9	59,5	59,8	59,9	106,4
туманлар									
Олот	85,5	86,6	87,9	89,6	91,2	92,8	94,4	94,9	111,0
Бухоро	138,2	140,9	143,8	147,0	150,1	153,2	156,4	157,7	114,0
Вобкент	119,7	121,7	123,5	125,6	127,9	130,4	132,6	133,3	111,4
Гиждувон	267,9	271,6	275,0	279,5	284,7	289,8	295,0	296,9	110,8
Когон	64,8	65,7	66,6	67,7	69,4	71,0	72,5	73,3	113,1
Коракул	141,6	143,7	145,3	147,5	150,2	153,1	155,7	156,8	110,7
Коровулбозор	15,4	15,6	15,9	16,3	16,8	17,1	17,4	17,6	114,3
Пешку	104,2	105,8	107,6	109,5	111,6	113,9	115,9	116,6	112,1
Ромитан	121,0	122,8	124,8	127,0	129,2	131,5	133,8	134,7	111,3
Жондор	147,4	149,7	152,2	155,1	158,5	161,7	164,8	165,7	112,4
Шофиркон	152,8	155,6	158,1	160,6	163,4	166,5	169,2	170,1	111,3

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Бухоро шаҳрига (68 киши, жами рўйхатда турганларнинг 17,7 фоизи), Жондор туманига (48 киши, жами рўйхатда турганларнинг 12,5 фоизи), Шофиркон туманига (37 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 9,7 фоизи) ва Пешку туманига (36 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,4 фоизи) тўғри келади. Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг март ойи охирига 271 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-март ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 9,4 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,8 фоизи (5,9 мингта иш жойи) кишлоқ жойларга тўғри келади.

Бухоро вилоятида доимий аҳоли сонининг ўзгариши таҳлил қилинганда 2017 йилни 2010 йилга нисбатан таққослаганда Бухоро вилоятида доимий аҳоли сони 110,1 фоизга, Бухоро шаҳрида эса 102,6 фоизга, Когон шаҳрида 104,6 фоизга, туманларда эса бу кўрсаткич 110,7 фоиздан(Коракул тумани)114,3 фоизгача (Коровулбозор тумани) ошган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳолининг усиши Бухоро ва Когон шаҳарларида вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 7,5 ва 3,7 фоизга камайиш кузатилган.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, Бухоро вилоятида меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда.

³⁰ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

**Бухоро вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси, минг киши ҳисобида
(йил бошига нисбатан)³¹**

Худудлар	Й и л л а р								2017 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	+,-	%
Бухоро ш	209,6	152,4	155,0	156,4	159,1	160,6	209,6	163,2	- 46,3	77,9
Когон ш	39,1	40,5	41,2	41,6	42,1	42,7	39,1	43,2	4,1	110,5
туманлар										
Олот	48,4	51,1	52,0	52,5	52,9	53,6	48,4	54,3	5,9	112,2
Бухоро	60,5	83,3	84,7	85,5	86,1	86,9	60,5	88,2	27,7	147,8
Вобкент	70,0	71,7	72,9	73,6	74,2	75,0	70,0	75,8	5,8	108,3
Гиждувон	120,5	154,3	157,0	158,4	160,1	161,4	120,5	163,9	43,4	136,0
Когон	40,7	43,0	43,7	44,1	44,4	45,0	40,7	45,6	4,9	112,0
Коракул	82,9	84,8	86,3	87,1	87,9	88,8	82,9	90,3	7,4	123,9
Коровулбозор	14,7	14,8	15,1	15,2	15,0	15,3	14,7	15,5	0,8	105,4
Пешку	58,5	61,8	62,9	63,5	63,6	64,2	58,5	65,2	6,7	111,4
Ромитан	74,1	76,4	77,7	78,4	79,1	79,9	74,1	81,1	7,0	109,4
Жондор	79,8	85,3	86,8	87,6	88,2	89,1	79,8	90,5	10,7	113,4
Шофиркон	88,8	88,9	90,4	91,2	92,3	93,3	88,8	95,0	6,2	107,0
Жами	987,6	1008,3	1025,7	1035,1	1045,0	1055,8	1065,4	1071,8	84,2	108,5

Бухоро вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси таҳлил қилинганда 2017 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши 108,5 фоизни меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,06 фоизни гашкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати вилоят худудларида бир меъёрда кечмаган. Жумладан, Когон шаҳрида 110,5 фоизни, Бухоро, Гиждувон, Олот, Когон, Коракул, Пешку, Ромитан, Жондор туманларида вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча худудларда (Шофиркон, Қоравулбозор, Вобкент туманлари ва Бухоро шаҳрида) эса паст бўлган. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 57,8 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 15,3 + 15,2, яъни 30,5 фоизи) Гиждувон ва Бухоро шаҳрида тўпланган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини вилоятда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурнинг IV йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” асосида Бухоро вилоятида “Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш (4.1) бўлимининг Худудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш (158) бандида бир қанча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини вилоятда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурнинг IV йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” асосида Бухоро вилоятида “Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш (4.1) бўлимининг (159) бандида ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 3 та туманда 2,5 мингта иш ўринлари ташкил этиш, жумладан:

³¹ Бухоро вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

- саноатда – 1287 та;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – 349 та;
- қурилишда – 867 та;
- қишлоқ хўжалигида – 463 та.

Қишлоқ жойларида барқарор иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш учун корхоналар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 82 670,5 млн сўм сарф-харажат кўзда тутилган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иктисодиёт тармоклари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди.

2010–2017 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 768,1 минг кишидан 824,0 минг кишига ёки 7,3 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам ортган. Аммо таҳлиллар унинг ўсиш суръати бир меъёردа кечмаганини кўрсатади. Хусусан, ўтган етти йил давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Бухоро шаҳрида эса 75,2 фоизни ташкил этиб, 41,5 минг кишига камайган бўлиб, вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлган.

Бухоро вилоятида аҳолини турмуш тарзини оширишда ва меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг роли бекиссиздир. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ташкил этилиши қуйидагиларга шароит яратади:

- аҳолининг моддий, маданий ва касб даражасини кўтариш;
- саноат ишлаб чиқариш корхоналарини аҳоли яшайдиган жойларга яқинлаштириш.

3.13. Бухоро вилоятида кичик тадбиркорлик (бизнес) соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13104 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,9 фоизи (2015 йил январь-декабрда 67,5 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан: 647,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иктисодиётда банд бўлганларнинг 78,5 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 522,8 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 124,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2598,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,4 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 111,8 фоизни ташкил қилди;

– 4397,7 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 7,2 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди.

– 991,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 17,0 фоизи) ўзлаштирилди;

– 1556,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,6 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 18,7 фоизга кўпайди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 9,6 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 78,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 89,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,1 фоизи ёки 5155,0 млрд. сўми (ўсиш 17,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 74,6 фоизи ёки 3113,3 млрд. сўми (ўсиш 18,1 фоиз) шакллантирилди;

– 160,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 45,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 82,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 17,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13139 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-март ойида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,1 фоизи (2016 йил январь-март ойида 52,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

638,0 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иктисодиётда банд бўлганларнинг 77,5 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 351,5 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 120,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 817,4 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,2 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 110,2 фоизни ташкил қилди;

– 336,8 млрд. сўмлик кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,9 фоизни (кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 97,1 фоизи) ташкил қилди.

– 254,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 10,8 фоизи) ўзлаштирилди

– 384,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 22,8 фоизга кўпайди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 9,4 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 70,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 93,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,4 фоизи ёки 1106,7 млрд. сўми (ўсиш 13,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 72,4 фоизи ёки 731,1 млрд. сўми (ўсиш 11,5 фоиз) шакллантирилди;

– 15,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 14,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 31,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

3.14. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

❖ **айрим туманлар маҳаллий бюджетларининг субвенцияга қарамлик даражасини кескин камайтириш билан боғлиқ.** Жумладан, вилоятнинг Вобкент, Пешку, Шофиркон, Бухоро туманлари маҳаллий бюджет харажатларининг бир қисми субвенция ҳисобидан қоплаб келинмоқда.

❖ кишлоқ жойларида маиший хизмат инфратузилмасининг ривожланиш даражаси талаб даражасида эмас;

❖ киш мавсумида электр таъминотини яхшилаш керак. Узилишларни камайтириш лозим. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак;

❖ вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш имкониятлари мавжуд, жумладан, экотуризм, овчилик ва тиббий туризмни ривожлантириш бўйича етарлича имкониятлар бор.

❖ сифатли асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархлар устидан маҳаллий ҳокимиятлар назорати ўрнатилмаган;

❖ транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга тўлов терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойлари ташкил этилмаган;

❖ микрокредитларни олиш мумкин, аммо улардан мақсадли ишлатиш бўйича фуқароларда аниқ ва пухта бизнес режалар мавжуд эмас;

❖ савдо нуқталарида терминал етишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ;

❖ чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари олдида турган энг асосий ва катта муаммо бу озука таъминоти бўлиб, озука-ем маҳсулотлари таннархини барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бухоро вилояти Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид дастурининг асосий мақсади халқ фаровонлигини ошириш ва унинг эртанги кунга ишончини ошириш ҳамда розилик хиссини таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишдир. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун Бухоро вилояти Ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги йўналишларда ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ:

– ҳудудий иқтисодиётнинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

– вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

– Вобкент туманида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурига асосан 68 км тозалаш режалаштирилган бўлиб, шу кеча-кундузда 40 км зовур тозаланди, лекин бу старли эмас, вилоятнинг барча туманларида ерларнинг шўрланиш даражаси жуда юқори;

– Бухоро вилояти ҳудудларида фермер хўжаликлари муаммоларининг аксарияти сувга келиб тақалмоқда. Давлатга пахта хом ашёси сотилганда уларнинг пуллари кечиктирилмоқда. Тик қудуқлар таъмирланиб, сув муаммоси қисман бартараф этилди. Интенсив боғларни кўпайтириш, пахта-ғалла ўрнига мева-сабзавот, полиз экинларини экишни босқичма-босқич кўпайтириш режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

– вилоятнинг барча туманларида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича имкониятлар мавжуд. Жумладан, Вобкент туманида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида тижорат банклари томонидан ушбу йўналишлар бўйича жами 6731 млн. 640 минг сўм микрокредитлар ажратилди. Ҳозирги вақтда келиб, Республика Марказий банкида ресурс йўқлиги сабабли микрокредитлар ажратиш тўхтатилган;

– ғиждувон туманида жорий йил давлат дастурига асосан паррандачилик йўналишида жами 2 млрд. 950 млн. сўм банк кредити ажратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 650 млн. сўм, чорвачилик йўналишида жами 4 млрд 240 млн. сўм банк кредити ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 159 млн. сўм маблағ ажратилди. Бундан кўриниб турибдики, туманда тадбиркорлик субъектларига етарли даражада кредит маблағлари ажратилмаяпти;

– туманлар кесимида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини арзон қилиш учун меъёр асосида экин майдони ажратиш, омухта ем, шрот ва шелухани корхоналардан тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш нархида олиб бериш, инфратузилмани яхши йўлга қўйиш масалаларини жадал ҳал этиш лозим;

– вилоятда юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

– ички ва ташқи бозорларда ҳудудда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида принципиал жиҳатдан янги маҳсулот, хизматлар ва технология турларини ўзлаштириш;

– вилоятда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

- вилоят саноат соҳасига энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иктисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;
- вилоятда эркин иктисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш фаолият самарадорлигини ошириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантиришда туризм хизматларининг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини тубдан ўзгартириш;
- туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- вилоятда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича 2017–2021 йилларда Бухоро вилоятини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган чора-тадбирлар асосида Бухоро вилояти, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;
- Бухоро вилоятида мавжуд табиий ресурслари имкониятларини тўғри баҳолаш ва қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш борасида тежамкор технологияларни жорий қилиш;
- вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш, хусусан: қорамол, қўй ва қуён боқиш, гўшт етиштириш, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш соҳаларига ажратилаётган кредитларни кўпайтириш;
- вилоятда янги ташкил этилаётган саноат корхоналарининг ишловчилари (асосан ёшлар)да замонавий технологияларда ишлаш бўйича билим ва кўникмалар етишмаяпти;
- Олий ўқув юртиларидаги профессор-ўқитувчилар нафақат замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ёшларга ўргатишлари, балки уларни ишлаш жараёнларини такомиллаштиришлари, янги замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ва машина-жипҳозларини кўпроқ яратишлари лозим. Юқоридагилар вилоятда саноат соҳасидаги олий маълумотли муҳандисларни тайёрлашнинг оғир муаммоларидир;
- саноат тармоқларида олдиндан ишлаб келган ишчиларнинг меҳнат фаолияти хориждан келтирилган илғор замонавий ишлаб чиқариш технологиялари иш жараёнлари билан мувофиқ келмаяпти. Буларни мувофиқлаштириш учун ходимларни қайта тайёрлаш керак;
- вилоятда саноат соҳалари билан шуғулланувчи тадбиркорлик йўналишлари етарли даражада эмас. Тадбиркорлар ўз маблағларини саноат корхоналарини ривожлантиришга сарфлаганида ишончли даромад олишини таъминлайдиган механизмни яратиш зарур;
- аҳоли, яъни ишловчиларнинг корхоналарга киритадиган ресурси - фақат меҳнат деган тушунча ҳалигача устувор ҳисобланади, ишловчилар ўзларида мавжуд бошқа ресурслар: капитал, интеллектуал ва ахборот ресурсларини ҳам саноат корхоналарида самарали қўллашларини йўлга қўйиш лозим.

4. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

4.1. Жиззах вилоятининг табиий-географик ўрни

Жиззах вилояти 1973 йилда ташкил топган.

Худудий майдони – 21,1 (минг кв.км.).

Доимий аҳоли сони – 1168,2 минг киши (2017 йил 1 январь ҳолатида).

Шаҳарлар сони – 1 та,

Туманлар сони – 12 та,

Шу жумладан:

туманга бўйсунувчи шаҳарлар – 7 та.

Жиззах вилояти 1973 йил 28 декабрда ташкил этилган. Шимолий-шарқда Қозоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, жанубий-ғарбда Самарқанд, Навоий вилоятлари, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 21,1 минг квадрат км. Жиззах вилояти таркибида Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Ғаллаорол, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш ва Янгиобод каби 12 та туман, 1 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 7 та туманга бўйсунувчи шаҳар (Жиззах, Гагарин, Дўстлик, Маржонбулоқ, Пахтакор, Даштобод, Ғаллаорол), 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Ўснат, Учқулоч, Янгиқишлоқ, Қўйтош) мавжуд.

Шундай қилиб, 2016 йил ҳолатига Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар (хайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) “Давлат муҳофазаси рўйхатлари”га киритилган.

Она диёримиз – Ўзбекистон тарихи шу заминда яшаб ўтган буюк аجدодларимиз қолдирган жуда катта тарихий мерос билан ҳар қанча фахрланишга арзигуликдир. Жиззах воҳаси ҳам ана шу буюк тарих шодасида авлодлар ардоғига муносиб маданий манзиллари, бебаҳо тарихий масканлари билан энг муносиб ўринга дахлдор.

Жиззах тарихининг энг қадимги саҳифалари ҳақида гап кетганда, албатта жаҳон тарихига дахлдор саналмиш “Сайхонсой қоятошлари”даги суратларни (4,5 минг йил аввал), энг қадимги одамлар яшаганлиги тахмин этилаётган “Пешоғор гори” маданий қатламларини, икки минг-икки ярим минг йиллик тарихга эга “Мозорсой ёдгорликлари”ни, “Жомонжар ер ости эҳромлари”ни, қадимги манбаларда тилга олинган Газа, Харакана, Зомин, Сobot, Мик, Марсманда, ундан -

ва қадимгирок бўлмиш хитой солномаларида тилга олинган “Эча шаҳри” қолдиқлари бўлмиш қадимги қалъалар ва шаҳарлар ўринларини фахр билан тилга оламиз.

Бундан минг йиллар бурун боболаримиз ўз замонасида бутун Ўрта Осиёда энг қадимги ва энг маҳобатли ирригация иншооти саналмиш “Банд тўғони”ни жуда катта маҳорат билан бунёд этишганлари кишини лол қолдиради.

Бу ҳудудда яшаган эл-нуфус томонидан минг йиллардан берисига азиз тутиб келинган “Темир дарбоза”, “Саъд ибн Абу Ваккос”, “Парпи ота”, “Хўжамушкент ота”, “Новқа ота”, “Ўснат ота”, “Саид Мир Халилиллох ота”, “Хўжа боғбон ота” каби кўплаб мўътабар зиёрат манзиллари ва қадамжолари борки, бугунги мустақиллик йиллари шарофатидан янада обод ва кўркам манзилларга айланди, ўз салобати ва селовати билан юртимиз саодатига шуқуҳ бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги” қонуни ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга

Мен шу қадимий заминда туғилиб ўсган, унинг понини еб, сувини ичиб, унга фарзандлик меҳри билан боғланган бир инсон сифатида тарих синовларида тобланган, мустаҳкам иродали Жиззах элининг қандай улкан ишларга қодир эканини яхши биламан.

Ш. Мирзиёев

етказиш чораларини кўриш ва ёдгорликларнинг давлат муҳофазасини таъминлаш мақсадида қатор тадбири чоралар кўрилмоқда.

Бу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисида”ги низом, “Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги низом ва “Маданий мерос объектларининг тарихий – маданий экспертизаси тўғрисида”ги низом”лар, Вазирлар Маҳкамасининг “Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва қадамжоларда аҳолига ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида”ги мажлиси баённомаси талабларини бажариш мақсадларига қаратилган.

Шундай қилиб, 2008 йилнинг 10 июнь ҳолатига Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар (хайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) “Давлат муҳофазаси рўйхатлари”га киритилган.

Ҳар бир юртнинг ўз табаррук масканлари, бош узра тутган муқаддас зиёратгоҳлари бўлгани каби Жиззах воҳасининг ҳам мўътабар зиёратгоҳлари бор.

Мазкур нашрда Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган ва давлат муҳофазасига олинган зиёратгоҳлар, қадамжолар ва уларнинг тарихишга баҳоли қудрат таъриф берилди. Ундай тарихий объектларни муҳофаза этиш учун масъул шахслар ва идоралар, тарихий асори атикаларни илмий тадқиқ этувчи олимлар, ўлкашунослар муҳим кўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Маълумки, 1990 йилларнинг бошида собиқ шўро ҳудудида рўй берган иқтисодий таназзул натижасида бизнинг юртимизда, жумладан, Жиззахда ҳам айрим ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб қолган эди. Вилоят марказидаги ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган завод бир неча йил давомида маҳсулот бермади. 1999 йилда шу завод негизида Американинг “Эксайд” фирмаси билан ҳамкорликда йилига 1 миллион дона кўрғошинли аккумулятор батареялари ишлаб чиқарадиган ҳамда 8 минг тонна иккиламчи кўрғошинли қайта ишлаш қувватига эга бўлган “Узэксайд” қўшма корхонаси ташкил этилди. Бунта 78 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоя жалб қилинди.

Жиззахдаги қуюв-механика заводи қурилиши ҳам тугалланмай ётган эди. У Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфига ўтказилиб, ишлаб чиқариш марказига айлантирилди. 1996 йил бошида қуввати йилига 21,3 тонна қуйма ва 2 млн. дона гильза бўлган Жиззах қуюв-механика корхонаси ишга туширилди. Жиззах аккумулятор заводида қуввати йилига 25 минг дона енгил автомобилларга мўлжалланган кўрғошинли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1999 йилда бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Айниқса, бу ерда тайёрланаётган йўлак плиталарига талаб катта бўлган.

1996 йилда вилоятнинг 80 та асосий саноат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мавжуд корхонанинг 53 таси нодавлат мулк шаклида фаолият кўрсатиб, улар томонидан умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 85,4 фоизи ёки 2035,2 млн. сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Вилоятдаги ишлаб чиқариш саноат тармоқларини ҳудудий жиҳатдан Жиззах, Ғаллаорол, Даштобод, Дўстлик шаҳарларидаги саноат тармоқларига ажратиш мумкин. Булар фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган тармоқлар, пахта қайта ишлаш, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё, енгил саноат (ип йигирув, пайпок тўқиш, устки трикотаж фабрикалари), озик-овқат саноатидир. Вилоятда қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг салмоғи сезиларли. Шулардан Даштобод қурилиш материаллари, Зомин оникс, Бахмал мармар, ғишт заводлари, Даштобод,


Дўстлик ун комбинатлари, Жиззах мебель фабрикаси ишлаб турибди. Жиззах вилоятида кончилик тармоғи ҳам ривожланган. Маржонбулоқ олтин кони, Кўйтошдаги оҳак, волластонит, вольфрам, Кўтармада оҳак, Учкулочда кўрғошин конлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони воҳанинг саноат салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда ракобатбардош ва экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулайликлар яратди. Чунончи, 2013 йил махсус индустриал зонада инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш даври бўлди. 17 километр узунликдаги автомобиль йўллари янгидан қурилиб, электр, газ, сув, оқова каби ташқи коммуникация тармоқлари юзага келтирилди.

4.2. Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткич даражасида ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсгани, кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 18,3 фоиздан 21,7 фоизга етгани ана шундай амалий ишлар натижасидир (1-расм).



4.2.1-расм. Иқтисодий тармоқлари бўйича ЯҲМ тузилмаси³²

2016 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,2 %), саноат (қурилиш соҳаси билан бирга) (14,5 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (6,3 %) тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

4.2.1-жадвал

Вилоят иқтисодий тармоқлари бўйича ЯҲМ тузилмаси (ўтган йилга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
ЯҲМ	111,9	111,7	108,8	110,0	109,2	109,2	109,4
шу жумладан:							
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	111,7	111,6	108,8	109,9	109,2	109,1	109,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	116,3	115,3	109,6	112,1	109,6	111,4	111,4
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	111,7	111,6	108,8	109,9	109,2	109,1	109,3
Қишлоқ хўжалиги	106,4	105,8	107,1	105,9	106,6	106,2	106,3
Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга)	114,3	117,6	110,1	118,4	110,4	112,0	114,5
Хизматлар	116,2	114,7	109,6	109,3	110,8	110,2	109,2
ЯҲМ аҳоли жон бошига	108,5	108,4	107,0	108,2	107,2	107,1	107,3

³² Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини макбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш, узок муддатли истикболни кўзлаб, саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши вилоят иқтисодиётининг нафақат макродаражада, балки мега даражадаги рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки XXI асрнинг навбатдаги декадасида янги иқтисодиётнинг энг асосий қонуниятлари индустриал иқтисодиётнинг постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига шиддат билан ўзгариб бораётганлигидадир. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг бош омилidir. Лекин ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

4.3. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Жиззах вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари алоҳида роль ўйнайди. Юргимизда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, тадбиркорларнинг ўрта синфни шакллантиришда мустақкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ва хусусан, ҳудуд иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган имкониятларидан бири бандлик ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Ушбу жиҳатдан Жиззах вилоятида бошқа ҳудудларга нисбатан долзарб масалалардан бири бўлган бандликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Жиззах вилоятида корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилда рўйхатга олинган юридик шахслар сони 11832 тани ташкил қилиб, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 10693 таси ёки 90,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда (2-жадвал).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2566 та (21,7 фоизи), саноат 1676 та (14,2 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 794 та (6,7 фоизи) ва қурилиш 1109 та (9,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 34,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 48,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

2016 йил январь-декабрь ойларида жами 1 550 та хўжалик юритувчи субъектлари (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз) ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,5 фоизи), Жиззах (15,5 фоизи) ва Фориш (7,5 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,6 фоизи савдо, 16,3 фоизи саноат ва 9,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

2016 йилда 1382 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 13 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 0,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Шунинг учун вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳудуд ЯХМнинг кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2010 йилдаги 77,3 фоиз ўрнига 2016 йилда 80,3 фоизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкил этди.

4.3.1-жадвал

Корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари (2016 йил)³³

Кўрсаткичлар	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	11832	100,0	10693	100,0
шу жумладан:				
кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1373	11,6	1198	11,2
Саноат	1676	14,2	1506	14,1
Қурилиш	1109	9,4	1010	9,5
Савдо	2566	21,7	2205	20,6
ташиш ва сақлаш	450	3,8	400	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	794	6,7	722	6,7
ахборот ва алоқа	192	1,6	149	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	337	2,8	336	3,1
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	3335	28,2	3167	29,6

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Охириги беш йилда 4 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 8 минг 500 тага етди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80 фоизни, экспортдаги хиссаси 87 фоизни (74,4 млн. АҚШ доллари), меҳнат билан банд аҳолини камраб олишдаги улуши 82 фоизни ташкил этмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги қўш функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кўзатишмоқда.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони 1506 тани ташкил қилди (4.3.2-жадвал).

4.3.2-жадвал

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида маълумот³⁴

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари	1392	1475	767	994	990	1168	1506
Тугатилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари	587	560	569	586	567	628	1329
Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти (млн. АҚШ доллари)	85,3	81,7	20,3	90,3	36,5	43,7	74,4

³³ Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

³⁴ Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 80,3 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари 2016 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан (4.3.3-жадвал):

4.3.3-жадвал

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажми³⁵

Кўрсаткичлар	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 407,2	99,8
Саноат	1 119,8	52,1
Қурилиш	853,0	93,5
Чакана савдо	2 745,9	94,5
Юк ташиш, млн. тн.	34,1	13,2
Йўловчи ташиш, млн. киши	199,8	2,3
Экспорт, минг АҚШ долл.	88 406,2	65,4
Импорт, минг. АҚШ долл.	61 836,3	81,6

– 373,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 170,8 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 21,0 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1 119,8 млрд. сўми (саноатнинг 57,8 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 129,7 фоизни ташкил қилди;

– 2 407,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,8 фоизи) ташкил қилди;

– 737,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 58,9 фоизи) ўзлаштирилди;

– 853,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,5 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 112,5 фоизга кўпайди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 108,6 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 109,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 110,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 101,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,5 фоизи ёки 2 749,5 млрд. сўми (ўсиш 116,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 75,1 фоизи ёки 1 522,4 млрд. сўми (ўсиш 119,3 фоиз) шакллантирилди;

– 88 406,2 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 65,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 61 836,3 минг АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 82,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванк топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

³⁵ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

4.4. Жиззах вилоятининг ташқи иқтисодий ислохотлари

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоклари учун зарур бўлган экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узок муддатли истикболни кўзлаб саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунга кўра, ҳудуднинг ташқи савдо айланмаси 2016 йилда 194609,4 минг АҚШ долларини, жумладан 135235,8 минг АҚШ долларини экспорт операциялари, 75442,4 минг АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 59793,4 минг АҚШ долларини ташкил қилди (4.4.1-жадвал).

4.4.1-жадвал

Жиззах вилоятининг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси (млн. сўм)³⁶

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й. (январь-июнь)
Ташқи савдо айланмаси	282256	177974,2	302223,2	176866,6	166538,2	194609,4	85644,2
Экспорт	197447,9	115295	161625,5	109585,3	95999,9	121185,1	45714,8
Импорт	84808,1	62679,2	140597,7	67281,3	70538,3	73424,3	39929,4
Сальдо баланси	112639,8	52615,8	21027,8	42304	25461,6	47760,8	5785,4
Шу жумладан							
МДХ мамлакатлари	143378,6	54290,5	160671,9	66977,5	53838,2	53185,9	30410,2
Экспорт	86737,9	27169	96135,2	40955,3	36514,9	38661,7	16294,8
Импорт	56640,7	27121,5	64536,7	26022,2	17323,3	14524,2	14115,4
Сальдо баланси	30097,2	47,5	31598,5	14933,1	19191,6	24137,5	2179,4
Бошқа мамлакатлар	138877,4	123683,7	141551,3	109889,1	112700	141423,5	55234
Экспорт	110710	88126	65490,3	68630	59485	82523,4	29420
Импорт	28167,4	35557,7	76061	41259,1	53215	58900,1	25814
Сальдо баланси	82542,6	52568,3	-10570,7	27370,9	6270	23623,3	3606

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва қўзғалдиқ маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоятда белгиланган дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги “Вахтал export” масъулияти чекланган жамияти ўтган йили Россия, Хитой ва Бирлашган Араб Амирликларига 14 турдаги 2 минг тоннадан зиёд кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилди. Жорий йилда Ҳиндистон ва Вьетнам тадбиркорлари билан ҳам шартномалар тузиб, экспорт географиясини янада кенгайтирди. Корхонага ўтган йили Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят филиалининг 1 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобидан хориждан мева қуригадиган, дуқакли маҳсулотларни тозалаб, саралайдиган замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилди.

³⁶ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жиззах вилоятининг экспорт ва импорт таркиби (млн. сўм)³⁷

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017 й. (янв-май)
Экспорт таркиби	197448	115295	165232,4	109585,3	95999,9	121185,1	45714,8
Шу жумладан:							
Пахта толаси	100577,3	86345,5	70632,8	60024,5	39222,9	29537,9	10445,9
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	124,6	27,9	208,4	-	158	418,2	245,7
Қора ва рангли металллар	-	44,1	11,8	-	-	0,7	163,1
Машина ва асбоб-ускуналар	6534,9	8158,5	3932,8	11,7	559,1	59,1	
Озиқ овқатлар	69743,3	10196,1	66296,7	7746	22830,5	15582,1	5774,9
Хизматлар	240,7	431	3999,8	3706,3	7448	277,2	90,9
Бошқалар	20227,1	10091,9	20150,1	38096,8	25781,4	75310,0	28994,3
Импорт таркиби	73135,9	60349,4	142279,4	67281,3	70538,3	73424,3	39929,4
Шу жумладан:							
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	14262	6284,4	9380,1	5338	8436,7	11513,9	7712,7
Қора ва рангли металллар	8872,4	9176,7	7995,7	6632,9	13364,3	9301,3	5998,6
Машина ва асбоб-ускуналар	12056,2	26702,5	67434,5	35080,8	35751,3	43894,8	16683,5
Озиқ овқатлар	24883,5	14213,7	27376,8	10886,5	6279,4	4098,9	6663
Энергия манбалари, нефть маҳсулотлари	93,9	610,5	4200,6	5402,7	182,8	46,5	244,2
Хизматлар	-	-	1681,7	1837	3164,7	1766,7	87
Бошқалар	12967,9	3361,5	24210	2103,4	3359,1	2802,2	2540,4

2016 йилда Жиззах вилоятидаги 36 та корхона экспорт фаолияти билан шуғулланган. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Литва давлатларига 38 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот сотилган. Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 5 миллион АҚШ доллариغا 9 миллион 278 минг тоннадан ошмиқ маҳсулот экспорт қилинди. Чунинчи, 23 та саноат корхонаси томонидан гилам, тайёр трикотаж маҳсулотлари, калава ип, электротехника буюмлари, пахта момиғи, олтингургут ҳамда оҳак ва шиша момиғи каби қурилиш маҳсулотлари хорижга чиқарилмоқда. Соҳада "Roison home white goods", "Diamond carpet", "Forish textil group", "Ekoclimat" каби йирик саноат қувватлари етакчилик қилаётир. Худди шундай 25 та кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 70 минг тонна олма, узум, нок, беҳи, шафтоли, пиёз, қарам, булғор қалампири, сабзи, помидор, қовун, ошқовоқ, мош, ловия, нўхат, қовул, музлатилган балик каби маҳсулотларни экспорт қилиш қоралари қўрилаяпти. Айтганча, бу йил экспортчи корхоналар сафига яна 18 та саноат қуввати қўшилди. 2017 йилда экспорт кўрсаткичини 63 миллион АҚШ доллариға етказишни режалаштирган. Мавжуд имкониятлар ҳамда қилинаётган саъй-ҳаракатлар соҳада сезиларли ўсишдан дарак беради.

2017 йилда вилоятнинг экспорт географияси Ҳиндистон, Франция, Жанубий Корея каби давлатлар ҳисобига кенгайди. Шу ўринда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга сотиш имкониятлари ортаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишдаги тадбирларда "Агроэкспорт" ташки савдо компаниясининг вилоят вакилиги фаол иштирок этапти.

³⁷ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан, хориждан ҳамкорлар топиш, шартномалар тузиш, маркетинг ва консалтинг хизмати кўрсатиш борасида деҳқонларнинг яқин кўмакчисига айланган. Вилоятнинг Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда 13 та савдо уйи бўлиб, уларда ҳудудда ишлаб чиқарилган ва етиштирилган барча турдаги маҳсулотлар савдоси ташкил этилаётир. Жорий йил сўнггигача бир қатор давлатларда яна 5 та савдо уйини очиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари тадбиркорларнинг маҳаллий ва халқаро савдо кўрғазмаларида иштирок этишини таъминлаяпмиз.

4.5. Вилоятнинг меҳнат ресурслари ва демографик ҳолати гаҳлили

Вилоятдаги доимий аҳоли сони 2016 йил ҳолатига 1311,7 минг кишини ташкил қилди ва 2010 йилга нисбатан 145,0 минг кишига ёки 112,4 фоизга кўпайди (7-жадвал).

Ушбу ҳолатни туманлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, энг кўп аҳоли Ш.Рашидов туманига тўғри келади (205,2 минг киши), кейинги ўринларда Жиззах шаҳри, Ғаллаорол (162,8 минг киши), Зомин (148,3 минг киши) ва Бахмал (147,6 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Энг паст аҳолига эга бўлган туманлар эса Арнасой (44,2 минг киши) ва Янгиобод (27,0 минг киши) тумани бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳудуддаги ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолиси сони, жинси ва ёши жиҳатидан таркиби билан белгиланади. Булар эса ўз навбатида аҳолининг табиий ҳаракатланишига боғлиқ бўлади.

Аҳолининг табиий ҳаракатланиши, уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал таракқиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади.

4.5.1-жадвал

Вилоятда доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг киши³⁸

Ҳудудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	1.07.2017
Жиззах шаҳри	158,7	160,0	161,4	163,2	165,0	167,4	169,9	170,8
Арнасой	40,1	40,8	41,3	41,9	42,4	43,1	43,9	44,2
Бахмал	128,8	131,3	133,6	136,5	139,4	143,0	146,2	147,6
Ғаллаорол	145,7	148,2	150,3	152,9	155,8	158,8	161,6	162,8
Ш.Рашидов	176,8	181,0	185,0	188,9	193,5	198,1	202,9	205,2
Дўстлик	55,9	56,9	57,9	58,9	60,0	61,1	62,1	62,6
Зомин	150,8	153,4	155,9	158,7	161,7	165,1	168,3	148,3
Зарбдор	57,3	58,2	59,0	60,3	61,9	63,6	65,3	87,3
Зафаробод	42,9	43,5	44,2	45,0	45,6	46,4	47,2	47,5
Мирзачўл	41,7	42,8	43,8	44,8	45,9	47,1	48,1	48,7
Пахтакор	63,6	64,7	65,5	66,8	68,0	69,3	70,5	71,0
Фориш	79,9	81,0	82,0	83,4	85,0	86,7	88,1	88,7
Янгиобод	24,5	24,8	25,1	25,5	25,9	26,4	26,9	27,0
Жами	1166,7	1186,6	1205,0	1226,8	1250,1	1276,1	1301,0	1311,7

Ушбу ҳолат ҳудуд иқтисодиётининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнидаги таркибий ўзгариши билан боғлиқ ислохотлар натижасида кузатилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади.

Биз меҳнат бозори таркибига иқтисодиётда банд бўлганлар, меҳнат биржаси орқали иш қидираётганлар ҳамда мустақил равишда иш излаётган меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини киритиш ушбу бозорни кенг талқин қилиш имконини беради.

³⁸ Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жиззах вилоятида ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда. Ишчи кучи ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилга нисбатан 115,6 фоизга кўпайиб, 753,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил этади (4.5.2-жадвал).

Жиззах вилоятида ишчи кучи ресурслари сони динамикаси тахлил қилинганда, 2017 йилнинг ярим йиллигида 2010 йилга нисбатан ўзгариши 115,6 фоизни ишчи кучи ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил қилган.

Кўрилатган даврда ишчи кучи ресурслари сонининг ўсиш суръати вилоят ҳудудларида деярли бир хил кечган (114,6 фоиздан – 117,3 фоизгача). Фақатгина Мирзачўл тумани нисбатан паст кўрсаткичга эришилган (111,4 фоиз). 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ишчи кучи ресурслари сони жиҳатидан Жиззах шаҳри (125,3 минг киши), Ш.Рашидов тумани (105,0 минг киши), Зомин тумани (87,8 минг киши) ва Бахмал тумани (77,9 минг киши) етакчилик қилмоқда.

4.5.2-жадвал

Вилоятда меҳнат ресурслари сони динамикаси, минг киши ҳисобида (йил бошига нисбатан)³⁹

Худудлар	Й и л л а р								2017 йилда 2010 йилга нисбатан	
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	01.07.2017	+,-	%
Жиззах ш.	108,9	113,3	115,2	117,2	119,1	121,4	123,6	125,3	16,4	115,1
Арнасой	24,5	25,5	26,2	26,9	27,1	27,9	28,1	28,5	4,0	116,3
Бахмал	66,7	69,9	71,3	72,5	73,9	75,1	78,3	77,9	11,2	116,8
Ғаллаорол	75,3	79,5	81,7	82,6	83,9	85,1	86,3	87,2	11,9	115,8
Ш.Рашидов	90,6	94,5	96,8	98,3	101,8	102,5	103,8	105,0	14,4	115,9
Дўстлик	31,7	33,1	34,1	34,9	35,8	35,9	36,3	36,6	4,9	115,5
Зомин	76,6	79,6	81,8	83,5	84,3	85,8	87,1	87,8	11,2	114,6
Зарбдор	29,5	30,5	31,5	32,4	32,9	33,1	33,5	34,1	4,6	115,6
Зафаробод	26,5	27,5	27,6	28,0	29,4	30,4	30,5	30,7	4,2	115,8
Мирзачўл	25,5	25,8	26,2	27,1	27,9	28,1	28,2	28,4	2,9	111,4
Пахтакор	36,0	37,2	38,5	39,6	40,2	40,8	40,9	41,5	5,5	115,3
Фориш	47,5	49,1	50,8	51,7	52,5	53,9	54,6	55,7	8,2	117,3
Янгиобод	12,8	13,2	13,8	14,1	14,2	14,6	14,8	14,9	2,1	116,4
Жами	652,1	678,7	695,5	708,8	723,0	734,6	746,0	753,6	105,1	115,6

Вилоятда меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Мазкур чора-тадбирларда бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бандлик дастурларини ишлаб чиқишга замонавий ёндашувларни ҳамда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва Олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш механизмларини, янги интерактив хизматларни жорий этиш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва бошқа чоралар кўзда тутилган.

Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳудудлар кесимида иш билан бандлар сони 2010 йилда 381,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг ярмида 455,7 минг кишини банд сифатида рўйхатга олинган. Шў йиллар давомида иш билан бандлар сони 74,1 минг кишига кўпайган (119,4 фоизга ошган).

³⁹ Жиззах вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатда кичик бизнес ривожини учун яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари самарали ишлаётганлиги туфайли аҳолининг ишбилармонлик қобилияти кенгайиши, ёшларда тадбиркорлик ташаббуси ортиши кузатилаётганда. Бу жиҳатлар ўз навбатида, истиқболли таклиф ва ташаббусларни ўз вақтида рағбатлантиришга катта йўл очиб бермоқда. Натижада, иш билан банд аҳолининг аксарият қисми айнан кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда, тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса ортмоқда. КБХТ ривожига кенг йўл очиб берилганлиги аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида муҳим омил бўлиш билан бирга, иқтисодийни изчил ривожлантирувчи, жамият барқарорлигини таъминловчи қафолат воситаларидан бирига айланди.

4.5.3-жадвал

Вилоятда иш билан банд аҳоли сони динамикаси, минг киши ҳисобида
(йил бошига нисбатан)⁴⁰

Худудлар	Й и л л а р								01.07.2017 да 2010 йилга нисбатан	
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	01.07.2017	+,-	%
Жиззах ш.	66,9	68,2	71,7	73,8	76,3	78,6	80,8	81,3	14,4	121,5
Арнасой	13,7	14,1	14,5	14,9	15,4	16,0	16,3	16,4	2,7	119,7
Бахмал	37,4	38,4	39,7	41,1	42,3	43,7	44,9	45,1	7,7	120,6
Ғаллаорол	43,1	44,5	46,4	47,8	49,4	50,8	52,3	52,6	9,5	122,0
Ш.Рашидов	49,9	51,3	52,5	54,2	56,1	57,7	59,4	59,5	9,6	119,2
Дўстлик	19,9	20,4	19,8	20,3	20,9	21,5	22,1	22,1	2,2	111,1
Зомин	43,5	44,7	46,4	47,8	49,4	50,7	52,4	52,5	9,0	120,7
Зарбдор	18,0	18,7	18,1	18,6	19,3	19,7	20,4	20,3	2,3	112,8
Зафаробод	15,3	15,8	16,1	16,7	17,1	18,1	18,6	18,5	3,2	120,9
Мирзачўл	18,2	18,8	18,9	19,3	19,9	20,4	21,2	21,2	3,0	116,5
Пахтакор	21,2	21,9	22,2	22,9	23,6	24,3	25,2	25,0	3,8	117,9
Фориш	26,4	27,1	28,2	29,1	29,7	30,8	31,6	31,6	5,2	119,7
Янгиобод	8,1	8,5	8,4	8,6	9	9,1	9,6	9,6	1,5	118,5
Жами	381,6	392,4	402,9	415,1	428,4	441,4	454,8	455,7	74,1	119,4

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 67,0 фоизи (29,7 мингта иш жойи) кишлоқ жойларга тўғри келади.

Жиззах вилоятида **туризм соҳасини** янада ривожлантириш борасида 2016–2017 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган маблағ 10493,1 млн. сўмни ташкил этади, ташаббускорлар ва масъул ижрочилар маблағлари 5731,0 млн. сўм, тижорат банклари кредитлари 4270,0 млн. сўм, бюджет маблағлари 492,1 млн. сўмни ташкил қилади.

Ушбу бажарилган ишлар натижаси сифатида 2016 йилда 4199 нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюришди (4.5.1-расм).

Уларнинг энг катта қисмини МДХ давлатлари ташкил қилишини инobatга оладиган бўлсак, кейинги режа ва давлат дастурларига ўзимиздаги мавжуд имкониятларни Европа, Америка ва Жанубий-шарқий Осиё давлатларига кенгрок овоза қилиш керак бўлади. Жиззах вилоятининг турли худудларидаги диққатга сазовор жойларига турли давлатлардан туризмнинг барча турлари бўйича 4199 нафар сайёҳлар ташриф буюришган.

⁴⁰ Жиззах вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан:

Европа давлатларидан –

207 нафар (5 %);

Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари –

908 нафар (22 %);

МДХ мамлакатлари –

3060 нафар (72 %);

Шимолий ва Жанубий Америка –

24 нафар (1 %);

Шунингдек, Жиззах вилояти аҳолисидан ташқари маҳаллий сайёҳлар

20 минг нафардан ортиқ

4.5.1-расм. Жиззах вилояти сайёҳлик салоҳияти кўрсаткичлари⁴¹

4.6. Жиззах вилоятининг ривожланиш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил учун вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича белгиланган асосий прогноз параметрлари таъминланади.

1. 2017 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатини 115,9 фоизга, шундан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 118,2 фоизга таъминлаш белгиланган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ўсиш суръати 118,2 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

2. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиш суръати прогнози жорий йилнинг 1-ярим йиллигига 105,6 фоиз белгиланган бўлиб, амалда 106,0 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

3. Қурилиш-пудрат ишлари прогнози жорий йилнинг 1-ярим йиллигига 111,2 фоиз белгиланган бўлиб, амалда ўсиш суръати 111,3 фоизга бажарилиши кутилмоқда.


4. Чакана товар айланмаси прогнози жорий йилнинг 1-ярим йиллигига 113,0 фоиз белгиланган бўлиб, амалда ўсиш суръати 113,1 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

5. Жами хизматлар прогнози жорий йилнинг 1-ярим йиллигига 111,7 фоиз белгиланган бўлиб, амалда 111,8 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

Жиззах вилояти ривожланишининг асосий кўрсаткичларида бири ЯХМ бўлиб, унинг 2017–2021 йилларда йиллик ривожланиш тенденцияси 9,1 фоизни ташкил этмоқда (4.6.1-расм).

Вилоятнинг инвестиция дастурига асосан 2017 йилда вилоятда жами 123 та ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни (24 та мактаб, 8 та касб-хунар коллежлари, 8 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 15 та мактабгача таълим муассасалари, 5 та болалар спорти объектлари, 46 та ичимлик суви объектлари ва 17 та бошқа объектлар) қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш белгиланган.

⁴¹ Жиззах вилояти Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



4.6.1-расм. Ялпи ҳудудий маҳсулот (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴²


Инвестиция дастурини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан жами 115 060,7 млн. сўм маблағ ажратилган.

2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида жами 44 184,5 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва ҳозирда объектларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари учун 25 825,1 млн. сўм маблағ молиялаштирилди.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига 46 та ичимлик суви объектлари, 25 август ҳолатига 24 та мактаб, 8 та касб-хунар коллежлари, 15 та мактабгача таълим муассасалари ҳамда қолган объектлар жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида тўлиқ фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Жиззах вилоятида саноатни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилишини инобатга оладиган бўлсак, 2017–2021 йилларда 113,6 фоиздан юкори даражада ривожлантириш режалаштирилган (4.6.2-расм). Бу ишларни биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан 2013 йил 18 мартда “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида” ПФ-4516-сонли фармони ва шу асосда ушбу ҳудудга берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.



4.6.2-расм. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴³

⁴² Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁴³ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида вилоятда қиймати 1199,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 118,2 фоизни ташкил этиб белгиланган прогноз режаси ижроси таъминланган.


Вилоятда саноат салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича 2017–2018 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастурда 2017 йилда қиймати 750,1 млрд. сўмлик 416 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 8702 та янги иш ўринлари яратилади.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати 71,3 млрд. сўмлик 169 та лойиҳалар ишга туширилиб, 1322 та иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги “2017–2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истикболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2698-сонли қарорига вилоятдан 25 та корхоналарда 41 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари киритилган бўлиб, шундан 2017 йилда 16 та корхоналарда 32 хилдаги қиймати 32,8 млрд. сўмлик маҳсулотлари ишлаб чиқариши режалаштирилган.

Ушбу режага кўра, ривожланиш даражасини олиб қарайдиган бўлсак, 2017–2021 йилларда йиллик 10 фоиздан кам бўлмаган даражада ривожлантириш режалаштирилмоқда (4.6.3-расм).


2017 йилнинг 1-ярим йиллиги мобайнида 6 та корхонада 15 турдаги 7 144,2 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, амалда мазкур корхоналар томонидан 15 турдаги 10 776,9 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, прогноз кўрсаткичлари 150,8 фоизга бажарилди. Жумладан, "Trust Elektroniks" МЧЖ томонидан 10 263,3 млн. сўмлик, "Beek Elektro" МЧЖ томонидан 443,2 млн. сўмлик, "Супер сантехник элемент" МЧЖлар томонидан 37,0 млн. сўмлик, "Азия Пласт Капитал" ХК томонидан 7,5 млн сўмлик, "Олмачи полимер" МЧЖ томонидан 24,0 млн сўмлик, "Давр-М" МЧЖ томонидан 2 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.



4.6.3-расм. Асосий капиталга киритилган инвестиция (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴⁴

Вилоятда 2017 йилнинг 1-ярим йиллиги учун тасдиқланган ҳудудий экспорт прогнози 29,0 млн. АҚШ доллари миқдорига белгиланган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 10,6 млн. АҚШ доллари миқдорига саноат ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди ва прогнозга нисбатан 36,6 фоизни ташкил қилди. Худудда такрорий экинни амалга ошириш ва уни экспортга мўлжаллаш орқали ҳудуднинг ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси ҳар йили 9 фоиздан кам бўлмаслигини тахмин қилиш мумкин (4.6.4.-расм).

⁴⁴ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



4.6.4-расм. Ташқи савдо айланмаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴⁵

Жумладан, саноат маҳсулотлари экспорти 4,7 млн. АҚШ доллар (прогнозга нисбатан 89,5 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти 5,9 млн. АҚШ доллар (прогнозга нисбатан 25,1 фоиз)ни ташкил этди.


Худудий тасарруфдаги корхоналар экспорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,8 фоизни ташкил этади.

Фориш ва Бахмал туманларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайиш кузатилган бўлса, бошқа шаҳар ва туманларда 1,7 бараваргача ўсишга эришилган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича 17,6 млн. долларлик экспорт бажарилмасдан қолди.

2017 йил ўтган даврида 16 та янги корхона экспортга жалб қилиниб, улар томонидан 4,1 млн. АҚШ доллар миқдоридан саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Экспорт географияси Болтиқбўйи давлатлари ва Афғонистон давлатлари ҳисобига кенгайди. Товарлар номенклатураси кенгайиш тухум, қурилиш материаллари, шиша толаси (стекловата) ҳисобига эришилди.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПК-1958-сонли қарорига асосан вилоятда 2017 йилда давлат дастури доирасида жами 54 млрд. 286 млн. сўмлик ишларнинг бажарилиши жумладан, мелиорация тадбирлари бўйича 36 млрд. 820 млн. сўмлик, ирригация тадбирлари бўйича 17 млрд. 466 млн. сўмлик ишларини бажарилиши ва қишлоқ хўжалигини 6 фоиздан ошган ҳолда йиллик ўсишга эришиши режалаштирилган (4.6.5-расм).



4.6.5-расм. Қишлоқ хўжалиги (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴⁶

⁴⁵ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Амалда жорий йилнинг 1 июль ҳолатига жами 25 млрд. 252 млн. сўмлик, шундан мелиорация тадбирлари бўйича 18 млрд. 661 млн. сўмлик коллекторлар, ёпик-ётик дренаж тармоқлари, мелиоратив тик қудуқлар ва мелиоратив насос агрегатлари қуриш ва таъмирлаш ишлари, ирригация тадбирлари бўйича 6 млрд. 592 млн. сўмлик суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Озик-овқат экинлари майдонларини кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги 2460-сонли қарорига асосан вилоятда 2016–2020 йилларда 22500 га пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, бўшаган майдонларга мева-сабзавотчилик ва чорвачилик учун йўналишларини кенгайтириш режалаштирилган.


2016–2017 йилларда вилоятда пахта ва ғалла майдонларидан 9500 га майдонлар қисқартирилди. Бугунги кунга келиб, ўлчов натижаларига кўра вилоятда 2017 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари томонидан 105500 га майдонга ғалла, 90683 га майдонга пахта, 2975 га майдонга полиз, 4249 га майдонга сабзавот, 828 га майдонга картошка, 1351 га мойли экинлар, 12597 га майдонга озука, 375 га дуккакли ва 1256 га бошка экинлар экилди.

Кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришни кўллаб-қувватлашда вилоятда бугунги кун ҳолатига 5196 та фермер хўжаликлари кўп тармоқлига айлантирилган. Жорий йилда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarини кўп тармоқлига айлантириш бўйича вилоят ва туман ҳокимликлари билан бирликда фермерлар кенгашининг кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва уларни янада ривожлантириш бўйича белгиланган дастурига 1790 та фермер хўжаликлари лойиҳа эгалари сифатида киритилган.

2017 йилнинг 1 ярим йиллигида лойиҳаларни амалга оширишда жами 72 млрд. 941 млн. сўмлик, шундан 16 млрд. 868 млн. сўм банк кредит маблағи ва 56 млрд. 072 млн. сўм ўз маблағлари ҳисобига 1529 нафар фермер хўжалиklarининг лойиҳалари амалга оширилиб, 7104 та янги иш ўринлари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017–2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2775-сонли қарорга асосан вилоят ҳокимининг 2017 йил 21 февралдаги 64-сонли қарори қабул қилинган.

2017–2018 йилларда вилоят ҳудудида жами 39 км умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 222,3 км (30,3 млрд. сўм) шаҳар ва шаҳар типидagi посёлка кўчалари ва хўжалиklarаро қишлоқ автомобиль йўллари, қишлоқ кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш белгиланган ҳамда қурилиш ишларини ўтган йилга нисбатан 12 фоиздан юқори даражада ривожлантириш кўзда тутилган (4.6.6-расм).



4.6.6-расм. Қурилиш ишлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁴⁷

⁴⁶ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁴⁷ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан, 2017 йилда Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 16 км (22 млрд. сўм) Халқаро аҳамиятдаги М-39 “Алмата – Бишкек – Тошкент – Шаҳрисабз – Термиз” автомобиль йўлининг 982–1005 км ва 1025–1037 км участкаларида 12 км, Республика аҳамиятидаги 4Р35 “Жиззах-Пахтакор” автомобиль йўлининг 11–15 км участкаларида 4 км йўллар реконструкцияси режалаштирилиб, жорий йилнинг 1-ярим йиллиги якуни билан 522,8 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган.

Шу билан бирга, дастур доирасида 191,4 км шаҳар ва шаҳар типидagi посёлка кўчалари ва хўжаликлараро кишлок автйўллари, кишлок кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ушбу мақсадда вилоят маҳаллий бюджетидан 14 853,0 млн. сўм маблағ ажратилган.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллиги мобайнида 11 244,5 млн. сўмлик ички йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилди.

Кичик бизнес субъектларига қулай шарт-шароитлар яратилиши ва имтиёзлар берилиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик бизнеснинг улушини кўпайтириш:

Жорий йилда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ЯИМдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллиги бўйича, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ҳажми 2 трлн. 181,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 8,7 фоизга ўсишга эришилди.

Бунда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 трлн. 191,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 118,2 фоизга таъминланди.

Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,6 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 9,8 фоизга ўсди.

Шу билан биргаликда вилоятимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришга кенг шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу борада, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 13,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич (2010 йилда 6,7 фоиз) кейинги беш йилга нисбатан 2 мартага кўпайди.

Вилоятда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада кучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 9913 тага етди.

Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,5 фоиз (ўтган йилнинг шу даврига 63,3%), саноатда 64,8 фоиз (54,7%), кишлок хўжалигида 99,8 фоиз (98,8%), инвестициялар 64,8 фоиз (63,0%), қурилиш ишлари 95,2 фоиз (94,9%), чакана савдо 89,1 фоиз (87,7 %)ни ташкил этди.

Вилоят тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг ўтган 6 оyi мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 300 млрд. сўмдан ортик кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредит маблағларининг 59,1 млрд. сўми саноат соҳасига, 101,5 млрд. сўми кишлок хўжалигига, 52,4 млрд. сўми савдо-сотик ва айланма маблағларни тўлдиришга, 26,3 млрд. сўми қурилиш бунёдкорлик ишларига, 35,8 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ва 25 млрд. сўми бошқа соҳаларга ажратилди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, вилоятда аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши 81,9 фоиз ва амалга оширилган экспорти таркибида ҳам кичик бизнеснинг улуши ошиб бормоқда. Ҳисобот даврида вилоят умумий экспортидаги кичик бизнеснинг улуши 89,4 фоизни (ўтган йилнинг шу даврига 87,8 %) ташкил этиб, 101,8 фоизга ўсишга эришилди.

Вилоятда 2017 йилда бошокли дон экинларидан бўшайдиган майдонларнинг 86,3 минг гектар, шу жумладан 4,1 минг гектар сабзавот, 873 гектар картошка, 17,5 минг гектар полиз, 7,6 минг гектар маккажўхори, 1,4 минг гектар соя, 53,5 минг гектар дуккакли дон такорий экинларни турлари бўйича фермерлар кесимида жойлаштирилди.

Вилоятда такрорий экин сифатида сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиб етиштирилган маҳсулотларнинг сотиш прогнози ишлаб чиқилди.

Шунга кўра: 4,1 минг гектар майдонга сабзавот экинларини экиб етиштирилган 88,4 минг тонна маҳсулотнинг 9 минг тоннаси (10,1 %) қайта ишлашга, 17,9 минг тоннаси (20,3%) Тошкент шаҳар ярмаркаларига ва ички истеъмол учун 61,4 минг тонна (69,5 %);

– 17,5 минг гектар майдонга полиз экинларини экиб етиштирилган 436,1 минг тонна маҳсулотнинг 12,0 минг тоннаси (2,7 %) экспортга, 105,0 минг тоннаси (24,0 %) Тошкент шаҳар ярмаркаларига ва ички истеъмол учун 319,2 минг тонна (73,1 %);

– 873 гектар майдонга картошка экинларини экиб етиштирилган 18,9 минг тонна маҳсулотнинг тўлиқ ички истеъмол учун сотиш режалаштирилди.

Шунингдек, 1,4 минг гектар майдонга мойли (соя) экинларини экиб етиштирилган 2,3 минг тонна маҳсулотлар тўлиқ қайта ишлашга етказиб берилади.

Натижада жами 549,5 млрд. сўмлик 610,4 минг тонна маҳсулот етиштирилиб хосилдан даромадлар кутилмоқда.

Пировардида вилоят бўйича 161,8 млрд. сўмлик соф фойда кўрилиб, рентабеллик даражаси 41,7 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ушбу олинган даромад ҳисобидан 387,7 млрд. сўмлик бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамда таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдида қарздорликлар қискартирилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қуёи ва Юқори палаталари томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2017 йилда Жиззах вилоятида 32127 та, шу жумладан январь-июнь ойларида 17044 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Амалда 19463 та ёки режага нисбатан 114,2 фоиз янги иш ўринлари ташкил этилди.

Яратилган янги иш ўринларини 5037 таси мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилди. Жумладан, саноат йўналишида 1842 та, хизмат кўрсатишда 1172 та, кишлоқ хўжалигида 2023 та.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича 4337 нафар ишсиз фуқароларга меҳнат бозоридаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, 157 нафар ишсиз фуқаролар турли йўналишларда касб ўқувига юборилди, 189 нафар фуқаролар қурилиш, ободонлаштириш ва бошқа соҳаларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажариш учун жалб қилинди.

Ҳисобот даврида 19 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркалари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда иштирок этган 11426 нафар иш қидирувчиларнинг 515 нафарининг ишга жойлашишларига кўмаклашилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган аҳоли тоифалари учун йил бошида квоталанган иш жойларига 584 нафар ишсизлар ишга жойлаштирилди.

Вилоятда мавжуд 75 та касб-хунар коллежларини 2016/2017 ўқув йилида битирадиган 18656 нафар ёшларнинг 18091 нафари билан 7800 та корхона ва ташкилотлар ўртасида кейинчалик ишга жойлаштириш шарти билан амалиёт ўташлари учун тўрт томонлама шартномалар тузилиб, бугунги кунда уларнинг 440 нафарининг бандлиги таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 1298 нафари ўз бизнесларини бошлашлари учун тижорат банкларидан 17,0 млрд. сўмлик кредит олиш истагини билдириб, уларнинг 609 нафарига 3,7 млрд. сўмлик кредит ажратилди.

2017 йил 1 январь ҳолатига фермер хўжалиқларининг таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдида кредиторлик қарздорликлари жами 135 312 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, йил бошидан ўтган 6 ой давомида пахта ва галла етиштириш учун жами 152 624 млн сўмлик моддий ресурслар етказилиб берилган ва хизматлар кўрсатилган. Шу давр мобайнида 126 121 млн сўмлик тўловлар амалга оширилган, натижада 2017 йилнинг 1 июн ҳолатига қарздорлик 161 815 млн сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 26 503 млн сўмга ўсган.

Жиззах вилоятида 2017 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат

бюджети параметрлари тўғрисида"ги ИҚ-2699-сонли қарори ижросини таъминлашга қаратилди ва асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, муайян ижобий натижаларга эришилди.

Худудда хизмат кўрсатиши, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириши ҳамда киритилаётган инвестицияларни тўғри сарфлаши натижасида худуднинг маҳаллий бюджетига тушумларни кўпайтириши ва субвенциядан чиқариши режалаштирилмоқда. Бу эса аста-секинлик билан босқичма-босқич амалга ошириши кўзда тутилмоқда. Шунга кўра, 2017 йилда 24,6 фоиз субвенцияни ташкил этса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 5,9 фоиз ва 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 0 фоизга тушиши назарда тутилади (4.6.1-жадвал).

4.6.1-жадвал

2017–2021 йилларда Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг субвенция улуши кўрсаткичлари (млн. сўм)⁴⁸

№	Кўрсаткич номи	2017	2018	2019	2020	2021
1	Маҳаллий бюджет даромадлари	650394	866077	1077063	1332016	1736241
1.1	Шу жумладан, кўшимча тушум	33631	54754	52076	49602	139005
а)	Дастурдаги лойиҳалар ҳисобига бюджетга тушум	17627	40670	39356	48410	137813
б)	Солиқ қарздорлигини қисқартириши ҳисобига	13204	11951	10628	0	0
в)	Аҳолининг мол-мулкларини тўлиқ қамраб олиши ҳисобига	2025	0	0	0	0
2	Маҳаллий бюджет харажатлари	930096	1080314	1251070	1490335	1828410
3	Вилоят бюджетига ажратма					
4	Ўтказиб бериладиган даромад	50710	50710	60852	70953	92169
5	Субвенция миқдори ва улуши	228992 24,6%	163527 15,1%	113155 9,0%	87366 5,9%	-0 0,0%
	Субвенция улушининг 2016 йилга нисбатан ўзгариши	-19,3%	-28,8%	-34,9%	-38,1%	-44,0%
	Субвенция олувчи ҳудудлар сони	9	9	8	7	1

Хусусан, ўтган 1-ярим йилликда контингент давлат даромадлар тушуми прогноз кўрсаткичи 314,9 млрд. сўм бўлгани ҳолда, тушум 321,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 102,2 фоизга бажарилди.

Маҳаллий бюджет даромадлари тушуми прогноз кўрсаткичи 1-ярим йилликда 314,1 млрд. сўм бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 321,9 млрд. сўмга, яъни 102,5 фоизга бажарилди ёки режага нисбатан 7,8 млрд. сўм кўп ижроси таъминланди.

Вилоят бўйича 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида маҳаллий бюджетга ундирилган маблағ ўтган 2016 йилнинг мос даврига (225,0 млрд. сўм) нисбатан 96,9 млрд. сўм (143,0%)га ошди.

Вилоят бўйича 2017 йилнинг 1-ярим йиллиги якуни билан назоратдаги солиқ турларидан қўшилган қиймат солиғи (4150,2 млн. сўмга), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (60,9 млн. сўмга) прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланмасдан қолди.

Бажарилмаган туманлар:

2017 йил 1-ярим йиллиги учун маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичи аниқлаштирилгунга қадар вилоятнинг 3 та, яъни Жиззах шаҳрида 212,4 млн. сўмга (99,5 %),

– Зарбдор туманида 283,0 млн. сўмга (98,5 %);

– Зафаробод туманида 898,8 млн. сўмга (97,3 %) маҳаллий бюджет даромадлари бажарилмади.

Бунда даромадларнинг бажарилмаган катта қисми Зафаробод тумани ҳиссасига тўғри келади.

⁴⁸ Жиззах вилояти ҳокимлигига қарашли Молия бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2017–2018 йилларда Жиззах вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида ташкил этиладиган иш ўринлари мақсадли кўрсаткичлари⁴⁹

№	Туман (шаҳар)лар номи	2017–2018 йилларда	шундан:			2017 йилда	шундан:			2018 йилда	шундан:		
			саноат	хизмат кўрсатиш	қишлоқ хўжалиги		саноат	хизмат кўрсатиш	қишлоқ хўжалиги		саноат	хизмат кўрсатиш	қишлоқ хўжалиги
	ЖАМИ	28144	13706	7300	7138	15543	7429	4447	3667	12601	6277	2853	3471
1.	Арносой тумани	829	307	313	209	490	135	271	84	339	172	42	125
2.	Бахмал тумани	3363	1492	875	996	983	195	232	556	2380	1297	643	440
3.	Ғаллаорол тумани	3594	1255	576	1763	2279	651	314	1314	1315	604	262	449
4.	Ш.Рашидов тумани	2283	810	719	754	933	421	296	216	1350	389	423	538
5.	Дўстлик тумани	1642	1002	302	338	803	536	187	80	839	466	115	258
6.	Зомин тумани	1954	910	670	374	1294	461	615	218	660	449	55	156
7.	Зарбдор тумани	1442	662	344	436	1129	548	207	374	313	114	137	62
8.	Зафаробод тумани	1107	455	227	425	475	198	145	132	632	257	82	293
9.	Мирзачўл тумани	1723	774	375	574	529	176	182	171	1194	598	193	403
10.	Пахтакор тумани	1520	850	371	299	663	377	203	83	857	473	168	216
11.	Фориш тумани	1560	620	521	419	984	412	386	186	576	208	135	233
12.	Янгиобод тумани	688	167	196	325	348	25	147	176	340	142	49	149
13.	Жиззах шаҳри	6439	4402	1811	226	4633	3294	1262	77	1806	1108	549	149

⁴⁹ Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятнинг бандлик дастурига мувофик 2017 йилда Жиззах вилоятида 15543 та, шу жумладан январь-июнь ойларида 8544 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Амалда 8963 та ёки режага нисбатан 114,2 фоиз янги иш ўринлари ташкил этилди.

Яратилган янги иш ўринларини 5037 таси мақсадли дастурларга мувофик ташкил этилди. Жумладан, саноат йўналишида 1842 та, хизмат кўрсатишда 1172 та, қишлоқ хўжалигида 2023 та.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича 4337 нафар ишсиз фуқароларга меҳнат бозоридаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, 157 нафар ишсиз фуқаролар турли йўналишларда касб ўқувига юборилди, 189 нафар фуқаролар қурилиш, ободонлаштириш ва бошқа соҳаларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажариш учун жалб қилинди.

Ҳисобот даврида 19 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркалари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда иштирок этган 11426 нафар иш кидирувчиларнинг 515 нафарининг ишга жойлаштирилишига кўмаклашилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган аҳоли тоифалари учун йил бошида квоталанган иш жойларига 584 нафар ишсизлар ишга жойлаштирилди.

Вилоятда мавжуд 75 та касб-ҳунар коллежларини 2016/2017 ўқув йилида битирадиган 18656 нафар ёшларнинг 18091 нафари билан 7800 та корхона ва ташкилотлар ўртасида кейинчалик ишга жойлаштириш шарти билан амалиёт ўташлари учун тўрт томонлама шартномалар тузилиб, бугунги кунда уларнинг 440 нафарининг бандлиги таъминланди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 1298 нафари ўз бизнесларини бошлашлари учун тижорат банкларидан 17,0 млрд. сўмлик кредит олиш истагини билдириб, уларнинг 609 нафарига 3,7 млрд. сўмлик кредит ажратилди.

4.7. “Жиззах” махсус индустриал зонаси ва унинг фаолияти

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2013 йил 18 мартда “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4516-сонли Фармон қабул қилинган бўлиб, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридан 363,7 га ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманидан 150 га ер майдонлари ажратилган.

Бундан ташқари Маъмурий кенгаш томондан “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида умумий қиймати 264,1 млн. АҚШ доллар, шундан 165,5 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар бўлган жами 25 та лойиҳани амалга ошириш маъқулланган (7 таси – Сирдарё филиалида).

2017 йил 1 апрел ҳолатига 91,3 млн. АҚШ доллар бўлган 19 та лойиҳа ишга туширилиб, жами 1324 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Кейинги икки йилда мазкур зонада 76 миллион доллар қийматидаги 14 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада автомобиллар учун тормоз колодкаси, плазмали телевизор, холодильник, электр печ, кир ювиш ва тикув машиналари, гилам, полипропилен ип каби юқори технологияларга асосланган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўзида бу ерда 25 турдаги 146 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ҳозирги кунда яна 7 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 28 та қўшма корхона ташкил этилди ва уларнинг сони 74 тага етди.

Ш. Мирзиёев

Жумладан, умумий қиймати 51,4 млн. АҚШ доллар бўлган 14 та лойиҳа Жиззах шаҳрида, 39,9 млн. АҚШ доллар бўлган 5 та лойиҳа Сирдарё филиалида жойлаштирилган.

“Жиззах” ЭИЗ ҳудудида 2015 йилда жами 13 та лойиҳа томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 102,0 млрд. сўм, экспорт ҳажми – 6,4 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, унинг 75,3% Жиззах шаҳридаги корхоналар, 24,7% Сирдарё филиали корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2016 йилда жами 19 та лойиҳа


томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 291,5 млрд. сўмни (2015 йилга нисбатан 3 баравар кўп), экспорт ҳажми эса 14,7 млн. АҚШ долларни ташкил этди (2,5 баробар кўп).

Бугунги кунда “Жиззах” ЭИЗ Маъмурий кенгаши қарорларига мувофиқ дастлабки қиймати 213,0 млн. АҚШ доллар бўлган 25 та истикболли инвестиция лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2016 йил 16 декабрда ўтказилган бизнес форум доирасида умумий қиймати 74,0 млн. АҚШ доллари бўлган 10 та лойиҳа (шу жумладан, 4 таси “Жиззах” ЭИЗда) бўйича Хитойлик ва маҳаллий корхоналар ўртасида меморандумлар имзоланди. Шундан: 3 та лойиҳа бўйича бизнес-режа ишлаб чиқишга киришилди; 3 та лойиҳа бўйича 2017 йил апрель-май ойларида бизнес-режалар ишлаб чиқиш қутулмоқда; қолган 4 та лойиҳа бўйича маркетинг ишлари натижасига кўра, лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан аниқ таклифлар киритилади.

Жиззах ЭИЗ доирасида жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. 2013 йилда дастур доирасида 5,6 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилган бўлса, 2016 йилда 35,9 млн.доллар (2013 йилдагига нисбатан 6,4 баробор кўп) миқдоридаги хорижий инвестиция киритилди (4.7.1-расм).

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳити яратиш, тадбиркорлар учун имконият ва имтиёзлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастурил амал бўлмоқда.



4.7.1-расм. Жиззах ЭИЗ доирасида жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори (млн.доллар) ⁵⁰

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида сармоядорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг самарали тизими ишлаб чиқилгани хорижлик тадбиркорларни ҳам жалб этаётир. Иқтисодий зона барпо этилган дастлабки пайтда келган хитойлик ишбилармонлар имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Хитойлик сармоядорлар ўтган қисқа даврда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда учта замонавий корхона барпо этди.

Ўтган йил охирида Хитойнинг “ZTT” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниялари тенг миқдорда – ҳар икки томон ҳам 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, “Smartvizion” қўшма корхонасини ташкил этган эди. Замонавий технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўлланиладиган аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ажралиб туради.

Жиззах вилоятида автомобиль ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда. Завод Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги “Хорижий инвестициялар иштирокидаги

⁵⁰ Жиззах вилояти Иқтисодий ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

«Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзавтосаноат” АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасидаги келишув асосида қурилмоқда.

Янги заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Peugeot» ва «Citroen» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонанинг устав капитали 30 миллион евро. Лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати қарийб 130 миллион евролик инвестиция жалб этилаётир.

Завод қурилиши учун “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида 45 гектар ер майдони ажратилган. Президентимиз қарори билан лойиҳа иштирокчилари учун бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар тақдим этилган.

2018 йил 1 майга қадар инвестиция лойиҳаси доирасида корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади ва шу билан бир вақтда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқарилади. 2019 йилда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлайди.

Корхона йилига 16 минг донга замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулот ички бозордан ташқари яқин ва узоқ хориж давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Мамлакатимиз автомобиль саноати ривожига яна бир муҳим қадам бўладиган янги қўшма корхона аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. Янги корхонада 600 дан зиёд иш ўрни барпо этилади.

Жиззах вилоятидаги “**Prima lyuks fayz teks**” масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 450 миллион сўм бўлган шлакоблок, декоратив ва хом ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида кишлоқларда ҳам замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Бу кишлоқлар аҳолиси учун янги иш ўринлари яратиш, оилалар даромади ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида сармоядорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг самарали тизими ишлаб чиқилгани хорижлик тадбиркорларни ҳам жалб этаётир. Иқтисодий зона барпо этилган дастлабки пайтда келган хитойлик ишбилармонлар имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Хитойлик сармоядорлар ўтган қисқа даврда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда учта замонавий корхона барпо этди.

Ўтган йил охирида Хитойнинг “ZTT” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниялари тенг миқдорда – ҳар икки томон ҳам 500 минг доллар миқдорига инвестиция киритиб, “Smartvizion” қўшма корхонасини ташкил этган эди. Замонавий технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўлланиладиган аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ажралиб туради.

4.8. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда қўтарилган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

Туризмнинг деярли барча турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни ривожлантириш учун керакли ишларни амалга ошириш лозим.

Туман марказларидаги асосий йўлларнинг айрим жойлари капитал ва қолган қисми эса жорий таъмирланган. Лекин деярли барча туманларнинг ички йўллари таъмирталаб

бўлиб қолган. Уларни ҳеч бўлмаганда жорий таъмирлаш лозим. Чунки ҳар қандай ҳудуднинг инфратузилмасида йўл бирламчи аҳамиятга эга.

Айрим чекка ҳудудларнинг савдо нукталарида терминал етишмайди, савдо марказлари ва бозорларда кўпроқ дехконларнинг маҳсулотларни сотишини инобатга олсак, бозорларни банкоматлар ёки инфокиосклар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш шарт-шароити мавжуд ҳудудларда чорва моллари боқишга мўлжалланган фермер хўжаликларининг ем-хашақлар билан таъминланиш даражасини яхшилаш ҳамда озука-ем маҳсулотлари нархининг барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Вилоятнинг барча туманларида такси хизматлари ва ички автобус хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Улардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда уларга терминал ўрнатиш, автотураргоҳ жойларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Темир йўл вокзали ҳудудида замонавий меҳмонхона, машиналар турар жойлари билан таъминлаш ҳамда ҳудудни тўлиқ ободонлаштириш лозим.

Вилоятнинг чекка ҳудудларида электр таъминотини яхшилаш керак. Ушбу ҳудудларда биринчидан аҳолининг катта қисмини замонавий электр ўлчагичларга ўтказишни йўлга қўйиш керак ҳамда тўловларни ўз вақтида амалга оширишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Аҳолининг ўрта қатлами ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларининг иқтисодий билимларини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига ундовчи тадбирларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, микрокредитларни олиши мумкин, лекин улардан мақсадли ишлатиш бўйича фуқароларда аниқ ва пухта бизнес режалар мавжуд эмас.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

– Ҳудудда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, Жиззах шаҳри, Зомин, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол туманларида туризм соҳалари бўйича инфратузилмани ривожлантириш. Табиий доривор неъматларни қайта ишлаш тизимини дастур асосида амалга ошириш лозим.

– Бахмал туманида боғдорчилик жуда яхши даражада ривожланган бўлиб, ушбу ҳудуддаги меваларни Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган қайта ишлаш заводига топшириб келишади. Ушбу меваларни ушбу ҳудудда қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

– Вилоятнинг тоғли ҳудудларида (Бахмал, Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол ва Зомин) банк тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим. Масалан, тадбиркорлар томонидан яқин жойларда банк муассасаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли узок йўл босиш орқали банк хизматларидан фойдаланади. Ушбу тизимни ривожлантиришда мини банкларни очиш ёки масофавий банк хизматларини (мобиль банкинг, интернет банкинг, СМС банкинг ва ҳоказо) тўғри йўлга қўйиш орқали бартараф этиш мумкин. Жумладан, Халқ банкининг нафақа тарқатувчиларидан ҳам тўғри фойдаланиш орқали аҳоли омонатларини йиғишни ва бошқа шунга ўхшаш банк хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

– Ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларининг ажратилиши кечиктирилмоқда. Натижада белгиланган лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилмаяпти ҳамда уларнинг иш фаолиятларини бошлаши кечикмоқда. Айниқса, кичик ҳудудларда банкларнинг кредит лимитлари кам қилиб белгиланиши ва унинг тезда тарқатилиб, тугалланишини ҳам бунинг бир омили сифатида қараш мумкин.

– Ерларнинг мелиоратив ҳолати вилоятда 260 минг гектарга яқин суғориладиган майдонларнинг 238 минг гектари (91,5 фоизи) ҳар хил даражада шўрланган. Ушбу

шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бажариладиган ишларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, шўрланган ерларда ўстириш мумкин бўлган ўсимлик ва мевали дарахтларни ўтказиш ва уларни рағбатлантириш лозим.

– 2016/2017 ўқув йили битирувчиларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмаган. Жумладан, Ёшларни иш билан таъминлаш – касб-ҳунар коллежларининг 18656 нафар битирувчиларидан 1250 нафарининг (6,7%) бандлиги таъминланди. Вилоят туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим. Киритилаётган инвестициялар асосида яратилган иш жойларига биринчи навбатда маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш лозим.

– Дастур доирасидаги лойиҳаларга хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар ва бошқа хомашёлар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз ечимини кутмоқда, бу ўз навбатида дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошишига салбий таъсир қилади.

– Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларини яхшилаш талаб этилади. Ақс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга ҳатто эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади. Жумладан, инвестицион жозибадорлик ҳудудга кириб келиши кўзда тутиладиган инвесторга керакли шарт-шароитларнинг яратилганлигини асослаб бериши ҳамда унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорларга етказиб бериш бўйича қулайликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

– Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусан, Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги иш ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисоботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Дастурлар ижросида катнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббускори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги. Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши каби Давлат дастурларини ҳам қабул қилишда дастур лойиҳаларини киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва ҳудуд иқтисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари ишлаб чиқилиши ва халқ муҳакамасидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Натижада Дастурнинг иқтисодиёт учун фойдалилик даражаси яхшиланади, Дастур ижросида катнашувчиларнинг масъулияти ортади ва Дастурга киритилган лойиҳаларнинг истикболсиз деб топилиш ҳолатлари йўқолади.

– Хорижий давлатдан ишлаб чиқариш мақсадида келтириладиган асосий воситалар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмларни божхона талаблари бўйича сертификациядан ўтказиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилинади. Олиб келинган мол-мулк божхона омборида сақланиб ортиқча тўловларни ошириб боради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун келтириладиган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, инструмент, бутловчи қисмларни инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавф туғдирмайдиган тоифаларини сертификациядан ўтказишни ихтиёрий тартибга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунда корхонада ишлаб чиқаришда катнашмайдиган битта мутахассис ва ортиқча тўловлар учун харажатлар камаяди ва шу иш ўрнини ишлаб чиқариш учун жалб қилиш мумкин бўлади.

5. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

5.1. Қашқадарё вилояти тарихи ва табиий-географик ўрни

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят ҳисобланиб, 1924 йил 1 ноябрда ташкил этилган. 1927 йил 17 февралдан 1938 йил 15 январгача Қашқадарё округи мақомида бўлган, 1938 йил 15 январда Бухоро вилоятига қўшиб юборилди. 1943 йил 20 январда қайта ташкил этилди. 1960 йил 25 январда Сурхондарё вилоятига қўшилди. 1964 йил 7 февралдан янгидан ташкил этилди. Республиканинг жанубий-ғарбида, Қашқадарё хавзасида, Помир-олой тоғ тизимининг ғарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари, Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғлари орасида. Шимоли-ғарбдан Бухоро, жануби-шарқдан Сурхондарё, жануби-ғарб ва ғарбдан Туркменистон, шарқдан Тожикистон ва Самарқанд вилоятлари билан чегарадош. Майдони 28,6 минг км².

*2700 йилдан зиёд тарихга,
қадимий маданият ва цивилизация
дурдоналарига эга бўлган
Қашқадарё замини бизга
Яратганининг марҳамати билан ато
этилган бебаҳо ва буюк заминдир.*

Ш. Мирзиёев

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида вилоятда доимий аҳоли сони 3100,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11358 кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди.

Таркибида 13 кишлоқ тумани (Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Қарши, Ғузор), 12 шаҳар (Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Толимаржон, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Янги Нишон, Қамаши, Қарши, Ғузор), 4 шаҳарча (Дехқонобод, Мироки, Эски Яккабоғ, Қашқадарё), 147 кишлоқ фуқаролари йиғини, 1064 кишлоқ бор. Маркази – Қарши шаҳри.

Вилоят ҳудуди, асосан, Қашқадарё ботиғини ўз ичига олган; шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан Зарафшон ҳамда Ҳисор тизма тоғлари билан ўралган. Тоғлар билан текисликлар орасини адирлар эгаллаган. Текисликнинг катта қисми ғарбда Сандикли ва Қизилкум чўллари билан туташган Қарши чўлидан иборат. Иклими континентал. киши нисбатан юмшоқ. Ёзи узок (155–160 кун), иссиқ, қуруқ. Январнинг ўртача температураси 0,2° дан 1,9° гача, июлники 28°–29,5°. Энг юқори температура 45°. Энг паст температура – 20°. Йилига текисликларда 290–300 мм, адирларда 520–550 мм, тоғларда 550–650 мм ёғин тушади. Ёгин, асосан, баҳор ва кишда ёғади, ёзда гармсель эсади. Тоғларда тургун қор қоплами ҳосил бўлади (2–6 ой). Вегетация даври текисликларда 290–300 кунгача. Асосий дарёси – Қашқадарё. Унинг ирмоқлари – Жиннидарё, Оксув, Яккабоғдарё, Танҳоздарё,

Ғузордарё (Катта ва Кичик Ўрадарё билан бирга). Дарёлар қор, ёмғир ва музликлар сувидан тўйинади. Дарё сувидан, асосан, суғоришда фойдаланилади. Чимкўргон, Қамаши, Пачкамар сув омборлари; Файзиобод, 8 Март, Эскибоғ, Эски Анҳор, Косон, Пахтабод, Қарши ва бошқалар каналлар бор. Қарши чўлини ўзлаштиришда 6 насос станция, очик ва ёшиқ коллектор дренаж тармоқлари қурилган. Суғориладиган ерларнинг тупроғи, асосан, типик ва оч бўз тупроқлар. Китоб – Шаҳрисабз сойлигида кўпроқ қумок тупроқлар мавжуд. Тоғларда баландлик минтақалари бўйлаб типик бўз тупроқлар тарқалган. Табиий флораси 1200

*Бу ўлкада йўқ нарсанинг ўзи йўқ,
десан, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.
Ер ости бойликлари десангиз, энг муҳим
қазилма ресурслари - нефть, газ, калий
тузлари, мрамр ва бошқа табиий
захиралар шу ерда.*

*Ер усти бойликлари десангиз, унумдор
тупроқ, тоғ ва дарёлар, обод шаҳар ва
қишлоқлар, ноёб завод ва корхоналар ҳам шу
ерда. Интеллектуал-маънавий бойлик
десангиз, бу борада ҳам Қашқадарё беқиёс
салоҳиятга эга.*

Ш. Мирзиёев

га якин юксак ўсимлик туридан иборат. Вилоятда 76,6 минг га ўрмон мавжуд. Ўрмонларнинг асосий қисмини арча ва саксовулзорлар ташкил этади. Тоғ ён бағирлари ҳар хил ўт ўсимликлари билан қопланган, шунингдек, бутазорлар ҳам бор. Тоғ ўрмонлари арча, бодом, pista, жийдазорлардан иборат. Тоғларда наъматак, зирк, чаканда, анзур пиёзи, қора зира ва бошқалар ўсади.

Кенг кўламли ислохотлар самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари катори Қашқадарё вилояти ҳам изчил тараккий этмоқда. Қашқадарё мамлакатимизни энг етакчи вилоятларидан саналади. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далолат беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 9,5 фоизи айнан шу вилоятга тўғри келмоқда Бу ердаги “Шўрган нефть-газ”, “Муборак нефть-газ” корхоналари, “Шўрган газ-кимё” мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Толимаржон иссиқлик электр станцияси, “Ҳисор нефть-газ” каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатининг локомативлари ҳисобланади.⁵¹

Қашқадарё вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ш. Мирзиёев

Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, ғалланинг 13 фоиздан ортиғи, пахтанинг 14 фоиздан зиёди вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда. Кейинги беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошди.

Вилоятда сўнгги беш йилда барча манбалар ҳисобидан 18 триллион 100 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Шунинг 27 фоизи ёки 4 триллион 900 миллиард сўми хорижий инвестициялар экани айниқса эътиборлидир.

5.1.1-жадвал

**Қашқадарё вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари бўйича
ЯХМ тузилмаси (2010–2017 йй)**

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017*
Ялпи ҳудудий маҳсулот	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:								
ЯХМда саноатнинг улуши (қурилиш соҳаси билан бирга)	55,5	50,2	49,8	46,2	43,6	44,9	45,2	49,5
ЯХМда хизматлар соҳасини улуши	26,1	30,2	30,5	32,5	34,4	34,4	36,3	41,6
ЯХМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5	51,6	51,7	45,0

Қашқадарё вилоятида 13 та туман (Ғузор, Дехқонобод, Камаша, Қарши, Қасби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ), 1 та шаҳар (Қарши) мавжуд бўлиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳоли сони 3089,4 минг киши, шундан шаҳар аҳолиси 1326,6 минг кишини, қишлоқ аҳолиси 1762,8 минг киши ташкил этади. Қашқадарё вилоятининг умумий ер майдони 28,6 минг кв.км. бўлиб, шундан жами ҳайдаладиган ерлар 679144 гектарни ташкил этади, шундан суғориладиган ерлар 420523 гектарни, лалмикор ерлар 258621 гектарни ташкил этади. Вилоят микёсида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ҳажми бўйича таҳлилий ўрганишларимиз натижасида шунга амин бўлдики, 2017 йил ярим йиллик ҳолат бўйича ялпи маҳсулот ҳажми 2008511,6 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, 2016 йилга нисбатан 106,1 фоиз ҳисобида ўсишга эришилган.

⁵¹ Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловоти учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 314 б.

Жорий йилнинг 9 ойида Қашқадарё вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 630 миллиард сўмдан зиёдни, ўсиш суръати 6,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62,3 фоизга етди.

Мамлакатимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 11,2 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бу янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши, иш ўринлари кўпайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда даромадининг янада ошишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилишда очиклик ва ошқораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмларини кенг қўллаш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтиришга 52 доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини тошган.

Қашқадарё вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши борасидаги маълумотларни кўрадиган бўлсак, янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони 2005 йилда 1326 тани ташкил этган бўлса (деҳқон ва фермер хўжалиқларидан ташқари), 2017 йил январь ҳолатига кўра 1743 тани ташкил этган.

5.1.2-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯҲМ тузилмаси (ўтган йилга нисбатан %да) (2010–2017 йй)

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017*
ЯҲМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:								
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	92,8	90,4	91,8	91,7	91,1	90,8	93,5	91,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	7,2	9,6	8,2	8,3	8,9	9,2	6,5	8,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ хўжалиги	18,4	19,6	19,7	21,3	22,0	20,7	18,5	8,9
Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга)	55,5	50,2	49,8	46,2	43,6	44,9	45,2	49,5
Хизматлар	26,1	30,2	30,5	32,5	34,4	34,4	36,3	41,6
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5	51,6	51,7	45,0

Ўтган 2013–2017 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти иқтисодиётини модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари ва уларда инвестицияларни ўзлаштирилиши ҳолатини таҳлилий кўрадиган бўлсак, вилоятнинг туманлар кесимида 2013 йилда 431,7 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2017 йил ярим йиллик ҳолатда бу

⁵² Ш.М. Мирзиёев. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

кўрсаткич 622,8 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Иктисодиётни модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари ва уларда инвестицияларни ўзлаштирилиши бўйича энг йирик ўзлаштирилган инвестициялар асосан вилоятнинг Нишон ва Қарши туманлари ҳисобланади.

Айнан вилоятнинг Нишон туманида модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари доирасида 2013 йида 208,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2017 йил январ ҳолатига кўра 269,4 млн. АҚШ долларлик инвестиция маблағларини жалб қилиш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, Қарши туманида шу давр ичида, яъни модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари доирасида 2013 йида 108,7 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2017 йил январ ҳолатига кўра 140,8 млн. АҚШ доллар инвестициялар жалб қилинган.

Вилоятда олиб борилган тадқиқотлар натижасида шунга гувоҳ бўлдики, модернизация дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати тахлилий нуқтаи назардан кўрадиган бўлса, 2013 йилда 172,7 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2017 йил ярим йилида 249,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган. Шунингдек, модернизация доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт салмоғини ўсиши ҳам юқори тенденцияга эга бўлиб, 2013 йилда 21,6 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2017 йил ярим йиллик ҳолатига кўра 31,1 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Демак ўтган йилларга нисбатан ўсиш даражасини ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аввало, қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қашқадарё вилоятида чарм-пойабзал саноатини ривожлантириш ҳудудда етиштириладиган тери хомашёсини сифатли қайта ишлашни ташкил қилишда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда вилоятда 2017–2018 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 12,9 миллион АҚШ долларлик 18 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилоятидаги алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасини 2010–2016 йиллар ҳолатига кўра ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 97,5 фоиз ўсиш суръатига эришилган бўлса, 2017 йил январ ҳолатига кўра 103,8 фоиз ўсиш таъминланган. Ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг 2010 йилда ўсиш тенденцияси 110,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил январ ҳолатига кўра 109,0 фоизни ташкил этган, ўтган йилга нисбатан камайиши кузатилган.

5.2. Асосий капиталга киритилган инвестициялар, банк-молия тизимида амалга оширилган ишлар

Вилоят статистика бошқармаси маълумотларини ўрганиш ва тадқиқотлар натижасида шунга амин бўлдики, вилоятда иқтисодиёт тармок ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (молиялаштириш манбалари асосида) марказлашган инвестициялар 2010 йилда 162,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 2226,1 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йил 1 чорак ҳолатига кўра 123,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ҳудудда марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2010 йилда 1520,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 4822,7 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йил 1 чорак ҳолатига кўра 821,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Қашқадарё вилоятида олиб борилган тадқиқотлар натижасида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида амалга оширилган лойиҳаларни тахлилий нуқтаи назардан ўрганганимизда ўсимликчилик тармоғида 2016 йилда интенсив боғлар яратиш бўйича 232 та, янги токзорларни яратиш бўйича 160 та,

фермер хўжаликларида иссиқхоналар ташкил этиш бўйича 67 та, аҳоли томорқаларида 159 та, музлатгичли омборлар ташкил этиш бўйича 40 та, қайта ишлашни ташкил этиш бўйича 62 та лойиҳаларни амалга оширилган.

Шунингдек, чорвачилик тармоғида, яъни қорамолчиликда 753 та, паррандачиликда 163 та, балиқчиликда 142 та, асаларичиликда 149 та, қўйчилик 167 та, эчкичиликда 75 та лойиҳалар амалга оширилган.

5.2.1-жадвал

Қашқадарё вилоятида туманлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот (2012–2017 йй)

	2012 й		2013 й		2014 й		2015 й		2016 й	
	Млрд. сум	Ўсиш суръати, %	Млрд. сум	Ўсиш суръати, %	Млрд. сум	Ўсиш суръати, %	Млрд. сум	Ўсиш суръати, %	Млрд. сум	Ўсиш суръати, %
Вилоят бўйича жами	2875.9	126.6	3498.8	102.5	4483.2	115.0	5590.5	112.9	7048.8	109.9
Ғузор	323.5	112.7	328.2	97.1	847.4	186.3	1376.3	147.1	948.5	59.5
Дехқонобод	299.6	4.2м	332.1	94.5	487.3	128.9	507.8	94.4	758.4	129.3
Қамани	53.5	128.6	170.2	123.5	127.5	162.9	31.3	22.2	56.4	113.6
Қарши г	69.7	61.1	199.5	126.1	174.5	171.5	140.5	73.1	390	126.3
Косон	71.6	101.2	177.1	95.7	98.8	117.4	158.7	145.5	223.1	114.2
Китоб	57.8	117.2	176.6	103.5	73.1	100.4	57.9	71.8	113.8	148.2
Миришқор	369.4	7.46	266.6	52.3	403.5	147.7	44.0	909	72.4	133.9
Муборак	767.7	73.7	474.4	96.8	526.2	50.2	840.7	149.9	1016.2	100.6
Нишон	199.0	180.6	271.7	118.4	503.9	161.5	906.9	163.0	1646.7	157.3
Касби	31.4	77.8	161.8	118.3	53.9	125.6	52.2	87.9	85.6	126.8
Чироқчи	55.3	124.4	174.2	110.9	77.5	104.3	67.4	78.8	128.9	158.8
Шаҳрисабз	67.4	95.2	169.6	91.2	126.7	160.1	68.1	48.7	205	208.2
Яққабог	64.1	101.5	186.9	130.6	132.9	130.0	91.4	62.3	158	145.7
Қарши шаҳар	446.1	2м	409.9	146.0	850.5	64.3	1217.3	65.0	1245.8	106.7

Қашқадарё вилоятида мавжуд тижорат банклари томонидан пластик карточкалар 1 658 253 дона, 11 927 дона корпоратив карточка, 15 750 дона тўлов терминаллари, 8 дона банкомат, 105 дона инфокиоскалар аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида муомалага чиқарилган. Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш борасида юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида банклар томонидан 622 нафар ходимлар бириктирилиб, хонадонлар билан яқиндан ишлар олиб борилмоқда.

Натижада, 2017 йил 6 ой давомида вилоятдаги 26 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларига 169 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 26,5 минг нафар фуқароларнинг ўз хонадонларида тadbиркорлик билан шуғулланиши ҳамда уй меҳнатининг кўплаб йўналишлари ривожланишига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, чорвачилик, парранчилик, қуёнчилик, ихчам иссиқхоналар, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда кичик ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш истагини кенг қўламда билдираётган хонадонлар банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ўтган 2017 йилнинг ўтган даврида 2 трлн 421,4 млрд сўмдан ортик хизматлар кўрсатилди ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 110,2 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 35 мингдан ортик хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш шахобчаларининг бир неча, замонавий хизмат турларини ўз ичига олган компьютерларни программалаштириш хизмати, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати, молия хизмати, туризм хизматлар каби хизмат соҳаларининг тез суръатларда ўсиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

2017 йилнинг ўтган даврида Дастурга асосан 498 та савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб жами 2259 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу яратилган иш ўринларининг 86 фоизи кишлоқ жойларга тўғри келади.

5.2.2-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича улушлари, фоизда

Т/р	Банклар номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	01.07.2017
1	Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки	7,6	6,4	11,2	8,7	7,3	5,9	6,2	4,1
2	Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки	3,7	4,6	8,2	4,2	3,9	5,7	7,6	7,4
3	“Асака” АТБ	1,4	1,6	1,6	1,6	1,6	1,8	1,9	1,9
4	“Ипотека-банк” АТИБ	1,9	1,8	2,2	1,9	5,4	7,7	7,5	2,6
5	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ	24,4	37,3	27,2	28,9	22,9	19,6	16,0	11,1
6	“Агробанк” АТБ	32,7	19,8	21,6	19,9	17,3	14,1	21,2	41,6
7	АТБ “Кишлоқ қурилиш банк”	6,6	9,3	8,0	11,6	9,5	11,9	10,4	7,6
8	“Туронбанк” АТБ	2,0	1,6	1,9	1,3	1,2	1,7	1,5	1,0
9	“Микрокредитбанк” АТБ	15,0	11,4	11,7	10,5	11,6	10,9	5,1	4,7
10	АТБ “Алоқабанк”	0,6	2,8	3,1	3,8	3,5	4,1	4,3	3,3
11	“Ипак Йўли” АИТБ	1,0	1,0	1,1	1,4	4,4	4,6	4,9	4,1
12	“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ	0,0	0,0	0,3	3,6	3,8	6,3	6,3	3,6
13	“Трастбанк” ХАБ	0,0	0,0	0,0	0,2	3,0	1,8	2,2	2,8
14	Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” АТБ	0,2	0,8	0,3	0,5	0,4	0,6	0,9	0,4
15	Чет эл капитали иштирокидаги “НАМКORBANK” АТБ	2,9	1,7	1,6	1,9	4,1	3,3	3,9	3,8
	Жами	100	100	100	100	100	100	100	100


Бу субъектларнинг 271 таси савдо ва яшаш ва умумий овқатланиш хизматлари, 7 таси молия хизматлари, 29 таси соғлиқни сақлаш хизматлари, 31 таси компьютер ва маиший таварларни таъмирлаш хизмати, 54 таси транспорт хизмати ва 106 таси бошқа хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этди.

Мисол учун: Қарши шаҳрида “Ҳамкор универсал капитал сервис” МЧЖ томонидан умумий овқатланиш хизмати, Яккабоғ туманида “Tend plast” МЧЖ томонидан Транспорт хизмати ва Қарши туманидаги ЯТТ “Муродова Лобар Рустамовна” томонидан маиший хизмат хизмати, Китоб туманида “Кварц нур” МЧЖ томонидан савдо комплексини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилди.

Мазкур дастурга мувофиқ Қарши шаҳри, Дехқонобод, Китоб ва Нишон туманларида 5 пойабзал, Китоб туманида чарм-атторлик маҳсулотлари, “Қарши лезер” корхонасида тайёр чарм ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. Бу вилоятда йилига 1 миллион дона терини қайта ишлаш, 460 минг жуфт пойабзал ва 100 минг дона чарм-атторлик маҳсулотлари тайёрлаш, 200 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

“Қарши лезер” кўшма корхонасида амалга оширилаётган қиймати 9,1 миллион АҚШ долларилек лойиҳа намойиш этилди. Лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юқори сифатли, рақобатбардош тайёр чарм ишлаб чиқариш, йилига 45 миллион АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Босқичма-босқич ишга тушириладиган корхонада 300 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларга асосан коллеж битирувчилари қабул қилинади.

Вилоят миқёсида иқтисодий тармоқлари учун ажратилган кредитларнинг тижорат банклари қисмида алоҳида йиллар бўйича кўриш мумкин. “Агробанк” АТБ, “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ва Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки каби тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг қийматлари сезиларли даражада юқори бўлган.



5.2.1-расм. Қашқадарё вилояти бўйича баъзи тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича улушлари тенденцияси, фоизда

Вилоят миқёсида ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми бўйича йирик улушга эга бўлган банкларда доимий барқарорликни кузатиш мумкин. Масалан, “Агробанк” АТБ 2010 йилда 32,7 фоизли улушга эга бўлган бўлса, 2017 йилининг биринчи ярим йиллигида 41,6 фоизлик энг катта улушни ташкил қилган. Лекин, 2011–2015 йилларда кескин пасайишлар юз берган бўлса, 2017 йилда ўсиш яна кескинлик ҳосил қилган. Шу каби тенденцияларни яна бир қатор банкларнинг фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Улар сирасига, Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки, “Ипотека-банк” АИТБ ва шу каби банкларда доимий ўсиш кузатилмаган.

Баъзи ҳолларда пасайиш ҳам кузатишган. Мазкур ҳолатнинг шаклланишига вилоят бўйича умумий ҳажмда янги банкларнинг қўшилиши ёки бошқа банкларнинг улушини ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, “Трастбанк” ХАБ, Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” АТБ, “Асака” АТБ ва “Туронбанк” АТБ каби тижорат банклари 2 фоиз атрофида ёки ундан паст бўлган улушга эга бўлмоқда. Мазкур қайд этиб ўтилган тенденциялар тўғрисида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги 5.2.1-расмда келтирилган ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Зотан, улуш тарзида олинган мазкур тенденциянинг шаклланиши бўлса-да, уларнинг сўмдаги қийматлари бўйича ҳар бир банк доирасида ўсишни 5.2.3-жадвалдан кузатиш мумкин.

5.2.3-жадвал

Қашқадарё вилоят банк тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2007–2017 йй)

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1.	Банклар сони	бирлик	13	14	15	15	15	16
	шу жумладан:							
	-хорижий капитал иштирокидаги банклар	бирлик	1	1	2	2	2	2
	-хусусий банклар	бирлик	2	2	3	3	3	4
2.	Банк бўлинмалари сони	бирлик	59	60	62	62	62	62
3.	Кредит қўйилмаларининг қолдиғи	млрд. сўм	410977	554552	722896	932240	1190510	1634756
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар	млрд. сўм	216947	286480	372979	499371	701966	916698
5.	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун берилган кредитлар	млрд. сўм	130168	171888	223787	299623	421180	477274
6.	Банклар томонидан муомалага чиқарилган банк карталари сони	дона	668558	758794	996249	1176336	1389962	1623364
7.	Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов терминаллари сони	дона	6687	7793	9681	11579	13014	14698
8.	Ўрнатилган банкоматлар ва инфодўконлар сони	дона	39	47	58	63	76	100

Мамлакатимиз банк тизими истиқлол йилларида тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳамкори ва таянчига айланди. У молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига мос фаолиятни амалга ошириши баробарида, иқтисодиётимизни ва халқ фаровонлигини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қашқадарё вилоятида банкларнинг ривожланиш тенденциялари ўзига хос хусусият касб этмоқда.

Қашқадарё вилоятида мамлакатимизда мавжуд бўлган 28 банкнинг 16 таси ўз филиалларини очган ҳамда улар ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқдалар. Бу эса 57 фоиз улушни ташкил этади. Шулардан 2 таси хорижий капитал иштирокидаги тижорат банклари эканлигини кўриш мумкин. 2011 йилда мазкур турдаги банклар 1та бўлган бўлса, 2016 йилдан бошлаб уларнинг сони икки баробарга ошиб 2 тага етган. Ўз навбатида, хусусий

банклар эса 2011 йилда 2 та бўлган бўлса, уларнинг сони ҳам бутунги кунга келиб икки хисса ошганини таъкидлашларимиз мумкин.

Кредит қўйилмаларининг қолдиғи тахлил этилаётган даврда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Жумладан, мазкур давр оралиғида ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 7 баробарга ошган бўлиб, 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 3069962 сўмни ташкил қилган. Ушбу кредит қўйилмалари ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун йўналтирилган кредитлар ҳажми алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўрганилаётган давр оралиғида ўсиш тенденциясига эга бўлиб, мазкур соҳанинг ривожланишига қатор имкониятлар яратмоқда.

Вилоят ҳокимлиги томонидан 2016 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган.

2016 йил ҳолатига вилоят бўйича жами 50 та хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик субъектлари рўйхатдан ўтказилган, мавжуд корхоналарнинг 42 таси фаолият юритмоқда.

5.2.4-жадвал

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари

Тармоқлар номи	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>Шу жумладан тармоқлар бўйича:</i>							
Ёқилғи	75,9	70,4	73,5	65,4	58,1	56,6	53,0
Кимё ва нефть кимёси саноати	0,60	2,20	2,3	1,5	1,6	2,0	1,5
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	0,2	0,3	0,7	0,4	0,4	0,3	0,4
Ёғочни қайта ишлаш ва коғоз-целлюлоза саноати	0,1	0,2	0,4	0,5	0,8	0,3	0,3
Қурилиш материаллари саноати	1,2	1,5	1,5	1,7	1,8	1,7	1,9
Енгил саноат	7,9	8,8	7,5	8,7	14,4	15,5	16,3
Озиқ-овқат саноати	4,2	5,4	4,3	10,2	11,1	12,3	14,6
Бошқа тармоқлар	9,9	11,2	9,8	11,6	11,8	11,3	12,0

Мазкур хўжалик субъектлари ҳозирги кунда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ("Cotton Road" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси), турли хилдаги бетон асфальт, полимер қувурлар (МЧЖ шаклидаги "Saturn Plast" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси), микрокалцит ва бўёқлар ишлаб чиқариш ("Safti Karb" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси), вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ("Agromir Kitab" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси), мой совутиш радиаторлари ишлаб чиқариш ("Avtotraktor Radiator" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси), автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва юк ташиш хизматини кўрсатиш ("Ergorus-Uz" Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси) ва бошқа соҳаларда фаолият олиб боришмоқда.

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқлар таркибида ёқилғи 53 % ни, кимё ва нефть кимёси саноати 1,5 % ни, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 0,4 % ни, ёғочни қайта ишлаш ва коғоз-целлюлоза саноати 0,3 % ни, қурилиш материаллари саноати 1,9 % ни, енгил саноат 16,3 ни, озиқ-овқат саноати 14,6 %, бошқа тармоқлар 12,0 % ни ташкил этган.

**Вилоятнинг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари,
млрд. сўмда (2005–2016 йй)**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	+,-	%
1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб- қувватлаш харажатлари	558,9	671,4	837,8	962,8	1340,1	1488,2	1657,3	1098,4	296,5
1.1	Маориф	294,8	369	469,1	557,5	869,2	962,8	1098,1	803,3	372,5
1.2	Соғлиқни сақлаш	129,6	166,9	209,1	255,9	303,1	342,9	382,6	253	295,2
1.3	Маданият ва спорт	2,7	3,7	4,8	6,1	10,5	8	15,4	12,7	570,4
1.4	Фан	0,2	0,2	0,2	0,5	0,5	0,5	0,6	0,4	300,0
1.5	Ижтимоий таъминот	3,5	4,3	5,3	6,2	9,8	8,5	10	6,5	285,7
1.6	Болали оилаларни хисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	128,1	127,3	149,4	136,5	147,1	165,6	150,7	22,6	117,6

2010–2016 йилларда вилоятда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 1098,4 млрд. сўмга ёки 2,9 мартага ортган. Бу даврда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида маориф харажатлари - 3,7, соғлиқни сақлаш харажатлари – 2,9, маданият ва спорт харажатлари – 5,7, фан харажатлари – 3,0, ижтимоий таъминот харажатлари эса 2,8 мартага ортган.

Олиб борилган таҳлиллар вилоят ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида маориф харажатлар улуши 2010 йилда 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 66,3 фоизга етган. Бу даврда соғлиқни сақлаш харажатлар улуши мос равишда 23,2 фоиздан 23,1 фоизга камайган.

5.3. Қашқадарё вилоятида туризм соҳасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари

Қашқадарё вилоятида сайёҳларни жалб қилиш учун 1311 та маданий-мерос объектлари бўлиб, шундан 200 та архитектура ёдгорликлари, 1041 та археология ёдгорликлари, 43 та ҳайкаллар, 27 та дикқатга сазовор жойларни ташкил этади.

Сайёҳларни қабул қилиш учун ҳозирги кунда 32 та меҳмонхона фаолият олиб бориб, шундан: Қарши шаҳрида 21 та, Шаҳрисабз шаҳрида 2 та, Косон туманида 2 та, Муборак туманида 2 та, Деҳқонобод туманида 2 та, Китоб туманида 2 та ва Миришкор туманида 1 та меҳмонхона жойлашган. Бундан ташқари ҳозирги кунда вилоятда 10 та сайёҳлик фирмалари фаолиятда бўлиб, туризм мавсуми ажойиб тарзда ўтказишмоқда.

Кўпчиликка маълумки, ушбу мавсум бошланишидан олдин 2017 йил 13–14 апрелда Тошкент шаҳридаги “Uzexpocentre”да “Дам олиш дунёси” номли кўرғазма ва “Ипак йўли лаззати” номли таомлар фестивали бўлиб ўтди. Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри вакиллари ҳамда хорижий ва маҳаллий турфирма ва меҳмонхона вакиллари иштирок этдилар.

Иштирокчилар орасида Қашқадарё вилояти вакиллари ҳам бўлиб, вилоятимизга энг катта 100 м2 худуд ажратилганди. Қашқадарё вилояти бу ерда ўзининг туризм салоҳиятини тўлиқ намоён эта олди. Иштирокчиларимиз томонидан давлатимиз раҳбари ташрифлари давомида белгилаб берган вазифалардан бири – Шаҳрисабз брендига алоҳида урғу берилиб, катта экранда “Қашқадарё” тўғрисида кенг қиррали видеоролик намоёиш қилинди. Айниқса, Қашқадарё вилояти театр актёрлари томонидан намоёиш этилган “Амир Темур” сахнавий кўриниши кўргазма иштирокчиларини хайратда қолдирди.



Қарши шаҳри “Момогул” ансамбли чет эллик сайёҳлар учун ўзларининг ажойиб миллий ва анъанавий ашулалари билан иштирокчиларни ўзига жалб қила олди.

Туризм соҳасида вилоят тадбиркорлари хорижий ва маҳаллий турфирмалар билан 200 дан ортик шартномалар имзоладилар. Шу жумладан, биргина “Китоб-сайёҳ” турфирмаси мисолида оладиган бўлсак, чет эллик турфирмалар билан 20 дан ортик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Вилоятимиз стендини кўриш учун 13 апрелда минглаб томошабинлар ташриф буюрди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қозоғистон Маданият ва спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасида меморандум имзоланди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари ва Қозоғистон Маданият ва спорт вазири, ҳамда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Мухтор элчиси Қашқадарё вилояти стендини кўриш учун ташриф буюрди.

14 апрелда “Ипак йўли лаззати” номли таомлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Қашқадарё вилояти ўзининг палови ва тандир гўшти билан катнашди ва фестивал катнашчиларини тансиқ таомлар билан сийлади. Куннинг якунида барча номинациялар бўйича вилоятларнинг иштироқи ўрганиб чиқилиб, Қашқадарё вилояти бутун Республиканинг “Энг яхши тақдмоти” сертификат-дипломи билан тақдирланди. Кўргазма ва фестивал кўтаринки кайфиятда ўтиб барча катнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Бу муваффақият шу ерда йиғилган барчамизники, бу муваффақият бизнинг ҳар биримизнинг ғуруримиз. Албатта, фахрлансак арзийди.



2017 йил 22 апрелда “Амир Темур ҳаёти ва Темурийлар давлати” ҳақида ҳужжатли кўрсатув тайёрлаш мақсадида Буюк Британиянинг “Sky TV” ва Австралиянинг “Foxtel” каналларининг буюртмаси билан Австралиянинг “David Adams Films” компанияси съёмкачи гуруҳи Шаҳрисабз ва Китоб туманларини видеотасвирга олиш учун ташриф буюрди. Шаҳрисабз ва Китобнинг тоғли, экотуризм ҳудудлари меҳмонларни жуда хайратга солди. Бу бизнинг тарихимизга, жаннатмакон масканларимизга жаҳон ҳамжамиятининг қанчалик эътибори белгисидир.

Бугунги кунда Республикамизда Туризм соҳасида ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4861 сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисининг 35-сонли баёнида берилган кўрсатмалар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини таъминлаш, вилоятга маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш учун, бугун шаҳримиз тарихий марказида жойлашган, XV-XVI асрларга бунёд етилган “Чорсу” мажмуасида “Миллий санъат галерияси” ўз ишини бошлайди.

Ушбу “Миллий санъат галерияси”ни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, Республика иқтидорли ёшларини бобокалонимиз, буюк Амир Темур ватани бўлган Шаҳрисабз шаҳрига жалб этиш, ўзбек халқининг миллий ва амалий санъат намуналари билан ёшларни таништириш, хорижий сайёҳларга Шаҳрисабз шаҳрининг қадимий ҳунармандчилигининг энг асл намуналарини кўрсатиш, Шаҳрисабз шаҳридаги ҳунармандлар брэндини яратиш ва шу орқали мамлакатимиз довуғини бугун дунёга танитиш.

“Миллий санъат галерияси” фаолияти бошланиши натижасида, вилоятимизга хориждан сайёҳлик оқими кўчяеди, “Чорсу” мажмуасидаги миллий ва халқ амалий санъат намуналари иқтидорли ёшлар учун тажриба мактабига айланади, туризм соҳасида малакали кадрлар етишиб чиқиши учун асос бўлади.

Биз фақат бу тадбирлар билан чекланиб қолмай, август ойларининг ўрталарида ҳар йили ўтказиладиган “Қашқадарё ҳунармандлар маскани” фестивалини ўтказишни ўз олдимизга мақсад қилдик. Бунда вилоятнинг барча шаҳар, туманларидаги ҳунармандлар, усталар, дизайнерлар ўзларининг бор имкониятлари, маҳоратларини кўрсатадилар.

Қашқадарё вилоятида экотуризм соҳасини ривожлантириш учун, Шаҳрисабз туманида ички туризмни ривожлантириш, хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида “Village Eco Park” мажмуаси қурилиши бошланди. Ушбу лойиҳа меҳмонхона, ресторан, кафе, спорт майдончалари ва аттракционларни ўз ичига олади. Лойиҳа 2018 йил охири билан ўз фаолиятини бошлайди.

“Қашқадарё вилояти Туризм соҳасини 2017–2018 йилларда комплекс ривожлантириш дастури” асосида 2018 йил охири билан вилоятдаги меҳмонхоналар сони 45тага етади. Жумладан, Қарши шаҳрида 8 таянги замонавий меҳмонхоналар, Шаҳрисабз шаҳрида 5 та уй меҳмонхона ва 2 та янги замонавий меҳмонхоналар ўз фаолиятини бошлайди. Бу меҳмонхоналар меҳмонхона сервиси, меҳмонхона хўжалиги йўналишларида замон талабларига, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бериб, уларнинг ташки қиёфаси замонавий архитектуравий лойиҳалари асосида бунёд этилади.

Ривожланган ҳаёт тарзидан чарчаган кўплаб туристлар туризмнинг ушбу йўналишини маъқул кўришади, чунки агротуризм кишига маълум бир муддатга табиат кўйида бўлиб, кишлоқ ҳаётини яқиндан ўрганиш, халқ маданияти дурдоналарини ўрганиш, маҳаллий урф одатлар билан танишиш, анъанавий кишлоқ меҳнатига ва халқ байрамларида иштирок этиш имконини беради.

Қашқадарё вилоятида агротуризм йўналишида мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари жуда юқори. Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилаётган “Шаҳрисабз” логистика маркази ушбу мақсадларга хизмат қилади. Собик пиллачилик

фабрикаси ўрнида иш бошлайдиган логистика маркази мева-сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, қабул қилиш, саралаш, қайта ишлаш, жаҳон талабларига мос лабораторияларда текшириш, қадоқлаш ҳамда ҳўл, музлатилган ва қуритилган ҳолда экспорт қилиш билан шуғулланади.

Президентимиз қўшма корхона таъсисчилари ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, бунинг учун мутасадди идоралар, вилоят ҳокимлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ташқи бозорни ўрганиб, экспорт географиясини мунтазам кенгайтириб бориш зарурлигини таъкидлади.

5.4. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ривожини ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳолати

Қашқадарё вилоятида аграр соҳани ривожлантиришда фермер хўжаликларининг улуши тобора ортиб, кенгайиб бормоқда. Улар томонидан йирик табиий ҳудудлар, жумладан; ўрмон ҳудудлари, балиқчилик, чорвачилик хўжаликлари, мева ва узумчилик боғлари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирадиган ҳудудлар ташкил этилиб, ушбу ҳудудларда фермерлар томонидан дала шийпонлари, хизмат кўрсатиш комплекслари барпо этилмоқда. Бу эса қишлоқ жойларда агротуризм соҳасини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Агротуризмнинг ривожланиши маданий кадриятларни сақлашда, тарихни ўрганишда, узок қишлоқ хўжалиги ҳудудларининг иктисодий ривожланишида, маҳаллий аҳолининг хизмат кўрсатишдаги ва экологик тоза озик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Марказ тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 25 минг тоннадан зиёд маҳсулот Европа, МДХ мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корёя ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Минг киши иш билан таъминланади. Аҳамиятли томони, вилоятдаги фермер, деҳқон, шахсий томорқа хўжаликларига етишгирган маҳсулотини сотиш ҳисобига йилига ўртача 80 миллиард сўм атрофида даромад олиш имконияти яратилади.

5.4.1-жадвал

Қашқадарё вилоятида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида амалга оширилдиган лойиҳалар

Турлари	Лойиҳалар сони		Ўлчов бирлиги	Лойиҳаларни амалга ошириш	
	2016 йил	2017 йил		2016 йил	2017 йил
Интенсив боғлар	232	77	га	1309	1362
Янги токзорлар	160	24	га	645	1101
Боғ реконструкция	12	5	га	19	28
Ток реконструкция	7	4	га	14	12
Иссикхона (ф.х)	67	37	га	14	26
Иссикхона (аҳоли томоркаларида)	159	85	га	35	61
Музлаткичли омборлар	40	43	тонна	14440	30690
Қайта ишлашни ташкил этиш	62	135	тонна	21347	32021
Жами:					
Қорамолчилик	753	316	бош	8077	12702
Паррандачилик	163	57	минг бош	947	1460
Балиқчилик	142	46	га	507	1100
Асаларичилик	149	31	оила сони	9390	4220
Кўйчилик	167	60	бош	11861	15417
Эчкичилик	75	3	бош	5686	1060
Жами:					

Чирокчи туманида йилига 8 минг тонна салат барглари, брокколи, рангли карам ва бошқа турдаги кишлок хўжалиги маҳсулотлари, мева-сабзавот етиштириш, саклаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Биг агро экспорт” масъулияти чекланган жамияти барпо этилмоқда. 194 гектар майдондан иборат қиймати 14 миллион доллар бўлган ушбу корхонада 2 гектарда кўчат етиштиришга ихтисослашган иссиқхона, 4000 тонна сиғимли совуткич қурилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилига 6,8 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, туманда 90 доимий, 500 мавсумий иш ўрни яратилади.

Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида 2017–2019 йилларда жами 5 минг гектарда янги тоқзорлар барпо этиш мўлжалланмоқда. Яккабоғ туманида бир йилда 4 минг тонна узумни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар билан танишар экан, воҳада кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва уни қайта ишлашни кенгайтириш, аҳолини ушбу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, экспортини оширишда, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу сурнинг ўзида мамлакатимиз олимлари томонидан ўрмон фонди ерларида шифобахш ўсимликлар етиштириш лойиҳаси тақдими ўтказилди. Лойиҳага кўра жорий йилдан бошлаб Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида шафран (заъфарон) плантациялари ташкил этишга киришилади. Ушбу ўсимлик тиббиёт ва озик-овқат саноатида кенг ишлатилади. Уни кўпайтириш мамлакатимизда доривор ўсимликлар хомашёсини маҳаллий шароитда етиштириш ва озик-овқат зиравори сифатида экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Президентимиз Ўзбекистон флораси доривор гиёҳларга бой эканини, хусусан, шафран ўсимлигидан қадимдан халқ табobatiда кенг фойдаланиб келинганини таъкидлади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда дори воситаларини ишлаб чиқаришда шифобахш шафран муҳим хомашё манбаи бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Соҳа мутахассисларига бундай ўсимликлар турини кўпайтириш ва плантацияларни кенгайтириш бўйича тавсиялар берди.

5.5. Вилоятда аҳолининг иш билан бандлиги секторлар ва туманлар кесимидаги ҳолати

Вилоятда иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар улуши камайган, аксинча норасмий секторда бандлар ва республикадан ташқарига ишлаш учун кетган фуқаролар улуши ортиб турган бир вақтда Президентимиз ташаббуси билан умумий қиймати уч трлн сўм бўлган тўрт мингга яқин лойиҳа дастури ишлаб чиқилди. 2017–2018 йил давомида вилоятда жами 50 мингга яқин муқим иш ўрни яратиш режалаштирилди. Бу вилоятда расмий секторда бандлар улушини ошишига таъсир кўрсатиб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва фуқароларнинг айрим муаммоларига ечим топишда туртки бўлади.

Иқтисодий ислохотлар кичик бизнесни, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ҳар бир инсоннинг ўзини хўжайин деб ҳис қилишига, ўзи мустақил қабул қилган қарор учун бутун масъулиятни зиммасига олиши имконини берувчи бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилгандир. Қашқадарё вилояти иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг устувор ўрин олиши демократик жамият қуришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки кичик бизнес янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларининг ошиб боришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қашқадарёда кичик бизнесни ривожлантириш учун шарт шароитлар мавжуд.



5.5.1-расм. Қашқадарё вилоятида иш билан банд аҳоли таркибининг ўзгариши, %

5.5.1-жадвал

Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)

Т/р	Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
		2010 йил	2017 йил	2010 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши, %	2010 йил	2017 йил	2010 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Қарши шаҳри	11028	15970	144,8	1848	2417	130,8
2	Ўзур тумани	2283	3307	144,9	9840	12875	130,8
3	Деҳқонобод тумани	5315	7696	144,8	6958	9104	130,8
4	Қамаш тумани	844	1223	144,9	13132	17183	130,8
5	Қарши тумани	1389	2012	144,9	10794	14124	130,9
6	Қасби тумани	974	1410	144,8	11680	15283	130,8
7	Китоб тумани	1020	1478	144,9	11579	15151	130,8
8	Қосон тумани	3832	5550	144,8	9321	12196	130,8
9	Миришкор тумани	774	1121	144,8	8748	11447	130,9
10	Муборак тумани	299	433	144,8	4886	2721	55,7
11	Нишон тумани	804	1165	144,9	9080	11881	130,8
12	Чирокчи тумани	6066	8784	144,8	13618	21490	157,8
13	Шаҳрисабз тумани	3154	4568	144,8	16920	22139	130,8
14	Яккабоғ тумани	1682	2435	144,8	11898	15568	130,8
	Жами:	39464	57152	144,8	140302	183579	130,8

2010–2017 йилларда Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси Муборак туманидан бошқа барча туманларда аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошган.

5.6. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

Вилоятнинг Қарши ва Шахрисабз шаҳарларидан ташқари колган 13 та туманлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида терминал етишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ.

Туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда туризм ва сайёҳлик объектларининг аксарияти реестрга киритилмаган, таъмирлаш муаммолари мавжуд, объектлар туризм маршрутига киритилмаган, ички туризм суств ривожланган.

Ҳудудлардаги зиёратгоҳлар, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш йўналишларида мавжуд инфратузулма талаб даражасида эмас.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри ва туманлардаги автостанцияларда хизмат кўрсатиш сифати ва уларда яратилган инфратузулма замонавий талабларга жавоб бермайди.

Қашқадарё вилояти ва унинг ҳудудларида янгидан куриш ва реконструкция қилишга топширилган автомобиль йўллариини ўз вақтида топшириш борасида суствқашликларга йўл кўйилган.

Вилоятда юкори интернетга уланишда ҳудуддаги тоғли туманларда ўзига хос муаммолар борлиги аниқланди.

Ҳудудда мобиль алоқа билан боғлиқ асосий муаммолар борлиги аниқланди.

Ҳудудда ракамли телевидение билан боғлиқ асосий муаммолар борлиги ҳам аниқланди.

Қашқадарё вилоятида поликлиника ва тиббиёт муассасалари замонавий талабларга жавоб бериши ва тез тиббий ёрдам хизмати чакириқларга кечикиш ҳолатлари борасида муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлинди.

Қашқадарё вилояти туманларида суғориладиган ерларнинг мслсоратив ва ирригация, сув ресурсларидан фойдаланиш аҳволи ва бу соҳада мавжуд муаммолар аниқланди.

Қашқадарё вилоятида Давлат дастурининг 165-банди ижроси юзасидан кишлок ва фермер хўжалигини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммолар аниқланди.

Чорвачилик ва паррандачилик соҳаларида ҳам кузатишлар натижасида муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Қашқадарё вилоятида кишлок хўжалиги маҳсулотларини (корамол, кўй, эчки, куён бокиш ва гўшт) етиштириш учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажми керакли даражада эмас.

Қашқадарё вилоятида курилишга топширилган арзон уй-жойлар ўз вақтида бажарилиши, сифат ва кулайлик талабларига жавоб бериши борасидаги муаммолар ўрганилди.

Қашқадарё вилоятида электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Қашқадарё вилоятида маданият ва дам олиш марказлари ва истироҳат боғлари, фаолияти ҳамда уларнинг замонавий жиҳозланиш борасидаги муаммолар ҳам ўрганилди.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Қашқадарё вилоятининг тоғли ва олис Дехқонобод, Қамаши Якқабоғ, Шахрисабз, Чирокчи, Кигоб, Косон туманларида алоқа қамровининг кам даражада эканлиги учун он-лайн ("СМС-банкинг", "Интернет-банкинг", "Мобил банкинг") режимида ишловчи терминалларни ўз вақтида ишлашини таъминлашдаги нобарқарорликни олдини олиш мақсадида туманлар электр таъминоти корхонаси ҳамда ахборот ва коммуникация

таъминоти мутасадди ходимлари масъулиятини ошириш. Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш доирасида тўлов терминаллари билан таъминланиш, шарт булган савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи ташкилотларга банкларда тўлов терминаллар захирасини шакллантириш.

2. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Амир Темур ғори ва тоғ шаршараларига бутун жаҳон сайёҳларини жалб этиш, тоғ олди туманлари “Экотуризм” йўналишини ривожлантириш, маршрутлар ишлаб чиқиш ва сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирлар ўтказиш (ишлаб чиқилган “Саҳродан – тоғ музликларигача” маршрутини амалга ошириш), туристлар учун Шаҳрисабз худудидан тоғ чанғи базаси, осма йўл, меҳмонхоналар атрофини ободонлаштиришни ташкил қилиш, сув (пляж, сунний куллар) хавзаларини базасини кўпайтириш, Қашқадарё вилоятида “Эркин туризм худуди” ни очиш лойиҳасини ишлаб чиқиш, Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ каби тоғолди туманларни доимий курорт масканига айлантириш, Шаҳрисабзнинг Мираки шаҳарчаси яқинида дала ҳовли, вилла типидagi комплексларни барпо этиш (Оқдарё бўйида), Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларидаги дарёларида рафтинг, балиқ овлашни ташкиллаштириш, сайёҳларни Қашқадарё вилоятининг ёввойи табиати билан таништириш мақсадида давлат кўрикхоналарига ташриф уюштириш масалалари шулар жумласидандир. Қарши шаҳри ва туманлардаги тарихий обидаларни туризм ва сайёҳлик объектлари реестрига киритиш.

3. Қарши ва туманлар худудида жойлашган тарихий обидалар ва музейларга, зиёратгоҳларга ташриф буюрувчилар оқимини тартибга солиш натижасида ички туризмини ривожлантириш, мазкур объектлар манзилини ўзида акс эттирувчи йўл кўрсатувчи белгиларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида расмийлаштириш, тоғли ва экологик тоза худудлар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, вилоятнинг тарихий анъаналари ва миллий урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда маърифий, этнографик (хусусан бахшичилик, халк-фольклёр ансамбили, воҳада қадимда мавжуд бўлган лапарчилик, бешқарсак, чанковуз, вилоят туманларида ҳозирги кунгача сақланиб келаётган халқ кўшиқчилиги, хусусан мақом йўналишидаги ансамбллар ва гастрономик йўналишларини ривожлантирувчи истикболли дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, вилоятда миллий спорт турлари (от спорти, кўпқари спорт ўйинлари, миллий кураш ва бошқалар)ни ривожлантириш, шу билан бирга вилоятда даволаш-соғломлаштириш мақсадида санаториялар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва янги даволаш-соғломлаштириш масканаларини худуднинг тоғли ва экологик тоза худудларида барпо этиш.

4. Вилоят маркази Қарши шаҳрида аэропорт ва вокзалларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини тубдан яхшилаш, кутиш залларидаги ўриндикларни сонини кўпайтириш; вилоят марказидаги аэропорт ва вокзаллардаги шарт-шароитлар замонавий талабларга жавоб берадиган, вилоят аҳолиси ва марказга ташриф буюрувчи аҳоли оқимини ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг 3089,4 минг киши аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда вилоятда мавжуд 1 та аэропорт ва етарли даражада эмас. Шаҳрисабз шаҳрида узок йиллардан бери фойдаланишга топширилмаган аэропортни чет эл инвестиция маблағларини жалб қилиш ҳисобига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга олиб келади. Шаҳрисабз шаҳри шаҳар мақомини олганлиги ва туризм объектларини тубдан тикланиши бунга далил бўла олади. Вилоятнинг Қарши-Китоб поезд темир йўл линияси қатновини электрлаштириш лойиҳасини 2017–2021 йилларда амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурига кўшимча равишда киритиш лозим.

5. Қашқадарё вилояти ва унинг худудларида янгидан қуриш ва реконструкция қилишга топширилган автомобиль йўлларини ўз вақтида топшириш мақсадида вилоятда битум ишлаб чиқарадиган заводни ташкил этиш (Сурхандарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги битум заводидан Шаҳрисабз туманига олиб келинадиган 1 т.битум 1 млн. 720 минг сўмга айланади), туманлардаги ички ва ташқи автомобиль йўлларни асфальт-бетон қопламали тарзда таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда ички кишлоқлар худудидаги фермер хўжаликлари тасарруфидаги йўлларни кум-шағал аралашмали йўл сифатида таъмирлаш ишларини жадаллаштириш лозим.

6. Қашқадарё вилоятининг 13 та туман, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида замонавий талабларга жавоб берадиган автовокзаллар ва уларда қатновчи автобус ва маршрут-таксиларни фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш (лицензияли тарзда), Чирокчи-Қоровулбозор, Чирокчи-Дехқонobod давлат аҳамиятига эга бўлган магистрал йўл ҳудудларида замонавий талабларга жавоб берадиган кемпинглар ва инфратузилма объектларини барпо этишда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

7. Истеъмолчиларга табиий газ, электр энергия ва сув таъминоти буйича истеъмолчига асосиз қарздорлик ёзилган ҳолатларда ушбу қарздорликнинг истеъмолчи ҳисобидан чиқарилиш механизмини шакллантириш, соҳага алоқадор бўлган, мутассадди тизимлар иштирокида истеъмолчи ва коммунал таъминоти идоралари ўртасидаги истеъмолчилар томонидан фойдаланилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар тартибини шаффофлаштириш мақсадида, истеъмолчилар хонадонларига хизматлар таъминотида пластикли ҳисоб-китобга мўлжалланган ҳисоблагичларни ўрнатиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни истеъмолчи корхоналар ва хонаданларга ўрнатиш, Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасига таклиф сифатида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни, жумладан ташқи бозорларда ҳимоя қилишни кучайтириш, инсофсиз рақобатни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

8. Вилоятнинг айрим туманлари, хусусан, Нишон, Ғузор, Дехқонobod, Яққабғ, Шаҳрисабз, Китоб, Миришқор, Қасби ва Чирокчи туманларида кабель-линия хўжалиги эскирганлиги, ишлатишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги туфайли, линияларни оптик толали кабелларга алмаштириш талаб этилади. Қарши шаҳрида бевосита Давлат дастурининг 157-банди ижросини амалга ошириш доирасида шаҳар аҳолисининг юқори тезликда Интернетга уланиш, мультимедиа ва IP-TV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади.

9. Вилоятнинг 13 та тумани айниқса, тоғ, чўл ва дашт ҳудудларида аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатаётган мобиль компанияларининг алоқа антеналари сонини ошириш, айрим ҳудудларда электр таъминотидаги узилишлар мавжудлиги туфайли ўрнатилаётган антеналарда муқобил энергияга асосланган қуёш батариялардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

10. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида рақамли телевидение хизматларини тўлиқ ташкил этиш ва рағбатлантириш, жумладан аҳолини кенг камровли телевидение хизматлари билан қоплаш даражаси ошириш мақсадида телевидения соҳасига хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми ишлаб чиқиш, нодавлат – ноижорат телевидения каналларини ҳудудлар кесимида ташкил этиш ва рағбатлантириш (лицензияли).

11. Соғлиқни сақлаш тизимида олдин мавжуд бўлган фельшер-акушерлик пунктлари ўрнига умумий амалиёт пункт (битта доя, муолажа ҳамшираси, бир нафар патронаж ҳамшираси, бир нафар санитарка, умумий амалиёт врач)ларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ; айрим туманлардаги тиббиёт бирлашмасига қарашли “Юқумли касалликлар бўлими” нинг бугунги кундаги аҳволи ўта кониқарсиз аҳволдалиги, яъни том қисми яроқсиз, хоналар тиббий талабларига жавоб бермаслиги, умуман олганда ушбу бино мослаштирилганлиги учун қайта қуриш ишларини амалга ошириш лозим. Аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда туманларда поликлиникалар сонини кўпайтириш лозим. Туманларда тез тиббий ёрдамда кечикишлар мавжудлигини ҳисобга олиб ихтисослашган маҳсус тиббий ёрдам автомобиллар сонини ошириш. Айрим туманлардаги касалхоналарда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, канализация ва вентиляция тизимини самарали ишлашини таъминлаш, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар етарли даражада таъминлаш, силга қарши курашиш диспансери малакали кадрлар билан таъминлаш ва малақасини ошириш, касалхоналардаги ҳамшира ва шифокорларни турли хил соҳага оид бўлмаган ишларга жалб этмаслик, тоғли ҳудудларга кислород заправка қиладиган станция барпо қилиш, агар кислород берадиган

балончалар ва уларни заправка (тўйинтириш) марказларни ташкил қилиш, чакирикларни регистрация қиладиган компьютер марказини ташкил қилиш, ҳар бир туман шифохонасида УЗИ ва скрининг билан жиҳозланган диагностика марказини ташкил қилиш, маънавий эскирган аппаратларни янгилаш, туманлар марказидан чекка тоғли кишлоқларга бориб келиш учун уларни ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш.

12. Худудларда ирригация объектлари (каналлар, латоклар)ни эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли коллекторларга сув тушиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун туманларда мелиорация, ирригация дастурларини (лойиҳаларини) шакллантиришда уларни бир-бири билан ёнма-ён (параллел) равишда боғлаган ҳолда олиб борилса уларнинг ишлаш самарадорлиги янада ортиши ва юқори ҳосилдорликка эришишга олиб келади.

13. Вилоят худудидаги мавжуд сув омборлари захирасидан самарали фойдаланиш, аҳоли пунктларидаги томорқаларидан дехқончилик маҳсулотлари, дов-дарахтлари ҳамда туманлар марказида жойлашган истироҳат боғларидаги кўп йиллик дарахтларни қуриб кетишини олдини олиш, шунингдек туманлар худудини кўкаламзорлаштириш жадал ривожлантириш, 2017–2021 йилларда ирригация-мелиорация тизимини яхшилаш мақсадида қабул қилинган Дастурга биноан 2017 йилда туманлардаги коллекторлар гидротехник иншоотларини реконструкция қилиш, худудлардаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, айрим худудлардаги коллекторларни реконструкция қилиш ва магистрал автомобиль йўли ҳамда темир йул остидан қувур ўтказиш жойини қуриш (прокол) тадбирларини амалга ошириш, туманлардаги бевосита коллектор-дренажларни тозалаш ишларини амалга ошириш борасида ишларни ҳам жадаллаштириш лозим.

14. Вилоят туманларида фермер хўжаликлари пахта ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган бўлиб, келгусида балл бонитети паст, ҳосилдорлиги кам бўлган ва мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ер майдонларида пахта ва ғалла стиштиришда рентабеллик даражаси паст бўлган ер майдонлари ўрнига сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

15. Қашқадарё вилояти худудининг умумий ер майдони 679144 га ни ташкил этиб, шундан суғориладиган ер майдони 420523 га ни ташкил этади, 258621 га лалмикор ерлар ҳисобланади. Вилоят худудларида лалмикор ерлар умумий ер майдонининг 38,0 фоизини ташкил қилган ҳолда бу ерлардан фойдаланиш истикболда самарали жараён ҳисобланади. Шу боис, феврал ойларидан бошлаб вилоятнинг лалмикор ерларидан унумли фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш ҳамда лалмикор ерлардан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш лозим. Мисол учун: 1 га лалмикор ерга дуккали ўсимликлардан бир бўлган ва бугун экспорт талабидаги нўхат ўсимлигинини экиш жараёнини кўриб чиқадиغان бўлсак, ўртача нўхат нархи 10 минг сўм, 1 га меъёр бўйича 15–16 кг нўхат экилиш режалаштирилган, ерни экинга тайёрлаш бўйича барча харажатлари 400 минг сўм, экиш 200 минг сўм, бегона ўтлардан тозалаш 200 минг сўм, йиғиштириш харажатлари 300 минг сўмни ташкил этади. Жами харажатлар: ўртача 1260 сўмни ташкил этади.

Агар ўртача 1 га ердан 5–6 центердан оладиган бўлсак, ҳозирги жараёнда 5 центнер ҳосилдорлик олиниши кўзда тутилса, шундан даромад 4,0 млн. сўм бўлади. 4,0 млн. сўм даромадан 1,260 минг сўм харажатларни чегириб ташлайдиган бўлсак, шундан фойда 2,74 млн. сўм фойдага эришилади.

Шунингдек, вилоят худудларидаги лалмикор ерлардан унумли фойдаланиш саноатда ёғ олувчи ўсимликларни экиш тавсия қилинади.

16. Вилоятда “Аҳолини тадбиркор қилиш” бўйича ҳар бир оила билан мулоқот қилиш, уларга тадбиркорлик билан шуғулланишга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш, аҳолини тадбиркорлик билан шуғулланиши учун тижорат банклари томонида тадбиркорлик қилиш бўйича зарур маслаҳатлар ва тавсиялар бериш механизминини такомиллаштириш, туманларда наслдор чорвачилик, паррандачилик зотларини

ривожлантириш мақсадида конвертация муммосини хал этиш, Осиё тараққиёти банкининг кредит ресурларидан фойдаланишни кўпайтириш, жойларда сунъий уруғлантириш замонавий лаборатория нуқталарини кўпайтириш ва ветирнария хизматининг сифатини ривожлантириш, қуёнчилик йўналишида имтиёзли кредитларни жорий этиш,

ишлаб топилган валютани клиентларга биржадан ташқари курс орқали сотиш, заготовка учун символларни соддалаштириш орқали пулни 100% банкка топширишга эришиш, берилган кредитларни манзилли ишлатилишини йўлга қўйиш учун белгиланган ишчи ўрни яратиш орқали мониторингини олиб бориш.

17. Аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яъни, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажми таъминлаш, яъни аҳолига ажратилаётган кредитлар суммаси бозор харид суммасига мослаштириш, шунингдек, чорва молларини, қўй, эчки ва қуён боқиш учун ем-хашақларни қимматлашганлиги, ветеринар мутахассисларнинг етишмаслиги ва иш тажрибаларнинг пастлиги соҳани ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш.

18. Иш ўринлари ташкил этиш орқали бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича банклар томонидан мақсадли кредитлар ажратиш, вилоят ҳудудларининг тармоқ, соҳа ва ресурс имкониятларини ҳисобга олган кичик саноат зоналарини кўпайтириш, эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш орқали ишсизликка барҳам бериш.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарорига асосан туманларда 2017 йил 10 донга 2 сотихли 3 хонали, 1 донга икки каватли 12 хонадонли 2,3 хонали уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб ҳозирги кунда қурилиш ишларини изчил давом эттириш, ўз муддатида сифатли ва қулай замонавий талабларга жавоб берадиган ҳамда имтиёзли шартлар асосида фойдаланишга топшириш, “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан сарфланаётган банк кредитларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш.

20. Қашқадарё вилояти туманларининг иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва туманларда тармоқ ва соҳалар ривожланиши, туманларда аҳоли хонадонлари қўпайиб бораётганлиги сабабли ҳозирда мавжуд зўриқиш билан ишлаётган трансформаторларни юқори кучланувчи трансформаторларга алмаштириш ҳамда ҳаво ва ер орқали электр йўналишларини ташкил этиш зарур. Шу билан бирга қузилишлар натижасида айтиб шуни қайд этиш жоизки, асосий халқаро ва вилоятларни боғлаб тутувчи магистрал йўллардаги электр таъминоти ва ёритиш тизими талабга жавоб бермайди. Шу муносабат билан магистрал йўллар атрофини замонвий талабларга жавоб берадиган электр тармоқлари инфратузилмасини барпо этиш, имкон қадар кечки ёриткичлар тепасига қуёш батареяларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

21. Қашқадарё вилоятида маданият ва дам олиш марказлари ва истироҳат боғлари, фаолияти ҳамда уларнинг замонавий жиҳозланиши, маданият ва истироҳат боғларини жорий таъмирлаш, янги атракционлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли дастурга асосланган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқиш зарур.

22. Қашқадарё вилоятида ёшларнинг спорт билан мунатазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва болалар спортини ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида туманлар аҳолиси сони ва географик жойлашувини эътиборга олган ҳолда (аксарият тоғли ҳудудларда болалар спортини ривожлантиришга яратилган шарт-шароит талабга жавоб бермайди) манзилли лойиҳалар асосидаги инвестициялар билан қафолатланган дастурларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

6. НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

6.1. Навоий вилоятининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат қилаётган Навоий халқининг истикболдаги самарали фаолиятида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 4 ноябрь Навоий вилоятига сайловолди учрашувида вилоятнинг табиати ўзига хос ранг-баранг бўлиб, шимоли-ғарбий қисмида Қизилқум саҳроси чўллари, жануби-шарқий қисмида осмонўпар Нурота тоғ тизмалари ҳамда Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида бой ва турфа хил дехқончилик далалари ястаниб ётибди деб таъкидлаб ўтдилар. Зарафшон дарёси билан биргаликда Айдарқўл, Шўркўл, Тўдақўл каби кўплаб йирик сув манбалари вилоят табиатини янада ранг-баранг бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган.

Майдони – 110,99 минг кв.км. (10 937 435га). Шундан: қишлоқ хўжалиги ерлари – 8 873 664 га, жумладан экин ерлари – 111 190 га, шўрланган ер майдони – 20 000 га (17,9 %), **балл бонитети** – 53,2 балл.

Турар жойлар, томорқа ерлари – 19 670 га, автомобиль ва темир йўллари – 22 274 га, ўрмон ва дарахтзорлар – 1 263 193 га, ижтимоий объект ва кўчалар – 7 632 га, бошқа ерлар (дарёлар, тепаликлар, саноат ҳудуди, электр узатиш тармоқлари ва бошқалар) – 751002 га.

Аҳолиси сони – 949,6 минг киши.

Миллий тарқиб: ўзбеклар – 87,7 % (826,4 минг), қозоқлар – 3,9 % (36,7 минг), қорақалпоқлар – 2,4 % (22,6 минг), тожиклар – 1,5 % (13,7 минг), руслар – 1,9 % (17,6 минг) ва бошқалар – 1,1 % (11,1 минг).

Чегарадош – Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари, Қозоғистон Республикаси.

Вилоят ихтисослашуви – рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари нефть-газ саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш,

Пахта: 2016 йил давлат буюртмаси – 98,6 минг т. бажарилиши 106,3 минг т. 107,8 %.

Ғалла: 2016 йил давлат буюртмаси – 89,9 минг т. бажарилиши 90,1 минг т. 100,2 %.

Вилоятда 2 та вилоят ва 4 та туманларга бўйсунувчи шаҳарлар, 10 та туман, 47 та шаҳарча, 577 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд бўлиб, улар – Кармана, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех, Учқудук, Томди, Навбахор туманларидир. Шунингдек йирик саноат корхоналари негизида 2 та йирик шаҳар Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳар томонлама ривожланиб, обод ҳудудга айланиб бормоқда.

Вилоятнинг республика ҳаётида ва иқтисодиётидаги ўрни бекиёс. Хусусан, бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган цементнинг 45 фоизи, минерал ўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи, саноат маҳсулотларининг 10 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йилларида биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йирик саноат корхоналари,

Буюк аждодимиз Алишер Навоий бир пайтлар таҳсил олиш учун Ҳиротдан Самарқанд сари йўлга чиққанларида айни мана шу воҳадан ўтганлар. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу бепоён дашту чўллар вақти келиб бунёдкор авлодлар томонидан обод шаҳар ва қишлоқларга айланишини орзу қилганлар

Ш. Мирзиёев

коммуникация тармоқлари, ижтимоий объектлар, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Навоий шаҳридаги Ўзбекистон, Мустақиллик, Истиклол, Навоий кўчаларининг замонавий қиёфаси вилоятнинг бугунги таракқиёти ифодасидир.

Харакатлар стратегиясида иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, жумладан, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган ва бу борада вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси ўзининг муносиб ўрнига эга. Бугунги кунда ҳудудда 18 та корхона самарали фаолият юритмоқда. Улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги экспортбоп, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 2017 йилнинг биринчи ярмида 88,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 3,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Корхоналарда минг нафарга яқин юқори малакали кадрлар, асосан маҳаллий ёшлар ишлаётганлиги аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда.

6.2. Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятнинг Ўзбекистон ҳаётида ва иқтисодиётидаги ўрни бекиёс. Хусусан, бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган цементнинг 45 фоизи, минерал ўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи, саноат маҳсулотларининг 10 фоизи вилоятнинг ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодиётнинг кон томири бўлган халқаро аҳамиятдаги автомобиль ва темир йўллارнинг қарийб 750 км.ни вилоят ҳудудидан ўтганлиги вилоятнинг нақадар катта трансмагистрал салоҳиятга эгаллигини кўрсатади.

Хусусан, вилоят ҳудудидан халқаро аҳамиятдаги 302 км, республика аҳамиятидаги 2490 км автомобиль йўллари (шунингдек, 1125 км маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари), 440 км темир йўллари ўтган.

Шу нуқтаи назардан, Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва қурилиш саноати етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 5,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот етиштириш, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга имконият яратилди.

Бугунги кунда "Навоий" эркин иқтисодий зонасида 19 та корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 турдан ортиқ харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ишлар самарасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 5 миллиард сўмни ташкил этган.

Вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан шунини кўришимиз мумкинки, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибий ўсиб боришига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, агарда 2010 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 4,7 фоизга ошган бўлса, 2016 йили бу кўрсаткич, 5,9 фоизни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки саноат (қурилиш соҳаси билан бирга) соҳасида 4,0 фоизга, кишлок, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 7,1 фоизга ошган алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Вилоят миқёсида 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати 145,4 млрд. сўмлик 1132 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 3967 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда умумий қиймати 205,0 млрд. сўмлик (81,7 млрд. сўм банк кредитлари) 1356 та лойиҳалар (120%) ишга туширилиб 4 754 та янги иш ўринлари яратилган.

Навоий вилояти ЯХМнинг тармоқлар кесимида ўсиш суръати,%

Йиллар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
I. Жами ЯХМ	105,6	104,3	105,0	103,5	104,7	108,1	105,2	104,2	105,8	103,9	105,9
шу жумладан:											
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	105,3	104,1	104,6	103,4	104,7	108,1	105,2	104,2	105,9	103,9	105,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	113,1	107,1	112,2	105,2	104,7	107,5	105,0	103,6	103,9	102,9	105,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	105,3	104,1	104,6	103,4	104,7	108,1	105,2	104,2	105,9	103,9	105,9
Қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	108,6	108,6	104,4	106,3	104,3	110,3	106,1	107,5	107,4	108,4	107,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	103,3	101,9	102,2	101,1	100,3	106,0	102,5	102,3	104,0	101,0	104,0
Хизматлар	108,6	107,4	110,9	108,0	118,4	112,9	111,9	107,4	109,9	107,8	109,4

¹⁾ Дастлабки маълумотлар

²⁾ 2005–2009 йилларда ХХТУТ бўйича

“Навоий” ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АКШ доллари миқдорига инвестиция киритилган. Киритилган инвестициянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Айниқса, Навоий халқаро аэропортини янада ривожлантириш ҳисобига, Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилгани “Навоий” эркин иқтисодий зонасининг ривожига муҳим ўрин тутмоқда.


Навоий халқаро аэропорти орқали юклар ташиш Германия, Италия, Испания, Франция, Швейцария, Белгия, Австрия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Ҳиндистон, БАА, Туркия, Вьетнам, Қирғизистон ва бошқа давлатлар билан амалга оширилаётгани нафақат Навоий вилояти, балки республикамизнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча минглаб ишчи ўринларини яратиш, пировардида, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Навоий вилоятини янада ривожлантириш мақсадида муҳтарам Юртбошимизнинг жорий йил 28 мартда Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида “2017–2018 йилларда Навоий вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 366-сон қарори билан тасдиқланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш тўғрисида 2017 йил 17 июнда вилоят ҳокимининг Қ-224-сонли қарори қабул қилинди. Ишлаб чиқилган дастур доирасида 2017–2018 йилларда қиймати қарийб 6,4 трлн. сўмлик 2516 та лойиҳа (1,2 трлн. сўм банк кредити) 21 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш белгиланган.

Жумладан, саноатда киймати 5,9 трлн. сўмлик 648 та лойиҳаларда (1,1 трлн. сўм банк кредити) 14501 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигида киймати 322 млрд. сўмлик 761 та лойиҳаларда (200 млрд. сўм банк кредити) 3692 та иш ўрни, хизмат кўрсатишда киймати 235,7 млрд. сўмлик 1107 та лойиҳаларда (95,2 млрд. сўм банк кредити) 4150 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Жорий ўтган йиллар давомида вилоятда саноат маҳсулотлари таркибида ўсиш суръатлари ёғоч ва пўкак буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш



саноатида (5,7 фоизга), алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича (2 фоизга), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш ҳамда металлургия саноати соҳаларида хорижий инвесторлар ва сармоядорларни жалб қилиш орқали ижобий натижаларга эришилди.

6.2.1-расм. Асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатлари (ўтган йилга нисбатан, %)

Таъкидлаш жоизки, вилоятда ҳаракатлар дастури асосида саноат соҳасида яқин 5 йилда умумий киймати 10 триллион 200 миллиард сўм бўлган 486 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида янги замонавий корхоналар барпо этилади, мавжуд корхоналар модернизация қилинади, энг муҳими, ёшларимиз учун янги иш ўринлари яратилади.

Дастурда 2017 йилда киймати 1,2 трлн. сўм маблағ эвазига 1948 та лойиҳа амалга оширилиши ва 12459 та иш ўринлари яратилиши белгиланган. Мазкур лойиҳаларнинг 522 таси саноат, 861 таси хизмат кўрсатиш ва 565 таси қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Шундан, 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида киймати 145,4 млрд. сўмлик 1132 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 3967 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда умумий киймати 205,0 млрд. сўмлик (81,7 млрд. сўм банк кредитлари) 1356 та лойиҳалар (120%) ишга туширилиб, 4 754 та янги иш ўрни яратилди.

Шу жумладан, саноатда 285 та лойиҳа 1882 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигида 458 та лойиҳа 1 046 та иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 613 та лойиҳа 1 826 та иш ўрни.

Ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари 80,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, бюджет даромадлари базаси йилига 4,7 млрд. сўмга ошиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, хорижий корхоналар сони-61 тани ташкил этган. Натижада ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик экспорт салоҳияти натижасида вилоят бўйича жами ташқи савдо айланмаси 2016 йилда 700,4 млрд. долларни ташкил этиб, ташқи савдо баланси 11,3 млрд. долл. ижобий кўрсаткичга эришилган.

6.2.2-жадвал

	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ташқи савдо айланмаси	850211,6	925947,4	1009093,5	1082194,1	1081154,2	1012765,3	802468,2	700354,3
Экспорт	493592,1	553368	617969,1	522355,5	458179,5	459910,6	441448,5	355782,1
Импорт	356619,5	372579,4	391124,39	559838,6	622974,7	552854,7	361019,7	344572,2
Савдо баланси	136972,6	180788,6	226844,7	-37483,1	-164795,2	-92944,1	80428,8	11209,9
Шу жумладан								
МДХ мамлакатлари билан	232232,9	239974,1	285643,0	321412,1	340622,9	378516,3	204378,9	208888,1
Экспорт	66708,4	60052,2	111526,4	117849,4	118188,8	144006,2	83482,9	71590
Импорт	165524,5	179921,9	174116,6	203562,7	222434,1	234510,1	120896	137298,1
Савдо баланси	-98816,1	-119869,7	-62590,2	-85713,3	-104245,3	-90503,9	-37413,1	-65708,1
Бошқа мамлакатлар билан	617978,7	685973,3	723450,5	760782,0	740531,3	634249,0	598089,3	491466,2
Экспорт	426883,7	493315,8	506442,7	404506,1	339990,7	315904,4	357965,6	284192,1
Импорт	191095,0	192657,5	217007,8	356275,9	400540,6	318344,6	240123,7	207274,1
Савдо баланси	235788,7	300658,3	289434,9	48230,2	-60549,9	-2440,2	117841,9	76918,0

Навоий вилоятининг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси (млн. сўм)

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, вилоят ташқи савдо балансида МДХ давлатлари ҳиссаси 208,9 млрд. АҚШ долл., ёки салкам 30 фоизни ташкил этиб савдо балансида 65,8 млрд. сўмлик пасайиш ҳолати кузатилди.

Вилоят ташқи савдо балансида бошқа хорижий давлатлар билан самарала инвестиция сиёсатини олиб бориш натижасида салкам 70 млрд. АҚШ долларлик ижобий натижага эришилган.

2017 йилнинг 2-ярим йиллигида дастур доирасида умумий қиймати 989,8 млрд. сўмлик (396,9 млрд. сўм банк кредити) жами 594 та лойиҳалар амалга оширилиб 7746 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.


Шундан, саноатда 234 та лойиҳа 5 011 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигида 112 та лойиҳа 1350 та иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 248 та лойиҳа 1 385 та иш ўрни.

2017 йилнинг иккинчи ярмида ишга тушириладиган лойиҳаларнинг йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари 445,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, бюджет даромадлари базаси йилига 22,9 млрд. сўмга ошиши таъминланади. Шунингдек, ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик экспорт салоҳияти 12,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Биргина мисол, 2017–2018 йилларда Нурота тумани марказидан 35 км шимолда жойлашган “Каратош” захира конидан (мавжуд захира ҳажми 2,6 млн тонна) келгусида самарали фойдаланган ҳолда қурилиш индустриясини тубдан ривожлантиришга қаратилган юқори кўшимча қийматли импортбоп базальтли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

6.3. Вилоятдаги демографик ҳолат ва истиқболда амалга оширилиши режалаштирилаётган ижтимоий тадбирлар

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 945,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 3061 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.



6.3.1-расм. Вилоят аҳолисининг демографик ҳолат таҳлили

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 3902 кишини ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (4349 киши) нисбатан – 447 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,8 промиллени ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (16,8 промилле) нисбатан 2 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Зарафшон (20,9 дан 17,1 промиллега), Қизилтепа (17,7 дан 13,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 1071 кишини ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (1114 киши) нисбатан –43 тага камайган. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил этди (2016 йил январь-мартида – 4,8 промилле).


Ўлганлар сони камайиши Зарафшон (4,4 дан 3,2 промиллега), Навбахор (5,3дан 4,8 промиллега), Навоий (5,6 дан 5,4 промиллега), Хатирчи (4,6 дан 3,8 промиллега) камайдани кузатилди.

Мазкур маълумотлардан кўринадики, вилоятда ўлганлар умумий сонидан 64,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,0 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,7 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 7,5 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Вилоятнинг ҳудудлари миқёсида аҳолининг демографик ҳаракатланиш ҳолатини қуйидаги кўрсаткичлар орқали кўришимиз мумкин:

Мазкур жадвалдан кўринадики, вилоят миқёсида туғилиш кўрсаткичи бўйича юқори даража Конимех, Учкудук, Нурота туманлари ва Навоий шаҳрида кузатилган.

(ҳар 1000 кишига)



6.3.2-расм. Худудлар кесими бўйича табиий ўсиш даражаси

Ўз навбатида эса ўлим кўрсаткичи бўйича ҳар 1000 киши ҳисобида Конимех, Кармана туманлари ва Навоий шаҳрида кузатишган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартда бир ёшга тўлмаган 47 та болалар ўлими кузатишди. Болалар ўлими коэффиценти 9,3 промиллени ташкил килди (2016 йилнинг январь-мартда 9,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 62,4 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 21,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,7 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 1089 та никоҳлар ва 292 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,7 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 5,3 та) ва 1,3 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,1 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3858 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3628 кишини ташкил этди. Миграция қолдиғи мусбат 1517 кишига (2016 йилнинг шу даврида манфий 1483 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Навоий шаҳрида (манфий 1516), Хатирчи (манфий 523), Конимех (манфий 280) туманларида кузатишди. Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 100,6 фоизга кўпайиб, 545,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,7 фоизини ташкил этди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Бандликка кўмаклашувчи марказлар орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 2176 нафар фуқаро мурожаат килди. Иш кидириб мурожаат этганлар Навоий шаҳрида (733 кишига), Зарафшон шаҳрида (305 кишига), Навбахор (233 кишига), Қизилтепа (209 кишига), Хатирчи (149 кишига), Кармана (137 кишига) туманларида кўп.

Навоий вилояти бўйича иш билан банд аҳоли сони тўғрисида маълумот (минг киши)

Йиллар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Навоий вилояти	389,8	396,7	402,3	407,9	413,4	418,5	419,6	420,6	421,2	421,8
шаҳар ва туманлар										
Навоий шаҳри	86,2	89,2	83,0	83,7	85,3	86,4	86,6	86,8	86,8	87
Зарафшон шаҳри	40,6	48,0	50,8	51,3	51,1	51,6	51,7	51,8	51,9	52,1
Кармана тумани	45,6	45,4	45,5	45,9	46,5	47,1	47,2	47,3	47,4	47,4
Конимех тумани	18,3	14,2	13,2	14,3	14,5	14,7	14,8	14,8	14,8	14,8
Қизилтепа тумани	43,5	42,9	46,9	47,1	47,9	48,5	48,6	48,7	48,8	48,9
Навбахор тумани	26,5	29,5	36,0	36,3	36,8	37,3	37,4	37,5	37,6	37,7
Нурота тумани	36,8	37,2	37,3	37,5	37,9	38,4	38,5	38,6	38,7	38,7
Томди тумани	12,2	10,0	8,2	8,7	8,7	8,8	8,8	8,9	8,9	8,9
Учқудук тумани	27,6	24,8	23,9	25,3	26,1	26,4	26,5	26,6	26,6	26,6
Хатирчи тумани	52,5	55,5	57,5	57,8	58,6	59,3	59,5	59,6	59,7	59,7

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 1308 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Зарафшон шаҳрида (259 киши), Навоий шаҳрида (230 киши), Қизилтепа (171 киши), Навбахор (136 киши), Хатирчи (122 киши), Нурота (116 киши), Кармана (96 киши), Конимех (72 киши) туманларида юқори даражада бўлди

Жорий давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларда рўйхатга олинган фуқаролардан 745 нафари ишсизлик мақомини олган.

6.3. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар таҳлили

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва қурилиш саноати етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 5,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда жами йирик саноат корхоналари 19 та бўлиб, булар: НКМК ДК (рангли металлургия), "Навоийазот" АЖ (кимёвий маҳсулотлар, минерал ўғитлар), "Навоий" ИЭС (электр энергияси ва иссиқлик энергияси), "Навоийдонмаҳсулотлари" АЖ (ун, нон ва нон маҳсулотлари, ем ишлаб чиқариш), "Қизилкумцемент" АЖ (портландцемент, темир-бетон, асбоцементли шифер маҳсулотлари), "Электромимёзаводи" ҚК АЖ (пистицидлар, кимёвий элементлар), "Континент-Н-Ёғ-Мой" ҚК-МЧЖ (пахта ёғи), "Навоий" ҚК (спиртли ичимликлар), "Қизилтепапахта тозалаш" АЖ (пахта толаси), "Ванғози Агро экспорт" МЧЖ (пахта ва кунгабоқар ёғи), "Қизилтепа ун заводи" АЖ (ун ва ем маҳсулотлари), "Навбахор пахта тозалаш" МЧЖ (пахта толаси), "УПП" АЖ (норуда қурилиш материаллари, темир-бетон маҳсулотлари), "Хатирчи пахта тозалаш" АЖ (пахта толаси).

6.3.1-жадвал

Айрим хориж мамлакатларининг Навоий вилояти ташқи савдосидаги улуши (бошқа мамлакатларнинг умумий ҳажмига нисбатан фоизда)

Мамлакатлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Австрия	0,1	0,3	0,2	0,01	0,1	0,5	0,9	0,2	0,4	0,5
Белгия	0,4	0,7	0,4	0,9	0,3	0,3	0,5	1,1	0,2	0,2
Буюк-Британия	11,8	16,2	9,6	8,0	6,2	5,1	0,6	0,7	1,2	1,2
Германия	6,4	10,2	3,9	5,6	4,7	3,3	0,0	7,0	4,3	2,8
Италия	0,0	0,3	0,4	0,0	0,0	0,3	0,5	0,9	0,6	0,9
Хитой	5,1	5,8	22,0	0,0	35,4	33,0	12,6	36,5	39,9	35,6
Корея	0,1	0,4	2,6	6,2	0,6	4,1	4,0	3,4	3,8	3,3

Нидерландия	0,5	0,2	0,04	0,01	0,4	0,3	0,6	0,3	0,01	0,1
АҚШ	11,6	31,0	18,2	6,7	9,2	6,1	5,2	5,8	5,2	9,0
Туркия	0,5	0,6	0,9	1,5	0,9	1,4	8,7	3,8	2,2	3,8
Франция	42,4	15,0	16,9	9,7	26,5	19,0	0,7	18,4	23,1	21,6
Япония	1,5	3,2	1,8	3,7	2,6	0,0	9,0	6,0	7,1	6,4
Испания	0,0	0,0	0,1	0,0	0,2	1,8	0,6	0,5	0,2	2,0
Ҳиндистон	0,3	0,3	0,0	0,0	0,3	1,1	1,3	1,3	1,1	0,5
Афғонистон	0,8	1,5	0,5	0,0	0,3	0,3	0,02	0,0	0,01	0,1
Покистон	0,01	0,01	0,1	0,3	0,1	0,00003	0,00005	0,00005	0,0001	0,0002

Вилоятда фаолият юритаётган кўшма корхоналар, хорижий корхоналар сони-61 ташкил этган. Булар: Навоий шаҳрида 21 та: "Электрхимзаавод" Ўзбекистон-Панама кўшма корхонаси (Панама, кимё маҳсулотлари), "Навоий" кўшма корхонаси (Россия, спиртли ичимликлар), "Навоий Миллинг" Буюк Британия чет эл корхонаси (Буюк Британия, фосфор кукуни), "Навоий Корея" Ўзбекистон – Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш), Зарафшон шаҳрида 2 та: "ВЕЛАН" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, тайёр кийим кечаклар), "Ориянна ярнс текстил" Ўзбекистон-Туркия" кўшма корхонаси (Туркия, акрил толасидан калава ип), Кармана туманида 6 та: "Кармана гипс маҳсулотлари Ўзбекистон-Канада кўшма корхонаси (Канада, гипс ва гипсокартон маҳсулотлари), Конимех туманида 2 та: "Сарабел Диаметр Каракул" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, коракўл тери), Қизилтепа туманида 3 та: "Ню текстиль Навоий" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, электроматрас), "Акуа Тўдакўл" Ўзбекистон-АҚШ кўшма корхонаси (АҚШ, балиқ маҳсулотлари), Навбахор туманида 2 та: "Брайт Навоий текстил" Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси (Буюк Британия, калава ип), Нурота туманида 3та: "Зафар гранит майнинг" Ўзбекистон-Белиз кўшма корхонаси (Белиз, гранит ишлаб чиқариш), Томди туманида 1 та: "Навоий саноат текстил" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, пайпок ишлаб чиқариш), Учқудук туманида 2 та: "Промэлектро" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, электр ускуналарини таъмирлаш), Хатирчи туманида 2 та: "Асиа сера Навоий" Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонаси (Туркия, боғдорчилик), Навоий ЭИЗ ҳудудида 17 та: "Узэрай Кабел" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, автомобиль кабеллари ишлаб чиқариш), "Хаят пауэр кабел системс" Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси (Хитой, юкори кучланишли кабеллар, "Агрофреш" Ўзбекистон-БАА кўшма корхонаси (БАА, мева-сабзавотларни сақлаш).Амалга оширилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, ташки иктисодий фаолиятда вилоят бўйича хорижий давлатлар билан юкори салоҳият асосан: Хитой (35,6%), Франция (21,6 фоиз), АҚШ (9,0 фоиз), Япония (6,4 фоиз) ва Туркия, Корея, Германия Испания (4 фоизга яқин) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, жорий йилда Англия, Австрия, Бельгия ва Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳам ташки иктисодий фаолиятнинг ривожланиши учун чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

Қулай географик жойлашуви ҳисобга олиниб, Навоий халқаро аэропортини янада ривожлантириш ҳисобига Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой ва Сингапур каби хорижий ҳамкорлар билан Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилиб, у орқали "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва "Кореан Айр" ҳамкорлигида жаҳоннинг турли мамлакатларига юк ташиш ишлари йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоят иктисодиётнинг кон томири бўлган халқаро аҳамиятдаги автомобиль ва темир йўлларнинг қарийб 750 км.ни вилоят ҳудудидан ўтганлиги вилоятнинг нақадар катта трансмагистрал салоҳиятга эгаллигини кўрсатади.

Хусусан, вилоят ҳудудидан халқаро аҳамиятдаги 302 км, республика аҳамиятидаги 2490 км автомобиль йўллари (шунингдек, 1125 км маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари), 440 км темир йўллари ўтган.

Навоий вилоятини янада ривожлантириш мақсадида Юртбошимизнинг жорий йил 28

мартда Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида “2017–2018 йилларда Навоий вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 366-сонли қарори билан тасдиқланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш тўғрисида 2017 йил 17 июнда вилоят ҳокимининг Қ-224-сонли қарори қабул қилинди. Ишлаб чиқилган дастур доирасида 2017–2018 йилларда қиймати қарийб 6,4 трлн. сўмлик 2516 та лойиҳа (1,2 трлн. сўм банк кредити) 21 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш белгиланган. Жумладан, саноатда қиймати 5,9 трлн. сўмлик 648 та лойиҳаларда (1,1 трлн. сўм банк кредити) 14501 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигида қиймати 322 млрд. сўмлик 761 та лойиҳаларда (200 млрд. сўм банк кредити) 3692 та иш ўрни, хизмат кўрсатишда қиймати 235,7 млрд. сўмлик 1107 та лойиҳада (95,2 млрд. сўм банк кредити) 4150 та иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Дастурда 2017 йилда қиймати 1,2 трлн. сўм маблағ эвазига 1948 та лойиҳа амалга оширилиши ва 12459 та иш ўринлари яратилиши белгиланган. Мазкур лойиҳаларнинг 522 таси саноат, 861 таси хизмат кўрсатиш ва 565 таси қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ишлар самарасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 5 миллиард сўмни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 5,9 фоиз, жумладан, ҳудудий саноат маҳсулотлари 15,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари 12, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари 9,3, чакана савдо айланмаси 15,1, умумий хизматлар 15,5 фоизга ошди.

Ҳозирги кунда вилоятда 17 та йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот”, “Қизилқумцсмснт”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари ва “Электркимёзаводи” қўшма корхонаси шулар жумласидандир. “Навоий” эркин иқтисодий зонасида 18 та корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, (6.3.2-жадвал).

Вилоят миқёсида 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати 145,4 млрд. сўмлик 1132 та лойиҳа амалга оширилиши ва 3967 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда умумий қиймати 205,0 млрд. сўмлик (81,7 млрд. сўм банк кредитлари) 1356 та лойиҳа (120%) ишга туширилиб, 4 754 та янги иш ўринлари яратилди.

6.3.2-жадвал

Навоий вилояти туманлари бўйича экспорт ва импорт салоҳиятини ҳудудлар бўйича 2016 йилда бажарилиши тўғрисида МАЪЛУМОТ

(МИНГ ДОЛЛ.)

т/р	Шаҳар ва туманлар	2015 йил экспорт ҳажми	2016 йил				Импорт ҳажми		
			прогноз	ҳақиқатда	фоиз	ўтган йилга нисбатан %	2015 йил	2016 йил	жиҳоз ва ускуналар сотиб олиш
1	Навоий шаҳри	34 314,1	22 990,0	21 005,3	91,4%	61%	287313,3	299116,4	89626,3
2	Зарафшон шаҳри	911,7	415,0	353,7	85,2%	39%	188,6	916,7	4,4
3	Кармана тумани	8 110,6	8 423,9	1 501,9	17,8%	19%	13224,6	23746,6	5703,0
4	Конимех тумани	1 355,1	130,0	123,2	94,8%	9%	36,1		
5	Қизилтепа тумани	3 188,8	5 446,6	728,5	13,4%	23%	1637,5	1684,7	1211,8
6	Навбахор тумани	7 899,7	8 293,2	19 056,3	229,8%	241%	424,8	200,1	
7	Нурота	1 300,4	1 350,5	710,9	52,6%	55%		4,8	

	тумани								
8	Томди тумани	149,3	20,0	385,5	1927,4%	258%		0,1	
9	Учкудук тумани	120,0	110,0	11,1	10,1%	9%			
10	Хатирчи тумани	4 370,0	3 952,8	6 394,2	161,8%	146%	13,3		
Хизматлар экспорти			13 000,0	15 875,7	122,1%				
Вилоят бўйича		61 719,7	64 132,0	66 146,3	103,1%	107,2	302838,3	325669,5	96545,5

Вилоят микёсида 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида киймати 145,4 млрд. сўмлик 1132 та лойиҳа амалга оширилиши ва 3967 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда умумий киймати 205,0 млрд. сўмлик (81,7 млрд. сўм банк кредитлари) 1356 та лойиҳа (120%) ишга туширилиб, 4 754 та янги иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят бўйича экспорт салоҳияти ҳудудлар микёсида ўсишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, экспорт салоҳиятини ўтган йилга нисбатан ижобий кўрсаткичлари асосан Томди (2,6 мартага), Навбахор (2,4 мартага), Хатирчи (1,5 мартага), Нурота (52,6 фоизга), Қизилтепа (23 фоиз) туманларида ҳамда Навоий (61%), Зарафшон (39%) шаҳарларида кузатилган.

Шу жумладан, саноатда 285 та лойиҳа 1882 та иш ўрни, кишлок хўжалигида 458 та лойиҳа 1 046 та иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 613 та лойиҳа 1 826 та иш ўрни.

Ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари 80,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, бюджет даромадлари базаси йилига 4,7 млрд. сўмга ошиши таъминланди. Шунингдек, ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик экспорт салоҳияти 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳудудий импорт салоҳияти асосан Навоий шаҳри, Кармана, Қизилтепа ва Навбахор туманларида кузатилган.

Ташки иктисодий фаолиятда асосан жиҳоз ва усқуналар ҳудуд корхоналарини реконструкция ва модернизация учун йўналтирилган.

Ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик экспорт салоҳияти 12,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Шундан, саноатда 234 та лойиҳа 5 011 та иш ўрни, кишлок хўжалигида 112 та лойиҳа 1 350 та иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 248 та лойиҳа 1 385 та иш ўрни яратилган. 2017 йилнинг иккинчи ярмида ишга тушириладиган лойиҳаларнинг йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари 445,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, бюджет даромадлари базаси йилига 22,9 млрд. сўмга ошиши таъминланади.

2017 йилнинг иккинчи ярмида ишга тушириладиган лойиҳаларнинг йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари 445,1 млрд. сўмни ташкил қилиб бюджет даромадлари базаси йилига 22,9 млрд. сўмга ошиши таъминланади. Шунингдек, ишга туширилган лойиҳаларнинг йиллик экспорт салоҳияти 12,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.


Биргина мисол, 2017–2018 йилларда Нурота тумани марказидан 35 км шимолда жойлашган “Қаратош” захира конидан (мавжуд захира ҳажми 2,6 млн тонна) келгусида самарали фойдаланган ҳолда қурилиш саноатини тубдан ривожлантиришга қаратилган юқори қўшимча кийматли импортбоп базальтли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

6.4. Навоий вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш омиллари

Вилоятда ўтган йили 866 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 611,9 миллиард сўм кредит ажратилди. 2,8 триллион сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Вилоятни ижтимоий-иктисодий

ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 229 миллиард сўмликдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, 9 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда майдони 33 гектар бўлган 4 та жумладан, Навоий шаҳрида майдони 25.5 гектар бўлган 3 та (НКМК ДК 1-сон ГМЗ ва “Навоийазот” АЖ корхоналари оралигида жойлашган ер майдонлари) ҳамда Қизилтепа туманида майдони 7,5 гектар бўлган 1 та (Қизилтепа тумани “Боғи шамол” кўчаси “Оқ олтин” ҚФЙ) тадбиркорлик субъектларига янги ишлаб чиқаришлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини барпо этиш учун кичик саноат зоналари ташкил этилган.



6.4.1-расм. Навоий вилояти ЯХМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоизда

Мазкур саноат зоналаридаги барча тадбиркорлик субъектлари электр энергияси, газ ва ичимлик сувига тўлиқ уланиши таъминланган.

Вилоятда янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича вилоят Ракобат бошқармаси томонидан Давлат ракобат қўмитасига 2017 йил 24 апрелдаги 01/06–1469-сонли хат орқали таклифлар киритилган.


2017 йилнинг 2-ярим йиллигида дастур доирасида умумий қиймати 989,8 млрд. сўмлик (396,9 млрд. сўм банк кредити) жами 594 та лойиҳа амалга оширилиб, 7746 та янги иш ўрни ярагилиши кўзда тутилган.

Шундан, саноатда 234 та лойиҳа 5011 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигида 112 та лойиҳа 1 350 та иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 248 та лойиҳа 1 385 та иш ўрни яратилган.

Ўз навбатида, вилоятда тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кўрсатилаётган хизматларнинг салоҳияти ҳам кескин ошиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг салоҳиятини куйидаги диаграммадан ҳам кузатиш мумкин:

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир гектардан ортиқ ер майдонларини ажратиш тизимини такомиллаштириш юзасидан вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тақдим қилинган (31.05.2017й. 01–22/1287).

Ўз навбатида, ҳудуд тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни ривожлантиришда интерактив тизимдан самарали фойдаланган ҳолда амалга ошириш жорий этилган. Натижа ҳудудий микёсда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш механизмлари янада соддалашиб, уларнинг фаолияти ва салоҳиятини оширишга эришилмоқда.



6.4.2-расм. Вилоят кичик бизнес ва тadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Эркин иктисодий зоналар ташкил этиш тўғрисидаги фармони ушбу ҳудуддаги ресурслардан самарали фойдаланиш имконини бсрмоқда.

Ҳудудларда аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш ва уларга электрон давлат хизматларидан фойдаланишни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш мақсадида Навоий вилоятида аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш ва уларга электрон давлат хизматларидан фойдаланишни ўргатиш бўйича ўқув курслари Бунёдкор ёшлар - 2017 тadbирлари доирасида кўзда тутилган. Ушбу ўқув курслари 2017 йил июнь - июль ойларида ТАТУ талабалари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

6.4.1-жадвал

Навоий вилояти бўйича кичик тadbиркорликда иш билан банд бўлганлар сони тўғрисида маълумот (минг киши)

Йиллар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Навоий вилояти	214,1	219,5	224,9	227,5	231,5	246	249,1	253,1	254,0	254,2
шаҳар ва туманлар										
Навоий шаҳри	28,2	29,4	21,3	23,4	19,1	23,9	24,4	24,8	22,2	22,3
Зарафшон шаҳри	16,1	16,2	12,6	14,6	14,6	16,9	17,6	22,0	20,9	21,0
Кармана тумани	31,6	32,4	32,7	31,8	32,8	34,1	34,3	33,4	34,1	34,1
Конимех тумани	12,4	9,7	9,8	9,0	9,8	10,3	10,8	10,3	10,7	10,7
Қизилтепа тумани	29,0	31,3	34,9	35,2	36,3	37,5	37,7	37,1	37,8	37,9
Навбахор тумани	18,9	24,2	28,9	29,1	30,0	30,8	31,0	30,5	32,0	32,1
Нурота тумани	26,2	26,5	27,5	27,0	28,2	29,2	29,3	29,9	30,0	30,0
Томди тумани	6,9	5,9	6,4	5,6	6,1	6,3	6,5	6,6	7,1	7,1
Учкудук тумани	5,0	4,3	5,2	5,8	7,3	8,5	8,7	9,9	10,0	10,0
Хатирчи тумани	39,8	39,6	45,6	46,0	47,3	48,5	48,8	48,6	49,2	49,0

Вилоятда “Навоий” эркин иктисодий зонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талабга эга маҳсулот етиштириш, замонавий, юкори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий

инвестициялар, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга имконият яратилди.

“Навоий” ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестициянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Айниқса, Навоий халқаро аэропортини янада ривожлантириш ҳисобига Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилгани “Навоий” эркин иқтисодий зонасининг ривожига муҳим ўрин тутмоқда.

Навоий халқаро аэропорти орқали юклар ташиш Германия, Италия, Испания, Франция, Швейцария, Белгия, Австрия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Ҳиндистон, БАА, Туркия, Вьетнам, Қирғизистон ва бошқа давлатлар билан амалга оширилаётгани нафақат Навоий вилояти, балки республикамизнинг саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча минглаб ишчи ўринлари яратиш, пировардида, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда вилоят бўйича тадбиркорлик фаолиятида банд бўлганлар сони йиллар давомида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Вилоят бўйича иш билан таъминланганлар сони 254,2 минг кишини ташкил этган. Жорий йилда ҳудудлар миқёсида ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръати Навоий ва Зарафшон шаҳарларида, шунингдек, Қизилтепа, Навбахор туманларида кузатилган. Қолган барча туманларда ҳудуд бўйича тадбиркорликда иш билан таъминланиш бўйича ўтган йилги кўрсаткич даражасида қолган.

Таъкидлаш жоизки, Хатирчи туманида ўшбу кўрсаткич 200 кишига камайиши кузатилган.

Қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, Навоийазот акциядорлик жамияти ва ҳудуддаги кишлоқ хўжалиги истеъмолчиларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 1 кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғининг сарфи камайиши ҳисобидан бир йилда ўртача 330 миллион куб метр табиий газ тежаллади.

Бугунги кунда вилоятда амалга оширилаётган йирик иқтисодий лойиҳалар қўламини кенгайтиришда электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади, деди давлатимиз раҳбари.

Япониянинг "Mitsubishi Corporation and MHPS" консорциуми ва Навоий иссиқлик электр станцияси ўртасида 2016 йил октябрь ойида мазкур лойиҳани амалга оширишга доир шартнома имзоланган эди. Ҳозирги кунда "Mitsubishi Corporation and MHPS" консорциуми қурилиш майдонида мобилизация ва ер ишларини олиб бормоқда. Бу ерда 112 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Умумий қиймати қарийб 70 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар ҳам жалб этилмоқда. Корхоналарга Швейцариянинг "Ритер" компаниясида ишлаб чиқарилган юкори самарадорликка эга замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилади.

Лойиҳа амалиётга татбиқ этилгач, вилоятдаги пахта толаси тўлиқ қайта ишланади, ип-каладан тайёр мато ишлаб чиқариш 70 фоизга, турли матолардан трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш 50 фоизга етади. Йилига 7,6 минг тонна сифатли ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга "Бахт текстиль" корхонаси маҳсулотларининг 80 фоизини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Вилоятда саноат соҳасида яқин 5 йилда умумий қиймати 10 триллион 200 миллиард сўм бўлган 486 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг

натижасида янги замонавий корхоналар барпо этилади, мавжуд корхоналар модернизация қилинади, энг муҳими, ёшларимиз учун янги иш ўринлари яратилади.

Мазкур ҳудуд саноатида етакчи ўрин тутадиган металлургия, энергетика ва кимё соҳасида 3 миллиард 200 АҚШ миллион долларлик 25 та йирик лойиҳа, озиқ-овқат саноатида 97 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бундай мисолларни енгил, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ва бошқа ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам келтириш мумкин.

6.5. Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш салоҳияти

Бугунги кунда вилоятда мавжуд 6,5 минг гектар тоқзорнинг 4,2 минг гектари фермер хўжаликлари тасарруфида бўлиб, уларнинг 65 фоизида қишмиш, 30 фоизида хўраки, қолган қисмида саноатбоп узум етиштирилмоқда. Жорий йилда юқоридаги туманларда 416 гектар, 2018 йилда 419 гектар тоқзорлар барпо этилиши кўзда тутилган. 2017–2018 йилларда Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларида 835 гектар майдонда янги тоқзорлар ва кўчатхоналар ташкил этилмоқда.


Вилоятда жорий йилда янги интенсив боғ ва иссиқхоналар, музлаткичли омборхоналар ташкил этиш ҳисобига мева-сабзавот етиштириш ва уни қайта ишлаш, чорвачилик йўналишида истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобига бу борада 101 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланмоқда. Жами 1 минг 300 га яқин киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларнинг самарадорлигига эътибор қаратди. Ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уни қайта ишлашни кенгайтириш пировардида халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Навоий вилояти қорақўл тери етиштириш бўйича мамлакатимизда етакчи ҳисобланади. Вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулк шаклини ўзгартириш ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасидаги ишлар мазкур соҳада янги имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачилиқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳудудларда агрофирмаларни ташкил механизмлари қуйидаги тизим орқали амалга оширилади.

ҲУДУДЛАРДА АГРОФИРМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ



6.5.1-расм: Вилоят ҳудудларида агрофирмаларни ташкил этиш схемаси

Карорга мувофиқ вилоятдаги 23 қорақўлчилик ширкат хўжалигига фермер хўжалигига, часлчиликка ихтисослашган иктисодий барқарор 8 ширкат хўжалиги 12 масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилади. Натижада вилоятдаги 23 ширкат балансида бўлган чорва моллари, кура-қўтонлар, сув иншоотлари ва бошқа мол-мулклар ким ошди савдолари орқали сотилиб, 900 дан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилади. Уларга чорва молларини боқиш учун 2,7 миллион гектар ер майдони берилади.

Навоий вилоятида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ва жаҳон бозори талабларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли учун янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий банк кредити ҳисобига Навоий шаҳрида “Бахт текстиль”, “Бахт Навоий”, Қизилтепа туманида “Тошрабат текстиль” ва Навбаҳор туманида “Навбаҳор текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан замонавий ва энерготехнологиялар технологиялар асосида сифатли ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Мол-мулкларни сотиш натижасида тушган маблағлар кредит қарзларини қоплашга йўналтирилади. Қолган маблағлар хўжалик аъзоларининг пай улушлари бўйича тенг тақсимланади. Вилоятдаги қорақўлчилик ширкат хўжаликларида мулк шакли ва унга муносабат тубдан ўзгариб, соҳада 2 минг 250 иш ўрни яратилади.

6.6. Вилоятнинг инвестицион фаоллиги

Навоий вилоятида келгуси беш йилда фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича 6 миллион 600 минг АҚШ долларилек лойиҳалар амалга оширилади. Мисол учун, 32 гектар ер майдонида доривор ўсимликлар етиш-тирилиб, дори-дармонлар учун хомашё олиш йўлга қўйилади.

Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришда, эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Худудлар маҳаллий бюджетларининг даромадлар базасини кенгайтириш, юқори бюджетга боғлиқликни камайтириш ва босқичма-босқич субвенция улушини пасайтириш ҳамда келгусида уларни субвенциядан тўлиқ чиқариш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурни тасдиқлаш юзасидан 2017 йил 19 майда вилоят ҳокимининг Қ-174-сонли қарори қабул қилинди.

Ҳусусан, Навоий вилоятининг 2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун бюджет тушумлар қонтенгент прогнози 1290,8 млрд. сўм белгиланган, ҳақиқатда 1292,7 млрд. сўмга ёки 100,1 фоизга бажарилиб, 1,9 млрд. сўмга ошиқча ижро этилди.

Шунингдек, вилоятга 2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун маҳаллий бюджет тушумлар прогнози 386,8 млрд. сўм миқдорда белгиланган, ҳақиқатда 389,2 млрд. сўмга ёки 100,6 фоизга бажарилиб, 2,5 млрд. сўмга режадан ошиқча бажарилган.

НКМК ДК томонидан 2017–2026 йилларда умумий қиймати 3062 млн. АҚШ долларига тенг 27 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган. НКМК ДК лойиҳаларининг бирламчи ТИА ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, 2018–2020 йилларда “Навоиозот” АЖда умумий қиймати 1,7 млрд. АҚШ доллари бўлган 3 та ҳамда “Навоий” ИЭС да умумий қиймати 547,2 млн. АҚШ доллари бўлган 1 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган. “Навоий” ИЭС да мазкур лойиҳа бўйича жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 323,5 млн. сўм маблағ ўзлаштирилиб, режага нисбатан 0,1% га бажарилган.

“Навоиозот” АЖ ва “Навоий” ИЭС лойиҳаларининг қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Лойиҳалар бўйича 2017 йилда 166,7 млн. доллар ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 100,9 млн. доллар миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилган ва режага нисбатан 102,2 фоизга бажарилган.

Навоий вилояти бўйича туманлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳолатини қуйидаги 6.6.1-жадвал маълумотлари орқали ҳам кўришимиз мумкин.

**Навоий вилояти бўйича туманлар кесимида асосий капиталга
киритилган инвестициялар динамикаси**

Туманлар ва шаҳарлар	йиллар кесимида														
	2010		2011		2012		2013		2014		2015		2016		Ўтган йилга нисбатан %
	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	Ўтган йилга нисбатан %	млрд. сум	
Вилоят бўйича:	113,8	1704,6	261,2	1368,5	70,6	1625,7	104,4	1622,6	93,6	1653,0	93,4	1685,4	90,2	2 846,8	147,5
Навоий ш.	114,2	149,0	115,1	182,1	107,6	239,0	103,4	242,9	95,4	380,3	143,5	740,5	170,0	1690,6	199,4
Зарафшон ш.	105,5	149,4	114,1	138,4	81,5	156,8	111,4	227,4	136,1	377,6	152,2	115,9	26,8	213,4	160,8
<i>туманлар</i>															
Конимех	186,8	8,2	153,0	24,2	259,2	22,2	89,2	60,7	256,5	46,6	70,4	47,6	89,1	57,9	106,3
Қизилтепа	168,3	30,3	142,8	40,3	117,2	64,2	124,7	72,8	106,4	84,7	106,7	89,5	92,3	115,2	112,4
Навбахор	59,2	28,1	2,7 м.	44,5	139,5	54,3	103,1	66,4	114,7	89,5	123,5	107,7	105,2	138,0	111,9
Кармана	3,4 м.	186,5	168,5	488,9	230,0	440,4	80,0	275,5	58,7	195,6	65,1	280,9	125,4	296,3	92,1
Нурота	137,2	26,2	175,3	29,9	100,2	37,5	105,5	39,7	99,4	34,3	79,3	41,0	104,3	48,7	103,6
Томди	113,2	8,0	2,1 м.	13,3	147,2	27,3	104,8	37,7	129,9	38,7	94,0	31,8	71,8	19,6	53,8
Учкудук	89,6	151,9	108,2	172,0	99,6	96,0	67,9	89,8	87,8	96,7	98,8	64,4	58,1	135,6	183,9
Хатирчи	106,1	22,4	102,6	44,0	173,2	67,5	117,8	100,0	139,1	116,4	106,7	111,4	83,5	126,4	99,1

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоят миқёсида жорий йилда жами киритилган инвестициялар ҳажми салкам 3,0 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан салкам 1,5 мартага ошган.

Вилоят бўйича киритилган инвестиция маблағларининг асосий ҳиссаси Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри келган (1,9 трлн. сўм).

Туманлар кесимида асосан: Кармана (296,3 млрд. сўм), Навбахор (138 млрд. сўм), Учкудук (135,6 млрд. сўм), Хатирчи (126,4 млрд. сўм) ва Қизилтепа (115,2 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келган.

Электротехника соҳасида умумий қиймати 1,8 млн. АҚШ доллари (“Навоий кабель коннектор”) бўлган лойиҳанинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда 550 минг АҚШ долларлиқ маблағлар ўзлаштирилган ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 16,7 млн. АҚШ долларлиқ 34 та лойиҳанинг бажарилиши белгиланган. Ҳозирги кунга қадар вилоятда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишлаш соҳасида умумий қиймати 3.6 млрд. сўмлик (шундан, 2.6 млрд. сўм ўз маблағи, 1.0 млрд. сўм банк кредити) 11 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 79 янги иш ўрни яратилди.

Рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 60,1 млн. АҚШ долларлиқ 4 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган ва амалий ишлар бошланган. Бугунги кунда “Аристантау” руда майдонидаги конларда қазиб олиш конини қуриш лойиҳаси доирасида 111 дона ускуна харид қилинди ҳамда 12 дона ускуна учун тўловлар амалга оширилиб, объект фойдаланишга топшириш арафасида.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 2016–2020 йилларда умумий қиймати 52,2 млн. АҚШ доллари бўлган 11 та лойиҳа бажарилиши белгиланган ва 21,2 млн. АҚШ доллари бўлган 5 та лойиҳа фойдаланишга қабул қилинган.

Тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга ошириш бўйича қиймати 5,1 млн. АҚШ долларлиқ 2 та (“Тошрабат текстиль” МЧЖ, “Шарк қурилиш сервис” МЧЖ) лойиҳани амалга ошириш натижасида 680 та иш ўрни яратиш белгиланган. Ҳозирда ушбу лойиҳаларнинг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда ва ускуналарни келтириш бўйича шартномалар имзоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016–2020 йилларда кишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2016 йил 9 январдаги Қ-3-сонли қарорларига асосан вилоятда 2017 йил пахта экин майдонидан асосан балл бонитети паст, кам ҳосилли ер майдонларидан 700 гектари қисқартирилган. Бу майдонларга Кармана 119 гектарни, Конимех туманида 12 гектарни, Қизилтепа туманида 177 гектарни, Навбахор туманида 162 гектарни, Хатирчи туманида 230 гектарни ташкил этади.

Вилоятда 2017 йилда 833 гектар майдонда янги интенсиф боғлар, 305 гектар тоқзорлар ташкил қилинди. 519 гектар боғ ва 91 гектар тоқзорларни реконструкция ишлари олиб борилди. Шундан Кармана туманида 25,7 гектар янги интенсиф боғлар, 31,3 гектар тоқзорлар ташкил қилинди. 5 гектар боғ ва 7 гектар тоқзорларни реконструкция қилинди, Конимех туманида 12,9 гектар янги интенсиф боғлар, 1 гектар тоқзорлар ташкил қилинди. 3 гектар боғ ва 11 гектар тоқзорларни реконструкция қилинди, Қизилтепа туманида 67 гектар янги интенсиф боғлар, 12,3 гектар тоқзорлар ташкил қилинди 9,5 гектар боғ ва 5,4 гектар тоқзорлар реконструкция қилинди, Навбахор туманида 27 гектар, янги интенсиф боғлар, 14,6 гектар тоқзорлар ташкил қилинди. 186,1 гектар боғ ва 7 гектар тоқзорларни реконструкция қилинди, Нурота туманида 600 гектар янги интенсиф боғлар, 170 гектар тоқзорлар ташкил қилинди, 20 гектар боғ ва 6 гектар тоқзорларни реконструкция қилинди, Хатирчи туманида 101 гектар янги интенсиф боғлар, 76,2 гектар тоқзорлар ташкил қилинди, 295,1 гектар боғ ва 54,3 гектар тоқзорларни реконструкция ишлари олиб борилди.

Вилоят ҳокимлигининг 2017 йил 1 мартдаги “2017 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижросини

таъминлаш ҳақида"ги 04–01/35-сонли ҳамда 2017 йил 8 апрелдаги "2018–2022 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш "Давлат дастури" лойиҳасини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 04–01/69-сонли йиғилиш баёни ишлаб чиқилиб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бу орқали кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш бўйича тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилди.

Вилоятда жами 53,2 км узунликда умумий қиймати 5529,0 млн. сўм бўлган 6 та лойиҳада қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда Шу жумладан Кармана туманида 1,4 км узунликда умумий қиймати 530 млн. сўмлик, Навбахор туманида 9,6 км узунликда умумий қиймати 415,5 млн. сўмлик, Қизилтепа туманида 11,3 км узунликда умумий қиймати 1288,9 млн. сўмлик коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш реконструкция ишлари амалга оширилди. Қизилтепа туманида 3 дона вертикал дренаж қудуқлари қурилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 3 дона 422,3 млн. сўмлик ишлар бажарилди Кармана, Навбахор ва Конимех туманларида 11,8 км узунликда ёпик горизонтал дренаж тармоқларини қуриш режалаштирилган бўлиб, амалда 7,1 км узунликда умумий қиймати 647,496 млн. сўмлик ишлар бажарилди.

Навоий вилояти ҳокимлигининг 2017 йил 8 февралдаги "Навоий вилояти туманларида 2017 йил ҳосили учун эрта баҳорда очиқ майдонларга, плёнка остига, боғ ва ток қатор оралирига сабзавот, полиз ва картошка экинларини экишни ташкил қилиш чора-тадбирлар" 04–04/203-сонли дастури ҳамда 2017 йил 31 мартдаги 04–04/156-сонли йиғилиш баёнида келтирилган топшириқлар ижроси юзасидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида вилоятда 639,9 минг тонна мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум ишлаб чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, дастур бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.

Мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида вилоятда 639,9 минг тонна мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум ишлаб чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, дастур бўйича сабзавот 284,7 минг тонна, картошка 79,7 минг тонна, полиз 78 минг тонна, мева 112 минг тонна ва узум 85,5 минг тонна қутилиши режалаштирилган. Карманада сабзавот 53,7 минг тонна, картошка 15,4 минг тонна, полиз 7,2 минг тонна, мева 11 минг тонна ва узум 6 минг тонна; Конимех туманида сабзавот 10,6 минг тонна, картошка 1,1 минг тонна, полиз 1,9 минг тонна, мева 1,5 минг тонна ва узум 1,2 минг тонна; Қизилтепа туманида сабзавот 59,3 минг тонна, картошка 17,1 минг тонна, полиз 12,3 минг тонна, мева 23,3 минг тонна ва узум 13,3 минг тонна; Навбахор туманида сабзавот 41,3 минг тонна, картошка 14,8 минг тонна, полиз 10,3 минг тонна, мева 23,5 минг тонна ва узум 9 минг тонна; Нурота туманида сабзавот 22,6 минг тонна, картошка 4,7 минг тонна, полиз 9,6 минг тонна, мева 20 минг тонна ва узум 3,2 минг тонна; Хатирчи туманида сабзавот 97,2 минг тонна, картошка 26,5 минг тонна, полиз 36,7 минг тонна, мева 32,8 минг тонна ва узум 52,8 минг тонна экилиб, 2017 йил ҳосили учун режалаштирилган. Асосий, боғ қатор ораси ва такрорий майдонлардан 639,9 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари олинishi қутилмоқда.

6.7. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда вилоят олдида турган долзарб масалалар

Вилоятда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати саноат соҳасида яқин 5 йилда умумий қиймати 10 триллион 200 миллиард сўм бўлган 486 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

2017 йил 28 март Навоий вилоятига Президентимиз ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида "2017–2018 йилларда Навоий вилоятида саноат, кишлоқ хўжалиги ва

хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 366-сон қарори билан тасдиқланган.

Келгуси 5 йилда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ЯХМдаги улуши – 52,0 %дан 56,3 %га, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши – 33,8 фоиздан 42,7 фоизга ўсади.

2017 йилда 7 дан ортиқ янги турдаги ракобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

Худуд саноатида етакчи ўрин тутадиган металлургия, энергетика ва кимё соҳасида 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларилек 25 та йирик лойиҳа, озиқ-овқат саноатида 97 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай мисолларни енгил, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ва бошқа нозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам келтириш мумкин.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида оптик толали алоқа тармоқларини, алоқа таянч станцияларини барпо этиш. Навоий шаҳри, Учқудук, Кармана, Нурота ва Хатирчи туманларида рақамли телеузаткичлар қурилмаларини ўрнатиш.

Худудларни, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, одамларнинг ҳаётига, кайфиятига таъсир қиладиган соҳалардаги ишларни жонлаштириш, мавжуд муаммоларни баргараф этиш, аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида 15 та дастурни амалга ошириш. Бунинг учун:

Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, жумладан, вилоятда кейинги беш йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 3 минг 245 та ер участкасини ажратиш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 530 таси саноат худудларига тўғри келади.

Аҳолини арзон ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2017 йилда вилоятнинг 8 та туманида жами 716 та хонадонга мўлжалланган арзон ва қулай уй-жойлар қурилади. Навоий, Зарафшон, Учқудук шаҳарларида бу борада катта ишларни амалга оширамыз. Шулар қаторида замонавий лойиҳалар асосида 816 та хонадон учун 17 та кўп қаватли “Қамолот” уйлари барпо этилади.

Вилоятда келгуси беш йилда бешта кўприк ва 657 километр маҳаллий аҳамиятга молик йўллар капитал ва жорий таъмирланиши белгиланмоқда.

Шаҳар-қишлоқларда транспорт тизимини яхшилаш, 5 йилда Навоий вилоятида лизинг асосида 83 та автобус харид қилиниб, уларни белгиланган йўналишларга қўйиш, 5 та замонавий автобекат барпо этиш, чекка худудларда яшовчи аҳоли учун 49 та янги йўналиш ташкил этиш.

Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш, Навоий вилоятида 678 километр ичимлик суви тармоқларини қуриш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида 257 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланиб, вилоятда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 2021 йилда 84,5 фоизга етказиш.

Кўмирнинг таннархини пасайтириш ва таъминот узлуксизлигини таъминлаш.

Навоий вилоятида келгуси беш йилда 454 километр электр тармоқлари, 188 та трансформатор пунктини қуриш ва реконструкция қилишни режалаштириш.

Мақтабгача таълим тизимини такомиллаштириш, болалар боғчасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгидан барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш.

Кармана, Нурота, Хатирчи туманларида бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш.

Пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, 37 та тиббиёт муассасасида 96 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш.

Фармацевтика корхоналарини ташкил қилиш, бу соҳага 224 млн АҚШ доллари жалб

килган ҳолда, 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 бараварга ошириш.

Аҳолининг дори-дармон билан таъминотини яхшилаш мақсадида кескин чоратадбирлар кўриш, тизимни тартибга келтириш, тиббиёт муассасаларининг дори-дармон таъминотини яхшилаш, Навоий вилоятида келгуси беш йилда фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича 6 миллион 600 минг АҚШ долларилек лойиҳаларни амалга ошириш.

Маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш тизимини шакллантириш, ноқонуний чиқиндихоналарни бартараф қилиш

6.8. Навоий вилояти микёсида истиқболли лойиҳалар бўйича мақсадли банк кредит маблағларининг асосий йўналишлари

Республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стиштириш. қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан 12,4 мингта фуқароларга 77,5 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Ўз навбатида кредит маблағларини тақсимланиши ҳудуд тармоқлари ва соҳаларига ҳам мақсадли йўналтирилган. Жумладан:

6.8.1-жадвал

Навоий вилояти иқтисодиёт тармоқлари бўйича кредит маблағларининг тақсимланиш ҳолати

№	Иқтисодиёт тармоқлари	2015й.		2016й.		2017й.		2017 йил нисбатан ўзгариши, фоизда	
		Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	2015 йилга	2016 йилга
1	Саноат	224,6	29	251,2	26,6	325,9	30,9	145,1	129,7
2	Қишлоқ хўжалиги	101,4	13,1	107,1	11,3	191,5	18,2	188,9	178,8
3	Транспорт ва алоқа	27,6	3,6	44,9	4,8	40,3	3,8	146,0	89,8
4	Моддий-техника таъминоти	24	3,1	36,8	3,9	32	3	133,3	87,0
5	Қурилиш	66,7	8,6	64,6	6,8	55,4	5,3	83,1	85,8
6	Бошқа тармоқлар	329,1	42,6	440,6	46,6	409,8	38,8	124,5	93,0
	Жами	773,4	100	945,2	100	1054,9	100	136,4	111,6

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016 йилда ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми саноат, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳиссасига тўғри келган.

Бу салоҳият 2017 йилда ҳам сақланиб қолган. Натижада, саноат тармоқлари бўйича салкам 326 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб бу 2015 йилга нисбатан 1,5 мартага, 2017 йилга нисбатан эса 1,3 мартага ўсиши кўзда тутилган. Жумладан қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича ҳам мос равишда ўшбу кўрсаткич 1,9 ва 1,8 мартани ташкил этган.

Таъкидлаш жоизки, қолган барча кўрсаткичлар бўйича ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар ҳиссасига нисбатан камайган. Сабаб, мазкур маблағ ҳудуд йирик корхона ва муассасалари, хомийлар ва хорий инвесторлар маблағлари ҳисобидан ривожлантириш дастурлари орқали амалга ошириш кўзда тутилган.

Навоий вилояти бўйича 2017 йил биринчи ярим йиллигида лойиҳаларга 39,4 млрд. сўм банк кредитлари, 53,7 млрд. сўм ўз маблағлари йўналтирилган. 18 та лойиҳага 30 га ер майдони, 4 лойиҳаларга ноль қийматда бинолар ажратилган. 1 лойиҳага имтиёзли нархларда 530 тонна цемент, 118 тонна арматура маҳсулотлари ажратилган.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 285 та 91,8 млрд. сўмлик лойиҳалар фойдаланишга топширилган. Шундан 156 таси қурилиш материаллари, 13 таси кимё ва нефтькимё саноати, 49 таси озиқ-овқат, 1 таси электротехника саноати, 3 таси машинасозлик саноати, 40 таси мебель ва қоғоз саноати, 18 таси енгил саноат, 2 таси чарм-пойабзал саноати ва 3 таси фармацевтика саноати йўналишидаги лойиҳалардир.

6.8.2-жадвал

Навоий вилояти тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш ҳолати

	2014		2015		2016		01.07.2017	
	млрд. сўм.	Ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	Ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	Ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	Ўсиш суръати, %
Миллий валютадаги жами депозитлар	763,5	51,3	1038,2	59,5	1214,3	51,4	918,7	46,0
Муддатли депозитлар	185,1	36,5	232,5	58,8	219,1	26,5	208,3	38,9
Талаб қилиб олингунча депозитлар	34607,2	21,1	38258,0	48,2	46641,0	41,8	38402,5	46,6
Жамғарма депозитлари	20,8	22,4	26,9	258,5	42,1	30,2	51,5	78,1
Аҳоли омонатлари	278,4	24,0	406,0	51,2	477,4	39,6	395,3	29,1
Хорижий валютадаги жами депозитлар	11,9	18,9	11,7	14,5	14,3	23,0	12,5	17,8

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 10 минг нафар таълим муассасалари битирувчисига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит маблағлари ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳамда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 12 225 нафар битирувчиларга жами 36 738,0 сўм кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 1080 нафар битирувчиларга 5 026,9 сўм кредит маблағлари ажратилди.

Республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаричиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш бўйича 12,4 мингта фуқароларга 77,5 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

6.9. Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш

Амалга оширилаётган ислохотларнинг энг характерли томони шундаки, уларнинг барчаси пировард натижада, аниқ самараларга, аниқ иш жойлари яратиш орқали аҳолининг реал даромадларини оширишга қаратилган. Шунингдек, бунёдкорлик ишлари нафақат алоҳида олинган маълум бир ҳудуд ёки объектларда, балки мамлакатнинг барча

худудларида, иктисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг барча соҳаларида тасдиқланган йўл хариталарига асосан олиб борилмоқда.

Мамлакатни ривожлантириш режаларига Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури ва сайловолди учрашувларидаги маърузаларида бирмабир, худудма-худуд, тармоқма-тармоқ баён қилиб берилган эди.

Навоий вилояти бой маданий ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Кармана шаҳри, Косим шайх мақбараси, Работи Малик ёдгорлиги, Қизилқум бағридаги тош урмон, Сармиш сойдаги тошга ўйилган қадимий расмлар - буларнинг барчаси вилоятнинг кўхна тарихи ва маданиятидан далолат беради.

Нурота туманида машҳур азиз-авлиёлар, табаррук зотлар яшаб келгани, илм-маърифат нурини таратгани учун бу муқаддас маскан номи Нуротадир. Чилустун масжиди, қадимий чашма ва бошка ёдгорликлар мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларидан, чет эллардан келадиган зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилмоқда.

Вилоят худудларида янги туризм маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибadorлигини кучайтириш борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Туризм соҳасида бизнесни юритиш бўйича қулай шароитларни яратиш, жаҳон тан олган брендларни, хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Навоий вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 январдаги “Навоий вилояти худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 26-сонли қарорига асосан, вилоят ҳокимининг 2017 йил 9 мартдаги “Нурота туманида туризм соҳасини янада ривожлантириш ҳамда туман марказида шаҳарсозлик соҳасида амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қ-62 сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28

мартда қуни Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис 55-сонли баёнига асосан “Тўдакўл” сув омборининг жанубий соҳилларида дам олиш инфратузилмаси объектлари учун ер ажратиш ва уларни яратиш, лойиҳаларга тадбиркорларни жалб қилиш ва худуд салоҳиятини маҳаллий сайёҳлар учун тарғибот қилиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, “Трединг сервис” сайёҳлик фирмаси ҳамда “Голден сафари” хусусий фирмаларига экотуризмни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш учун зарурий ер майдонлари ажратилиб, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги таъмирталаб аҳволга келиб қолган Косим Шайх, Мавлоно Ориф Дехгароний ва Работи Малик қарвонсаройи маданий мерос объектларини тармоқ жадвалларига мувофиқ таъмирлаш ва тиклаш ишларини жорий йилда якунлаш ҳамда Мир Саид Баҳром зиёратгоҳи, Работи Малик сардобаси, Шайх Абул Хасан Нуройи мақбараси, Шайх Абул Хасан Румий мақбараси, Нурота чашмаси ва Чилустун жомеъ меъморий обидаси маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича 2017 йил 1 ноябрга қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда Молия вазирлигига зарур маблағлар юзасидан ҳисоб-китобларни тақдим этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятнинг табиати ўзига хос ранг-баранг бўлиб, шимоли-ғарбий қисмида Қизилқум саҳроси чўллари, жануби-шарқий қисмида осмонўпар Нурота тоғ тизмалари ҳамда Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида бой ва турфа хил дехқончилик далалари ястаниб ётибди. Зарафшон дарёси билан биргаликда Айдаркўл, Шўркўл, Тўдакўл каби кўплаб йирик

сув манбалари вилоят табиатини янада ранг-баранг бўлишлигига хисса қўшмоқда.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун, туризм фирма ва ташкилотлар сони ошган, натижада жами хизмат кўрсатилган туристлар сони 5633 кишини ташкил этган.

6.9.1-жадвал

Туризм индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Туризм фирма ва ташкилотлар сони, <i>дона</i>	-	4	6	5	2	3	4
Жами хизмат кўрсатилган, <i>киши</i>	-	5239	8165	7795	3876	3868	5633
шундан:							
Кириш туризми	-	2679	3451	3227	3876	2378	2439
Чикиш туризми	-	-	-	-	-	-	-
Ички туризм	-	2560	4714	4568	-	1490	3194
Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари сони, <i>дона</i>	8	15	18	21	23	27	26
Жами жойлаштирилганлар, <i>киши</i>	20333	40289	44404	50525	43844	59458	61675
Шундан:							
норезидентлар	-	-	2561	3236	4228	2811	3646
резидентлар	-	-	41843	47289	39616	56647	58029
Санатория ва курорт корхоналари сони, <i>дона</i>	4	5	5	5	6	6	6
Жами жойлаштирилганлар, <i>киши</i>	0	7911	7337	8585	8921	8995	9023
Шундан:							
норезидентлар	-	-	-	-	-	-	-
резидентлар	0	7911	7337	8585	8921	8995	9023

^{*)} (Фақат виза, чет эл паспортини расмийлаштириш, меҳмонхонада жой банд қилиш ва шунга ўхшаш хизматлар кўрсатилган фуқароларни қўшган ҳолда)

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган туризм хизматларнинг аксарият қисми ички туризм ҳисобидан, уларнинг салмоғи 56, фоизни ёки 3194 кишини ташкил этган.

Ҳозирда ҳудуд туризмини ривожлантиришда хорижий туристларни жалб этиш мақсадида ҳудудий экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Навоий ёш ва навкирон вилоят бўлсада, унинг инсоният тамаддунига катта хисса қўшган қадимий ва бетакрор тарихи бор. Булар Сармишсой дарасидаги ибтидоий қоятош суратлари, Учтут чакмоқтош шахталари, Работи Малик карвонсаройи ва Сардобаси, Қосим Шайх Азизон хонақоҳи ва Нуротанинг ноёб меъморий обидалари каби бебаҳо маданий меърос объектларидир.

Айни пайтда Навоий вилояти Республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши билан бир каторда ўлкан бунёдкорлик ишлари ва тарихий жараёнлар амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг табиати ўзига хос ранг-баранг бўлиб, шимоли-ғарбий қисмида Қизилкум саҳроси чўллари, жануби-шарқий қисмида осмонўпар Нурота тоғ тизмалари ҳамда Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида бой ва турфа-хил дехқончилик далалари ястаниб ётибди. Зарафшон дарёси билан биргаликда Айдаркўл, Шўркўл, Тўдакўл каби кўплаб йирик сув манбалари вилоят табиатини янада ранг-баранг бўлишлигига хисса қўшмоқда.

6.10. Ижодий ишчи ғурух томонидан аниқланган муаммолар:

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг мухим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

- Вилоят ҳудудида мева-сабзавот комплекси ва логистик алоқалар етарли даражада ривожланмаган.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожини учун вилоятда кичик саноат зоналари, бизнес инкубаторлар фаолият олиб бормади.
- Паррандачиликнинг наслчилик базасини кучайтириш ва наслчилик хўжаликлари фаолияти талаб даражада эмас.
- Саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллар корхоналари замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва мавжуд бўлгани маънавий эскирган.
- Вилоят иктисодиётини ривожлантиришда мухим инвестиция лойиҳалари экспертизасини ўтказишда таклифларнинг кўплиги.
- Худудда яшаётган аҳолининг санитария жиҳатдан турмуш шароити белгиланган шароитларга жавоб бормади.
- Сифатли асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархларнинг давлат назоратини кучайтириш лозим.
- Вилоят туманлари бир-биридан узок масофада жойлашганлиги туфайли товар, хизматлар ва ҳужжатлар айрибошлашда кийинчиликлар юзага келмоқда ҳамда транспорт инфратузилмалари етарли даражада ривожланмаган.
- Транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойларини ташкил этиш лозим.
- Темир йўл вокзали ҳудудида замонавий меҳмонхона ва бино архитектура кифоаси тўлиқ ободонлаштирилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Вилоятда Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган куйидаги таклифлар тақдим этилади. Жумладан:

1. Вилоятда мева-сабзавотчиликни инновацион ривожлантириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш мумкин.

Биринчидан, вилоятнинг тоғли ва тоғ олди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш ҳамда ёнғокзорлар майдонини кўпайтириш орқали етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш;

иккинчидан, интенсив боғлар ташкил этишни ҳар томонлама молиявий рағбатлантириш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратишни соддалаштириш;

учинчидан, интенсив боғлар яратиш орқали меваларнинг эрта пишишига ва юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин. (биргина субвенцияда турган Нурота туманида 8000 гектар ерда интенсив боғ яратиш учун ёмғир билан тўладиған 2та табиий сув омборларини Синтоб ва Чуяда қуриш экспортга маҳсулот чиқаришни таъминлабгина қолмасдан, туманни дотациядан ҳам чиқаради.

2. Маҳаллий кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсус кичик саноат зоналарини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар.

Худудда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кичик зоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини йирик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан корпоратив тизимли алоқаларни ўрнатиш механизмларини яратиш керак.

3. Худудий микёсда кичик иктисодий саноат зоналарида логистик марказлар инфратузилмалари ва технопаркларни яратиш билан боғлиқ муаммолар:

биринчидан, маҳсулотларни савдо-харид инфратузилмасини шакллантириш (улгуржи, чакана савдо, савдо-харид фирмалари, ва б.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

тайёрлаш, саклаш ва кайта ишлаш тизимида электрон савдо усулларида фойдаланиш марказларини шакллантириш лозим;

иккинчидан, кичик саноат зоналарида ташкил этилган технопарклар фаолиятдан тушган даромадлардан тўланадиган белгиланган тўловларни ўрнатилган тартибда 3–5 йилгача (соҳа, тармоқлар миқёсида) озод этиш. Мазкур маблағларни технопаркларни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, инвестицион жозибadorлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади.

4. Худудларда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини савдо харид логистик инфратузилмасини ривожлантириш:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини савдо-харид логистик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилиши керак.

5. Вилоятда паррандачиликнинг наслчилик базасини ривожлантириш ва наслчилик хўжаликлари асосида замонавий селекция-генетик марказлар ташкил қилиш ҳамда уларнинг техник ва технологик жиҳозланиш даражасини ошириш мақсадида паррандачилик наслчилик хўжаликларидаги инкубаторларни тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш бўйича худудда қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат, кўрсатмалар берувчи махсус марказларни ташкил этиш.

Биринчидан, ҳар бир худудлар, маҳалла фуқаролари йиғини қошида фермер, деҳқон ва оила тадбиркорлиги билан шуғулланувчиларга малакали соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда махсус марказларни ташкил этиш лозим.

Иккинчидан, вилоятда сифатли озуқа, биоқўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озуқа қўшимчалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, шунингдек паррандачилик хўжаликларида давлат ресурсларидан бугдой етказиб бериш тизимини такомиллаштириш йўли билан озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида "Навойдонмаҳсулотлари" АЖ корхоналарида паррандалар учун ишлаб чиқарилаётган омукта ем ва ем аралашмаси таркибини стандарт талабларига жавоб беришини ҳамда паррандачилик хўжаликларида парранда озуқаси учун ажратилган бугдой сифатини доимий назорат қилиб бориш лозим.

6. Ишлаб чиқариш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда асосий муаммолар:

биринчидан, пўлат ёки чўяндан цилиндрлари ишлаб чиқариш орқали кўмир брикетлари тайёрлаш, рангли ва қора металллар, цемент, оҳак, базальт ва бошқа каттик жисмларни майдалашда импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун қора металл зарурлигини ҳисобга олиш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу маҳсулотга саноат соҳасида талаб жуда катта;

иккинчидан, Навоийда акрил ип ишлаб чиқариш ҳисобига тўқимачилик саноатининг ўсишини ҳисобга олсак, ушбу лойиҳа республикадаги 500дан ортиқ тўқимачилик корхоналари эҳтиёжини қондириши мумкин;

учинчидан, уй-жойларнинг муҳандислик тармоқлари қурилиши маблағ ажратиш, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ Навоий вилоят филиалининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун махсус жиҳозлар, орг.техника маҳсулотлари ва тажрибали мутахассис кадрлар билан таъминлаш;

тўртинчидан, фосфорит рудалари, шиша ишлаб чиқариш учун зарур силикат хомашёсини қазиб олиш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, лак-бўёқ учун зарур бўлган пигмент хомашёсини қазиб олиш бўйича инвестицион лойиҳани ишга тушириш учун конвертация масаласани ҳал этиш муаммонинг ечимига олиб келади.

еттинчидан, нефтни қайта ишлашда ҳамда косметика соҳасида зурур бўладиган бентонент хомашёсини қазиб олиш лойиҳалари ўзлаштириш ижобий натижа бериши мумкин.

7. Худуд иктисодиётини ривожлантиришда муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даражасининг пастлиги:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда экспорт операцияларини соддалаштириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иктисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратиш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базасини янгилаш, замонавий техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

бешинчидан, вилоятнинг табиий ресурсларга бойлигини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишловчи корхоналар барпо этиш чораларини амалга ошириш.

8. Вилоят худудларида худудда яшаётган аҳолининг санитария жиҳатдан турмуш шароитини етарли эмаслиги. Бунинг учун:

биринчидан, худудларни комплекс ривожлантириш мақсадли Дастурларига биноан 2017–2021 йилларда умумий узунлиги 57 километр бўлган оқава сув тармоқлари қурилишига 17,0 млн. АҚШ доллари маблағлар йўналтириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда келгусида барпо этиладиган объектлар марказлаштирилган оқава сув тизимига уланишига ва тумандаги санитар ҳолатнинг яхшиланишига эришилади.

10. Вилоятда мавжуд озик-овқат муаммосини ҳал этишда гўшт маҳсулотларини стиштириш.

Биринчидан, бутун дунёда озик-овқат инкирозини инобатга олган ҳолда 2017 йилда чорвачиликни янада ривожлантириш пировард натижасида аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида самарали ишлар олиб борилиши;

иккинчидан, вилоятдаги қорамолчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда сигирларни 100 фоиз сунъий уруғлантириш, ўрнатилган тартибда наслчилик ҳисоботларини юритиш, ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалаларини бир ой муддатда ҳар бир хўжалик кесимида ўрганиб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарур.

11. Вилоятда 2016/2017 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи етарлича ўрганилмаган. Вилоят туманлар кесимида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим.

12. Вилоятнинг комплекс ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хориждан келтириладиган техника ва технологиялар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз ечимини кутмоқда, самарали ташкил этиш ва уни амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш лозим (вилоят хусусиятидан келиб чиқиб).

7. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

7.1. Наманган вилоятининг табиий-географик ўрни

Наманган вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 7440 кв. км.ни ташкил этади. Вилоят Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмидаги Чотқол ва Курама тоғ тизмалари олдида жойлашган. Вилоят шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шимоли-ғарб ва ғарбда Тошкент вилояти ва Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти, жануб ва жанубий-шарқда Фарғона ҳамда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Наманган вилояти рельефи асосан текислик-тоғ минтақалилик характерига эга. Ер юзаси шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Икклими кескин континентал бўлиб, жанубий, яъни текислик минтақасида чўл-субтропик икклимга мансуб. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуруқ ва иссик бўлади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса ҳаво салқин, намлиги юқори бўлиб, бу жойларда кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Бу ҳудудлар иссик минерал булоқларга бой. Айникса, Чортоқ, Шаханд, Косонсой, Учқўрғон сувлари шифобахшлиги билан шуҳрат қозонган. Вилоят таркиби 11 та туман (Уйчи, Тўрақўрғон, Чортоқ, Норин, Наманган, Чуст, Учқўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой, Поп, Мингбулок) ҳамда 1 та йирик шаҳар (Наманган), шунингдек, кичик ва ўрта шаҳарлардан (Чуст, Учқўрғон, Поп) иборат бўлиб,

... Наманган вилояти юртимизнинг тез ва илдам тараққий этиб бораётган ўлкаларидан бири саналади. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриши мумкин: охириги 5 йилда вилоят бўйича яъни ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ошди, 375 мингта янги ши ўринлари яратилди, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 92 фоизи ши билан таъминланди, 19 километрлик Қамчиқ довори орқали ўтган ноёб Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли фойдаланишга топширилди.

Ш.Мирзиёев

тўғри келади ва бу республикамиздаги Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи шаҳар ҳисобланади.

Вилоятда 50 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг умумий миқдорида ўзбеклар 88,8 фоиз, тожиклар 8,9 фоиз, руслар 0,5 фоиз, қирғизлар 0,9 фоиз, бошқа миллатлар эса, 1,0 фоизни ташкил этади.


Наманган вилояти асосан суғориладиган деҳқончилик регионидир. Унинг ҳудудида 2 та дарё: Норин ва Қорадарё оқиб ўтади. Бу дарёлар кўшилиб, Ўрта Осиёнинг асосий сув хавзаларидан бири Сирдарёни ҳосил қилади.

Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳозирги даврдаги тараққиётда эришаётган ютуқлари ва вилоятни келгусида ривожлантиришда саноатнинг ўрни бекиёс эканлигини ҳисобга олиб, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги “2016–2019 йилларда Наманган вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2439-сонли Қарори асосида тасдиқланган дастурда умумий киймати 5 млрд. АҚШ долл. бўлган 342 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган. Уларнинг орасида умумий киймати 2 млрд. 1 млн. АҚШ долл.га тенг 1800 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган Тўрақўрғон иссиклик электр станцияси қурилиши энг йирик лойиҳа саналади. Поп туманида 100 мегаватт қувватга эга, умумий киймати 210 млн. АҚШ долл.ни ташкил этадиган куёш электр станциясини қуриш, Мингбулок туманида млн. АҚШ долл.лик «Мингбулок нефть-газ» конини ўзлаштириш ва бошқа инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

7.2. Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили

Наманган вилоятида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг вилоятдаги ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ) аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3374,2 минг сўмни ташкил этади. Республикамиз ялпи ички маҳсулотига эса вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг улуши 4,5 фоизни ташкил этади.



7.2.1-расм. Наманган вилояти ЯҲМнинг тармоқлар бўйича тузилмаси, 2017 йил 1 июль ҳолатига, фоизда⁵³

2017 йилнинг биринчи ярмида инфляция даражаси 2,44 фоизни ташкил этиб, прогноз даражасидан ошмади (прогноз 3,60%).

7.2.1-жадвал

Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан ижтимоий соҳага қилинган ҳаражатлар динамикаси⁵⁴

№	Ҳаражатлари таркиби	2012 й. касса	2013 й. касса	2014 й. касса	2015 й. касса	2016 й. касса	2017 й. 6 ойлик касса
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳаражатлари	603,4	828,2	988,0	1 137,7	1 270,9	718,3
	<i>шундан:</i>						
1.1.	Маориф	283,5	473,8	569,3	660,0	764,9	446,1
1.2.	Соғлиқни сақлаш	199,9	244,2	292,0	337,6	378,7	209,2
1.3.	Маданият ва спорт	4,1	5,5	10,9	7,9	9,7	3,1
1.4.	Фан	0,4	0,5	0,6	0,7	1,2	0,4
1.5.	Ижтимоий таъминот	3,8	4,7	5,6	6,3	7,1	1,2
1.6.	Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	111,8	99,5	109,5	125,2	109,3	59,5

2017 йилнинг биринчи ярим йилида маҳаллий бюджет даромадлари 479,5 млрд. сўмни, бюджет ҳаражатлари 835,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бюджет ҳаражатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми 718,3 млрд. сўмга тенг бўлди. Шу жумладан, маҳаллий бюджетда қоладиган қисми 479,5

⁵³ Наманган вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁴ Наманган вилояти Молия Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

млрд. сўмга тўғри келди. Вилоят бюджетининг ижтимоий харажатлари таркибида маорифга йўналтирилган маблағларнинг улуши 2017 йил 1 июль ҳолатига 62,1 фоизни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса, ижтимоий харажатларнинг 29,1 фоизи тўғри келади.

2017 йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) ўсиш суръати 6,9 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4,4 фоизга, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 11,5 фоиз ва жами хизмат кўрсатиш ҳажми 11,9 фоизга ўсиши таъминланди.

7.2.2-жадвал

Вилоятда доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг нафар (1 январь ҳолатига)⁵⁵

Худудлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Вилоят бўйича:	2298,1	2339,1	2377,3	2504,1	2554,2	2603,4	2652,4	2672,2
Наманган ш.	449,2	456,6	463,6	475,7	484,9	493,3	589,9	594,3
Мингбулок	100,3	102,0	103,7	111,9	114,2	116,4	118,5	119,4
Косонсой	164,3	167,7	170,9	184,7	188,3	192,1	195,9	197,5
Наманган	187,7	191,7	195,3	212,0	216,8	221,7	167,5	168,9
Норин	133,1	135,3	137,3	147,1	149,9	152,4	154,8	155,9
Поп	179,1	182,4	185,5	196,8	200,5	204,2	207,9	209,5
Тўрақўрғон	183,2	186,6	190,2	198,5	202,9	207,6	212,0	213,9
Уйчи	192,5	196,2	199,5	207,1	211,9	216,4	199,6	201,3
Учқўрғон	144,6	146,9	148,8	153,9	156,8	159,6	162,4	163,5
Чортоқ	163,3	166,1	168,7	178,9	182,4	186,0	187,3	188,6
Чуст	221,4	225,0	228,4	237,6	242,1	246,7	251,0	252,7
Янгиқўрғон	179,1	182,2	185,3	199,7	203,4	207,1	205,4	206,7


Вилоят ЯҲМнинг жорий таркибий тузилмасидан кузатиш мумкинки, охириги 10 йилда хизматлар соҳаси барқарор ўзгаришсиз тенденцияни қайд этиб келмоқда. Хусусан, 2008 йилда вилоят ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 47,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йил якунида 49,4 фоизга тенг бўлди.

Вилоят ЯҲМ таркибида сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг қисқариб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, мазкур тармоқнинг ЯҲМдаги улуши 2008 йилдаги 38,8 фоиздан 1,4 марта қисқаргани ҳолда 2016 йилда 28,2 фоизни ташкил этди.

ЯҲМ таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг бу каби қисқариб боришига саноат маҳсулотларининг барқарор ўсиш тенденцияси сабаб бўлмоқда. Хусусан, саноат маҳсулотлари 2008 йилда ЯҲМнинг 13,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида ЯҲМнинг 18,2 фоизи айнан мазкур соҳа маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Таҳлиллар натижаси кўрсатадики, сўнгги йилларда вилоят ЯҲМ таркиби юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотлари билан тўйиниб бормоқда.

Ҳозирги даврда Наманган вилоятининг ЯҲМда саноатнинг улуши 18,2 фоизни (2016 йил 1-ярим йиллигида 16,3%), қишлоқ хўжалиги 12,6 фоизни (12,3%), қурилиш 7,9 фоизни (7,2%), савдо, яшаш ва овқатланиш хизмати 12,2 фоизни (11,1%), юк ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 12,9 фоизни (13,1%) ва хизматларнинг бошқа соҳалари 36,2 фоизни (36,1%) ташкил этган. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 67,5 фоизга ва хизматлар улуши 61,3 фоизга тўғри келган.

⁵⁵ Наманган вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



■ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ■ Саноат (қурилишни қўнган ҳолда) ■ Хизматлар

7.2.2-расм. Наманган вилояти ЯХМнинг тармоқлар бўйича тузилмаси, фоизда⁵⁶

7.3. Хизматлар соҳасидаги туб ислохотлар ва унинг натижалари

2017 йил январь-июнь ойлари давомида умумий киймати 45,5 млрд. сўмлик 232 та хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб, 1239 нафар иш ўринлари яратилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Наманган вилояти ҳокимининг 2016 йил 16 февралдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган "2016–2017 йилларда Наманган вилоятида туризмни ривожлантириш" бўйича вилоят дастури асосида сайёҳлик индустриясини янада ривожлантириш режалаштирилган.

Наманган вилоятининг ўзига хос иклими ва мавжуд туризм ресурслари жумладан, тарихий обидалар (154 та) ва вилоятнинг диққатга сазовор объектлари (16 та) вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришга асос бўлади.

Сўнгги йилларда вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунида вилоятга хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг сони 38200 нафарни ташкил этди.

Вилоятнинг Поп туманидаги Парда Турсун ва Чодак қишлоқларида ўларнинг жойлашуви, ўзига хос ландшафти, салқин иклими, тоза ҳаво ҳамда суви, ушбу ҳудудларда уй туризмнинг ривожланганлиги, экотуризмни турли йўналишда (танишув, илмий, тарихий, спорт) ва тоғли ҳудудда қишки мавсумда тоғ-чанғи спортини ташкил этиш имкониятларининг жуда юқорилиги унинг инвестиция салоҳиятини белгилайди.

Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент тепалигида тарихий ёдгорликларни тиклаш, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг болалиги ва унинг отаси ҳаётини ифодаловчи туризм харитасини ишлаб чиқиш ва Андижондаги Бобур ҳаёти билан боғлиқ туризм сервисини ишлаб чиқиш тавсия этилмоқда. Буюк Бобур ва Бобурийлар империяси Ахсикентдан бошланганлигини билиш ва кўриш туристлар учун жуда қизик.

⁵⁶ Наманган вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Наманган вилоятида туризм индустриясининг асосий кўрсаткичлари⁵⁷

№	Кўрсаткичлар номи	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й. 1-ярим йил
1.	Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг сони, нафар	32997	33400	34150	37336	38200	22876
1.1.	Туризм фирмалар ва ташкилотлар	1122	1470	2015	2304	2707	1434
1.2.	Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари	31875	31930	32135	35032	35493	21442
2.	Санатория ва курорт корхоналари	38500	40700	43400	46200	48900	36500
3.	Дам олиш ташкилотлари	5200	4800	5800	6100	6700	4762
4.	Туризм базалар	3100	2500	400	600	480	335

7.4. Вилоятнинг инвестицион салоҳияти

Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017 йилда умумий киймати 1140,2 млрд. сўмлик 295 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар кимё ва нефткимё, машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар ҳамда электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармацевтика ва бошқа бир қатор соҳаларда амалга оширилиши кўзда тутилган (7.4.1-жадвал).

7.4.2-жадвал

Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да Наманганда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар⁵⁸

Лойиҳа амалга ошириладиган соҳалар	Лойиҳа қиймати	Лойиҳа сони
Кимё ва нефткимё соҳасида	50,1 млрд. сўм	24 та лойиҳа
Машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш соҳасида	31,5 млрд. сўм	8 та лойиҳа
Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида	17,2 млрд. сўм	6 та лойиҳа
Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича	8,9 млрд. сўм	4 та лойиҳа
Фармацевтика соҳасига	102,5 млрд. сўм	12 та лойиҳа
Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича	112,8 млрд. сўм	71 та лойиҳа
Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича	135,7 млрд. сўм	88 та лойиҳа
Мебель ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида	2,9 млрд. сўм	7 та лойиҳа
Тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга	678,4 млрд. сўм	75 та лойиҳа

2016–2017 йиллар даврида тижорат банклари томонидан дастурдаги лойиҳалардан 119 тасига жами 32,4 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит маблағлари ажратилган ва 1680 та янги ишчи ўринлари ярагилган.

Шу билан бир қаторда дастур доирасида 2017 йилда жами 114 та лойиҳани ишга тушириш натижасида 124,1 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштириш ва 3989 та янги иш ўринлари яратиш назарда тутилган.

⁵⁷ Наманган вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁸ Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 11 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонининг вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳақида”ги қарори.

“2017 йилда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури” доирасида жорий йилда умумий қиймати 1,1 трлн. сўмлик 313 та лойиҳаларни амалга ошириш ва натижада 11,1 минг нафар янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Дастурга кўра 2017 йил 1-ярим йиллик якуни билан умумий қиймати 217,6 млрд. сўм бўлган 70 та лойиҳа ишлаб чиқаришга татбиқ этилди ва 2065 та янги иш ўринлари яратилди.

2016–2018 йилларда Наманган вилоятида «Мерримед фарм» кўшма корхонасида қиймати 10 млн. АҚШ долл. бўлган лойиҳа амалга оширилиб, йилига 20 млн. флакон антибиотиклар ва инфузия эритмалари ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади. «Наманган фарм плант» корхонаси томонидан 6,3 млн. АҚШ долл. сармоя ўзлаштирилиб, йилига 60 млн. ампула дори воситалари ишлаб чиқарилади»⁵⁹.

Юқоридаги дастур ва лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан уйғунлашган. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси билан ганишиш, эришилган ижобий натижаларни оммалаштириш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича Наманган вилояти ишчи гуруҳи вилоят иқтисодиётининг тизимли таҳлилин амалга оширди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан Учкўрғон туманида бўлган 2016 йил 2 ноябрдаги сайловолди учрашувида “тадбиркор Бахтиёр Умаров раҳбарлигидаги «Истиклол» дизайн маркази фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир” деб таъкидлаб ўтди. Вилоятнинг «Истиклол» дизайн маркази, “Имрон текстил груп” корхонаси ҳамда бошқа катор энгил саноат корхоналари раҳбарлари билан ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган учрашувларда “Наманган костюмлари” бренди асосида энгил саноат корхоналарининг кластерини ташкил этиш ва вилоят корхоналарининг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда хулосалар шакллантирилди. Ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларни истиқболда амалиётга татбиқ этиш учун аввало, вилоят ҳокимияти вакиллари ва тадбиркорлари иштирокида илмий-амалий семинар ташкил этиш ҳамда экспортни ҳар томонлама рағбатлантиришда кластер усулининг моҳияти ва афзалликларини тадбиркорларга тушунтириб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2021 йилга бориб, ҳозирги 49 фоиздан 94 фоизга кўтарилади. Текстиль ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш мақсадида Наманган вилоятида умумий қиймати 346 млн. АҚШ долл. бўлган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Шунингдек, озиқ-овқат саноатида 214 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси ва бошқа тармоқларда 185 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳудудий экспорт ҳажмини камида, 8 баробар ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда⁶⁰.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 250 км. узунликдаги оптик толали алоқа тармоқлари ва 247 та мобиль алоқа таянч станцияси қурилади, эскирган телефон станциялари замонавий станцияларга алмаштирилади. Янгикўрғон, Поп, Косонсой, Чуст ва Чортоқ туманларида 26 та рақамли телеузатгич ўрнатиш ҳисобидан вилоят ҳудудини рақамли телевидение билан камраб олиш даражаси ҳозирги 80 фоиздан 100 фоизга етказилади.

⁵⁹ Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 11 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонининг вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳақида”ги қарори.

⁶⁰ Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 11 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонининг вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳақида”ги қарори.

7.5. Вилоят ташқи иқтисодий фаолияти ва экспорт салоҳияти

Наманган вилоятида 3 та эркин иқтисодий зоналарни (Наманган, Чуст, Чортоқ) ташкил этилиши режалаштирилган. Наманган эркин иқтисодий зонаси доирасида янги инвестиция лойиҳалари жамланмаси ишлаб чиқилмоқда. Улар вилоятда саноат корхоналари ва хусусий бизнесни янада юкори суръатлар билан ўсишини таъминлайди, вилоят экспорт салоҳиятини оширади.

Охирги йилларда вилоятда ноозик-овкат маҳсулотларидан чарм маҳсулотлари, пластмасса буюмлари, сантехника жиҳозлари, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар каби янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016–2020 йилларда хомашё базасини ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида 2016 йилда сиғими 2025 тонна бўлган 17 та янги музлатгичли омборларни қуриш белгиланган.

Вилоятда 2017 йил 1-ярим йиллик якуни билан 236,3 млн. АҚШ. долл.лик (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 122,4%) ташқи савдо операциялари бажарилиб, шундан экспорт 90,4 млн. АҚШ. долл.ни (181,0%), импорт 145,9 млн. АҚШ долл.ни (101,9 %) ташкил этди.

2017 йил учун вилоят ҳудудий тасарруфдаги хўжалик субъектларига жами 185,2 млн. АҚШ долл. миқдорида ҳудудий экспорт прогнози белгиланиб (2016 йил прогнозга нисбатан 1,5 марта юкори), шундан 23,4 млн. АҚШ долл. саноат маҳсулотлари, 161,7 млн. АҚШ долл. мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобига тўғри келади. Жумладан, амалга оширилган экспортнинг 21,8 млн. АҚШ доллари саноат маҳсулотлари (прогнозга нисбатан 242,4%), 19,9 млн. АҚШ долл. мева-сабзавот маҳсулотлари (32,4%) ҳисобига тўғри келди.

Шунингдек, 2017 йилнинг биринчи ярмида 16 та ҳудудий экспортёр корхоналар томонидан 1655,6 минг АҚШ долл.лик 15 турдаги янги маҳсулотлар экспорти ўзлаштирилди. Ҳисобот даврида вилоятдаги 5 та янги бозор ўзлаштирилди. Хусусан, Кения ва Жанубий Африка Республикасига костюм-шим, Германияга костюм-шим ва мева-сабзавотлар ҳамда Малайзия ва Покистонга ҳўл мева-сабзавотлар экспорт қилинди.

Наманган вилоятида жорий йил 1-ярим йиллик якуни билан 16025 кичик бизнес субъектлари фаолият юритмоқда, улар томонидан 1045,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 982,1 млрд. сўмлик кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

7.6. Вилоят кишлок хўжалиги инфратузилмаси


Кишлок хўжалиги соҳасида 769 та чорвачилик, 183 та паррандачилик, 164 та баликчилик фермалари, 160 та асаларичилик ва 38 та куёнчилик хўжалиги ташкил этилади. Гўшт ва сут ишлаб чиқариш камида 1,4 баробар, тухум 1,8 марта, картошка 1,5 марта, мева-сабзавот ва узум етиштириш 1,2 баробар кўпаяди.

Вилоятда 2017 йил январь-март ойларида 8 минг тонна қувватга эга 7 та янги музлатгичли омборлар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди, натижада 47 та янги иш ўринлари яратилди.

Кишлок хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида 2017 йил давомида жами 262 та лойиҳаларни амалга ошириш учун 146,8 млрд. сўм сарфлаш ва бунинг натижасида 1923 нафар янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

2017 йилда вилоят кишлок хўжалигини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 94 таси чорвачилик соҳасига тўғри келмоқда. 52 та лойиҳа янги токзорлар ва интенсив боғлар яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Туракўрғон туманидаги “Golden Cherries” интенсив боғида жаҳон бозорида харидоргир гилос

етиштирилиб, экспорт қилинади. Авваллари пахта ва буғдойдан етарли даромад олинмаган ерлар валютада даромад олинадиган боғларга айлантирилмоқда.



7.6.1-расм. 2017 йилда кишлок хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг таркибий тузилмаси⁶¹

Бу майдонларни эндиликда ўз кўчатлари ҳисобига янада кенгайтириш бўйича янги режалар амалга оширилмоқда. Корхона ҳудудида 2018 йил охиригача яна 400 гектардан ортик майдонда гилос боғи ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 45 млн. АҚШ долл. маблағ сарфланади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортик маҳсулот етиштириш, 30 млн. АҚШ долл.лик экспорт қилиш кўзда тутилган. Корхонада 6,5 гектарда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, саклаш ва қадоклаш бўйича логистика маркази ташкил этиш мўлжалланган. Натижада, 300 нафар янги иш ўрни яратилади. Бирок сифатли ва рақобатдош маҳсулотларни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш, унинг жаҳон бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун вилоятнинг умумий **хамкорликдаги брендини яратиш** мақсадга мувофиқ. Наманган олмалари (“Наманганские яблоки”) МДХ мамлакатларида маълум ва машҳур. Бу вилоят мева ва сабзавот етиштирувчиларининг салоҳиятли бренди (номоддий капитали) бўла олади. Ҳокимият, мева ва сабзавот етиштирувчилар хамкорликда асосий маҳсулотлар бўйича (“Олма”, “Гилос”, “Олхўри” ва бошқа) вертикал кластерни яратишлари ва амалга оширишлари ҳозирги давр тақозоси бўлмоқда.

Наманганда гулчилик юқори даражада ривожланган, 50 йилдан бери ҳар йили гуллар байрами Наманган шаҳрида ўтказилади. Гулларни етиштириш ва ландшафт дизайни ривожланган бўлса-да, бу фаолият тўла тижорат асосига ўтказилмаган. Гул кўчатлари, уруғлари, хўл гул, ландшафт дизайни ва унга боғлиқ хизмат кўрсатувчилар бозори энг сердаромад бизнес индустрияси ҳисобланади. Республикада биринчи гулчилар ассоциацияси Наманганда ташкил этилмоқда. Унинг ривожланиши хам ўзаро хамкорликнинг кластер асосида ташкил этилишини тақозо этади. Бунда “Наманган гуллари” бренди катта номоддий капитал бўлиши мумкин.

Вилоят иқтисодий потенциалида кишлок хўжалиги маҳсулотлари хам салмоқли улшуга эга. Хусусан, 2017 йил барча хўжаликларда 312,7 минг тонна картошка, 858,8 минг тонна сабзавот, 102,9 минг тонна полиз, 313,1 минг тонна мева, 145,7 минг тонна узум, чорвачилик маҳсулотларидан 124,2 минг тонна гўшт, 636,2 минг тонна сут, 420,9 млн. дона

⁶¹ Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 11 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳақида”ги Қарори.

тухум етиштирилиб, бу турдаги махсулотларни 2016 йилга нисбатан 7,0 фоиздан 20,0 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда совутгичлар ва иссиқхона қурилиши, асаларичилик, балиқчилик ва паррандачилик учун ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015–2019 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2298-сонли қарорига асосан 2017 йил 1-ярим йиллик якуни билан 9 та ҳудудий тасарруфдаги корхоналарнинг 23 та лойиҳаси бўйича 12,4 млрд. сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогнозга нисбатан 1,6 мартага ортиги билан бажарилган. Жами иктисод қилинган валюта миқдори 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1373,0 минг АҚШ долл.ни ташкил этиб, белгиланган прогноз топшириқлари 118,1 фоизга бажарилиши таъминланди.

7.7. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев: “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 15 та махсус дастур ишлаб чиқилмоқда” – деб таъкидлаб ўтди. “Белгиланган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин: келгуси 5 йилда 10 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилади. Наманган вилоятида келгуси беш йилда умумий фойдаланишдаги 198 км. йўл реконструкция қилинади ва таъмирланади, 75 км. йўл кенгайтирилади. Шунингдек, 2 та йирик кўприк қурилиб, 12 та мавжуд кўприклар реконструкция қилинади. Қишлоқ жойларда ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилмоқда. Келгуси беш йилда вилоятда 211 км. сув тармоқларини қуриш мўлжалланмоқда. Халқаро молия институтларининг 300 млн. АҚШ долл.га яқин имтиёзли кредитлари жалб этилиб, 434 км. магистрал ва ички тармоқлар, 112 га янги сув қудуқлари қурилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергиясидан фойдаланишини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилмоқда. Келгуси 5 йилда 143 км. электр тармоқлари, 145 та трансформатор пункти ва 4 та подстанция қуриш, шунингдек, 6,345 минг км. электр тармоқлари ва 2 минг 221 дона трансформаторни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иктисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушининг йилдан-йилга ортиб боришига эришилмоқда. Хусусан, 2016 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий махсулоғидаги улуши 80,3 фоизни ташкил этди.

Иктисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган махсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

Вилоятда 2017 йил 1 январь ҳолатига жами 16524 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 105,0 фоизга ортди.

2015 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектлари томонидан 1477,0 млрд. сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқилган бўлса, 2016 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 2667,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнеснинг иктисодиёт тармоқларидаги улуши таҳлил қилинганда соҳанинг саноат соҳасидаги улуши 78,2 %, қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,1 %, қурилиш ишларида 97,4%, чакана савдода 95,7%, пуллик хизматда 63,8 %ни ташкил этди.

Вилоятда 2016 йилда кичик корхоналар томонидан экспортга чиқарилган махсулотлар ҳажми 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 148,9 фоизга ортиб, 207,8 млн. АҚШ долларини

ташкил этди. Бунинг натижасида вилоят экспортидаги кичик бизнес субъектларининг улуши мос равишда 83,8 фоиздан 93,5 фоизга ошди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган импорт амаллари 260,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 2,0 маротабага ортиши ҳамда вилоят жами импортдаги улуши 91,3 фоизга етди (2015 йилда жами импортдаги улуши 74,5 %ни ташкил этган). Кичик бизнес субъектлари томонидан 37884 та янги иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар сони 837,5 минг кишига етди.

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурлари доирасида 2017 йилда 62,2 минг нафар иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Шундан, январь-июнь ойларида 28,6 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган.

2017 йил 1 июль ҳолатига дастурнинг барча йўналишларида 2095 та лойихада 30,1 мингта (105,5%) иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги СК-63-Ш-сонли ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 20 ноябрдаги 27/5–4-сонли қарорлари билан тасдиқланган “2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” асосида 2016 йил якуни билан 75674 та иш ўрни яратилиши белгиланиб, ҳақиқатда 75 849 та иш ўрни яратилди ёки режа 100,2 фоизга бажарилди.

Шундан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 27 259 тани ташкил этди.

Жумладан,

- саноатда 8809 та;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида 3600 та;
- қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, узумчиликда 2935 та;
- ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклашда 6011 та;

Бундан ташқари,

- тижорат банкларининг кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлари ҳисобидан 18250 та;
- яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 16034 та;
- уй меҳнатини ташкил қилишда 7073 та;
- деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил этишда 7233 та иш ўрни ташкил этилди.

Яратилган иш ўринларининг 35316 таси хотин-қизларга, ёшларга 34321 та, шу жумладан 24108 таси касб-хунар коллежи битирувчиларига, 15972 таси чет элдан қайтган мигрантларга ажратилди.

Дастур асосида шаҳар ва туманлар “Бандликка кўмаклашиш марказлари”га 2016 йил давомида 26,5 минг нафар ишсизлар иш сўраб мурожаат этиши қутулган бўлса, ўтган 12 ойликда 26017 нафар фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг 25301 нафари (йиллик дастурга нисбатан 106,1%) ишга жойлаштирилди, 463 нафари (105,2%) касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларига, 2004 нафари (100,4%) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди.

2016 йилда 85 та (103,7%) бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Ярмаркаларда 17,8 мингта яқин фуқаролар жалб этилиб, 10,3 минг нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Жами ярмаркаларда 4768 та корхона ва ташкилотлар 35615 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Вилоятда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қарори асосида 2016 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган (квоталанган) иш ўринларига 5752 нафар (100%) фуқаро ишга жойлаштирилди.

7.8. Иқтисодийни ривожлантиришда банкларнинг роли ва улар томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-

4947-сонли фармонидан келиб чиқиб, 2017 йил 11 февралда вилоят ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонини вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу фармон ва қарорлар асосида вилоят банк-молия муассасалари хусусан, Марказий банк бошқармаси томонидан 2017–2021 йилларда соҳани либераллаштириш ва мазкур жараёнларнинг макроиктисодий барқарорлик билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур чора-тадбирларнинг босқичма-босқич тарзда амалга оширилиши негизида Наманган вилояти бўйича нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсати воситаларини оқилона қўллаш орқали нақд пул муомаласини тартибга солишнинг самарали механизмини йўлга қўйиш, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва камровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш ҳамда тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойилларни жорий қилиш каби юксак мақсадлар ўз ифодасини топади. Ушбу мақсадларга эришишда, аввало, замонавий банк фаолиятини амалга ошириш учун вилоятда шакллантирилган инфратузилма муҳим аҳамият касб этиб, бу ўз навбатида, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун олиб бориладиган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2017 йил 1 июль ҳолатига Наманган вилоятида жами 16 та тижорат банкларининг 54 та филиали фаолият юритмоқда. Жумладан вилоятда 1 та хусусий ва 2 та чет эл капитали иштирокидаги банклар ўз мижозларига замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Вилоятда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида терминаллар тармоғини кенгайтириш ҳамда пластик карточкалардан фойдаланиш амалиётини янада соддалаштириш ва оммалаштириш бўйича истикболли йўналишлар белгилаб олинди, бугунги кунда мазкур йўналишлар доирасидаги вазифалар тизимли равишда амалга ошириб борилаётган.

Бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2751-сонли ҳамда 2017 йил 15 февралдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2777-сонли қарорлари мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида, биргина 2017 йилнинг биринчи ярмида мижозларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида вилоят банклари томонидан кўшимча 559 донга тўлов терминаллари ўрнатилди (7.8.1-жадвал).


7.8.1.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2017 йил 1 июль ҳолатига турғун савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳамда электр энергияси, газ ва бошқа турдаги коммунал тўловларни қабул қилишни ташкил этиш учун вилоят банкларининг шаҳобчалари, махсус кассалари ва минибанкларига ўрнатилган жами тўлов терминаллари сони 12 616 донани, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони эса, 1 млн. 227 минг донани ташкил этди.

Бу борада амалга оширилган таҳлиллар натижаси кўрсатадики, вилоятда ўрнатилган тўлов терминаллари ва муомалага чиқарилган банк пластик карточкаларининг ўсиш тенденциясида кескин тебранишлар юз берган.

Наманган вилояти банк тизимининг асосий кўрсаткичлари⁶²

т/р	Кўрсаткичлар	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017 йил 6 ойлик
	Банклар сони	14	14	14	15	16	16
	<i>шу жумладан:</i>						
1.	чет эл капитали иштирокидаги банклар	1	1	1	2	2	2
	хусусий банклар	1	1	1	1	1	1
2.	Банк филиаллари сони	53	53	54	54	54	54
3.	Банклар томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони, (минг дона)	542	860	862	1 043	1 209	1 227
4.	Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони, (дона)	6 120	8 425	8 425	10 295	12 057	12 616
5.	Ўрнатилган инфодўконлар сони, (дона)	61	89	91	113	241	255
6.	Ўрнатилган банкоматлар сони, (дона)	13	13	11	11	11	11
7.	Нобанк кредит ташкилотлари сони:	2	1	1	1	4	3
	а) микрокредит ташкилотлар	2	1	1	1	2	2
	б) ломбардлар	-	-	-	-	2	1

Ракамларга эътибор берадиган бўлсак, 2012–2016 йилларда вилоят банклари томонидан ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2,1 баробарга, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони эса, 2,3 баробарга ошганини кўриш мумкин (7.8.1-расм).



7.8.1-расм. Ўрнатилган тўлов терминаллари ва муомалага чиқарилган банк пластик карточкаларининг йиллик ўсиш суръати, фоизда⁶³

⁶² Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Жумладан, 7.8.1.1-расмдан кўринадик, 2014 йилда вилоят миқёсида ушбу соҳада жиддий муаммолар юзага келган. 2015 йилда юқори ўсишга эришилган бўлса-да, охиригички йилда бу борада яна пасайиш кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткичларни республика миқёсида таҳлил қилганда барқарор ўсиш тенденциясига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур жараённинг эътиборли жиҳати шундаки, 2014 йилда вилоятда мазкур соҳада юзага келган мураккаб вазиятда шароитида республика миқёсида юқори ўсиш кузатилган.

4-расм маълумотларига асосланган ҳолда истикболдаги прогноз кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, бу борада 2017–2021 йилларда республика миқёсида паст, аммо барқарор ўсиш суръатларини, Наманган вилояти бўйича эса, пластик карточкаларни муомалага чиқаришда тебранувчан ўсишни ҳамда терминаллар ўрнатиш соҳасида эса пасайиш тенденциясини кўриш мумкин.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларни капиталлаштиришни янада ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қароридан тижорат банкларининг капиталлашуви ва кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш каби вазифалар белгилаб берилган бўлиб, мазкур вазифалар ижроси истикболда тижорат банкларининг иқтисодий тармоқларидаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бутунги кунда бу каби фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши Наманган вилояти банклари олдида ҳам капиталлашув борасидаги долзарб вазифаларни қўймоқда. Мазкур вазифалар ижросини бажариш асносида, вилоят тижорат банклари томонидан капиталлашув даражасини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Наманган вилояти банк тизимининг жами капитали ҳажми 2012 йилдаги 21,6 млрд. сўмга нисбатан 3,3 баробарга ортиб, 2016 йил якунида 70,5 млрд. сўмни ташкил этди (7.8.2.1-жадвал).

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2016 йилда Қишлоққурилишбанк ҳамда Ҳамкорбанкнинг капиталлари ҳажми мос равишда 50 ва 30 фоизга кескин қисқарган. Ўз навбатида, 2017 йилнинг дастлабки ярмида мазкур банкларнинг капиталлари ҳажми мос равишда 32,5 ва 53 фоизга ошганини кўриш мумкин. Шунингдек, 2017 йилда Ўзсаноатқурилишбанк ва Ипотека банк капиталлари ҳажмида жадал ўсиш тенденциялари кузатилди.

Худуд банклари капиталларининг таркибий тузилиши таҳлил қилинганда, бу борада баъзи банклар ўртасида кескин фарқ мавжудлиги аниқланди (7.8.2-расм).


Хусусан, Савдогарбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Микрокредитбанк капиталлари таркибида захира капиталининг улуши юқори даражада эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига Савдогарбанк капиталларининг 96 фоизини айнан захира капиталлари ташкил этди. Ўзсаноатқурилишбанк ҳамда Микрокредитбанкда мазкур кўрсаткич мос равишда 92 ва 83 фоизга тенг бўлди.

Наманган вилояти тижорат банкларининг капиталлашув динамикаси⁶⁴

№	Тижорат банклари филиаллари	2012 й.		2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.*	
		млн. сўмда	ўсиш суръати %да	млн. сўмда	ўсиш суръати %да	млн. сўмда	ўсиш суръати %да	млн. сўмда	ўсиш суръати %да	млн. сўмда	ўсиш суръати %да	млн. сўмда	ўсиш суръати %да
1.	ТИФ Миллий банки	-5 383	-2,2	-5 651	-4,9	1 621	128,7	1 668	2,9	1 798	7,8	1 984	10,3
2.	Агробанк	12 311	15,3	13 112	6,5	13 460	2,7	13 883	3,1	14 578	5,0	15 109	3,6
3.	Микрокредитбанк	915	18,1	1 129	23,4	1 843	63,2	1 632	-11,5	1 854	13,6	2 428	30,9
4.	Савдогарбанк	774	49,1	592	-23,5	159	-73,1	155	-2,4	169	9,0	183	8,3
5.	Қишлоқ қурилиш банк	731	2,2	777	6,3	1 000	28,7	2 311	131,1	1 153	-50,1	1 528	32,5
6.	Саноатқурилишбанк	620	0,7	262	-57,7	270	3,1	276	2,2	521	88,8	596	14,4
7.	Ипотека-банк	894	6,3	1 025	14,7	1 165	13,7	1 343	15,3	5 724	326,2	5 764	0,7
8.	Асака банк	619	3,6	3 291	431,6	3 434	4,3	4 057	18,1	3 827	-5,7	4 067	6,3
9.	Алоқа банк	1 074	5,0	691	-35,7	1 002	45,0	2 495	149,0	2 405	3,6	4 415	83,6
10.	Ҳамкорбанк	1 689	0,7	2 704	60,1	1 838	-32,0	5 948	223,6	4 158	-30,1	6 363	53,0
11.	Ипак йўли банк	154	6,5	298	93,5	472	58,4	649	37,5	1 024	57,8	1 479	44,4
12.	Трастбанк	421	23,4	539	28,0	664	23,2	631	-5,0	709	12,4	2 397	238,1
Бошқа банк филиаллари		6 825	17,8	4 480	-34,4	4 498	0,4	10 163	125,9	32 624	221,2	3 772	-88,4
Жами		21644	12,8	23249	7,4	31426	35,2	45211	43,9	70544	56,0	50085	-29,0

Изоҳ: * - 2017 йил маълумотлари 1 июль ҳолатига.

⁶⁴ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бонн бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



7.8.2-расм. Наманган вилояти тижорат банкларининг капитали таркиби, 2017 йил 1 январь ҳолатига⁶⁵

Вилоят банкларининг капитал базаси таркибини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, Ипотек-банк ҳамда Миллий банк капиталлари таркибида тақсимланмаган фойда юкори улушга эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йил 1 январь ҳолатига мос равишда 76 ва 46 фоизни ташкил этди.

Наманган вилояти банкларида капитал етарлилиги ва ликвидлик даражасининг юкорилиги, активлари сифати ва салоҳиятининг ошиши, ўз навбатида, худуд иктисодиётида инвестицион фаолликни рағбатлантириш ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Жумладан, худуд банкларининг капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажмининг ўсиши банк актив операциялари ҳажмини ошириш, хусусан кредитлаш имкониятларини кенгайтиришда мустаҳкам замин яратмоқда.

Самарали депозит сиёсати асосида аҳоли манфаатларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар. Аҳолининг кенг қатлами талабларига муносиб равишда сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан самарали депозит сиёсатининг амалга оширилиши банклар учун аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Мазкур фаолиятнинг самарали амалга оширилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг

⁶⁵ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят банкларининг депозит фаолияти таҳлил қилиниши натижасида, ҳудуд банкларининг мазкур фаолияти ўртасидаги кескин тафовутларни ҳисобга олган ҳолда бўйича банклар фаолияти иккита гуруҳга ажратиб олинди. 1-гуруҳ банклари сифатида АТ Халқ банки, ТИФ Миллий банк ва АТБ Агробанклар танлаб олинди. Таҳлиллар натижаси кўрсатдики, сўнгги йилларда вилоятда ТИФ Миллий банки томонидан самарали депозит сиёсатининг юритилиши банкнинг мазкур фаолият бўйича муваффақиятини таъминлаган. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган вилояти филиаллари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилган маблағлари ҳажми 2012–2016 йилларда 2,5 баробарга ошгани ҳолда 32,9 млрд. сўмдан 81,5 млрд. сўмга етган. Шунингдек, вилоятда бу борада салмоқли улушга эга АТ Халқ банкининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 2016 йилда АТ Халқ банкининг Наманган вилояти филиаллари томонидан жалб қилинган депозитлари ҳажми 22 фоизга ошгани ҳолда, 141,4 млрд. сўмни ташкил этган (7.8.3-расм).




7.8.3-расм. Наманган вилояти ТИФ Миллий банк, АТ Халқ банки ва АТБ Агробанкнинг депозит операциялари динамикаси⁶⁶

Шу ўринда, охириги икки йилда АТБ Агробанкнинг депозит фаолиятида кескин пасайишни кузатиш мумкин. Яъни, банкнинг депозитлари қолдиғи 2015 йилдаги 96,3 млрд. сўмга нисбатан 2016 йил якунида 4,9 фоизга қисқаргани ҳолда 91,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда вилоят микёсида тижорат банклари томонидан 2017–2021 йилларда депозит сиёсатини либераллаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар истикболда банкларнинг ушбу соҳадаги тараққиёт йўналишларини белгилаб беради. Шундан келиб чиқиб, юқорида келтириб ўтилган банкларнинг 2017–2021 йилларда депозит операциялари билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Унга кўра, ТИФ Миллий банки ва АТБ Агробанкда бу борадаги кўрсаткичларнинг юқори ўсиш тенденцияси, АТ Халқ банкида эса паст фоизлардаги ўсиш динамикаси кузатилади.

Наманган вилояти банкларининг депозит операциялари билан боғлиқ фаолиятини республика микёсидаги кўрсаткичлар билан таққослаганда қуйидаги тенденцияларга гувоҳ бўлиш мумкин (7.8.4-расм).

⁶⁶ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.




7.8.4-расм. Тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўзгариш тенденцияси, фоизда⁶⁷

Расм маълумотларидан кўринадикки, Наманган вилояти банклари томонидан амалга оширилган фаол депозит сиёсати натижасида 2012–2016 йилларда бу борада барқарор ўсиш кузатилган. 2016 йилда ўсиш суръатида бироз пасайиш юз берган бўлса-да, ўсиш 25 фоздан ортиқни ташкил этгани диққатга сазовордир. Жумладан, вилоят банклари томонидан 2012 йилда 236,6 млрд. сўм миқдоридagi депозитлар жалб қилинган бўлса, бу кўрсаткич сўнгги беш йил мобайнида 2,4 баробарга ошиб, 2016 йил якунида 572,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Тижорат банкларининг депозит операциялари республика банк тизими бўйича таҳлил этилганда кескин тебранувчан тенденцияга гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз банк тизими депозитларининг ўсиш тенденцияси 2012 йилда 31,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 10,6 фоизга, 2014 йилда эса 6,5 фоизга тенг бўлган. Республика банк тизимининг бу борадаги 2016 йил кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, 25,2 фоизли ўсиш тенденцияси қайд этилганлигини кузатиш мумкин.

Вилоят банклари томонидан жалб қилинган депозит маблағлари таркибий жиҳатдан таҳлил қилинганда, депозитлар таркиби бўйича банклар ўртасида кескин фарқ мавжудлиги аниқланди (7.8.5-расм).



7.8.5-расм. Наманган вилоятида фаолият юритаётган банк филиаллари томонидан жалб қилинган депозитлар таркиби, 2017 йил 1 январь ҳолатига⁶⁸

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

⁶⁸ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Жумладан, Агробанк, Қишлоққурилишбанк, Асакабанк ва Микрокредитбанк депозитлари таркибида салмоқли улушни аҳоли омонатлари ташкил этган бўлса, Миллий банк, Халқ банки, Ўзсаноатқурилишбанк ва Ипотека-банкларда мазкур кўрсаткичнинг умумий депозитларнинг кам миқдоридан эканлигини кўриш мумкин. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Наманган вилояти тижорат банклари томонидан аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу ўз навбатида, 2017–2021 йилларда ҳудуд банкларининг умумий депозит базасини икки баробарга ошириш имконини беради.

Тижорат банкларининг ҳудуд иқтисодиёти тармоқларини самарали молиялаштириш фаолияти таҳлили. Сўнгги йилларда вилоятда саноатни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда, тижорат банкларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, банклар томонидан ҳудуд иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш мақсадида ажратилаётган кредитлар ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Жумладан, Наманган вилояти тижорат банклари томонидан 2012 йилда ҳудуд иқтисодиётига 168,4 млрд. сўм пул маблағлари йўналтирилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2017 йил 1 июль ҳолатига 451,9 трлн. сўмни ташкил этди (7.8.2-жадвал).


7.8.2-жадвал

Наманган вилояти тижорат банклари томонидан ҳудуд иқтисодиётига йўналтирилган кредитлар ҳажми, млн. сўмда⁶⁹

т/р	Банклар сони	Йиллар кесимида						
		2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017 йил 6 ойлик
1.	ТИФ Миллий банки	20,4	24,1	28,8	33,2	42,8	56,3	37,7
2.	АТ Халқ банки	26,4	31,3	38,3	48,2	67,3	96,4	51,7
3.	“Асака” АТБ	11,2	14,0	18,0	21,5	29,0	48,9	36,9
4.	“Ипотекабанк” АТИБ	9,4	12,4	15,3	19,1	28,2	34,9	23,6
5.	“Ўзбекистон саноатқурилишбанк” АТБ	8,1	10,5	13,5	18,2	24,0	31,5	15,9
6.	“Агробанк” АТБ	24,9	37,4	47,8	63,0	80,2	95,2	63,2
7.	АТБ “Қишлоққурилишбанк”	10,4	12,4	16,2	22,9	29,9	38,9	25,8
8.	“Туронбанк” АТБ	2,9	3,2	3,3	4,0	5,4	14,9	6,1
9.	“Микрокредитбанк” АТБ	16,2	21,3	27,9	36,3	48,0	64,2	39,9
10.	АТБ “Алокабанк”	11,2	16,9	21,3	26,9	28,6	32,2	16,3
11.	“Ипак Йўли” АИТБ	9,3	12,2	19,4	32,7	42,5	45,5	44,1
12.	“Капиталбанк” АТБ	-	1,9	6,5	10,8	10,9	13,3	9,8
13.	“Invest Finance Bank” АТБ	-	-	-	-	5,4	8,9	8,4
14.	“Трастбанк” ХАБ	3,5	8,9	13,7	22,2	25,3	30,3	19,2
15.	ЧЭКИ “Савдогар” АТБ	0,6	0,9	1,8	3,1	4,1	5,1	1,6
16.	ЧЭКИ “НАМКОРБАНК” АТБ	13,9	17,8	22,6	24,3	32,8	48,4	51,7
ЖАМИ		168,4	225,2	294,4	386,4	504,4	664,9	451,9

7.8.2-жадвал маълумотларидан вилоят иқтисодиётига йўналтирилган кредитлар ҳажмида АТ Халқ банки, АТБ Агробанк, Микрокредитбанк АТБ ва ТИФ Миллий банкининг улуши салмоқли даражада эканини кузатиш мумкин. Вилоят банклари томонидан ажратилган кредитларнинг таркибий тузилиши таҳлил қилинганда, банкларнинг кредит портфели диверсификациясида кескин фарқлар мавжудлиги аниқланди (7.8.6-расм).

⁶⁹ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



7.8.4.1-расм. Наманган вилояти тижорат банкларининг кредит портфели таркиби, 2017 йил 1 январь ҳолатига, фоизда⁷⁰

Расм маълумотлари асосида айтиш мумкинки, вилоятда саноат соҳасини молиявий ресурслар билан таъминлашда, Асакабанк ҳамда Ҳамкорбанк самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига Ҳамкорбанкнинг саноат соҳасига йўналтирган кредитлари ҳажми жами кредитларнинг 70 фоизини, Асака банкнинг бу борадаги кўрсаткичи эса 40 фоизни ташкил этди.

⁷⁰ Марказий банкнинг Наманган вилояти Бош бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Сўнги йилларда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширилишида Агробанк ҳамда Микрокредитбанк томонидан олиб борилаётган фаол кредит сиёсати муҳим аҳамият касб этиб, бугунги кунда мазкур банклар кредитлари қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига Агробанкнинг кредит портфели таркибида қишлоқ хўжалигига йўналтирилган кредитларнинг улуши 46 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич Микрокредитбанкда 30 фоизга тенг бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят банклари хусусиятидан келиб чиқиб, кредит портфели шакллантирилган. Масалан, Ўзсаноатқурилишбанк кредит портфелида 44 фоиз улуш қурилиш соҳасига тегишли. АТ Халкбанкнинг 47 фоиз кредитлари эса савдо ва хизматлар соҳасига ажратилган.

Вилоят банкларининг кредитлаш фаолияти борасида амалга оширилган таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, охириги йилларда вилоятдаги йирик ва ўрта банклар ўз кредит қўйилmalarини қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирмоқда.

Умуман олганда, вилоят тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг асосий қисми ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу ўз навбатида, ҳудуд банкларининг мустақкам ресурс базасига эга эканлиги ҳамда ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг Наманган вилоятида бажарилиш самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ 2017 йилда Наманган вилояти бўйича 4 трлн. 327 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва мазкур тармоқнинг ўсиш суръатини 13,8 фоизга етказиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра саноат соҳасига жами 119,8 млрд. сўм миқдордаги маблағлар йўналтирилган. Фикримизча, вилоят банклари томонидан саноатга ажратилган кредитлар миқдорини ошириш лозим. Чунки, Марказий банк томонидан йилнинг иккинчи ярмида рестрикцион кредит сиёсати олиб борилаётганлиги вилоят миқёсида саноатни ривожлантириш бўйича юқорида келтирилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш имкониятини пасайтиради.

2. Бугунги кунда Наманган вилоятида 16 та тижорат банкларининг 54 та филиаллари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ҳудудда мавжуд муаммолардан бири бу 2017 йил 1 июль ҳолатига вилоят миқёсида атиги 11 та банккомат мавжудлиги бўлиб, ушбу кўрсаткич салмоқли аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар қатламига эга вилоят учун паст даража ҳисобланади. Ушбу муаммонинг жиддийлиги шундаки, вилоятда ўрнатилган банккоматлар сони ўсиш ўрнига қисқарган. Жумладан, 2013 йилда вилоятда мавжуд 13 та банккомат сони 2014 йилда иккитага қисқарган. Мазкур ҳолат ҳозирги кунда мамлакат миқёсида пул муомаласини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмининг такомиллаштириш зарурати юзага келган шароитда янада муҳимдир.

7.9. Аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар

Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Наманган вилоятида амалга оширилган ишлар таҳлили асосида қуйидаги муаммолар аниқланди ва уларни ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Вилоятда мева ва сабзавотлар экспорти ҳажмини янада оширишда маълум муаммолар мавжуд, жумладан экспорт режаси баъзи туманларда оқсамоқда. Мингбулок тумани 2017 йилнинг биринчи ярмида умуман экспорт қилмаган.

1-муаммонинг ечими бўйича таклиф

“Наманган олмалари” бренди.

Наманган вилоятининг сифатли ва рақобатдош маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги харидорлигини ошириш, экспорт товарларини қалбакилаштиришдан ҳимоялаш учун янги брендлардан фойдаланиш зарур. Жумладан, сифатли ва рақобатдош маҳсулотларда брендлардан фойдаланиш натижасида маҳсулотлар янада рақобатдош бўлади. “Наманган олмалари” (Наманганские яблоки), “Наманган гуллари” (Наманган гуллар шаҳри) ва “Наманган костюмлари” (Наманган дизайн маркази) брендларини бутун мамлакатимиз ва МДХ мамлакатлари яхши билади. Бу брендлардан мева-сабзавотлар, гуллар ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига экспорт қилишда кенг фойдаланиш керак. Бунинг учун илғор халқаро тажриба умумлаштирилди. Туркия тажрибасини эслаб ўтиш кифоя. Мисол учун “Гилос ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва давлат идоралари”нинг ҳамкорлигини кластер форматада ташкил этиш, самарали бошқарувни амалга ошириш катта самара беради. Бу брендларни вертикал кластер (“Гилос” “Олма”, “Олхўри” каби кластерлар) ва “яшил коридор” форматада ташкил этиш таклиф этилмоқда. Бренд ва кластерлар вилоят мева ва сабзавот кластерларининг номоддий капитали бўлиб хизмат қилади.

“Наманган гуллари” бренди.

Наманганда гулчилик юқори даражада ривожланган, 50 йилдан бери ҳар йили гуллар байрами ўтказилади. Гулларни етиштириш ва ландшафт дизайни ривожланган бўлса-да, бу фаолият тўла тижорат асосига ўтказилмаган. Гул кўчатлари, уруғлари, хўл гул, ландшафт дизайни ва унга боғлиқ хизмат кўрсатувчилар бозори энг сердаромад бизнес индустрияси ҳисобланади. Республикада биринчи гулчилар ассоциацияси Наманганда ташкил этилмоқда. Унинг ривожланиши ҳам ўзаро ҳамкорликни кластер асосида ташкил этишни тақозо этади. Бунда “Наманган гуллари” бренди катта номоддий капитал бўлиши мумкин.

“Наманган костюмлари” бренди.

Намангандаги “Тадбиркор Бахтиёр Умаров раҳбарлигидаги «Истиклол» дизайн маркази фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор. Ишчи гуруҳ вилоятнинг «Истиклол» дизайн маркази раҳбарлари, “Имрон текстил груп” корхонаси раҳбари ва бошқа энгил саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашувларда “Наманган костюмлари” бренди асосида энгил саноат корхоналарининг кластерини ташкил этиш ва вилоят корхоналарининг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш лозимлиги ҳулоса қилинди. Бунинг учун вилоят ҳокимияти ва тадбиркорларнинг семинарини ўтказиб, кластернинг афзалликларини тушунтириш ва экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

2. Энгил саноат маҳсулотларини кичик қийматдаги (мисол учун 10 000 АҚШ долларигача) экспортни соддалаштириш зарур. Кичик ҳажмда импорт қилувчилар сони ортиб бормоқда. Бирок шартномалар, банк тўловлари, божхона билан боғлиқ маъмурий тўсиқлар экспортнинг янада ривожланишини чекламоқда.

Энгил саноат маҳсулотларининг 10 000 АҚШ долларигача кичик миқдорда экспорт қилиниши кўп вақт талаб қилади ва маъмурий тўсиқлари ҳамон сақланмоқда.

2-муаммонинг ечими бўйича таклиф

Туркия, Хитой каби мамлакатларда кичик ҳажмдаги (мисол учун 10 000 АҚШ долларигача) экспорт соддалаштирилган схемада амалга оширилади. Кейинги йилларда Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан 5–10 минг АҚШ долларига костюм ва бошқа энгил саноат маҳсулотларини сотиб олувчи харидорлар кўпаймоқда. Бу экспорт ҳажмининг кўпайишидаги биринчи босқич ҳисобланади. Агар экспорт ҳажми 10 минг АҚШ долларигача бўлса, банкларнинг мазкур шартномалар юзасидан божхонада экспортни расмийлаштириш каби хизмат турларини янада соддалаштириш таклиф этилмоқда.

3. Вилоятда ички туризмнинг салоҳияти катта бўлса-да, туризм самарали, тизимли ва комплекс асосда олиб борилмаяпти. Мисол учун Поп туманидаги Парда Турсун кишлоғи

худудида салқин иқлим, тоза ҳаво ҳамда суви экотуризмни турли йўналишда (илмий, тарихий, спорт) ривожлантиришга асос бўлади. Бироқ туризм ушбу ҳудудда комплекс инвестиция лойиҳаси доирасида ташкил этилмаган. Вилоятдаги туризм хизматлари бошқа вилоят турфирмалари томонидан кўрсатилмоқда, шу сабабли Наманган вилояти статистик маълумотлари ҳисоботида экс этмаяпти.

3-муаммоннинг ечими бўйича таклиф

Вилоят худудида турфирмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун инвестиция лойиҳасининг янги комплекс дастурини ишлаб чиқиш лозим. Инвестиция лойиҳасида камида 20–30 йиллик туризм объектларининг қурилиши, ривожланиши ва кенгайтириши назарда тутилиши зарур.

4. Наманган вилоятида ишлаб чиқариш корхоналарини барқарор электр энергияси билан таъминлашда узилишлар қузатилмоқда. Айниқса кишда ва қишлоқ жойларда бу муаммо иқтисодиётни ривожлантиришда кийинчиликлар туғдирмоқда.

4-муаммонинг ечими бўйича таклиф

Мамлакатимиздаги каби Наманган вилоятида ҳам энергетика соҳаси изчил ислох этилмоқда. Энергия манбалари диверсификация қилиниб, аҳоли ва ташкилотларга бир неча турдаги энергия тақдир бериш чоралари кўрилмоқда. Тўрақўрғонда 1800 мегаваттлик иссиқлик электр станциясининг 450 мегаватт қуввати 2018 йилда ва 2-турбинаси 450 мегаватт қуввати 2019 йилда ишга тушурилади.

Шунингдек вилоятнинг Учқўрғон туманидаги Катта Фарғона каналида 9 мегаваттлик кичик гидроэлектр станцияси (пилот лойиҳа) қурилиши олиб борилмоқда. Вилоятда жами 8 та 9 мегаваттлик гидроэлектр станцияларининг лойиҳалари ишлаб чиқилган. Поп туманида қўш электр станцияси лойиҳаси Хитой ва Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан олиб борилмоқда. Лойиҳалаштирилган электр станциялари муқобил энергия манбаи эканлиги ва бутун Фарғона водийсининг 2020 йилдан электр энергиясига бўлган талабини қондириши алоҳида эътиборга лойиқ. Бундай ижобий тажрибани республикамизнинг бошқа вилоятларига омдалаштириш мақсадга мувофиқ.

5. Вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан иқтисодиётнинг бошқарув тизими янгиланиб, ёш мутахассислар билан таъминланмоқда. Туманлар кесимида малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси кескин фарқ қилади.

5-муаммонинг ечими бўйича таклиф

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ушбу лойиҳани давом эттира бориб, ҳокимиятлар иқтисодиёт бошқармалари кадрлари малакасини ошириш бўйича семинар-тренинглар олиб бориш таклиф этилмоқда.

8. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

8.1. Самарқанд вилоятининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат қилаётган Самарқанд халқининг истиқболдаги самарали фаолиятида дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамининг шарқий ҳудудида жойлашган Самарқанд вилояти ўзининг нафақат гўзал табиати, қулай географик жойлашуви, балки табиатан меҳнатсевар ва жонқуяр халқи билан ватанимиз тараққиётига улкан ҳиссасини қўшаётган ҳудудлардан биридир.

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Вилоят маркази Самарқанд шаҳри. Самарқанд вилояти шарқда Тожикистон Республикаси, жанубда Қашқадарё вилояти, ғарбда Навоий вилояти, шимолда Жиззах вилояти билан чегарадош.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 14 та туман (Жомбой, Булунғур, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Оқдарё, Нуробод, Каттакўрғон, Иштихон, Қўшробот, Пайариқ, Пастдарғом, Нарпай, Пахтачи), 2 та шаҳар (Самарқанд, Каттакўрғон) мавжуд бўлиб, 2017 йилнинг январь ҳолатига аҳоли сони 3635,3 минг киши ташкил этган бўлиб, майдони 16,8 минг км² ни ташкил қилади. Самарқанд вилоятининг умумий ер майдони 431,7 минг гектар бўлиб, шундан 183 минг гектари суғориладиган ерни, 248,8 минг гектари лалми ерни ташкил қилади.

Самарқанд деганда, аввало ўзининг буюк тарихи ва маданияти билан ҳақли равишда Шарқ гавҳари, Ер юзининг сайкали деб ном олган бетакрор ва хосиятли бир заминни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Самарқанд нафақат тарихий маданий шаҳар, балки дунёдаги нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ташриф буюрадиган, кўплаб учрашув ва мулоқотлар, анжуманлар бўлиб ўтадиган марказга айланиб бормоқда.

Вилоят ҳудудида миллатимиз ва юртимиз довуғини бутун оламга таратган бир минг икки юздан зиёд тарихий обидаларнинг мавжудлиги вилоятда туризм соҳасини жадал суръатлар билан ривожланиб боришига замин яратмоқда.

Жумладан, Регистон майдони, Шохи-зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек расадхонаси, Имом-Ал-Бухорий мажмуаси ва Маҳдуми Аъзам хонақоҳи каби тарихий обидалар вилоятда туризм соҳасини жадал суръатлар билан ривожланиб боришига замин яратмоқда.

Қолаверса, Каттакўрғонлик ҳунармандлар пиширган Шарқ ширинликлари мазаси оғиздан кетмайди. Чўпон таёғини кўлидан қўймай келаётган Нурободнинг чорвадорлари соҳанинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Булунғур, Жомбой, Тайлоқ ҳамда қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг яшил белбоғи ҳисобланган Самарқанд туманлари боғларида етиштирилаётган сархил ва ширин-шакар мевалар бугун нафақат юртимизда, балки жаҳонга машҳур. Бу ҳудудларда етиштирилаётган меваларнинг бир қисми тоза-табиий ҳолатда ва қайта ишланиб, экспортга чиқарилмоқда. Эътиборга лойиқ томони, аксарият уста дехконлар ердан бир йилда уч мартагача ҳосил олаётгани, томоркасида етиштирилаётган ҳосилни рўзғоридан орттириб, бозорга чиқариб қўшимча даромад олмоқда.

... Кўҳна Самарқанд замини Оллоҳнинг назари тушган илоҳий бир юрт сифатида азал-азалдан етти иқлимда маълуму машҳур бўлиб келади. Бугун бу қадимий замин халқимизнинг улуғ фарзанди, халқпарвар ва тинчликпарвар давлат арбоби, азиз ва меҳрибон Юртбошимиз Ислоҳ Абдуганиевич тугилиб ўсган ва мангу ором топган эсой сифатида ҳар биримиз учун янада қадрдон ва табаррук масканга айланди, десак, айни ҳақиқатдир.

Ш.Мирзиёев

Ургутлик тадбиркор ва ишбилармонларнинг доврўғи азалдан маълум ва машхур. Ушбу туманда саноатнинг бир неча тури муттасил равишда ривожланиб келаётгани, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топаётгани таҳсинга сазовор.

Пастдарғом, Пайарик, Пахтачи, Иштихон, Оқдарё ва Нарпай туманлари вилоят кишлок хўжалиги юқини елкасига олган. Бу туманларда дехкон ва фермерлар ғалла, пахта, пилла ва бошқа кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришмоқдалар.

Дашту далалардан иборат Қўшрабат туманида туғилиб ўсган кадрлар бугун мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча жабхалари юқсалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётгани эътирофга сазовор.

Вилоятда 70 дан зиёд сайёҳлик фирмалари ва бир йўла 4 минг нафардан кўпроқ меҳмонларни қабул қилиш қувватига эга бўлган 91 та меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 6 та илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтлари, 8 та олий ўқув юрти мавжуд.

Вилоятда саноат, кишлок хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳалар изчил ривожланмоқда.

Вилоят республиканинг йирик саноат марказларидан бири бўлиб, “Самарқанд автомобиль заводи”, “ЖВ МАН Авто”, “УргГазКарпет”, “Дака Текс”, “СамАнтепГилам”, “Пульсар Груп”, “Сиёб саховати” каби 3300 дан ортик саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

Самарқанд вилояти ўзининг ривожланган саноати ва кишлок хўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳлик салоҳияти билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида Самарқанд вилояти алоҳида ўрин тутди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида албатта кўп-кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳақда гапирганда, аввало, вилоят иқтисодиёти 2010 йилдан буён 1,7 баробар ўсганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда жаҳондаги энг юқсак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобиль заводида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, «Бритиш-Американ табакко», «Сам Антеп Гилам», «Амин Инвест» қўшма корхоналари, «Шарқ саноати» хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоят саноати ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Охири беш йилда вилоятда 100 дан ортик янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, айна пайтда уларнинг сони 259 гага етгани қувонарлидир. Мазкур корхоналарда йилига 2,5 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти яхлит иқтисодий тизимни ўзида ифодалаб, изчил иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик унинг элементлари ҳисобланган ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишига мустаҳкам боғлиқдир. Шундай ҳудудларда бири Самарқанд вилояти ҳисобланади. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий географик жойлашуви, улкан табиий ресурс салоҳияти ва унумдор серҳосил ер ресурслари билан Республиканинг етакчи ҳудудлари орасида алоҳида ўринга эгадир.

Кейинги йилларда вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Вилоят кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2010 йилда 3974,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 14060,4 млрд. сўмни ташкил қилган. 2017 йилда 15554,0 млрд. сўмга етказиш прогноз қилинган. 2010 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот киши бошига 1244,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3886,6 минг сўмни ташкил қилган. 2017 йилги прогноз кўрсаткичлар бўйича 4319,2 минг сўмга етказиш кўзда тутилган (8.1.1-жадвал).

Замонавий шароитларда ривожланган мамлакатларда кузатилаётган глобал молиявий инкироз шароитида ишсизлик муаммоси нафакат ижтимоий муаммолар, балки ялпи талабнинг пасайиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳам кескинлашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳаллий ҳомият органлари фаолиятининг асосий вектори, аввало, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Жадвал маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, банд аҳолининг 2010 йилдаги сони 1229,9 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1485,1 минг кишини ташкил қилган.

Вилоят иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий тенденция, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг ривожланиб бораётганлиги ҳисобланади. Хусусан, вилоятда 2010 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 1739,9 млрд. сўмни гашкил қилган бўлса, 2016 йилгача ушбу тенденцияда барқарор ўсиш кузатилиб, ушбу кўрсаткич 6021,0 млрд. сўмга етган. 2017 йилда эса 6489,9 млрд. сўмга прогноз қилинган.

8.1.1-жадвал

Вилоятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари⁷¹

№	Кўрсаткичлар номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
8.	ЯИМ жами, <i>млрд. сўм</i>	3974,4	4948,7	6317,9	8347,8	10278,8	12218,5	14060,4	15554,0
9.	киши бошига, <i>минг сўм</i>	1244,0	1500,3	1883,9	2445,7	2953,5	3442,4	3886,6	4319,2
10.	Аҳолининг сони йил охирига, <i>минг киши</i>	3270,8	3326,2	3380,9	3445,6	3514,8	3583,9	3651,7	3709,0
11.	Аҳолининг ўсиши, <i>минг киши</i>	51,8	55,4	54,7	64,7	69,2	69,1	67,8	74,65
12.	Банд аҳоли, <i>минг киши</i>	1229,9	1269,8	1314,4	1357,3	1402,5	1443,9	1485,1	1528,4
13.	Ишсиз аҳоли, <i>минг киши</i>	78,4	74,2	74,6	76,2	82,6	86,7	90,6	88,9
14.	Хизмат кўрсатиш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	1739,9	2290,4	2995,0	4032,0	4273,1	4847,4	6021,0	6489,9

2010–2017 йиллар мобайнида ишсиз аҳоли сонининг номинал мазмундаги ўсиши кузатилмоқда. Лекин, аҳоли сонининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнидаги ўсиш суръатига нисбатан ишсиз аҳоли сонининг паст даражада бўлаётганлиги натижасида умумий ишсизликнинг пасайиши кузатилмоқда.

Бандликни таъминлаш билан боғлиқ стратегик вазифа ижросида вилоят иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланиб бораётганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

8.2. Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан юқори ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 110,5%ни, 2011 йилда 111,3%ни ташкил этиб ушбу йилларда юқори ўсиш суръатлари кузатилган. 2016 йилда заиф ўқиш суръати кузатилган бўлса, 2017 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 108,5%га прогноз қилинган.

⁷¹ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят ЯИМда саноатнинг улуши 2010 йилда 26,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 22,4%ни ташкил қилган. 2017 йилда таҳлил қилинаётган кўрсаткич 23,9%ни ташкил этмоқда.

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

2016 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) номинал қиймати 11248,8 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 108,7 фоизни ташкил қилди.

Вилоятда ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйдаги 8.2.1-жадвалда келтирилган

8.2.1-жадвал

ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйдагича ифодаланади⁷²

	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида		2015 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
Жами	100,0	100,0	110,5
шу жумладан:			
саноат	15,8	16,5	111,5
қишлоқ хўжалиги	29,9	28,7	107,3
Қурилиш	8,4	8,6	112,4
транспорт ва алоқа	8,0	7,7	108,8
савдо ва умумий овқатланиш	9,2	9,4	114,1
Бошқалар	26,7	26,9	112,1
маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар	2,1	2,2	111,8

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 77,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан мос равишда 0,5 фоизли бандга кўп бўлди.

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 51675 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 30940 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 60,0 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 8,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 61,0 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 11,2 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 18,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

2016 йилда жами 5109 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,6 фоизи), Булунғур (10,2 фоизи), Иштихон (10,1 фоизи), Пайарик (9,0 фоизи) ва Ургут (8,5 фоизи) туманларига тўғри келади.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кейинги йилларда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Хизматлар соҳасининг улуши 2010 йилда 15,9%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 8,9%га камайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, 2010 йилда 73,6%дан 2017 йилда 79,2%гача ўсиши кутилмоқда. Хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши вилоят иқтисодиётининг нафақат макродаражада, балки мега

⁷² Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари.

даражадаги ракобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки, XXI асрнинг навбатдаги декадасида янги иқсодиётнинг энг асосий қонуниятлари– индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқсодиётига шиддат билан ўзгартириб бораётганлигидадир. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлигининг бош омилидир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқсодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

8.2.2-жадвал

Самарқанд вилоят иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯИМ тузилмаси⁷³

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
ЯҲМ	113,6	112,9	111,6	108,9	109,8	109,6	108,7	107,4
шу жумладан:								
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	113,4	112,9	111,5	108,9	109,8	109,6	108,7	107,4
Маҳсулотларга солиқлар соф	117,1	113,9	115,1	109,9	110,7	110,5	108,8	107,8
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	113,4	112,9	111,5	108,9	109,8	109,6	108,7	107,4
Қишлоқ хўжалиги	106,9	107,7	106,2	106,7	106,9	107,7	107,3	106,8
Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга)	123,1	113,5	115,7	112,7	112,2	113,2	109,9	107,2
Хизматлар	115,9	117,6	114,1	108,7	110,5	108,9	108,9	107,5
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	73,6	76,2	75,9	77,1	77,4	77,9	78,0	79,2

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

– биринчидан, вилоят аҳолиси меҳнат ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва истеъмол бозорини замонавий хизмат турларининг кенг арсенали билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдирмоқда;

– иккинчидан, хизматлар соҳаси юқори қўшимча қийматли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг алоҳида сегментини ўзида ифодалаб, иқтисодиётни интенсив ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда;

– учинчидан, хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти юқори капитал сифимини талаб қилмайди. Қолаверса, маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш орқали хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари каттадир;

– тўртинчидан, Самарқанд вилоятида долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликни олдини олишга қаратилган ислохотларда хизматлар соҳасининг роли ғоят юксак бўлмоқда. Чунки, хизматлар соҳасини кенгайтириш орқали вилоятда янги иш ўринларини яратиш бошқа соҳаларга нисбатан юқори самара бермоқда.


– бешинчидан, хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг кенг катламини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш имконияти натижасида уларнинг даромадларини ошириш ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигининг оширилишига олиб келади.

– олтинчидан, маҳаллий бюджетга тушумларни тушириш манбаи сифатида юқори имкониятларга эга эканлиги.

⁷³ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

8.3. Аҳоли бандлиги соҳасидаги туб ислохотлар ва унинг натижалари

2016 йилда ЯХМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланган, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида (8.3.1-расм).



8.3.1-расм. Самарқанд вилоятида 2016 йилда аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлиги⁷⁴

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15375 тани ташкил қилди.

Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 77,9 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 77,4 фоизни ташкил этган.

Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 84,1 фоизи (1214,9 минг киши)ни кичик тадбиркорлик (бизнес) секторида банд бўлганлар ташкил қилади. Банд бўлганларнинг 79,4 фоизи (1146,0 минг киши) хусусий сектор ҳамда 16,7 фоизи (240,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

8.4. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ишлар

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 124,8 фоизга ўсди ва 3130,9 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 55,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 107,2 фоизга ўсиб, 4918,9 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,4 фоизи) ташкил қилди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 65,5 фоизини ташкил қилди. 2016 йилда 272,5 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 82,2 фоизи миқдорида маҳсулот экспорти ва 403,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 57,6 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди (8.4.1-расм).


Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 61,3 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди. Қурилиш ишларининг 93,5 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектларининг автомобиль транспортида юк айланмаси 109,7 фоизга ўсди ва вилоят автомобиль транспорти юк айланмасининг 96,8 фоизини, йўловчи айланмаси эса 110,8 фоизга ўсиб, умумий йўловчи айланмасининг 82,9 фоизини ташкил этди.

⁷⁴ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 89,6 фоизи ёки 5404,1 млрд. сўми (ўсиш 116,6 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 58,8 фоизи ёки 1630,1 млрд. сўми (115,8 фоизга ўсган) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши куйидагича ифодаланади.



8.4.1-расм. Самарқанд вилоятида иқтисодий тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши⁷⁵

2016 йилда кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши (8.4.1-жадвал).

8.4.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2016 йилда кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши⁷⁶

Тармоқлар ва кўрсаткичлар	Хусусий тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	691,6	22,1
Курилиш	1496,4	78,9
Чакана савдо	4551,2	84,2
Пуллик хизмат	1455,0	89,3
Юк ташиш, млн. тн.	37,9	68,9
Йўловчи ташиш, млн. киши	439,1	93,6
Экспорт, минг АҚШ доллари	31697,0	11,6
Импорт, минг АҚШ доллари	56522,9	14,0

⁷⁵ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодий бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁷⁶ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодий бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

8.5. Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси таҳлили

Самарқанд вилояти узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини ривожлантириб келмоқда. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида асосий улушни кишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ташкил этади.

Вилоятга хорижий мамлакатлардан замонавий технологиялар, ускуналар ва материаллар келтирилади.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2016 йилда 1031,6 млн. АҚШ долларини ёки 2015 йилга нисбатан 97,1 фоизни, шу жумладан экспорт 331,6 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилга нисбатан 123,1 фоизни, импорт 700,0 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилга нисбатан 88,3 фоизни ташкил қилди.

Вилоят ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари қуйидаги 8.5.1-жадвалда келтирилган.

8.5.1-жадвал

Самарқанд вилояти ташқи савдо айланмаси (2015–2016 йй.), млн. АҚШ dollari⁷⁷

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	1062,1	1031,6	97,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	338,4	392,3	115,9
бошқа хориж мамлакатлари	723,7	639,3	88,3
Экспорт	269,2	331,6	123,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	164,2	218,0	132,8
бошқа хориж мамлакатлари	105,0	113,6	108,1
Импорт	792,9	700,0	88,3
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	174,1	174,3	100,1
бошқа хориж мамлакатлари	618,8	525,7	85,0

8.6. Вилоятда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2016 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 5652,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 113,8 фоизни ташкил этди.

2016 йилда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидаги 8.6.1-жадвалда келтирилган.

8.6.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2016 йилда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши⁷⁸

Кўрсаткичлар	млрд. сўм	2015 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Маҳсулот ишлаб чиқариш	5652,2	113,8.
шу жумладан:		
ёқилғи	1,8	150,9
кора металлургия	20,7	110,7
рангли металлургия	1,1	29,4
кимё ва нефт-кимё	234,9	123,0
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	929,4	106,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	95,5	128,8
қурилиш материаллари	230,5	123,4
енгил саноат	1388,0	123,5

⁷⁷ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁷⁸ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

озик-овқат саноати	2245,4	109,9
саноатнинг бошқа тармоқлари	504,9	125,4
Истеъмол товарлари	3387,9	108,2
шу жумладан:		
озик-овқат маҳсулотлари	1357,6	111,7
ноозик-овқат маҳсулотлари	1964,0	105,7
ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво	66,3	114,0

Вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

8.7. Вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари


Вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерлари барча қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича мўл ҳосил етиштириб, бу йилги мавсумни ҳам юксак меҳнат ютуқлари билан якунлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Шавкат Мирзиёев

2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 4997,2 млрд. сўмни ва 2015 йилга нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 3082,8 млрд. сўмни (2015 йилга нисбатан 107,6 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 1914,4

млрд. сўм (2015 йилга нисбатан 106,8 фоиз) ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 61,6 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 38,4 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши куйидагича (8.7.1-расм) келтирилган.



8.7.1-расм. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, фоиз ҳисобида⁷⁹

Ҳосил йиғими. 2017 йил 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1584,4 минг тонна сабзавотлар (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 фоизга кўп), 375,0 минг тонна мева ва резаворлар (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 1,3 фоизга (жами 1425,2 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сизирлар 0,9 фоизга (610,6 минг бош), кўй ва эчкилар 3,7 фоизга (2150,7 минг бош), паррандалар 5,3 фоизга (8603,8 минг бош) кўпайди.

2016 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 244,4 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 6,3 фоизга кўп), 1132,3 минг тонна сўт (6,4 фоизга кўп), 1062,0 млн. дона тухум (13,0 фоизга кўп) етиштирилди.

⁷⁹ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодийёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

8.8. Вилоятнинг инвестицион фаоллиги

Вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва саноат тармоқларини техник модернизация ишларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни барпо этиш имконини яратиб бермоқда. Ҳудудлар инвестицион фаоллиги бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

2016 йилда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2767,1 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар киритилди, ўсиш суръати 116,7 фоизни ташкил қилди. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйидаги 8.8.1-жадвалда келтирилган.

8.8.1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)⁸⁰

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича				
		Республика бюджети	Корхоналар ва аҳоли маблағлари	Хориж инвестициялари ва кредитлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари
Жами	2767,1	2,3	70,2	2,4	15,3	9,8
шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	492,9	8,0	33,8	1,4	1,2	55,6
нодавлат	2274,2	1,0	78,1	2,6	18,3	-

Самарқанд вилояти туманлари кесимида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2010–2016 йиллардаги динамикаси қуйидаги 8.8.2-жадвалда келтирилган).

⁸⁰ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда туманлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот

	2010		2011		2012		2013		2014		2015		2016	
	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %
Вилоят бўйича жами	878,8	140,7	1113,2	111,5	1356,6	110,9	1813,2	120,0	2185,7	103,4	2854,0	117,1	3321,4	105,8
Самарқанд ш.	304,1	120,8	442,7	128,2	523,9	107,7	782,0	139,9	922,1	104,3	1149,4	104,1	860,1	68,0
Каттқўрғон ш.	4,4	106,2	9,7	193,7	32,8	2,1м	37,0	100,6	30,0	100,5	49,1	158,8	688,3	54,4
Оқдарё	24,6	161,4	26,5	100,7	45,6	166,9	63,6	116,6	74,5	102,9	119,7	133,7	161,6	122,7
Булунғур	20,2	73,8	23,1	100,6	383	151,1	49,0	113,6	62,6	101,7	94,5	151,6	91,5	88,1
Жомбой	23,7	114,9	29,2	108,4	51,5	160,2	70,6	102,3	633	100,2	693	110,2	104,8	137,5
Иштихон	22,0	86,1	29,5	118,0	45,4	140,1	573	112,5	55,4	101,2	723	112,9	112,3	141,1
Каттқўрғон	23,7	88,8	33,2	123,1	66,4	182,0	77,8	104,5	86,9	102,8	1193	123,1	120,2	91,7
Кўшробод	14,4	126,5	18,5	135	28,4	144,5	41,0	130,8	60,5	111,6	87,8	137,9	73,4	77,1
Пайарик	37,8	154,9	393	100,2	50,9	118,0	65,1	113,9	71,5	102,8	122,5	140,9	97,1	72,0
Пастдарғом	33,4	76,0	30,8	81,1	58,8	174,0	72,1	109,1	106,5	102,5	120,4	116,6	133,4	100,7
Пахтачи	17,6	85,9	27,1	135,5	32,7	110,0	46,0	125,0	48,5	103,4	95,1	179,1	86,4	82,6
Самарқанд	33,4	127,3	45,7	120,6	94,7	192,3	108,7	100,2	144,3	103,7	183,0	125,3	177,7	883
Нарпай	27,2	136,7	30,6	98,7	36,3	108,1	52,4	128,7	61,8	101,5	72,5	110,0	94,0	117,3
Нуробод	23,7	91,3	56,1	2,1м	30,6	105,6	51,0	148,4	126,5	104,6	160,6	115,3	97,1	55,0
Гайлоқ	25,5	131,5	27,8	96,2	52,4	171,3	593	100,8	74,5	101,6	113,1	149,7	106,1	85,3
Ургут	84,4	164,2	53,8	100,4	85,5	144,7	96,7	100,7	128,8	102,7	157,6	134,6	174,0	100,4

Вилоятда 2016 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмидан 1341,6 млрд. сўми ёки 48,5 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, ноишлаб чиқариш тармоқларига эса 1425,5 млрд. сўм ёки 51,5 фоизи йўналтирилди.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 894,3 млрд. сўмни ёки 32,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2016 йилда умумий майдони 1327,2 минг м. кв. бўлган 7489 та хонадон (2015 йилга нисбатан 104,9 фоиз), шу жумладан кишлоқ жойларида 1292,8 минг м.кв. (105,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Давлат бюджети ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига умумтаълим мактаблари, мусика ва санъат мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларига спортзаллар қуриш ва реконструкция ишлари учун 43,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 3,6 фоизини ташкил қилди.

Касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш ишларида 6,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 3,6 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 316,3 км узунликдаги ичимлик суви, 64,6 км узунликдаги газ тармоқлари фойдаланишга топширилди, бу 2014 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 105,3 фоизни ва 2,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик суви тармоқлари 99,6 фоизи ва газ тармоқларининг (100 фоизи) барчаси кишлоқ жойларга тўғри келди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 1508,7 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 6188,2 млрд. сўм, давлат бюджети ҳисобидан 8894,5 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 7551,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

2016 йилда 1895,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 87,3 фоизи янги қурилиш ва корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техникавий қайта қурилантиришга тўғри келади.

8.9. Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва истикболлар

2017 йилнинг 6 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан (прогноз 108,7 %) 108,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (110,5 %) 107,1 фоизга, кишлоқ хўжалиги (106,2 %) 106,6 фоизга, хизматлар (112,1 %) 112,1 фоиз ва қурилиш ишлари (112,6) 112,7 фоизга ўсиши таъминланди (8.9.1-жадвал).

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 73,1 фоизи кичик бизнес соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, ўтган йилга нисбатан 0,9 бандга ошди.

8.9.1-жадвал

2017 йил 6 ойлигида Самарқанд вилоятининг макроиктисодий кўрсаткичлари⁸¹

	2017 йил (млрд сўм)	2016 йил 6 ойига нисбатан (%) да)
ЯҲМ	6644,8	107,6
Саноат	4464,3	107,1
Қишлоқ хўжалиги	2391,5	106,6
Истеъмол товарлари	2913,6	106,1
Инвестициялар	1767,5	
Қурилиш	1401,4	113,1

⁸¹ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар 8.9.2-жадвалда келтирилган.

8.9.2-жадвал

2017 йил январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келади⁸²

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	Чакана товар айланмаси	Жами хизматлар	Ўртача ойлик иш ҳақи
794914	1191562	840706	1143360,7

Жами саноатнинг 61,4 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг 84,3 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

2017 йилнинг олти ойлигида вилоятда жами 4,5 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди.

2017 йил 6 ойлик маҳаллий бюджет кўрсаткичлари 8.9.3-жадвалда келтирилган.

8.9.3-жадвал

2017 йил январь-июнь ойларида маҳаллий бюджет кўрсаткичлари⁸³

Бюджет	Даромад (млрд. сўм)	Харажат (млрд. сўм)	Субвенция	Улуши(%)
2017 йил	699,0	1114,0	199,0	25,4

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 3 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган халқ истеъмол молларининг 48,86 фоизи (1406,8 млрд. сўм) озиқ-овқат маҳсулотларига ва 51,7 фоизи (1506,8 млрд. сўм) ноозиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йил якуни билан 2112,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,6 фоизни ташкил этди.

Жами хизматлар кўрсатиш ҳажми 2017 йилнинг 6 ойида жами 2,9 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 112,1 фоизни ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида 2017 йил январь-июнь ойларида ҳудудий тасарруфдаги 10 та корхонанинг 30 та лойиҳаси бўйича 30 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш прогнози ортиғи билан 31,0 млрд. сўмга бажарилди.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 8.9, саноат ишлаб чиқаришини 12.1, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 6.3, қурилиш пудрат ишларини 13.2, чакана савдони 13.7, хизматлар кўрсатишни 12.0 фоизга кўпайтириш 2017 йилнинг асосий устувор вазибаларидир.

2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури асосида қиймати 1,8 трлн. сўмлик 2293 та лойиҳа амалга оширилиши ва 23 минга яқин янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Ушбу лойиҳаларга тижорат банкларининг 1,1 трлн. сўмлик кредитлари ажратилиши режалаштирилган.

Сохалар бўйича:

– саноатда қиймати 915,4 млрд. сўмлик 405 та лойиҳа бўйича ишлар олиб бориш, бунинг натижасида 9494 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 575,8 млрд. сўмлик банк кредитлари ажратилиши режалаштирилган.

– хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати 351,8 млрд. сўмлик 1283 та лойиҳа бўйича ишлар олиб бориш режалаштирилган бўлиб, 8766 та янги иш ўринлари яратиш

⁸² Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁸³ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

режалаштирилган. Ушбу мақсадларга 113,1 млрд. сўмдик банк кредитлари йўналтирилади;
– кишлоқ хўжалигида қиймати 538,2 млрд. сўмлик 605 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида 4270 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 361,7 млрд. сўмлик банк кредитлари ажратиш режалаштирилган.

Барча йўналишлар бўйича лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган ишларнинг аниқ муддатлари ва масъуллари белгилаб олинган.

Ўтган 6 ой якуни билан қиймати 324,8 млрд. сўмлик 795 та лойиҳа амалга оширилган ва 5336 та янги иш ўринлари яратилган. Бунинг учун тижорат банкларининг 127.3 млрд. сўмлик кредитлари ўзлаштирилиб, кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди.

2017 йилнинг кейинги 6 ойида режа бўйича қиймати 274.5 млрд. сўмлик 630 та лойиҳа асосида ишлар олиб борилади ва натижада 4470 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 118.9 млрд. сўм. банк кредитлари йўналтирилади. Шунингдек, саноат йўналишида қиймати 105.0 млрд. сўмлик 98 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилиб, 1469 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 34,1 млрд. сўм миқдорида банк кредитлари режалаштирилган.

Саноат йўналишида қиймати 121.6 млрд. сўмлик 111 та лойиҳалар фойдаланишга топширилди ва уларнинг негизида 1778 та янги иш ўринлари яратилиб, 28,8 млрд. сўмлик банк кредитлари ўзлаштирилди.

Саноат соҳасида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни тармоқлар кссимида таҳлил қилганда, лойиҳаларнинг 51 таси озик-овқат маҳсулотлари, 5 таси енгил саноат, 40 таси курилиш материаллари, 12 таси кимё саноат, 12 таси чарм-пойбзал саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Жумладан: Самарқанд шаҳаридаги “Прайм керамика” МЧЖ томонидан қиймати 15.0 млрд. сўмлик керамик плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 125 та янги иш ўринлари яратилди. Бунинг хисобига йилига 45,0 млрд. сўмлик 1.5 млн. кв. м керамика плиткалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

“Самарқанд Энгланд Эко Медикал” МЧЖ томонидан қиймати 14.4 млрд. сўмлик дори воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 60 та янги иш ўринлари яратилган. (қуввати 8 млн. дона таблетка шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқарилади).

Қатгақўрғон шаҳарида “Хонк Хиянг груп” МЧЖ томонидан қиймати 800 млн. сўмлик мотороллер ва мотоцикл ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 20 та янги иш ўринлари яратилган. 4,0 млрд. сўмлик 6,0 минг дона мотороллер ва мотоцикл ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 100.0 млрд. сўмлик 449 та лойиҳа амалга оширилиб, 2373 та янги иш ўринлари яратилган. Бунинг учун 37 млрд. сўмлик банк кредитлари жалб қилинди.

2017 йилнинг дастлабки 6 ойида режа бўйича қиймати 66.4 млрд. сўмлик 310 та лойиҳа бўйича ишлар олиб бориш режалаштирилган бўлиб, 1754 та янги иш ўринлари яратилган. Бу мақсадлар учун 22.1 млрд. сўм банк кредити йўналтирилган.

Жумладан, Самарқанд шаҳарида “ЮГ ЭМ” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 10.0 млрд. сўмлик савдо маркази ташкил этилиб, 25 та янги иш ўринлари яратилди.

“Андромеда стар” оилавий корхонаси томонидан қиймати 900 млн. сўмлик меҳмонхона хизмати ташкил этилди ва 36 та янги иш ўринлари яратилди.

Кишлоқ хўжалигида қиймати 103.6 млрд. сўмлик 235 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 1185 та та янги иш ўринлари яратилиб, 61.5 млрд. сўмлик тижорат банкларининг кредитлари ўзлаштирилди.

Белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 770 гектар майдонда замонавий интенсив боғлар, 10.2 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар, 2029 бош чорва моллари, 887.2 минг бош паррандалар, 3310 дона асалари оилалари, 109 гектар майдонда балиқ ҳавзалари ташкил қилинди. Жумладан, Оқдарё туманидаги “Даромад файз омад” МЧЖда 2 гектар майдонда замонавий иссиқхона, Қўшработ туманидаги “Октепа унумдор

замини” фермер хўжалигида 160 гектар ёнғокзор, Жомбой туманида “Сағ агро” МЧЖ томонидан 140 гектар майдонда ёнғокзор, Самарқанд туманидаги “Илонсой парранда” МЧЖда қиймати 22 млрд. сўмлик йирик паррандачилик комплекси ишга туширилди.

Дастурга мувофиқ, 2 ярим йилликда қиймати 1.4 трлн. сўмлик жами 1498 та лойиҳа амалга оширилиб, 17.5 мингта янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Бунинг учун тижорат банкларининг 892 млрд. сўмлик кредит маблағлари ўзлаштирилади.

Саноатда 299 та лойиҳа, қиймати 730.4 млрд. сўм. Яратиладиган иш ўрни 7915 та. Жалб этиладиган кредит маблағлари 504.5 млрд. сўм.

Қишлоқ хўжалигида 373 та лойиҳа, қиймати 384.7 млрд. сўм. Яратиладиган иш ўрни 3221 та. Жалб этиладиган кредит маблағлари 311 млрд. сўм.

Хизмат кўрсатишда 826 та лойиҳа, қиймати 248.3 млрд. сўм. Яратиладиган иш ўрни 6338 та. Жалб этиладиган кредит маблағлари 76.5 млрд. сўм.

8.10. Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2.1 мингта кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 17.0 минтага етди (8.10.1-жадвал).

8.10.1-жадвал

2017 йил январь-июнь ойларида кичик бизнес кўрсаткичлари⁸⁴

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари	16813 та
Фаолият кўрсатаётганлари	15862 та
Ташкил этилганлари	2121 та
Оилавий корхоналар сони	1435 та
Қўшма корхоналар сони	277 та
Тижорат банклари кредит маблағлари	800,0 млрд сўм
Узоқ муддатга	256,0 млрд сўм
Қисқа муддатга	544,0 млрд сўм

2017 йилнинг 6 ойлик якунига кўра ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 72.1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0.1 бандга ошган.

Жумладан:

– саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 59.3 фоизни, ўтган йилга нисбатан 7.9 бандга;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 91.1 фоизни, ўтган йилга нисбатан 0.4 бандга;

– асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 67.6 фоизга ўтган йилга нисбатан 8.2 бандга;

– қурилиш ишларида 95.0 фоизни, ўтган йилга нисбатан 1.2 бандга;

– жами хизмат кўрсатишда 72.8 фоиз, ўтган йилга нисбатан 11.6 бандга ошган.

Шу билан бирга меҳнатда банд аҳоли сонининг 48.4 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этмоқда.

2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес улуши 8.10.2-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 декабрдаги 662-Фсонли фармойишига асосан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш мақсадида 2017 йилнинг 6 ойи давомида 1573 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 147.6 минг метр квадрат биноиншоотлар ижарага берилиб, натижада 2400 дан зиёд янги иш ўринлари яралди.

Вилоятда тижорат банклари томонидан ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағни

⁸⁴ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар ажратилиб келинмоқда.

8.10.2-жадвал

2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодий тармоқларида кичик бизнес улуши (%)⁸⁵

ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш ишлари	Жами хизматлар	Экспорт	Импорт	Бандлик
72,1	59,3	95,0	95,0	72,8	87,0	55,9	84,4

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун жорий йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида 800.0 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредит маблағларидан 256.0 млрд. сўми узок муддатга ва 544.0 млрд. сўми қисқа муддатга берилди.

Тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1120.0 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратилиши белгиланган.

8.11. Экспортни ривожлантириш

Самарқанд вилоятида январь-июнь ойларида жами 170 та корхона томонидан 80.1 млн. АҚШ долларилек, шундан 90 та саноат корхонаси томонидан 28.2 млн. АҚШ доллари, 80 та корхона томонидан 51.9 млн. АҚШ долларилек мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Вилоятдаги 16 та шаҳар ва туманларнинг барчасида экспорт амалга оширилди.

Саноат маҳсулотлари экспорти 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1.7 баробарга ўсди. Экспорт фаолиятига 43 та янги саноат корхонаси жалб этилиб улар томонидан 7.3 млн. АҚШ доллари экспорт амалга оширилди. Вилоятда биринчи марта тухум, узум шинниси, узум данаги, лапша, латекс елими, яхна чой маҳсулотлари экспорт қилинди. (экспортни ривожлантириш бўйича 2017 йилнинг 6 ойлик ижроси 6-иловада келтирилаган).

2017 йил 1-ярим йиллигида 68.2 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109.2 фоиз ўсишга эришилди. Вилоятда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари илк бора Покистон, Малайзия давлатларига етказиб берилди.

8.12. Ургут туманида “Эркин иқтисодий зона”ни ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва амалга оширилаётган ишлар

Жорий йилнинг 12 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ургут», «Ғиждувон», «Кўкон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сонли фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелда “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-196-сонли қарори қабул қилиниб, Ургут ЭИЗнинг низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4931 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоятнинг Ургут, Пастдарғом ва Нуробод туманлари ҳудудидан суғорилмайдиган, унумдорлиги паст лалми жойлардан жами 816 гектар ер майдони ажратиш белгиланди. Шу жумладан:

1. Ургут туманида жами 390 гектар ер майдони.
2. Пастдарғом туманида 66,0 гектар ер майдони.
3. Нуробод туманида 360,0 гектар ер майдони.

⁸⁵ Самарқанд вилояти ҳокимлиги иқтисодий тармоқлари бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Лойиҳалар: 281.1 млн. АҚШ доллари 80 та лойиҳа (шундан 208.9 млн. АҚШ доллари банк кредити, 65.2 млн. АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан ва 7.05 млн. АҚШ доллари хорижий инвестиция) бўйича дастлабки таклифлар олинди.

Яратиладиган иш ўрни сони: 5774 та.

Лойиҳаларни ишга тушириш муддати: 2017–2018 йиллар.

Лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 1 трлн. 561.0 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, шу жумладан 24.7 млн. АҚШ доллари миқдорида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда 49.0 млн. АҚШ долларлик экспортга мўлжалланган маҳсулотлар чиқарилиши кутилмоқда.

Шу жумладан, ЭИЗнинг “Ургут-2” бўлими (Сазаған массиви) бўйича 10.2 млн. АҚШ долларлик 6 та лойиҳа (ўз маблағи 2.4 млн. АҚШ доллар, 7.8 млн. АҚШ доллар банк кредити, 280 та янги иш ўрни) бўйича дастлабки таклифлар олинди.

ЭИЗ иштирокчилигига номзодларнинг лойиҳаларини тузишда ва кўриб чиқиш учун қабул қилишда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг авваломбор, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоплигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан,

– мева-сабзовотларни сақлаш ва қайта ишлаш озиқ-овқат саноати соҳасида 11 та лойиҳа, қиймати 11.4 млн. АҚШ доллари, 345 та янги иш ўринлари яратилади;

– тўқимачилик ва тайёр кийим-кечаклар соҳасида 29 та лойиҳа, қиймати 168.2 млн. АҚШ доллари, 2983 та янги иш ўринлари яратилади;

– қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5 та лойиҳа, қиймати 5.06 млн. АҚШ доллари, 118 та янги иш ўринлари яратилади;

– чарм пойавзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида 7 та лойиҳа, қиймати 11.6 млн. АҚШ доллари, 410 та янги иш ўринлари яратилади;

– фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида 4 та лойиҳа, қиймати 24.8 млн. АҚШ доллари, 340 та янги иш ўринлари яратилади;

– маиший ва электротехника буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида 8 та лойиҳа, қиймати 15.5 млн. АҚШ доллари, 505 та янги иш ўринлари яратилади;

– кимё саноати, полимер ва пластик маҳсулотлар соҳасида 13 та лойиҳа, қиймати 39.3 млн. АҚШ доллари, 895 та янги иш ўринлари яратилади;

– бошқа йўналишлар соҳасида 4 та лойиҳа, қиймати 5.3 млн. АҚШ доллари, 178 та янги иш ўринлари яратилади.

Ҳозирги кунда 33 та ташаббускор томонидан лойиҳаларнинг техник иқтисодий асослари (ТЭО) ҳужжатлари тайёрланиб, ўрганиб чиқиш учун “Ургут” ЭИЗ Маъмурий кенгашига тақдим этилган. Жумладан:

1. “URGAZ CARPET” МЧЖ томонидан “Эркаклар ва аёллар жинси шимлари ишлаб чиқариш комплекси қуриш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 3.9 млн. АҚШ доллари (шундан 2.8 млн. АҚШ доллари ТИФ Миллийбанк кредити, 1.05 минг АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 195 та.

2. “IDEAL ELEKTRO LYUKS” МЧЖ томонидан “Электродуховка ва газ плиталари ишлаб чиқариш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 4.03 млн. АҚШ доллари (шундан 3.03 млн. АҚШ доллари Миллийбанк кредити, 500.0 минг АҚШ доллари ўз маблағи ва 500.0 минг АҚШ доллари хорижий инвестиция ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 120 та.

3. “ALNAZAR ORZU SERVIS” МЧЖ томонидан “Одеял маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 8.6 млн. АҚШ доллари (шундан 6.3 млн. АҚШ доллари ТИФ Миллийбанк кредити, 2.3 минг АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 130 та.

4. “SAM NEGIN” МЧЖ томонидан “Кундзугейт полиэфир тола, палос-ковролин, геотекстил, сунъий чарм учун асос ва синтепон ишлаб чиқариш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 11.02 млн. АҚШ доллари (шундан 8,5 млн. АҚШ

доллари Миллийбанк кредити, 2.5 млн. АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 130 та.

5. “LIBELLIUS PHARM” МЧЖ томонидан “Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 10.6 млн. АҚШ доллари (шундан 6.6 млн. АҚШ доллари Асака банк кредити, 2,0 минг АҚШ доллари ўз маблағи ва 2.0 млн. АҚШ доллари хорижий инвестиция ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 100 та.

6. “BIG-PET-PLAST” МЧЖ томонидан “Пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда ўсимлик мойини қадоклаб сотиш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 2.5 млн. АҚШ доллари (шундан 1.5 млн. АҚШ доллари “Ипак йўли” банк кредити, 1.0 млн. АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 100 та.

7. “DODI BOBO” МЧЖ томонидан “Бир марталик тиббий буюмлар (шприц ва кўлкошлар) ишлаб чиқариш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 9.0 млн АҚШ доллари (шундан 8.0 млн. АҚШ доллари Асакабанк кредити, 1.0 млн. АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 100 та.

8. “CHINA SAM POYAVZALI” МЧЖ томонидан “Синтетик толали материаллар ишлаб чиқариш комплекси қуриш” лойиҳасининг техник иқтисодий асослари. Лойиҳа қиймати 800.0 минг АҚШ доллари (шундан 400.0 минг АҚШ доллари Миллийбанк кредити, 400,0 минг АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобидан), яратилиши кутилаётган янги иш ўринлари 50 та.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида коммуникация гармоқларини қуриш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

8.13. Самарқанд вилоятини келгуси беш йилда ривожланиш бўйича иқтисодий дастури

Вилоятда келгуси беш йилда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати 2 триллион 300 миллиард сўмлик 900 дан ошiq лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, 2017–2021 йиллар давомида енгил саноатда умумий қиймати 240 миллиард сўмлик 105 та инвестиция лойиҳаси жорий этилади. Бунинг натижасида вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражасини кескин ошириш мўлжалланаётганини таъкидлаш лозим.

Мисол учун, 2018–2019 йилларда Самарқанд шаҳрида «Некс текстиль» корхонаси томонидан 21 миллиард сўмлик сармоя ҳисобига 6 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш ташкил этилади. Жомбой туманида 37 миллион евро инвестиция киритиш орқали 10 миллион квадрат метр тайёр материал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона барпо этилади.

Ҳозирги вақтда Навоий, Жиззах ва Ангрен ҳудудларида ташкил этилган эркин индустриал зоналар самарали фаолият кўрсатаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Эндиликда бу ижобий тажриба кенгайтирилиб, Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида «Ургут» эркин индустриал зонаси ташкил этилади.

Озиқ-овқат саноатида келгуси беш йилда умумий қиймати 425 миллиард сўм бўлган 261 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада мевани қайта ишлаш даражаси бугунги кундаги 12,5 фоиздан 2021 йилга бориб қарийб 36 фоизга, сабзавотларни қайта ишлаш эса 22 фоиздан 38 фоизга етказилади.

Енгил, чарм-пойабзал, фармацевтика саноатида 351 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан 303 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шулар каторида, кимё,

электр техника, машинасозлик ва бошқа соҳаларда жами 1 триллион 300 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, 233 та ишлаб чиқариш объекти ташкил этилади.

2017–2021 йилларда **текстиль ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастурига** мувофиқ вилоятда умумий қиймати 240 миллиард сўмлик 105 та лойиҳа ишга туширилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд Евро Азия Текстиль» корхонасида келгуси йилда 25 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан йилига 15 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, «Самарқанд Аппарел» корхонасига 3 миллион доллар инвестиция маблағи жалб этилиб, 500 та янги иш ўрни яратилади ва йилига 3 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда келгуси беш йилда вилоятда умумий қиймати 290 миллиард сўмлик икки юздан ортиқ лойиҳа амалга оширилади ва 5 мингга яқин янги иш ўрни очилади. Масалан, Нарпай туманида 2017–2018 йиллар мобайнида «Нарпай Ифтихор Саноати» корхонаси томонидан 55 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, йиллик қуввати 540 минг тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш заводи ишга туширилади.

Келгуси беш йилда **ҳудудий экспорт** ҳажмини камида 2 баробарга ошириш, яна 150 га яқин корхонани жалб этиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналар сонини 3 баробарга кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, пахта майдонларини оптималлаштириш, сабзавот ва боғдорчиликни кенгайтириш, кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш, ирригация-мелиорация тизимини яхшилаш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхона хўжалиги ва бошқа йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги тобора долзарб бўлиб бораётганини инобатга олиб, 2021 йилгача картошка етиштиришни 1,5 баравар, сабзавотни - 1,7 баравар, мева ва узумни - 2 баравар, гўшт ва сут маҳсулотларини - 1,5 баравар, балиқни 2,5 баравар кўпайтириш, шунингдек, уларни қайта ишлашни кенгайтириш зарур.

8.14. Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш истикболлари

Маълумки, ҳозирги кунда Самарқанд нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тан олинган сайёҳлик марказларидан бири ҳисобланади. Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, қадим цивилизацияларни ўзида мужассамлаштирган Самарқанд бугунги кунда ҳам бутун дунё эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, энг аввало, ҳар қандай инсонни ўзига мафтун қиладиган, бир кўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган Шарк гавҳари - гўзал ва буюк Самарқанд шаҳри ҳаёлимизда намоён бўлади.

Самарқанд нафақат ўзининг бетакроп меъморий обидалари, сўлим табиати, айна пайтда бағрикенг ва меҳмондўст халқи, ширин-шакар, сархил мевалари, энг муҳими, қулай инфратузилма тармоқлари билан ҳам ном қозонган.

Самарқанднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида яқин беш йилда вилоятда 40 дан зиёд янги меҳмонхона қуриш ва 12 та меҳмонхонани кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида меҳмонхоналардаги ўринлар сони 7 мингтага етади ёки ҳозиргига нисбатан 1,5 баробар кўпаяди.

Самарқанддаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилади. Қадимда шаҳар атрофида Амир Темур бобомиз қандай машҳур боғлар барпо этганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ана шу гўзал боғларни қайтадан тиклаб, улар туризм маршрутлари йўналишига киритилади ва янада ривожлантирилади.

Шу борада Ургут туманидаги Тахтакорача довони ва Юкори чинор, Самарканд туманидаги Охалик ва Миронқўлда 20 га якин экотуризм маскани, Самарканд, Тойлок ва Жомбой туманларида 10 га якин агротуризм объекти барпо этилади.

Маълумки, ҳозирги кунда Самарканд нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тан олинган сайёҳлик марказларидан бири ҳисобланади. Буюк Ипак йўлининг чоррахасида жойлашган, қадим цивилизацияларни ўзида мужассамлаштирган Самарканд бугунги кунда ҳам бутун дунё эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Самарканд нафақат ўзининг бетакрор меъморий обидалари, сўлим табиати, айна пайтда бағрикенг ва меҳмондўст халқи, ширин-шакар, сархил мевалари, энг муҳими, қулай инфратузилма тармоқлари билан ҳам ном қозонган.

Самарканднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида якин беш йилда вилоятда 40 дан зиёд янги меҳмонхона қуриш ва 12 та меҳмонхона кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида меҳмонхоналардаги ўринлар сони 7 мингтага етади ёки ҳозиргига нисбатан 1,5 баробар кўпаяди.

8.15. Вилоят иқтисодий дастурининг истиқболдаги асосий йўналишлари

Биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, 2016 йил 5 октябрдаги фармон билан тасдиқланди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ-қовларни бартараф этишга қаратилган ушбу дастур доирасида Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан уларга ажратиладиган кредитлар миқдорини келгуси беш йилда 2 бараварга кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, 15 мингга якин янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини ташкил этишга ҳар томонлама кўмак бериб, уларнинг сонини 30 мингтага етказиш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури ишлаб чиқилиб, 2016 йил 21 октябрдаги қарор билан тасдиқланди.

Унга кўра, 2017 йилда мамлакатимизда қишлоқ жойларда 15 мингта, жумладан, Самарканд вилоятида 1 минг 314 та ана шундай уй-жой барпо этиш режалаштирилмоқда. Айна вақтда, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларимиз давом эттирилади. Дастурга мувофиқ, Самарканд вилоятида 2017 йилда 448 квартирали 28 та кўп қаватли уй, ер майдони 2 сотих бўлган, 2–3 хонадан иборат 470 та уй, ер майдони 4 сотих бўлган, 4 хонадан иборат 330 та икки қаватли уй қурилади.

Учинчидан, Ҳудудий автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Шу асосда, Самарканд вилоятида келгуси беш йилда 428 километр автомобиль йўллари реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, 600 километр йўлни жорий таъмирлаш мўлжалланмоқда.

Тўртинчидан, Шаҳар ва қишлоқларда транспорт таъминотини янада яхшилаш дастури тайёрланмоқда.

Самарканд вилоятида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида кейинги беш йилда 97 та янги йўловчи транспорт йўналиши ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 386 тага етказилди.

Бу ишларнинг изчил давоми сифатида вилоятдаги барча аҳоли пунктларида транспорт хизматларини йўлга қўйиш, транспорт паркини босқичма-босқич янгилаш назарда тутилмоқда. Жумладан, яқин беш йилда яна 280 та автобус олиб келиб, Самарқанд вилоятида маршрутларга чиқариш, 188 та замонавий автобекат барпо этиш ва реконструкция қилиш, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун 31 та янги йўналиш ташкил қилиш ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бу соҳадаги темир йўл вокзалидан Сартепа массивига трамвай қатнови йўлга қўйилди.

Бешинчидан, Қишлоқ жойларда ичимлик сув таъминоти тармоқларини кенгайтириш ва модернизациялаш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Дастур доирасида келгуси беш йилда вилоятда 87 километр магистрал ва 894 километр маҳаллий сув тармоғи, 336 та сув кудуғи, 272 та сув минораси, 6 та сув ҳовузи, 312 та насос станцияси, 300 дан ортик сувни зарарсизлантириш иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Ушбу тадбирларга 135 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирилади.

Мисол учун, 2018 йилгача Қўшработ туманида жами 36 миллион доллар маблағ, шу жумладан, халқаро молия институтларининг қарийб 30 миллион доллар кредити ҳисобига туман маркази ва 78 та қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилади. Шунингдек, 2020–2024 йилларда Халқаро ривожланиш агентлиги иштирокида 64 миллион доллар сармоя эвазига Каттакўрғон шаҳрининг сув таъминоти тизими реконструкция қилинади.

Олтинчидан, Кўмир таннархини ва аҳолига харид қийматини пасайтириш, шунингдек, қиш мавсумида кўмир маҳсулоти билан чайковчилик қилишни ва нархларнинг ошиб кетишини бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Еттинчидан, Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергиясидан фойдаланишини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Дастурда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш, усқуналардан фойдаланиш муддатларини узайтириш, электр узатиш тармоқларининг қувватини ошириш сингари зарур чоралар белгиланган.

Келгуси беш йилда вилоят электр энергияси тармоқларининг 650 километрини капитал ва 2 минг 110 километрини жорий таъмирлаш режалаштирилаётгани бу ишларнинг кўлаמידан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан Пастдарғом туманида 100 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш бошланган бўлиб, унинг ишга туширилиши вилоятда энергия таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

Саккизинчидан, Мактабгача таълим муассасаларини реконструкция ва модернизациялаш дастури тайёрланмоқда.

Ушбу дастурга кўра, Самарқанд вилоятида келгуси беш йилда 800 ўринли 16 та янги болалар боғчаси қурилади. 4250 ўринли 45 та муассаса реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади.

Тўққизинчидан, Бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш, савдо тизимини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Дастурга кўра, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида келгуси беш йилда қарийб 20 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига 9 та деҳқон бозорини реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Хусусан, 2017 йилда Каттакўрғон деҳқон бозорида 2 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, бу ерда 1 минг 80 ўринли 9 та савдо павильони барпо этилади. Бозор ҳудудида замонавий инфратузилма яратилади.

Ўнинчидан, Пенсияларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш дастурини ишлаб чиқиш яқунланмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам ногиронлар, кексалар ва кам таъминланган фуқаролар соғлигини қайта тиклаш мақсадида ҳар йили уларнинг 3 минг 500 нафарини, шунингдек, 2 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийларини турли санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Келгуси беш йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур, Оқдарё ва Каттақўрғон туманлари тиббиёт бирлашмаларининг туғруқхона бўлимлари ҳамда Самарқанд шаҳридаги учта туғруқхона комплекси реконструкция қилинади.

Яна иккита муҳим ижтимоий дастур – Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ҳамда Аҳолини дори воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш ва дори-дармон нархлари шаклланишини такомиллаштириш дастурлари **ишлаб чиқилди**.

Вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича 24 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 22 та янги лойиҳа ишга туширилади. Натижада ёшлар учун 500 га яқин янги иш ўрни яратилади. Жумладан, Пастдарғом туманида «Пастдарғом Фарм» корхонаси томонидан йилига 50 миллион дона дори воситалари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 3 миллиард сўмлик лойиҳа ҳаётга жорий этилади.

2017–2021 йилларда республикада каттик маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва зарарсизлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури тайёрлангани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу дастурга кўра, Самарқанд вилоятида келгуси беш йилда жами 7 миллиард сўмдан зиёд инвестиция маблағлари ҳисобидан 14 та чиқинди тўплаш шохобчаси, шунингдек, махсус транспорт воситаларига хизмат кўрсатувчи 13 та шохобча қурилади.

8.16. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ қишлоқ жойларидаги ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолган;
- ❖ вилоят иктисодиётини жадал ривожлантириш учун узлуксиз электр таъминотини йўлга қўйиш керак. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак;
- ❖ мавжуд туризм турларидан ташқари экотуризм ва тиббий туризмни ривожлантириш лозим;
- ❖ сифатли асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархларнинг давлат назоратини кучайтириш лозим;
- ❖ транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойларини ташкил этиш лозим;
- ❖ микрокредитларни олиш мумкин, аммо улардан мақсадли ишлатиш бўйича фуқароларда аниқ ва пухта бизнес режалар мавжуд эмас;
- ❖ савдо нукталарида терминал етишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ;
- ❖ темир йўл вокзали ҳудудида замонавий меҳмонхона, ювенил жойлари ва бино архитектура кифёси ва ҳудудини тўлиқ ободонлаштириш лозим;
- ❖ чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари олдида турган энг асосий ва катта муаммо бу озуқа таъминоти бўлиб, озуқа-ем маҳсулотлари таннархини барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаларини қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:

биринчидан, савдо, транспорт хизматлари тизимида норасмий секторнинг улуши ҳанузгача юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу секторда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини расмий секторга ўтказиш бўйича назоратни тизимли равишда кучайтириш лозим. Бу ўз навбатида хизматлар соҳасида яратилаётган қўшилган қиймат ҳисобига бюджетнинг потенциал даромад манбаини шакллантириб берса, иккинчи томондан вилоятдаги нақд пул тушумини ошириш имкониятларини шакллантиради;

иккинчидан, инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашиш, бунда биринчи навбатда инфор­мацион-тижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Бунда аҳолининг хизматларни янги турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг улушини янада орттириш имкониятлари шакллантирилади;

учинчидан, ўзини-ўзи самарали бошқариши учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар етказиш, суғурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шаклининг механизмини жорий этиш, технологик ускуналарни лизингга бериш, каби тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, хорижий инвестицияларини Самарқанд вилояти хизматлар соҳасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим. Самарқанд вилояти хизматлар соҳаси юқори даражадаги инвестицион салоҳиятга эга бўлиб, хорижий инвестицияларни юқори технологик тармоқларни хизмат кўрсатишдаги жадал ўсиши ва энергия тежамкор тармоқларни янада ривожлантириш контекстида жалб қилиш сиёсатини жадаллаштириш зарурдир.

2. Ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ривожлантириш ҳамда экспорт операцияларини соддалаштириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятини яратиш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базасини янгилаш, замонавий техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

бешинчидан, вилоятнинг табиий ресурсларга бойлигини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишловчи корхоналар барпо этиш.

3. Самарқанд вилоятида мавжуд тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида яқин ва ўрта истиқболда қуйидаги йўналишда ислохотларни жадаллаштириш зарурдир:

биринчидан, кредит рискларини бошқариш ва назорат тизимини янада кучайтириш. Банklar мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-тахлил қилиш тадбирларини давом эттириш, банklarда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизими устидан адекват назорат тизимини янада кучайтириш даркор;

иккинчидан, тижорат банклари ресурс салоҳиятини миқдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш мақсадида депозит ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, банкларнинг кредит операцияларида асосий эътиборни иктисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, юкори қўшилган кийматли инновацион лойиҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион кредитлаш сиёсатига қаратиш лозим;

тўртинчидан, тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахсларга қўрсатадиган молиявий хизматлар спектрини янада кенгайтириш. Нақд пул тушуми устидан назоратни қучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

4. Вилоят ҳудудларида транспорт қатнови йўллари таъмирталаб, йўл қўрсаткичлари ўрнатилмаган, бу ўз навбатида йўл-транспорт ҳодисаларининг кўп содир бўлишига олиб келмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун барча транспорт қатнови йўллари босқичма-босқич сифатли таъмирлаш, йўл белгиларини ўрнатиш, видеокузатув назоратини ташкил қилиш зарур.

5. Вилоятда Интернет тармоқларининг ишлаш тезлиги жуда паст. Бу ўз навбатида ахборотлар алмашинувини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сифатини пасайишига олиб келмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун вилоятнинг барча ҳудудларига оптик толали тармоқни жорий этиш лозим.

6. Вилоятнинг чекка ҳудудларида мобиль алоқа сифати жуда паст. Буни ҳал қилиш учун узлуксиз электр таъминотини яхшилаш ва мобиль алоқа операторлари хизматини яхшилаш лозим.

7. “Ургут” эркин иктисодий зонаси бўйича берилган дастлабки тақлифлар қуйидагилардан иборат:

– электр энергияси билан таъминлаш тақлифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудудини электр энсргияси билан таъминлаш мақсадида (“Ургут-2” нимстанциясидаги мавжуд 16000 кВт трансформаторни 25000 кВт қувватлисига алмаштириш, “Ургут-2” нимстанцияси иккинчи босқичида 25000 кВт қувватли нимстанция қуриш ва Сариктепа зонасигача 7 км 10 кВли ҳаво тармоғи тортиш;

Сариктепа қишлоғи ҳудудидаги мажжуд 220/110/10 кВт таянчидан 5 км тармоқ тортиш ва иккита 63000 кВт қувватли нимстанция қуриш ҳамда Самарқанд шаҳар Чўпон ота масканидан 26 км масофада 10 кВли электр тармоқлари тортиш) дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1-босқичига 16.6 млрд. сўм, 2-босқичига 32.2 млрд. сўм жами 48.8 млрд. сўм миқдорида маблағ талаб этилади;

– табиий газ билан таъминлаш тақлифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудуди (“Мерганча”, “Сариктепа” ва “Дехқонобод” қишлоқлари)дан ҳамда Нуробод тумани ҳудудидан танланган массивларни узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида (“Ургут-ГТС” дан келаётган Д-426 мм бўлган 4.5 км масофадаги газ қувурини алмаштириш (ер устига чиқариш), 9.0 км масофада янги Д-219 мм бўлган газ тармоғи тортиш ва 4 та саноат тугуни қуриш, “Намуна ГТС”ни реконструкция қилиш ва Д-225 мм бўлган (Ургут-3 Пастдарғом) ва (Ургут-2 Нуробод) зоналарига 25.0 км масофада янги газ тармоғи тортиш учун) жами 19.25 млрд. сўм маблағ талаб этилади;

сув таъминоти ва оқова иншоотлари қуриш тақлифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудудини, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ичимлик ва техник сув билан таъминлаш (500 куб. метрлик сув ҳавзаси, 3 та сув қудуғи, трансформатор пункти, Д-250 мм ли 300 метр ички тармоқ, иккинчи кўтариб бериш насос станцияси, хлорлаш ва қоровулхона биноси ва 1 гектар ер майдонида химоя девори қуриш) учун 14.6 млрд. сўм ҳамда оқова сув тармоғи (1 та оқова сув насос станцияси (КНС), КУ 120 маркали 3 та аэротенка, 1 та трансформатор пункти, ил майдончаси, хлорлаш хонаси, панжара биноси, компрессор хонаси, маъмурий ва лаборатория бинолари ҳамда 2 гектар ер майдонида химоя деворини қуриш) қурилиши учун 8.3 млрд. сўм жами 22,9 млрд. сўм маблағлар талаб этилади;

– телекоммуникация билан таъминланиши тақлифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудудига 23 км масофага оптик алоқа тармоғи ўтказиш ва усқуналар ўрнатиш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1.1 млрд. сўм маблағ талаб этилади;

– автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш таклифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудудига олиб боровчи 4Р-50 Тайлоқ туманидан-Ургут шаҳри автомобиль йўлини 0–24 километрини ҳамда 4Р-47 Булунғур-Ургут ш. ҳамда М-39 автомобиль йўлини 60–80 километрини тўлиқ таъмирлаш ҳамда 4Р-47 автомобиль йўлидан Сариктепа саноат ҳудудигача 2.5 км янги йўл қуриш ва асфалт қопламаси ётқизиш учун дастурига қўшимча қилиш ва талаб этиладиган 20.68 млрд. сўм маблағ ва 6396.0 тонна битум маҳсулоти ажратиш талаб этилади; Ургут ЭИЗнинг “Ургут-1” ҳудудига 3,8 км қуриш йўли қурилиши учун 1.52 млрд. сўм маблағ ва 495 тонна битум маҳсулоти ажратиш талаб этилади.

– темир йўл билан таъминлаш таклифи: “Ургут” ЭИЗга “Самарқандкимё” АЖнинг мавжуд темир йўл тармоғидан жами 54 км масофада темир йўл қуриш таклиф этилган. Жумладан, мазкур темир йўл Пастдарғом тумани (9 км) ҳудудидан Нуробод (5 км), Самарқанд (19 км), Ургут (21 км) туманлари ҳудудидан ўтади. Лойиҳа таклифи бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 54 км темир йўл қуриш учун талаб этиладиган маблағ, ер ишлари ва сунъий иншоотлар қурилишидан ташқари 97.5 млрд. сўмни ташкил этади.

Ургут-2 (Нуробод тумани) ЭИЗда ташқи муҳандислик таъминоти таклифи:

– электр энергияси билан таъминлаш таклифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-2” ҳудудини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида (мавжуд тармоқдан 2.5 км 10 кВт электр тармоғини ўтказиш ва 250 кВА ли трансформатор ўрнатиш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жами 300.0 млн. сўм миқдоридан маблағ талаб этилади;

– табиий газ билан таъминлаш таклифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-2” ҳудудига (Намуна, Пастдарғом тумани ҳудудида жойлашган “Кимёзаводи”дан 12.0 км Д-225 мм газ қувурини ўтказиш учун жами 4.800 млрд. сўм маблағ талаб этилади;

– сув таъминоти ва оқова иншоотлари қуриш таклифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-2” ҳудудини, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ичимлик ва техник сув билан таъминлаш (500 куб. метрлик сув таъминоти оқуриш, 6 км канализация тармоғи ва 360 м. куб тозалаш иншооти қурилиши учун), КУ 120 маркали 3 та азротенка, 1 та трансформатор пункти, ил майдончаси, хлорлаш хонаси, панжара биноси, компрессор хонаси, маъмурий ва лаборатория бинолари ҳамда 2 гектар ер майдонида ҳимоя деворини қуриш) қурилиши учун жами 8.300 млрд. сўм маблағлар талаб этилади;

– телекоммуникация билан таъминланиши таклифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-2” ҳудудига 18,6 км алоқа линиясини (ВОЛС) ўтказиш ва базавий станция қуриш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 410,0 млн. сўм маблағ талаб этилади.

Ургут-3 (Пастдарғом тумани) ЭИЗда ташқи муҳандислик таъминоти таклифи:

– электр энергияси билан таъминлаш таклифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-3” ҳудудини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида мавжуд “Самарқандкимё” АЖдан 6 кВли 3 км электр тармоғи ўтказиш ва 250 кВА ли 2 та трансформатор ўрнатиш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жами 400.0 млн сўм миқдоридан маблағ талаб этилади;

– табиий газ билан таъминлаш таклифи: Ургут эркин иктисодий зонасининг “Ургут-3” ҳудудига “Намуна ГТС” дан 13 км Д-225 мм газ қувурини ўтказиш учун жами 5.800 млрд. сўм маблағ талаб этилади;

– сув таъминоти ва оқова иншоотлари қуриш таклифи: Ургут ЭИЗнинг “Ургут-3” ҳудудини, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ичимлик ва техник сув билан таъминлаш (500 куб. метрлик сув таъминоти иншоотини қуриш, 0,5 км канализация тармоғи тортилиши) учун жами 2.200 млрд. сўм маблағлар талаб этилади.

– телекоммуникация билан таъминланиши таклифи: “Ургут” ЭИЗнинг “Ургут-3” ҳудудига 5,5 км алоқа линиясини (ВОЛС) ўтказиш ва базавий станция қуриш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 200.0 млн. сўм маблағ талаб этилади.

8. Озик-овқат хавфсизлигини инобатга олган ҳолда 2017–2021 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш пировард натижасида аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларнинг ижроси устида ишлар олиб борилмоқда:

– чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида вилоятнинг барча тоифа хўжаликларида мавжуд бўлган сигирларнинг сунъий уруғлантирилиши таъминланмоқда. Вилоятда насли қорамоллар генофондини яратиш мақсадида четдан юқори маҳсулдор насли қорамоллар олиб келинмоқда;

– охириги йилларда четдан насли молларни сотиб олган чорвачилик фермер хўжаликлари ва ташкилотларни алоҳида назоратга олиб, уларда мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун талаб этиладиган ер майдонларини ажратиб бериш ҳамда насли моллардан олинган урғочи бузоклар бўйича алоҳида ҳисобот олиб борилмоқда.

Юқоридаги ислохотлар ҳамиша замон билан ҳамнафас, гўзал ва навкирон Самарқанд заминиде яшовчи фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юрт истиқболи, миллат фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

9. Вилоятнинг тоғли ва тоғ олди зоналарида интенсив боғлар ташкил этиш ҳамда ёнғокзорлар майдонини кўпайтириш. Этиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш. Уларга имтиёзли кредитлар ажратишни соддалаштириш.

10. Вилоятнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда такрорий ипак қуртини этиштиришни оммавийлаштириш зарур. Чунки бугунги кунда ипак толасига бўлаётган талаб даражаси юқорилигини ҳисобга олган ҳолда уларни экспорт даражасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

11. Йилига бир неча марта вилоят туманлари кесимида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим.

12. Вилоятнинг комплекс ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хориждан келтириладиган техника ва технологиялар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз счимини кутмоқда, бу ўз навбатида дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошишига салбий таъсир қилади.

13. Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади.

14. Вилоятда фойдаланишда мавжуд бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида тегишли ишларни самарали ташкил этиш лозим.

9. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

9.1. Сурхондарё вилоятининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши билан бир қаторда улкан бунёдкорлик ишлари ва тарихий жараёнлар амалга оширилаётган Сурхондарё Ҳалқининг истиқболдаги самарали фаолиятида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизнинг жанубий ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилояти ўзининг нафақат иссиқ иқлим табиати, қулай географик жойлашуви, шунингдек, табиатига мос ватанига иссиқ меҳр-муҳаббатли, бахтини меҳнат билан яратувчи, ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек асрайдиган мард ва танги, садоқатли ва бунёдкор халқи билан ватанимиз таракқиётига улкан ҳиссасини қўшаётган ҳудудлардан биридир.

Вилоятнинг умумий ер майдони 20,1 минг км², аҳоли сони 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига – 2462,3 минг киши.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига ишга лаяқатли аҳоли сони 1397,9 минг киши, шундан иқтисодиётда банд аҳоли – 961,5 минг киши.

Чегарадош: Жанубдан Афғонистон билан, жануби ғарбдан Туркманистон билан, шарқдан Тожикистон давлати билан, шимолдан Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани билан.

2016 йил январь-декабрь ойлари якунида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9172,3 млрд. сўмни ташкил этган.

2016 йил январь-декабрь ойлари якунида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3764,6 минг сўмни ташкил этган (республика кўрсаткичига нисбатан 106 фоиз).

2010–2016 йиллар мобайнида вилоят иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 34,3 фоиздан 32,4 фоизга пасайган, саноатнинг улуши 9,6 фоиздан 9,4 фоизга, хизмат кўрсатишнинг улуши 48,4 фоиздан 50,3 фоизга ортган.

Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақи 2016 йилда 1410,0 минг сўмни ташкил этган.

Вилоят иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланиб бормоқда. Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг самарасида халқнинг турмуш даражаси кун сайин фаровонлашиб бормоқда.

Вилоят аҳолисининг аҳоли жон бошига асосий турдаги озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичлари 1990 йил, 2000 йилларга нисбатан 2016 йилга келиб, 1,5–5 бараваргача ошган. Бунинг замирида вилоят аҳли турмуш фаровонлигининг юксалиши баробарида, мустақилликни мустаҳкамлашга бўлган фидокорона меҳнати ётади десак, асло муболаға бўлмайди.

Вилоятда иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш ишларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш, чекка аҳоли пунктларини комплекс, жадал ривожлантириш, тижорат банкларининг фаол иштирокида янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз таракқиётида алоҳида аҳамиятга эга.

Ш. Мирзиёев

Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичлари⁸⁶

Озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари	Минимал истеъмол меъёри, кг/киши	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2016 йил	2016 йил	
						меъёрга нисб., %да	1990 й.га нисб, %да
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	40	24,2	26,8	37,2	47,3	118,3	195,4
Сут маҳсулотлари	140	110,2	151,3	210,4	311,5	222,5	282,7
Тухум, (дона/киши)	182	39,1	52,2	90,9	185,6	101,9	474,7
Сабзавот ва поллиз	132,6	129,4,7	131,8	256,3	450,7	339,8	347,4
Картошка	54,6	24,4	32,9	90,6	110,3	202	452
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	78,5	52,1	61,8	125,5	198,1	252,3	380,2
Шакар	32,9	19,3	28,4	33,6	40,8	124	211,4
Мева ва узум	19,4	18,3	34,6	45,4	69,8	359,8	381,4

Бунинг натижасида бозор ислохотлари ва худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган изчил, тизимли ва қатъий ҳаракатлар макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиб боришига замин яратмоқда.

Қўйинги йилларда вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Вилоят кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2010 йилда 2473,0 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 9172,5 млрд. сўмни ташкил қилган. 2017 йилда 12223,6 млрд. сўмга етказиш прогноз қилинган. 2010 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот киши бошига 1163,8 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3764,0 минг сўмни ташкил қилган. 2017 йилги прогноз кўрсаткичлар бўйича 4053,6 минг сўмга етказиш кўзда тутилган (9.1.2-жадвал).

Сурхондарё вилоятининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари⁸⁷

№	Кўрсаткичлар номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
15.	ЯИМ жами, млрд. сўм	2473,0	3234,8	4181,7	5493,6	6616,8	7802,4	9172,5	4244890.6
16.	Кипи бошига, минг сўм	1163,8	1472,4	1867,1	2404,7	2835,8	3271,6	3764,0	1716.0
17.	Аҳолининг сони йил охирига, минг киши	2074,7	2116,5	2218,9	2260,6	2308,3	2358,3	2411,5	2484,985
18.	Аҳолининг ўсиши, минг киши	40,9	41,8	102,4	41,7	47,7	50,0	53,2	23.1
19.	Банд аҳоли, минг киши	784,4	817,7	843,0	871,2	901,5	930,8	930,8	1324,2
20.	Ишсиз аҳоли, минг киши	38,0	41,8	41,9	41,8	27,5	15,0	12,0	5.9
21.	Хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм	982,0	1318,1	1717,5	2341,7	3066,7	3640,5	3858,4	2016,9

⁸⁶ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁷ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ривожланган мамлакатларда кузатилаётган глобал молиявий инкироз шароитида ишсизлик муаммоси нафақат ижтимоий муаммолар, балки ялпи талабнинг пасайиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳам кескинлашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳаллий ҳомият органлари фаолиятининг асосий вектори, аввало, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Банд аҳолининг 2010 йилдаги сони 784,4 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 930,8 минг кишини ташкил қилган.

Вилоят иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий тенденция, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг ривожланиб бораётганлиги ҳисобланади. Хусусан, вилоятда 2010 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 982,0 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилгача ушбу тенденцияда барқарор ўсиш кузагилиб, ушбу кўрсаткич 3858,4 млрд. сўмга етган. 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида эса 2016,9 млрд. сўмга етган.

2010–2017 йиллар мобайнида ишсиз аҳоли сонининг сезиларли пасайиши кузатилмоқда. 2010 йилда ишсиз аҳоли сони 38,0 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 12,0 минг кишини ташкил этган.

Бандликни таъминлаш билан боғлиқ стратегик вазифа ижросида вилоят иқтисодиёти тармоқларида саноатни ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш ва уни қайта ишлашни, кадоқлаш, четга экспорт қилишни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар натижасида жадал ривожланиб бораётганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

9.2. Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан юқори ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин.

9.2.1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯИМ тузилмаси⁸⁸

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	2 473,0	3 234,8	4 181,7	5 493,6	6 616,8	7 802,4	9 172,5	4224,9
шу жумладан:								
ЯИМда саноатнинг улуши (қурилиш соҳаси билан бирга)	16,4	16,3	16,0	15,9	17,3	17,7	17,3	8,4
ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши	45,5	46,2	45,6	46,2	47,1	48,7	50,3	61,6
ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	71,7	73,8	73,7	74,1	74,5	75,2	75,3	
ЯИМда АКТнинг улуши								643,7
ЯИМда бошқа тармоқларнинг улуши	38,1	37,5	38,4	37,9	35,6	33,6	32,4	18,2

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати сўнгги 6 йилда ўрта ҳисобда 109,5 фоизни ташкил қилиб, 3,7 мартабага ортга. (ЯҲМ 2010–2016 йилларда барқарор ўсиш динамикасига эга бўлди).

2016 йил январ-декабрида ЯҲМ 9172,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш 108 фоизни ташкил этди

⁸⁸ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2017 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 108,5 %га прогноз қилинган.

Вилоят ЯИМда саноатнинг улуши 2010 йилда 16,4 %ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, 17,3 %ни ташкил қилган. 2017 йилда таҳлил қилинаётган кўрсаткич 20 %ни ташкил этиши кутилмоқда.

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоклари учун зарур бўлган экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истикболни кўзлаб саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

“Саноат соҳасини оладиган бўлсак, охириги беш йилда унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 16 фоиз-дан 20 фоизга етганини қайд этиш жоиз.

Тўпаланг гидроэлектростанцияси, Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, «Шарғун кўмир», «Хўжаикон туз» акциядорлик жамиятлари, «Хонжизза» қонбойитиш мажмуаси каби йирик саноат корхоналари вилоят саноатида етакчи ўрин тутади.”

Ш.М. Мирзиёев


Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кейинги йилларда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамияти бсқисс бўлмоқда. Хизматлар соҳасининг улуши 2010 йилда 45,5 %ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 50,3 %га ўсмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, 2010 йилда 71,7 %дан 2016 йилда 75,3 %гача ўсиб бормоқда. Хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши вилоят иқтисодиётининг нафақат макродаражада, балки мега даражадаги рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки ХХI асрнинг навбатдаги декадасида янги иқсодиётнинг энг асосий қонунияти индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига шиддат билан ўзгартириб бораётганлигидадир. Хизматлар иқсодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг бош омилидир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқсодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлар тизимли йўлга қўйилган. Бунинг натижасини 2017 йилнинг прогноз кўрсаткичлари ва унинг биринчи ярим йиллигида бажарилиши мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги натижаларга эришилди.



Вилоятда саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда ташкил этилган янги корхоналар ва ишлаб чиқариш иншоотлари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Натижада 2010–2016 йиллар мобайнида вилоятнинг ЯХМ таркибида бир қанча ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, қурилишнинг улуши 2010 йил 6.9 фоиздан 2016 йил 7.9 фоизга, транспорт ва алоқа соҳаси 11.5 фоиздан 11.6 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси 10.3 фоиздан 10.1 фоизга, саноат соҳасида 7.6 фоиздан 9.4 фоизга ўзгарди.

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

9.2.1-расм. Экспорт ва импорт таркиби⁸⁹ (умумий ҳажмига нисбатан %да)

9.3. Вилоятда саноатдаги ислохотлар ва унинг жадал ривожланиши

Сўнгги 6 йил мобайнида худудда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларидан йилига 3,1 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Шиндонг Спиннинг” корхонаси, йилига 1800 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга “Гранд Шифер” корхонаси, 850 минг дона инъекция шаклидаги ва 700 минг дона капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқариш қувватига эга “Нова-Фарм” корхонаси, 5 минг донадан гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Пўлат Алп” ва “Алп Баҳодир Нор” корхонаси, 130 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга “Гранд Шифер Шарғун” корхонаси, 833,3 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қувватига эга “Нortex Corporation I.p” корхонаси, 5100 тонна нотўқима матолар ишлаб чиқариш қувватига эга “Жарқўрғон баракали ёғ” корхонаси, 2,5 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Музработ текстиль” корхонаси, 6 млн. дона чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Сурхон Термиз Чинни” корхонаси, 4,5 млн. дона пишик ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга “Zhong-Haide”, 130 минг тонна мева-сабзавотларни қуритиш қувватига эга “Gold Dried Fruits Export” мчж ва 10 млн. жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга “Шўртаннефтигазпайпоқ” унитар шўба корхоналари ишга туширилди.

⁸⁹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Сурхондарё вилоятининг саноат тармоқлари бўйича структуравий ўзгаришлар⁹⁰

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
ЯИМ	2 473,0	3 234,8	4 181,7	5 493,6	6 616,8	7 802,4	9 172,5
шу жумладан:							
ЯИМда саноатнинг улуши (қурилиш соҳаси билан бирга)	16,4	16,3	16,0	15,9	17,3	17,7	17,3
Шу жумладан саноат тармоқлари улуши							
Енгил саноат	45,4	40,4	37,3	35,2	34,9	35,3	32,2
АКТ технологиялари	-	-	-	-	-	-	-
Фармацевтика	-	-	-	-	0,2	0,2	0,3
Озиқ-овқат	16,6	17,3	14,7	14,8	22,6	21,0	21,9
Машинасозлик	2,1	3,6	3,6	3,3	2,5	2,7	3,3
Металлни қайта ишлаш	0,2	0,1	0,3	0,3	0,2	0,3	0,8

2017 йилда биргина Сарийосиё туманининг ўзида йилига 100 минг дона маиший газ баллони ишлаб чиқариш заводи, 11 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Зарафшон-Сарийосиё-Текстиль”, Италия технологияси асосида пайпоқ ишлаб чиқариш фабрикаси (300 нафар коллеж битирувчи ёшлари ишламоқда), туман мева-сабзавотчиликка ихтисослашганлиги сабабли маҳаллий хомашёдан турли хил шарбатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 100 млн. евро ҳисобидаги Германия билан ҳамкорликдаги заводлар ишга туширилмоқда.

Шунингдек, вилоятда етиштирилаётган пилла хомашёсини 100 фоиз қайта ишлаб ипак мато ишлаб чиқарадиган 2 та корхона, яъни Термиз шаҳрида “Сурхон Ипаги” ва “Интерсилк про” кўшма корхонаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК таъсисчилигида 1,5 млн. дона тайёр-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Чароғон Текстиль” корхонаси ишга туширилди. Шу билан бир каторда 2017–2018 йилларда 25,2 минг тонна ип-калава, 1,5 минг тонна трикотаж мато, 1,5 минг тонна бўялган мато ва 3,5 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга Денов, Сарийосиё ва Жарқўргон туманларида ва Термиз шаҳрида тўқимачилик комплекслари, Жарқўргон туманида “Сурхонцементинвест” МЧЖ томонидан 220 минг тонна ва Шеробод тумани “Олмалик тоғ-кон металлургия” комбинати томонидан 1500 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ташкил этилиб, ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2010–2016 йиллар мобайнида энергетика, ёқилғи, машинасозлик, қурилиш материаллари, ёғочсозлик саноати, енгил саноат соҳаларида ўсиш жараёнлари кузатилди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,3 мартага ортган. Ўртача йиллик ўсиш даражаси эса 108,7 фоизни ташкил қилмоқда.

2016 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2168,8 млрд. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 928,0 млрд. сўмни ташкил этди. Худудий тасарруфдаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 1082,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш ҳажми 122,1 фоизни ташкил этди.

Вилоятда 2017 йил 1-ярим йиллигида жами 1691 та, шундан 25 та йирик, 1666 та кичик саноат корхоналари фаолият кўрсатапти.

Вилоятда 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида жами 1003,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 90,6 фоизни, 546,6 млрд. сўмлик истеъмомол моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш даражаси 104,0 фоизни ташкил қилди.

⁹⁰ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари 405,8 минг сўм, истеъмол моллари 221,0 минг сўмдан тўғри келди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноат маҳсулотларининг улуши 19,3 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари тармоқлар бўйича таҳлил қилинганда; жумладан, қурилиш материаллари саноатида 111,3 фоизга, нефт казиб олишда 102,5 фоизга, ўрмон, ёғочини қайта ишлаш ва қоғоз-целлюлоза саноати 114,8 фоизга, ун-крупa ва комбикорма саноати 120,7 фоизга, озиқ-овқат саноати 102,9 фоизга, химия ва нефть химия саноати 117,4 фоизга, қора метал саноати 109,5 фоизга ўсишга, ипакчилик саноати 128,1 фоизга ва трикотаж маҳсулотлари 116,6 фоизга ўсишига эришилди.

9.3.2-жадвал

Сурхондарё вилоятида асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг 2017 йил январь-июнь ойлари кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь			2017 йил январь-сентябрь қутилиши	2017 йил январь-декабрь (прогноз)
			прогноз	амалда	фарқи (+/-)		
1	ЯХМ	млрд. сўм	4300,5	4224,9	-75,6	7294,2	10637,6
		ўсиш сур. %да	106,2	104,8	-1,4	107,9	109,1
2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	1058,9	1003,9	-55,0	1599,1	2504,0
		ўсиш сур. %да	102,3	90,6	-11,7	100,5	112,1
2.1.	Ҳудудий саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	552,8	610,7	57,9	905,4	1195,4
		ўсиш сур. %да	112,0	114,4	2,4	114,0	115,6
3	Истеъмол моллари	млрд. сўм	546,6	546,6	0,0	903,8	1011,5
		ўсиш сур. %да	104,0	104,0	0,0	108,0	109,0
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	2369,6	2369,6	0,0	3526,4	4526,4
		ўсиш сур. %да	106,3	106,3	0,0	106,3	106,3
5	Асосий капиталга инвестициялар	млрд. сўм	983,3	1306,0	322,7	1670,2	2136,5
		ўсиш сур. %да	104,1	138,4	34,3	106,0	104,3
6	Қурилиш (пудрат) ишлари	млрд. сўм	918,1	885,6	-32,5	1432,9	2038,0
		ўсиш сур. %да	111,8	108,4	-3,4	108,9	113,0
7	Чакана савдо айланмаси	млрд. сўм	3359,1	3307,0	-52,1	4819,9	7623,1
		ўсиш сур. %да	113,0	111,2	-1,8	113,7	114,0
8	Хизматлар жами	млрд. сўм	2084,8	2016,9	-67,9	2906,3	4755,6
		ўсиш сур. %да	114,0	110,3	-3,7	111,4	114,8

Маъна: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2017 йил 1-ярим йиллигида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1676 тонна ун, 11189 тонна шағал, 50 тонна макарон ва 4700 дона махсус кийимлар кўп ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 40,5 фоизи асосий саноат корхоналари, 2,7 фоизи ёрдамчи саноат корхоналари, 39,2 фоизи кичик саноат корхоналари ва 17,5 фоизи яқка тартибда меҳнат килувчилар ҳиссасига тўғри келди.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида “Жаркўрғоннефткайта-ишлаш” кўшма корхонасининг улуши 10,0 фоизни (10,6 млрд. сўм), “Сурхонпахтасаноат” ХАБ тизимидаги корхоналарнинг улуши 4,0 фоизни (40,3 млрд. сўм), “Шўрчидон-маҳсулотлари” ХЖники 5,3 фоизни (53,8 млрд. сўм), Сурхонозиковкатсаноати” ХЖники 2,7 фоизни (27,1 млрд. сўм), “Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖники 3,5 фоизни (34,7 млрд. сўм) ташкил қилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг 16,6 фоизи асосий саноат корхоналари, 0,3 фоизи ёрдамчи саноат корхоналари, 10,6 фоизи кичик саноат корхоналари, 72,5 фоизи яқка тартибда меҳнат килувчилар ҳиссасига тўғри келди.

Ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг 61,4 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 35,4 фоизини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва 3,2 фоизи алкоголь маҳсулотлари ташкил қилди.

Асосий саноат корхоналарининг улуши ўсиш ўрнига камайиши кузатилмоқда. Мисол учун, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган жами истеъмол моллари ишлаб чиқаришда “Сурхонозиковкатсаноати” АЖники 24,9 фоизга (6,0 млрд. “Агрохизмат Шиндонг” кўшма корхонасиники 64,8 фоизга (4,3 млрд. сўм) камайган. “Сурхонтскс” кўшма корхонаси, “Ангор Пахта” ва “Музработ Пахта” А.Ж., умуман, истеъмол товарлари ишлаб чиқармаган. Асосий саноат корхоналарини ханузгача электр энергия ва табиий газдан оғоҳлантиришсиз узиб қўйиш ҳолатлари давом этмоқда.

Вилоятда саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўнайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

2010–2016 йиллар давомида соҳага жами 143,2 млрд. сўм инвестиция жалб қилиш эвазига 671 тага яқин корхона янгидан ишга туширилган. Бундан ташқари 258,6 млрд. сўм эвазига 814 та корхонада модернизациялаш ишлари амалга оширилган.

Бунга мисол қилиб, Денов туманидаги “Сурхонозиковкат” ҳиссадорлик жамияти, Шеробод туманида “Агрохизмат Шингдонг” кўшма корхонаси, Шеробод туманида “Шеробод Пахта” ҳиссадорлик жамияти ва Шўрчи туманида “Шўрчи Пахта”, “Қизирик Пахта”, “Музработ Пахта” ҳиссадорлик жамиятларини “Жаркўрғоннефткайта-ишлаш” КК, “Шарғун кўмир” ОАЖларини келтириш мумкин.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хомашёдан тайёр маҳсулотга ўтиш йўналишида бир қанча таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, “Чароғон текстил” МЧЖ ҳамда “Лола Имкон Барака” МЧЖда тайёр матодан кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ўтилди.

Вилоятнинг Термиз шаҳрида “Сурхон Термиз Чинни” МЧЖда йилига 6 млн. дона чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “Саиджон Муҳаммадjon Музқаймоқлари” МЧЖда 34 турдаги музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Жаркўрғон туманидаги “Фабулло строй” корхонасида йилига 5 млн. дона ғишт ишлаб чиқариш билан биргаликда шағал ишлаб чиқариш, “Осиё гўкув престиж” корхонасида полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш, Сариосиё туманидаги “Шарғун Брикет” масъулияти чекланган жамиятида брикет кўмир ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтириш борасида амалга оширилган чоралар натижасида ҳудудий саноат корхоналарининг улуши жами саноат маҳсулотлари ҳажмида 2010 йил 15,1 фоиздан 2016 йилда 50,0 фоизгача ошди.

Ўтган 6 йил давомида 40 дан ортик янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шундан 20 га яқини халқ истеъмол моллари маҳсулотлари турини ташкил қилади.

Жумладан, Музработ туманида “Музработ текстиль” МЧЖ томонидан трикотаж мато ишлаб чиқариш, Бойсун туманидаги “Бойсун Покиза тонг” ва Узун туманидаги “Тўмарис Истиклол Текстиль” хусусий корхоналари томонидан пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Бойсун туманидаги “Дахбед” ва Ангор туманидаги “Таллашкон Инвест” кичик корхоналари

томонидан профнастил, Термиз шаҳрида “Гранд Шифер” кўшма корхонаси, Узун туманида “Кавсар Мадад” ва Термиз туманидаги “Мадад Намуна” кичик корхоналари томонидан шифер маҳсулоти ишлаб чиқариш, Термиз шаҳридаги “Сурхондарё савдо Импекс” МЧЖ томонидан вафли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “Сурхон Термиз” МЧЖ томонидан чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “Саиджон Муҳаммаджон Музқаймоқлари” МЧЖ томонидан 34 турдаги музқаймоқлар ишлаб чиқариш, “Экстра Брок Термиз” МЧЖ томонидан полиэтилен коплар ишлаб чиқариш, Сариосиё туманида “Шарғун Брикет” хусусий корхонаси томонидан брикет кўмир ишлаб чиқариш, Шеробод туманидаги “Сухроб Соҳиб Сардор” ХК томонидан лак ва бўёк ишлаб чиқариш, Бойсун туманидаги “Бойсун покиза тонг” ХФ томонидан пайпок ишлаб чиқариш, “Денов-равнак камоли” ХК томонидан пойабзал ишлаб чиқариш.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида худуддаги тармок ва худудий корхоналар томонидан 2016 йилда 1794,0 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Сурхондарё вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш бўйича 2017 йилда белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш дастурида умумий қиймати **1748,6 млрд. сўм ва 92700 минг АҚШ долларига тенг жами 1912 та лойиҳа амалга оширилиши ва 17000 та иш ўринлари** яратилиши кўзда тутилган (*банк кредити 1030,5 млрд. сўм*).

Жумладан,

– **саноат соҳасида** умумий қиймати **903,1 млрд. сўм ва 92700 минг долларлик 468 та** лойиҳанинг ишга туширилиши ва модернизация қилиниши ҳисобига **7106 та** иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида қиймати 219,8 млрд. сўм маблағ ҳисобига 953 та лойиҳалар амалга оширилиб, 5950 та иш ўринлари яратилди.

Шундан, САНОАТ соҳасида умумий қиймати 99,7 млрд. сўмлик 133 та лойиҳанинг амалга оширилиши ва 1464 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **81,5 млрд. сўмлик 194 та** лойиҳалар ишга туширилди ва натижада **1959 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, соҳалар кесимида:

Кимё ва нефткимё саноатида 5 та лойиҳада 36 та иш ўрни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида 88 та лойиҳада 1304 та иш ўрни, озиқ-овқат саноатида 45 та лойиҳада 241 та иш ўрни, текстиль ва тўқимачилик саноатида 21 та лойиҳада 179 та иш ўрни, мебель ва қоғоз саноатида 30 тада 171 та иш ўрни, чарм-пойабзал соҳасида 1 та лойиҳада 6 та иш ўрни, машинасозлик саноатида 1 та лойиҳа 10 та иш ўрни, фармацевтика саноатида 3 та лойиҳа амалга оширилиб, 12 та иш ўринлари яратилди.

Мисол учун: Жумладан, **саноат соҳасида** Термиз шаҳрида “Дилшодбек Термиз” ХК” МЧЖ томонидан кийим-кечак ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Олтинсой туманида “”Олтинсой Мева шарбатлари” МЧЖ томонидан мева-сабзавотларни қайта ишлашни ташкил этиш, Бойсун туманидаги “Омонхона Баниологик” МЧЖ томонидан яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Узун туманида “Нур М” хусусий фирмаси” МЧЖ томонидан темир бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Қумқўрғон туманидаги “Abdulfayz Xusanov” ХК томонидан мебель ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 10–11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятида ташрифи давомида берилган кўрсатмаларга асосан вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 2 трлн. сўмдан ортик бўлган жами 1912 та лойиҳаларни амалга оширилиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 800 млрд. сўмга тенг бўлган 1048 та лойиҳалар амалга оширилди ҳамда 6700 та иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида қурилиш соҳаси учун зарур бўлган ДСП маҳсулотлари асосан хориждан валюта ҳисобига импорт бўлиб кириб келар эди. Жорий йилнинг август ойидан бошлаб Термиз шаҳрида “Термиз таъминот” саноат қурилиш

таъминот корхонаси томонидан маҳаллий ҳомашёдан фойдаланган ҳолда, яъни камишдан йилига 30 минг метр куб ДСП ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди ҳамда 150 нафар янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа иқтисодий жиҳатдан жуда самарали ҳисобланиб, маҳаллий ҳомашё камиш маҳсулотидан тайёрланади. Тайёр маҳсулот юқори сифат даражасига, яъни сувга чидамли бўлиши билан бирга ҳар хил зарарли ҳашаротлар (термит ва бошқалар)нинг таъсирига ўта чидамли ҳисобланади. Бундан ташқари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот шу турдаги четдан келтирилаётган маҳсулотларга нисбатан нафақат сифати билан, балки таннархининг арзонлиги ва маҳсулотни ташиш учун транспорт харажати сарфланмаслиги, унинг қиймати жуда арзон бўлишига замин яратмоқда.

Четдан келтирилаётган маҳсулотнинг бир донаси ўртача нархи 168,0 минг сўмни (*шундан, 1 квадрат метрининг нархи 33,6 минг сўмни*) ташкил этадиган бўлса, ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир донаси нархи 80,0 минг сўмни (1 кв.метри 16,0 минг сўмни) ташкил этмоқда. Ушбу лойиҳа учун ҳомашё манбалари етарлиги бўлганлиги сабабли иккинчи босқич мебел ва уй жиҳозлари учун ламинацияланган ДСП ишлаб чиқариш бўйича Хитой Халқ Республикасидан ускуналар келтирилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг август ойида Термиз шаҳрида Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда “SURXAN SANDWICH” масъулияти чекланган жамияти томонидан вилоятда аналогичи мавжуд бўлмаган музлаткичли омборхоналар, саноат корхоналари ва қурилиш ишлари учун ишлатиладиган йиллик ишлаб чиқариш қуввати 500 минг кв. метр бўлган ҳар хил турдаги сендвич панеллари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди ҳамда 50 нафар иш ўринлари ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар, ушбу турдаги маҳсулотлар четдан келтирилишини инобатга олинадиган бўлса, ушбу маҳсулотнинг вилоятда ишлаб чиқарилиши ҳисобига белгиланган ишларни қисқа муддатда амалга ошириш ва маҳсулотни четдан келтириш учун сарфланадиган транспорт харажатларини иқтисод қилишини ҳисобига тадбиркорлик субъектларига ўта қулай шароит яратилишга эришилди.

Жумладан, ушбу турдаги маҳсулотларнинг республикамиздаги бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари бир бирлигига нисбатан нархини солиштирадиган бўлсак, бошқа корхоналарда маҳсулотнинг 1 квадрат метри 255 минг сўмни ташкил этган бир даврда мазкур корхонада эса 230 минг сўмдан ишлаб чиқарилмоқда.

Термиз туманида ташкил этилган “Жануб қуёши” масъулияти чекланган жамиятида курук сут маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона Хитой давлатида ишлаб чиқарилган замонавий турдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 3,0 млн. АҚШ долларни ҳамда йилига 1,5 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш қуввати барпо этилиб, 80 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунга қадар, ушбу турдаги маҳсулотлар республикамизнинг Андижон ва Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри ва бошқа чет давлатлардан валюта ҳисобига олиб келинган.

Вилоятда ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 70 фоизи ички борзорга ва 30 фоизини қўшни давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг якунига қадар умумий қиймати 1 трлн. сўмдан ортиқ бўлган 864 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда 10 мингдан ортиқ иш жойлари ташкил этиш режалаштирилган.

Жумладан, жорий йилнинг сентябрь ойида Шўрчи туманида “Мўмин текстиль” МЧЖ томонидан умумий қиймати 6,4 млн. АҚШ долларга тенг бўлган йилига 3,0 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади ва 200 та янги иш ўринлари яратилади.

Жарқўрғон туманида “Сурхонцементинвест” хорижий корхонаси томонидан умумий қиймати 46,7 млн. АҚШ долларлик йилига 360 минг тонна цемент ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 450 гадан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, енгил саноат соҳасида Сариосиё туманида “Сурхон текстиль кийимлари” МЧЖ томонидан йилига 10 млн. дона гикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади ҳамда 100 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилади.

9.4. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар натижасидаги таркибий ўзгаришлар

Мамлакатимиздаги экин майдонларининг 7 фоизи Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Вилоят деҳқонлари юртимизда етиштириладиган пахта ва ғалланнинг 8–9 фоизини, мева ва сабзавотнинг 11 фоиздан зиёдини етказиб бермоқда.

Кейинги беш йилда пахта майдонлари 12 фоизга қисқартирилиб, кўпроқ даромад берадиган мева-сабзавот ва полиз экинлари майдонлари кенгайтирилганлиги туфайли вилоят деҳқончилигида чуқур таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Вилоятда қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилиб, мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш саноати кенг ривожлантирилади.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятнинг 2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 421,5 млрд. сўмга тенг 646 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 4570 та иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Шундан, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида умумий қиймати 197,6 млрд. сўмлик 690 та лойиҳа ишга туширилиши ва 3757 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда қиймати 219,9 млрд. сўм маблағ ҳисобига 953 та лойиҳалар амалга оширилди ва 5950 та иш ўринлари яратилди.

Соҳалар кесимида:

Чорвачилик соҳасида 54 та лойиҳада 493 та иш ўрни, паррандачилик соҳасида 10 та лойиҳада 113 та иш ўрни, балиқчилик соҳасида 27 та лойиҳада 52 та иш ўрни, асаларичилик соҳасида 39 та лойиҳада 87 та иш ўрни, боғдорчилик соҳасида 107 та лойиҳада 328 та иш ўрни, сабзавотчилик соҳасида 5 та лойиҳада 46 та иш ўрни, узумчилик соҳасида 46 та лойиҳада 127 та иш ўрни, совутқичли сифимлар соҳасида 2 та лойиҳада 17 та иш ўрни, иссиқхоналар соҳасида 49 та лойиҳада 245 та иш ўрни яратилди.

Денов туманида "Агро Фуд Денов" фермер хўжалиги томонидан интенсив боғ ташкил этиш, Жарқўрғон туманида "Сурхон Чорва" ф/х томонидан чорвачилик комплексини ташкил этиш, Жарқўрғон туманида "Жарқўрғон Балиқчилиги" ф/х томонидан балиқчиликни кенгайтиришни ташкил этиш, Сариосиё туманида "Сариосиё Асал Агро" МЧЖ томонидан асаларичиликни ташкил этиш (хориждан "Карпат" зотли асалари олиб келиш), Узун туманида "Бегзод Зокир Саркор" хусусий корхонаси томонидан паррандачиликни ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилди.

2017 йил 1-ярим йиллигида вилоятда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархда 2369,6 млрд. сўм бўлиб, жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 55,8 млрд. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 428,0 млрд. сўм, деҳқон хўжаликлари томонидан 1885,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу

даврига нисбатан солиштирма нархда 106,3 фоизни ташкил этган (прогноз 106,3%). Жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 1498,7 млрд. сўмлиги (63,2%) деҳқончилик ва 832,0 млрд. сўмлиги (35,2%) чорвачилик ва 38,9 млрд. сўмлиги (1,6%) бошқа турдаги маҳсулотлардан иборат бўлди.

“Сурхондарёнинг Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон билан чегарадош ҳудудда жойлашгани дунё бозорларига чиқишга қулай имконият яратади. Айниқса, халқаро транзит ҳудуд сифатида юк ташиш қўламини кенгайтириши, хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар экспортини кескин ошириши, халқаро хизматлар ҳажминини кенгайтириши учун бу ерда барча ша- роитлар етарли”.

Ш.Мирзиёев

Ялпи кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кишлок хўжалик корхоналари улуши 2,3 фоизни, фермер хўжаликлари улуши 18,1 фоизни ва деҳқон хўжаликлари улуши 79,6 фоизни ташкил этди.

Деҳқончилик ва бошқа турдаги маҳсулотлар бўйича кишлок хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархда 1537,6 млрд. сўм бўлиб, жумладан кишлок хўжалиги корхоналари томонидан 35,4 млрд. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 278,3 млрд. сўм, деҳқон хўжаликлари томонидан 1223,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва кишлок жойларда уларни қайта ишловчи кичик корхоналарни ташкил этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб, саноат кўламида илғор хорижий технологияларни жорий этган ҳолда 2010–2015 йилларда 25 та сутни қайта ишлаш корхоналари барпо этилди. Ушбу ишлар амалга оширилган бўлса-да, кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш вилоят аграр тармогининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида чорвачилик тармоғи бўйича кишлок хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархда 832,0 млрд. сўм бўлиб, жумладан кишлок хўжалиги корхоналари томонидан 20,4 млрд. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 149,7 млрд. сўм, деҳқон хўжаликлари томонидан 661,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичлари барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ортиғи билан бажарилди, жумладан гўшт ишлаб чиқариш 2016 йил 1-ярим йиллигида 71286 тонна бўлган бўлса, жорий йил 1-ярим йиллигида 77157 тоннани ташкил этди ёки 108,2 фоизга кўпайди.

Сут ишлаб чиқариш ўтган йил шу даврига нисбатан 110,7 фоизни ташкил этиб, 383732 тоннага етказилди. Тухум ишлаб чиқариш ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизга ёки 160404 минг донага етказилди.

9.4.1-жадвал

Сурхондарё вилоятининг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси

(млн. сўм)⁹¹

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ташқи савдо айланмаси	309019,6	269467,8	283135,6	418840,2	297550,2	264698,6	270707,9
Экспорт	278750,5	203752,6	211107,5	295056,4	237502,6	213788,7	148239,3
Импорт	30269,1	65715,2	72028,1	123783,8	60047,6	50909,9	122468,6
Савдо баланси	248481,4	138037,4	139079,4	171272,6	177455,0	162878,8	25770,7
МДХ мамлакатлари билан	64951,0	98220,7	86860,7	128505,7	64442,0	86852,3	64285,0
Экспорт	44641,0	58187,0	38692,7	73022,7	33245,3	62794,8	26532,3
Импорт	20310,0	40033,7	48168,0	55483,0	31196,7	24057,5	37752,7
Савдо баланси	24331,0	18153,3	-9475,3	17539,7	2048,6	38737,3	-11220,4
Бошқа мамлакатлар билан	244068,6	269467,8	196274,9	290334,5	233108,3	177846,3	206422,9
Экспорт	234109,5	203752,6	172414,8	222033,7	204257,4	150993,9	121707,0
Импорт	9959,1	65715,2	23860,1	68300,8	28850,9	26852,4	84715,9
Савдо баланси	224150,4	138037,4	148554,7	153732,9	175406,5	124141,5	36991,1

Барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар 105,8 фоизни ёки 849,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 100,3 фоизни ёки 320,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 103,0 фоизни ёки 2138,5 минг бошни ва паррандалар 110,0 фоизни ёки 3550,5 минг бошни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини куз-киш мавсумига сифатли сақлаш ҳамда маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш мақсадида 38 та 16,7 минг тонналик совуткичли

⁹¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодийёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.


сиғимлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 13 та 2,3 минг тонналик сиғимлар 2015 йилда ишга туширилган. 2016 йилда 9 та 2050 тонналик сиғимлар ташкил этилган.

Сурхондарё вилоятида 2017 йилда мева маҳсулотларини етказиш бўйича 26495 тонна, сабзавот маҳсулотлари 255733 тонна, полиз маҳсулотлари 1185000 тонна, узум маҳсулотлари 32833 тонна, дуккакли экинлар 270052 тонна етказиш режалаштирилган.

“...Термиз туманида 25 миллион АҚШ доллари ҳисобидан барпо этилган янги корхонанинг иши билан яқиндан та- нишган эдим. Асосан экспортга маҳсулот чиқарадиган мана шундай замонавий ишлаб чиқариш корхоналари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз аграр соҳасининг келажagini ташкил этиши зарур. Биз бундай корхоналарни қўллаб-қувватлаб, уларга қўшимча имконият ва преференциялар бериш учун барча чора-тадбирларни кўришга тайёрмиз”.

Ш. Мирзиёев

Бу маҳсулотлар ҳозирда маҳаллий экспортёрлар томонидан четга экспорт қилинмоқда. Буларга: “Сурхон Кимё Экспорт” МЧЖ – Мевасабзавот маҳсулотлари, абрикос, слива; “Сурхон Мева Сарҳади” МЧЖ – Мевасабзавот маҳсулотлари, ўрик, шафтоли, пиёз ва б.; “Agroexport-tallimaron” МЧЖ- хурмо, узум, анор, мош; “Surxondaryo” Agrofirmasi” МЧЖ- кўкат, карам, гул карам; “Голд Драйд Фруитс экспорт” МЧЖ – хўл ва курук мевалар; “Сурхон меваси агрофирмаси” МЧЖ – хўл ва курук мевалар; “Сариосиё мева-сабзавот агрофирмаси” МЧЖ – хўл ва курук мевалар; Узун Агро экспорт МЧЖ – хўл ва курук мевалар; “Хомкон Шеробод тараккиёти” фермер хўжалиги – хўл ва курук мевалар; “Ажойиб Асп” МЧЖ – хўл ва курук мевалар; Узун Хосилот барака МЧЖ – хўл ва курук мевалар; “Қорасув мева сабзавот” – хўл ва курук мевалар; “Бойсун агро экспорт” МЧЖ – хурмо, узум, анор, мош; “Jo`raev Fruits” МЧЖ – узум, олма, анор, гилос маҳсулотларини четга экспорт қилмоқдалар.



9.4.1-расм. Ташқи савдо айланмаси

Мамлакатимизнинг энг иссиқ минтақасида етиштирилаётган, таркибидаги озука моддаларининг юқорилиги ва фойдалилиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу маҳсулотларга дунёнинг исталган худудларидан талабгорлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, саклаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва уни экспорт қилиш бўйича вилоятда барча имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан юқори даражада фойдаланиш вилоятнинг 5 йиллик стратегик режаларига киритилган. Уни амалга оширишда давлат томонидан қўшимча имконият ва преференцияларни бериш учун чора-тадбирларнинг кўриляётганлиги келажакда вилоятда қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат соҳасини ривожлантириш, шунинг баробарида инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга янада улкан имкониятлар очиб беради.

Шундай бўлса-да, музлатгичлар ва омборларнинг камлиги маҳсулотларни саклаш ва сотишда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада мева ва сабзавотлар бўйича мавжуд экспорт салоҳиятидан етарлича фойдаланишнинг имкони бўлмапти.

9.5. Вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш

Сурхондарё вилояти ҳудудий экспорт таркибининг 48,6 %ни (58,3 млн. АҚШ долл.) хизматлар, 51,0 %ни (61,2 млн. АҚШ долл.) кишлок хўжалиги маҳсулотлари ва 0,4 %ни (462,3 минг АҚШ долл.) саноат маҳсулотлари ташкил этади.

2016 йилда жами 15 та янги корхона, хусусан, “Мева Сабзавот Экспорт Сурхон” МЧЖ, “Сурхондарё агрофирма” МЧЖ, “Бойсун Омонхона шарбати” МЧЖ, “Жарқўрғон баракали ёғ” МЧЖ, “Меҳнат Фаровон Ҳаёт” ф/х, “Сурхон Экспорт-Импорт” МЧЖ, “Экспо Тайм” МЧЖ, “Абдурасул Садокат” МЧЖ, “Дашнобод Агроэкспорт” МЧЖ, “Умаржон” х/к, “Agro Stella” МЧЖ, “Ақбар Термизий” СИЧК, “Узун олтин мевалари” ф/х, “Шермухаммадбобо” ф/х ва “LEXUS-AVTO” МЧЖлар илк маротаба экспорт фаолиятига жалб этилди.

Шунингдек, илк маротаба “Омонхона” минерал суви Қирғизистон давлатига ва момик пахта маҳсулоти Қозоғистон давлатига экспорт қилинди.

2017 йилда жами **143,9 млн. АҚШ долларга** тенг ҳудудий экспорт прогнози белгиланган (саноат – **2,6 млн. АҚШ долл.**, мева-сабзавот – **141,3 млн. АҚШ долл.**).

Шу жумладан, 2017 йилнинг 1-ярим йиллиги учун ҳудудий экспортёр корхоналарига 54,7 млн. АҚШ долл. тенг экспорт прогнози белгиланган бўлиб, прогноз режанинг 95,7 фоизи бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 98,8 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 21 та янги корхоналар экспорт фаолиятига жалб этилган, шунингдек, 3 турдаги янги маҳсулотлар экспорти амалга оширилган. Хусусан, “Сурхон Термиз Чинни” МЧЖ томонидан чинни маҳсулотлари (23,4 минг АҚШ долл.) Афғонистонга, “Денов Бройлер” ХК томонидан тухум (37,4 минг АҚШ долл.) Тожикистонга ва “Сурхон Импорт Экспорт Агро” МЧЖ томонидан хайвонлар ичаклари (39,5 минг АҚШ долл.) Покистонга экспорт қилинди.

Шу билан бирга белгиланган прогноз кўрсаткичларини Денов тумани 63,0 фоизга, Қумқўрғон 90,9 фоизга, Музработ тумани 42,9 фоизга, Сарюсийё 35,9 фоизга, Узун тумани 96,1 фоизга, Шеробод 89,2 фоизга, Шўрчи 90,5 фоизга бажармади.

Вилоятда чорвачиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Шунинг натижасида 2010–2016 йилларда йирик шохли қорамоллар сони 123,3 фоизга, қўй ва эчкилар бош сони 119,0 фоизга, паррандалар 169,4 фоизга ортган.

2017 йилнинг 1-ярим йиллигида чорвачилик тармоғи бўйича кишлок хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархда 832,0 млрд. сўм бўлиб, жумладан кишлок хўжалиги корхоналари томонидан 20,4 млрд. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 149,7 млрд. сўм, деҳқон хўжаликлари томонидан 661,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичларида барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ортиғи билан бажарилди, жумладан гўшт ишлаб чиқариш - 2016 йил 1-ярим йиллигида 71286 тонна бўлган бўлса, 2017 йил 1-ярим йиллигида 77157 тоннани ташкил этди ёки 108,2 фоизга кўпайди.

Сут ишлаб чиқариш 2016 йил шу даврига нисбатан 110,7 фоизни ташкил этиб, 383732 тоннага етказилди. Тухум ишлаб чиқариш ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизга ёки 160404 минг донага етказилди.

Барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига 2016 йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар 105,8 фоизни ёки 849,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 100,3 фоизни ёки 320,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 103,0 фоизни ёки 2138,5 минг бошни ва паррандалар 110,0 фоизни ёки 3550,5 минг бошни ташкил этди.

Вилоятда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳияти жуда юқори, аммо ундан етарли даражада фойдаланилмапти.

Вилоят кишлок хўжалигининг ривожланишида сақлаиб қолинаётган муаммолардан бири бу ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлигидир.

Ушбу мақсадларга 2010–2015 йилларда 83,9 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 6248,8 км

узунликдаги зовурларни куриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш, тиклаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, вилоятда ер майдонларининг мелиоратив ҳолати бўйича 2,7 минг га ер майдонининг ер ости сизот сувлари сатҳи юқори, 23,140 минг га майдон ўртача шўрланган, 781 га майдон эса кучли шўрланган ерлар сақланиб қолмоқда.

9.6. Сурхондарё вилоятининг инвестицион фаоллиги

Сурхондарё Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида капитал қурилиш жадал давом эттирилган вилоятларидан биридир. Бу йилларда вилоятда йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди.

Темир йўл тармоғининг янги линиялари йўлга қўйилди, “Хонжиза” қонида полиметалл рудаларни ҳамда пахта ва ипак толасини қайта ишлашни ташкил этиш, нефть қонларини ўзлаштириш ва улардан олинаётган маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар ва “Тўпаланг Гидро узели”ни модернизация қилиш ишлари бажарилди.

Вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш, қайта қуриш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шулардан, М-39 “Алмата-Бишкск-Тошкент–Термиз” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 1330–1395, 1400–1410, 1426–1451 километрларини реконструкция қилиш, республика аҳамиятидаги 4Р-100 1315–1330, 1410–1426 автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоят истикболини ривожлантириш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига Россия давлатининг “Нефтигаз” ва Хитой Халқ Республикасининг “Sinoma International Engineering Co. LTD” компаниялари билан биргаликда Жарқўрғон туманида “Янги цемент заводи”ни қуриш, Россия давлатининг “ПЕТРОМАРУЗ” компанияси билан биргаликда “Жарқўрғоннефткайта-ишлаш” қўшма корхонасида нефть битуми ва газ конденсатини қайта ишлашни кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлат қафолати остида жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳисобига “Ўзбек миллий автомагистралини қуриш” дастури доирасида М-39 “Алмата-Бишкек-Тошкент–Термиз” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг умумий қиймати 97.4 млрд сўмлик жами 100 километрини ва Термиз шаҳрининг канализация тармоқларини реконструкция қилиш ишлари ҳамда вилоятдаги ичимлик суви таъминотининг даражасини ошириш ва санитария ҳолатини яхшилаш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2010–2016 йилларида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 1,9 трлн. сўм миқдорида инвестиция жалб этилган.

Инвестиция маблағларининг 2015 йилда 46,3 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожлантирилишига йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 114,9 фоизни ташкил этди.

Вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин.

Ҳудудлар инвестицион фаоллиги бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Сурхондарё вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ушбу инвестицияларнинг 2010 йилдаги ҳажми 372,5 млрд. сўмни, жами инвестициялардаги улуши эса 65.4 %ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг 1-ярим йиллигига келиб, 921,6 млрд. сўмни, жами инвестициялардаги улуши эса 70.5 %ни ташкил этмоқда.

Вилоятда иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот⁹²

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Млрд. сўм
Жами	569,8	682,0	845,5	1246,8	1339,5	1633,4	2005,2	1306,0
Марказлашган инвестициялар:	197,3	165,4	235,1	331,1	346,3	408,8	506,8	384,5
Марказлашмаган инвестициялар:	372,5	516,6	610,4	915,7	993,2	1224,6	1498,4	921,6
Жами инвестицияларда марказлашмаган инвестицияларнинг салмоғи, %да	65,4	75,7	72,2	73,4	74,1	74,9	74,7	70,5


Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳудудларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, бизнес юритиш учун яратиб берилётган шарт-шароитлар туфайли таъминланмоқда. Шу билан бирга ҳудуддаги қулай инвестицион муҳитнинг шаклланишида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг ҳам фаоллиги юқори бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятига жами киритилган инвестициялар 2010 йилда **569,8** млрд. сўмни ташкил этган бўлса, кейинги йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич барқарор ўсиш суръатиغا эга бўлган ва 2016 йилга келиб, **2005,2** млрд. сўмга етган. 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида асосий капиталга киритилган жами инвестициялар **1306,0** млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестициялар таркибида марказлашмаган инвестицияларнинг улуши юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар таркибида бюджет маблағлари 2010 йилда 66,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йилгача ўсиб борган ва 167,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Давлат мақсадли фондлари маблағлари ҳисобига молиялаштирилган лойиҳалар етакчи салмоқни ташкил этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси, Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳалар етакчи салмоқни ташкил қилмоқда. Шу билан бир қаторда марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кафолатидаги хорижий инвестициялар ва кредитларнинг миқдори ҳам ортиб бормоқда.

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Бюджет маблағлари	66,6	80,6	38,8	53,8	64,7	63,1	168
Давлат мақсадли фондлари маблағлари	56,2	33,7	87,6	139	96,5	139	163
Болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	8,8	10,1	11	14,6	15,2	31,6	40,5
Давлат каф.хорижий инвест. ва кредитлар	25	40,1	97,7	124	170	176	136

⁹² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



9.6.1-расм. Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар таркиби ҳақида маълумот⁹³

9.7. Вилоят инфратузилмаси ва ундаги мавжуд муаммолар

Сурхондарё вилоятидаги асосий муаммолардан бири аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ичимлик суви, электр энергия таъминотини, канализация тизимини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилиши лозим.

Шулардан бугунги кунда 2017 йил дастур доирасида вилоятда 48,027 млрд. сўм маблағлар ҳисобидан қишлоқ аҳоли пунктларида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой массивлари ва хизмат уйлари ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” ги ПҚ-2697-сонли қарори асосида вилоят аҳоли пунктларини ва намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой массивларини, хизмат уйлари ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 16,67 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилган.

Ушбу ажратилган 16,67 млрд. сўм миқдоридаги маблағлардан 11,428 млрд. сўми вилоят “Ягона Буюртмачи Хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида 25 та қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш объектларига ва 5,242 млрд. сўми “Қишлоққурилишинвест” МЧЖ буюртмачилигида 17 та намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой массивларини ва 10 та хизмат уйлари ичимлик суви билан таъминлаш объектларига ажратилди.

1. Инвестиция дастури бўйича 25 та ичимлик суви объектларига ажратилган 11,428 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 82,5 км узунликда ичимлик сув тармоқлари тортиш (18 та

⁹³ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

янгидан ичимлик сув кудуғи казиш, 5 та ичимлик сув кудуғини қайта тиклаш, 16 та сув минораси ўрнатиш, 5 та сув ҳавзасини (резервуар) янгидан қуриш, 3 та сув ҳавзасини тиклаш ва 18 та трансформатор ўрнатиш) режалаштирилган.

Ҳозирги кунда режалаштирилган 82,5 км ичимлик сув тармоқларидан 74,72 км тортилган ва 8 та объектда қурилиш-монтаж ишлари яқунланиб, фойдаланишга топширилган, 2 та объектда ишлар яқунланмоқда.

Ажратилган 11,4 млрд. сўмдан 10,156 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари (88,9 %) бажарилган ва 7,152 млрд. сўм (62,6%) молиялаштирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 майдаги ПҚ-2349-сонли қарори асосидаги дастур бўйича 40 та (31 та ичимлик суви ва 9 та канализация) объектларига—31,357 млрд. сўм ажратилиши белгиланган. Жумладан, 31 та ичимлик сув объектларида 20,816 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 101,412 км узунликда ичимлик сув тармоқлари тортиш (11 та янгидан ичимлик суви кудуғи казиш, 5 та ичимлик сув кудуғини қайта тиклаш, 4 та суви минораси ўрнатиш, 2 та сув ҳавзасини тиклаш ва 8 та трансформатор ўрнатиш) режалаштирилган.

Ҳозирги кунда режалаштирилган 101,412 км ичимлик суви тармоқларидан 59,942 км тортилган ва 10 та объектда ишлар яқунланиб, фойдаланишга топширилган ва 1 та объектда ишлар яқунланмоқда.

Ажратилган 20,816 млрд. сўмдан 11,148 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари (53,6 %) бажарилган ва 10,104 млрд. сўм (48,5 %) молиялаштирилган.

9 та оқова сув объектларидан 10,540 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 17,06 км узунликда оқова сув тармоқлари тортиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда 10,132 км тортилган ва 2 та объектда ишлар яқунланиб, фойдаланишга топширилган.

Ажратилган 10,540 млрд. сўмдан 4,094 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари (38,8 %) бажарилган ва 2,613 млрд. сўм (24,8 %) молиялаштирилган.

“Қишлоққурилишинвест” МЧЖ бунюртмачилигида Инвестиция дастури бўйича 17 та намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой массивларини ва 10 та хизмат уйларини ичимлик суви билан таъминлаш объектларига ажратилган 5,242 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 22,13 км узунликда ичимлик суви тармоқлари тортиш (7 та янгидан ичимлик суви кудуғи казиш, 6 та сув минораси ўрнатиш, 4 та сув ҳавзасини (резервуар) янгидан қуриш, 6 та трансформатор ўрнатиш) режалаштирилган.

2017 йилнинг 1-ярим йиллигида режалаштирилган 22,13 км ичимлик сув тармоқларидан 6,1 км тортилган бўлиб, объектлар 15 % миқдорида молиялаштириб берилган.

2017 йилги дастурлар асосида амалга оширилаётган ичимлик ва оқова сув объектларида белгиланган ишларни муддатида яқунлаш учун Молия ва Ғазна идоралари томонидан молиялаштиришни тезлаштириш зарур бўлади.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 2 млн. 389 минг 500 нафар аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 1 млн. 522 минг 600 нафар аҳоли ичимлик суви таъминотига эга, камраб олиш даражаси **64 фоизни** ташкил этади.

Вилоятдаги мавжуд 987 та аҳоли пунктларининг 846 тасида (85,7 %) аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Бугунги кунда вилоятда 477904 та аҳоли хонадонлари мавжуд бўлиб, шундан 304536 та (63,7 %) аҳоли хонадонлари марказлашган ичимлик сув тармоқларидан, 9772 та (2 %) аҳоли хонадонлари булоқ сувларидан, 116924 та (25 %) аҳоли хонадонлари артезиан кудуқлардан, 21777 та (4 %) аҳоли хонадонлари дарё, канал-арик ва ҳовузлардан, 2633 та (0,5 %) аҳоли хонадонлари қочок кранлардан, 22262 та (5,5 %) аҳоли хонадонлари ташиб келтириладиган ичимлик суви билан таъминланган.

Вилоят бўйича эгасиз ва фойдаланилмаётган сув объектлари 375 та бўлиб, 2017 йил 1 июль ҳолатига 70 таси вилоят “Сувокава” ДУКнинг балансига ўтказилган.

Мавжуд 241 та сув иншоотларининг 77 таси сув ўлчов приборлари билан

таъминланган, 13 таси (17 %) давлат киёсловидан ўтмаган, 44 таси (57 %) стандартга жавоб бермайди.

Вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан сув ишоотлари учун 2017 йилда 420 та замонавий электр энергия АСКЭУ ўлчов приборлари ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, 2017 йил июль ҳолатига 7 та ўрнатилган, 302 таси ўрнатилмаган. Ичимлик суви объектларининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича кадастр ҳужжатлари расмийлаштириладиган объектлар сони 883 та бўлиб, шундан, 2017 йил 1 июл ҳолатига 881 таси туман ҳокимликлари қарори билан расмийлаштирилган.

Электр энергияси бўйича:

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида бугунги рақобатдош бозор талабларига жавоб бериш, вилоятнинг ижтимоий- иқтисодий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

2015 йил давомида 6 млрд. 831 млн. сўм ҳисобидан жами 61.1 км шу жумладан қишлоқ жойларда 27.41 км янги ҳаво электр узатиш тармоқлари қурилди ва 43 трансформатор пунктлари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга “Ўзбекэнерго” ДАКнинг 2150 млн. сўм маблағлари ҳисобидан 2015 йил давомида 34.3 км электр тармоқлари ва 27 дона ТПлар янгидан қуриш, 1820 млн. сўм маблағ ҳисобига 29,5 км электр тармоқлари ва 16 дона ТПлар мукамал таъмирдан чиқарилди.

Вилоятда “Сурхондарё ҲЭТК” АЖнинг 2015 йил 1 январ ҳолатидаги 173286,9 млн. сўм дебитор қарздорлиги мавжуд бўлса, 2016 йил 1 январ ҳолатига 212400,0 млн. сўмни ёки йил бошига нисбатан 39113,2 млн. сўмга (122,6 %) кескин кўпайишига йўл қўйилган. (Аҳолидан 16747,8 млн. сўм, улгуржидан 22365.4 млн. сўм дебитор қарздорлик мавжуд)

2017 йил 1 январ ҳолатидаги дебиторлик қарздорлиги 142041,8 млн. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич. 2017 йил 1 июл ҳолатига 156424,9 млн. сўмни ёки йил бошига нисбатан 14383,1 млн. сўмга (110,1 %) кўпайишига йўл қўйилган.

Аҳолидан 100289,2 млн. сўм, улгуржидан 56135,7 млн. сўм дебитор қарздорлиги мавжуд.

Туманлар кесимида таҳлил қилинганда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергия учун қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Қизирик туманида 4520,43 млн. сўмга (203 %), Шеробод туманида 13300,6 (123 %), Денов шаҳар 22580,5 млн. сўмга (97 %), Ангор туманида 7721,4 млн. сўмга (82 %) кўпайган.

Шунингдек, вилоятнинг электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 2015 йил давомида 6 млрд. 831 млн. сўм ҳисобидан жами 61.1 км, шу жумладан қишлоқ жойларда 27.41 км янги ҳаво электр узатиш тармоқлари қурилди ва 43 трансформатор пунктлари ўрнатилиб фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга “Ўзбекэнерго” ДАКнинг 2150 млн. сўм маблағлари ҳисобидан 2015 йил давомида 34.3 км электр тармоқлари ва 27 дона ТПлар янгидан қурилиш, 1820 млн. сўм маблағ ҳисобига 29,5 км электр тармоқлари ва 16 дона ТПлар мукамал таъмирдан чиқарилди.

Вилоятда “Сурхондарё ҲЭТК” АЖнинг 2015 йил 1 январ ҳолатидаги 173286,9 млн. сўм дебитор қарздорлиги мавжуд бўлса, 2016 йил 1 январ ҳолатига 212400,0 млн. сўмни ёки йил бошига нисбатан 39113,2 млн. сўмга (122,6 %) кескин кўпайишига йўл қўйилган. (Аҳолидан 16747,8 млн. сўм, улгуржидан 22365.4 млн. сўм дебитор қарздорлик мавжуд)

Сурхондарё вилоятида саноат корхоналарини мунтазам равишда электр энергияси билан таъминлаш, янги ташкил этилган корхоналарни белгиланган тартибда тармоққа улаш юзасидан тезкор чоралар кўриб борилмоқда. Жумладан, электр тармоқларига уланиш бўйича саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларидан келиб тушган мурожаатларга асосан барча субъектлар қисқа муддатларда электр таъминотига уланмоқда.

9.8. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган инновацион ривожланиш натижалари

Вилоятда 2015 йил январь-сентябрь ойларида 1028 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтиб, уларнинг умумий сони 10757 тага етди. Ҳозирги кунда рўйхатдан ўтган субъектларнинг 9385 таси ёки 87,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида кичик бизнеснинг ЯХМдаги улуши кейинги 5 йил мобайнида 72,5 фоиздан 79,1 фоизга етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари томонидан 2010 йилда 97,8 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2015 йилда 448,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ёки қарийб 5 баробарга кўп кредит ажратишга эришилди.

Вилоятда 2015 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 67,3 млн. АҚШ долл. миқдорида экспорт амалга оширилиб, ўтган 5 йилликда 2,9 баробарга ортган. Кичик бизнес субъектлари экспорти, асосан, вилоятнинг Термиз шаҳри, Сариосиё, Термиз, Шеробод ва Шўрчи туманлари ҳиссасига тўғри келади

Вилоятда 2017 йил январь-июнь ойларида янгидан 1305 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолият юритиб, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 180824 та янги иш ўринлари яратилган.

Вилоятда 2017 йил январь-июнь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ЯХМдаги улуши 62,9 фоизни ташкил этиб, 2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 0,2 фоизга кўпайган. (2016 йилда 62,7 %).

Шунингдек, саноатда 59,0 % (2016 йилда 48,2 %), қишлоқ хўжалигида 98,7 % (98,5 %), қурилишда 85,2 % (86,6 %), чакана савдода 93,2 % (92,8 %), жами хизмат кўрсатиш ҳажмида 75,6 % (76,9 %) ни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 2017 йил январь-июнь ойларида 478,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. 2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 123,0 фоизни ташкил этди.

Вилоятда 2017 йил январь-июнь ойида жами 11058 та кичик корхона ва микрофирмалар рўйхатдан ўтган бўлиб, 10457 таси (94,6 %) фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича фаолият кўрсатмаётган 601 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни туманлар кесимида таҳлил қилганимизда Термиз шаҳрида 12 та (фаолият юритмаётганларнинг 2,0 %), Ангор туманида 16 та (фаолият юритмаётганларнинг 2,7 %), Бойсун туманида 7 та (1,2 %), Денов туманида 81 та (фаолият юритмаётганларнинг 13,5 %), Жаркўрғон туманида 19 та (3,2 %), Қизирик туманида 50 та (8,3 %), Қумқўрғон туманида 129 та (21,5 %), Музработ туманида 26 та (4,3 %), Олтинсой туманида 38 та (6,3 %), Сариосиё туманида 60 та (10,0 %), Термиз туманида 23 та (3,8 %), Узун туманида 71 та (11,8 %), Шеробод туманида 26 та (4,3 %), ва Шўрчи туманида 43 та (7,2 %) ни ташкил этди.

Шунингдек, 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 454 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши (% да) 2015 йилга нисбатан саноат соҳасида 39,1 %дан – 44,5 %га, қурилиш соҳасида 77,9 %дан – 84,5 %га, савдо соҳасида 91,0 %дан – 93,2 %га, пуллик хизматлар кўрсатиш 57,1 %дан – 59,6 %га ошганлиги, шу соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланаётганлигини билдиради.

Вилоят иқтисодиёт тармоқларида махсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши (%да)⁹⁴

Худудлар	ЯИМ		Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Қурилиш		Савдо		Пуллик хизматлар	
	2015	2016	2015	2016	2015	2016	2015	2016	2015	2016	2015	2016
Сурхон дарё вилояти	75,2	75,3	39,1	44,5	99,1	99,1	77,9	84,5	91,0	93,2	57,1	59,6

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал сурьатлар билан раванк топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

Айнан шу сабабларга кўра, йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нафакат иқтисодий ва социал муаммоларни олдини олиш имкониятларини, балки мамлакат ва хусусан, худуд иқтисодиётини диверсификациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш омили бўлиб ҳам хизмат қилди.

Юқоридагилар, худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлашнинг соҳалар кесимида амалга оширилиши

№	Йўналишлар	Йиллик режа	2017 йил январь-июль			2016 йилда
			Режа	Амалда	%	
	ЖАМИ	51471	31840	31909	100,2%	40145
<i>Шундан:</i>						
1.	Мақсадли дастурларга мувофиқ доимий иш ўринлари	26227	14428	13148	91,1%	14832
<i>Шундан</i>						
	<i>Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида</i>	15221	7161	7174	100,2%	7344
	<i>Қурилиш ва инфратузилма объектларида</i>	9510	6763	5394	79,8%	7061
	<i>Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш</i>	1496	504	580	115,1%	427
2.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига	3567	2215	3484	157,3%	5334
3.	Қишлоқ хўжалиги ва қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш жойлари	14827	9878	9902	100,2%	13086
4.	Аҳоли деҳқон ва шахсий томорка хўжаликларида	22544	14268	13769	96,5%	6893
5.	<i>Мавсумий ва ЯТТлар тугатилиши ҳисобига ҳисобдан чиқарилган иш жойлари</i>	15694	8949	8394	93,8%	0

⁹⁴ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Минтакалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

9.9. Сурхондарё вилоятида туризм соҳасининг истиқболлари

Замонавий туризм ва туризм хизматларининг тобора тараккий этиши туфайли сўнгги йилларда экотуризм, агротуризм, экстремал шароитлар туризми каби ноанъанавий йўналишларга алоҳида эътибор кучайди.

Сурхондарё вилояти сайёҳликнинг барча йўналишлари истиқболи учун улкан салоҳиятга эга.

Сурхондарё вилоятида маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш, ободонлаштириш, сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, замонавий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Сайёҳларнинг табиат қўйнида мароқли ҳордик чиқариши, бстакрор табиат гўзаллигидан баҳра олиши, наботот ва ҳайвонот оламининг нодир намуналари билан яқиндан танишиши учун қулай шароитлар яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш

1. Денов туманидаги "Саид Оталиқ" лойиҳачиси "Ижод-Таъмир устахонаси" томонидан 525 млн. сўмлик лойиҳа тайёрланган. Пудратчи этиб "Термиз Обида таъмир" корхонаси тайинланган. Ҳозирги кунда том қисмида ишлар олиб борилмоқда.

2. Термиз туманидаги "Минора Зурмала" тарихий ёдгорлиги объектларини тиклаш ва реставрация қилиш.

"Минора Зурмала" тарихий ёдгорлиги лойиҳачиси "Мерос чашма" УК томонидан 50 млн. сўмлик лойиҳаси тайёрланиб, экспертизадан ўтказилган.

3. Қумқўрғон туманидаги "Искандар кўприги" тарихий ёдгорлиги объектларини тиклаш ва реставрация қилиш.

"Искандар кўприги" тарихий ёдгорлиги лойиҳачиси "Мерос чашма" УК томонидан 75 млн. сўмлик лойиҳаси тайёрланиб, экспертизадан ўтказилган.

4. Термиз шаҳрида жойлашган "Александр Невский" черковининг лойиҳачиси "Ижод-Таъмир устахонаси" томонидан 100 млн. сўмлик лойиҳаси тайёрланиб, объектнинг тиклаш ва реставрация қилиш ишлари бошланган.

Сурхондарё вилоятида меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, замонавий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мисол учун, Термиз шаҳрида "Термиз" хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 250 млн. сўмлик меҳмонхона хизматини кенгайтириш лойиҳаси, "Олтин воҳа универсал сервис" МЧЖ томонидан умумий қиймати 600 млн. сўмлик меҳмонхона реконструкция қилиш лойиҳаси, "Мовароуннаҳр Термиз" МЧЖ томонидан умумий қиймати 550 млн. сўмлик меҳмонхона хизматини ташкил этиш лойиҳаси, Бойсун туманида "Фирдавс" хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 135 млн. сўмлик меҳмонхона хизматини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилди ва натижада 51 та янги иш ўринларини яратилди.

9.10. Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида банк хизматлар бозорининг ҳиссаси

Мамлакат ҳудудларининг мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан уларда шаклланган молия-банк тизими муассасаларнинг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Айниқса,

тижорат банклари тизими етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларини реализация қилишда муҳим ўрин тутди. Банклар том маънода иктисодиётнинг “Локомотиви” ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат ва унинг ҳудудлари таракқиётининг молиявий асосини ташкил этади.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 2017 йил 1 январь ҳолатига 13 тани ташкил этиб, уларнинг 58 та филиаллари, мижозларга коммунал ва бошқа тўловларни тўлашлари учун янада қулайликлар яратиш мақсадида, тижорат банкларининг 141 та мини-банк ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шундан 114 таси кишлоқ жойларидаги мини-банк ҳамда махсус кассалар ҳиссасига тўғри келган.

Хусусан, вилоятда фаолият юритаётган экспортёр агрофирмаларга четга экспорт қилинадиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳолидан сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида **15 млрд. 627 млн. сўм** нақд пул маблағлари берилди.

9.10.1-жадвал

Сурхондарё вилояти банк тизими ривожланншининг асосий кўрсаткичлари⁹⁵

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Банклар сони . шу жумладан:	бирлик	14	14	14	14	14	14	14
	– хорижий капитал	бирлик	2	2	2	2	2	2	2
	иштирокидаги банклар – хусусий банклар	бирлик	2	2	2	2	2	2	2
2.	Банк бўлинмалари сони	бирлик	60	60	60	59	59	59	58
3.	Кредит қўйилмаларининг қолдиғи	млрд. сўм	277,4	472,6	652,3	811	935,1	1248,5	1225,5
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар	Млрд сўм	185,1	245,1	323,6	423,9	556,2	726,2	478,1
5.	Банклар томонидан муомалага чиқарилган банк карталари сони	дона	452668	540146	654701	766253	949597	1182088	1224979
6.	Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов терминаллари сони	дона	5047	5254	6693	8927	10424	11473	12156
7.	Ўрнатилган банкоматлар ва инфодўконлар сони	дона	34	62	82	92	113	269	273

⁹⁵ Сурхондарё вилояти Марказий банк маълумотлари асосида тузилган.

2017 йил 1 ярим йил мобайнида вилоят бўйича савдо ва пуллик хизмат курсатиш корхоналарига ҳамда молиявий ташкилотларга ўрнатилган терминаллар сони 12156 донани, банкомат ва инфокиосклар сони 273 донани ва муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 224 979 донани ташкил этади.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўрнатилган терминаллар сони 1108 донага, банкомат ва инфокиосклар сони 91 донага ҳамда муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 137916 донага ортишига эришилди.

Жорий йил январь-июнь ойлари давомида терминаллар орқали амалга оширилган тўлов жами суммаси 1039,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 96,2 млрд. сўмга ортган.

Айни пайтда молиявий муассасалар томонидан банк пластик карталари замонавий хизмат турини янада такомиллаштириш, аҳолига янада қулайликлар яратишнинг самарали йўллари жорий этилмоқда. Бунинг учун юқори химоя даражасига эга бўлган “on-line” тизимида ишловчи EMV Smart Vista (on-line) карталари муомалага чиқарилган.

Вилоят бўйича якка тартибдаги тадбиркорларга ўрнатилган тулов терминаллари сони 5100 донадан ортикни ташкил этади. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида тўлов терминаллари ижара хақи Марказий банк курси бўйича 5 ЕВРО дан 2.5 ЕВРО миқдорига камайтириб белгиланди. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 5993 дона якка тартибдаги тадбиркорларга банк карталари муомалага чиқарилган. Ушбу муомалага чиқарилган банк карталарига жорий йил январь-май ойлари давомида 76,7 млрд. сўм, жумладан июнь ойида мобайнида 11,3 млрд. сўм маблағлар кирим килинган. Янада қулайлик яратиш мақсадида якка тартибдаги Тадбиркорбанк карталарига маблағларни кирим килиш учун хизмат хақи ўтказилган маблағ суммасининг 1 фоизидан ошмаслиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги “2016–2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида Электрон тижоратни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 353-сонли қарорининг ижроси бўйича банк тизимида олиб борилаётган ишлар натижасида аҳоли пунктларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан қамраб олиниши, шунингдек, банк карталаридан фойдаланувчи шахслар улуши кўрсаткичлари кўпайишига, савдо нуқталари, интернет-магазинлар ва ахборот воситачилари сонини кўпайтириш ҳисобига транзакциялар, товар айланмаси, маҳсулотлар ҳажмлари ўсишига, тўлов хизматларида ҳисоб-китобларнинг самарали воситаларидан фойдаланиш бўйича банк-мижоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқа тўловлар йўлга қўйилишига олиб келмоқда.

Вилоят тижорат банклари томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматларини тақдим этиш орқали банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқалар)дан фойдаланаётган мижозлар сони 120070 тани ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан иктисодиётнинг барча соҳаларига ажратилаётган кредитлар иктисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, аҳоли бандлигини ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутган хусусий мулк ва кичик бизнеснинг иктисодиётдаги ролини ошириш, тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинлик бериш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11К-2344-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини янада ошириш, уларнинг ресурс базасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси” ижроси бўйича етарлича ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, тижорат банкларининг умумий депозитлари ҳажми 2016 йил давомида 30,4 фоизга ошиб, 271,6 млрд. сўмни ташкил этган. Мазкур

депозитларнинг 45 фоизи жамгарма ва муддатли ҳамда 55 фоизи талаб килиб олингунча сақланадиган депозитлар хиссасига тўғри келган.

2016 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 39 фоизга ошиб, 1 трлн. 755 млрд. сўмга етган. Хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган узок муддатли кредитлар салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,2 фоизга ошиб, тижорат банк филиаллари кредит портфелининг 88 фоизини ташкил этган.

Жами кредит қўйилмалари қолдиғининг 98 фоизи ёки 1 трлн. 732 млрд. сўми миллий валютада ва 2 фоизи ёки 23 млрд. 287 млн. сўми хорижий валютада ажратилган кредитлар хиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг 41,7 фоизи устувор тармоқлардаги саноат қорхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктлари архитектура-режалаштириш кифасини тубдан яхшилаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш орқали қишлоқ аҳолиси ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, қишлоқ жойларда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини жадал ривожлантириш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 1048 та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун 135 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Бу борадаги ишлар давом эттирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар буйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги ПК-2639-сонли қарори асосида 2017 йилда қурилиши белгиланган 1009 та уй-жойларнинг қурилишини молиялаш ишлари бошлаб юборилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон, кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2660-сонли қарорига асосан 2017–2020 йилларда (4 йил давомида) шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури параметрларига асосан 7 қаватли, 1428 та хонадондан иборат 34 та уй-жойлар қуриш ишлари режалаштирилган.

Мазкур қарор ижроси доирасида Ипотекабанк томонидан 2017 йилда қурилиши белгиланган уй-жойларни қурувчи ташкилотларига кредит линиялари очилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли қарори билан тасдиқланган 2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига асосан хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида молиявий хизматлар турлари ва сифатини янада оширилишига эътибор қаратилди ва 2016 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилган.

2016 йил якунлари буйича вилоятимиз банк тизими фаолиятининг якуний кўрсаткичлари молиявий барқарорлик ва ривожланиш индикаторларининг "юқори" баҳоларига мувофиқ келган.

9.11. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш

Вилоятда, авваламбор, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлаш мақсадида тижорат банкларининг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, **478 млрд. 062 млн. сўми** ташкил этди ва белгиланган режа кўрсаткичи 106 фоизга бажарилди. Шундан, **167 млрд. 549 млн. сўми** соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар ташкил этиб, мазкур кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ўсиши таъминланди. Вилоят тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойлари

давомида ажратилган кредитлар ҳисобига, вилоятда 4 минг 447 та янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доирасида:

– озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун **111 млрд. 254 млн. сўмлик** кредит маблағлари йўналтирилди;

– ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга **64 млрд. 748 млн. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди;

– тадбиркор аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **58 млрд. 377 млн. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди;

– хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун **88,8 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди;

– таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида **3305** нафар коллеж битирувчиларига **20 млрд. 015 млн. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди.

Вилоятда жами фаолият юритаётган банкларнинг кредит операцияларида уларнинг тармок хусусиятлари роль ўйнаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ҳудуд иқтисодиётининг саноат тармоғига ажратилган жами кредитлар ҳажмида Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, “Агробанк” АТБ етакчилик қилган бўлса, кишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар ҳажмида “Агробанк” АТБ, Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, “Асакабанк” АТБ, “Трастбанк” ХАБ, чет эл капитали иштирокидаги “НАМКORBANK” АТБ, “Кишлоқ қурилиш банки” етакчилик қилмоқда. (9.11.1-жадвал).

9.11.1-жадвал

Сурхондарё вилоят банк тизими кредит операцияларининг тармок тузилиши (2017 йил)⁹⁶

№	Банклар номи	Кредит йўналиши (тармоклар)				
		саноат	қишлоқ хўжалиги	савдо ва хизматлар	қурилиш	бошқа тармоклар
1.	Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки	57,8	45,8	21	36,9	69,9
2.	Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки	4,8	0,6	5,4	0,7	5,9
3.	“Асака” АТБ	0,4	0	7,5	10,4	
4.	“Ипотекабанк” АТБ	1	0	1,4	0,6	77,1
5.	“Ўзбекистон саноат қурилиш банк” АТБ	1,4	1,7	6,9	0,3	83,1
6.	“Агробанк” АТБ	8,9	272,1	15	1,1	51,7
7.	АТБ “Кишлоқ қурилиш банк”	1,4	0,1	9,1	2,8	75
8.	“Туронбанк” АТБ	0,2	0	3,3	0,5	31,3
9.	“Микрокредит банк” АТБ	5,4	2	3,8	14,4	40,5
10.	АТБ “Алокабанк”	5,6	1	5	1,1	14,5
11.	“Капитал банк” АТБ	0,6	0	2,2	6,2	
12.	“Траст банк” ХАБ	0,6	0	7,6	0,2	8,9
13.	Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” АТБ	1,5	1,3	4,3	2,1	3,5
14.	Чет эл капитали иштирокидаги “НАМКORBANK” АТБ	1,6	0	57,2	1,1	16,1

⁹⁶ Сурхондарё вилояти Марказий банк маълумотлари асосида тузилган.

Бошқа тармоқларга кредит беришда эса “Ўзбекистон саноатқурилишбанк” АТБ, “Ипотекабанк” АТИБ, АТБ “Қишлоққурилишбанк, Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, “Микрокредитбанк” АТБ, “Туронбанк” АТБ, Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки етакчилик қилмоқда.

Аҳоли хонадонларни ўрганиш натижаларига кўра, 82 минг 810 та хонадонлар тадбиркорлик қилиш истагини билдириб, жорий йилнинг якунига қадар 370 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилиши белгилаб олинди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 19678 та хонадонга қарийб 125 млрд. 181 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

“Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури” (“on-line”) доирасида 2017 йилда тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобига умумий қиймати **1 трлн. сўмдан** ортиқ бўлган **1659 та** лойиҳаларнинг амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида **1241 та лойиҳага 528 млрд. 659. сўм** маблағлар йўналтирилди.

Қурилиш соҳасида эса Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Асака” АТБ етакчилик қилмоқда.

Жумладан, саноат соҳасидаги **302 та** лойиҳага **262,4млрд. сўм**, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги **570 та** лойиҳага **124,9 млрд. сўм** ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги **359 та** лойиҳага **141,3 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди.

2017 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасининг 9 та устувор йўналиши озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ривожлантириш бўйича тижорат банклари томонидан ўтган ярим йил давомида 235 та лойиҳага 65,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

9.11.2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги соҳалари кесимида ажратилган кредитлар⁹⁷.

№	Йўналишлар	Лойиҳалар сони	Суммаси
1.	Паррандачилик йўналишида	15 та лойиҳа	3,8 млрд. сўм
2.	Чорвачилик йўналишида	34 та лойиҳа	5,2 млрд. сўм
3.	Балиқчилик йўналишида	66 та лойиҳа	8,5 млрд. сўм
4.	Асаларичилик йўналишида	46 та лойиҳа	2,2 млрд. сўм
5.	Боғдорчилик йўналишида	25 та лойиҳа	4,9 млрд. сўм
6.	Узумчилик йўналишида	16 та лойиҳа	2,6 млрд. сўм
7.	Қуёнчилик йўналишида	9 та лойиҳа	1,0 млрд. сўм
8.	Иссикхона ва сабзавотчилик йўналишида	20 та лойиҳа	30,8 млрд. сўм

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10–11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларига асосан вилоятда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки кредит маблағлари ҳисобидан 2017 йилда қиймати **73 млн. долларлик** лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан вазифа юклатилган бўлиб, жорий йилнинг **30 июнь ҳолатига** вилоят тижорат банклари томонидан **16,0 млн. доллар** миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Мунтазам равишда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклар орқали банклараро валюта савдоларида иштироки таъминланиб келинди. Хусусан, 2017 йилнинг 6 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 58 та савдо сессиялари ўтказилиб, блок сўмга қўйилган 64 477,0 млн. сўм маблағ конвертация қилинди. Натижада вилоятда 2382 та янги иш ўринлари яратилди.

⁹⁷ Сурхондарё вилояти Марказий банк маълумотлари асосида тузилган.

Импорт ўрнини босиш йўналишида олиб борилаётган сийёсат билан бир қаторда, вилоятда экспортни қўллаб-қувватлаш сийёсати ҳам жадал суръатларда олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 19 сентябрдаги қабул қилинган “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2603 сонли қарори билан ташкилий-ҳуқуқий шаклдан ва идоравий мансублигидан катъи назар, экспорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг мажбурий сотув миқдори 50 фоиздан 25 фоизга туширилди.

2015 йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган №19-сонли махсус йиғилиш баёнига асосан Сурхондарё вилоятида 134 та экспорт қилувчи хўжалик субъектлари Миллий банк Термиз бўлимида валюта ҳисоб рақамини очган бўлиб, шундан 47 та экспорт қилувчи хўжалик субъектлари бўйича амалиётлар бажарилиб келинмоқда.

2017 йил 1 июль ҳолатига юқлаб жўнатилган товар суммаси 48238,5 минг АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 45096,3 минг АҚШ доллари қийматида маблағ келиб тушган, ушбу амалиётлар бўйича 6825,6 минг АҚШ доллариди 25% мажбурий сотув амалга оширилди.

9.12. Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича амалга оширилаётган ислохотлар

Иқтисодиётда амалга оширилаётган барча ислохотлар негизда инсон ва унинг фаровон ҳаёт кечириш даражаси туради. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қанча ижобий ишлар билан бирга счимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Вилоят бўйича умумий аҳоли сони 2 479 906 нафар бўлиб, шундан 18 ёшгача бўлганлар 885 114 нафарни, фертил ёшдагилар 665 627 нафарни ташкил қилади.

Вилоят аҳолисига 35 та шифохона, 162 та амбулатория-поликлиника муассасалари тиббий профилактик ёрдам кўрсатади.

Вилоятда врачлар билан таъминот 2017 йил 01 июль ҳолатига 3569 нафарни ташкил қилади. Республикада ҳар 10 000 аҳоли сонига нисбатан врачлар билан таъминот кўрсаткичи 24,6 ни, Сурхондарё вилоятида эса 14,9 ни ташкил қилади. Вилоят бўйича 3282 нафар шифокорлар етишмайди. Аҳоли сонининг ўсиб бориш шароитида вилоятда шифокорларга бўлган эҳтиёж янада ортиб боради.

Вилоят аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 385 ўринли туманлараро 18 та ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди.

Вилоят бўйича 14 та тез ёрдам станциялари ва 55 та тез ёрдам шахобчалари фаолият кўрсатади. Тез тиббий ёрдам хизматида 129 та (85 та врачлик, 44 та фельдшерлик) тиббий бригадалар мавжуд.

Белгиланган меъёр бўйича 176 та тез тиббий ёрдам автотранспорти талаб этилади, моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун жорий йилнинг ўзида 91 та шошилинч тиббий ёрдам Автомобиль лари олиб келтирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 42 та “Дамас Амбуланс” русумли махсус автотранспорт воситалари олиб келтирилди, 49 тасини олиб келиш режалаштирилган.

2017 йил май ва июнь ойларида бир чакирик учун ўртача 1678 сўм ажратилган бўлиб, дори воситалари билан тўлик таъминланди. 2016 йилда бир чакирикка ўртача 655 сўмдан тўғри келган.

Вилоятдаги мавжуд 245 та ҚВПларини макбуллаштириш натижасида 94 та ҚОП ва 34 та ҚВПлар ташкил этилди. Макбуллаштириш эвазига фаолияти тугатилган 55 та ҚВП бинолари негизда тез ёрдам шахобчалари, 46 та ҚВП бинолари негизда шифокорлар учун хизмат уйлари ташкил этилди. Ўта ночор ҳолатдаги 16 та ҚВПнинг фаолияти тўлик тугатилди.

Жами 133 та хусусий тиббиёт муассасаларидан 27 таси стационар шароитда, 106 таси амбулатория шароитда фаолият юритади. Улардан 9 та хусусий муассасасига замонавий тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиши учун Республика нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

9.13. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ кишлок жойларидаги ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолган;
- ❖ киш мавсумида электр таъминотини яхшилаш керак. Узилишларни камаййтириш лозим. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак;
- ❖ экотуризм ва тиббий туризмни ривожлантириш лозим. Туристларнинг Сурхондарё вилоятига (ички туризм) келиши жуда ҳам кам;
- ❖ сифатли асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархларнинг давлат назоратини кучайтириш лозим;
- ❖ транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойларини тадбиркорлар томонидан қайта реконструкция қилишни ташкил этиш лозим;
- ❖ микрокредитларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича аҳоли ва тадбиркорларни аниқ ва пухта бизнес режалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича иқтисодий билимларини оширишни тизимли йўлга қўйиш;
- ❖ савдо нуқталарида терминаллар стишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ;
- ❖ темир йўл вокзали ҳудудида замонавий меҳмонхона, ювиниш жойлари ва бинонинг архитектура қиёфаси ва ҳудудини тўлиқ ободонлаштириш лозим;
- ❖ чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари олдида турган энг асосий ва катта муаммо бу озуқа таъминоти бўлиб, озуқа-ем маҳсулотлари таннархини барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан Сурхондарё вилоятининг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда мавжуд имкониятлари юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

Худуд саноатини ривожлантиришда ечимини кутаётган муаммолар ва инновацион ривожланиш босқичлари:

1. Озик-овқат ва енгил саноат соҳаларида машина ва қурилмалар эскириш даражаси юқори, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик модернизация даражаси пастлигича қолмоқда. Бу мавжуд корхоналар қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичларига салбий таъсир ўтказмоқда. Бундан ташқари корхона қурилмаларининг ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирганлиги уларнинг маҳсулотларини импорт товарлар билан рақобат қилишига имкон бермаяпти.

2. Кишлок хўжалик маҳсулотларидан пахта толаси хом-ашёсининг 9,7 фоизи, гўштнинг 5,7 фоизи, сутнинг 3,2 фоизи, мева маҳсулотларнинг 18,8 фоизи қайта ишланаяпти, холос.

3. Терини қайта ишлаш ва чарм пойабзал саноати бўйича бор йўғи 7 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Худудлар бўйича қаралганда кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича салоҳият ва имкониятлар вилоятнинг деярли барча туманларида мавжуд. Гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мавжуд қувватлардан Бойсун, Қизирик, Қумкўрғон туманлари, терини қайта ишлашда Жаркўрғон, Шеробод ва Музработ, мевани қайта ишлашда Узун, Сарийосиё ва Олтинсой туманларида етарлича тажриба ва имкониятлар мавжуд.

4. Вилоят қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда етарлича хом ашё базасига эга бўлишига қарамадан, ушбу имкониятлардан Сариосиё, Шеробод туманларида самарали фойдаланилмапти.

5. Вилоятда маҳаллий хом ашё негизида енгил саноатни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, Термиз шаҳридаги “Шингдонг Спининг Термиз” қўшма корхонаси тажрибасига таянган ҳолда ип ишлаб чиқаришдан ташқари тайёр газлама ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишда, Жарқўрғон (“Сурхонтекс” МЧЖ) ва Термиз шаҳри (“Сурхон Ипаги” корхонаси) ва (“Интерсилк Про” КК), Жарқўрғон туманида мавжуд тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари ва малакали кадрлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш мумкин.

6. Сурхондарё вилоятининг Ҳаракатлар стратегияси дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан 2020 йилгача вилоятда тўқимачилик корхоналарини барпо этиш бўйича 11 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 4 та лойиҳа, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 5 та йирик лойиҳаларнинг режалаштирилганлиги вилоят иқтисодиётида, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда ижобий бурилишлар ясайди. Ушбу дойиҳаларнинг амалга оширилиши баробарида вилоятда енгил саноат, қурилиш ва мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳаларига мутахассисларни босқичма –босқич тайёрлаб бориш лозим деб ҳисоблаймиз.

7. Табиий ресурслар ва минерал хом ашёлар захиралари ва уларни қайта ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар.

Вилоят ҳудудида 529 млн. тонна гипс, 439 млн. тонна минерал туз, 24 млн. тонна руда, 717,8 минг тонна қўрғошин, 1,5 млн. тонна рух, 182,3 минг тонна мис ва бошқа хом ашё захираларининг мавжудлиги вилоятда қурилиш саноатини ривожлантириш имконини беради.

Вилоятда саноатнинг ривожланиб, қишлоқ жойларда ҳудудий саноатнинг тараккий этиб бориши натижасида, ўз навбатида вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириб, унинг турларини оширишда қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:

биринчидан, савдо, транспорт хизматлари тизимида норасмий секторнинг улуши ҳанузгача юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу секторда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини расмий секторга ўтказиш бўйича назоратни тизимли равишда кучайтириш лозим. Бу ўз навбатида хизматлар соҳасида яратилаётган қўшилган қиймат ҳисобига бюджетнинг потенциал даромад манбаини шакллантириб берса, иккинчи томондан вилоятдаги нақд пул тушумини ошириш имкониятларини шакллантиради;

иккинчидан, инфратузилма объектларини ташкил этишни тизимли дастур асосида амалга ошириш, бунда биринчи навбатда информацион-ғижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Бунда аҳолининг хизматларни янги турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг улушини янада орттириш имкониятлари шакллантирилад;

учинчидан, хорижий инвестицияларни Сурхондарё вилояти хизматлар соҳасига кенг жалб қилиш бўйича туризм соҳасига янада кўпроқ эътибор қаратиш ва бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида тизимли ишларни амалга ошириш лозим.

8. Ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хорижий инвестициялар қўмағида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда экспорт операцияларини соддалаштириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида ярим тайёр ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни вилоят иқтисодиётининг ана шу соҳаларига йўналтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятини яратиш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини барча соҳаларда ривожлантириш орқали ўсиб бораётган аҳолининг яшаш эҳтиёжларини ва бандлигини таъминлаш;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базасини янгилаш, замонавий техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

бешинчидан, вилоятнинг табиий ресурсларга бойлигини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш.

9. Сурхондарё вилоятида мавжуд тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида яқин ва ўрта истикболда қуйидаги йўналишда ислохотларни жадаллаштириш зарурдир:

биринчидан, кредит рискларини бошқариш ва назорат тизимини янада кучайтириш. Банklar мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш тадбирларини давом эттириш, банklarда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизими устидан адекват назорат тизимини янада кучайтириш даркор;

иккинчидан, тижорат банклари ресурс салоҳиятини миқдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш мақсадида депозит ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, банklarнинг кредит операцияларида асосий эътиборни иктисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган қийматли инновацион лойиҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион кредитлаш сиёсатига қаратиш лозим;

тўртинчидан, тижорат банklarининг аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатадиган молиявий хизматлар спектри янада кенгайтириш. Нақд пул тушуми устидан назоратни кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

10. Вилоятнинг Музработ, Шеробод, Қизирик, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Бойсун туманларидаги чорвачиликни янада ривожлантириш учун улардаги табиий шароитлардан ҳамда тажрибадан фойдаланган ҳолда уларнинг озуқа ва ем-хашакка бўлган эҳтиёжини тизимли амалга ошириб боришда имтиёзли кредитлар беришни соддалаштириш.

11. Вилоятнинг Олтинсой, Шўрчи, Денов, Сариосиё ва Узун туманларида интенсив боғлар ташкил этиш ҳамда ёнғоқзорлар майдонини кўпайтириш. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қуритиш ва уни қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш. Уларга имтиёзли кредитлар ажратишни соддалаштириш.

12. Вилоятнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳаларини янада ривожлантириш учун тадбиркорларни ўқитиш тизимини йўлга қўйиш.

13. Вилоятда 2016/2017 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи етарлича ўрганилмаган. Вилоят туманлар кесимида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим.

14. Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади.

15. Вилоятда фойдаланишда мавжуд бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида тегишли ишларни самарали ташкил этиш лозим.

16. Вилоятда аҳоли ва унда ёшлар салмоғининг юқорилигини инобатга олиб, ёшларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжини тўлароқ кондириш учун Олий таълим муассасаларида қабул квоталарини оширишга таклифлар бериш.

17. Вилоятда аҳоли сони ўсиб бориши ва бу соҳада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда шифокорларга бўлган эҳтиёж юқорилигича қолмоқда.

18. Вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш борасида муаммолар мавжуд.

10. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

10.1. Сирдарё вилоятининг табиий-географик ўрни

Сирдарё вилояти Мирзачўл марказида жойлашган бўлиб, у 1963 йилда ташкил этилган. Вилоят маркази бўлиб, Гулистон шаҳри хисобланади. Сирдарё вилояти шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон республикалари билан чегарадош. Сирдарё вилоятининг ер майдони 4,3 минг квадрат километр бўлиб, 803,1 мингдан ортик аҳоли истиқомат қилади.

Сирдарё вилоятида асосан ўзбеклар (60 %), шунингдек, козоқ, тожик, рус ва бошқа 70 дан ортик миллат вакиллари яшайди. 1 кв. км.га 187 киши тўғри келади.

Сирдарё деганда, сирдарёлик деганда, азим Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бир воҳа, қадимий Мирзачўл бағрида боғу бўстонлар, шаҳар ва кишлоклар бунёд этиб келадиган мард ва матонатли инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Сирдарё вилояти гарчи Ўзбекистон таркибидаги маъмурий ҳудуд сифатида анча ёш бўлса-да, бу заминнинг неча минг йиллик тарихи, маданияти бор.

Сирдарё тарихи – халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё «Дану» деб, қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келгандан сўнг бу дарё солномаларда «Сайхун» деб юритила бошланди. Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра вилоятимиз Сўғдни Чоч, Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотик ва ўтиб кетаётган карвонларни таъмирлаш

Сирдарёнинг кенг далалари, мусаффо чўл ҳавоси, кўнгли очик, меҳнатдан қўли қадоқ бўлган оддий ва содда одамларига ҳамиша ҳурмат ва эътибор билан қараб келаман.

Ш.Мирзиёев

каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди. Вилоят ҳудудида 2,5–3 минг йиллик тарихга эга бўлган эски Ховос, Сағанактепа, Хонттепа, Савот сингари аҳоли манзилгоҳлари бўлган. Сирдарё вилояти ҳудуди илк бор алоҳида ўлка – Уструшона сифатида Хитой йилномаларида илк ўрта асрларда тилга олинади. Қадимда вилоят аҳолиси Хўжамушкентсой, Шўрбулоксой, Мўғулсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сой ва чашма

бўйларида ҳаёт кечиришган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ва аҳолининг бошқа жойга кўчиб кетишига сабаб бўлган.

Вилоят иктисодиётининг асосий қисмини аграр сектор ташкил этади. Сирдарё вилояти кишлок хўжалиги пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полизчилик, паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

10.2. Вилоят аҳолиси ва меҳнат бозори

Фақат мустақиллик туфайли бу замин, унинг одамлари эркинлик ҳавосидан, ҳалол меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлди. Қийинчиликларда тобланган, иродаси мустаҳкам, бағрикенг Сирдарё аҳли бу ҳақиқатни чуқур англаб, унинг кадрига етиб, ўз юртини янада обод қилиш, раванқ топтириш, ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида 8 та туман (Сирдарё, Сайхунобод, Сардоба, Ховос, Мирзаобод, Боёвут, Гулистон, Оқ олтин), 3 та шаҳар (Гулистон, Ширин, Янгиер) мавжуд

Қадимда Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи айнан мана шу Мирзачўл орқали ўтиб, Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрини Зарафшон воҳасидаги шаҳарлар билан боғланган. Чўл бағридаги қўхна сардобалар ана шу карвон йўлларининг гувоҳи сифатида ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Ш.Мирзиёев

бўлиб, 2017 йилнинг январь ҳолатига аҳоли сони **803,1** минг киши ташкил этмоқда. (1-жадвал) Сирдарё вилоятининг умумий ер майдони **427,6** минг гектар бўлиб, шундан **249,8** минг гектари экин майдонларини ташкил қилади.

10.2.1-жадвал

Сирдарё вилояти ва туманларида доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг киши

(1 январь ҳолатига)

Ҳудудлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Вилоят бўйича	714,4	727,2	739,5	750,5	763,8	777,1	790,6	803,1
шаҳарлар								
Гулистон	77,4	81,4	82,6	83,4	84,4	85,4	86,5	87,5
Ширин	16,6	16,9	17,2	17,5	17,7	18,0	18,2	18,4
Янгиер	32,2	36,3	36,9	37,5	38,2	39,1	39,9	40,7
туманлар								
Боёвут	107,7	110,8	112,6	114,4	116,6	118,8	120,9	122,8
Гулистон	59,0	60,3	61,5	62,7	64,1	65,4	66,4	67,4
Мирзаобод	59,7	59,8	61,2	62,4	63,7	65,3	66,8	68,3
Оқ олтин	51,7	44,4	45,2	46,0	46,9	47,7	48,5	49,3
Сардоба	55,8	55,8	57,0	58,0	59,1	60,1	61,3	62,4
Сайхунобод	64,9	65,9	67,2	68,2	69,5	70,7	72,1	73,4
Сирдарё	108,8	112,6	113,9	115,0	116,8	118,6	120,6	122,2
Ховос	80,6	83,0	84,2	85,4	86,8	88,0	89,4	90,7

Маъба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2010–2017 йил 1 январь ҳолатига маълумотлари асосида тузилди.

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 3839 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (3833 киши) нисбатан 6 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 19,4 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,8 промилле) камайди.

Туғилиш даражасининг ўзгариши вилоятнинг Ширин шаҳрида (15,9 дан 18,5 промиллега), Янгиер шаҳрида (19,8 дан 20,1 промиллега), Гулистон (18,7 дан 21,2 промиллега), Ховос (17,7 дан 20,3 промиллега) туманларида сезиларли бўлди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 986 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (934 киши) нисбатан 52 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,0 промиллени (2016 йил январь-мартида 5,5 промилле)ни ташкил қилди.


Ўлганлар сони Гулистон шаҳрида (7,8 дан 6,4 промиллега), Ховос туманида (4,7 дан 4,6 промиллега), Сайхунобод туманида (3,6 дан 3,8 промиллега) ўзгариши кузатилди.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 954 та никоҳлар ва 243 та ажралишлар рўйхатга олинди. 2016 йилнинг тегишли даврига 917 та никоҳлар ва 227 та ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2262 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2517 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус - 255 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус – 262 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиклар Ховос туманида (- 105), Боёвут (- 77), Сардоба (-50) туманларида кузатилди.

Ҳар 1000 кишига



Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 1 январь ҳолатига маълумотлари асосида тузилди.

10.2.1-расм. Сирдарё вилояти аҳолиснинг табиий ҳаракати

10.2.2-жадвал

Сирдарё вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси

(минг киши ҳисобида, йил бошига нисбатан)

Худудлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
шаҳарлар								
Гулистон	44,6	46,3	47,5	48,5	49,6	50,9	51,8	52,6
Ширин	9,4	10,0	10,1	10,3	10,5	10,7	10,9	11,0
Янгиер	19,4	20,5	21,2	21,6	21,9	22,2	22,5	22,8
туманлар								
Боёвут	61,0	63,0	64,6	65,9	67,1	68,3	69,4	70,3
Гулистон	31,8	33,0	34,2	35,0	35,5	36,0	36,5	37,0
Мирзаобод	33,5	34,9	35,8	36,6	37,3	37,9	38,5	39,0
Оқ олтин	30,4	31,3	32,2	32,9	33,0	33,5	34,0	34,4
Сардоба	30,7	31,9	32,8	33,5	34,0	34,5	35,0	35,5
Сайхунобод	33,8	35,3	36,4	37,2	37,8	38,6	39,3	39,8
Сирдарё	63,8	66,0	68,0	69,4	70,4	71,7	72,7	73,7
Ховос	46,7	48,5	49,9	50,9	51,6	52,6	53,4	54,1

Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2010–2017 йил 1 январь ҳолатига маълумотлари асосида тузилди.

Меҳнат ресурсларининг сони. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 101,0 фоизга кўпайиб, 472,7 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,7 фоизини ташкил қилди.

10.2.3-жадвал

Сирдарё вилоятда иш билан банд аҳоли динамикаси, минг киши ҳисобида (йил бошига нисбатан)

Худудлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Вилоят бўйича	311,7	319,9	327,5	334,8	342,3	349,6	350,9	352,4
шаҳарлар								
Гулистон	42,6	43,3	42,5	43,4	44,4	45,3	45,5	45,8
Ширин	7,5	7,5	7,8	8,0	8,0	8,2	8,2	8,2
Янгиер	15,3	15,7	16,0	16,5	16,6	17,0	17,1	17,2
туманлар								
Боёвут	45,6	47,0	48,4	49,3	49,9	51,0	51,2	51,3
Гулистон	23,5	24,2	24,7	25,3	25,8	26,4	26,5	26,6
Мирзаобод	22,4	23,0	23,8	24,4	26,6	27,2	27,3	27,4
Оқ олтин	23,0	23,6	24,3	24,9	25,6	26,1	26,2	26,3
Сардоба	22,4	23,1	23,8	24,3	24,9	25,4	25,5	25,6
Сайхунобод	26,2	27,0	27,8	28,4	28,9	29,5	29,6	29,7
Сирдарё	50,3	51,6	53,4	54,5	54,9	56,1	56,3	56,6
Ховос	32,9	33,9	35,0	35,8	36,7	37,4	37,5	37,7

Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2010–2017 йил 1 январь ҳолатига маълумотлари асосида тузилди.

Сизларга яхши маълум, илгари бу воҳада битта иссиқлик электр станцияси ва пахта тозалаш заводидан бошқа саноат корхонаси деярли йўқ эди. Мустақиллик йилларидаги улкан эътибор туфайли Сирдарё вилоятида саноатнинг илгор, замонавий тармоқлари шаклланимда ва ривожланмоқда. Саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши охириги беш йилда 21 фоиздан 28 фоизга ўсгани ана шундай эътиборнинг амалдаги натижаси, десам, хато бўлмайди.

Бу борада, айниқса, Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Жиззах” эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Вилоятдаги мавжуд 66 та қўшма корхонадан 38 таси ёки 57 фоизи охириги беш йилда ташкил этилгани, шунинг 8 таси илгари бундай корхоналар бўлмаган туманларга тўғри келаётгани эътиборлидир.

Ш. Мирзиёев

2017 йил январь-март ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларидан иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 1568 нафар фуқарони ташкил қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Янгиер шаҳрида (21 кишига), Мирзаобод туманида (108 кишига), Боёвут туманида (50 кишига) кўпайган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 1054 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса, ушбу кўрсаткич, Гулистон шаҳрида (112 киши), Сирдарё (174 киши), Сайхунобод (138 киши), Сардоба (101 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

10.3. Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

2016 йилда 2015 йилга нисбатан Сирдарё вилояти ЯХМ 7,6 фоизга ошиб, 2017 йил якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,2 фоизга ошиши режалаштирилмоқда. Бунинг асосий омили сифатида қўйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, жами

ўсишда тармоқларнинг қўшимча қиймати 6,8 фоизни ташкил этса, маҳсулотларга соф солиқ улуши 0,3 фоизга тенг (10.3.1-жадвал).

10.3.1-жадвал

**Сирдарё вилояти ЯХМнинг тармоқлар кесимида ўсиш суръати
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
I. Жами ЯХМ	111,7	110,1	111,6	106,2	107,6	108,2	107,6
шу жумладан:							
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	111,7	110,0	111,5	106,2	107,6	108,2	107,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	111,7	110,7	113,0	105,8	107,2	108,9	108,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	111,7	110,0	111,5	106,2	107,6	108,2	107,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	104,2	108,3	107,1	106,3	106,5	106,1	105,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	114,9	109,5	113,3	102,9	105,8	107,8	107,9
Хизматлар	117,4	112,4	114,6	109,3	110,4	110,7	109,1

Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2010–2016 йиллар учун маълумотлари асосида тузилди.

Вилоят ҳудудлари ва тармоқларини барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш мақсадида вилоятнинг 2017–2021 йиллар мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” дастурига мувофиқ бюджетга жами 93,1 млрд. сўм қўшимча даромад туширилиши режалаштирилди. Жумладан, янги ташкил этиладиган корxonалар бўйича 50,2 млрд. сўм фаолият кўрсатмаётган корxonалар соғломлаштириш ҳисобига 1,9 млрд. сўм. Давлат мулкни хусусийлаштириш ҳисобига 2,0 млрд. сўм, солиқ тўловчиларни тўлиқ камраб олиш ҳисобига 7,5 млрд. сўм, бюджет олдида мавжуд боқиманда қарздорликларни ундириш ҳисобига 31,5 млрд. сўмни ташкил этади.

Бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли қарори қабул қилинган.

Ҳозирги кунда вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг 27 фоизи республикадан олинadиган субвенция ҳисобидан копланмоқда. Янгиер шаҳри, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Ок олтин, Сардоба, Сайхунобод ва Ховос туманлари маҳаллий бюджетида субвенция улуши жуда юкори 30–58 фоизни ташкил этмоқда.

Республикаимиз ялпи ички маҳсулотида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 2,1 фоизни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 5 258,7 минг сўмни ташкил этади.

Олиб борилган таҳлилларга кўра 2017 йил якунида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 2016 йилга нисбатан 31,8 фоиздан 30,6 фоизга камайтириш, саноат ҳамда қурилиш тармоғи улуши 31,8 фоиздан 32,7 фоизга ошиши, хизматлар соҳасининг улуши 36,4 фоиздан 36,7 фоизга ўсиши кутилмоқда (10.3.2-жадвал).

Сирдарё вилояти ЯХМнинг тармоқлар бўйича тузилмаси
(% ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
I. Жами ЯХМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:							
Тармоқларнинг ялпи қўшилган киймати	94,5	96,4	95,8	96,1	95,7	95,5	95,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	5,5	3,6	4,2	3,9	4,3	4,5	4,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган киймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	38,5	35,3	33,5	36,0	35,3	34,2	31,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	26,4	31,3	32,2	30,9	30,4	30,5	31,8
Хизматлар	35,1	33,4	34,3	33,1	34,3	35,3	36,4
ЯХМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	77,4	79,8	66,7	67,3	67,7	68,5	68,7

Маъба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2010–2016 йиллар маълумотлари асосида тузилди.

Субвенцияга қарамликдан қутилишнинг асосий йўли - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, бюджет даромадларининг асоси ҳисобланган солиқ тушумларини қўпайтириш ҳисобланади.

2017 йилда Янгиер шаҳри, Мирзаобод ва Сайхун туманлари, 2021 йилда Гулистон, Боёвут, Сардоба, Ховос ва Оқ олтин туманларини ва шу асосда вилоятни субвенцияга қарамликдан чиқариш кўзда тутилмоқда.

Мисол учун, Гулистон туманида яқин беш йилда қўшимча 282 та янги объект ишга туширилиши ва маҳаллий бюджетга солиқ тўловлари 27 миллиард сўмга қўпайиши ҳисобидан маҳаллий бюджет харажатларининг тўла қопланиши кутилмоқда.

10.4. Вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда амалга ошириляётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда йирик саноат корхоналари ҳисобига Ширин шаҳрида жами саноатнинг 33 фоизи “Иссиқлик электр станцияси (Вилоят жами саноатининг 35 фоизидан зиёди ушбу корхона ҳиссасига тўғри келади), Сирдарё туманида (Жиззах эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали) 20,3 фоизи, Сайхунобод туманида 6,2 фоизи ва Гулистон шаҳрида 13 фоизи ушбу ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади.

2016 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 978,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 358,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2015 йилга нисбатан 111,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, 197,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, арок-вино маҳсулотлари ва пиво, 161,9 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2015 йилга нисбатан мос равишда 115,3 фоиз ва 107,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилда 2,0 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ялпи худудий махсулот хажмида кишлок хўжалигининг улуши 2000 йилда 43,7 фоизни, 2002 йилда энг юкори 47,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якуни билан 31,8 фоизни ёки 2002 йилга нисбатан 11,9 фоизга камайган, аксинча саноатнинг улуши 2000 йилда 6,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида 26,4 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 19,8 фоизга ўсган, бу вилоятда маҳаллий хомашёнинг қайта ишлаш даражасининг ортиб бораётганидандир. Вилоят ялпи худудий махсулоти хажмида кичик бизнеснинг улуши 2000 йилда 44,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якуни билан 68,7 фоизни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 24,1 фоизга ўсган.



Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлари асосида тузилди.

10.4.1-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат махсулотларини ишлаб чиқариш (умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Такрорий экин томорқа эгасини ҳамда фермер хўжалиги аъзоларининг катта даромад манбаидир. Бир ердан икки-уч марта ҳосил олаётган деҳқонлар кўшимча даромад ҳисобидан ишлов жихозлари, техника воситалари сотиб олиб, соҳани интенсив ривожлантиришга муваффақ бўлишмоқда. Деҳқон етиштираётган махсулотининг 50–60 фоизи, борингки, 80 фоизини экспорт қилса, тармоқдан кўраётган фойдаси янада ошади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг бориши билан танишиш, халқ билан мулоқот асносида фермерлар билан учрашган чоғида ер умрини бекор ўтказмаслик, такрорий экин экиб, даромадни ошириш, етиштирилган махсулотни экспорт қилиш ҳақида қимматли маслаҳат ва тавсияларни бермоқдалар. Унинг самарасида кўплаб фермер хўжаликлари, агрофирмаларда такрорий экин экишга қаратилаётган катта эътибор мўмай даромад олиб келмоқда. Айниқса, бу йил Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа хорижий давлатларга полиз, сабзавот махсулотлари, дуккакли экинлар, шунингдек, боғдорчилик махсулотлари сотиш, етказиб бериш бўйича йирик шартномалар имзолаганлиги, барча туманларда агрофирмалар томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларини зарур уруғлик, техника воситалари ва маблағ билан таъминланаётганлиги деҳқонларнинг кўшимча махсулот етиштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳам ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиб, улардан мўл ва юкори ҳосил етиштириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, жорий йилда 15 минг гектар майдонда кечки сабзавот, 16 минг гектар ерда полиз маҳсулотлари, 1500 гектар майдонда мойли экинлар, 36 минг гектар ерда мош, 550 гектар майдонда ҳар хил кўкатлар етиштириш мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, ғалла йиғиштириб олинган майдонлар пешма-пеш сомондан тозаланиб, шудгорланди ва такрорий экинлар жойлаштирилмоқда. Ҳозиргача 24 минг гектардан ортиқ майдонга мош, 3 минг 500 гектар ерга шоли, 5,5 минг гектар майдонга полиз экинлари, 2 минг гектар ерга маккажўхори экилиб, парваришланмоқда.

Ҳаммамиз яхши биламиз, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Сирдарё вилояти ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Юртимизда етиштирилаётган пахтанинг 7 фоизи, ғалланинг қарийб 7 фоизи, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 5 фоизга яқини айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Ш. Мирзиёев

Вилоятнинг уста деҳқон ва фермерлари бу йил ҳам кишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, эл-юртимиз ризқини бутун қилишга муносиб ҳисса қўшади.

Сирдарё вилоятида фойдали қазилмалар асосан қум-шағал ресурслари бўлиб, ушбу ресурслардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Вилоят саноатининг асосий хомашёси бу пахта хом-ашёсидир. Маҳаллий хом – ашё бўлган пахта толасини 2–3 боскичда чуқур қайта ишлаш ва бунинг асосида тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишини йўлга

қўйилиши устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Бунда, умумий қиймати 489,4 млрд. сўмлик 106 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Хусусан, вилоят Ҳаракатлар стратегияси дастурига мувофиқ 2017–2021 йилларда Гулистон шаҳрида “Фортуна текстиль” МЧЖ томонидан қиймати 2,8 млн. долларлик, йиллик қуввати 1,3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Сирдарё туманида “Асила текстиль коллэкшн” МЧЖ томонидан қиймати 1,3 млн. долларлик, йиллик қуввати 118,0 минг дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Гулистон туманида “Барака текс” қўшма корхонаси томонидан қиймати 10,0 млн. долларлик, йиллик қуввати 7,8 млн. дона сочик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 17 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига асосан вилоятни “2017–2018 йилларда комплекс ривожлантириш дастури” доирасида лойиҳа қиймати 2,8 трлн. сўмлик 1532 та лойиҳалар амалга оширилиши ва ушбу лойиҳаларда 22,2 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Шундан 2017 йилда қиймати 823,9 млрд. сўмлик (шундан, 503,3 млрд. сўми банк кредити) 1202 та лойиҳалар амалга оширилиши ва ушбу лойиҳаларда 11,0 мингтага яқин иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Хусусан, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати 47,5 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 28.1 млрд. сўм) 193 та лойиҳаларда 1425 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда қиймати 101,7 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 76,2 млрд. сўм) 310 та лойиҳалар ишга туширилиб, уларда 1755 та янги иш ўринлари яратилди.

Кишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳукуватимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорини ошиб бориши, ер унумдорлигининг ошиши натижасида деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29–декабрдаги ПҚ -2460 сонли қарорига асосан 2017–2020 йиллар давомида пахта ва ғалла майдонларини макбуллаштириш орқали 27,5 минг гектар майдонларга мева-сабзавот, полиз, картошка экинларини экиш белгиланган ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Белгиланган чора-тадбир ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилда вилоят бўйича 4500 га, жумладан, Мирзаобод ва Ховос туманларида 3000 га пахта майдонларини қискартириб, экспорт учун мева-сабзавот ва полиз экинларини экиш, шундан 654 гектарига

картошка, 1705 гектар майдонга сабзавот, 318 гектар майдонга интенсив боғ, 285 гектар майдонга тоқзорлар, 367 гектар майдонга мойли экинлар ва 1171 гектар майдонга озука экинлари жойлаштирилган.

Вилоятда ғўза майдонларини ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида фермер хўжаликларида суғоришни олиб бориш учун 378 та суғориш отрядлари ташкил этилиб, 10–12 та фермер хўжалигига бир нафардан, жами 378 нафар сув хўжалигидан масъуллар бириктириб чиқилиб, вазифалари белгилаб берилди. Суғориш отрядларига 12,7 минг нафар фермер хўжаликлари сувчилари жалб этилган.

Вилоятда сувдан мақсадли ва унумли фойдаланишни назорат қилиш бўйича республика сув инспекцияси раҳбарияти бошчилигида республика ва вилоят «Сувназорат» инспекциясининг 22 нафар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, сувдан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш, тунги суғоришни назорат қилиш, сувчилар сони ва сувчиларга яратилган шароитларини ўрганиш вазифаси юклатилган.

Вилоятда жами 628,9 км хўжаликлараро каналлар бўлиб, уларда 1198 дона гидротехник иншоат, 944 дона гидрост, хўжалик ички каналлар жами 5861 км бўлиб, уларда 4722 дона гидротехник иншоат, 3256 дона гидрост ҳамда фермерларнинг 7419 дона сув олиш қулоқлари мавжуд.

Сув ресурслари асосан суғориш тармоқларида йўқотилишини ҳисобга олиб, суғориш тармоқлари доимий равишда тозаланиб, улардаги гидротехник иншоатлар жорий таъмирланиб борилмоқда.

Жумладан, 2017 йилда хўжаликлараро каналларни механизмда тозалаш 229,4 км режалаштирилиб, амалда бугунги кунгача 139 км (60,6 %)га қисми тозаланиб, гидротехник иншоатларни таъмирлаш 299 дона режалаштирилиб, амалда 190 дона (63,5 %), 295 дона гидростларни таъмирлаш режаси белгиланиб, амалда 187 дона (63,3 %) таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги каналларни механизмда тозалаш режаси 494 км режалаштирилиб, амалда 295 км (59,7 %), ариқ ва лоток тармоқларини қўл кучида тозалаш режаси 3763 км белгиланиб, амалда 2225 км (59 %)га тозаланган, улардаги гидротехник иншоатларни таъмирлаш режаси 539 дона бўлиб, амалда 317 дона (58,8 %)га, гидростларни таъмирлаш режаси 2343 дона, амалда 1390 дона (59 %)га таъмирланган.

СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 3094 дона сув олиш қулоқларини таъмирлаш белгиланиб, амалда 1761 дона (57%) бажарилди.

Сирдарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда жами қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар сони 1449 та белгиланган бўлиб, 2017 йил 1-ярим йилликда амалда 724 тага бажарилган.

2017 йилда мақбуллаштирилган 5500 гектар майдондан 755 гектарига картошка, 2005 гектарига сабзавот, 318 гектарига интенсив боғ, 1720 гектарига озукабоп экинлар, 417 гектарига мойли экинлар ва 285 гектарига тоқ экин режалаштирилган эди ва бу соҳада ишлар жадал олиб борилмоқда.

Замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмли, дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида вилоятда барча тоифа хўжаликларда 1 млн. тоннага яқин озик-овқат маҳсулотлари, шундан 59.1 минг тонна мева, 24.6 минг тонна узум, 478.8 минг тонна сабзавот, 353.1 минг тонна полиз, 70 минг тонна картошка ва 20 минг тонна дуккакли дон экинлари етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни 805,2 минг тоннаси аҳоли истеъмолига, 41,5 минг тоннаси қайта ишлашга, 70.7 минг тоннаси экспортга, 29,3 минг тоннаси уруғликка, 18.4 минг тоннаси захирага, 12,1 минг тоннаси соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларга ҳамда 28,3 минг тоннаси Тошкент шаҳри бозорларига ва бошқа ярмаркаларга етказиб берилиши мўлжалланган.

Вилоятга 2017 йил учун мелиорация дастури бўйича 35,6 млрд. сўм маблағ ажратилиб, шундан 9 та янгидан бошланадиган қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича

тендер савдолари ўтказилиб пудратчилар аниқланди, бугунги кунда шартномалар расмийлаштирилиб ишлар бошланди. 14 та янгидан бошланадиган таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари тўлиқ тайёрланиб, танлов савдосига бош пудратчини аниқлаш учун эълон берилиб, танлов савдолари тўлиқ ўтказиш якунланди.

Танлов савдолари якунлангандан кейин таъмирлаш ва тиклаш ишлари бошланади.

Ҳозирги кунда жами 16 та йилдан-йилга ўтувчи объектларда 46,4 км коллекторларни тозалаш ва таъмирлаш, 60,9 км ЁЁЗларни ювиш, 44 дона мелиоратив тик қудукларни таъмирлаш, тиклаш, 3,5 км коллекторлар ва 20 дона кузатув қудуклари қуриш ишлари амалга оширилган.

Шу билан бирга 5 та янгидан бошланувчи ирригация объектларида 9,68 км канал ва лоток тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳалари тўлиқ тайёрланиб, 4 таси бўйича бош пудратчилар аниқланди, йилдан-йилга ўтувчи 5 та объектлар бош пудратчиларига бўнак маблағлари молиялаштирилган, 6 км канал ва лотоклар реконструкция қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум етиштириш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини жумладан, сабзавот – 105%, картошка – 102,5 %, полиз – 101,5 %, мева – 105 %, узум – 102 %, гўшт – 106 %, сўт – 110 %, тухум – 110 %. балик – 112 % ва асал – 106 %га ошириш ва 113,8 гектар майдонга 51 та иссиқхоналар қуриш режалаштирилди.

Аҳоли томорқаларида 2017 йилда 227 та маҳаллада 146 мингта хонадонлар мавжуд бўлиб, ушбу хонадонларда 2017 йил ҳосили учун жами 20 минг 500 гектар ер майдонида, шундан 14 минг 900 гектар асосий майдонларда, 5,5 минг гектар такрорий экин сифатида экинлар экиб, жами 434,8 минг тонна шундан 6230 тонна, экспорт учун мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиши режалаштирилган.

Сардоба туманида қирқдан ошиқ комбайнни бирлаштирган ўрим- йиғим отрядлари кучи билан ҳар куни 800–900 тоннадан ошириб дон ўриб-янчиб олинди.

Жорий йилда 13 минг 900 гектардан ошиқ ерда мўл-ҳосил етиштирган сардобаликлар қарийб 30 минг тонналик ғалла хирмонини барпо этиш учун қурашдилар. Айниқса, “Бахмал”, “Пахтаобод”, “Дўстлик”, Узоқов, Ш. Рашидов номли сув истеъмолчилари уюшмаларида ғалладан баракали хирмон тикланди. Чунончи, А. Қодирий номли, “Фарғона”, “Барака”, “Бахмаллик”, “Тоғай ота” фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 45–50 ни ташкил этди. Ўрим суръатини оширишда Хоразм вилоятдан ёрдамга келган ҳашарчи механизаторларнинг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлди. “Клаас” комбайнларини 7 та ўрим-йиғим гуруҳига бирлаштирган хоразмлик операторлар янги техникалар кучидан тўла қувват билан фойдаланишди. Бу техникалар янгилиги, ғаллани янчиш қисмлари аввалгиларига нисбатан анча такомиллаштирилганлиги боис, ўрим ўтказилаётган далаларда дон исрофгарчилигига йўл қўйилмади.

Шахсий томорқалардан фойдаланиш, деҳқон хўжалиklarини юритиш, мавжуд ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ва улардан юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибалар тарғибот қилинмоқда.

Хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни саклаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 13,8 минг тонналик 32 та музлатгичли омборларни ташкил қилиш режалаштирилган.

Алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узок муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштиришга ўтиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Вилоятда 2017 йилда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида дастур қабул қилинган. Дастур асосида жорий йилда вилоятдаги чорва моллари наслини яхшилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 87,0 минг бош сизир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш режалаштирилган, шундан 4 ой (январь-апрель ойлари) давомида 21,0 минг бош қорамоллар сунъий уруғлантирилди.

Вилоятда 2017 йил 1 май ҳолатига 37 та наслчилик хўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 4549 бош насли қорамол, шундан 2386 бош сигирлар парвариш қилинмоқда.

Вилоятда мустақкам қорва озуқа базасини яратиш, озуқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш, наслчилик ишларини ривожлантириш мақсадида Ховос туманидаги “Энерго насл қорва” МЧЖда кўргазмалар семинари ташкил қилинди.

Вилоятда паррандачиликни ривожлантириш, фаолият юритаётган йирик паррандачилик қорхоналарини тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш, тухум ва парранда гўштини кўпайтиришга қабул қилинган дастур асосида ёндашилмоқда. Жумладан, жорий йилда бройлер гўшти етиштиришга ихтисослашган “Агромакс Гулистон” МЧЖ, тухум ҳамда 90 кунлик жўжа етиштиришга мўлжалланган “Сардоба Сангзор парранда” МЧЖ паррандачилик комплекслари ташкил этилмоқда.

Вилоятдаги “Гулистон парранда”, “Гулистон бройлер”, “Сирдарё парранда”, “Мирзаобод аср парранда” қорхоналари Германия, Италия ва Туркия давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий паррандачилик усқуналари билан жиҳозланган.

Вилоятда паррандачиликда наслчилик ишларини ривожлантириш мақсадида наслчиликка ихтисослашган II-тартибли репродуктор хўжалик – “Гулистон парранда” МЧЖ фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик вилоятдаги паррандачилик субъектларига “РОСС-308” кроссига мансуб бройлер жўжалар ва насли тухум стқазиб бермоқда. Жорий йилда дастур бўйича вилоятда яна бир паррандачилик наслчилик хўжалиги – Сардоба туманидаги “З.М.Бобур” МЧЖ фаолият бошлаши режалаштирилган.

Вилоятда паррандачилик хўжалиқларини сифатли озуқалар, жумладан озуқавий компонентлар ва буғдой билан таъминлаш юзасидан Рақобат бошқармаси ва “Саноақурилишбанк” вилоят филиали томонидан мониторинг тадбирлари ташкил қилинган.

Паррандачилик хўжалиқларини юқори малакали зоотехник ва ветврачлар билан таъминлаш бўйича вазирлик орқали Олий таълим муассасаларига вилоятдаги ҳозирги кундаги мутахассисларга мавжуд талаб тақдим қилинган.

10.5. Вилоятнинг қурилиш ва транспорт соҳаси

2016 йилда жами 57 та объектда 48,193 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилган. Шундан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича 30 та объектда 70,0 км 23,4 млрд. сўмлик, таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича 27 та объектда 1008,21 км 24,747 млрд. сўмлик ишлар бажарилган.

Келгуси беш йилда ичимлик суви таъминоти тармоқларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тайёрланди.

Келгуси беш йилда Сирдарё вилоятида 94 километр магистраль сув тармоғи, 680

Сирдарёда йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 75 та янги бекат қурилади ва 161 та бекат реконструкция қилинади, 23 та янги йўналиш ташкил этилади.

Ш. Мирзиёев

километр маҳаллий сув тармоғи ва кўплаб сув иншоатлари қурилади ва реконструкция қилинади. Хусусан, келгуси уч йилда Сардоба туманида 60 километр сув тармоғи барпо этилади, Сирдарё, Гулистон ва Сайхунобод туманларида ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергеясидан фойдаланишини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилаётган дастур доирасида паст қучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш, электр усқуналардан фойдаланиш муддатларини узайтириш, электр тармоқларининг ўтқазувчанлик қобилиятини ошириш режалаштирилмоқда.

Сўнгги йилларда давлат дастурлари асосида республикамизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам сув қувурлари тортилиши натижасида аҳолининг обиҳаёт билан таъминланиши тобора яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл компанияси томонидан 2015–2017 йилларда умумий киймати 320,7 млн. доллар миқдоридаги “Жиззах-Янгиер” икки йўлли электрлаштирилган темир йўли бўйлаб инфратузилма объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда ушбу ишларни амалга ошириш учун “Боштранслойтиха” АЖ лойиҳачи ташкилот томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, шаҳар ва туманлар марказлари кўчаларининг 1,1 км.да 371,5 млн. сўмлик, хўжаликлараро ички йўлларнинг 11,7 км.да 1957,3 млн. сўмлик ва шаҳар типигадаги посёлка йўлларининг 1,8 км. да 311,2 млн. сўмлик, жами 14,6 км йўлларда 2,6 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган.

10.6. Иқтисодийни ривожлантиришда банкларнинг роли ва улар томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати

2016 йилда Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан 5,9 минг нафардан зиёд кичик бизнес субъектларига 357,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағларининг 43,4 млрд. сўми (12,1 %) саноат соҳасига, 69,4 млрд. сўми (19,4 %) қурилиш, 23,8 млрд. сўми (6,6 %) транспорт ва алоқа, 82,6 млрд сўми (23,1 %) кишлок хўжалиги, 72,4 млрд. сўми (20,2 %) савдо, 49,6 млрд. сўми (13,9 %) хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда 16,5 млрд сўми (4,6 %) бошқа соҳаларни ривожлантириш мақсадида ажратилди.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йил 1-ярим йилликда 219,2 млрд. сўм миқдорида банк кредитлари ажратилган бўлиб, шундан саноат соҳасига 21,1 млрд. сўм (9,6 %), қурилиш соҳасига 13,6 млрд. сўм (6,2 %), транспорт ва алоқа соҳасига 21,9 млрд. сўм (10,0 %), кишлок хўжалиги соҳасига 86,4 млрд. сўм (39,4 %), савдо соҳасига 36,9 млрд. сўм (16,8 %), хизмат кўрсатиш соҳасига 9,9 млрд. сўм (4,6 %) ва бошқа йўналиш соҳаларига 29,3 млрд. сўм (13,4 %) кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори туман ва шаҳарлар бўйича нотеккис тақсимланганлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, жами ажратилган кредитларнинг 2,1 фоизи Ширин шаҳрига, 3,8 фоизи Оқ олтин туманига, 7,6 фоизи Сардоба туманига тўғри келмоқда холос.

Бундан ташқари соҳаларга ажратилган кредитлар таҳлил қилинганда, саноат соҳаси бўйича Ширин шаҳри ҳамда Сардоба туманлари 1,8 фоизни, Оқ олтин тумани 5,7 фоизни, Мирзаобод тумани 6,1 фоизни;

- қурилиш соҳаси бўйича Ширин шаҳри ҳамда Мирзаобод тумани 0,2 фоизни, Боёвут тумани 0,4 фоизни, Гулистон тумани 0,6 фоизни;
- транспорт ва алоқа соҳаси бўйича Ширин шаҳри 0,6 фоизни, Мирзаобод ва Сардоба тумани 2,2 фоизни;
- кишлок хўжалиги соҳаси бўйича Ширин шаҳри 1,1 фоизни, Сардоба тумани 2,3 фоизни;
- савдо соҳаси бўйича Ховос тумани 1,0 фоизни, Ширин шаҳри 1,9 фоизни, Сардоба тумани 2,0 фоизни;
- хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Сардоба тумани 0,3 фоизни, Ширин шаҳри 0,5 фоизни, Мирзаобод тумани 0,6 фоизни;
- бошқа соҳалар бўйича Сардоба тумани 0,1 фоизни, Ховос тумани 0,6 фоизни, Янгиер шаҳар 2,4 фоизни ташкил этипти, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПҚ-2860-сонли қарорига асосан, Янгиер шаҳрида 200 гектар майдонда барча турдаги солиқ ва божхона тўловларидан озод этишни кўзда тутадиган “Кичик саноат зонаси” ташкил этилган.

Мазкур ҳудудда “Агробанк” томонидан 2 млн. долларлик 10 та, “Микрокредит банк” томонидан 2 млн. долларлик 10 та, “Халқбанк” томонидан 2 млн. долларлик 6 та,

“Ипотекабанк” томонидан 3 млн. долларлик 15 та, “Туронбанк” томонидан 1 млн. долларлик 6 та, “Асакабанк” томонидан 4 млн. долларлик 15 та, “Ўзсаноатқурилиш банк” томонидан 3 млн. долларлик 15 та, “Ўзмиллий банк” томонидан 3 млн. долларлик 15 та, “Қишлоққурилиш банк” томонидан 2 млн. долларлик 8 та, “Ҳамкорбанк” томонидан 3 млн. долларлик 15 та ҳамда қўшимча тақлифларга асосан 10 та лойиҳалар жами 25 млн. долларлик 125 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК томонидан 1,1 млн. долларлик 6 та, “Ўзфармсаноат” ДАК томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси томонидан 0,7 млн. долларлик 3 та, “Ўзэлтехсаноат” АК томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзбекенгилсаноат” АЖ томонидан 1,1 млн. долларлик 6 та, “Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан 1,4 млн. долларлик 5 та, “Ўзтрансгаз” АК томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан 0,6 млн. долларлик 5 та, “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзавтосаноат” АК томонидан 1,4 млн. долларлик 5 та, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ томонидан 0,6 млн. долларлик 5 та, “Ўзбектелеком” АК томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та, “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан 0,9 млн. долларлик 5 та ҳамда қўшимча тақлифларга асосан 1,1 млн. долларлик 6 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

10.7. Вилоятда яратилаётган янги иш ўринлари ва иқтисодий фаол аҳолининг ҳозирги ҳолати

Гулистон шаҳрида лойиҳа қиймати 1,5 млрд. сўмлик трикогаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Sirdaryo best fashion” МЧЖ ишга туширилиб, 500 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Сирдарё вилоятида амалга оширилган илғимой-иқтисодий ислохотлар натижасида кейинги беш йилда 200 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. 2010 йилга таққослайдиган бўлсак, ҳар юзта хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони 2 баробар, пилесослар 7,5 марта, кир ювиш машиналари 1,4 қарра, телевизор ва холодильниклар 1,2 баробар кўпайганини қайд этиш лозим.

Ш. Мирзиёев

Ховос туманида “Сирдарё беда уруғчилик” МЧЖда лойиҳа қиймати 7,4 млрд. сўмлик беда етиштириш лойиҳаси амалга оширилиб, 30 та янги иш ўринлари яратилди.

Мухтарам Президентимизнинг жорий йил 17 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига асосан вилоятни “2017–2018 йилларда комплекс ривожлантириш дастури” доирасида лойиҳа қиймати **2,8 трлн. сўмлик 1532 та**

лойиҳалар амалга оширилиши ва ушбу лойиҳаларда **22,2 мингтадан ортиқ** иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Шундан 2017 йилда қиймати **823,9 млрд. сўмлик** (шундан, 503,3 млрд. сўми банк кредити) **1202 та** лойиҳалар амалга оширилиши ва ушбу лойиҳаларда **11,0 мингтага яқин** иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Хусусан, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати **47,5 млрд. сўмлик** (шундан банк кредити **28.1 млрд. сўм**) **193 та** лойиҳаларда **1425 та** иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда қиймати **101,7 млрд. сўмлик** (шундан банк кредити 76,2 млрд. сўм) **310 та** лойиҳалар ишга туширилиб, уларда 1755 та янги иш ўринлари яратилди (режага нисбатан 160,6 %га бажарилган).

Шундан амалга ошган лойиҳалар соҳалар кесимида куйидагича:

Саноат йўналишида қиймати 7,9 млрд. сўмлик 28 та лойиҳа ҳисобига 673 та иш ўринлари;

Хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида қиймати 67,5 млрд. сўмлик 202 та лойиҳа ҳисобига 689 та иш ўринлари;

Қишлоқ хўжалиги йўналишида қиймати 26,2 млрд. сўмлик 80 та лойиҳа ҳисобига 393 та иш ўринлари яратилишига эришилди. Жорий йил 1-ярмида бир канча йирик лойиҳалар амалга оширилди.

2017 йилда ҳам 1449 нафар фермер хўжаликларини кўп тармокли фермер хўжаликларига айлантириш юзасидан вилоят ва туман фермерлар кенгашларининг дастурлари ишлаб чиқилган.

Тасдиқланган дастурга асосан интенсив боғдорчилик ташкил этишда 24 нафар, иссиқхона ташкил этишда 27 нафар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва гўшт сут маҳсулотларини қайта ишлашда 64 нафар, янги совуттичлар ташкил этишда 20 нафар, қорамолчиликда 112 нафар, паррандачиликда 40 нафар, балиқчиликда 42 нафар, асаларичиликда 52 нафар ва сервис хизматини ташкил этишда 988 нафар фермер хўжаликларини лойиҳалари ишга тушурилиши натижасида жами 5397 нафар аҳоли янги иш ўринлари билан банд бўлиши белгилаб олинган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 69,0 млрд. сўм, шундан 21,0 млрд. сўм ўз маблағларидан ва 47,0 млрд. сўм тижорат банклари кредит ресурслари ҳисобидан маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида дастурга киритилган лойиҳалардан 585 таси амалга оширилиб 2385 янги иш ўринлари жорий қилинди.

Хусусан, Гулистон шаҳрида лойиҳа қиймати **1,5 млрд. сўмлик** трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Sirdaryo best fashion” МЧЖ ишга тушурилиб, **500 тадан зиёд** янги иш ўринлари яратилди.

Ховос туманида “Сирдарё беда уруғчилик” МЧЖда лойиҳа қиймати **7,4 млрд. сўмлик** беда етиштириш лойиҳаси амалга оширилиб, **30 та** янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 2-ярим йиллигида мазкур дастур доирасида қиймати **729,9 млрд. сўмлик** (шундан банк кредити 455,6 млрд. сўм) **892 та** лойиҳалар амалга оширилиб **9,0 мингдан зиёд** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Шундан, **саноатда** қиймати 388,5 млрд. сўмлик 262 та лойиҳалар (иш ўрни 4,4 мингта), **хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида** қиймати 136,2 млрд. сўмлик 410 та лойиҳалар (иш ўрни 2,8 мингта) ва **қишлоқ хўжалиги соҳасида** қиймати 205,3 млрд. сўмлик 220 та лойиҳалар (иш ўрни 1,8 мингта) амалга оширилиши белгиланган.

Сардоба туманида январь-июль ойларида дастурда 587 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда 107 та лойиҳада 598 янги иш ўрини яратилиб, дастур кўрсаткичи 101,9 фоизга бажарилди. Жумладан, саноатда 7 та, хизмат кўрсатиш йўналишида 27 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида 4 та янги иш ўринлари яратилди.

Ховос туманида жорий йилнинг январь-июль ойларида дастурда 599 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда 43 та лойиҳада 616 янги иш ўрини яратилиб, дастур кўрсаткичи 102,8 фоизга бажарилди. Жумладан, саноатда 3 та, хизмат кўрсатиш йўналишида 45 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида 128 та янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда Ховос тумани аҳолиси 91,7 минг нафарни, меҳнат ресурслари 53,9 минг нафарни, иқтисодий фаол аҳоли сони 39 минг нафарни, иш билан банд аҳоли сони 36 минг нафарни, ишга мухтож аҳоли сони 3 минг нафарни ташкил этмоқда. Натижада ишсизлик даражаси 7,7 фоизни ташкил этиб, вилоят бўйича (5,2 фоиз) энг юқори кўрсаткич бўлиб сақланиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишсизлик даражасини қисқартириш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар белгиланиб, қиймати 71,1 млрд. сўмлик 101 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 724 та янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу лойиҳалардан қиймати 7,4 млрд. сўмлик 16 та лойиҳалар ишга туширилди ва 112 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, мухтарам юртбошимизнинг жорий йилдаги ташрифлари якуни билан

Ховос туманида киймати 8,6 млн. долларлик 7 та йирик лойиҳалар амалга оширилиши ва 180 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Жумладан, биргина “Хожи Гадейбой ота” ХКда киймати 5 млн. долларлик 9 гектар майдонда Жанубий Корея Республикаси технологиялари асосида гидропоника усулида иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, киймати 185 минг долларлик иссиқхонада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш, киймати 317 минг долларлик 10 гектар майдонда интенсив боғ ва лимон иссиқхонаси хўжалигини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилади ва натижада 115 та янги иш ўринлари яратилади.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида Ховос туманида ишсизлик даражаси йил бошидаги 7,7 фоиздан йил якунига бориб, 5 фоизгача қисқартирилишига ёки ишга мухтож аҳоли сони эса 2 минг нафаргача камайтирилишига эришилади.

2016/2017 ўқув йилининг 11262 нафар битирувчиси билан 3407 корхона ва ташкилотлар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузиш режалаштирилган бўлиб, амалда жорий йил 20 май ҳолатига 11069 нафар (98,3 %) битирувчилар билан амалиёт ўташ ва кейинчалик уларни ишга қабул қилиш юзасидан тўрт томонлама шартномалар имзоланди.

Жорий йилда 19 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини бевосита касб-хунар коллежларида ўтказиш белгиланиб, амалда жорий йилнинг 24 март куни Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ҳамда 25 март куни Гулистон қурилиш касб-хунар коллежида “Таълим ва мутахассислик” кўرғазмаси ва меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Жорий йилнинг 31 май ҳолатига 125 нафар коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан жами 889,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 208 нафар коллеж битирувчилари 1,1 млрд. сўмлик кредит олиши учун тижорат банкларига белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилди.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида коллежларда битирувчиларни ишга жойлаштириш ва ўз бизнесларини очишга кўмаклашиш бўйича 16 та таянч касб-хунар коллежларида меҳнат ярмаркаларини ўтказиш белгиланиб, режа асосида Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари, Мирзаобод, Оқ олтин, Боёвут, Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги таянч коллежларида меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

Вилоятда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан бугунги кунда 9740 та фуқароларга 74,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шундан соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 9676 та фуқароларга 71,9 млрд. сўм қишлоқ хўжалик (чорва, парранда, балиқ, иссиқхона ва бошқалар), 16 та фуқароларга 747 млн. сўм саноат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш (нон, макарон, қурилиш моллари ва бошқа ишлаб чиқаришлар), 31 та фуқароларга 836 млн. сўм хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш (пайнет, тўйхона, автотаъмирлаш ва бошқалар), 17 та фуқароларга 624 млн. сўм бошқа йўналишларга кредит маблағлари ажратилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаининг оширилишга замин яратилди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан туман, шаҳарларда маҳаллалардаги барча хонадонларнинг ҳар бирига кириб, кредитлар олиш бўйича таклифлар киритилиб, чорвачилик, паррандачилик, эчкичилик, асаларичилик, куёнчилик ва дехқон хўжалиги, айниқса, иссиқхоналарни ташкил этиш бўйича бериладиган имтиёзли кредитлар юзасидан тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Шунингдек, кредитлар олиш истагидаги мижозларга банклар томонидан тадбиркорлик семинарлари ташкил этилиб, малакаларини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.



10.8. Вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари

Бугунги кунда қиймати 292,3 млрд. сўмлик 130 та импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб, ер майдонлари ажратиш ишлари амалга оширилмоқда.


Шундан тижорат банклари томонидан “Янгиер кичик саноат зонаси”да амалга ошириладиган жами 125 та лойиҳанинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

2017 йилнинг 2-ярим йиллигида белгиланган экспорт прогнозининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, 201 гектар майдонда етиштириладиган помидор ва бодринг маҳсулотларидан 3,2 минг тоннасини экспортга чиқариш ҳисобига 2,1 млн. долларлик, тўксонбосди экинларидан пиёз ва саримсоқпиёзнинг 8,0 минг тоннасини экспортга чиқариш ҳисобига 1,6 млн. долларлик маҳсулотларни экспортга чиқариш режалаштирилган.

Экспорт



Импорт



- Пахта ғоласи
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Кора ва рағгли металллар
- Машина ва усқуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Маъна: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлари асосида тузилди.

10.8.1-расм. 2016 йилда Сирдарё вилоятининг МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан амалга оширган ташқи савдо таркиби

Шунингдек, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 2017–2018 йилларда 42 гектар майдонда умумий қиймати 85,4 млн. долларлик Германия ва Голландия технологияси асосида 20,8 минг тонна сифимга эга омборхона, 22,7 га майдонда иссиқхона ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш, қуритиш, консервалаш ва кадокловчи технологияси мужассамлашган логистика марказларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Мисол учун, Сирдарё туманида "Kristall Fuyin Industries" МЧЖ томонидан 0,7 гектар майдонда Германия технологияси асосида умумий қиймати 698 минг долларлик банк

кредити маблағи ҳисобига 800 тонна маҳсулотларни сакловчи, “Сирдарё голден фруит” МЧЖ томонидан 4,8 млн. доллар кредит маблағлари ҳисобига 10 минг тонна маҳсулотни саклашга ва мошни қайта ишлайдиган, Сайхунобод туманида “Степово групп” МЧЖ томонидан 40 гектар майдонда Голландия технологияси асосида 80 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 10 минг тонна сифимга эга омборхона, 22,7 гектар майдонда иссиқхона ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш, қуритиш, консервалаш ва кадокловчи технологияси мужассамлашган логистика марказлари ишга туширилади.

Жумладан, қиймати 5,5 млн. долларлик 2 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, кадоклаш ва саклаш мўлжалланган лойиҳалар, қиймати 17,9 млн. долларлик 10 та Корея ва Исроил технологиялари асосида замонавий иссиқхоналар ташкил этиш ва 3,5 млн. доллар миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига 2 та янги интенсив боғлар яратиш ҳамда Тикланиш ва тараккиёт фонди томонидан ажратиладиган 1,9 млн. доллар кредит маблағлари ҳисобига 4 та музлатгичли омборхоналар қурилиши кўзда тутилмоқда.

2017 йилда ва кейинги йилларда экспорт режасини ортиғи билан бажариш мақсадида, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда вилоятдаги барча экспортга масъуллар билан биргаликда қўйидаги тадбирларни амалга оширишлари талаб қилинади:

Биринчидан, ғалладан бўшаган 30,2 минг гектар (режа 44,1 минг га.) майдонда стиштириладиган такрорий экинларнинг экспортга мўлжалланган 30 минг тоннасини, хусусан, 4 минг тонна қовун, 15 минг тонна мош, 6 минг тонна бошқа сабзавот маҳсулотлари ўртача 20 млн. долларлик маҳсулотни экспортга ортиш, шунингдек, 2017 йил учун тўксонбосд экинларни жойлаштиришда экспортбоп маҳсулотлар экилишини кўзда тутиш, шу жумладан, пахта майдонларига иқлим-шароитдан қлиб чиқиб, пахта экини экилишидан олдин март-апрель ойларида ҳосилга қирадиган экспортбоп маҳсулотларни жойлаштириш режаси ишлаб чиқилди.

Бунга асосан вилоятда жами 12,7 минг гектарга саримсок пиёз, пиёз ва қўкатлар етиштиришни ташкиллаштириш, 65 минг тонна 35,0 млн. долларлик экспортбоп ҳосил олиш режалаштириб олинди.

Иккинчидан, 2017 йилги ҳудудий саноат дастурларига киритилган 222 та корхоналарни экспортга жалб қилиш ва саноат маҳсулотлари экспорти прогнозига киритилган ҳар бир корхона 2016 йилдаги қолоқликни бартараф этиш ва йил якуни бўйича белгиланган экспорт режаларини тўлиқ ижро этишни таъминлаш.

Учинчидан, Халқаро ривожлантириш агентлиги (МАР) имтиёзли кредит линияси доирасида Сирдарё вилоятида 2016 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш борасида жами 8 млн. долларлик 14 та лойиҳанинг ҳужжатлари тайёрланиб, тегишли тижорат банкларига тақдим этилди. Ушбу лойиҳалар 2 та 2,5 гектарлик иссиқхона, 7 та йиллик 35000 тонна маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарни ҳамда 6 та 12,6 минг тонналик музлатгич омборхоналарни ўз ичига олади.

10.9. Инвестициялар – вилоят иқтисодиёти ривожланишининг асосий омили

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 2016 йилда 137,6 млрд. сўмлик ёки 36,3 млн. долларлик 17 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, шундан молиялаштириш манбааларига кўра:

- 3,9 млн. доллар эквивалентида лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари;
- 30,2 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;
- 2,2 млн. доллар эквивалентида маҳаллий кредитлар ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган.

Дастурга асосан жорий йил январь-декабрь ойларида 17 та лойиҳа бўйича жами 36,6 млн. АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан 30,3 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-

тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши белгиланган бўлиб, амалда (*қўшимча лойиҳалар билан*) 30 та лойиҳа бўйича жами 37,2 млн. долларлик инвестиция ва кредитлар жалб қилинди ёки белгиланган истикболли кўрсаткичлар 102,4 фоизга бажарилди, шундан 30,4 млн. АҚШ доллари (*белгиланган прогнозга нисбатан 100,3 фоизга бажарилган*) миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди.


Мазкур дастур доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларига жалб қилинган:

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йил 1-ярим йилликда 219,2 млрд. сўм миқдоридан банк кредитлари ажратилган бўлиб, шундан саноат соҳасига 21,1 млрд. сўм (9,6%), қурилиш соҳасига 13,6 млрд. сўм (6,2%), транспорт ва алоқа соҳасига 21,9 млрд. сўм (10,0%), кишлок хўжалиги соҳасига 86,4 млрд. сўм (39,4%), савдо соҳасига 36,9 млрд. сўм (16,8%), хизмат кўрсатиш соҳасига 9,9 млрд. сўм (4,6%) ва бошқа йўналиш соҳаларига 29,3 млрд. сўм (13,4%) кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори туман ва шаҳарлар бўйича нотекис тақсимланганлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, жами ажратилган кредитларнинг 2,1 фоизи Ширин шаҳрига, 3,8 фоизи Оқ олтин туманига, 7,6 фоизи Сардоба туманига тўғри келмоқда.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 3,2 фоизли пунктга камайган. Машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 0,6 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа харажатларнинг улуши 2,6 фоизли пунктга кўпайган.

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлари асосида тузилди.

10.9.1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумот

Бундан ташқари соҳаларга ажратилган кредитлар таҳлил қилинганда:

- саноат соҳаси бўйича Ширин шаҳри ҳамда Сардоба тумани 1,8 фоизни, Оқ олтин тумани 5,7 фоизни, Мирзаобод тумани 6,1 фоизни;
- қурилиш соҳаси бўйича Ширин шаҳри ҳамда Мирзаобод тумани 0,2 фоизни, Боёвут тумани 0,4 фоизни, Гулистон тумани 0,6 фоизни;

- транспорт ва алоқа соҳаси бўйича Ширин шаҳри 0,6 фоизни, Мирзаобод ва Сардоба тумани 2,2 фоизни;
- кишлок хўжалиги соҳаси бўйича Ширин шаҳри 1,1 фоизни, Сардоба тумани 2,3 фоизни;
- савдо соҳаси бўйича Ховос тумани 1,0 фоизни, Ширин шаҳри 1,9 фоизни, Сардоба тумани 2,0 фоизни;
- хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Сардоба тумани 0,3 фоизни, Ширин шаҳри 0,5 фоизни, Мирзаобод тумани 0,6 фоизни;
- бошқа соҳалар бўйича Сардоба тумани 0,1 фоизни, Ховос тумани 0,6 фоизни, Янгиер шаҳри 2,4 фоизни ташкил этмоқда.

10.10. Вилоят аҳолисининг турмуш даражаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги 25-сонли “Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорига

Бугунги давр талаби бўлган ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар режалаштирилмоқда.

Келгуси беш йилда вилоятда 65 километр оптик толали алоқа тармоқларини ва 161 та автомобиль алоқа таянч станцияларини қуриш, маънавий жиҳатдан эскирган телефон станцияларини янгилаш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Гулистон туманида иккита рақамли телеузаткич ўрнатиш орқали вилоят ҳудудида рақамли телевиденига ўтиш даражасини 80 фоиздан 100 фоизга етказишга эришамиз.

Ш. Мирзиёев

асосан жорий 2017 йилда 103,6 км коллектор ёпик дренаж тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш, 33та сув иншоатини қуриш, 452,4 км ёпик дренаж тармоқларини таъмирлаш, 27,3км каналлар реконструкцияси, 127 дона тик кудукларни таъмирлаш режалаштирилган.

Ҳисобот даврига келиб, жами 47,7 км ёпик дренаж тармоқларида қайта таъмирланган, жами 3 та, шундан: Боёвут туманида 1 та, Оқ олтин туманида 1 та, Ховос туманида 1 та сув иншоатлари қурилган, 277,4 км коллекторлар тозаланган, 7,5 км каналлар реконструкция қилинган, 45 дона тик кудуклар таъмирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29–декабрдаги ПҚ-2460 сонли қарорига асосан 2017–2020 йиллар давомида пахта ва ғалла майдонларини мақбуллаштириш орқали 27,5 минг гектар майдонларга мева-сабзавот, полиз, картошка экинларини экиш белгиланган ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Белгиланган чора - тадбир ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилда вилоят бўйича 4500 га, жумладан Мирзаобод ва Ховос туманларида 3000 га пахта майдонларини қискартириб, экспорт учун мева-сабзавот ва полиз экинларини экиш, шундан: 654 гектарига картошка, 1705 гектар майдонга сабзавот, 318 гектар майдонга интенсив бог, 285 гектар майдонга тоқзорлар, 367 гектар майдонга мойли экинлар ва 1171 гектар майдонга озуқа экинлари жойлаштирилган.

Республикамиз вилоятлари каби Сирдарё вилоятида ҳам шаҳар ва кишлокларимиз киёфасини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Бугун Сардоба туманига йўлингиз тушса, ҳудудда истиклол йиллари амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан кўзингиз қувнайди. Туманга киришингиз билан замонавий бинолар, қатор намунавий уйлар, корхона ва савдо шохобчалари қад ростлаб турибди.

Айни кунларда сони қирк бештага етган замонавий уй-жойлар файзи ҳаммасидан ўзгача. Савдо дўконлари ва турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эса аҳолига сифатли хизмати кўрсатмоқда.

Ҳар бир туман, шаҳарлардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида “Нуронийлар масканлари”ни барпо этиш бўйича туман ва шаҳар ҳудудларида ер майдонлари, бинолар ажратилиши бўйича Боёвут туманида 3 хонали, Гулистон туманида 3 хонали бино ажратилган бўлиб, Мирзаобод туманида Бино ажратилган реконструкция ишлари режалаштирилмоқда. Оқ олтин, Сайхунобод, Ховос туманида ер майдони ажратилган бўлиб, қурилиш ишлари режалаштирилмоқда.

Гулистон шаҳрида истироҳат боғи ҳудудида янги барпо этилган вилоят “Нуронийлар маскани” ишга туширилиши арафасида турибди. “Нуроний” жамғармаси, вилоят ва Гулистон шаҳар бўлимларини ушбу масканга жойлаштириш режалаштирилган.

Санаторий-курортларда дам олишлари учун шароит яратиш бўйича ҳозирги кунда вилоятимизда 656 нафар кексалар республикамиздаги сихатгоҳларга юборилди. 205 нафар нуронийларимиз учун зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги” ПФ-5000-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида барча туман (шаҳар)даги “Нуронийлар эъзозимизда” шиори остида патронаж ёшлар гуруҳларининг тарғибот тadbирлари бўлиб ўтди.

Ўтказилган тadbирлар давомида туманлардаги Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларининг 25 нафари хонадонларида Патронаж ёшлар харакати ташкил этилди. Вилоятимиз бўйлаб жами тadbирларда 850 нафардан ортиқ фаол ва кўнгилли ёшлар иштирок этишди.

10.11. Вилоятда таълим ва маданият

“Республика театрларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тadbирлар дастури” га асосан Сирдарё вилояти ҳокимлигининг 2017 йил 11 январьдаги Республика ишчи гуруҳининг 25-сонли йиғилиш баёни VI қисми 32 - бандига мувофиқ театр биносини капитал таъмирлаш смета харажатлари 32 млрд. сўмга ишлаб чиқилган, бу бўйича 3 йил муддат ичида таъмирлаш ишларини олиб бориш “Бек-қурилиш Авто” МЧЖ пудратчи этиб тайинланган. 2017 йил театр биносини 1-босқич капитал таъмирлаш учун 10,0 млрд сўм ажратилган. Бугунги кунда театр жамоаси “Яшил театр” биносида фаолият олиб бормоқда ва театрда таъмирлаш ишлари бошланган.

Ўзбекистон Республикаси кинематографиясини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш чора-тadbирларини амалга ошири бўйича вилоят ҳокимлигининг 2017 25 январьдаги 11–1-22-сонли баёни билан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш ҳамда унинг моддий техник базасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Ушбу дастурга асосан 2017–2018 йиллар давомида агентликнинг вилоят бўлимини ривожлантириш учун 40.0 млн сўм миқдорида маблағ ажратилиши, шунингдек, автомашина билан таъминлаш, Гулистон шаҳрида икки залли олий тоифали давлат кинотеатри қурилиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги 178-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 7 та марказда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини яқунлаш чораларини кўриш ва фойдаланишга топшириш бўйича 2017 йилга 6 та марказларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхат асосида Гулистон тумани “Навоий”, Ширин шаҳар “Нурчи”, Оқ олтин тумани “Оқ олтин”, Мирзаобод тумани “Дехқонобод”, Сирдарё тумани “Малек”, Боёвут тумани “Баҳор” маданият ва аҳоли дам олиш марказларида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини олиб бориш ва яқунлаш ҳамда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, ўтган йилда таъмирлаш ишлари якунига етказилмаган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Сайхунобод туманидаги Пахтакор маданият ва аҳоли дам олиш марказини таъмирлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Марказга лойиҳа смета бўйича жами 719 млн. сўм ажратилиши белгиланган маблағдан ҳозирги кунда 500 млн. сўм молиялаштирилган. Пудратчи томонидан марказнинг 85% қурилиш ишлари бажарилган.

Сирдарё туманидаги "Истиклол" маданият ва аҳоли дам олиш марказини таъмирлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Марказга лойиҳа смета бўйича жами 499 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган маблағдан ҳозирги кунда 72 млн. сўм молиялаштирилган.

Маълумки, таълим ва тарбиянинг пойдевори оила билан бирга болалар боғчасида қўйилади. Бу жуда муҳим масала.

Шу сабабли ишлаб чиқилаётган дастурда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий ускуналарни жорий этишга аҳолига эътибор қаратилади.

Сирдарё вилоятида келгуси беш йилда 3 та мактабгача таълим объекти янгитдан қурилади, 43 та объект реконструкция қилинади ва 36 та ипшоат капитал таъмирланади. Айни вақтда бу соҳада хусусий болалар боғчалари фаолиятини йўлга қўйишга ҳам кенг имконият яратилади.

Ш. Мирзиёев

Гулистон шаҳридаги "Дўсглик" маданият ва аҳоли дам олиш марказини қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Марказга лойиҳа смета бўйича жами 594 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Шундан ҳозирги кунда 350 млн. сўми молиялаштирилган.

2016/2017 ўқув йилининг 11262 нафар битирувчиси билан 3407 корхона ва ташкилотлар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузиш режалаштирилган бўлиб, амалда жорий йил 20 май ҳолатига 11069 нафар (98,3%) битирувчилар билан амалиёт ўташ ва кейинчалик уларни ишга қабул қилиш юзасидан тўрт томонлама шартномалар

имзоланди.

Жорий йилда 19 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини бевосита касб-ҳунар коллежларида ўтказиш белгиланиб, амалда жорий йилнинг 24 март куни Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси, ҳамда 25 март куни Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежида "Таълим ва мутахассислик" кўرғазмаси ва меҳнат ярмаркаси ўтказилди.


Жорий йилнинг 31 май ҳолатига 125 нафар коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан жами 889,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 208 нафар коллеж битирувчилари 1,1 млрд. сўмлик кредит олиши учун тижорат банкларига белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилди.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида коллежларда битирувчиларни ишга жойлаштириш ва ўз бизнесларини очишга кўмаклашиш бўйича 16 та таянч касб-ҳунар коллежларида меҳнат ярмаркаларини ўтказиш белгиланиб, режа асосида Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари, Мирзаобод, Ок олтин, Боёвут, Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги Таянч коллежларида меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

10.12. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида биринчидан уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотидagi улуши 2016 йил якуни билан 68,7 фоизни, 2017 йил 1-ярим йилликда 65,3 фоизни ташкил қилди. Шунингдек амалга оширилган экспорт таркибида ҳам кичик бизнеснинг улуши ошиб бормоқда. 2016 йилда вилоят умумий экспортидаги кичик бизнеснинг улуши 66,7 фоизни (ўтган йилнинг шу даврига 64,5%), 2017 йил 1-ярим йилликда 41,1 фоизни ташкил этиб, 26,7 фоизга ўсишга эришилди.



Манба: Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлари асосида тузилди.

10.12.1-расм. Сирдарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (деҳқон, фермер хўжаликларисиз) сони 7962 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 55,6 фоизи (2016 йил январь-мартида 55,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 269,3 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,6 фоизи), шу жумладан, банд бўлганларнинг 166,5 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 102,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди; саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 392,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 40,1 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 109,9 фоизни ташкил қилди; 126,9 млрд. сўмлик кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотларини (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб (умумий кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,2 фоизи) ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 5,7 фоизга ўсиши таъминланди; 93,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 43,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 27,3 фоизга ўсди.

103,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,7 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 12,5 фоизга кўпайди.

Автомобиль транспорти юк айланмасининг 7,7 фоизга (вилоят жами Автомобиль транспорти юк айланмасининг 91,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,9 фоизи) кўпайиши таъминланди.

Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,9 фоизи ёки 423,5 млрд. сўми (ўсиш 1,2 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 64,4 фоизи ёки 192,1 млрд. сўми (ўсиш 10,3 фоиз) шакллантирилди.

16,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 53,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 20,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 83,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

10.13. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

❖ Тижорат банкларидан олинган кредит маблағларини тўлашда масофадан туриб банк-клиент орқали тўлаш тизими йўлга қўйилмаган. Ушбу тизим жорий қилинса миждозларга қулайликлар яратилади. Фуқароларга шахсий эҳтиёжи учун сарфланадиган кредит карточкаларини очиб, кредит маблағларини ажратиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

❖ Вилоятнинг айрим ҳудудларида рақамли телевидение мавжуд. Бироқ, ундан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

❖ Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда сизот сувлари ер юзига яқин жойлашган. Республика томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмини имкон қадар ошириш лозим.

❖ Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажми етарли даражада эмас. Йил бошида тасдиқланган дастурга киритилган лойиҳаларга етарли даражада кредит маблағлари ажратиб берилмаяпти. Шу сабабли дастурга киритилган айрим лойиҳалар амалга оширилмай қолмоқда. Тижорат банклари томонидан кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш лозим.

❖ Электр таъминотида киш ойларида узилишлар давом этмоқда. Бу ҳолат фуқаролар ва тадбиркорларга ноқулайликларни юзага келтирмоқда.

❖ Ҳозирги кунда пластик карточкалар мавжуд СМС хизматига уланган ва Мобил банкинг хизмати фаол ишлаб келмоқда. Ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизими ҳамма ташкилотларда ҳам мавжуд эмас. Бюджет тизимидагина тўлиқ йўлга қўйилган.

❖ Юқори интернетга уланишда вилоят ҳудудида фақатгина туманлар марказида шаҳарлараро телефон линияси бўйича уланишни амалга ошириш мумкин. Қолган ҳудудларда телефон линиялари йўқлиги сабабли фақатгина мобил алоқалар орқали уланади. Ҳамма ҳудудларда ҳам телефон линияларига уланиш амалга оширилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

❖ Вилоят ҳудудларида маданият ва дам олиш марказлари мавжуд, жумладан, туман марказларида замонавий ўйингоҳлар, маданият уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунга қарамадан барча ҳудудларда бу каби қулайликлар мавжуд эмас.

❖ Интернет, телекоммуникация алоқаларида муаммо ва камчиликлар мавжуд эмас. Лекин интернет тариф нархлари юқори.

❖ Мобил алоқа операторлари (Beeline, Ucell, UMS, Uzmobil) мобил алоқа фойдаланувчилар сони 71 мингтани ташкил этмоқда. Интернет сифатини янада яхшилаш мақсадида вилоятда мавжуд мобил алоқа операторлари томонидан 3G-4G стандартдаги база станцияларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

❖ Интеллектуал мулкни ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида туманларда кутубхоналар ва кинотеатрларни кўпроқ барпо қилиш лозим.

❖ Айрим туманларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари дастурга киритилган Автомобиль йўллардагина ўз вақтида олиб борилмоқда, лекин янгитдан асфальт ётқизилган йўллар сифатсиз.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Вилоятда 5 та мобил алоқа операторлар (Beeline, Ucell, UMS, RWS, Uzmobil) томонидан ўрнатилган база станциялар сони **583 тага** етказилган, **94 %** мобил камровига эга. База станциялар 2G – 393та, 3G-130та, 4G-19та, 1X-17та, EVDO-24 тани ташкил этади. Ҳозирда мобил алоқа фойдаланувчилари сони **589,5 минг.** тани ташкил этмоқда. Вилоятда

юқори тезликдаги интернет сифатини янада яхшилаш мақсадида вилоятда мавжуд мобил алоқа операторлари томонидан 3G-4G стандартдаги база станцияларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

2. Амалга ошириладиган 21 та лойиҳаларга 31,0 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилишини жадаллаштириш ва 1 сентябрга қадар тўлик ажратиш зарур.

3. Четдан насли қорамол (эчки) олиб келадиган лойиҳаларнинг маблағларини, жумладан, "Инзим-текс" ҚКнинг Германия давлатидан 660 бош зотли эчки сотиб олиш бўйича ҳамда Туркия давлатидан жиҳоз сотиб олиш бўйича қорхонанинг АТИБ "Ипотекабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги ҳисобидаги 1798,0 млн. сўм маблағларини конвертация қилишда қўмаклашиш лозим.

4. Вилоятда сунъий уруғлантириш тадбирлари қўламини ошириш мақсадида ташкил этилган "Файз насл сервис" МЧЖга насли буқа уруғлари ва азотни шаҳобчаларга тарқатиш ҳамда ҳалқа усулида сунъий уруғлантиришни жорий этиш учун 2 дона "Дамас" Автомобиль ини банк кредити асосида ажратиш керак.

5. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларга улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар (гўшт, сут, тухум) таннархини арзонлаштириш учун уларга ажратилаётган ЁММ ва минерал ўғитларни пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари каби имтиёзли нархларда ажратиш зарур.

6. Ҳосилдорлиги ва балл бонитети паст, кучли шўрланган, мелиоратив аҳволи ҳамда сув таъминоти оғир ер майдонларида чорва озуқаси (беда пичани ва сенажи, маккажўхори силоси, оралик экинлар) етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ушбу фермер хўжаликлари пахта ва ғалла экинлари жойлаштирилмаслиги (4–5 йил) зарур.

7. Вилоятда оралик экинлар (тритикале, озуқабоп нўхат, кенг баргли сули ва арпа) нинг сифатли қафолатланган уруғлари етишмаслигини баргараф этиш мақсадида барча туманларда оралик экинлар уруғини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш зарур.

8. Ўрта ва кичик фермер хўжаликларида етиштирилган озуқа экинларини шартнома асосида ўриб-йиғиб бериш учун туман МТПларига юқори унумли озуқа ўриш қомбайнларини лизинг асосида ажратиш лозим.

9. Вилоят аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимини, яъни автобуслар қатновини яхшилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

10. Чорвачилик фермер хўжаликларида етиштирилган озуқа экинларини ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун уларга юқори унумли озуқа ўриш қомбайнларини имтиёзли нархларда лизинг асосида ажратилса иш самараси юқори бўлади.

11. Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти катта. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хорижий инвестициялар қўмағида вилоятдаги қорхоналарга замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, бунинг натижасида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали аҳолининг талабини тўлароқ қондириш;

Сирдарё вилоятида мавжуд тижорат банкларининг кредитлар бериш барқарорлигини таъминлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

11. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

11.1. Тошкент вилоятининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни

Тошкент вилояти географик жihatдан республиканинг шимолий шаркида жойлашган бўлиб, шимол ва шимолий ғарбдан Қозоғистон, шимолий шарқдан Қирғизистон ва жанубдан Тожикистон давлатлари, шунингдек шарқдан Наманган, жанубий ғарбдан эса Сирдарё вилоятлари билан чегарадош.

Вилоятда 15 та туман, 4 та вилоят ва 14 та туман бўйсунувидаги шаҳарлар, 18 та шаҳар типдаги посёлкалар 146 та кишлоқ фукаралар йиғинлари ҳамда 1157 та кишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд (11.1.1-жадвал). Вилоятнинг маъмурий-худудий тузилмаси асосан саноатга ихтисослашган тўртта шаҳар (Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чирчик) ва ўн тўртта кишлоқ хўжалигига ихтисослашган (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оккўрғон, Охангарон, Паркент, Пискент, Чиноз, Ўртачирчик, Қибрай, Қуйичирчик, Юқоричирчик, Янгийўл) туманлардан иборат.



Вилоятда жами 110 тадан ортиқ туризм объектлари ҳамда 76 тадан зиёд тарихий ва маданий мерос объектлари мавжуд.

11.1.1-жадвал

Тошкент вилоятининг таркибий тузилиши⁹⁸

Ташкил топган вақти	1938 йил, 15 январь
Майдони	15,26 (минг км ²)
Аҳолиси сони	2829,5 минг киши (2017 йил, 1 январь)
Шаҳарлар сони	18 та
Туманлар сони	15 та
Шаҳар типдаги посёлкалар сони	18 та
Маҳалла фукаралар йиғинлари сони	990 та
Кишлоқ фукаралар йиғинлари сони	146 та
Кишлоқ аҳоли пунктлари сони	1157 та

Вилоят иқтисодининг асосини саноат, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, металлургия, пахтани қайта ишлаш ва озик-овкат саноати ташкил этади. Бундан ташқари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати тез суръатларда ривожланиб бораётган тармоқлар жумласига киради. Енгил саноатнинг асосини мавжуд пахта тозалаш заводлари, пахта ва ипак тола йигирувчи фабрикалар ташкил қилади. Нон маҳсулотлари, кандолат, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Вилоятнинг ялпи худудий маҳсулоти (ЯҲМ) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 2016 йилда 8,8 фоизини, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса ўртача мамлакат даражасининг 109,6

⁹⁸ Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида тузилган.

фоизини ташкил қилади. ЯХМ таркибида кейинги йилларда, инвестициялар ва аграр сектор улушининг қисқаришига, айти вақтда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши кўпайишига эришилди (11.1.2-жадвал).

11.1.2-жадвал

Тошкент вилоятининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни (фоиз ҳисобида)⁹⁹

Кўрсаткичлар номи	2000 й.	2010 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	Мамлакатимизда тутган ўрни (2016 йилда)
Аҳолиси сони	9,6	9,2	8,9	8,9	8,8	5
Ялпи ҳудудий маҳсулот	10,8	9,0	9,8	9,6	10,2	2
Саноат маҳсулотлари	16,4	14,5	14,7	14,7	15,0	2
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	10,2	9,9	11,7	12,1	11,9	3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	13,2	13,1	12,6	12,6	12,6	1
Асосий капиталга инвестициялар	8,1	9,8	10,8	9,7	8	4
Чет эл инвестициялари	10,9	6,1	7,3	8,2	5,5	5
Чакана савдо айланмаси	9,9	11,0	10,5	10,7	10,8	3
Пуллик хизматлар	7,0	6,1	6,6	9,2	9,4	5
Тапқи савдо айланмаси	12,3	13,2	13,9	12,4	11,3	2
Экспорт	11,6	13,4	13,8	13,1	9,1	2
Импорт	13,2	13,0	14,1	11,7	13,6	2

Тошкент вилояти мамлакат саноатининг ҳудудий таркибида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ҳозирги вақтда республика саноат маҳсулотларининг 15 фоизи, жумладан, республикада ишлаб чиқарилаётган электрэнергиянинг 45 фоизи, кўмирнинг 98 фоизи, цементнинг 43 фоизи, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизи, рангли металлларнинг асосий қисми вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида вилоятда кейинги йилларда барқарор ривожланиш жараёнлари кузатилмоқда. Буни ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ўртача 7,5 фоизни ташкил қилиб, 2010–2016 йилларда 3,1 маротаба ўсганлигида кўришимиз мумкин. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,3 мартага, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш - 4,9 мартага, чакана савдо айланмаси 3,3 мартага, пуллик хизматлар 4 мартага кўпайган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконини бермоқда. Таҳлил қилинаётган 2010–2016 йиллар давомида саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 37,7 фоиздан 38,8 % фоизга ўсганлиги, қишлоқ хўжалигининг улуши 22,5 фоиздан 19,7 фоизга қисқарганлигини, хизматларнинг 40 % дан 41,5 % га ўсганларини ижобий жараён сифатида баҳолаш мумкин (11.1.3-жадвал).

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришдаги улуши бўйича Тошкент вилояти Қорақолпоғистон Республикасидан кейинги 2-ўринда туради.

⁹⁹ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Тошкент вилояти иқтисодий тармоқлари бўйича ЯХМ тузилмаси¹⁰⁰, (фоизда)

Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2011й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ялпи ҳудудий маҳсулот	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:							
Қишлоқ хўжалиги	22,5	22,8	23,7	22,3	21,6	20,6	19,7
Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга)	37,7	38,4	38	40,4	40	39,7	38,8
Хизматлар	40	40,9	40,6	38,6	38,8	36,3	41,5
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	54,7	57,2	54,6	55,3	56,2	56,7	57,1

Тошкент вилояти 2016 йилда инвестицион фаоллик даражасига кўра мамлакат ҳудудлари ичида 4-ўринда туради. Миллий иқтисодийга жалб этилган асосий капиталга инвестицияларнинг 7,6 фоизи, чет эл инвестицияларининг 8,2 фоизигача вилоятга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар асосини машинасозликни ривожлантиришга йўналтирилган марказлашган инвестициялар ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатига оид маҳаллий лойиҳалар ташкил этади. Кейинги 10 йил ичида хорижий инвесторлар иштирокида 198 та қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилди ва уларнинг сони 532 тага етди. Мазкур корхоналарнинг вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларидаги улуши 2016 йил якунига кўра 27,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудий экспорт ҳажмининг 17,5 % ни таъминлаб бермоқда, шунингдек жами импортнинг 24,7 % улушига тенг бўлиб, ушбу корхоналарнинг 2005–2016 йиллардаги ривожланиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 12 баробарга ошишига хизмат қилди (11.1.4-жадвал).

2016 йилда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолияти¹⁰¹

Республика ва вилоят	Саноат маҳсулоти		Экспорт		Импорт	
	млрд. сўм	Хорижий корхоналар улуши	млн. АҚШ долл.	Хорижий корхоналар улуши (%)	млн. АҚШ долл.	Хорижий корхоналар улуши (%)
Ўзбекистон Республикаси	28667,6	25,8	2192,5	17,4	4022,7	33,2
Тошкент вилояти	4639,9	27,5	214,7	17,5	416,4	24,7

Тошкент вилоятининг хизматлар бозори бўйича Ўзбекистондаги улуши Тошкент шаҳридан кейинги ўринда туради (аҳоли жон бошига 3 ўринда) ва жами улуши 9,3 % ни ташкил этади. Вилоятда асосий хизматлар транспорт хизматлари ҳисобланади ва унинг улуши жами хизматларнинг 36,7 % ҳиссасига тўғри келади (11.1.5-жадвал).

Ҳозирги вақтда вилоятда 20 мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда кейинги 10 йилда янги, замонавий хизмат турларини ўз ичига олган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2,1 мартага, компьютер дастурлаштириш хизматлари 3 мартага, молиявий хизматлар 5,7 мартага, туристик хизматлар 8,7 мартага, савдо ва маиший хизматлар 6,5 мартага, технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 2,5 мартага ошди.

¹⁰⁰ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Тошкент вилояти иқтисодиётида хизматлар таркибининг тузилиши¹⁰²

Кўрсаткичлар	2016 йил, млн. сўм	Ўсиш 2015 йилга нисбатан, %	Улуши, %
Жами	8436,8	116,7	9,3
Ахборотлаштириш хизматлар	149,3	114,5	1,7
Молиявий хизматлар	546,2	113,9	6,4
Транспорт хизматлари	3101,4	121,4	36,7
Шу жумладан автотранспорт хизматлари	2997,1	120,8	35,5
Маиший хизмат	360,3	110,5	4,2
Савдо хизматлари	2596,1	115	30,7
Бошқалар	1683,5	112,2	19,9

Экспорт салоҳияти жиҳатидан ҳам Тошкент вилояти мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан энг юқори ўринлардан бирини (иккинчи ўринни) эгаллайди. Экспорт салмоғининг аксарият қисмини саноат маҳсулотлари ва пахта толаси ташкил қилади. Вилоят экспортининг мамлакат экспортидаги улуши 2010–2016 йиллар мобайнида 13,5 фоиздан 9,1 фоизга, импорт салмоғи эса 12,5 фоиздан 13,6 фоизга кўпайган (11.1.6-жадвал).

Тошкент вилоятининг 2010–2016 йиллардаги ташқи савдо кўрсаткичлари таҳлили¹⁰³,
минг АҚШ долл.

Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ташқи савдо айланмаси	2901,5	3622,2	2952,4	3318,3	3905,9	3094,8	2754,3
Республикадаги улуши	13,1	13,7	11,2	11,7	14,2	12,4	11,3
Экспорт	1756,0	2244,5	1736,8	1662,4	1948,9	1637,1	1103,0
Республикадаги улуши	13,5	14,9	12,8	11,6	14,4	13,1	9,1
Импорт	1145,5	1377,7	1215,6	1655,9	1957,0	1457,7	1651,3
Республикадаги улуши	12,5	12,1	9,5	11,9	14,0	11,7	13,6
Сальдо	610,5	866,8	521,2	6,5	-8,1	179,4	-548,3

Вилоятнинг ташқи савдо айламаси мутлоқ 2,3 марта ўсган бўлиб, бу кўрсаткич Республика даражасига (2,5 марта) нисбатан паст, ўртача ўсиши эса 110 % ни ташкил этиб, республиканинг таҳлил йиллардаги ўсишига нисбатан 0,9 % юқори бўлган.

Вилоят экспорти 2010–2016 йиллар давомида мутлоқ 1,6 марта ўсишга эришиб, республиканинг (2,2 марта) нисбатан паст, йилига ўртача ўсиши эса 9,1 % бўлиб, республиканинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлган. Шунингдек, импорт республиканинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўсиши ҳисобига республиканинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан паст ўсишга эришилган.

Вилоятнинг ташқи савдосида 2012 йилгача бўлган давргача ижобий сальдо кузатилган бўлса, 2014–2016 йилларда манфий сальдо юзага келган. Ушбу ҳолатни вилоятда саноатни модернизациялаш йўналишларида амалга оширилган йирик лойиҳалар ва уларни технологик ускуналар харидини ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Импортнинг таркибида кимё маҳсулотлари, энергия ва нефт маҳсулотларининг улуши юқориликча сақланиб қомакда. Экспорт таркибида 2016 йилда озик-овқат маҳсулотлари

¹⁰² Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

улуши 2005 йилдаги 4,2 % дан 51,7 % га, пахта толаси улуши эса 10,9 % дан 14,2 % га кўтарилган. Тошкент вилоятида қора ва рангли металллар экспорти 2005 йилда 67,7 % ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда жами экспорт таркида унинг улуши 7,4 % га қисқарган.

Ўз навбатида импорт таркибида ҳам катта ўзгаришлар кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар улуши 8,7 % дан 20,6 % га, энергия ва нефт маҳсулотлари 0,4 % дан, 37,9 % га ошган бўлса. Қора ва рангли металлларнинг жами импортдаги улуши 10,4 % дан, 9,5 % га, озиқ-овқат маҳсулотлари эса 11,3 % дан, 7,9 % га қисқарган.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмасининг асосий ўзгаришлари озиқ-овқат товарлари ва қора ва рангли металллар ҳисобига бўлганлиги юқоридаги тахлилий натижаларидан кузатиш мумкин.

Тошкент вилояти экспортини унинг туманлари бўйича тахлил қилинганда асосий улушга эга бўлган Зангиота, Қибрай, Пискент, Янгийўл, Олмалик туманлари келтириш мумкин. Уларнинг вилоят жами экспортидаги улуши 87 % ни ташкил этади ва бошқа барча туманларнинг улуши 13 % ни ташкил этади.

Тошкент вилоятида жами 316 та корхоналар экспортёр корхоналар ҳисобланиб, уларнинг 240 таси саноат маҳсулотлари, 76 таси мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ҳисобланади. 2016 йилги прогноз бўйича вилоятда жами корхоналар томонидан 771521,0 минг долларлик экспорт амалиёти режалаштирилган бўлиб, (77959,6 минг доллар саноат маҳсулотлари, 608561,4 минг доллар мева-сабзавотлар) амалда атиги 253502,8 минг доллар (32,9 %) экспорт қилинган. Саноат маҳсулотлари экспорти прогнозга нисбатан 67,4 %, мева-сабзавотлар эса 27,1 % га бажарилган. Жами, 316 та экспортёр корхоналардан 57 тасида (51 та саноат маҳсулотлари, 6 та мева-сабзавотлар) прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган, 95 та корхоналар (78 та саноат маҳсулотлари, 17 та мева-сабзавотлар) томонидан эса умуман экспорт қилинмаган.


2016 йилда вилоятда мавжуд 5667 та саноат корхоналарнинг 162 тасида экспорт амалиёти бажарилган бўлиб, унинг жамидаги улуши 2,9 % ни ташкил этган. Жами мавжуд саноат корхоналарига нисбатан экспорт қилувчи корхоналар салмоғи бўйича Бекобод шаҳри (3,3 %), Чирчик шаҳри (5,1), Оҳангарон (3,2%), Бекобод (3,1%), Зангиота (4,1%), Қибрай (3,3%) устун туради.

2016 йилда Тошкент вилоятида иктисодиётни модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари ва уларда инвестицияларни ўзлаштириш йўналиши бўйича мамлакатга жалб қилинган жами инвестицияларнинг 8,5 % вилоятнинг ҳиссасига тўғри келган. Қиритилган инвестициялар ҳисобига мамлакатда яратилган барча иш ўринларининг 19,2 % айнан вилоят ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятда 2005–2016 йилларда 23149 минг доллар ҳажмда иктисодиётни модернизациялаш йўналишларида амалга оширилган модернизациялаш дастурлари натижалари, ушбу йиллар давомида жами 3605 млн.доллар қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 396,1 млн.доллар экспорт қилиш имкониятларини яратиб берди.


Тошкент вилояти инвестиция фаоллиги даражаси нисбатан юқори бўлган ҳудудлар сирасига қиради. Иктисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш давлат дастурлари доирасида йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши вилоятда инвестиция ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.

Хорижий инвестициялар ўсиш суръати мамлакат даражасидан юқори ҳисобланиб, республиканинг чет эл инвестициялари ҳажмидан вилоят улушининг кескин оширишга эришилди (2010 йилдаги 9,8%дан 2016 йилда 15%га), (11.1.1-расм). Бироқ, ушбу ҳолатлар вилоят саноатининг ривожланишига етарлича таъсир ўтказмаган бўлса-да, республикадаги мавқеи 3-ўринни сақлаб қолишига эришган. Жумладан, инвестициялар таркибида аҳоли ва корхоналарнинг ўз маблағлари улуши 2015 йилгача юқори улушни сақлаб келган бўлса, 2016 йилда инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида юқори даражадаги ўзгариш юз берди ва тижорат банкларининг кредитлари 2010 йилдаги 9,9 % дан 55,7 % га ошди.



11.1.1-расм. Тошкент вилоятининг 2000–2016 йиллардаги мамлакатимиз инвестицияларидаги улуши¹⁰⁴, фоизда

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда "Ангрэн" махсус индустриал зонаси ҳам ўзига хос ўринга эга бўлмоқда. Бугунги кунда махсус зона Маъмурий кенгаши томонидан 22 та инвестиция лойиҳаси (425,9 млн. АҚШ доллари) тасдиқланган бўлиб, қувонарли томони, уларнинг 38,3 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Махсус зона ўз фаолиятини бошлагандан буён 9 та корхона ишга туширилиб, улар доирасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг (166,4 млн. АҚШ доллари) 74 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялардир. Бу ҳолат эса чет эл капиталини фаол жалб қилишда эркин иқтисодий зоналар, саноат парклари, бизнес инкубаторлар каби махсус зоналар ташкил қилиш тажрибасининг ўринли эканлигини кўрсатади.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрь куни Ангрэн шаҳрига ташриф буюриб, ушбу зонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари билан танишди. Улардан бири Хитойнинг «Поли техноложиз» компанияси билан ҳамкорликда конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва Автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳага кўра, йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси шинаси, 3 миллион дона Автомобиль шинаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Конвейер лентаси ва шиналар саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман, одамлар ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш импорт ўрнини тўлдириш, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Заводда «Bars» бренди остида 21 хил ўлчамдаги автошиналар ишлаб чиқарилади ва «ЖМ Ўзбекистон» қўшма корхонасига етказиб берилади. Қишлоқ хўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олд шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланадиган ушбу маҳсулотлар - 140 минг дона прицеп, 60 минг дона трактор шиналари деҳқон ва фермерлар ишига мадад бўлади. Конвейер лентасининг ҳам икки хили – резина матоли ва

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

резина тросли турлари ишлаб чиқарилади. Ички бозорни таъминлашдан ташқари йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Вилоятда 2016 йилда жами 5847,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган ва унинг Республиканинг жамидаги улуши 12,3 % ни ташкил этиб, республикада Тошкент шаҳридан кейинги ўринда туради. Тошкент вилоятининг жами истеъмол товарлари таркибида 67,7 % озиқ-овқат товарлари ва 32,3 % ноозиқ-овқат товарлари ҳисобланади (11.1.7-жадвал).

11.1.7-жадвал


Тошкент вилоятининг 2016 йилдаги истеъмол товарлари бозори ҳолати таҳлили¹⁰⁵

Вилоятлар	Истеъмол товарлари жами			Шу жумладан					
				Озиқ-овқат товарлари			Ноозиқ-овқат товарлари		
	млрд. сўм	2015 йилда ўсиши	улуши (%)	млрд. сўм	2015 йилда ўсиши	Улуши	млрд. сўм	Ўсиши (%)	Улуши (%)
Ўзбекистон Республикаси	47359,2	154	100	23617,2	111,4	49,9	23742	100,1	50,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1154,5	111,5	2,4	855,3	110,9	74,1	299,2	113,3	25,9
вилоятлар:									
Андижон	5580,7	73	11,8	1705,5	115,2	30,6	3875,2	62,8	69,4
Бухоро	2789,3	116,8	5,9	1296	125,2	46,5	1493,3	110,4	53,5
Жиззах	1177	116	2,5	572,4	113,7	48,6	604,6	118,3	51,4
Қашқадарё	2566,1	112,6	5,4	1520,1	113,3	59,2	1046	111,7	40,8
Навоий	2143,2	112	4,5	934,8	116,8	43,6	1208,4	108,5	56,4
Наманган	2193,5	113,9	4,6	1121	112,2	51,1	1072,5	115,6	48,9
Самарқанд	5132,6	112,1	10,8	2280,8	113,6	44,4	2851,8	110,9	55,6
Сурхондарё	928	113,3	2	601,5	111,5	64,8	326,5	116,8	35,2
Сирдарё	1454,9	117,7	3,1	880,6	111,7	60,5	574,3	128,3	39,5
Ташкент	5847,5	111	12,3	3960,2	110,5	67,7	1887,3	112,1	32,3
Фарғона	3274	109,2	6,9	1470,1	96,9	44,9	1803,9	121,7	55,1
Хоразм	1698,7	96,3	3,6	730,7	105,7	43,0	968	90,7	57,0
Тошкент шаҳри	10794,2	114,3	22,8	5063,2	111,9	46,9	5731	116,5	53,1

Тошкент вилояти саноати асосан оғир саноатга ихтисослашганлиги сабабли истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришнинг умумий товарлар ишлаб чиқаришидаги улуши бошқа вилоятларга нисбатан паст. Шунга қарамадан озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш, аҳоли истеъмоли учун етарли даражада таъминлаш имкониятларини яратиб берилмоқда.

Охириги йилларда вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш иқтисодийнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Вилоятда 2010–2016 йиллар давомида хизматлар соҳаси қарийб 3,0 баробарга ўсган бўлса-да, бу ўртача республика курсаткичига нисбатан (республикада 3,3 баробар) паст ҳисобланади. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича Тошкент вилояти мамлакатимизда Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидан сўнгги 3-ўринни эгаллайди (11.1.2-расм).

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



2-расм. 2016 йилда Тошкент вилоятининг аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон минтақалари орасида тутган ўрни¹⁰⁶

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар кўрсаткичи бўйича Тошкент вилоятининг Ўзбекистон минтақалари орасида тутган ўрни 2016 йилда вилоятда хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 41,5 фоизни ташкил этиб, бу республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 8 фоизга камдир. Хизматлар соҳасида минтақадаги иқтисодий фаол аҳолининг 46,5 фоизи (Ўзбекистон бўйича 51,0 фоиз) меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда кўрсатилган жами хизматларнинг 9,8 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган тижорат банклари тизимида ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар ижросига қаратилади.

11.1.8-жадвал

Тошкент вилояти банк тизимининг 2010–2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари динамикаси¹⁰⁷ (тегишли ўлчов бирликларида)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1	Банклар сони	13	13	13	13	13	13	13	13
4	Сайёр кассалар	180	176	172	145	173	203	224	234
5	Минибанклар сони	115	113	109	111	97	97	80	74
6	Ўрнатилган банкоматлар сони (минг дона)	8	13	12	13	15	15	12	12
7	Ўрнатилган терминаллар сони	4630	8699	10 006	11852	12963	14131	16005	18248
8	Нобанк кредит ташкилотлари сони	4	4	3	3	3	3	3	3
	а) микрокредит ташкилотлари								
	б) ломбардлар	7	7	6	6	6	6	7	7

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹⁰⁷ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Тошкент вилоятида бугунги кунда 13 та банк бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бу республикада иш олиб бораётган банкларнинг 46,4 фоизига тенгдир (28 та банк мавжуд). Ҳозирги кунда вилоят ҳудудларида, кишлоқ жойларда ўз фаолиятини олиб бораётган сайёр кассалар ва минибанклар сони 308 тани ташкил этиб, улар Ўзбекистон ҳудудидаги жами сайёр кассаларнинг 7,16 фоизини ва минибанкларнинг эса 1,72 фоизини ташкил этади.

11.2. Вилоят иқтисодий ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ҳамда саноатни ривожлантириш истиқболлари

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш соҳа сифатида баҳолаш мумкин. Вилоятнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва иш кучи сифатининг нисбатан юқорилиги унда ўзига хос тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги вилоят қадимдан шаклланган анъанавий хунармандчилик, қосибчилик, енгил ва озик-овқат саноати маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришда намойиш бўлади.

Вилоятда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг аксарияти озик-овқат товарлари, енгил саноат, қурилиш материаллари ва металлга ишлов бериш бўйича кўп меҳнат талаб этадиган соҳаларда иш олиб бормоқда. Айни вақтда фармацевтика ва маиший электр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб бораётган кичик корхоналар фаоллиги кузатилмоқда. Шу билан бирга, кичик бизнеснинг Тошкент вилояти ЯХМ даги улуши динамикасининг таҳлили ЯХМнинг асосий қисми кичик корхона, микрофирма ва яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектларига тўғри келишини кўрсатмоқда. Бунда саноат ва кишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳамда уларда кичик корхоналар улушининг ортиши асосий аҳамиятга эга.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган либерализациялаш ва қулай бизнес муҳитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Фаолият кўрсатувчи кичик бизнес субъектларининг энг юқори концентрацияси Зангиота, Қибрай, Янгийўл каби туманларга ва Чирчиқ шаҳрига тўғри келмоқда. Таъкидлаб ўтилган шаҳар ва туманлар ўзининг юқори саноат салоҳияти билан ажралиб туради. Чирчиқ шаҳри Тошкент вилоятида йирик саноат корхоналарининг юқори концентрацияси билан ажралиб туради ва шаҳарда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнес юқори суръатларда ривожланмоқда (карта). Янгийўл туманида касаначилик шаклида кичик бизнесни ривожлантиришга қатта эътибор берилмоқда. Касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш натижасида туманда 1500 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кишлоқ хўжалик (96,3%) ва қурилиш (73,8%) соҳаларида кичик бизнес улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2005–2016 йилларда қарийб 3 мартага (8,9 фоиздан 34,4 фоизга) ортган. Саноат соҳасида кичик бизнес фаолиятининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, буларни Тошкент вилояти ҳудудида қайта ишлаш тармоқларининг юқори салоҳияти, "Ангрен" ЭИЗ ташкил этилиши, вилоятнинг йирик саноат шаҳарларида саноат салоҳиятининг ошириб бораётганлиги билан ифодалаш мумкин. Металлургия, кимё, озик-овқат ва енгил саноатда ишлаб чиқариш кувватларининг ўсиши саноат тармоқларида кичик корхоналар фаолиятининг ривожланиши учун муҳим омил бўлмоқда.


Туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кичик бизнеснинг энг юқори улуши Юқоричирчиқ (93,4%), Паркент (65,3%) ва Қибрай (63,6%) туманларига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес ривожланишининг ижобий омилларидан бири-қурилиш соҳасида унинг улушининг жадал ошиши ҳисобланади. Республикада амалга оширилган қурилиш ишларининг деярли 8 фоизи Тошкент вилоятига тўғри келмоқда. Қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улуши асосан Оққўрғон (100%), Пискент (98,3%) ва Бекобод (97,4%)

туманларида энг юкори кўрсаткични ташкил этмоқда. Кичик саноат корхоналари умумий экспорти таркибида энгил ва озик-овкат тармоқларининг улуши юкори бўлмоқда.

Таъкидлаб ўтилган сифат ўзгаришлари худудий меҳнат бозорларининг шаклланиши ва ривожланишида, шунингдек, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва бандликни таъминлашда кичик бизнеснинг роли юкорилигидан далолат беради. 2016 йилда кичик бизнеснинг улушига мамлакат иктисодиётида яратилган янги иш ўринларининг 480 мингтаси тўғри келди. Янги иш ўринларини яратиш борасида кичик бизнеснинг фаоллиги соҳасидаги бандлар сонининг таҳлил қилинаётган даврда 2,1 марта (республика ўртача кўрсаткичи 2,4 мартага) ошган.

Мамлакатимиз минтакалари орасида Тошкент вилоятининг саноат салоҳияти нисбатан юкори ривожланган. У Навоий вилояти ва Тошкент шаҳридан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат ишлаб чиқариши ҳажми республика ўртача кўрсаткичидан (1,5 мартага) юкори. Вилоятнинг етакчи ўрни асосан йирик стратегик саноат объектлари жойлашган Олмалик, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Оҳангарон ва Қибрай туманлари каби индустриал марказлар ҳисобига таъминланган (11.2.1-расм).



11.2.1-расм. 2016 йилда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида саноатни ривожланиши¹⁰⁸

Вилоятда саноатнинг электрэнергия, металлургия, кимё, энгил, озик-овкат маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги асосан бой хомашё базаси (фойдали қазилма конлари ва ривожланган қишлоқ хўжалиги) негизида шаклланган. Шу билан бирга, 2000–2016 йиллар мобайнида анъанавий соҳалар билан бир қаторда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғининг ривожланиши таъминланган.

Вилоят металлургия (тармоқ республика ишлаб чиқаришида 88,7 фоизни ташкил этади), микробиология (45,4%), кимё ва нефть-кимё саноати (22,0%), электрэнергетика (20,6%), қурилиш материаллари (22,9%), целлюлоза-қоғоз (17,5%) ва озик-овкат саноати (16,1%) маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда етакчи ўринларни эгаллайди.

Ҳозирги кунда республика саноат ишлаб чиқаришида Тошкент вилоятининг етакчи ўрни пўлат ва металл прокат (100%), қайта ишланган резинадан тайёрланган труба ва шланг (100%), Автомобиль лар учун ички ёнув двигателлари (100%), ерни культивация қилиш ва тайёрлашда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар (98,7%), аммоний сульфат (93,2%), кўмир (90,7%), изоляцияланган сим (88,5%), таркибида азот ва фосфор бўлган минерал ўғитлар (68,8%), суперфосфат (53,0%), портландцемент (38,9%), электрэнергия (34,0%) каби маҳсулотлар бўйича кузатилмоқда.

¹⁰⁸ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Озиқ-овқат саноати вилоят саноат ишлаб чиқаришида 18,6 фоизни ташкил этиб, ишлаб чиқариш таркибида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Қулай хомашё базасининг мавжудлиги ва пойтахтга яқинлигини инобатга олган ҳолда, ушбу тармоқнинг жадал ривожланиши бутун Тошкент минтақасининг (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.


Тошкент вилояти ликер-арок (республика умумий ҳажмининг 69,4%), пиво тайёрлаш (72,2%), балиқ (23,3%), ёғ-мой, пишлок ва сут (20,1%) маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари (26,5%), озуқа концентратларини (36,8%) ишлаб чиқаришга ихтисослашгандир. Шу билан бир қаторда, вилоят алкоғолсиз ичимликлар (16,5%), вино (12,4%), спиртли ичимликлар (12,5%), гўшт (11,2%) ва қандолат (10,4%) маҳсулотлари бўйича ҳам республика ишлаб чиқаришига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тошкент вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг ривожланган Олмалик, Ангрэн, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ва Зангиота ва Қибрай туманлари ҳисобланади. 2016 йилда саноатни юқори ўсиши Оккўрғон, Зангиота, Юқоричирчиқ туманлари ҳисобига тўғри келмоқда. Саноат юқори ривожланган Олмалик, Чирчиқ туманлари, Бекобод ва Қибрай туманларида эса паст ривожланиш динамикаси кузатишган.

Тошкент вилоятида 2016 йилда жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 73 % тармоқ корхоналари, 27 % ҳудудий корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Вилоятда Олмалик, Ангрэн, Бекобод шаҳарларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 90 % дан юқориси тармоқ корхоналари ҳиссасига тўғ келади.

Вилоятда ҳудудий корхоналар томонидан амалга ошилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 2017 йилги ҳаракатлар стратегияси доирасида 749,1 млрд. сўмлик жами 51 та лойиҳа белгиланган. Лойиҳалар доирасида жами 10129 та иш ўринлари яратиш рэжалаштирилган.



11.2.2-расм. Тошкент вилоятида 2017 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар ва яратиладиган иш ўринлари¹⁰⁹

Лойиҳаларни туманлар тақсимооти бўйича тахлига кўра Ангрэн, Чирчиқ, Зангиота, Янгийўл туманларида амалга ошириладиган лойиҳаларда, лойиҳаларга нисбатан иш ўринлари сонининг кўплигини қуйидаги 4- расмда кўриш мумкин.

Лойиҳалар учун ажратиладиган маблағлар тақсимооти ҳам туманлар микёсида тақсимланишида Ангрэн, Бекобод, Қибрай ва Ягийўл, Чирчиқ ва Бекобод туманларига тўғри келмоқда.

¹⁰⁹ Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари.

Тошкент вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар режалаштирилган маблағларнинг асосий қисми 33,28 %, Бекобод 18,8 %, Чирчиқ шаҳри 8,5 %, Ўртачирчиқ ва Қибрай туманларига тўғри келмоқда.

Тошкент вилоятида 2017–2018 йиллар давомида амалга ошириладиган йирик лойиҳаларнинг республика миқёсидаги улуши 10 % ни ташкил этса, режалаштирилган маблағ эса республиканинг 22 %ни ташкил этмоқда. Республика миқёсида амалга ошириладиган саноат салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган лойиҳаларнинг сони 130 тани ташкил этиб, 7242,8 млрд. сўм маблағлар режалаштирилган.

Охирги 10 йил давомида вилоятда пишлоқ ва бринза (5,4 марта), мева-сабзавот консервалар (3,1 марта), колбаса маҳсулотлари (1,5 марта), минерал сув (1,1 марта), узум шарбати (1,4 марта), ликёр ароқ (7 марта) 14 маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортган. Ушбу тармоқнинг ривожланишига 15 та йирик ва 71 та кичик саноат корхонаси жойлашган Зангиота, Қибрай, Янгийўл, Паркент ва Бўстонлик туманлари энг кўп хисса қўшмоқда.

Энгил саноат вилоят саноатининг жозибадорликка эга бўлган тармоғи ҳисобланиб, айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини таъминлайди. Ушбу соҳа вилоят саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 9,4 фоизни ташкил қилиб, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Зангиота, Ўртачирчиқ, Янгийўл ва Чиноз туманлари асосий ишлаб чиқарувчи ҳудудлар ҳисобланади.

Тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 57 фоиздан ортиғи 15 та йирик корхоналар ("Sungreen tex" ҚК, "ACCORD TEXTIL" ҚК, "Дасшин мегатекс" ҚК, "Lukbo tekstil" ҚК, "Осборн текстиль" МЧЖ, "Чиноз текстил" МЧЖ, "Пласттекс" МЧЖ, "Arge Fashion" МЧЖ ва пахта тозалаш корхоналари) ҳиссасига тўғри келади.

Чирчиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Зангиота, Қибрай, Охангарон, Ўртачирчиқ туманларида жойлашган йирик корхоналар ("Чирчиқ трансформатор заводи" ҚК, "Хай-тек кабель" ҚК, "Ўзбекхиммаш" АЖ, "Чирчиқкишхўжмаш" АЖ, "Бекободцемтаъмир" МЧЖ, "Востокэнерго-теплоизоляция" МЧЖ, "Энергоқозонтозалаш" МЧЖ, "Элерем" УК, "Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи" ДК, "ЎзРосавиа" ҚК, "Охангаранцемремонт" МЧЖ, "Маъдан кон инвест" МЧЖ, "Женерал моторс повертран -Ўзбекистон" ЁАЖ, "Чирчиқ металл қурилмалари" ОАЖ, "Тўйтепа металл қурилмалари" ОАЖ) тармоқдаги ишлаб чиқаришнинг 64 фоизини таъминлайди.

"Женерал моторс повертран -Ўзбекистон" ЁАЖ ишга туширилиши билан вилоят учун янги ноанъанавий маҳсулот тури, яъни Автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, буюртма портфели йўқлиги ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати етарли даражада бўлмаганлиги сабабли металлсозлик соҳасида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 70–75 фоизни ("Тўйтепа металл қурилмалари" ОАЖ) ташкил этмоқда.

Вилоят кимё саноати, биринчи навбатда, экологик хавфсизликни максимал даражада таъминлаш билан бирга маҳаллий хомашёларни ўзлаштириш асосида ривожланмоқда. Ушбу тармоқ барқарор ўсиш (2,7 мартадан кўп) билан тавсифланиб, минтақа саноатида 8,2 фоизни ташкил этади. Йирик саноат объектлари - "Максам Чирчиқ" АЖ, "Аммофос-Максам" ОАЖ и "Руббер техникал продукт" ҚК (Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари ва Охангарон тумани) минерал ўғит, азот ва сульфат кислотаси, резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

11.3. Қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавий тизимга ўтказиш – давр талаби

Қишлоқ хўжалиги Тошкент вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, ЯҲМнинг 20,7 фоизи, экспортнинг 1/3 қисми, бандларнинг эса 26 фоизга яқини ушбу соҳага тўғри келмоқда. Вилоят аҳолиси (2,7 млн киши)нинг 51 фоизи қишлоқ жойларда яшаб, уларнинг фаолияти бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ.

Соҳа нафақат вилоят учун, балки республика учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда вилоят улушининг республикада энг юқорилиги (12,6%) ҳамда Тошкент шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан

таъминловчи асосий таъминотчи эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Вилоят кишлок хўжалиги республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятида Зангиота, Бўстонлик, Қибрай, Бекобод ва Янгийўл туманлари кишлок хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланиб, умумий маҳсулотнинг ярмига яқини улар ҳиссасига тўғри келади.

Ялпи маҳсулотдаги улуши суғориладиган экин майдонлари улушига нисбатан юқори бўлган (биринчи тоифа) туманларга-Зангиота, Бўстонлик, Қибрай, Паркент, Чиноз ва Янгийўл ва паст бўлган туманларга эса (иккинчи тоифа) Бўка, Қуйичирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Оккўрғон, Юқоричирчиқ ва Пискентни киритиш мумкин. Мавжуд ҳолат туманлардаги соҳа ривожланиш хусусиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, иккинчи тоифа туманларга экстенсив ривожланиш ҳослигини аңлатади.

Мамлакатимиздаги умумий лалмикор ерларнинг 4,5 фоизи Тошкент вилоятида жойлашган бўлиб, бу борада у Қашқадарё, Жиззах, Самарканд ва Сурхондарё вилоятларидан кейинги бешинчи ўринни эгаллайди.

Галлачилик соҳасида Тошкент вилояти республикадаги энг йирик ишлаб чиқарувчи худудлардан бири бўлиб, ялпи ҳосил ва экин майдонларининг 9 фоиздан ортқроғи унинг ҳиссасига тўғри келади. У республикада галла етиштириш ҳажми бўйича Қашқадарё, Самарканд ва Фарғона вилоятларидан кейинги 4-ўринни эгаллайди.

Республикада етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг 20 фоизи (жумладан, қарамнинг 43 фоизи, бодрингнинг 19 фоизи, пиёзнинг 18 фоизи, помидорнинг 16 фоизи ва сабзининг 15 фоизи) ҳамда полиз маҳсулотларининг 9 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Тошкент вилояти сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича Самарканд, Андижон ва Фарғона вилоятларидан кейинги 4-ўринни, полиз маҳсулотлари бўйича эса 8-ўринни эгаллайди.

Сабзавот маҳсулотларининг 58 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилиб, уларнинг 1/3 қисми Зангиота ва Бекобод туманларига тўғри келади. Ушбу маҳсулот турини етиштиришда туманлар кесимида кучли ихтисослашув мавжуд. Жумладан, Зангиота, Қибрай ва Янгийўл туманлари эртанги сабзавот маҳсулотлари, Бўстонлик ва Чиноз туманлари пиёз, Янгийўл, Бекобод ва Зангиота туманлари бодринг, Бекобод, Зангиота ва Ўртачирчиқ туманлари қарам, Чиноз тумани сабзи ва кизил лавлаги, Бўстонлик, Зангиота ва Янгийўл туманлари помидор етиштиришга ихтисослашганлигини таъкидлаш мумкин.

Республикада етиштирилаётган мева маҳсулотларининг 8 фоизга яқини, жумладан уруғли (олма, нок ва беҳи) ва данакли (олхўри, олча, гилос, ўрик ва шафтоли) меваларнинг 8 фоизи, ёнғок мевалиларнинг (ёнғок, бодом ва pista) 10 фоизи, резаворларнинг (кулупнай ва малина) 28 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Республикада етиштирилаётган узумнинг 11 фоизга яқини вилоят деҳқонлари ҳиссасига тўғри келиб, Самарканд вилоятидан кейинги 2-ўринни эгаллайди. Узумчилик соҳасига асосан Паркент, Зангиота ва Бўстонлик туманлари ихтисослашган бўлиб, вилоятда етиштирилаётган узумнинг 58 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда парваришланаётган узумзорларнинг 37 фоизини винобоп узумзорлар ташкил этиб, уларнинг 57 фоизи биргина Паркент туманида жойлашгандир. Етиштирилаётган узум вилоят аҳолиси жон бошига 66 килограмми, Тошкент шаҳри билан биргаликда ҳисоблаганда эса 36 килограмми ташкил этади.

Тошкент вилояти кишлок хўжалиги соҳасида ҳам катта салоҳият ва кенг имкониятларга эга. Лекин ҳозирги кунда ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайди. Шунинг учун вилоятда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтириш ва уларни экспорт қилишни янада ошириш, чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳар бир туман бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади. Бу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун туманларга тижорат банклари бириктирилади. Хусусан, Паркент туманида 7 минг гектар лалми майдонлар фермер хўжаликлари ва аҳолига бўлиб берилиб, бу майдонларда янги узумзорлар ташкил этилади. Натижада 15 мингдан ортқ иш ўринлари яратилади.

11.4. Туризм соҳасини ривожлантириш вилоятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир

Тошкент вилояти Ўзбекистан Республикаси ҳудудлари орасида табиий ресурсларга бойлиги ҳамда серкирра табиий ландшафти билан яққол ажралиб туради. Вилоят ҳудуди 1,5 млн. гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бўлиб, табиий манзаралари, яшил ўрмонзорлари, турли хил шифобахш ва ноёб ўсимлик дунёси, тоғ ёнбағрида яшаётган ҳайвонот олами, Сирдарё, Оҳангарон, Чирчиқ дарёларининг сой ва ирмоқлари, сувости флораси ва фаунасининг бетакрор жозибаси сайёҳлар эътиборини тобора кенгрок жалб қилмоқда.

Тянь-Шань ва Чотқол тоғ тизмаларининг Қурама, Пеком, Угом тоғлари оралигида жойлашган ушбу ҳудудда беш юздан зиёд маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонаси, "Угом-Чотқол" давлат миллий табиат боғи, тоғли ҳудудлардаги тош ҳайкаллар ҳамда ўзига хос тасвирий санъат галереяси бўлган қоятош битиклари, Пискент, Оккўрғон ва Оҳангарон туманларидаги Шохруҳия, Хонка архсологик ёдгорликлари, Саур тепа, Шодмалик ота ва Сардоба мажмуалари, Қирққиз, Сормозор ва Парпи ота қадамжолари шулар жумласидандир. Тошкент вилояти табиатининг кўркем ва жозибали бўлишида 5 мингдан ортиқ булоқлардан ҳосил бўладиган кўллар, ирмоқлар ва 220 дан ортиқ сойлар муҳим аҳамият касб этади.

Бир қатор туманларнинг ўзига хос табиати билан биргаликда минтақада турли конлар, ноёб кўҳна меъморий ва маданий ёдгорликлар борлиги туфайли туризмнинг кўплаб йўналишларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шу ўринда, экотуризмни ривожлантириш борасидаги ўзгаришларни Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманлари ҳудудидаги тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув ҳавзалари, суғориладиган ва лалми срларни ўз ичига олган "Угом- Чотқол" давлат миллий табиат боғи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тошкент вилоятининг гўзал табиати, бой ҳайвонот ва ўсимлик олами билан биргаликда ер қуррасининг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлиги, ҳозиргача давом этаётган муҳим геологик жараёнлар халқаро жамоатчилик диққатини жалб этиб, "Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси" ЮНЕСКОни жаҳон табиий мероси талабгорлар рўйхатига киритилган. Бу борада қарор қабул қилиш масаласи 2016 йилга белгиланган.


Табиий ресурсларга бой, йирик қўриқхоналар ва бошқа йирик миллий боғлари бўлган минтақаларда туризмнинг барқарор шакллари, яъни экологик туризм ва бошқа табиатга боғлиқ турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Табиат қўйнидаги туризм турларининг барчаси экотуризм ҳисобланмайди ва уларни экотуризм ҳамда фаол, яъни саргузаштли туризмга ажратиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, экотуризм кишлоқ ва маданий туризмга фаол туризмга нисбатан кучлироқ боғланган.

Бир қатор санатория, пансионат, дам олиш ва болалар соғломлаштириш масканлари, қўриқхона, овчилик, ўрмон ҳамда фермер хўжаликлари жойлашган мазкур ҳудуд Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлардан бири ҳисобланади. Боғ мўътадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлари билан ички ва ташқи сайёҳлар диққатини ўзига жалб этади. Сайёҳлар ҳордиқ чиқариш билан бирга, катта-кичик кўллар, ажойиб шаршаралар, республикамизнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган петроглифлар ва қадимий тарихий обидаларга бой ушбу масканда икки мингга яқин ўсимлик, икки юздан зиёд ҳайвон турлари билан танишиши мумкин.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида умумий жойлаштириш муассасалари сони 130 та бўлиб, 76 таси дам олиш ташкилотлари, 24 таси санатория-курорт муассасалари ҳамда улардан 36 таси меҳмонхона хўжалигига тегишлидир. Тошкент вилоятида жойлаштириш муассасаларида аҳолининг ҳар 100 тасига 0,1 ўрин тўғри келиб, ривожланган туристик дестинацияларда ушбу кўрсаткич ўртача 0,7 дан 4,4 тагача этади.

Тошкент вилоятида дам олиш масканлари сони 2005 йилда 41 та, ўринлар сони 8478 та, ташриф буюрганлар сони 41 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб Тошкент

вилоятида дам олиш масканлари сони 76, ўринлар сони 11459 ҳамда ташриф буюрганлар сони 88,1 минг кишига етган.



11.4.1-расм. 2016 йилда Ўзбекистон Республикасининг хуудларида дам олиш ташкилотларидаги ўринлар ва ташриф буюрувчилар сони¹¹⁰

Минтақада дам олиш масканлари сони билан биргаликда уларнинг моддий-техника базаси ҳам янгиланиб бормоқда. Тошкент вилояти туристик ташкилотлар ва аҳоли орасида ўтказилган сўровлар ва кузатишлар натижаси бу соҳада аҳоли инвестициялари салмоғи ҳам юқорилигини кўрсатади. Соҳада оилавий тадбиркорлик ривожланиши ва шу аснода қўшимча иш билан бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш захиралари мавжуд.


Тошкент вилоятида ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган дастурлар куйидаги йўналишлардан иборат.

2017–2021 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, модернизациялаш, техник ва технологик жihatдан янгилаш бўйича амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 3929,2 трилион сўмни ташкил этиб, уларнинг сони 747 тани ташкил этади. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоятда 13 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши белгиланган.


Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тармоқ таркибига кўра лойиҳаларнинг сони бўйича энг кўпи озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тошкент вилоятида хизматлар соҳасида 2017–2021 йиллар давомида жами 695,4 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 1942 та лойиҳалар амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, жами 6145 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг соҳалар бўйича таҳлил қилганимизда асосий эътибор савдо ва умумий овқатлаш, соғлиқни сақлаш ва транспорт хизматларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган (11.4.3-расм).

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



11.4.2-расм. 2017–2021 йилларда Тошкент вилоятида ҳаракатлар стратегияси доирасида саноатда амалга ошириладиган лойиҳалар сони¹¹¹




11.4.3-расм. Тошкент вилоятида 2017–2021 йилларда хизматлар соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тармоқ таркиби¹¹²

Туманлар микёсида таҳлил этилганда ошириладиган лойиҳаларнинг Ангрен, Чирчик шаҳарлари, Ўртачирчик ва Янгийўл туманлари ҳиссаси юқори (11.4.4-расм).

Технологик жиҳозларни таъмирлаш ва техника хизматини кўрсатиш бўйича хизматларни ривожлантириш энг долзарб вазифлар сифатида қаралмоқда. Ушбу хизматларнинг асосий истеъмолчилари саноат корхоналари ҳисобланганлиги эътиборга молик. Техник хизматларни кўрсатиш ва инжиниринг хизматлари вилоятда В2В бозорини янада ривожланишига асосий омилдир. Хизматлар соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар натижалари асосан иш ўринларини яратишга қаратилганлигини ҳисобга олганда, режалаштирилган лойиҳаларнинг қиймати ва унинг ҳар 1000 бирлигига тўғри келувчи яратилган иш ўринлари ҳисоб натижалари билан тақослаш мумкин. Вилоят микёсида ҳар бир миллиард сўм лойиҳа ҳисобига 8,8 та иш ўринлари яратилаётганлигини инobatга олган ҳолда, транспорт хизматларида 12,1 та, молия хизматларида 20 та, таълим хизматларида эса 32 та иш ўринларини яратилмоқда.

¹¹¹ Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари.

¹¹² Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари.



11.4.4-расм. Тошкент вилоятида 2017–2021 йилларда хизматлар соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳудудлар бўйича тақсими¹¹³

Лойиҳалар доирасида энг кўп маблағ ажратилаётган соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳар миллиардига 2,3 та иш ўринлари яратилиши назарда тутилган.

Тошкент вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида Чирчик ш., Бўстонлик Ўртачирчик, Зангиота ва Юкоричирчик туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

11.4.1-жадвал
Тошкент вилоятининг ривожланиш кўрсаткичлари башорати¹¹⁴

№	Кўрсаткичлар	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2016 йилга нисбатан ўсиши, марта
1.	ЯҲМ	20528,7	23419,1	26776,7	30375,6	34215,8	38297,2	1,8
2.	Саноат маҳсулоти	16862,5	19574,1	22725,4	26141,3	29821,8	33766,9	2
6.	Чакана товар айланмаси	9532,6	13357,1	17223,0	22207,8	28635,5	36923,4	3,9
7.	Пулик хизмат кўрсатиш	1946,8	2441,1	2842,7	3276,2	3741,5	4238,5	2,2

Мавжуд лойиҳаларни амалга оширишда натижасида 2021 йилда 2016 йилга нисбатан ЯИМ ҳажми 1,8 марта, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 марта, чакана садо 3,9 марта, пулик хизматлар эса 2,2 марта ошади. Шунингдек, келгуси йил давомида ЯИМда саноатнинг улуши 30 %дан, 33 %га ошиши кутилмоқда.

Белгиланган дастурларни амалга ошириш натижасида вилоятнинг ЯИМ ҳажми 1,8 марта, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 2 мартага ошиши кутилади. Вилоятда

¹¹³ Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари.

¹¹⁴ Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари.

хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишларида амалга ошириладиган лойиҳалар ва ривожланиш тенденцияларига кўра чакана савдо айланмаси 3,9 марта, пуллик хизматлар кўрсатиш эса 2,2 мартага ошади.

Тошкент вилоятининг туризм соҳаси кенг ривожланаётганлигини ва унга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши туризм индустриясини жадал ривожланишини таъминлаб беради.

Вилоятда туризм соҳасида амалга ошириладиган туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни очиш яратиш борасида дастур тасдиқланди. Ишлаб чиқилган Дастур доирасида 2017–2021 йиллар давомида жами 288,7 млрд. сўмлик (150,7 млрд. сўм кредит, 6 645 минг доллар хорижий инвестиция) инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 193 та тадбирлар амалга оширилиб, 1 499 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Туризм дастурида вилоятдаги маданий мерос объектларини, жумладан зиёратгоҳлар, диққатга сазовор жойлар, архитектура ва археология ёдгорликларини консервация, реставрация, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастурда белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2021 йилда 2016 йилга нисбатан вилоятда жами туризм хизматлари ҳажми 2,7 мартага, сайёҳлар ташрифи 2,4 мартага ва туризм хизматлари экспорти 3,5 мартага ошишига эришилади.

11.4.2-жадвал

Тошкент вилоятида 2017–2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари прогноз параметрлари¹¹⁵

Кўрсаткичлар	йиллар бўйича ўсиш суръатлари (фоизда)					2021 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиш (марта)
	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	
Туризм хизматлари жами	117,8	118,3	118,5	118,7	118,9	2,7
<i>шу жумладан:</i>						
туристик хизматлар	129,2	129,8	130,2	130,5	130,7	4,8
мехмонхона хизматлари	117,4	117,5	117,7	117,8	118,0	2,6
Сайёҳлар сони	115,4	115,8	116,3	116,5	116,8	2,4
маҳаллий	114,5	114,7	114,9	115,3	115,5	2,3
хорижий	130,3	130,6	131,0	131,5	131,8	5,0
Туризм экспорти жами	122,4	122,6	123,1	123,5	124,0	3,5

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш жоизки, Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз таракқиётида етакчи ўрин тутаяди. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 10,2 фоизи вилоят хиссасига тўғри келмоқда.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланиб, ҳозирда вилоятда иш билан банд аҳолининг 76,8 фоизи ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоятни 2017–2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида барча йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга кўра, 2017–2021

¹¹⁵ Тошкент вилоятини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил, 1 апрелдаги Тошкент вилояти ҳокимининг 138-сонли Қарори.

йилларда жами 4 минг 827 та субъектларни ишга тушириш ва бунинг ҳисобига 30 минг 120 та янги иш ўрни ҳамда 3 трлн. 495 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми яратилиб, маҳаллий бюджетга қўшимча 168 млрд. сўм миқдоридида маблағлар ундирилиши белгиланган.

Дастурга мувофиқ 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 105,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,7 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулотлари 106,7 фоизга, чакана савдо айланмаси 115,4 фоизга, жами хизматлар эса 112,8 фоизга ўсиши белгиланган.

Вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 1191,6 млн. АҚШ долларилек 505 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш белгиланган.

Вилоятда республика йирик саноат корхоналарининг катта қисми жойлашган. Аксарият шаҳар ва туманлар юқори бюджет салоҳиятига эга. Мева-сабзавот, гўшт, сут, жун, тери каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда қулай табиий шароит ва маҳаллий хомашё базаси мавжуд.

12. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизда кичик саноат зоналарини ташкил этиш;

- ❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ер ажратиш масалаларини соддалаштириш;

- ❖ Пскент туманида агротехник хизматлар кўрсатувчи машина трактор паркида барча қишлоқ хўжалиги хизматларини амалга оширишда замонавий агротехник ускуналар ва хизматларнинг етарли эмаслиги;

- ❖ Охангарон туманида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг суст ривожланганлиги;

- ❖ Пскент туманида маиший техника (чанг ютгич, телевизор, совитгич ва х.з.) ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас;

- ❖ Пскент туманидаги мавжуд тижорат банклари ўртасида рақобат сезиларли даражада эмас;

- ❖ Пскент туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорти бўйича агрофирмалар мавжуд эмас;

- ❖ "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясига қаршли собиқ "Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллиги" пахта тозалаш корхонасининг бўш турган бино ва майдонидан самарали фойдаланиш;

- ❖ вилоятда туризмни ривожлантириш;

- ❖ вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш;

- ❖ ҳудудларда савдо тизимини етарли даражада ривожланмаганлиги;

- ❖ вилоят туманларининг ривожланиш даражалари суст, инвестиция ресурсларининг етишмаслиги;

- ❖ вилоятнинг шаҳар ва туманларида енгил саноат, чармпойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озик-овқат саноати, фармацевтика ва электротехника саноатида янги лойиҳаларни амалга ошириш даражасининг пастлиги;

- ❖ вилоятда ичимлик суви, электр, табиий газ тармоқлари, ички йўллар ва бозор инфратузилмаси объектлари муаммоси;

- ❖ озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш.

Хулоса ва таклифлар

Вилоятда Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Муаммо: Бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан оқилона ва самарали фойдаланиш керак;

иккинчидан, кириб келаётган салоҳиятли инвесторларни жалб этиш орқали кичик саноат зоналарини ташкил этиш керак;

учинчидан, кичик саноат зоналарини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини барпо этиш лозим;

тўртинчидан, тадбиркорликка кенг йўл ва имкониятлар бериш орқали, аҳоли яшаш шароитини янада яхшилаш ва даромадини кўпайтиришга эришилади;

бешинчидан, замонавий, жаҳонда муваффақиятли синалган минитехнологияларни киритиш орқали янги турдаги рақобатдош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак;

олтинчидан, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга йўналтириш лозим, натижада ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантиришга эришилади.

2. Муаммо: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ер ажратиш масалаларини соддалаштириш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга янада қулайликлар яратиш учун ер ажратиш масаласини соддалаштириш лозим;

иккинчидан, ер ажратиш масаласини соддалаштириш мақсадида 0,03 гектар ер майдони кичик тадбиркорлик учун, 10 гектаргача бўлган ер майдонлари снгил типдаги иссиқхоналарни қурилиш учун туман миқёсида ажратилиши ва 10 гектардан юқори бўлган ер майдонларининг вилоят миқёсида ажратилишига ваколат бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини тайёрлаш керак.

3. Муаммо: Пскент туманида агротехник хизматлар кўрсатувчи машина трактор паркида барча кишлок хўжалиги хизматларини амалга оширишда замонавий агротехник ускуналар ва хизматларнинг егарли эмаслиги муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, машина трактор паркларини жойлашув дислокациясини аниқлаштириш керак;

иккинчидан, машина трактор паркларини замонавий кўринишда таъмирлаш зарур;

учинчидан, машина трактор паркларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш керак;

тўртинчидан, вилоят ҳудудларида барча кишлок хўжалиги хизматларини амалга оширувчи замонавий кўринишга эга машина трактор парклари барпо этиш мақсадга мувофиқ.

4. Муаммо: Оҳангарон туманида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг суст ривожланганлиги муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

ҳудудда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарини ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратиш;

энергия сарфини камайтириш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш;

ҳудудда маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор талаби ва импортни ўрганиш асосида белгилаш, маҳсулот ассортиментини янада кенгайтириб боришга эришиш;

ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, хизмат турларини кенгайтириш керак;

ушбу соҳа корхоналарини ривожлантириш, ўз навбатида, ҳудудни янада ривожлантиришга олиб келади.

5. Муаммо: Пскент туманида маиший техника (чанг ютгич, телевизор, совитгич ва х.з.) ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас.

Таклиф ва тавсиялар:

Туманда республиканинг йирик маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг йиғув цехларини барпо этиш зарур.

6. Муаммо: Пскент туманидаги мавжуд тижорат банклари ўртасида ракобат сезиларли даражада эмас.

Таклиф ва тавсиялар:

Тумандаги тадбиркорликни янада ривожлантириш ва банклараро ракобатни кучайтириш мақсадида ҳамда тумanning вилоят марказига яқинлигидан келиб чиқиб, банклар филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

7. Муаммо: Пскент туманида кишлок хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича агрофирмалар мавжуд эмас.

Таклиф ва тавсиялар:

республика даражасидаги кишлок хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирилган компаниялар билан ҳамкорликда Пскент туманида кишлок хўжалиги маҳсулоти экспорти бўйича агрофирма очиш зарур.

8. Муаммо: "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясига қарашли собиқ "Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллиги" пахта тозалаш корхонасининг бўш турган бино ва майдонидан самарали фойдаланиш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, фойдаланилмаётган ҳудудда кичик саноат зонасини ташкил этиш зарур;
иккинчидан, салоҳиятли инвесторлар томонидан инвестициялар киритилиб, янги иш ўринларини яратиш керак.

9. Муаммо: Вилоятда туризмни ривожлантириш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, вилоятга ички туризмни ва экологик туризм ривожлантириш керак;
иккинчидан, дам олувчилар ва сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур;
учинчидан, вилоят аҳолисини туризм йўналишида оилавий тадбиркорликка ўргатиш мақсадга мувофиқ.

10. Муаммо: Вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, ҳудуднинг экспорт географиясини кенгайтириш ва диверсификация қилиш;

иккинчидан, ташки бозорга тайёр ракобатбардош ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспортини кенгайтириш;

учинчидан, вилоят учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасида мақсадли бозорларни аниқлаш;

тўртинчидан, ташки бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

бешинчидан, ташки бозорларга маҳаллий маҳсулотларни олиб чиқишда замонавий маркетинг усулларида самарали фойдаланиш лозим.

11. Муаммо: Ҳудудларда савдо тизимини етарли даражада ривожланмаганлиги муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш асосида савдо тизимини такомиллаштириш керак;

иккинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, замонавий гипермаркетлар тизимини ривожлантириш лозим;

учинчидан, улгуржи ва чакана савдо тизимини янада ривожлантириш ва логистика хизматларини ривожлантириш керак;

тўртинчидан, замонавий савдо хизматларини янада яхшилаш лозим.

12. Муаммо: Вилоят туманларининг ривожланиш даражалари суст, инвестиция ресурсларининг етишмаслик муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, инвестиция ресурслари етишмаётган ҳудудларда салоҳиятли банк филиаллари ва минибанкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтириш, молиявий инфратузилмани ривожлантириш зарур;

иккинчидан, вилоятда нобанк ташкилотлар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини жонлантириш бўйича ташкилий ва амалий ишларни йўлга қўйиш керак;

учинчидан, вилоят туманларида молия ва банк хизматларининг инжиниринг, форфейтинг ва франчайзинг каби замонавий хизмат турларини шакллантириш ва амалиётга жорий қилиш зарур.

13. Муаммо: Вилоятнинг шаҳар ва туманларида енгил саноат, чармпойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озик-овқат саноати, фармацевтика ва электротехника саноатида янги лойиҳаларни амалга ошириш даражасининг пастлиги муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туманларни саноат салоҳиятини оширишга олиб келади;

иккинчидан, солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини беради.

14. Муаммо: Вилоятда ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ тармоқлари, ички йўллар ва бозор инфратузилмаси объектлари муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, қишлоқ жойларда ичимлик суви таъминоти тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш;

иккинчидан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига электр энергияси етказиб беришни янада яхшилаш;

учинчидан, табиий газ тармоқларини модернизация қилиш;

тўртинчидан, ҳудудий Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш;

бешинчидан, шаҳар ва қишлоқларнинг транспорт таъминотини янада ривожлантириш лозим.

15. Муаммо: Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш муаммоси.

Таклиф ва тавсиялар:

биринчидан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш;

иккинчидан, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш зарур.

Юқоридаги ислохотлар мамлакатимиз олдида турган ўта масъулиятли мақсад ва вазифаларни Тошкент вилоятида яшовчи фуқаролардан янада кўпроқ фаолликни талаб этиб, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш йўлида барча ўзгариш ва ислохотларнинг олдинги сафида бўлишини талаб этади.

12. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

12.1. Фарғона вилоятининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат қилаётган Фарғона халқининг истиқболдаги самарали фаолиятида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикасининг 12 вилоятларидан бири. Вилоятнинг шимолий шарқий ва шарқий қисмини Чотқол, Қурама, Писком, Угом тоғ тизмалари ташкил қилади. Худуднинг катта қисми – жануб ва жанубий ғарб томони Сирдарёга қия тушган тоғолди текисликларидан иборат бўлиб, сейсмик худудда жойлашган. Иқлими континентал бўлиб, киши нам, нисбатан юмшоқ, ёзи иссиқ ва курук, баҳор ва ёз мавсумларида кучли ёмғир, момақалдирик ҳамда дўл ёғиш, шунингдек, шамолнинг сезиларли даражада кучайиш ҳолатлари кузатилиб туради. Майдони 6,7 минг кв.км. Фарғона вилоятида 2016 йилда 3564 мингдан ортиқ аҳоли (республика аҳолисининг 11,1 фоизи) истиқомат қилади. Бугунги кунда вилоятда 14 та туманлар, 4 шаҳарчалар мавжуд. Маркази – Фарғона шаҳри.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят аҳолиси сони 3565,1 минг кишини ташкил этиши ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3905,4 минг сўмни ташкил этади.

Фарғона вилоятида 4 та шаҳарлар, 15 та туманлар мавжуд.

Фарғона вилояти ўз табиати, минерал ресурслари, маданияти ва бошқа ресурсларга бойлиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Ушбу ресурслардан фойдаланиш натижасида вилоят иқтисодийнинг барқарор ривожланишига эришилмоқда.

Фарғона деганда, биз аввало Қубо - ҳозирги Қува, Марғилон, Қўқон каби кўҳна цивилизация масканлари-га, бой тарих ва маданиятга эга қадимий ва гузал бир улкани куз олдимизга келтирамиз.

Ш. Мирзиёев

Фарғона вилояти ўз географик жойлашуви ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз таракқиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу заминнинг ҳосилдор тупроғи, ер ости ва ер усти бойликлари, катта сув захиралари, ривожланган саноат тармоқлари ва хомашё манбаи бўлган кишлоқ хўжалиги вилоятнинг кўдратли табиий ва иқтисодий салоҳиятидан далолат беради. Шимолдаги Тянь-Шань тоғлари ўрмонларидаги ҳайвонот оламининг ноёб турлари, жанубдаги Помир тоғлари кенглиklarининг дам олиш масканлари ўз жозибдорлиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг Олтиариқ, Риштон ва Сўх туманлари етиштирилаётган узум ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда улардан тайёрланадиган саноат маҳсулотлари билан истеъмолчиларга яхши танилган.

Вилоятда Фарғона давлат меъморий-бадиий музей кўрикхонаси, 318 оммавий кутубхона, 14 та музей, 1 та ҳайвонот боғи, 18 маданий ва истироҳат боғлари, 91 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бор. Фарғона шаҳридаги вилоят кутубхонаси республикадаги нуфузли кутубхоналардан саналиб, унда ноёб кўлёмалар мавжуд. Фарғона вилоятида 4 та театр бор.

12.2. Вилоятнинг меҳнат ресурслари ва демографик ҳолати таҳлили

Маълумки, 2017 йил Президент Ш.М.Мирзиёев таклифига кўра “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб аталади. Шу боис Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг Фарғона вилояти бўйича таҳлилини аҳолини ўрганишдан бошладик.

Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қилсак, Ўзбекистон Республикасининг худудларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан юқори ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кузатиш мумкин.

Маъмурий ҳудудлар бўйича аҳолининг 2010–2016 йилларда ўсиши

№	Ҳудудлар	2010 й.	2016 й.	2016 й.да 2010й.га нисбатан ўсиши (%)
1	Фарғона	242,5	274,5	113,2
2	Қўқон	223,1	243,1	109,0
3	Қувасой	78,3	88,9	113,5
4	Марғилон	204,4	225,2	110,2
	<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	748,3	831,7	111,1
5	Олтиариқ	179,8	200,4	111,5
6	Қўштепа	157,4	179,0	113,7
7	Боғдод	177,4	202,2	114,0
8	Бешарик	187,6	215,8	115,0
9	Бувайда	185,6	214,7	115,7
10	Дангара	146,0	163,9	112,3
11	Кува	212,4	244,4	115,1
12	Риштон	168,7	190,7	113,0
13	Сўх	62,7	73,4	117,1
14	Тошлок	164,8	190,0	115,3
15	Ўзбекистон	197,3	225,5	114,3
16	Учкўприк	188,0	214,9	114,3
17	Фарғона	187,4	202,1	107,8
18	Фуркат	99,2	111,9	112,8
19	Ёзёвон	89,3	104,2	116,7
	<i>туманлар бўйича жами</i>	2215,1	2517	113,6
	Фарғона вилояти	3 151,9	3564,8	113,1

Аввало шуни таъкидлаш керакки, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида бутун мамлакатимиз каби Фарғона вилоятида ҳам кўп ишлар қилинганлиги, салмоқли натижаларга эришилганлигини тан олишимиз керак.

Ш. Мирзиёев

Таҳлил қилинаётган йиллар давомида вилоят аҳолиси 13,1 фоизга, шаҳарлар аҳолиси 11,1 фоизга, туманлар аҳолиси 13,6 фоизга ўсган. Бу рақамлар кишлоқ жойларида аҳолининг ўсиш суръатлари шаҳарларга нисбатан юқорилигини, бинобарин туманларда соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия ва таълим муассасаларини ривожлантиришга кўпроқ инвестициялар ажратиш зарурлигини кўрсатади.

¹¹⁶ Фарғона вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Маъмурий ҳудудлар бўйича меҳнат ресурслари динамикаси¹¹⁷

Ҳудудлар	2010 й.	2016 й.	2016 й.да 2010й.га нисбатан ўсиши (%)
Фарғона	128238	156004	121,7
Қўқон	131325	139882	106,5
Қувасой	59635	50264	84,3
Марғилон	127831	128726	100,7
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	447029	474876	106,2
Олтиарик	104792	114628	109,4
Қўштепа	75206	101265	134,7
Бағдод	88722	112727	127,1
Бешарик	90405	121431	134,3
Бувайда	98972	120451	121,7
Данғара	92510	92376	99,9
Кува	99686	138044	138,5
Риштон	99899	107272	107,4
Сўх	46110	40457	87,7
Тошлок	90984	107088	117,7
Ўзбекистон	111905	125661	112,3
Учкўприк	111947	120635	107,8
Фарғона	97341	118980	122,2
Фуркат	60396	63015	104,3
Ёзёвоп	53396	58294	109,2
<i>туманлар бўйича жами</i>	1322271	1542324	116,6
Фарғона вилояти	1869199	2017200	107,9

Маъмурий ҳудудлар бўйича меҳнат ресурслари ўсишида ҳам шаҳар ва туманлар ўртасида анча фарқ бор. Бу кўрсаткич шаҳарлар бўйича 6,2 фоиз бўлса, туманларда 16,6 фоиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, яқин келажакда туманларда меҳнат ресурслари шаҳарларга нисбатан юқори суръатларда кўпаяди.

Маъмурий ҳудудлар бўйича меҳнат ресурслари динамикаси¹¹⁸

Ҳудудлар	2010 й.	2016 й.	2016 й.да 2010 й.га нисбатан ўсиши (%)
Фарғона	95062	105274	110,7
Қўқон	104921	117213	111,7
Қувасой	44105	40889	92,7
Марғилон	98658	103567	105,0
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	342746	366943	107,1
Олтиарик	79517	87538	110,1
Қўштепа	57932	72273	124,8
Бағдод	68153	81124	119,0
Бешарик	69293	83801	120,9
Бувайда	74472	88194	118,4
Данғара	69792	76514	109,6
Кува	72863	92827	127,4
Риштон	75755	80559	106,3
Сўх	34827	31796	91,3

¹¹⁷ Фарғона вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

¹¹⁸ Фарғона вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

12.2.3-жадвалнинг давоми

Тошлок	68256	77074	112,9
Ўзбекистон	84522	92518	109,5
Учкўприк	82990	88224	106,3
Фарғона	71894	94516	131,5
Фуркат	46210	50865	110,1
Ёзёвон	41242	43527	105,5
<i>туманлар бўйича жами</i>	997718	1141350	114,4
Фарғона вилояти	1340466	1508296	110,7

Ўтган 7 йил давомида вилоятда иш билан банд аҳоли 10,7 фоизга кўпайгани ҳолда шаҳарлар бўйича бу кўрсаткич 7,1 фоизни, туманлар бўйича эса 14,4 фоизни ташкил этади. Демак, туманларда иш билан банд аҳолининг ўсиш суръати шаҳарларга нисбатан икки марта юқори бўлган. Бу кўрсаткич туманларда янги иш жойларини яратиш шаҳарларга нисбатан жадаллигини кўрсатади.

12.2.4-жадвал

Маъмурий ҳудудлар бўйича иш билан банд бўлган аҳоли сони ¹¹⁹

Ҳудудлар	2010 й.	2016 й.	2016 йилда 2010йилга нисбатан ўсиши (%)
Фарғона	5846	6217	106,3
Кўкон	6001	6563	109,4
Кувасой	2742	2115	77,1
Марғилон	5849	5514	94,3
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	20438	20409	99,9
Олтиарик	4788	5325	111,2
Кўптепа	3712	4502	121,3
Бағдод	4036	4590	113,7
Бепарик	4111	4496	109,4
Бувайда	4514	4936	109,3
Данғара	4235	4402	103,9
Кува	4530	5131	113,3
Риштон	4478	4897	109,4
Сўх	1985	2259	113,8
Тошлок	4153	4631	111,5
Ўзбекистон	5109	5853	114,6
Учкўприк	5119	5598	109,4
Фарғона	4433	5290	119,3
Фуркат	2691	2767	102,8
Ёзёвон	2443	3255	133,2
<i>туманлар бўйича жами</i>	60337	67932	112,6
Фарғона вилояти	80775	88340	106,3

¹¹⁹ Фарғона вилояти ҳокимлиги Иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят бўйича 2016 йилда 2010 йилга нисбатан аҳоли сони 13,1, меҳнат ресурслари 7,9, иш билан банд аҳоли 10,7, банд бўлмаган аҳоли 6,3 фоизга ўсган. Бу рақамлар алоҳида тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади, чунки улар ўртасида мантиқий боғланиш кўринмаяпти. Аҳоли сони 13,1 фоизга ошгани холда меҳнат ресурслари нима учун 7,9 фоизга ошди? Меҳнат ресурсларининг хорижга, асосан Россияга чиқиши кейинги йилларда кескин камайди. Шунинг учун, хорижга чиқишни истисно қилсак, меҳнат ресурслари ўсиш суръатининг пастлиги сабаблари қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Вилоятда туғилиш кўпайган.
2. Нафакага чиқувчилар салмоғи ошган.
3. Вилоятда меҳнатга яроксизлар салмоғи ошган.

Бу саволларга аниқ жавоб топиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Агар туғилиш кескин кўпайган бўлса, унда туғриқхоналар, мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш лозим. Агар нафакага чиқувчилар салмоғи ошган бўлса, уларга ўринбосарлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Меҳнатга яроксизлар кўпайган бўлса, тиббий профилактика яхши йўлга қўйилмаган бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш 10,7 фоизга ошган бўлса, иш билан банд бўлмаган одамлар сони нега ошди? Ишсизлик даражаси 10,7 фоиздан юқори эдими? Иш билан таъминланганлар 2010 йилда 1340 минг, 2016 йилда 1490 минг киши бўлган, иш билан банд бўлмаганлар эса ушбу йилларга мос равишда 80775 ва 88340 киши бўлган. Иш билан таъминланганлар 150 минг кишига ошган бўлса, иш билан банд бўлмаганлар нега кўпайди?

Сўх туманида аҳоли сони 17,1 фоизга ўсгани холда, 2010 йилга нисбатан меҳнат ресурслари 88 фоизни, иш билан банд аҳоли 91,3 фоизни ташкил қилган, ишсизлар эса 6,3 фоизга кўпайган. Бу рақамлар Сўх туманида аҳолини иш билан таъминлашда жиддий муаммолар борлигини кўрсатади. Иш билан банд бўлмаган аҳоли сони Ёзёвонда 33,2, Кўштпедада 21,3, Фарғона туманида 19,3 фоизга кўпайган.

12.3. Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоят туманлари ва шаҳарлари кесимида ЯҲМ ҳисоби олиб борилмаслиги туфайли аҳоли жон бошига, ҳар бир меҳнат ресурси ҳисобига, иш билан таъминланган ҳар бир киши ҳисобига яратилган ЯҲМ ҳажмини аниқлаш имконияти бўлмади. Бу маълумотларни олиш имконияти бўлганда, маъмурий ҳудудлар бўйича инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мумкин. Вилоят бўйича аҳоли жон бошига яратилган ЯҲМ 3905,4 минг, ҳар бир меҳнат ресурси ҳисобига 6902,1 минг, иш билан таъминланган ҳар бир киши ҳисобига 9230,8 минг сўмни ташкил қилади.

Қўйидаги жадвал кўрсаткичлари ҳам Фарғона вилоятининг иктисодий фаолияти заифлигини кўрсатади. Вилоят аҳолиси ўзининг меҳнатқашлиги, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги билан танилган. Нуфузи бўйича 11,1 фоизга тенг бўлган аҳолининг ЯИМида 7,2 фоиз улушга эга бўлиши вилоятда фаоллик етишмаслигини кўрсатади.

12.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМида Фарғона вилоятининг улуши¹²⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар							Жами 2010– 2016
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Ўзбекистон Республикаси (млрд. сўм)	62 388,3	78 764,2	97 929,3	120 861,5	145 846,4	171 808,3	199 325,1	876921,3
Фарғона вилояти (млрд. сўм)	4434	5686,3	7082,9	8672,0	10706,6	12583,5	13922,6	63085,3
Вилоят улуши (фоизда)	7,1	7,2	7,2	7,2	7,3	7,3	7,0	7,2

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти 2000–2015 йилларда ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу даврда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақолпоғистон Республикасида юқори ўсишга эришилди. Бу ҳолат, асосан, иктисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланганлиги, саноатнинг машинасозлик тармоғи, енгил ва озик-овқат саноати ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида эришилган ижобий ўзгаришлар туфайли юз берди. Фарғона вилояти кейинги йилларда ўсиш динамикаси паст бўлган вилоятлар қаторига киради. 2000 йилда Фарғона вилоятининг мамлакат ЯИМидаги улуши 13,2 фоиз бўлса, 2015 йилга келиб 7,3 фоизга тушиб қолган.


Бундай ҳолатнинг сабаби асосан иккита:

- 2000 йилдаги базавий иктисодий даража ёқилғи-энергетика саноати ҳисобига юқори бўлган.

- иктисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг етарлича даражада ривожланмаганлиги.

Мамлакатимиз бўйича тармоқлар диверсификацияси даражаси 0,860, технологик диверсификация 0,842, экспорт диверсификацияси 0,848 бўлгани ҳолда Фарғона вилоятида бу кўрсаткичлар кетма-кетликка мос равишда 0,794, 0,695, 0,557га тенг. Бу коэффициентлар вилоятда тармоқлараро диверсификацияга, технологик диверсификацияга, экспорт таркибини диверсификациялашга старли эътибор қаратилмаганини кўрсатади.

Иктисодиётни ривожлантиришда хизматлар соҳасини ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Республика бўйича 2016 йилда 90202,9 млрд. сўмлик хизмат яратилган, жон бошига 6258,6 минг сўмлик хизмат кўрсатилган, мамлакат кўрсаткичини 1 деб олсак, Фарғона вилоятида бу индекс 0,565ни ташкил қилади. Демак, вилоятда хизматлар ишлаб чиқаришнинг умумий, унинг жон бошига тўғри келадиган ҳажмлари мамлакат кўрсаткичидан деярли икки баробар паст. Бу вилоят ЯХМини кўпайтириш учун хизматлар яратиш соҳасида катта имкониятлар борлигини кўрсатади.



12.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида 2000–2015 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши¹²¹ (2000й.=100%)

12.4. Вилоятнинг инвестицион фаоллиги

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудуд иктисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иктисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иктисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барқарор ривожланиши, интенсив иктисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Фарғона вилояти экспорти ва импорти таркиби¹²²

(умумий ҳажмига нисбатан %да)

Худудлар	2010 й.	2016 й.	2016 йилда 2010йилга нисбатан ўсиши (%)
Экспорт таркиби	100,0	100,0	
Пахта толаси	16,7	1,8	-14,9
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	14,6	13,1	-1,5
Қора ва рангли металллар	0,0	0,0	0
Машина ва асбоб-ускуналар	1,2	0,8	-0,4
Озиқ-овқатлар	13,4	17,2	+3,8
Энергия ресурслари, нефть маҳсулотлари	21,8	2,0	-19,8
Хизматлар	1,0	13,8	+12,8
бошқалар	31,2	51,3	+20,1
Импорт таркиби	100,0	100,0	
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,7	7,3	-0,4
Қора ва рангли металллар	4,7	5,9	+1,2
Машина ва асбоб-ускуналар	15,1	55,7	+40,6
Озиқ овқатлар	4,2	7,3	+3,1
Энергия манбалари, нефть маҳсулотлари	55,5	14,4	-41,1
Хизматлар	0,9	3,3	+2,4
бошқалар	11,9	6,1	-5,8

Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва саноат тармоқларини техник модернизация ишларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни барпо этиш имконини яратиб бермоқда. Худудлар инвестицион фаоллиги бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Фарғона вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2010 йилдаги 922 млн. АҚШ долларидан 2016 йилда 1288,6 млн. АҚШ долларига кўпайган, ўсиш 39,8 фоизни ташкил қилган. Экспорт ва импорт таркибида жиддий ўзгаришлар юз берган: пахта толаси, нефть маҳсулотлари экспорти 14,9–19,8 фоизга камайган, хизматлар экспорти 12,8 фоизга кўпайган.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2010 йилдаги 922 млн.дан 2016 йилда 1288,6 млн. АҚШ долларига кўпайган, ўсиш 39,8 фоизни ташкил қилган. Экспорт ва импорт таркибида жиддий ўзгаришлар юз берган: пахта толаси, нефть маҳсулотлари экспорти 14,9–19,8 фоизга камайган, хизматлар экспорти 12,8 фоизга кўпайган. Импорт таркибида машина ва асбоблар, 40,6 фоизга кўпайган, нефть маҳсулотлари 41,1 фоизга камайган. Бу ўзгаришлар ташқи савдо айланмасида ижобий томонга бурилиш бўлаётганини кўрсатади.

¹²² Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Фарғона вилояти экспорти ва импорти таркиби

(умумий ҳажмига нисбатан %да)

Худудлар	2010 й.	2016 й.	Жами (2010–2016)	Шаҳарлар ва туманлар улуши
Фарғона	27,8	29,7	162,5	25,54
Кўкон	7,8	44,7	184,1	29,89
Кувасой	1,6	0,0	10,4	0,02
Марғилон	0,6	0,0	20,0	3,14
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	37,8	74,4	377	55,43
Олтиариқ	0,0	0,0	0,0	0,0
Кўштөпа	18,8	0,0	19,4	3,05
Бағдод	0,9	0,0	0,9	0,14
Бешариқ	9,4	0,0	10,0	1,57
Бувайда	0,0	0,0	1,0	0,16
Данғара	2,1	0,0	3,1	0,49
Кува	0,0	0,0	0,1	0,02
Риштон	0,0	0,0	0,2	0,03
Сўх	0,0	0,0	0,0	0,0
Тошлок	3,6	4,8	17,6	2,82
Ўзбекистон	0,0	0,0	0,0	0,0
Учкўприк	0,0	0,0	0,0	0,0
Фарғона	0,0	0,0	8,6	1,45
Фуркат	0,03	0,0	0,13	0,02
Ёзёвон	0,0	0,2	196,3	32,82
<i>туманлар бўйича жами</i>	34,83	5	257,33	44,57
Фарғона вилояти	72,6	79,4	636,3	100,0

Ўтган 7 йил давомида вилоятда асосий капиталга 636,3 млн. АҚШ доллари ҳисобида инвестициялар киритилган, унинг 87,25 фоизи Ёзёвон тумани, Кўкон ва Фарғона шаҳарлари ҳисобига тўғри келади, қолган 12,75 фоизи Кўштөпа (3,05), Тошлок (2,77), Бешариқ (1,57), Фарғона (1,35), Данғара (0,49), Бувайда (0,16), Бағдод (0,14), Риштон (0,03), Фуркат (0,02), Кува (0,02) туманлари ва Кувасой (0,02) шаҳри ҳиссасига тушади. Олтиариқ, Сўх, Ўзбекистон, Учкўприк туманларида инвестициялар киритилмаган.

Фарғона вилояти асосий капиталга 2010–2016 йилларда киритилган инвестицияларнинг манбалари

(млн. сўмда)

Инвестиция манбалари	2010 й.	2016 й.	Жами (2010–2016)	Ўзбекистон Республикаси	Вилоят улуши
Давлат бюджети	113 293,6	273 116,6	1 517 682,80	10 312 320,8	14,7
Ташкилот ва аҳоли маблағлари	491 662,7	1 393 766,7	6 425 618,60	112 699 507,9	5,7
Тижорат банклари кредитлари	93 677,7	334 170,9	1 664 654,50	20 654 870,1	8,1
Чет эл кредитлари ва инвестициялари	106 408,7	235 360,5	1 347 272,80	41 943 835,3	3,2
Бошқа ташкилотлар маблағлари	44 018,3	168 072,5	958 013,40	26 094 124,6	3,7
Жами	849 061,0	2 404 487,2	11 827 498,00	211 458 472,1	5,6

Вилоят иктисодиётига 2010–2016 йилларда 11,8 трлн. сўм инвестиция киритилган, бу Республикага киритилган инвестицияларнинг 5,6 фоизини ташкил этади. Вилоятда Республика аҳолисининг 11,1 фоизи яшашини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич Республика кўрсаткичи (жон бошига 6,6 млн. сўм)дан икки марта пастлиги маълум бўлади (жон бошига 3,3 млн. сўм). Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат бюджетидан вилоятга ажратилган маблағларнинг улуши 14,7 фоизга тенг, демак, аҳоли сонига нисбатан вилоятга мамлакат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратилган. Чет эл кредитлари, ташкилот ва аҳоли маблағларини жалб қилиш сустиги туфайли бу манбаларнинг улуши мамлакат кўрсаткичидан 2–3 марта паст бўлган.

12.5. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган ҳаракатлар стратегиясининг 196-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, маҳаллий ҳокимият органлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, унга мувофиқ аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалиklarини барпо этиш, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун “старт-ап” лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш топшириғи берилган. Ушбу топшириққа асосан Фарғона вилоятида жорий йилнинг 5 июндан 16 июнгача вилоятдаги 34 та таянч касб-хунар коллежларида “Старт-ап” лойиҳаси ўтказилди. “Старт-ап” ҳафталиклариди жами 1690 та битирувчилар иштирок этди. Жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 1640 нафар ва олий-ўқув юртлари битирувчиларидан 50 нафар қатнашди. “Старт-ап” электрон сайти (biznes.mehnat.uz)га 354 та лойиҳалар киритилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағ 14570.4 млн сўмни ташкил қилиб, ўз маблағлари ҳисобидан 4491 млн. сўм, банк кредити ҳисобидан 3 837.1 млн сўм, корхона (инвестор) маблағлари ҳисобидан 72.5 млн сўм. Ҳозирги кунга қадар тижорат банклари томонидан 44 нафар битирувчига 320 млн сўм микрокредит сертификатлари топширилди. “Старт-ап” лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 834 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

12.5.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сониди Фарғона вилоятининг улуши¹²³

Тармоқ номи	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ўзбекистон Республикаси (бирликда)	179693	193800	205184	206589	213643	221140	225998
Фарғона вилояти (бирликда)	14295	15634	16593	16596	17954	18036	18775
Вилоят улуши (фоизда)	8,0	8,1	8,1	8,0	8,4	8,2	8,3

Ушбу жадвал кўрсаткичлари аввалги жадвалга берилган шарҳдаги фикримизни тасдиқлайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сониди вилоятнинг улуши аҳолининг умумий сонига мос равишда 11 фоизни эмас, балки 8,3 фоизни ташкил қилади.

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Маъмурий ҳудудлар бўйича 2016–2017 йилларда янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари¹²⁴

Ҳудудлар	2016 й.	2017 й. 1-ярим йиллик
Фарғона	548	570
Кўкон	373	403
Кувасой	34	65
Марғилон	278	336
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	1233	1374
Олтиарик	85	96
Кўштепа	49	50
Бағдод	72	74
Бешарик	51	52
Бувайда	63	107
Данғара	82	96
Кува	102	120
Риштон	63	69
Сўх	27	28
Тошлоқ	88	102
Ўзбекистон	82	107
Учкўприк	117	126
Фарғона	78	78
Фуркат	37	39
Ёзёвон	31	31
<i>туманлар бўйича жами</i>	1027	1175
Фарғона вилояти	2260	2549

Таҳлил қилинаётган бир ярим йил ичида вилоят бўйича 4809 субъект рўйхатга олинган. Бу яхши кўрсаткич, бироқ Сўхда бор-йўғи 55, Ёзёвонда 62, Фуркатда 76, Кувасойда 99, Кўштепада 99 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Юқорида саналган ва бошқа туманларда иктисодий фаолликнинг заифлиги ҳақидаги фикримизни қуйидаги жадвалдаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Маъмурий ҳудудларга юқори бюджетлардан ажратилган субвенциялар¹²⁵

(млн. сўмда)

Тармок номи	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	Жами 2010–2016 йй	2017 й. Режа
Фарғона шаҳри	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Кўкон шаҳри	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Кувасой шаҳри	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марғилон шаҳри	12 657,5	20 268,0	33 334,8	38 951,0	43 489,0	45 187,9	0,0	193 888,20	0,0
<i>шаҳарлар бўйича жами</i>	12 657,5	20 268,0	33 334,8	38 951,0	43 489,0	45 187,9	0,0	193 888,20	0,0

¹²⁴ Фарғона вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

¹²⁵ Фарғона вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Олтиарик тумани	0,0	12 900,0	23 857,7	21 846,7	24 209,8	31 583,0	35 185,7	149 582,90	0,0
Бағдод тумани	5 265,3	7 296,0	23 484,3	22 071,2	26 245,8	29 694,0	31 315,8	145 372,40	27 410,5
Бувайда тумани	13 160,0	18 328,0	35 521,8	39 235,6	45 330,8	53 491,9	58 560,1	263 628,20	63 299,1
Бешарик тумани	12 510,3	17 906,7	33 787,5	34 985,0	40 396,8	48 485,0	50 086,6	238 157,90	48 817,8
Кува тумани	14 079,7	20 308,0	38 539,8	40 911,5	46 377,4	55 211,0	53 578,1	269 005,50	48 309,3
Учкўприк тумани	0,0	19 302,7	33 913,1	38 844,0	44 802,8	50 275,0	26 363,2	213 500,80	0,0
Риштон тумани	10 684,9	14 048,0	27 808,2	30 750,6	37 162,1	41 108,0	45 569,0	207 130,80	45 191,7
Сўх тумани	5 231,8	8 573,3	15 145,4	17 224,7	19 502,8	21 097,0	24 340,6	111 115,60	25 564,6
Тошлок тумани	8 466,3	8 365,3	22 263,9	20 739,4	20 586,8	30 567,0	30 432,9	141 421,60	28 461,3
Ўзбекистон тумани	12 295,3	17 961,3	39 374,5	39 855,4	45 517,8	52 441,0	51 415,7	258 861,00	40 939,1
Фарғона тумани	11 156,2	12 000,0	23 134,2	18 935,0	17 348,7	19 452,0	4 201,6	106 227,70	0,0
Данғара тумани	0,0	8 498,7	15 978,0	17 494,1	15 241,8	10 965,0	11 858,7	80 036,30	0,0
Фуркат тумани	8 041,2	10 884,4	19 319,8	21 922,4	25 010,5	28 446,0	31 280,6	144 904,90	30 461,2
Ёзёвон тумани	8 119,0	9 837,3	18 427,0	23 380,5	26 278,8	30 109,0	26 488,9	142 640,50	26 530,6
Куштспа тумани	12 009,5	17 253,3	29 633,7	31 447,9	36 548,8	40 674,0	41 584,3	209 151,50	42 724,1
<i>туманлар бўйича жами</i>	121019,5	203463	400188,9	419644	470561,5	543598,9	522261,8	2680738	427709,3
Жами	133 677,1	223 731,0	433 523,8	458 594,9	514 049,9	588 786,8	522 262,0	2 874 625,80	427 709,1

Жадвалда кўрсатилганидек, 2010–2016 йилларда барча туманлар ўз харажатларини қоплаш учун юқори бюджетлардан субвенциялар олган (Олтиарик, Учкўприк, Данғара туманлари 2010 йилда субвенция олмаган). Ўтган 7 йил ичида барча туманлар ва Марғилон шаҳри жами 427 млрд. 700 млн. сўм дотация олган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Президентликка номзод сифатида Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашувда “...юртимизда кейинги йилларда Навоий, Жиззах ва Ангрэн эркин иқтисодий зоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ижобий тажрибани кенгайтириш мақсадида Ургут ва Гиждувон туманлари билан бирга Қўқон шаҳрида ана шундай зона ташкил этиш кўзда тутилмоқда...

...Марғилон ва Куvasой шаҳарлари, Олтиарик ва Ўзбекистон туманларида 28 гектар ерда кичик бизнес учун ташкил этилган 4 та махсус саноат зонаси кенгайтирилиб, бошқа туманларда ҳам шундай ҳудудлар яратилади...

...Фарғона вилоятида келгуси беш йилда 16 мингдан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини ташкил этишга ҳар томонлама қўмаклашиш, уларнинг умумий сонини 35 мингга етказиш чоралари кўрилади...”,¹²⁶ - деган эди.

Ушбу режаларни амалга ошириш учун Қўқон шаҳрида 3 та саноат зонаси ташкил этиш учун 709,3 гектар ер майдонлари ажратилди. Маҳаллий минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган 61 та

¹²⁶ Ш. Мирзиёев. “Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”(49–52- бетлар).

инвестицион лойиха тузилди. Уларнинг умумий қиймати 1,1 трлн. сўмни ташкил этади, натижада 6 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Бугунги кунда умумий қиймати 46,7 млрд. сўмлик 9 та лойиха бўйича қурилиш ишлари бошланди, уларда жами 430 та янги иш ўринлари яратилади. Булар: “Макс Прима”, “Масрур Нур”, “Ипчи зиё барака”, “Евро Таркет”, “Евро Қурилиш Дизайн”, “Авилон Призма”, “София Трединг”, “Бетон плита” масъулияти чекланган жамиятлари ва “Коканд байскл” хусусий корхонасидир.

12.5.4-жадвал

“Кўкон” ЭИЗида 2017–2018 йилларда амалга оширилаётган манзилли инвестиция лойихалари¹²⁷

№	Лойиханинг номи	Лойихалар сони	Лойиха қиймати	Лойиха қиймати	Шу жумладан, молиялаштириш манбаси			Янги иш ўринлари	Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, млн. сўм
					Ўз маблағи	Банк кредити	Хорижий инвестиция		
1	Енгил саноат	21	101,466	405,894	73,8	136,1	72,3	1995	511305
2	Чарм-пойабзал саноати	7	14,07	56,6	27,2	27,9	0,6	1030	47179,5
3	Кимё саноати, полимер ва пластика маҳсулотлари	6	2,275	9,1	4,2	4,6	0	158	33600
4	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва озик-овқат саноати	6	124,075	496,352	150,2	346,2	0	1200	1332201
5	Қурилиш материаллари саноати	8	22,295	89,18	54,6	34,6	0	492	147120
6	Фармацевтика саноати	5	3,82	15,28	6,7	7,1	0	420	64730
7	Электротехника саноати	2	1,613	6,5	3,2	3,3	0	260	22100
8	Бошқа йўналишлар	6	4,526	16	7,6	6	1	316	38124
	Жами	61	274,14	1094,906	327,5	565,8	73,9	5871	996359,5

Президентимизнинг юқорида келтирилган маърузасида мамлакатимизда яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 млрд. доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар кўпайиши, шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган 8 та махсус дастур ижросига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу дастурларни амалга ошириш борасида Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида 14 та кичик саноат зоналари ташкил этиш учун 63,4 гектар ер майдонлари ажратилган. Марғилон шаҳри, Бешарик, Данғара, Олтиарик, Тошлок ва Кува туманларида тадбиркорларни кичик саноат зоналарига жойлаштириш бўйича танлов ўтказилган, 57 нафар голиб тадбиркорга ер майдонлари ажратилиб, қурилиш бошланган. Ушбу зоналарда тадбиркорлар 17 млрд. сўм инвестиция киритиб, 1528 та янги иш ўринлари яратади. Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий химоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

¹²⁷ Фарғона вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналари сони кискариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иктисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нафақат иктисодий ва социал муаммоларнинг олдини олиш имкониятларини, балки мамлакат ва хусусан, ҳудуд иктисодиётини диверсификациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш омили бўлиб ҳам хизмат қилди.

12.5.5-жадвал

Фарғона вилоятида 2017–2020 йилларда энергия тежовчи арзон уй-жойлар куриш дастури¹²⁸

Шаҳарлар номи	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2017–2020 йилларда жами	
	Уйлар сони	Хонадонлар сони	Уйлар сони	Хонадонлар сони	Уйлар сони	Хонадонлар сони	Уйлар сони	Хонадонлар сони	Уйлар сони	Хонадонлар сони
Фарғона	5	210	6	252	6	252	5	210	22	924
Марғилон			2	84	2	84	2	84	6	252
Кўкон			2	84	2	84	2	84	6	252
Жами	5	210	10	420	10	420	9	378	34	1428
Фарғона	5	210	6	252	6	252	5	210	22	924
Марғилон			2	84	2	84	2	84	6	252
Кўкон			2	84	2	84	2	84	6	252

Юқоридагилар, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, гашаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иктисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

Минтакалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилган ПФ-4947-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишида мамлакатимиз шаҳарларида 2017–2020 йилларда энергия жиҳатдан самарадор арзон кўп қаватли уйларни куриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширилиши доирасида 50 286 та хонадан иборат 1 136 та кўп қаватли уйларни, бундан ташқари намунавий лойиҳа асосида қишлоқ жойларда 75 минг турар жойларни куриш мўлжалланган. Фарғона вилоятида ушбу фармойишни бажариш учун кўйидаги дастур қабул қилинган.

Дастур бажарилса, 2020 йилгача 1428 хонадондан иборат 34 та энергия жиҳатдан самарадор арзон уйлар курилади.

2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш дастури ишлаб чиқилиб, 2016 йил 21 октябрдаги қарор билан тасдиқланди.

Ш. Мирзиёев

¹²⁸ Фарғона вилояти ҳокимлиги иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

12.6. Вилоятда корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари таҳлили

Вилоятда корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари мониторинг Штаби фаолияти етарли даражада йўлга қўйилган, шаҳар ва туманлардаги зарар кўрган корхоналарнинг муаммолари чуқур ўрганилиб, уларга амалий ёрдам берилиб келинмоқда. Буни 2010–2016 йилларда мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари тўғрисидаги статистик маълумотлардан кўришимиз ҳам мумкин.

12.6.1.-жадвал

Фарғона вилоятида корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари тўғрисида маълумот¹²⁹

Худудлар	Зарар кўрган корхоналар сони (бирликда)							2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўсиши (камайиши)	
	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.		
Ўзбекистон Республикаси	42955	51498	58370	39953	37664	38857	36335	-6620	85%
Фарғона вилояти	4121	4481	6890	3616	3055	2792	2387	-1734	58%

2010–2016 йилларда республика бўйича зарар кўрган ташкилот ва корхоналар сони 6620 тага, яъни 85 фоизга камайган. Фарғона вилояти зарар кўрган корхоналарни камайтириш бўйича республикада Андижон вилоятдан кейинги иккинчи ўринда турибди. Сўнгги 7 йил ичида вилоятдаги зарар кўрган корхоналар сони 1734 тага камайган. Бу ўзгариш вилоят ҳокимиятининг бу борада маълум ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширганлигини кўрсатади.

12.7. Фарғона вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда банкларнинг роли ва улар томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати

Мамлакат худудларининг мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан уларда шаклланган молия-банк тизими муассасаларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Айниқса, тижорат банклари тизими етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларини реализация қилишда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам банк хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат ва унинг худудлари тараккиётининг молиявий асосини ташкил этади.

12.7.1-жадвал

Фарғона вилоятидаги банк тизимининг асосий кўрсаткичлари динамикаси¹³⁰

(1 январь ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
1	Банклар (филиаллари билан) сони	74	77	77	76	77	79	80
4	Сайёр кассалар	2	5	11	15	20	19	17
5	Минибанклар сони	126	115	108	98	93	80	54
6	Ўрнатилган банкоматлар сони, дона	60	126	155	153	200	421	481
7	Ўрнатилган терминаллар сони, дона	9112	10802	11383	13994	16569	18559	19542
8	Нобанк кредит ташкилотлари сони а) микрокредит ташкилотлари	4	4	4	3	3	5	6
	б) ломбардлар	3	3	3	3	3	5	6
		1	1	1	–	–	–	–

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

¹³⁰ Фарғона вилояти Марказий банки маълумотлари асосида тузилган.


Жадвал натижаларига кўра, Фарғона вилоятида бугунги кунда 80 та банк ва унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудларида, кишлоқ жойларда ўз фаолиятини олиб бораётган сайёр кассалар ва минибанклар сони 71 тани ташкил этади. Бундай ҳолатни Фарғона вилояти учун етарли деб бўлмайди. Чунки ҳозирда мамлакатимизнинг марказий ҳудудида жойлашган вилоят учун хизмат килувчи банкларнинг тенг ярми ҳали фаолиятини олиб бориш учун ўз бўлимларини очмаган ёки ўз иш фаолиятини бошламаган. Фарғона вилояти аҳоли сони бўйича республикада 2-ўринда туради. Агар жами ўрнатилган банкоматлар сони ва ўрнатилган терминаллар сонини аҳоли сонига нисбатан тўғри келадиган ҳолатини баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда 7484 кишига битта банкомат, 184 кишига битта терминал тўғри келади. Бирок банкоматлар сони сўнгги йилларда камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Таҳлил даври мобайнида Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган нобанк ташкилотлар сонига ҳам ижобий ўзгариш кўзга ташланмаган. Аксинча, микрокредит ташкилотлари сони 6 тага кўпайса ҳам, ломбардлар ёпилган, лизинг ташкилотлари эса умуман йўқ.

Ўрнатилган терминаллар сони охириги 7 йил ичида, яъни 2010 йилга нисбатан 2017 йил 1 январь ҳолатига 2,11 бараварга ўсган, бироқ ўрнатилган банкоматлар сони эса 8 баробарга ошган.

Тижорат банкларининг берган жами кредитлари 2017 йил январь ҳолатига 2010 йилга нисбатан 3,2 баробарга кўпайган.

2017 йил 1 июль ҳолатига Фарғона вилоятидаги тижорат банк бўлимлари томонидан берилган жами кредитларнинг деярли 26.1 фоизидан ошиғи, яъни 365.7 млрд. сўми кишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган. Ундан кейинги ўринда берилган кредитлар улушида саноатнинг ўрни катта. Жами кредит қўйилмаларининг 18,9 фоизи, яъни кредит операцияларининг 265.5 млрд. сўми саноат соҳасига ҳиссасига тўғри келган (4-жадвал). Фарғона вилоятидаги тижорат банклари кредит қўйилмаларининг асосий қисми реал сектор корхоналарига ажратилган.



12.7.1-расм. 2010–2017 йилларда Фарғона вилояти банк тизимининг кредит операциялари динамикаси¹³¹

Сўнгги йилларда Фарғона вилояти банк бўлимлари томонидан қурилиш соҳасига ажратилган кредитлар улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан 2017 йил январь ҳолати бўйича Алокабанк ва "Трастбанк" АТБ банклари бўлимлари томонидан қурилиш соҳасига умуман кредитлар ажратилмаган. "Савдогарбанк" АТБ банкининг кредит қўйилмаларида қурилиш соҳасига берилган кредитлари 1,0 фоизни ташкил этган.

¹³¹ Фарғона вилояти Марказий банки маълумотлари асосида тузилган.

12.8. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ вилоятда айниқса, туманларда хизматлар соҳасини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаган. Бу оксоқликни бартараф этиш учун аҳолини турли хизматлар яратишга ўқитиш, ўргатиш лозим;

- ❖ қишлоқ жойларидаги ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолган;

- ❖ қиш мавсумида электр таъминотини яхшилаш керак. Узилишларни камайтириш лозим. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак;

- ❖ экотуризм ва тиббий туризмни ривожлантириш лозим. Туристларнинг Фарғона вилоятига (ички туризм) келиши жуда ҳам кам;

- ❖ вилоят инсон ресурсларидан фойдаланишда жиддий муаммолар бор, айниқса, Ёзёвон, Қўштепа, Сўх, Фарғона туманларида кескин вазият вужудга келган. Ушбу туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган агросаноатни ривожлантириш йирик лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши лозим;

- ❖ чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари олдида турган энг асосий муаммо бу озука таъминоги бўлиб, озука-см маҳсулотлари таннархини барқарор сақланишини доимий назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг счими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури бўйича Фарғона вилояти ҳокимияти кенг кўламли ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Вилоятда 2017 йил давомида иқтисодий ривожлантиришга доир умумий киймати 1652418 млн. сўм бўлган 2077 лойиҳа ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Натижада вилоятда 2017 йил якунига қадар 25436 янги иш ўринлари яратилади.

2. Вилоятда Қўқон иқтисодий зонаси ва 14 та кичик саноат зоналари ташкил этиш борасида лойиҳалар ишлаб чиқилган ва амалга ошириляпти.

3. Вилоят статистика бошқармасида шаҳарлар ва туманлар кесимида ЯҲМ ҳисобини олиб бориш лозим.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимиятлари фаолиятини баҳолашда ЯҲМ кўрсаткичларини асосий мезон деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ўсиш омилларини (майдони, шу жумладан деҳқончиликка яроқли майдони, табиий ресурслари, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш қувватлари) баҳолаб, шу имкониятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш лозим. Ана шунда ҳудудлар ҳокимлари фаолиятини объектив баҳолаш имкони яратилади.

6. Қишлоқ туманларида янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7. Сўх, Ёзёвон, Қўштепа, Фарғона туманларида аҳолининг иқтисодий фаолликни ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуриштириш, қайта ишлаш, кадоклаш, маҳаллий минерал хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, маҳаллий ҳунармандчилик (қосибчилик, тўқувчилик, ипакчилик, кулолчилик ва бошқалар)ни ривожлантириш лозим.

8. Вилоят иқтисодий тармоқлар, технологиялар, экспорт диверсификациялари стратегияларини қўллаш зарур.

9. Зарар кўрган ташкилотларни чуқур таҳлил қилиш, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, корхоналар рентабеллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни мамлакатимиздаги бошқа вилоятларга ҳам оммалаштиришни тавсия этамиз.

13. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

13.1. Хоразм вилояти тарихи ва табиий-географик ўрни

Хоразм Ўрта Осиё худудидаги энг қадимий давлатлардан бири бўлиб, аҳолиси ўтрок ва кўчманчи қабилалардан иборат бўлган. Унинг худуди Амударёнинг қуйи қисмидан жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган.

“Хоразмликларнинг ўз юртига, тугилиб ўсган тупроғига садоқатиغا Юртбошимиз доимо қойил қолиб, буни бошқаларга ибрат ва намуна қилиб кўрсатиб, “Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Хоразмнинг янтоғича кўринмас” деган сатрларни такрорлар эдилар.”


Ш. Мирзиёев

У ҳақдаги илк маълумотлар “Авесто”, биринчи Доронинг Беҳистун тош битиклари, қадимги юнон муаллифлари, араб географларининг асарларида учрайди. “Авесто”нинг “Яшт” қисмида Хоразм “Минг ирмокли дарё”. “Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка” сифатида мадх этилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида шундай ёзади: “Хоразмликлар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар. Бу Искандардан 980 йил илгари бўлган

эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмга подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан 92 йил кейин бўлди”.

Демак, 3 минг йил олдин ҳам Хоразмда туркий қабилалар яшаган ва давлат тизими бўлган. Милоддан аввалги минг йиллик бошларига алоқадор “Амиробод маданияти”, Қуйи Амударё ҳавзасидаги



сунъий суғориш иншоатлари тизими (Геродот қадимда Окс (Аму) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш иншоатлари барпо этилганлигини ёзади) ҳамда дастлабки шаҳарсозлик тимсоли бўлган шаҳар-қалъалар - Қалъалиқир, Қўзалиқир, Жонбосқалъа ва бошқалар Хоразм воҳасидаги қадимий давлатчилик белгиларидир.

Хоразм тарихини чуқур ўрганган машҳур рус олими С.П.Толстов “Қадимги Хоразм” китобида антик Хоразм тарихини тўрт даврга бўлади:

1. Уй-жой деворлари бўлган шаҳристон маданияти (милоддан аввалги VI-IV асрлар).
2. Қанка (Қанг) маданияти (милоддан аввалги IV аср - милодий I аср).
3. Кушонлар маданияти (милодий II – II асрлар).
4. Кушон-Африғ ўтиш маданияти (милодий III-V асрлар).

Бу даврларга оид Амударёнинг ўнг соҳилида 250 дан зиёд, сўл соҳилида 60 та қадимий шаҳар ва қишлоқлар ўрни топилган. Қанқақалъа, Қўшқалъа, Тупроққалъа, Жингилжа, Тошхирмон сингари қалъа ва истехкомлар ўрни бунга мисол бўла олади.

Абу Райҳон Беруний африғийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳлардан 22 тасининг номини келтирган. Хоразм давлатининг пойтахти дастлаб Тупроққалъа, 305 йилдан кейин

эса Кот (Кос) шаҳри бўлган. Милоддан аввалги 4–3 асрларда Хоразм иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиб, йирик суғориш каналлари, янги шаҳар ва қалъалар барпо этилган. Ҳунармандчилик, санъат, ички ва ташқи савдо кенг ривож топган. Милодий IV-VIII асрларда Хоразм янги юксалишни бошдан кечирди. Бургутқалъа, Уйқалъа, Қумбосганқалъа каби иншоотлар ана шу даврларда қурилган.

Хоразмнинг Этил (Волга) бўйидан Марказий Осиё орқали Мўғулистон ва Хитойга ҳамда Эронга бориладиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги унинг иқтисодий ва маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этган.

Хоразмнинг бой кўп қиррали тарихи қадим замонлардан буён хорижий ва юртдош олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади.

Хоразм деганда, жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади.

Ш. Мирзиёев

Вилоят ҳудудида кўплаб тарихий ёдгорликлар мавжуд. Айниқса, Хива шаҳридаги меъморий обидалар бугун дунё ахлининг эътиборини тортди келмоқда. Бу ерда Арк, Қалтаминор, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Дишанқалъа ёдгорликлари алоҳида ажралиб туради. Хивадаги Ичанқалъа

ёдгорлик мажмуи эса ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шарқ дурдонаси бўлган қадимий Хива шаҳрининг 2500 йиллиги 1997 йилда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Хоразм вилояти мустақил ўзбек давлатчилигини қайта тиклаш, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, юртимиз салоҳиятини янада ошириш, миллий кадрларимизни кўз қорачиғидек асраш ва бойитиш, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун 2003 йилда Ватанимизнинг юксак мукофоти - Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган.

Маълумки, Хоразм диёри дунё цивилизациясининг энг қадимий бешиқларидан бири ҳисобланади. Олимларнинг хулосаларига кўра, миллий давлатчилигимизнинг асослари ҳам дастлаб мана шу йерда яратилган. Халқимиз манавиятининг ноёб ёдгорлиги бўлган «Авесто» китоби ҳам Хоразм тупроғида яратилгани бугунги кунда кўпчиликка яхши маълум. «Хоразм» сўзи ҳам илк бор ана шу ноёб китобда учрайди. Хоразм сўзи форсча «хвар» - қуёш ва «азм» - ўлка, ер, юрт сўзларининг бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, «қуёшли ўлка» деган маънони англатади. Қадимда бу заминда массагет, сак, апасак, ос, дах каби уруғ ва қабилалар яшаган.

Муқаддас ва табаррук Хоразм тупроғида униб-ўсган, Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Саккокий, Мунис, Феруз, Огаҳий, Баёний ва бошқа кўплаб алломалар, шоир ва мутафаккирларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тарихига ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Ш. Мирзиёев

Бу кўхна замин дунёга алгебра, алгоритм каби фанларга асос солган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Христофор Колумбдан беш юз йил олдин Атлантика уммони ортида қуруқлик, номаълум китъа борлигини айтиб, ернинг айлана шаклдаги харитасини яратган Абу Райҳон Беруний, араб тилининг мукамал қонун-қоидаларини ишлаб чиққан, бутун мусулмон оламида Жориллоҳ, яъни Оллоҳнинг қўшнисини деган номга сазовор бўлган Маҳмуд Замаҳшарий сингари алломаларни

берган. Хоразм вилояти Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайс, Носируддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Валад ва унинг буюк ўғли Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирождиддин Саккокий, Мунис, Баёний, Чоқар, Ҳожихон

Болтаев, Комилжон Отаниёзов сингари кўплаб мутафаккир, илм-фан ва санъат намояндаларининг ватани ҳисобланади.

Хоразм вилоятида аҳоли сони 2017 йил 1 январь ҳолатига 1776,8 минг кишига тенг. Аҳолининг 32,8 фоизи шаҳарда, 67,2 фоизи қишлоқда яшайди. Хоразм вилояти маъмурий ҳудудий тузилиши бўйича 10 та туман ва Урганч шаҳрига ажратилади.

Булар ўз навбатида 101 қишлоқ фуқаролар йиғини, 612 аҳоли пунктлари, 3 та шаҳар ва 7 та шаҳар типидagi шаҳарчаларга бўлинади.

Вилоятда 27 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 13 таси енгил саноат корхонасига қарашлидир.

Вилоятда тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш дастурига кўра, саноатни қайта жихозлаш, коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада яхшилаш ва уларнинг қайта ишлашини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳамда сайёҳликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Ҳозирги вақтда вилоятда 39 та замонавий меҳмонхоналар фаолият олиб бормоқда.

Автомобиль йўллариининг узунлиги 2296 километрни, шундан қаттиқ копланми йўллар 2218 кмни ташкил қилади.

Вилоятда халқаро классдаги аэропорт бўлиб, ҳозирда турли йўналишлар бўйича ҳаво йўллари билан боғланган.

Вилоятда замонавий телефон тармоқлари, коммуникация системалари (алоқа, пейджер, модем ва уяли телефон) радио ва тедевидение мавжуд.

Вилоятда, асосан, аграр соҳа ривожланган бўлиб, йилига 280–290 минг тонна, яъни республикада етиштирилаётган пахта хомашёсининг 7 фоизини ишлаб чиқаради.

13.1.1-жадвал

Хоразм вилоятида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯХМ тузилмаси таркибининг ўсиши¹³², (ўтган йилга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил январ-июн
ЯХМ	109,5	110,0	110,3	109,1	109,0	111,0	106,4	111,3
шу жумладан:								
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	109,3	109,8	110,3	109,1	108,7	110,8	106,5	111,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	111,8	113,2	109,9	110,2	117,0	115,0	103,7	117,0
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	109,3	109,8	110,3	109,1	108,7	110,8	106,5	109,3
Қишлоқ хўжалиги	103,4	102,0	109,6	107,6	106,8	106,0	108,6	105,1
Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга)	115,2	120,3	112,1	117,6	113,0	122,3	98,0	121,5
Хизматлар	112,5	112,1	110,0	106,8	107,9	108,2	109,9	107,6
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	105,3	103,2	99,2	100,4	100,1	100,3	100,1	100,0

¹³² Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Хоразм вилоятининг таркибидаги 10 та туман (Богот, Гурлан, Қўшқўпир, Урганч, Хазорасп, Хонқа, Хива, Шовот, Янгиарик ва Янгибозор), 1 та шаҳар (Урганч) ларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилмоқда. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятнинг аҳолиси сони 1776,7 минг кишини ташкил этиши ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 4026,2 минг сўмни ташкил этади. Республикамиз Ялпи ички маҳсулотида эса вилоятнинг Ялпи ҳудудий маҳсулотининг улуши 3,5 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурларнинг ижросини таъминлаш натижасида 2021 йилга бориб, Ялпи ҳудудий маҳсулот 1,5 баробарга ошиши, унда саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг улуши ҳозирги 23,5 фоиздан 25,6 фоизга ошиши, қишлоқ хўжалигининг улуши 29,6 фоиздан 24,1 фоизга камайиши, хизматлар соҳаси эса 46,9 фоиздан 50,3 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Вилоятда Ҳаракатлар стратегиясининг 5 та устувор йўналишлари бўйича 124 та тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Хусусан, ушбу дастурга асосан 2017 йилда вилоятда умумий қиймати 491,2 млрд. сўмлик 473 та лойиҳаларни фойдаланишга топшириш, яъни бу мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр чарм-пойабзал, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармацевтика ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, Хоразм вилоятида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯХМ тузилмаси таркибининг ўсиб боришига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, агарда 2010 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 9,3 фоизга ошган бўлса, 2016 йили бу кўрсаткич, 6,5 фоизни ташкил этган. Шу ўринда ҳудудда хизматлар соҳаси 9,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги 8,6 фоизга ошган алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,5 баробар, истеъмол товарлари 3,3 баробар, қурилиш ишлари 1,8 баробар ва чакана савдо товар айланмаси 1,5 баробарга ўсганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қарори аграр йўналишда бўлган вилоят халқ хўжалигидаги саноат улушини ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини яратиш, турмуш фаровонлиги даражасини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат қабул қилинганидан кейин ўтган даврда 300 млн. доллардан ортиқ инвестиция маблағлари ҳисобига янгидан 430 дан зиёд ишлаб чиқариш қувватлари бунёд этилди.

Шу йўналишдаги энг катта лойиҳалардан бири “GM O‘ZBEKISTON” қўшма корхонасининг Хоразм вилоят филиали ташкил этилганлиги бўлди. Питнак шаҳридаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари қисқа вақтда реконструкция қилиниб, энг замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айлантирилди. Натижада бугун вилоятнинг энг чекка туманида “DAMAS”, “ORLANDO” ва “LABO” каби энгил автомашиналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати ушбу корхона иш бошлагач, Автомобиль ларнинг эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш дастури асосида воҳада Автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрлашга ихтисослашган катор кичик ишлаб чиқариш қувватлари фаолият кўрсата бошлади.

Шунингдек, вилоятда анъанавий етакчи бўлган энгил саноат соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Шовот, Богот, Хазорасп ва Янгибозор туманларида янги тўқимачилик мажмуалари иш бошлади.

Яқинда Шовот туманида яна бир корхона “KATQAL’A TEX”да энг замонавий пайпоқ тўқиш дастгоҳлари ўрнатилиб, бу ерда йилига 70 миллион жуфт маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кўрилаётган тадбирлар боис 2016 йил якуни билан вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 62 фоизи ёки 54 минг тоннадан зиёди ўзимизда қайта ишланади.

Иқтисодиётимиз тараккиётини таъминлаш, ишлаб чиқаришга янги техника ва

технологиялар, замонавий ишланмаларни тадбиқ этишда қўшма корхоналарнинг алоҳида роли бор. Бугун вилоятда 34 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 15 таси ёки қарийб ярми охириги 5 йил мобайнида илгари қўшма корхоналар мавжуд бўлмаган туманларда ташкил этилди. Бу барча ҳудудларнинг бир хил иктисодий тараққиётини таъминлаши билан бирга янги иш ўринлари яратиб, энг чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимизни ҳам ижтимоий жихатдан пухта химоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хитойлик ҳамкорлар билан Урганч шаҳрида замонавий гидравлик экскаваторлар, йўл қурилиши бульдозерларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ЎЗХМЖ” қўшма корхонаси ишга туширилиши бу соҳадаги салмоқли лойиҳалардан бири бўлди. Бу ерда 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхонанинг Марказий Осиёда ягона эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Мотоцикл ва мопедлар ишлаб чиқарувчи “Қўшқўпир техно сервис”, маиший совуткич ва музлатгич каби харидоргир товарлар етказиб бераётган “Янгиарик импорт сервис” корхоналарида воҳа учун янги бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятда озик-овқат, енгил саноат ва бошқа йўналишларда 19 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар томонидан 2016 йил 1 триллион 416,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йирик корхоналарда 11 мингдан ортиқ аҳоли меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудий экспортёр корхоналар томонидан 5 миллион долларга яқин қийматдаги саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, экспорт қилинган жами маҳсулотларнинг 315 минг тоннаси темир йўл транспорти орқали ташилган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтган экспортёр корхоналар маҳсулотларини давлат чегарасигача амалдаги ички тарифлар миқдоридagi ҳақ эвазига етказиб берилиши белгиланган. Кўриниб турибдики, ушбу преференция ҳам экспортёр корхоналарнинг логистика харажатлари кескин камайиши ва натижада маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги таннари қисқариши ҳамда рақобатбардошлигининг ошишига туртки бўлади. Ушбу имтиёздан тўлақонли фойдаланган ҳолда экспортёр корхоналар томонидан келгусида экспортга чиқариладиган маҳсулотларнинг 70–80 фоизи темир йўл транспорти орқали амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

13.1.2-жадвал

Хоразм вилоятининг саноат тармоқлари бўйича структуравий ўзгаришлар¹³³

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил январ-июн
Саноат тармоқлари улуши	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:								
-Енгил саноат	37,2	42,7	39,2	37,6	27,9	25,1	25,6	22,6
-Озик-овқат	20,5	21,2	22,9	22,1	12,5	20,6	16,9	18,2
-Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	3,6	3,3	4,2	4,2	33,3	30,3	23,4	27,0

Вилоятда фармацевтика саноати бўйича 8 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда 10 дан ортиқ турдаги доривор ўсимликларни кадоклаш йўлга қўйилган. Вилоятда 25 хил доривор ўсимликларни етиштириш плантацияларини ташкил этиш, шунингдек, экспортбоп тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 2017–2018 йилларда жами 81

¹³³ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иктисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

миллиард сўмликдан ортик инвестициялар киритилиши ҳисобига 29 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мисол учун, келгуси йили Богот туманида “Хоразм супер медикал” масъулияти чекланган жамияти томонидан 300 миллион сўмлик инвестиция киритиш ҳисобидан йилига 6 миллион дона йод, зелёнка, валерианка каби, Хива туманида ташкил этиладиган “Кордон хумо” хусусий корхонасида 1,7 миллиард сўмлик инвестиция эвазига синтетик дори воситалари (амоксициллин, ампициллин, азитромицин, цефподоксим, хлорамфеникол, доксициклин, еритромицин) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бугунги кунда вилоятда пишган ғишт, эшик-ром, охак, темир-бетон маҳсулотлари, темир дарвоза ва панжаларлар, брусчатка, курук қурилиш аралашмалари (шпатлевка, мегамекс, гипс), профнастил ва металл листлар, лок ва бўёк маҳсулотлари, том ёпиш материаллари, норуда материаллари ва бошқа турдаги қурилиш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 375 корхона фаолият юритмоқда. Бу соҳада ҳам келгуси икки йилда яна 260 та лойиҳа амалга оширилиши ва 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш белгиланган. Бугун турмушимизни музлатгич, совутич, чангютгич, телевизор, микротўлкинли печ каби уй-рўзғор буюмларисиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда ана шундай халқ истеъмоли товарлари кенг микёсда ишлаб чиқарилмоқда. Сифатли ва қулай бундай маҳсулотлар барчага манзур бўлмоқда. Вилоятда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамгаси билан ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари жаҳон бозорида харидорғир. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий хомашёдан тайёрланган, янги дизайндаги техника воситалари импорт ўрнини тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир ушбу йўналишда 10 дан ортик корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан музлатгич, трансформатор, сув филтрлари, LED лампа, савдо музлатгичи каби 15 дан ортик турдаги маҳсулотлар савдога чиқарилмоқда. 2017–2018-йилларда 25 миллиард 400 миллион сўмлик инвестиция маблағлари ҳисобидан 19 лойиҳани амалга ошириш, 300 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Вилоятда саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, 2010 йилда жами саноат тармоқларида енгил саноатнинг улуши 37,2 фоизни, озик-овқат 20,5 фоизни, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 3,6 фоизни ташкил этган. 2016 йилга келиб бу кўрсаткичлар енгил саноат 25,6 фоиз, озик-овқат 16,9 фоизни, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 23,4 фоизни 2017 йилнинг январь-июнь ойларида енгил саноат, машинасозлик ва метални қайта ишлаш ҳамда озик овқат соҳаларига алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, жами саноат тармоқларида машинасозлик ва метални қайта ишлаш 27 фоизни, енгил саноат 22,6 фоизни ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 18,3 фоизни ташкил этмоқда.

13.1.3-жадвал

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш бўйича давлат дастури лойиҳалари ва уларда яратилган иш ўринлари¹³⁴

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил январь-июнь
Тармоқлар кесимида режалаштирилган инвестиция лойиҳаларида яратилган иш ўринлари (минг киши)	9496	9550	9584	9756	10000	10002	15706	11870
Модернизация дастури доирасида яратилган иш ўринларига касб-хунар битирувчиларининг қабул қилиниши	7977	7927	7859	8097	8400	8502	12565	9377

¹³⁴ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу ўринда Республика иқтисодиётини модернизациялаш бўйича Хоразм вилояти давлат дастури лойиҳалари ва уларда инвестицияларни ўзлаштирилиши бўйича 2017 йили 120693,1 минг доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бунинг асосида тармоқлар кесимида режалаштирилган инвестиция лойиҳаларида 2017 йилга 11870 та янги иш ўринлари яратилади. Бунда модернизация дастури доирасида яратилган иш ўринларига 9377 та касб-хунар коллежлари битирувчиларининг қабул қилиниши режалаштирилган.

Агарда вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг туманлар бўйича тақсимланишига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, асосий инвестициялар Урганч шаҳар 23,4 %, Урганч тумани, Хазорасп, Шовот, Ҳонқа туманларига тақсимланганлигини кўришимиз мумкин.

13.1.4-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг туманлар бўйича тақсимланиши¹³⁵ (яқунга нисбатан %да)

Худудлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Вилоят	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
туманлар							
Урганч шаҳар	13,9	12,5	22,7	34,0	29,6	36	23,4
Боғот тумани	8,5	7,4	5,8	3,5	4,0	5,3	5,3
Гурлан тумани	5,7	5,8	5,4	4,0	3,6	5,1	4,1
Қўшқўпир тумани	5,1	5,2	5,9	5,6	6,0	4,4	5,2
Урганч тумани	9,1	7,8	7,1	9,7	10,7	8,7	10,7
Хазорасп тумани	7,4	7,1	7,3	5,5	15,4	8,9	7,2
Ҳонқа тумани	6,7	5,9	6,4	5,1	4,6	6,5	8,3
Хива тумани	6,3	5,8	5,7	6,4	7,0	6,5	7,3
Шовот тумани	7,6	6,7	7,6	5,3	4,1	8,8	10,1
Янгиариқ тумани	4,7	4,2	4,1	3,5	4,1	5,4	4,8
Янгибозор тумани	4,4	3,9	4,0	4,9	5,6	4,2	5,2
Бўлинмаган ҳажм	20,4	27,8	17,9	12,5	5,2	0,0	8,3

Натижада вилоят иқтисодиётида саноат улуши изчиллик билан ошмоқда. Охирги беш йилда бу кўрсаткич 7,9 фоиздан 15,2 фоизгача ёки қарийб 2 баробарга ўсди.

Вилоятда экспорт салоҳияти охирги беш йилда 7,5 баробар кўпайгани ҳам эътиборга моликдир.

13.2. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мустақилликнинг илк кунлариданок давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири деб, эълон қилинган эди.

Ўтган даврда соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Аниқ – пухта ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсат, қулай инвестицион шароит, ишбилармонлар учун яратилган қатор имтиёзлар соҳа тараккиётини таъминламоқда. Ташаббускор кишилар мамлакатимизда кечаётган иқтисодий жараёнларнинг тобора фаол иштирокчисига айланмоқдалар.

¹³⁵ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бугун вилоятда 11 мингдан ортик кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 5,3 мингтадан ошиғи кейинги беш йилда ташкил этилган.

Хоразм вилоятида 2017 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 11 минг 156 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган 700 мингдан ортик аҳолининг 82,3 фоизи кичик бизнес субъектлари хиссасига тўғри келади.

13.2.1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши¹³⁶ (%да)

Худудлар	ЯИМ		Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Қурилиш		Савдо	
	2015	2016	2015	2016	2015	2016	2015	2016	2015	2016
Хоразм вилояти	74,1	74,2	39,7	47,6	96,0	95,1	81,6	87,0	81,3	87,6

Вилоятда иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, 2015 йил якунларига кўра, саноатда 39,7 %, қишлоқ хўжалигида 96,1 %, қурилишда 81,0 % ва савдода 81,3 %ни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунларига кўра, саноатда 47,6 %, қишлоқ хўжалигида 95,1 %, қурилишда 87,0 % ва савдода 87,6 %ни ташкил этади. Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Вилоятда ижтимоий соҳани кўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий техник базасини яхшилаш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнги беш йилда олтмишга яқин тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу тадбирлар туфайли Вилоят кўптармоқли тиббиёт маркази, Вилоят онкология ва эндокринология диспансерлари, Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм вилояти филиали, Боғот, Хонқа, Хива, Гурлан ва Янгибозор туманлари тиббиёт бирлашмалари замонавий кўринишга эга бўлдилар. Энг асосийси аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилди.

Халқ таълими тизимида истиқлол йилларида 7 та мактаб янгидан қурилди, 185 таси қайта реконструкция қилинди. 295 мактаб мукамал таъмирланди. Мавжуд умумтаълим мактабларининг барчаси замонавий компьютер техникалари билан таъминланди, компьютер синфлари ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида 16 та Болалар мусика ва санъат мактаби, 12 та “Баркамол авлод” болалар маркази барпо этилди. 152 та мактабда янгидан спортзаллари қурилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, умумтаълим муассасалари замонавий спорт жиҳозлари билан тўлик таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг “2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг узвий давомидир. Жойларда ташкил этилаётган марказлар аҳолининг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтларини самарали ўтказишни таъминлайди.

Бугунгача Хоразмдаги 126 та маданият уйи 65 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларига айлантирилди. Уларни 2018 йилгача босқичма-босқич таъмирлаш, капитал реконструкция қилиш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш режалари ишлаб чиқилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш жараёнлари алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, вилоятда 2010 йил ижтимоий соҳа ва

¹³⁶ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига 373,5 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2011 йил 451,05 млрд. сўм, 2012 йил 562,9 млрд. сўм ва 2016 йил эса, 1009,3 млрд. сўм ажратилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бунда маориф, соғлиқни сақлаш соҳалари асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, агарда вилоятда маориф соҳасида 2010 йили 219,93 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2016 йил 666,4 млрд. сўм ажратилган. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса 2010 йил 84,9 млрд. сўм, 2016 йил 262,3 млрд. сўм давлат бюджети томонидан ажратилган.

13.2.2-жадвал

Вилоят ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари¹³⁷, млрд. сўм

Харажатлари таркиби		Йиллар						
		2010	2011	2012	2013	2014	2015 й.	2016
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	373,5	451,0	562,9	666,6	795,5	913,6	1009,3
	<i>шундан:</i>							
1.1	Маориф	219,9	271,5	345,9	421,8	506,4	586,0	666,4
1.2	Соғлиқни сақлаш	84,9	110,0	136,8	167,1	204,2	234,0	262,3
1.3	Маданият ва спорт	2,8	3,5	4,4	6,9	10,6	10,2	9,1
1.4	Фан	0,1	0,1	0,2	0,5	0,4	0,5	0,6
1.5	Ижтимоий таъминот	1,1	1,5	1,7	1,9	2,4	3,0	1,1
1.6	Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	64,4	64,1	73,6	68,2	71,3	79,7	69,7

Вилоятда эркин иқтисодий зоналар фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилмоқда, жумладан, Ҳазорасп ЭИЗда ҳозирги кунга келиб 8 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилмоқда, ушбу лойиҳалар асосида сендвич панеллар ишлаб чиқариш, кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш, бир марталик медицина қўлқоплари ишлаб чиқариш, “DAMAS” ва “LABO” автомобиллари учун иситиш ва вентиляция тизимларини ишлаб чиқариш, “DAMAS” ва “LABO” автомобиллари учун бампер ва бошка бутловчи пластмасса қисмлари ишлаб чиқариш, обой ва обой учун елим ишлаб чиқариш, сут маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 100 дан ортик иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

13.3. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ривожини ҳамда уларнинг истиқболлари

Хоразм азалдан уста деҳқонлар, миришкорлар юрти. Қишлоқдаги ислохотлар боис воҳада фермерлик кенг кулоч ёйди. Тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиорация ва ирригация тизимларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш, туманларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик,

Озиқ-овқат саноатида келгуси беш йилда умумий қиймати 118 миллиард сўм бўлган 231 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режаси тизимланмоқда. Шулар қаторида 2018 йилда Урганч туманидаги “Элита чорва насл” корхонасида 1 миллиард 100 миллион сўм сармоя киритиб, мева-сабзавот шарбатлари тайёрлайдиган корхона ташкил этилади.

Ш. Мирзиёев

¹³⁷ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

асаларичилик, муқобил ёқилғи асосида иссиқхоналар ташкил этиш каби йўналишлардаги лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда.

2011–2015 йилларда 123,5 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 8,5 минг гектар ерни сув билан таъминлайдиган ирригация каналлари ва насос станциялари реконструкция қилинди.

Натижада ундирилаётган кишлок хўжалиги маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга



ортмоқда: 1991 йилга нисбатан дон етиштириш 3,8 баробарга, сабзавот 3,9 баробар, мева 5,8 баробар, узум 3,8 баробар, картошка 7,7 баробарга ўсганлиги фикримиз исботидир.

Хоразм вилоятида ҳар йилгидек деҳқон фермерлари кишлок хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Пилла, ғалла ва пахта хомашёси етиштириш бўйича имзоланган контрактация шартномалари муваваффақиятли адо этилди. Шунингдек,

картошка, мева-сабзавот ва полиз экинларидан 1 миллион 131 минг тоннадан ортиқ ёки 2011 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп ҳосил олинди.

Охирги беш йилда аҳоли даромадлари 2 баробардан кўпроқ ўсди.

Вилоят иқтисодийотидаги ижобий ўзгаришлар маҳалла, кишлок ва туман, шаҳарларимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш, янги-янги иншоотлар, маданий ва маиший объектлар бунёд этиш имкониятини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм вилоятининг ободончилик ва аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш, Урганч шаҳарининг Бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу йўналишдаги ишларимизни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди. Қбул қилинган дастур доирасида ўтган йиллар давомида 1 трлн. 300 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва туман марказлари, кишлок ва маҳаллаларимиз кун сайин эмас, соат сайин ўзгармоқда.

Вилоятда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиш ҳажми йиллар давомида ортиб келмоқда. Жумладан, 2010 йили бу кўрсаткич 697,0 тоннани ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 1144,4 тоннани ташкил этган. Бунда вилоятда 27 турдаги маҳсулотлар етиштирилади.

Маълумки, дунёда кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитининг уйғунлиги туфайли энг мазали, ширин ва табиий тоза мева-сабзавотлар бизнинг минтақамизда етиштирилади. Саховатли заминимизнинг неъматлари бўлган витаминларга бой мева-сабзавотлар хорижда ҳам севиб истеъмол қилинади, яъни жуда экспортбоплиги билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда ушбу маҳсулотларимизнинг экспорт ҳажми ортиб, географияси кенгайиб бораётгани бежизга эмас. 2016 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган 1-Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида вилоят экспортёрлари томонидан хорижий ҳамкорлар билан 2016–2017 йилларда 40 миллион долларлик, жами 69 минг маҳсулот етказиб бориш бўйича шартномалар имзоланган. Бундай ютуқларни кўпайтириш учун вилоятда кишлок хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини юқори поғонага кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Масалан, Боғот туманида йилига икки минг тонна узум, Шовот, Хива ва бошқа туманларда мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, “Боғот мева шарбат” корхонасида технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилиб, унинг аввалги минг тонналик қуввати 4 минг тонна мевани қайта ишлаш даражасига етказилмоқда.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2017 – 2018-йилларда 48,4 миллиард сўмлик 52 та мева-сабзавотларни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 2018 йил якуни билан 20 минг тоннадан ортиқ янги қайта ишлаш қувватлари яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сонини 61 тага етказиш, бунинг натижасида вилоятда қайта ишлаш қуввати 37,5 минг тоннани ташкил этади.

Бу рақамлар уддаланиши керак бўлган ишлар қамрови қанчалик кенг эканини кўрсатиб турибди. Шулар баробарида Хоразм деҳқончилик анъаналарини тиклаш, Гурлан туманида шолчилик илмий-тадқиқот институти филиалини очиш кўзда тутилган. Вилоятда мавжуд қовун етиштириш тажрибасини такомиллаштириш бўйича Урганч давлат университетида махсус қовунчилик бўлимини ташкил етиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин йиллар ичида аввал пахта экилган 4 минг гектар майдонда сабзавотчилик ва қовунчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларининг ташкил етиш назарда тутилмоқда. 2017–2019-йиллар давомида вилоятдаги олти ярим минг гектар эски, самарасиз боғ ва тоқзорлар ўрнида экспортбоп узум ҳамда мева етиштириш учун интенсив боғлар барпо этиш кўзда тутилган.

Ушбу ҳаётбахш лойиҳалар амалга ошгач, вилоятда мавжуд экин майдонлари, боғ ва тоқзорлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юқори даражада ўсади. Бундан албатта, тадбиркор ҳам, маҳсулот етиштирувчи деҳқон-фермер ҳам манфаат кўради. Вилоятда ушбу ҳаракатлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, экспортга йўналтириш ҳажми ортиши натижасида халқимизнинг фаровонлиги янада юксалади.

13.4. Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари

Хоразм “Буюқ ипак йўли”да жойлашган минг йиллик тарих, бой – маданий меросга эга қадимий ўлка. Вилоятда 18 та археология, 134 та архитектура, 66 та ҳайкалтарошлик санъати ёдгорликлари, 40 га яқин диккатга сазовор ва муқаддас жойлар мавжуд.

Хиванинг Ичан қалъа ва Дешон қалъаси, Қалъажик, Ҳазорасп қалъалари, Янгиарик туманидаги Олма отишган, Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоной каби обидалар дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Сайёҳлик вилоят иқтисодиётида тобора кўпроқ ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шу сабабдан ички ва ташқи туризмни ривожлантириш асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларимизни янги даражага олиб чиқди. Ушбу Давлат дастури доирасида бугунгача юздан ортиқ сайёҳликка доир лойиҳа амалга оширилди.

Йигирмадан ошиқ маданий мерос объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. “Ичан қалъа”, “Дишон қалъа”, “Қалажик қалъа” деворларида, “Музхона” ёдгорлиги, “Тўрт шаввоз” мажмуаси ва “Боғи шамол”, Оллақулихоннинг ёзги дала ҳовлисида қатта ҳажмдаги реконструкция тиклаш тадбирлари амалга оширилди.

Янги сайёҳлик йўналишлари ва хизматлари жорий этилди. Урганч шаҳрида Шовот канали бўйида, Хива туманида “Чодра боғ”, “Хива қорақўл” фермер хўжалигида, “Эшон Равот” қўлида, Боғот туманида “Қалажик қалъа”, Урганч туманидаги “Улли ҳовли” объектларида замонавий сайёҳлик инфратузилмалари яратилган.

13.4.1-жадвал

Хоразм вилоятида туризм индустриясининг асосий кўрсаткичлари¹³⁸

Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг сони, киши	61506	191009	194414	187683	183092	182193	200358
Шундан:							
Туристлик фирмалар ва ташкилотлар	733	121394	121893	114480	114416	116760	124367

¹³⁸ Хоразм вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Агарда тахлилий маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, вилоятда 2010 йил туризм соҳаси бўйича хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг сони 61506 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич, 200358 тани ташкил этган. Шу ўринда 2010 йил вилоятда туристик фирмалар ва ташкилотлар сони 733 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 124367 тани ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда туризм салоҳиятининг юқорилиги, унинг миллий ва худудий иқтисодиёт таракқиётидаги устувор ўрни ва аҳамияти, туризм корхоналарининг ва улар билан бевосита боғлиқ хизмат кўрсатувчи тармок соҳаларининг фаоллиги туризм мажмуаси ва унинг инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Замоनावий туризм мажмуаси ва унинг инфратузилмасининг шаклланиши, аваламбор туризмнинг инновациявий-инвестициявий ривожланиши бошқариш моделига ва туризм тизимида иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ривожланишига таянади. Замоनावий туризм мажмуаси шакллантиришда унинг ишлаб чиқариш, транспорт, жойлаштириш воситалари, ахборот-коммуникация ва реклама хизматлари, ҳамда молия, кредит, суғурта инфратузилмаси билан бир қатор инфратузилмасининг ўрни ва аҳамияти жуда юқоридир. Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси маълумотларига кўра фақат ҳозирги кунгача рўйхатга олинган маданий ёдгорликларидан 18 та археологик, 134 та тарихий меъморчилик ёдгорликлари ҳамда 6 та диққатга сазовор ва 32 та муқаддас, жами 256 та бундай объектлар мавжудлиги худуд тарихий ёдгорликларга бойлигини кўрсатади, туризм салоҳиятини янада оширади ва туризмнинг худуд учун янги йўналишларини ташкил қилиш имкониятлари катталигидан далолат беради. Бугунги кунда туристик хизмат соҳаси хусусийлаштириш ва модернизациялаш талабларига мос ҳолда қайта ислоҳ қилинди. Туристик хизматлар кўрсатишни яхшилаш учун туризм индустрияси асосида туристик ресурслар потенциали юқори бўлган Хоразм вилояти минтақасида ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Охириги йиллар давомида вилоятда туристик хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш билан туризм индустрияси фаолиятини шакллантириш омилларининг ижобий таъсири кучайтирилди, туризм хизмати сифатини кўтариш ишлари амалга оширилди, миллий туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлашга эришилди ва туристик маҳсулотга бўлган хориж талабини ўстиришга асос яратилди.

13.4.2-жадвал

Хоразм вилоятининг асосий туристик ресурслари¹³⁹

Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Асосий туристик ресурслар, <i>дона</i>	170	172	167	169	184	185	185
Музейлар	2	2	2	2	2	2	2
Театрлар	2	2	2	2	2	2	2
Маданий ва истироҳат боғлари	11	11	11	11	11	11	11
Тарихий обидалар	134	134	134	134	134	134	134
Диний зиёратгоҳлар	34	34	34	34	34	34	34
Маданий дам олиш масканлари	126	126	126	126	65	65	65
Ахборот ресурслари ва кутубхоналар	157	159	153	153	164	166	167

Ҳозирги кунда вилоятда 2 та музей, 11 та маданий ва истироҳат боғи, 134 тарихий обидалар, 34 та диний зиёратгоҳлар, 65 та маданий дам олиш маскани фаолият юритмоқда.

¹³⁹ Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирларнинг ижобий натижалари туристик хизматлар ҳажмининг ўсишида ўз аксини топмоқда. Шулардан келиб чиқиб буни қуйидаги кўрсаткичлар орқали кўриб чиқишимиз мумкин. Хоразм вилоятига 2015 йилда ташриф буюрган жами (хорижий ва маҳаллий) сайёҳлар сони 63,4 мингдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни билан бу кўрсаткич 75,8 мингдан ортиқни ташкил қилиб, деярли 20% га ошган. Биргина, 2015 йилнинг ўзида дунёнинг 80 дан ортиқ давлатидан 40,6 мингга яқин хорижий сайёҳлар вилоятимизга ташриф буюришган бўлишса, 2016 йил якуни билан, бу кўрсаткич 46,6 мингдан ортиқни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15% га ошган Шу жумладан, МДХ давлатларидан 2015 йил давомида 5767 та сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 6600 тани ташкил қилиб, 15 фоизга ошган. 2015 йилда 22767 та маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 29200 тадан ортиқни ташкил қилиб, қарийб 30 фоизга ошган. 2012 йилда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 5562,1 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни билан 11389,9 млн сўмни ташкил қилди ва жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 2012 йилга нисбатан икки баробарга ошган.

Аҳолининг коммунал хизматларга бўлган талабини тўла қондириш, элдошларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган 5 йил мобайнида Туямўйин сув омбори ҳудудида жойлашган Капарас насос станцияси мукамал таъмирланди. Питнак шаҳридаги “Тозалаш иншоати”, Урганч шаҳрига ичимлик сув сўзиб берувчи “Урганч шаҳар сув тақсимлаш иншоатидаги” насос станциялари капитал ремонт қилинди.

Шунингдек, Урганч шаҳрида янги сув тозалаш иншоати қурилиб, ишга туширилди.

Бундан ташқари, Қўшқўпир, Хива ва Янгиарик туманларида 113 километр ичимлик сув тармоқлари ётқизилди. Натижада ушбу чекка ҳудудларда истикомат қилувчи аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиши яхшиланди.

Умуман 2011–2015 йилларда Хоразм вилоятида 815 километр сув тармоқлари қурилди.

Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70,1 фоиздан 73,7 фоизга етказилди.

Аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани электр билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ўтган 5 йил мобайнида вилоят шаҳар ва туманларида 129 километр электр тармоқлари тортилди, 77 та трансформатор пункти янгидан қурилди.

Бу соҳадаги яна бир лойиҳа – “Тахиагош” иссиқлик электр станциясидан Хоразмнинг Саримой аҳоли пунктигача бўлган масофага 220 кВт қучланишли Ҳаво линияси қуриш лойиҳасидир. У амалга оширилса Хоразм вилояти аҳолиси, ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий объектларни электр энергияси билан таъминлаш кафолати янада ошади.

Аҳолини турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган яна бир лойиҳа “Газли-Нукус” ва “Бухоро-Урал” магистрал газ қувурларини вилоят ҳудудида халқа ташкил қилиш учун бирлаштиришдир. Бунинг учун диаметри 1020 мм. бўлган икки қувур Амударё остидан горизонтал қияли бурғулаш усули ўтказилиб янгидан қуриладиган “Урганч-2” газ тақсимлаш шаҳобчасига уланади. Янгидан ташланадиган қувурларнинг узунлиги 74 километрни ташкил этади. Умумий қиймати 120 млрд. сўм бўлган ушбу объект 2017 йилда фойдаланишга топширилади.

Янгидан қуриладиган “Навои-Канимех-Мискин” темир йўли вилоят аҳолиси учун яна бир қулайлик яратади. Икки босқичда амалга ошириладиган лойиҳа ўз якунига етгач, Урганчдан Тошкентга ёки Тошкентдан Урганчга томон йўлга чиққан йўловчи ўз манзилига 5 соатда етиб келади. Бундан ташқари ушбу йўлнинг қурилиши йўл миллий иқтисодиёт тараққиётини янги босқичга олиб чиқади. Тўрт юз километрга яқин йўлда айни кунларда биринчи босқич ишлари олиб борилмоқда. Иккинчи босқичда йўлнинг электрлаштирилиши режалаштирилган.

Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер унумдорлигини оширишни таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Ислон тараққиёт банки иштирокида Хоразм вилоятида “Тошсака” тизими магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори асосида давом этади.

Амалга ошириладиган тадбирлар туфайли магистрал каналларнинг ишлаши яхшиланади ва улардан фойдаланиш харажатлари камайтирилиб, электр насослари билан суғориладиган майдонлар оқар сув таъминотиغا ўтказилади. 30 минг 500 гектар экин майдонларида сизот сувлари сатҳи пасаяди.

Узоқ келажакни кўзлаб “Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси” ишлаб чиқилган. Унда вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқларини 2030 йилгача бўлган даврдаги ривожлантириш стратегияси аниқ белгилаб олинган.

Бундан ташқари келгуси йилдан эътиборан вилоятнинг яқин беш йиллик тараққиётини таъминлайдиган дастурлар ижросига киришилган.

Унга кўра 2017–2021 йиллар давомида соҳалар бўйича умумий қиймати 5 триллион 385 млрд. сўм бўлган 13 мингга яқин инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шу аснода 23 мингдан зиёд янги иш ўринларини ташкил этади.

Қишлоқ массивларида 2017 йилда 1072 та намунавий уй-жой қуриш ва кейинги йилларда ҳам буни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга келгуси 5 йилда кам таъминланган аҳоли қатламини ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Урганч шаҳри ва туманлар марказида замонавий лойиҳалар асосида қиймати 363,6 млрд. сўмлик 1472 та хонадондан иборат 46 та кўп қаватли “Қамолот уйлари” қурилиши бўйича ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 27–28 январ кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берган кўрсатмалар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисдаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 54 банддан иборат 97 та чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

2017 йил 9 август ҳолатига Дастур бўйича жами 2,9 трлн. сўм ҳамда 239,3 млн.долларлик маблағлар сарфланиши режалаштирилган. Хусусан:

- банк кредити маблағлари ҳисобидан 932,5 млрд. сўм ва 26 млн. АҚШ доллари;
- ўз маблағи ҳисобидан 853,8 млрд. сўм ва 77,1 млн. АҚШ доллари;
- бошқа манбалар ҳисобидан 1,1 трлн. сўм ва 136,2 млн. АҚШ доллари инвестициялар сарфланиши режалаштирилган.

Ушбу маблағларни йўналишлар кесимида таҳлил қилинганда:

- қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси бўйича 20,9 млрд. сўм ва 152 млн.доллар;

- макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш комплекси бўйича 2754,6 млрд. сўм ва 87,5 млн. АҚШ доллари;

- Хоразм вилоятининг Хива туманида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича 1,2 млрд. сўм;

- экспорт салоҳиятини ва машинасозлик, Автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси бўйича 16,4 млрд. сўм;

- геология, ёкилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси бўйича 49,5 млрд. сўм;

- соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси бўйича 41,0 млрд. сўм;

- бошқа масалалар бўйича 1,0 млрд. сўм сарфланиши белгиланган.

Берилган топшириқларни бажариш жараёнида тўққизта меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. (4 таси Президент қарори ва 5 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори)

Жорий йилнинг 9 август ҳолатига 73 та чора-тадбирларнинг муддати келган бўлиб, шулардан 69 таси (94,5%) тўлиқ бажарилган. Қолган топшириқлар юзасидан ишлар давом эттирилмоқда ҳамда кунлик катъий назорат йўлга қўйилган.

Мазкур топширикларни бажарилиши бўйича жами 405,9 млрд. сўм ҳамда 8,0 млн.долларлик инвестициялар ўзлаштирилди, хусусан тижорат банклари томонидан жами 216,6 млрд. сўм ва 8,0 млн. АҚШ долларлик кредит маблағлари ажратилди.

Тадбиркорларга жами 4,5 минг гектарга яқин ер майдонлари ажратиб берилди.

Берилган топшириклар бўйича “Урганч темир йўл вокзали”да чет эл тажрибаси асосида хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати турларини кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва ижросини таъминлаш топширилган.

“Урганч темир йўл вокзали”да чет эл тажрибаси асосида хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати турларини кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Хусусан, “Урганч” вокзали залига 2 та медиа мониторлар, билбордлар, инфо-киосклар ва диод ёриткичли таблолар ўрнатилган.

Вокзалнинг кириш қисмига 3 тилда кўрсатиш белгилари ва автобуслар номерлари кўрсатилган белгилар ва ҳаракатланиш карталари, вокзал ҳудудига кириш ва чиқиш жойларига шаҳарнинг эътиборга лойик жойлари кўрсатилган карталари жойлаштирилган.

Чет эл туристлари учун алоҳида назорат-ўтиш пунктлари ташкил этилди. Вокзалда замонавий мобил ва стационар савдо шохобчалари барпо этилди. Интернет тармоғига Wi-Fi уланиш, банкоматлар ва планшетлар таклиф этилиши жорий қилинган.

Ўзбекистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзов номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибида боғни қуриш ишларини жадаллаштириш чораларини кўриш топширилган.

Мазкур боғ ва ижод маркази қурилиши учун Урганч тумани Ғалаба кишлоғи ҳудудидан 3,4 га ер майдон ажратилди. (Хоразм вилояти ҳокимининг 2017 йил 10 февралдаги 47 қ-сонли қарори)

2017 йил 20 июлда Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллиги муносабати билан санъаткор номи билан аталган Ижод марказининг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Республика вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Хоразм вилояти ҳокимлиги, шунингдек, воҳамиздаги бир қатор мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

2017 йилнинг 1 июнигача Амир Темур паркида қурилиш ишларини тўлиқ яқунлаш бўйича тармоқ жадвалини ўн кун муддатда ишлаб чиқиш, бажарилишини таъминлаш белгиланган.

Мазкур топширик ижросини таъминлаш мақсадида лойиҳа ташаббускорлари аниқланган ва тармоқ жадваллари тасдиқланган. Амир Темур истироҳат боғининг умумий ер майдони 25,6 гектар бўлиб, ушбу истироҳат боғида Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан 31 та лойиҳа ташаббускорларига ер майдонлари ажратиб берилган.

Аттракционлар, кичик ва катта уйин қурилмалари ўрнатиш, болалар майдончалари ташкил қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида Ўзмиллийбанк Урганч бўлими томонидан ҳозиргача жами 20,7 млрд. сўм кредит линияси очилган.

2017 йил 1 июнда Амир Темур истироҳат боғининг очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Вилоятнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида белгиланган тармоқ режа-жадваллари асосида 2017 йилнинг 1 декабрига қадар 35 дона “Исузу” автобуслари етказиб бериш чораларини кўриш белгиланган.

Бугунги кунда вилоятнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ташаббускорлар томонидан 35 та “ISUZU” русумли автобуслар сотиб олиб келинган.

Жорий йил 1 июлга қадар Хива шаҳридаги 10 та маҳалланинг 23,4 км газ қувури янгидан қурилиши, 621 та ГРПни техник тафтишдан ўтказиш ҳамда 8 та газ ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш ишларини яқунлаш топширилган.

Хива шаҳридаги 10 та маҳалларда 23,4 км, шундан 11,7 км газ қувурлари янгидан ётқизилди ва 11,7 км газ қувурлари реконструкция қилинди. Шунингдек, 621 та ГРПни техник тафтишдан ўтказилган.

Шу билан бирга, 6 та юқори босимли, 57 та ўрта босимли газ тақсимлаш қурилмалари ва 8 та газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган.

Вилоят аҳолисининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудда автотранспорт воситаларининг кескин кўпайишини инобатга олиб, Урганч шаҳри кўчаларида транспорт катновларини тартибга солиш мақсадида Урганч халқаро аэропорти ва Урганч темир йўл вокзалини боғловчи Ал-Хоразмий кўчасининг Ал-Беруний ва Ғофур Ғулом кўчалари оралиғини очиш топширилган.

Урганч халқаро аэропорти ва Урганч темир йўл вокзалини боғловчи Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчасининг Ал-Беруний ва Ғ.Ғулом кўчалари оралиғи жами 1,3 км узунликдаги (Ал-Хоразмий кўчаси 0,452 км, Ал-Беруний кўчаси 0,846 км) йўлни очиш бўйича жами 2 та объектда 6,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, Ал-Хоразмий кўчасида 0,452 км, 3,7 млрд сўмлик ва Ал-Беруний кўчаси 0,846 км, 3,1 млрд сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, Автомобиль йўли фойдаланишга топширилган.

13.5. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

❖ Ҳудудда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, Хива, Боғот, Янгиарик туманларида туризм соҳалари бўйича инфратузилмани ривожлантириш. Табиий доривор нсъматларни қайта ишлаш тизимини дастур асосида амалга ошириш лозим.

❖ Боғот туманида узумчилик ривожланган бўлиб, ҳудудда уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

❖ Ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларининг ажратилиши кечиктирилмоқда. Натижада белгиланган лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилмаяпти ҳамда уларнинг иш фаолиятларини бошлаши кечикмоқда.

❖ Ерларнинг мелиоратив ҳолати вилоятда 265,4 минг гектарга яқин суғориладиган майдонларнинг ҳаммаси (100 фоизи) ҳар хил даражада шўрланган.

❖ 2016/2017 ўқув йили битирувчиларни ишга жойлаштириш чоралари етарли даражада кўрилмаган. Вилоят туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим.

❖ Дастур доирасидаги лойиҳаларга хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар ва бошқа хомашёлар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз ечимини кутмоқда, бу ўз навбатида дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошишига салбий таъсир қилади.

❖ Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларини яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади.

❖ Тижорат банкларида ишлаб чиқариш учун ажратиладиган кредитларнинг имтиёзли даври ўта қисқалиги ҳисобланади. Одатда тижорат банклари томонидан 6 ойлик имтиёз даври тақдим қилинади ва бу муддат ускуналарни келтириш ва ўрнатиш даврида тугаб қолади. Корхона ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва реализация билан шуғулланиб бозорда ўз ўрнини топиши, айниқса янги ишлаб чиқариш учун камида бир ёки бир ярим йил муддат керак бўлади. Корхона энди ишга тушиб-тушмай кредит тўловлари бошланса, янги корхонада айланма маблағ етишмай тўхтаб қолиш хавфи пайдо бўлади ва ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш учун берилган имтиёз ўз маъносини йўқотади.

❖ Маҳаллий хомашё – пахта ип-калавагини ишлаб чиқариш мақсадида сотиб олувчи корхоналар 20,0 фоизли ставкада қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлайди. Экспорт қилувчиларга бу қиймат қайтарилади. Янги ишлаб чиқарувчида дарров экспорт қилиш бошланмайди, бунинг учун вақт ва тажриба керак бўлади. Лекин ички бозорда кўп бўлган арзон ва сифатсиз чет эл маҳсулоти олдидан 20,0 фоизли ҚҚС билан хомашё сотиб олган

ички ишлаб чиқарувчилар маҳсулот нархи бўйича рақобат кила олмайдилар ва киска давр ичида маҳаллий ишлаб чиқарувчида инкироз хавфи пайдо бўлади. Натижада бозорни арзон ва сифатсиз чет эл маҳсулоти эгаллай бошлайди ва импорт учун валюта чиқиб кетиши кўпаяди. Бунда хомашё киймати таркибидаги ҚҚС маҳсулотнинг таннархи ошиб кетишига сабаб бўлади.

❖ Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатдаги ишбилармон доираларнинг бизнесни юритиш бўйича саводлилиқ даражаси иктисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Охириги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасидаги конунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида, бугунги кунда конунчилик тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи характер касб этиб бормоқда. Шундай бўлсада, туманларда, айниқса чекка ҳудудларда фаолият юритувчи тадбиркорлар соҳа конунчилиги бўйича етарли даражада маълумотга эга эмаслар.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг счими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

1. Хорижий давлатлардан замонавий техника ва технологияларни импорт қилган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари учун кредит ажратилиши жараёнида гижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссия тўловлар кийматининг юқорилиги.

Бугунги кунда тижорат банкларида қўлланилаётган комиссия тўловларнинг ўртача ставкаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

– кредит комиссияси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун кредит суммасининг 1,0 – 2,0 фоизи миқдорида комиссия тўлов тўланади;

– гаров объекти эркин баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолалиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 5 баробаригача миқдорда тўловлар тўланади;

– кредит ҳужжатларини нотариал тартибда тасдиқлатиш учун нотариуслар томонидан ўртача 300,0 - 400,0 минг сўм атрофида божлар ундирилади.

– гаров таъминотини суғурталашда олдиндан кредит муддатининг ҳар бир йили учун гаров сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилса – гаровнинг 1,5 фоизи, бино-иншоотлар кўрсатилса – 0,1 фоиз ва ускуналар кўрсатилса - 0,1 фоиз миқдоридаги тўловлар суғурта учун тўланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини янги бошлаётган тадбиркорлик субъектларида фаолиятининг бошида бино ёки ускуналарнинг мавжуд бўлмаслигини инобатга олсак, одатда гаров таъминоти сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилади;

– маблағлар конвертация қилинганлиги учун – конвертация қилинган хорижий валютадаги сумманинг 2,0 фоизини давлат курсидаги кийматида комиссия тўлов тўланади;

– банкада аккредитив очиш учун – аккредитив очилган муддатга қараб комиссия тўлов тўланади. Хорижий давлатларда олдиндан аванс тўловлари олмасдан туриб, одатда берилган буюртма бўйича ишлаб чиқаришни бошламайди. Хорижий давлатлар амалиётида ишлаб чиқарувчиларга шартнома тузилган ускуналар бўйича аккредитив очилганлиги тўғрисидаги маълумотнома этиб боргандан кейингина буюртма расман қабул қилинган ҳисобланиб, шартномада белгиланган ускуналар ишлаб чиқарилиши бошланишини ҳисобга олганда тадбиркорларда доимий равишда узок муддатларга аккредитив очиш зарурати бўлади. Одатда тадбиркорлар томонидан камида 180 кунга аккредитивлар очилиши кузатилади. Бунда комиссия тўлов 1,5 фоизни ташкил қилади.

– хориждан ускуналарнинг юклаб жўнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг текширилиши учун – 0,1 фоиз миқдорида комиссия тўлов тўланади;

– конвертация қилинган маблағларни хорижий ҳамкорларнинг банк ҳисобрақамига ўтказиб берганлик учун – 0,15 фоиз миқдорида комиссия тўлов тўланади;

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 1,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари эвазига хориждан ускуна олиб келиб, ишлаб чиқариш фаолиятини бошламокчи бўлган тадбиркорлик субъектининг комиссиясига харажатларини ҳисоблайдиган бўлсак:

кредит комиссияси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 2,0 \% = 20,0 \text{ млн. сўм};$

гаров объектини эркин баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатиш учун:

$149\,776 \text{ сўм} * 5 = 748\,880 \text{ сўм};$

кредит ҳужжатларини нотариал тартибда тасдиқлатиш учун нотариуслар томонидан ундириладиган бож қиймати:

400 000 сўм;

гаров таъминотини суғурталаш учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 1,5 \% * 3 \text{ йил} = 45,0 \text{ млн. сўм}$

маблағлар конвертация қилинганлиги учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 2,0 \% = 20,0 \text{ млн. сўм};$

банкда 180 кунга аккредитив очиш учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 1,5 \% = 15,0 \text{ млн. сўм};$

хориждан ускуналарнинг юклаб жўнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг текширилиши учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 0,1 \% = 1,0 \text{ млн. сўм};$

конвертация қилинган маблағларни хорижий ҳамкорларнинг банк ҳисобрақамига ўтказиб берганлик учун:

$1,0 \text{ млрд. сўм} * 0,15 \% = 1,5 \text{ млн. сўм};$

ЖАМИ – 103 648 880 сўм.

Энди ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектининг ускуна олиб келишда тижорат банки билан боғлиқ жараёнларда 100,0 млн. сўм миқдоридаги капиталини йўқотиши унинг фаолият бошлашига тўсқинлик яратиб, қонунчилигимизда тадбиркорлар учун жорий қилинаётган кўплаб имтиёз ва қулайликларнинг рағбатлантирувчи хусусиятини бутунлай ёпиб қўйиши мумкин.

Таклиф: Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидаги комиссиясига тўловларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 февралдаги 5, 4, 2011–4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом”нинг 1-бандига мувофиқ 2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ягона солиқ тўлови (ЯСТ) тўловчилари ЯСТни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тегишли йил учун тасдиқланган ставкалар бўйича, лекин энг кам миқдордан – эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб, ушбу низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган пасайтирувчи коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлашлари белгилаб қўйилган.

Мазкур низомнинг 2-банди “Г”-кичик бандига мувофиқ янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомида, агар мазкур муддатда улар ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда. Бунда, янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, улар давлат рўйхатидан ўтган санасидан 6 ойлик муддат тугаган ойнанинг кейинги ойдан бошлаб, ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурувчилар эса – қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан 6 ойлик ёки давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йиллик муддат тугаган ойнанинг кейинги ойдан бошлаб, ушбу низомнинг 1-бандига кўрсатилган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашлари белгиланган.

Аммо, амалиётда шундай ҳолатлар мавжудки, тадбиркорлик субъекти Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин қисқа фурсат ичида унинг ишлаб чиқариш фаолияти талабларига мос бўлган ер майдони топилмаслиги ёки ер танлаш ва ажратиш жараёнлари узоқроқ вақтни талаб қилиши мумкин.

Шундай ҳолатларда тадбиркорлик субъекти унга ер майдони ажратилган санадан бошлаб, ҳали ишлаб чиқариш учун бино ва иншоотларни қуриш ва ускуналарни олиб келиб ўрнатиш ишларини якунламасдан туриб, ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолдаги ягона солиқ тўловчисига айланиб қолади.

Бу эса ўз навбатида корхона фаолиятини бошламасданок катта солиқ юкининг пайдо бўлиши натижасида банкротлик хавфини юзага келтиради ва ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан белгилаб қўйилган имтиёзлар ўз маъносини йўқотади.

Таклиф: Ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, айниқса янги ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ускуналарни келтириш ва ўрнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бозорда ўз ўрнини топиш катта вақтни олишини инобатга олиб, тадбиркорга нисбатан ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолдаги ягона солиқ ҳисобланишини тадбиркорлик субъекти қачон давлат рўйхатидан ўтганидан катъи назар, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш объектларини қуриб, фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ҳоким қарори тасдиқлангандан кейинги 6 ой давомида қўлланилмаслиги, яъни низомдаги “улар ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда” бандидан “бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда” жумласини олиб ташлаш мақсадга мувофиқлиги кўринади.

Мазкур жумла юқорида қайд қилинган “Низом” талабларини бошқача тарзда талқин қилган ҳолда қўллашга шарт-шароит туғдиради. Бу ҳолатлар давлат солиқ органлари томонидан жойлардаги ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида, “Ер Кодексининг 7-моддасида белгиланган ваколатларини бузиб, ҳокимликлар тегишли “Ер ажратиш (реализация қилиш) масалалари бўйича” комиссияларининг ҳулосаларисиз, шаҳар ва туман ҳокимларининг тегишли қарорларисиз, ер майдони ажратилган ва ҳали ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларини олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилган имтиёзлар, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатида зид равишда муддатидан олдин асоссиз равишда солиқ юкини юкланишига сабаб бўлади.

Бу ҳолатлар ўз навбатида Республикаимиз иктисодиётини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, вилоят иктисодиётини ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг улушини йилдан-йилга ошириб бориш, бунинг учун янги ишлаб чиқариш корхоналарини, уларда янги иш ўринларини яратиш борасидаги вазифаларни бажарилишига салбий таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларининг дастлабки босқичларидаёқ, уларда банкротлик хавфини ошириб, фаолиятларини келгусида давом эттиришларига тўсқинлик қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур низомга бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар ва яратилаётган қулайликларга мувофиқ тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусан, дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги ишчи ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисоботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш мақсадида дастурлар ижросида қатнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббусқори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги.

Таклиф: Дастурга лойиҳаларни киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва ҳудуд иктисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари, дастурларга киритилган лойиҳалар бўйича бугунги кунда амалда бўлган тармок жадваллари ўрнига бизнес режа хусусиятига эга бўлган кўп томонлама шартномалар тузиш ва бу шартномаларда барча жараёнларнинг тўла миқёсда қамраб олиниши (тижорат банки кредитининг миқдори, фоиз ставкаси, имтиёзли даври, гаров масаласи кабилар), янги лойиҳаларни дастурга киритишнинг доимий равишда мумкинлиги (ишчи комиссия қарори билан), шунингдек Дастур ижросида иштирок этувчи субъектларнинг масъулияти ва жавобгарлиги кабилар белгилаб қўйилган низом ишлаб чиқиш лозим.

Натижада дастурнинг иктисодиёт учун фойдалилик даражаси яхшиланади, Дастур ижросида қатнашувчиларнинг масъулияти ортади ва дастурга киритилган лойиҳаларнинг истикболсиз деб топилиш ҳолатлари йўқолади.

4.Тижорат банкларида ишлаб чиқариш учун ажратиладиган кредитларнинг имтиёзли даври ўта қисқалиги. Одатда тижорат банклари томонидан 6 ойлик имтиёз даври тақдим қилинади ва бу муддат ускуналарни келтириш ва ўрнатиш даврида тугаб қолади. Корхона ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва реализация билан шуғулланиб бозорда ўз ўрнини топиши, айниқса янги ишлаб чиқариш учун камида бир ёки бир ярим йил муддат керак бўлади. Корхона энди ишга тушиб-тушмай кредит тўловлари бошланса, янги корхонада айланма маблағ етишмай тўхтаб қолиш хавфи пайдо бўлади ва ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш учун берилган имтиёз ўз маъносини йўқотади.

Таклиф: Ишлаб чиқариш учун ажратиладиган кредит имтиёзли даврини ускуналарни келтириш ва ўрнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бозорда ўз ўрнини топиши, айниқса янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун камида 12 ёки 18 ой қилиб белгилаш лозим. Натижада янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кўпаяди ва уларнинг ишни бошлаш жараёнида банкротлик хавфи камаяди.

5. Маҳаллий хомашё - пахта ип-калаवासини ишлаб чиқариш мақсадида сотиб олувчи корхоналар 20,0 фоизли ставкада қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлайди. Экспорт қилувчиларга бу қиймат қайтарилади. Янги ишлаб чиқарувчида дарров экспорт қилиш бошланмайди, бунинг учун вақт ва тажриба керак бўлади. Лекин ички бозорда кўп бўлган арзон ва сифатсиз чет эл маҳсулоти олдида 20,0 фоизли ҚҚС билан хомашё сотиб олган ички ишлаб чиқарувчилар маҳсулот нархи бўйича рақобат қила олмайдилар ва қисқа давр ичида маҳаллий ишлаб чиқарувчида инқироз хавфи пайдо бўлади. Натижада бозорни арзон ва сифатсиз чет эл маҳсулоти эгаллай бошлайди ва импорт учун валюта чиқиб кетиши кўпаяди. Бунда хомашё қиймати таркибидаги ҚҚС маҳсулотнинг таннархи ошиб кетишига сабаб бўлади.

Таклиф: Ички ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш учун баъзи товар позициялари (тайёр маҳсулот, трикотаж) ишлаб чиқарувчилар учун ҚҚСни вақтинча бекор қилиш ёки шу товарлар учун мавжуд божлар ставкасини ошириш.

6. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатдаги ишбилармон доираларнинг бизнесни юритиш бўйича саводлилик даражаси иктисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Охириги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида, бугунги кунда қонунчилик тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи характер касб этиб бормоқда. Шундай бўлсада, туманларда, айниқса чекка ҳудудларда фаолият юритувчи тадбиркорлар соҳа қонунчилиги бўйича етарли даражада маълумотга эга эмаслар..

Таклиф: Адлия, солиқ, кадастр, банк, статистика, меҳнат ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳар бир давлат идораси билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқларини, давлат идораларининг вазифалари ва мазкур вазифаларни бажариш учун қўйилган муддатлар, яратилган имтиёзлар кабиларни тадбиркорлар учун содда ва тушунарли ҳолатда кўрсатиб берувчи (китобча, презентация, брошюралардан

иборат) қўлланмалар тўпламини яратиш ва мазкур қўлланмаларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишини таъминлаш. Натижада ўз ҳуқуқларини билган тадбиркор фаолиятини тўғри режалаштира олади, имтиёзлардан фойдаланишга интилади ҳамда давлат идоралари билан муносабатларда қонунни билмаслик сабабли рўй берадиган мураккабликларни бартараф эта олади.

7. Тадбиркорлик субъекти кредит олиш учун тижорат банкига мурожаат этганда гаров таъминотининг 2 марта — эркин баҳоловчи ҳамда тижорат банки томонидан баҳоланиш амалиётининг мавжудлиги. Амалиётда гаров объектига эркин баҳоловчи ташкилотлар томонидан қўйилган баҳо тижорат банклари томонидан қамайтирилган ҳолда қайта баҳоланиб, биринчи баҳоланишнинг ўз аҳамиятини йўқотиши ҳамда тадбиркорнинг аслида талаб этилгандан кўра каттароқ ҳажмдаги гаров таъминотини расмийлаштиришга мажбур бўлиши.

Бунда эркин баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган биноларнинг қиймати ва баҳолаш хизмати учун тадбиркор томонидан эркин баҳоловчига тўланган маблағ ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Таклиф: Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда гаровнинг баҳоланишни соддалаштириш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш.

8. Фаол товар айланмасига эга корхоналарга маҳсулот ёки хомашё сотиб олиш учун қисқа муддатга айланма маблағлар зарур бўлиб қолади. Бундай пайтларда тижорат банкларида кредитни расмийлаштиришнинг мураккаблиги, хусусан, талаб қилинадиган гаров таъминоти, уни баҳолатиш ва шу каби бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш тартибoglари сабабли, кредитни ажратиш муддати чўзилиб кетади. Барқарор фаолият юритиб келаётган ва доимий равишда олинган кредитларни муддатида тўлик қайтариб келаётган “ишочли кредит олувчи” учун кредитни расмийлаштириш тартибoglарини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш эҳтиёжи мавжуд.

Таклиф: Тижорат банкларида “ишочли кредит олувчи” учун кредитни расмийлаштиришни соддалаштириш орқали корхоналарда тезкор пул айланмасининг узлуксизлигини таъминлашга кўмаклашиш.

9. Бир нечта таъсисчилар иштирокида ташкил қилинган корхоналарда (АЖ, МЧЖ) даромаднинг таъсисчи қўлига еткунча босқичма-босқич қамайиб бориш ҳолати, яъни жамиятнинг асосий фаолиятидан олиннадиган солиқ тўлови ва дивиденд солигидан ташқари дивидендни таъсисчининг банк пластик карталарига ўтказиб беришда (тижорат банкдан нақд пул олишнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда) тижорат банклари томонидан 5 фоиз атрофида (тижорат банкларининг ички сийёсатига қараб фарқ қилади) кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундириб олиниши (5 фоизли ставкадаги ягона солиқ тўлови имтиёзига эга тадбиркорнинг шунча ставкада комиссия тўлаш амалиёти мавжудлиги).

Таклиф: икки марта солиққа тортилган даромадлар бўйича тижорат банклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун олиннадиган сумма миқдорининг максимум ставкасини белгилаш орқали таъсисчи-тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

10. Чет эл банклари линияси бўйича олиннадиган кредитларини расмийлаштириб бериш ва бошқариш бўйича маҳаллий банкларнинг устамалари чет эл банклари фоиз харажатларидан ҳам юқори бўлган ставкаларда ҳисобланади.

Таклиф: Банк тарифларини қайта кўриб чиқиш, айниқса иктисодий инкирозлар даврида уларни янада қисқартириш лозим. Чет эл банклари валюта кредитлари бўйича маҳаллий банклар хизматлари харажатларини валютада эмас, сўмда йил бошига фиксация қилинган сумма бўйича ҳисоб-китоб қилинса, валюта курси ошишидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кўрадиган зарари қамаяди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янги технологиялар ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий банклар линияси бўйича олиннадиган кредитларини расмийлаштириб бериш ва бошқариш бўйича маҳаллий банкларнинг устамаларини хорижий банклари фоиз ставкалари миқдорининг 25 % дан оширмаслик зарур. Натижада корхона харажатлари қамайиб, таннарх пасаяди ва маҳсулот рақобатбардошлиги ошади. Маҳсулот бозорда тезроқ ўз ўрнини топади.

11. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиш учун келтирилмаган, яхлит ишлаб чиқариш технологияларининг ажралмас қисми бўлган ускуналар (компьютерлар, юкори сезгир тарози, тестерлар ва бошқалар) учун ҚҚС ва бож тўлови мавжудлиги. Бугунги кунда компьютерлар технологияларнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар бир янги дизайн ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўта юкори сезгир бўлган миллиграммни ўлчовчи тарозида тортиб текшириб туриш керак. Акс ҳолда стандартга тўғри келмай қолиши мумкин ва бундай маҳсулотни экспорт қилиб бўлмайди. Ҳар бир дастгоҳ сезгирлиги ўта юкори тестер билан текширилиб ростланиб бориши лозим ва яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдини олиш учун ўлчамлар текшириб бориш керак. Бундай компьютерлар, ўта нозик юкори сезгир тарози ва тестерлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Лекин ушбу компьютерлар, юкори сезгир тарози ва тестерлар учун ҚҚС ва бож тўлови мавжуд.

Таклиф: Яхлит технологияларнинг ажралмас қисми бўлган ускуналар (компьютерлар, юкори сезгир тарози, тестерлар ва ҳоказолар) учун ҚҚС ва бож тўловини бекор қилиш зарур.

12. Хорижий давлатдан ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун келтириладиган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, инструмент, бутловчи қисмларни божхона талаблари бўйича сертификациядан ўтказиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилинади. Одагда сертификация вилоятларда эмас, фақат Тошкент шаҳрида ўтказилади. Шу давргача келган мол-мулк божхона омборида сақланиб, ортикча тўловларни ошириб боради. Лекин кўп ҳолларда шу сертификация ҳужжатлари ишлаб чиқарувчи ва бошқа манфаатдор томонлар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Таклиф: Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун келтириладиган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, инструмент, бутловчи қисмларнинг инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавф туғдирмайдиган тоифаларини сертификациядан ўтказишни ихтиёрий тартибга ўтказиш лозим. Шунда корхонада ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган битта мутахассис учун харажатлар қамаяди ва шу иш ўрнини ишлаб чиқариш учун жалб қилиш мумкин бўлади.

13. Кафиллик ва гаров шартномаларини нотариал тартибдаги тасдиқлаштидаги тадбиркорлар томонидан ортикча сарф-харажатлар мавжудлиги ҳамда сарсон-саргардон бўлиши.

Таклиф: Шартномалар ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишда асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Томонлар шартномада белгилаб қўйилган шартларга кўра ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири қарздор билан бир қаторда учинчи шахсни жалб этиш, яъни кафилликдир. Мамлакатимизда кафиллик билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Кафиллик шартномаси бўйича кафил Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 110-моддасида қайси ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шартлиги кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши кераклиги ва ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келишидан келиб чиқадиган бўлинса, кафиллик шартномасини нотариал тасдиқлаши қонун билан шарт қилиб кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Кафиллик шартномалари фақат тарафлардан бирининг талаби бўйичагина нотариал тасдиқланиши мумкин, агар тарафлардан ҳеч қайси бири уни нотариал тасдиқланишини талаб қилмаса, унинг нотариал тартибда тасдиқланиши мажбурий шарт ҳисобланмайди.

Лекин ҳозирги кунда кафиллик шартномаларини нотариал тасдиқланишини банклар томонидан талаб қилиниши натижасида амалиётда, банклардан кредит олишни мақсад қилган фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, кафиллик шартномаси бўйича кафиллар, уларнинг турмуш ўртоқлари (Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 23-моддаларига асосан нотариуслар томонидан улардан розилик талаб қилинади), давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва ишчи хизматчилари ҳамда банкларнинг раҳбарлари кўплаб қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқдалар. Улар қуйидагилардир:

1) Битта кафиллик шартномасининг нотариал тасдиқланиши учун, қарз олувчининг, кафилларнинг ва уларни турмуш ўртоқларининг бевосита нотариал ҳаракатда қатнашиши лозимлиги сабабли, уларни барчасини нотариус ҳузурига бир пайтда, бир жойга тўплаш кўплаб қийинчиликлар туғдирмоқда. Ваҳоланки камида 5–6 та фуқаро нотариус ҳузурига бир пайтда кириш учун ўз иш жойини ташлаб келиб, кўплаб вақтини нотариал идорада ўтказишига тўғри келмоқда. Томонлардан бирининг ҳозир бўлмаслиги эса, нотариуслар томонидан шартномани расмийлаштириб берилмаслигига асос бўлмоқда. Бу эса қарз олувчи, кафиллар ва уларнинг турмуш ўртоқларининг ўз иш меҳнат фаолиятларига ҳам салбий таъсир қилмоқда. (барча йиғилиши учун иш жойида соатлаб бўлмасликларига тўғри келмоқда)

2) Ҳозирги кунда ҳудудлардаги ҳар бир банк томонидан кунига ўртача 5–10 та кафиллик шартномалари расмийлаштирилаётганлиги сабабли, банк раҳбарларини бир кун давомида бир нечталаб нотариал идорага келиб кетишлари уларнинг ўзи учун ҳам имконсиз ҳолатга айланиб бормоқда. Уларнинг иштирокисиз эса нотариусларнинг шартномани тасдиқлаб бера олмасликлари натижасида фуқаролар яна соатлаб навбат кутиб, нотариал идорада ўтиришларига тўғри келмоқда ва бу нарса эса нотариал идорада кўплаб асаббузарликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

3) Барча томонларнинг бир жойга, бир пайтда йиғган тақдирда ҳам кафиллик шартномаларни, нотариал ҳаракатлар реестр китобларига, кафиллар турмуш ўртоқларининг розиликларини аризаларга расмийлаштириш нотариуслардан жуда кўп вақтни талаб қилмоқда (нотариуслар томонидан камида 5та фуқарони шахсини тасдиқловчи маълумотлар қайд қилиниши ва томонларнинг барчаси имзо қўйиб, ўз ИФОларини ўз қўлида ёзиб тўлдиришлари керак). Бу эса ўз навбатида, нотариал идораларда узундан-узун навбатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

4) Кафиллик шартномасини банкнинг ўзида банк ҳуқуқшунослари иштирокида расмийлаштириб берилмай, албатта нотариал тасдиқланишини банклар томонидан талаб қилиниши натижасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари нотариал идорада ортиқча вақт ва пул (давлат божи, ҳуқуқий ва техник тусдаги пуллик хизмат хақи) сарфларига тўғри келмоқда.

5) Кафиллик шартномаси бўйича қарздор ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда ундирув банк томонидан суд тартибида кафилларга қаратилиши учун асос бўлувчи ҳужжат сифатида кафиллик шартномасини албатта нотариал тасдиқланган бўлиши лозимлиги фуқаролик қонунчилигида шарт қилиб кўрсатилмаганлиги сабабли, бундай шартномалар банкнинг ўз ҳуқуқшунослари томонидан расмийлаштирилиб тасдиқлаб берилиши кўпроқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтганда, кафиллик шартномаларининг нотариал тасдиқланиши талаб қилинмай, балки банк (банк раҳбари, унинг ҳуқуқшунослари) ва қарз олувчилар ўртасида ўзаро нотариус тасдиғисиз тузилиши фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларга кўпроқ енгиллик ва қулайликлар яратган ҳамда бу орқали мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳити янада ривожлантирилган бўлар эди.

14. ТОШКЕНТ ШАҲРИ

14.1. Тошкент шаҳрининг табиий-географик ўрни

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва амалда жорий этилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳозирги шароитда яратувчанлик руҳида шижоат билан меҳнат қилаётган Тошкент халқининг истикболдаги самарали фаолиятида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент барча соҳаларда бўлгани каби замонавий корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни, илғор усулларни жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам ўрнатқ ва намуна бўлиб келмоқда.

Бугун Тошкент нафақат стратегик халқаро мавқега эга сиёсий марказ, балки Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполисдир.

Тошкент шаҳри бўйича қисқача маълумот



Майдони – 334,8 кв.км

Аҳоли сони – 2424,1 минг киши

Туманлар сони – 11 та

Маҳаллалар сони – 505 та

Юридик шахслар – 55129 та

Шу жумладан:
саноат корхоналари – 12313 та

Кичик бизнес субъектлари
сони – 47250 та

Қўшма корхоналар сони – 3385 та

14.2. Маъмурий бўлиниши

Тошкент шаҳри маъмурий жиҳатдан 11 та туманга ажралади: Бектемир, Мирзо-Улугбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Яшнобод, Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод, Яккасарой. 505 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд.

14.3. Географик ўрни

Тошкент Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида, Тянь-Шань тоғи олдиларида – Чирчик дарёси водийсининг гуллаб-яшнаб турувчи воҳасининг энг марказида, денгиз сатҳидан 440–480 м баландликда жойлашган. Тошкентнинг координатлари – 41°^{00′} шимолий кенгликда, 64°^{00′} шарқий узокликда.

14.4. Об-ҳавоси ва иқлими

Тошкент субтропик ва мўтадил-континентал иқлим минтақалари чегарасида жойлашган. Аммо ёгингарчилик миқдори ярим чўл ва чўл ҳудудларга нисбатан тоғларнинг яқин бўлгани туфайли анча кўп. Совуқ одатда узок давом этмайди, лекин ҳаво очик бўлганда баъзан – 20°C ва ундан пасаяди, ёзда ҳарорат сояда 35–40°C га етади.

Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Тошкент шаҳри мамлакатдаги энг йирик саноат, транспорт, маданият ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган туб сиёсий ва иқтисодий ислохотлар марказидир.

2017 йил 1 январь ҳолатига шаҳар аҳолиси сони **2424,1** минг кишини ташкил этиши ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда **12987,4** минг сўмни ташкил этади.

14.5. Ноёб билим ва тафаккур эгаси

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг хотирасини Тошкент шаҳри бошқа жойлардан кўра кўпроқ ёдга олади. Чунки бу улуг инсон ўз ҳаётининг энг фаол, энг жўшқин даврини, талабаликдан бошлаб, то давлат раҳбари лавозимигача бўлган даврини айтиш азим шаҳарда ўтказди. Ўзининг мислсиз куч-ғайрати, ноёб билим ва тафаккурини бутун Ўзбекистонимиз ҳудудлари катори пойтахтимиз ва унинг ривожига бағишлади.¹⁴⁰ Бу улуг зотнинг хотирасини абадийлаштириш, жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказида улкан майдон барпо этиб, мухтарам Ислом Абдуганиевичнинг улугвор ҳайкалини ўрнатиш ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 1) 2016 йил 2 декабрда “Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида”. 2017 йил 25 январда “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”, 2017 йил 4 майда

“Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз”, деган сўзлари ҳаммамизнинг қалбимизга сингиб кетган... “Тошкент – Шарқ дарвозаси”, “Тошкент – тишчилик ва дўстлик шаҳри”, деган таърифлар ёнига кейинги йилларда “Тошкент – Ислом маданияти пойтахти”, “Тошкент – яшаш учун энг қулай шаҳар” деган эътирофлар қўшилди¹.

Ш. Мирзиёев

“Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи бериш тўғрисида” каби Президент қарорлари қабул қилинди. Тошкент давлат техника университетига унинг номи берилди. 2017 йил 25 январда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш, “Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги

илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2929 сонли муҳим қарор қабул қилинди. Юртимизда Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиширодасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги бирор муассаса ва объектлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Яқин вақт давомида пойтахтимиздаги Оксарой қароргоҳида Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуа, Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда макбара, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Биринчи


¹⁴⁰ Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 441–442 бетлар.

Президентимизнинг мухташам ҳайкаллари тантанали равишда очилиши кутилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча худудларида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

“Ўзбек модели” стратегик тараққиёт йўли. Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 4 декабрда ўтказилган сайловолди дастури дунёда тараққиётнинг “Ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт йўлини оғишмасдан, қатъият билан давом эттириш ва уни янги, янада юксак босқичга кўтаришнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шавкат Мирзиёев 2016 йил 24 ноябрда Симпозиумлар саройида Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқида, пойтахт аҳли халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, гражданлик позицияси тобора юксалиб бораётганини дунё ҳамжамиятига намоён этишда бошқаларга ўрнак ва намуна бўлади, деб ишонаман, деган эди.

Тошкент – илм ва маънавият маркази. Бугунги кунда Тошкент йирик илмий ва маданий марказ, том маънода маърифат ва маънавият, ёшлар ва талабалар шаҳри ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ва 47 та илмий тадқиқот институти, илмий марказлар, 39 та олий ўқув юрти мавжуд. Тошкент шаҳрида хорижий давлатларнинг 7 та университет ва институтининг филиаллари, В.Успенский, Р.Глиэр номидаги мусика мактаблари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона фаолият юритмоқда.

Тошкент шаҳрида илм-фан ва таълим даргоҳларида бир неча юзлаб фан номзоди ва докторлари, доцент ва профессорлари фаолият юритмоқда.





14.5.1-расм. Тошкент шаҳридаги хорижий давлатларнинг университет ва институтлари филиаллари

Илм-фан фидойилари

• Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Шавкат Солиқов, академиклар Окил Салимов, Нусрат Парпиев, Азиз Қаюмов, Турғунпўлат Даминов, Шавкат Каримов, Сайёра Рашидова, Раъно Убайдуллаева, Абдумавлон Абдуллаев, Машхура Мавлоний, Шавкат Аюпов, Шомансур Саъдуллаев, Шавкат Алимов ҳамда таниқли профессорлар Шухрат Эгамбердиев, Ғафуржон Мухамедов, Наим Каримов, Аббосхон Тўраев, Саттор Турсунмухаммедов каби ўнлаб, юзлаб олимлар илмий изланишда катта эътибор қозonganлар.

• Бетакрор истеълод ва маҳорат эгалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, мохир шифокорлар Малика Абдуллаҳўжаева, Холидjon Комилов, Зайниддин Низомхўжаев, Равшанбек Қурбонов, заҳматқаш педагоглар Турғун Азларов, Мавлуда Исматова, машхур навоийшунос олима Суйиша Ғаниева, маҳалла жонқуяри Холхўжа Умаров, чилангар уста Эркин Алимухамедов, қурувчи Тоир Дадахоновнинг номларини эҳтиром билан тилга олинади.

14.5.2-расм. Илм-фан фидойилари

Шухрат Усмонов, Муҳаммаджон Зуфаров, Мадамин Ҳасанов, Шухрат Жалилов, Исмоил Жўрабеков, Азиз Тўраев, Абдукарим Усмонхўжаев, Ботир Тошхўжаев, Хатима Шайхова, Галина Мельникова, Хосият Ёқубжонова, Муборак Юнусхўжаева, Дилбар Ғуломова каби инсонларнинг номларини тилга олиб, уларга, барча нурунийларимизга чексиз раҳматлар айтамыз.

Тошкент миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг қадимий ва замонавий бешиklarидан бири сифатида ҳам барчамиз учун азиз ва кадрлидир. Буюк санъаткорлар – Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоятлов, Шужур Бурхонлов, Карим Зокиров, Қудрат Хўжасв, Ғани Аъзамов, Зиқир Муҳаммаджонов, Ботир Зокиров, Эргаш Каримов каби кўплаб истеъдод соҳиблари маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артистлари – Пулат Саидқосимов, Рихсихон Иброҳимова, Яйра Абдуллаева, Элёр Носиров, Афзал Рафиқов, Гулчеҳра Жамилова, Фаррух Зокиров, Ғуломжон Ёқубов, Малика Иброҳимова, Хайрулла ва Ёдгор Саъдиевлар, Лутфулла Саъдуллаев, Исмоил Жалилов, Дилбар Икромова, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон халқ хофизини Ҳасан Ражабий, таниқли кинорежиссёр Зулфикор Мусоқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Маҳмуд Исмоилов, Ҳожиакбар Комилов, Гулчеҳра Саъдуллаева, Фатхулла Маъсудов, Абдураим Абдувахобов, Абдулла Шомағрупов, Рашид Холиқов, Тохир Содиков каби истеъдод соҳиблари фаол ижод қилиб келмоқда.

Ўзбек замонавий тасвирий санъати ривожига Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Ўрол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Жалолиддин Миртожиев каби марҳум санъат усталари буюк ҳисса қўшдилар. Атоқли рассом ва ҳайкалтарошларимиз Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Владимир Бурмакин, Илхом Жабборов, Акмал Икромжонов, машҳур халқ устасини Ортиқ Файзуллаевларнинг ижоди ҳақида ҳар қанча фахр-ланиб гапирсак, арзийди.

14.5.3-расм. Тошкентнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари ривож топишида ўз ҳиссаларини қўшган азиз ва мўтабар инсонлар

Тошкент ўзбек спортининг маҳорат мактаби. Катта спорт оламига илк кадамни

Тошкент ўзбек спортининг энг ёрқин намоёндалари учун тажриба ва маҳорат мактаби, парвоз майдони бўлиб келаётганини ҳамшиша миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ш. Мирзиёев

айнан шу заминдан бошлаган Биродар Абдураимов, Тўлаган Исҳоқов, Миржалол Қосимов, Рустам Қосимжонов, Равшан Эрматов, Армен Багдасаров, Оксана Чусовитина, Ирода Тўлаганова каби юртдошларимизнинг номларини барча спорт мухлислари яхши биладилар.

Бугунги кунда йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб химоя қилиб келаётган Екатерина Хилько, Антон

Фокин, Светлана Радзивил, Алексей Мочалов, Самира Амирова, Нигора Турсункулова каби спортчиларимизнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз¹⁴¹.

2016 йил Бразилияда ўтказилган Олимпиада ва 15-Паралимпия ўйинларида Рустам Тўлаганов, Александр Свечников, Дониёр Солиев, Дмитрий Хорлин медалларни қўлга киритиб, ҳақиқий жасорат ва матонат кўрсатдилар.

Тошкент шаҳри бағрикенг ва меҳмондўст шаҳар. “Тошкент – нон шаҳри” деган китоб ва фильм яратилган. Иккинчи жаҳон урушида фронт минтақаларидан кўчириб келтирилган турли миллатга мансуб минг-минглаб етим болалар, аёллар ва кексаларни ўз бағрига олиб, тошкентликлар инсонийлик намунасини кўрсатганлар. Бугунги кунда пойтахтимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тоғув ҳаёт кечирмоқда. Тошкент миллати, тили ва динидан қатъи назар, уларнинг барчаси учун ҳақиқий Ватанга айланган.

Республика Байналмилал маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Сенат аъзоси Агрпина Шин, Қозоқ миллий маданият маркази раиси ўринбосари Ҳамза Холмурагов, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг проректори Ришод Набиуллин, Озарбайжон миллий маданият маркази раиси Мобил Якуб ўғли Мамедов, Арман миллий маданият маркази раиси Мартин Сетян, Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири Жумали Шабанов, Тошкент шаҳар поляк маданий марказининг раиси Елена Кондратьенко каби ажойиб инсонларнинг ижтимоий фаолиятини юксак баҳолайди.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тоғув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Ш. Мирзиёев

14.5. Тошкент шаҳрининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили

Тошкент мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринга эга. Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг **18,1** фоизи, саноат ишлаб чиқаришнинг **17,7** фоизи, инвестицияларнинг **20,1** фоизи, савдо айланмасининг **21,4** фоизи, хизматларнинг **31,7** фоизи, ташки савдо айланмасининг **36,2** фоизи, экспортнинг **24,2** фоизи пойтахт хиссасига тўғри келади.

Тошкент шаҳрига сўнги 10 йил давомида умумий қиймати **4,9** млрд. АҚШ долларидан зиёд инвестиция жалб этилиб, уларнинг **3,6** млрд. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни. Тошкент барча соҳаларда бўлгани каби замонавий корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни, илғор усулларни жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам ўрнатилган ва намуна бўлиб келмоқда.

¹⁴¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 448 бет.

Бугун Тошкент нафақат стратегик халқаро мавкега эга бўлган сиёсий марказ, балки Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполисдир.

Тошкент шаҳри республика иқтисодиётининг тўқимачилик, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат ва тиббиёт саноати бўйича етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади. Ҳудудда чарм пойабзал ва электр-маиший рўзғор маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда.

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоиздан ортиги, инвестицияларнинг 18 фоиздан, саноат маҳсулотларининг 20 фоиздан зиёди Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Ш. Мирзиёев

январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони **56507** тага етди. Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 94,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,0 фоизи хусусий корхоналар, 6,0 фоизи чет эл сармойеси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,5 фоизи бошқа

корхоналар улушига тўғри келади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Тошкент шаҳар ҳудудий дастури бўйича **319 та** тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Ушбу дастурдаги тадбирларни амалга ошириш учун 2017 йилда **4,67 трлн. сўм** ва **37,1 млн. АҚШ доллари** миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган.

2017 йилнинг 6 ойида Тошкент шаҳрида **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажми ўтган йилга нисбатан **110,2 фоизга** (*прогноз 110,2 фоиз*), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **104,6 фоизга** (*прогноз 112,5 фоиз*), истеъмол моллари ишлаб чиқариш **103,6 фоизга** (*прогноз 103,0 фоиз*), хизматлар **113,7 фоизга** (*прогноз 113,5%*), чакана савдо айланмаси **110,5 фоизга** (*прогноз 112,2 фоиз*), асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми **110,4 фоизга** (*прогноз 105,0 фоиз*) ва пудрат-қурилиш ишлари **108,9 фоизга** (*прогноз 112,2 фоиз*) ўсиши таъминланди.

2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами **кичик бизнес субъектлари сони 51211** тани ташкил этди. 2017 йил 1 январь ҳолатига улар ҳиссасига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг **58,9 фоизи** тўғри келган. Аввалги йилга нисбатан ушбу кўрсаткич **1,9 фоизга** ортган. Уларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (67,6 фоиз), саноат (23,3 фоиз) ва қурилиш (8,0 фоиз) соҳаларида фаолият юритмоқда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 10–11 мингта кичик бизнес субъектлари ташкил этилмоқда. Шаҳар корхоналарининг деярли **84,7 фоизи** кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ҳиссасига **саноат маҳсулотининг 67,4 фоизи, қурилиш ишларининг 77,2 фоизи, чакана савдо айланмасининг 78,8 фоизи, экспортнинг 17,2 фоизи** тўғри келмоқда. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар томонидан бугунги кунда **653,7 мингдан** зиёд кишининг бандлигини таъминламоқда.

2017 йилнинг олти ойи давомида Тошкент шаҳрида жами **12,5 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқарилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **112,5 фоизни** ташкил этди.

Ушбу давр **истеъмол моллари** ишлаб чиқариш ҳажми **5,5 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган шу даврга нисбатан **103,6 фоизни** ташкил этди.

2017 йилнинг 6 ойида **хизматлар кўрсатиш** ҳажми **15,3 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўсиш суръати **113,7 фоизни** ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар 2017 йил январь-июнь ойларида **627,8 млрд. сўм** миқдорида (ўтган шу даврга нисбатан 165,1 фоиз) бажарилди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган **инвестиция лойиҳалари** сони 2017 йил 1 июль ҳолатига **1061** тани ташкил

этиб, ушбу инвестициялар ҳажми 6 ойда **3,1 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди. Натижада **11319 та** иш ўрни яратилди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича 2017 йилнинг январь-июнь ойларида **873,3 млрд. Сўмлик 1061 та** лойиха амалга оширилди. Шундан **383 та** лойиха саноат ва **678 та** лойиха хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди. Натижада жами **11319 та** янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун **461,3 млрд. сўмдан** ортиқ маблағ банк кредитлари сифатида жалб этилди. Шунингдек, ушбу йўналишда **2,33млн.АҚШ доллари** ҳажмига тенг хорижий инвестициялар жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “2017 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2697-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрининг 2017 йилдаги “Худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури” доирасида **20 тадан** зиёд йўналишларда умумий қиймати **347,2 млн. АҚШ доллари** миқдорида, шундан **233,8 млн. АҚШ доллари** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар маблағларига тенг жами **47 та** лойиха амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда **72 та** лойиха амалга оширилмоқда.

Хусусан, дастурга киритилган лойиҳалар тўлиқ амалга оширилиши натижасида **484,9 млрд. сўмлик** қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, шундан **18,6 млн. АҚШ доллари** ҳажмида экспорт қилиниши ва **1000 дан** ортиқ янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Дастурга мувофиқ 2017 йил январь-июнь ойларида **114,3 млн. АҚШ долларига** тенг инвестицияларни жалб этилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **161,4 млн. АҚШ долларига** тенг инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлари **141,2 фоизга** бажарилди.

Мисол учун,

– **Бектемир туманидаги “UZAUTO-INZI” МЧЖ ҚК 13,5 млн. АҚШ долларлик** инвестициялар ўзлаштирилиб, бунинг натижасида Автомобиль ускуналари ишлаб чиқарилиш модернизация қилинди;

– **Миробод туманидаги “Тошэлектроаппарат” МЧЖ ХКда 6,68 млн. АҚШ доллари** миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилди;

– **Мирзо Улуғбек туманидаги “НКТ Транс” МЧЖда 2,0 млн. АҚШ доллари** миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, бунинг натижасида полипропилен қоплари ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Шу тумандаги “Nika Pharm” корхонасида **1,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги** хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, фармацевтика маҳсулотлар ишлаб чиқариш йулга қўйилди;

– **Олмазор туманида “Nura Energo Jihoz Sanoat” МЧЖ ҚК 115,0 минг. АҚШ доллари** ҳажмидаги инвестициялар ўзлаштириш натижасида инновацион светодиодли лампалар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Тошкент шаҳрини 2017–2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ 2017 йилда жами **1930 та** лойиҳани амалга ошириш, ушбу мақсадда жами **3,7 трлн. сўмлик** ва **1,62 трлн. сўмлик** банк кредитларини жалб қилиш ва **27292 та** янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Шундан:

– **саноат йўналишида 870 та** лойиҳага **2,38 трлн. сўмлик** ва **972,0 млрд. сўмлик** банк кредитларини жалб қилиш ва **15134 та** янги иш ўрни ташкил этиш;

– **хизмат соҳасида 1060 та** лойиҳага **1,67 трлн. сўмлик** ва **654,3 млрд. сўмлик** банк кредитларини жалб қилиш ва **12158 та** иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Олиб борилаётган мониторинг натижаларига кўра жорий йил январь-июнь ойларида жами соҳалар кесимида қиймати **748,3 млрд. сўмлик** инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида **960 та** лойиҳа амалга оширилиши ва **9786 та** янги иш ўрини яратиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар жами қиймати **873,3млрд. сўмлик** инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига **1061 та** лойиҳалар амалга оширилди ва натижада **11319 та** янги иш ўрни яратилди.

Шундан,

Саноат соҳасида жами қиймати 421,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида **342 та** лойиҳа амалга оширилиши ва **4842 та** янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

2017 йил 1 июль ҳолатига қиймати **521 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши** эвазига **383 та** лойиҳа амалга оширилди ва **5425 та** янги иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида жами қиймати 326,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида **618 та** лойиҳа амалга ошириш ва **4944 та** янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

2017 йил 1 июль ҳолатига қиймати **351,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши** эвазига **678 та** лойиҳа амалга оширилди ва **5894 та** янги иш ўрни яратилди.

2017 йил режаси бўйича ушбу лойиҳалар доирасида **25,83 млн. АҚШ доллари** миқдорида маблағлар жалб этилиши белгиланган. 2017 йил январь-июнь оyi учун **12,28 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағ жалб қилиниши ва **6,63 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағ ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **5,0 млн. АҚШ доллари** (40,7%) миқдоридаги маблағ жалб қилинди.

2017 йилги Давлат инвестиция дастури доирасида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамкорлигида **“Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш”** лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати **92,251 млн. АҚШ долларини** ташкил этиб, шундан **69,0 млн. доллари** миқдори ОТБнинг маблағлари, **5,820 млн. АҚШ доллари** миқдори Ўзбекистон Республикаси улуши, **17,431 млн. АҚШ доллари** миқдори “Махсустрас” ДИЧБнинг маблағлари ҳисобланади. 2017 йил Инвестиция дастурига кўра **7,29 млн. АҚШ доллари** миқдорида маблағ жалб этилиши ва **4,86 млн. доллар** миқдорида ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар январь-июнь ойларида мос равишда, **4,8 млн. АҚШ доллари** ва **4,15 млн. АҚШ доллари** белгиланган, ҳақиқатда **4,75 (98,9%) млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағ жалб қилинди ҳамда **4,5 (108,4%) млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

Инвестиция дастури доирасида **“Бектемир металконструкциялари”** кўшма корхонасида цинкланган ташки ёритгич устунлари ва йўл тўсиқларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича **“Yadrock Development L.P”** (Шотландия) компанияси билан ҳамкорликда қурилиш ишлари якунланиб, жорий йилнинг апрель ойида тест синовидида ишга тушди. Лойиҳанинг умумий қиймати **40,2 млн. АҚШ долларини** ташкил этиб, шундан **23,5 млн. АҚШ доллари** тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келади. Лойиҳа доирасида 2017 йил январь-июнь ойлари учун **2,0 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағ ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **7,31 млн. АҚШ доллари** (3,6 марта кўп) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги ПП-2874-сонли қарори асосида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига **“Тошкент металл заводи”** лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати **317,2 млн. АҚШ долларини** ташкил этади. Шундан **112,97 млн. АҚШ доллари** миқдори корхонанинг ўз маблағлари, **91,71 млн. АҚШ доллари** тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига, **112,52 млн. АҚШ доллари** Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келади. Лойиҳа доирасида 2017 йил январь-июнь ойларида учун **34,884 млн. АҚШ доллари** ҳажмидаги маблағлар жалб қилинган ва **0,414 млн. АҚШ доллари** ҳажмидаги маблағ ўзлаштирилган.

14.6. 2017 йил I чораги якуни бўйича асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

2017 йил I чорақда Тошкент шаҳрининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 фоизга ўсди.

- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 111,0 фоизга;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 106,8 фоизга;
- асосий капиталга инвестициялар ҳажми 115,6 фоизга;

- пудрат курилиш ишлари ҳажми 109,8 фоизга;
- чакана савдо айланмаси ҳажми 110,6 фоизга;
- жами хизматлар ҳажми 113,3 фоизга иқтисодий ўсишга эришилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 60,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 фоиз бандга ортган, хизматлар соҳасининг улуши эса 61,6 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш натижасида ҳисобот даврида 2944 та янги тадбиркорлик корхоналари ташкил этилди. Соҳа вакилларига тижорат банклари томонидан 2,6 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 53,7 млн. долларга тенг маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди. 2017 йил 1-чорада 180 дан ортик янги ҳудудий корхоналар экспорт фаолиятига жалб этилди.

Иқтисодиётнинг изчил ривожланишига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ҳудудий инвестиция дастурларининг амалга оширилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

“Тошкент шаҳрида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га асосан 2017 йил январь-март ойларида амалда 13297 иш ўринлари ташкил этилиб, белгиланган режа кўрсаткичлари 103,4 фоизга бажарилган.

14.7. Тошкент шаҳрининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Тошкент мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринни эга. Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 18,1 фоизи, саноат ишлаб чиқаришнинг 17,7 фоизи, инвестицияларнинг 20,1 фоизи, савдо айланмасининг 21,4 фоизи, хизматларнинг 31,7 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 36,2 фоизи, экспортнинг 24,2 фоизи пойтахт ҳиссасига тўғри келади.


Ялпи ҳудудий маҳсулот	81,9	18,1
Саноат маҳсулоти	82,3	17,7
Истеъмол товарлари	79,0	21,0
Инвестициялар	79,9	20,1
Қурилиш ишлари	82,6	17,4
Хизматлар - жами	68,3	31,7
Чакана савдо айланмаси	78,6	21,4
Экспорт	75,8	24,2

■ Республиканинг бошқа ҳудудлари ■ Тошкент шаҳри

14.7.1-расм. Тошкент шаҳри иқтисодиётининг мамлакат иқтисодиётида улуши, фоизда


14.8. Корхона ва ташкилотлар

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига иктисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 58539 тага етди. Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,4 фоизи хусусий корхоналар, 5,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келади.



14.8.1-расм. Корхоналарнинг иктисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти, (бирлик).

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми саноат (19,9 фоиз), савдо (19,2 фоиз), яшаш ва овқатланиш (7,5 фоиз), қурилиш (6,8 фоиз) ва бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади.




14.8.2-расм. Корхона ва ташкилотлар сони ўсиши, (бирлик).


14.9. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш

Пойтахт иктисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланмиш саноатнинг ўрни ҳар доимгидек салмоқли бўлиб қолмоқда. Шаҳарда жами 65 та йирик саноат корхонаси мавжуд бўлиб, улар нафақат шунчаки катта қувватга эга, балки деярли барча саноат соҳалари – оғир саноат, машинасозликдан тортиб, то енгил, озиқ-овқат саноати, юқори технологик илмий кашфиётлар йўлидаги ишлаб чиқаришдек ноёб саноат тармоқларига тегишлидир. Айниқса,

кейинги уч йилда саноатда юкори ўсиш суръатлари таъминланиб, ушбу даврда маҳсулот ишлаб чиқариш деярли 1,5 баробар ортган.




14.9.1-расм. Саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фоизда



14.9.2-расм. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмида тармоқлар улуши, фоизда

14.10. Товар ва хизматлар бозори

Товарлар бозори. Барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётгани, аҳоли даромадларининг изчил ошиб бориши савдо фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, чакана савдо айланмасининг йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.



14.10.1-расм. Чакана савдо айланмасининг ўсиши, фоизда

Хизмат кўрсатиш. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар натижасида 2017 йил 1-чорада ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатилган жами хизматлар 13,3 фоизга ортган.




14.10.2-расм. Хизматлар тузилмаси

Молия, алоқа ва ахборот, яшаш ва овқатланиш хизматлари, компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш хизмати, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар, шунингдек ижтимоий муҳим аҳамиятга эга – соғлиқни сақлаш хизматлари юқори суръатлар билан ўсмоқда. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг 61,6 фоиз даражасида таъминланишига замин бўлди. Фақат 2017 йил 1-чорагининг ўзида 851 та савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш бўйича юридик шахслар ташкил этилди.

14.11. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

Кичик бизнес субъектлари сони ўсиши. Кейинги даврларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг ўзгаришларга тез мослашувчан соҳаси сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган


карорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатлари камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизими жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони жадал ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда.



14.11.1-расм. Кичик бизнес субъектлари сони ортиши, (бирлик).

Бугунги кунда шаҳарда 49582 та кичик бизнес субъекти (юридик шахс) ва 27,0 мингта хусусий тадбиркор фаолият юритмоқда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 10–11 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилмоқда. Шаҳар корхоналарининг деярли 84,7 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда улар томонидан қурилиш моллари, мебель, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун технологик ускуналар, электротехник ва электрон буюмлар, Автомобиль лар учун бутловчи қисмлар, мураккаб маиший техника, дори-дармон воситалари, тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.


Тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектлари. Кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида мавжуд. Уларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (67,6 фоиз), саноат (23,3 фоиз) ва қурилиш (8,0 фоиз) соҳаларида фаолият юритмоқда.




14.11.2-расм. Тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектлари сони, фоизда

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ортиб

бормокда. Хусусан, мазкур соха вакилларининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 58,9 фоизга, жорий йилнинг 1-чорагида 60,8 фоизга етди. Кичик бизнес субъектлари ҳиссасига саноат маҳсулотининг 67,4 фоизи, қурилиш ишларининг 77,2 фоизи, чакана савдо айланмасининг 78,8 фоизи, экспортнинг 17,2 фоизи тўғри келди. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар бутунги кунда 653,7 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминламоқда.



14.11.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМдаги улуши, фоизда



14.11.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги улуши, фоизда

14.12. Ижодий ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар

Аҳоли ва жойлардаги масъуллар билан ўтказилган суҳбатларда кўтарилган энг мухим муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

2017 йил январь-июнь ойлари режалари бажарилмаганлигига қуйидаги муаммолар сабаб бўлмоқда:

– “Тошкент шахрининг ташқи ёритиш тизимида энергоэфектив технологияларни татбиқ этиш” лойиҳаси доирасида ўтказилган халқаро тендер савдоларида маҳаллий ишлаб чиқарувчи “Toshelectroapparar” ғолиб деб топилган бўлиб, ишлаб чиқарувчига лойиҳа доирасида бутловчи қисмларни импорт қилиш учун божхона имтиёзлари тақдим этилмаганлиги;

– Яшнобод (76,7%) ва Мирзо Улуғбек (97,2%) туманларида 2017 йил январь-июнь ойларида инвестиция лойиҳаларининг прогноз кўрсаткичлари белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ амалга оширилмаганлиги сабабли бажарилмаганлиги;

– хорижий инвестицияларни жалб этиш ишлари, жумладан хорижий ҳамкорларни излаш, улар билан ҳамкорлик ўрнатиш, туманларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ишларининг сустлиги сабабли жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажмини прогноз кўрсаткичларидан анчагина пастлиги (46,6%);

– Тошкент шаҳрида маҳаллийлаштириш дастури бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли 11 та корхонада 11 та лойиҳалар бажарилмаганлиги;

– Яккасарой (36,9%) туманида экспорт бўйича чораларнинг ўз вақтида кўрилмаганлиги, экспорт қилувчи корхоналар сонини камлиги сабабли прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаганлиги;

– Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига тушумлар 8 та туман, яъни Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Яккасарой. Яшнобод туманларида ўз вақтида ва тўлиқ туширилмаганлиги;

– Бектемир туманида 2017 йил 1 июль ҳолатига банк кассаларига тушадиган нақд пул тушумлари режаси бажарилмаганлиги;

– Тошкент шаҳри бўйича 17 та зарар билан ишловчи корхоналар мавжудлиги (кўрилган зарар 641,5 млрд. сўм);

– Тошкент шаҳри бўйича дебиторлик қарздорлик (35,9 трлн. сўм) мавжудлиги;

– 2017 йил 1-ярим йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши камайганлиги (-2,1%);

– ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолган;

– қиш мавсумида иссиқ сув ва электр таъминотини яхшилаш керак. Узилишларни камайтириш лозим. Олдиндан тўлов асосида ишловчи замонавий пластикли электр ўлчагичларга ўтишни йўлга қўйиш керак;

– сифатли асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари сотувчилари маданиятини яхшилаш ҳамда нархларнинг давлат назоратини кучайтириш лозим;

– транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш учун транспортларга терминал ўрнатиш ҳамда автотураргоҳ жойларини ташкил этиш лозим;

– микрокредитлар олиш мумкин, аммо улардан мақсадли фойдаланиш бўйича фуқароларда аниқ ва пухта бизнес режалар мавжуд эмас.

– савдо нуқталарида терминал этишмайди, савдо марказлари ва бозорларда банкоматлар ўрнатилмаган, инфокиосклар йўқ;

– темир йўл вокзали худудида замонавий меҳмонхона, ювиниш жойлари ва бино архитектура қиёфаси ва худудини тўлиқ ободонлаштириш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрининг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

- инвестиция лойиҳаларини бажариш бўйича имтиёзларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда манзилли тақдим этиш зарур;

- пойтахт туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, уларнинг ички имкониятларини кидириш ва инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни янада яхшилаш:

- саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида кичик бизнес субъектларига қўшимча имтиёзлар бериш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

- банк кассаларига тушадиган нақд пул тушумлари режаси бажарилиши бўйича қатъий интизомий чоралар ва рағбатлантишни назарда тутувчи механизм ишлаб чиқиш;

- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни кескин кўпайтириш;

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим қилинган рўйхат асосида имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетга тушумлар тўлиқ ҳажмда туширишга хизмат қилувчи аниқ механизм ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш;

- туманларнинг тасдиқланган чора-тадбирлар комплексига мувофиқ тегишли тадбирларни амалга ошириб, маҳаллий бюджет тушумларини кўпайтиришни таъминлаш;

- маҳаллийлаштириш дастури бўйича бажарилмаган ва муаммолар юзага келган лойиҳалар бўйича тез ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- экспорт қилиш бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда корхоналарга ўз вақтида амалий ва молиявий қўмаклашиш;

- экспортчи корхоналар фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- 2016/2017 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Туманларда меҳнат ярмаркалари, жумладан, доимий фаолият юритувчи электрон меҳнат ярмаркаларини алоҳида веб-сайт орқали ташкил этиш.

Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳаларини қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:

Савдо, транспорт хизматлари тизимида норасмий секторнинг улуши ханузгача юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу секторда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини расмий секторга ўтказиш бўйича назоратни тизимли равишда кучайтириш лозим. Бу ўз навбатида хизматлар соҳасида яратилаётган қўшилган қиймат ҳисобига бюджетнинг потенциал даромад манбаини шакллантириб берса, иккинчи томондан вилоятдаги нақд пул тушумини ошириш имкониятларини шакллантиради.

Инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан қўмаклашиш, бунда биринчи навбатда ахборот-тижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳукукий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Бунда аҳолининг янги хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини кондириш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг улушини янада орттириш имкониятлари шакллантирилади.

Ўзини-ўзи самарали бошқариш учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар етказиш, суғурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шакли механизминини жорий этиш, технологик ускуналарни лизингга бериш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Худуд иктисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника-технологиялар жорий қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда экспорт операцияларини соддалаштириш;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иктисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятини яратиш;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базасини янгилаш, замонавий техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

бешинчидан, вилоятнинг табиий ресурсларга бойлигини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишловчи корхоналар барпо этиш.

мавжуд тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида яқин ва ўрта истикболда қуйидаги йўналишда ислохотларни жадаллаштириш зарур:

1. Кредит рискларини бошқариш ва назорат тизимини янада кучайтириш. Банклар миқдорларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш тадбирларини давом эттириш. банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизими устидан адекват назорат тизимини янада кучайтириш даркор.

2. Тижорат банклари ресурс салоҳиятини миқдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш мақсадида депозит ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

3. Банкларнинг кредит операцияларида асосий эътиборни иктисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган қийматли инновацион лойиҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион кредитлаш сиёсатига қаратиш лозим.

4. Тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатадиган молиявий хизматлар доирасини янада кенгайтириш. Нақд пул тушуми устидан назоратни кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Таҳлиллар натижаси кўрсатқомдаки, кейинги йилларда худудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда нисбатан пасайиш кузатилмоқда. Бу албатта, жаҳон хўжалигида инкирознинг навбатдаги тўлқини нағижасида халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ муаммолар таъсир этган. Лекин таъкидлаш жоизки, ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар иктисодиётидаги даврий тавсифдаги инкирозли ҳолатлар ижтимоий, иктисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор таракқий этиб бораётган мамлакатимиз иктисодиётига мавжуд халқаро инвестицияларни жалб қилиш бўйича муқобил имкониятларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам, маҳаллий ҳокимият органларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича худудлар фаоллигини оширишга доир чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бажарилишининг катъий назоратини амалга ошириш зарур.

**Йиғма тахлилий материал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг
“Буюк келажатга мизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” номли
китобида жамланган ушбу нутқлардан фойдаланган ҳолда яратилган:**

1. Замон билан ҳамнафас диёр (Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
2. Олтин водий дурдонаси (Фарғона вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
3. Гўзал ва бетакрор ўлка (Наманган вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
4. Мамлакатимизнинг жавоҳир хазинаси (Навоий вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
5. Илми маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик билан ном қозонган халқ (Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
6. Самарқанд – Ер юзининг сайқали (Самарқанд вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
7. Юрагимга, қалбимга яқин инсонлар (Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
8. Оққан дарё асло тўхтамас (Хоразм вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
9. Оқ кўнгил, орийтли ва меҳнатқаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
10. Ҳар қандай синовларни енгишга қодир халқ (Қашқадарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
11. “Шундай ўлка доим бор бўлсин!” (Жиззах вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
12. Сахро бағрида мўъжизалар яратаётган эл (Сирдарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
13. Юксак таърифларга муносиб замин (Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)
14. Тошкент – барчамиз учун онадек улуғ ва мўътабардир (Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ)

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Қорақалпоғистон Республикаси	5
Андижон вилояти	22
Бухоро вилояти	45
Жиззах вилояти	73
Қашқадарё вилояти	98
Навоий вилояти	118
Наманган вилояти	145
Самарқанд вилояти	167
Сурхондарё вилояти	193
Сирдарё вилояти	224
Тошкент вилояти	248
Фарғона вилояти	270
Хоразм вилояти	286
Тошкент шаҳри	309

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий
ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича**

ЙИҒМА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛ

Муҳаррир: **А. Абдужалилов**
Нашр учун масъул: **А. Тилавов**
Техник муҳаррир: **Ю. Ўринов**
Саҳифаловчи: **Н. Мухамедова**

Наш.лиц. № А1 245, 02.10.2013.

Теришга 03.10.2017 йилда топширилди. Босишга 13.11.2017 йилда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 ¹/₈. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 38.13. Нашр б.т. 41.
Адади: 1100 нусха. Буюртма №150. Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмаҳонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100-уй.
Телефон: (0 371) 228-07-96, факс: (0 371) 228-07-95

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Манзил: 100003, Тошкент шаҳар,
Ислом Каримов кўчаси, 49-уй

ISBN 978-9943-4417-0-5



9789943441705